



М. Горький

ЭКСАДРАД

М. ГОРЬКИЙ

АСАРЛАР

ЎН ТОМЛИК



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ВА САНЪАТ
НАШРИЕТИ

Тошкент — 1977.

25

М. ГОРЬКИЙ

АСАРЛАР

IX
ТОМ

КЛИМ САМГИННИНГ ҲАЕТИ

(Қирқ йил)

ПОВЕСТЬ

ТУРТИНЧИ ҚИСМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ВА САЊАТ
НАШРИЕТИ
Тошкент — 1977.

Редколлегия:

К. ЯШИН, Ҳ. ФУЛОМ, А. МУХТОР, Л. ҚАЮМОВ

ҲИБЗИДДИН МУҲАММАДХОНОВ

таржимаси



© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й.
(тарж.)

Берлин уни совуққина кутиб олди: Петербургдан унга яхши таниш бўлган кўнгилга гашлик солувчи ёмғир севаларди, вокзал ҳаммоллари иш ташлагандилар. Шунинг учун у икки оғир чамадонини ўзи кўтаришга мажбур бўлди, тажанг одамларга қоришиб, ер остидаги йўлакдан ўтиб, улар билан бирга зинапоядан юқорига кўтарилди. Аксарияти новча, семиз бу одамлар нолиб, жавраб борар, қўлларидаги юклари билан тап тортмай бир-бирларини туртишар ва чамаси, узр ҳам сўрамас эдилар. Самгиннинг олдида, унинг йўлини тўсиб, ҳарбийча ҳадис кўрган, овчилар кийинмидаги икки киши борарди, бошларидаги доира шаклидаги шляпаларининг лентаси орасига аллақандай қуш патлари суқиб қўйилганди. Ҳаммоллардан хуноб бўлган кишиларни кулдирмоқ ниятида бўлса керак, улар кичкина бир саватчани таёққа илиб, гўё оғир юкни кўтариб кетаётгандай инқиллаб-синқиллаб борардилар. Фақат баланд бўйли, қотма бир хотингина куларди, елкасидан тиззасигача хилма-хил қоғоз халталар осилган бу хотиннинг бир қўлида чамадон, бир қўлида қутича бор эди; хотин ўлганининг кунидан зўрма-зўракилик билан қиқиллаб куларди; қийнала-қийнала юрар эди, негаки бошқалардан кўра кўпроқ туртишар эди уни, хотин кулгидан ўзини тўхтатиб, ташвиш билан ҳазилкашларга қичқирарди:

— Вой худойим-э! Шиша бор у ерда! Рихард, у ерда ваза бор ахир...

Вокзал олдидаги майдонда биронта ҳам извош йўқ эди. Яхшигина кийинган одамлар, севалаб турган ёмғирни пивсанд қилмай, ҳўл тош кўчадан қовоқларини солиб, чурқ

этмай боришарди. Ёмғир аллақандай майин ёгаётганди, унинг тошлар устига тушаётгани сира эшитилмасди, лекин тарновлардан оқиб тушаётган сувнинг бир маромда шилдираши ва зарда билан ташланаётган қадамларнинг тап-тапи аниқ эшитилиб турарди. Баҳайбат бинолар зич саф тортганди, бинолар зах тортиб занглаган темир тусига кирганди. Самгин совуқ суяк-суягидан ўтиб, бутун танасига ёйилаётганини сезиб, чамадонларини ерга қўйди-да, шляпасини бошидан олиб пешана терини сидирди ва ўзига-ўзи эслатди:

«Ҳамма нарсанинг чораси бор».

Унинг орқасидан оқ мўйловли, чарм фуражкали, ҳаво ранг блузаси тиззасигача тушган, кўкрагига мис нишона тақиб олган, каттакон бошмоқ кийган калтабақай бир одам чиқиб келди.

— Шу ўртадаги меҳмонхонага элтиб қўйинг, икки марка бераман, — деб таклиф қилди унга Самгин.

Ҳаммол унга боқмасдан:— Бўлмайди, — деди-да, елкасини бир силкиб, уни итариб юборгандай бўлди.

«Пролетарлар бирдамлигим бу ёки — ўртоқларининг даккисидан қўрқдимикан?»— деб истеҳзо билан ўйлади Самгин, ҳаммол эса бир кўзи билан унинг юзига қия боқиб, ияги билан уйлاردан бирига ишора қилди-да, бақирганича:

— Ҳу, анави ерда Бальц пансион бор, — деди.

Самгин миннатдорлик билдиришни ҳам унутиб, чамадонларини кўтарганча ёмғирда бораверди, у орадан бир соатча ўтгандан кейин ванна қабул қилиб, қаҳва ичиб, кичкина бир хонанинг деразаси олдида ўтирар экан, пансион соҳибаси билан қандай танишганини хаёлидан ўтказди. Тўқ сариқ кўйлак кийиб, кул ранг фартук тутган, бурни устига кўзойнак қўндирган, тарвуздек юм-юмалоқ бу хотиннинг қирмизи ёноқлари икки томондан бурнини сиқиб турарди.

У ҳаммадан аввал:

— Мабодо яҳудий эмасмисиз?— деб сўради.

Хотин тез ва чаққон ваннани ўзи ҳозирлади, қаҳва келтирди. У забастовканинг жиянига иш бермасликка мажбур бўлгани сабабини айтди. Сўнгра, кўзойнак орқали сира истиҳола қилмай меҳмонга тикилиб: «Россияда нималар бўляпти?»— деб сўради. Самгин немис тилини қанчалик билишлигини синовдан ўтказиб, қисқа, аммо бажону дил жавоб берди ва чегарадан ўтиб олгач, биронта эшикни қаттиқ ёпиб, қисқа фурсат бўлса-да, қани энди ватаннинг

говур-гувурини эшитмасам ва уни унутиб қўя қолсам, деб ўйлаган эди. Пансион соҳибаси эса бир одам билан эмас, балки кўпчилик билан гаплашаётгандек, шанғиллаб қатъият-ла сўзларди:

— Бебелнинг макони рейхстагда эмас, балки ўзи ётиб чиққан қамоқхонададир. Уни яҳудий эмас, дейишса-да, барибир у ҳам социалист.

Самгин кулимсираб туриб:— Сиз бутун яҳудийларни— ҳатто давлатманд яҳудийларни ҳам социалистлар деб ўйлайсизми?— деб сўради.

— Албатта!— зарда билан қичқирди аёл. — Евгений Рихтернинг нутқларини ўқинг. Социалистлар Германиянинг қонуний эгаларини талаб, уларни юртидан қувмоқчи бўлган одамлардир, буни фақат яҳудийлар исташи мумкин, холос. Ҳа, ҳа — Рихтерни ўқинг, у соғлом немис дошизмандидир.

Энди у, худди товуқ қанотини силкигандек, тирсакларини силкита-силкита томоғи қирилгудек бўлиб сўзини давом эттирди:

— Германия революцияга йўл қўймайди, у сизларнинг бахтсиз Россиянгиздан намуна олмайди. Германиянинг ўзи бутун Европа учун намунадир. Бизнинг кайзер худди Буюк Фридрих каби бир даҳодир, у тарих кўпдан бери орзу қилган императордир. Эрим Мориц Бальц ҳамиша менга: «Лизбет, сен бутун Европани немислар қаршисида тиз чўктирадиган император замонида яшаётганинг учун худого шукур қил...» дерди.

Хотин шу қадар семиз ва юмшоққина эдики, унинг ўнг ёқ думбаси худди пуфак сингари стулдан осилиб турарди, унинг кўкраклари билан қорни ҳам шунақа пуфаклар каби қаппайиб турарди. Хотин ўрнидан турганда эса пуфаклар йўқ бўлиб қоларди, чунки унинг шаклини бузмаган ҳолда битта яхлит пуфакка айланарди. Бу пуфакнинг юқори қисмида ёрилган қирмизи чипқон бўлиб, сўзлар шу чипқоннинг ёриқ жойидан оқиб чиқаётган эди. Лекин хотиннинг ташқи кўриниши хунук бўлса-да, Самгин унинг қиёфасидан эътиборга лойиқ аллақандай бир нарса топди ва хотин лўмбиллаб ичкаридан чиққанида:

«Шу касбдаги рус аёли бунақа масалалар тўғрисида фикр юритмайди...» деб ўйлади.

Ёмғир тинди, кўчани бўз туман қоплади, паровозлар пишқирар, темирларнинг қасир-қусури дераза ойналарини дириллатарди, «Симплициссимус»да тасвирлангани каби

ҳаво ранг блуза, бошига кулгили қалпоқ кийган, бир-бирларига ўхшаш калтабақай ишчилар тўрт қаватли бинонинг ҳавозасини йиғиштириб олаётган эдилар. Самгин деразага боққанча папирос чекар ва майда-чуйда фикрларнинг ёқимсиз сасига қулоқ солар экан, ўзини лирик бир кайфиятда сезарди.

«Менинг ҳаётим — монологдир; аммо мен диалог-ла ўйлайман, ҳамиша кимгадир бир нарсани исботлаганим исботлаган. Гўё ичимда менга душман бўлган ёт бир одам яшайди, у менинг ҳар бир фикримни кузатиб боради, мен ундан қўрқаман. Сўзсиз ўйлай оладиган одамлар борми? Балки созандалар шунақа одамлардир... Чарчабман. Жуда тийрак бўлиш ҳам одамнинг ўзига бир бало экан. Ғайри ихтиёрий равишда ярамас, бемаъни нарсаларни ҳаддан ташқари кўп ўзингга олаверасан».

Самгин кўзларини юмган эди, қоронғиликда аёл кишининг сарвдек ялангоч, пушти ранг танаси намоён бўлди.

«Агар мен уни севиб қолсам, у мендаги жамики нарсаларни вужудимдан сиқиб чиқарган бўларди. Хўш, қанақа жамики нарсаларни? У мени бедаво доно деб атаган, менга ўхшашларни дунёнинг иллоти, деган бўларди. Бу нотўғри. Тўғри эмас. Мен китоб ошиғи, догматик эмасман, насихатгўй ҳам эмасман. Мен кўп нарсани биламан, аммо бошқаларга ўргатишга ҳаракат қилмайман. Фикр ва тасаввурнинг эркин камолини ҳар доим чеклайдиган назарияларни ўйлаб топмайман».

Шу вақт яқин кунларда ўқигани бошқаларнинг фикрлари хира пашшадек унга ёпирилди: «Охирги, энг сўнги озодлик», «Ёлғондакам билармонлик фожиаси», «Билимнинг ўзига бино қўйган Нарцисс каби соддалиги» — тобора кўпроқ шундай сўзлар унинг эсига тушар ва назарида бу сўзлар ундан хорижда, хона ичида шивир-шивир эшитилаётганди.

У чамадонидан бир нечта китоб олди, бу китоблардан бирининг муқаддимасида ёзилган манави сўзларга кўзи тушди: «Биз барча динларни, барча мистик таълимотларни қабул қилаверамиз, фақат воқеликдан йироқлашсак бас».

«Агар бу қуруқ вазоҳат бўлмаса, демак умидсизликдир», — деб ўйлади у.

Деразани яна ёмғир тақирлатди, ташқарида шамолнинг гувиллаётгани эшитилиб турарди. Самгин Миропольскийнинг поэмасини ўқий бошлади.

Бадиний адабиёт ўқимоқ, тамаки чекиш каби, унинг энг зарурий эҳтиёжи эди. Китоблар унинг сўз бойлигини оширарди, у сўз бирикмаларининг ихчамлиги ва оҳангдорлигини қадрлай олар, турли хил муаллифларнинг айна бир хил фикрга сўзларни турлича либосга ўрашларидан завқланарди ва бир-бири билан чиқишмайдиган бўлиб кўринган одамларда умумий жиҳатларни ахтариб топиш унга хуш ёқар эди. Леонид Андреевнинг охирида ҳамиша юракни сиқадиган, бўри увлашига айланиб кетадиган мушук хуриллаши тўғрисидаги таъриф-тавсифини ўқиганида, Гончаровнинг дўриллаб жавраганини мамнуният билан эсларди:

«Ваҳшийлик ва улуғворликнинг нима ҳожати бор? Масалан, денгизни олайлик. У инсонга ғамгинлик бағишлайди, холос, унга боққанда одамнинг йиғлагиси келади. Пўртаналар наъраси ва гулдураклари ожиз қулоқларни эркаламагай, улар дунё яралганидан бери ғамгин ва англашилмас бир мазмундаги бир хил қўшиқни такрорлагани такрорлаган».

Бу сўзлар Тютчевнинг: «Тун шамоли, надир бу фарёд?» деган ҳаяжонли сўроғи билан унинг манави ноласини эсга соларди:

О, даҳшатли қўшиқлар куйламагин, бас,
Ломакон қўшиқларин...¹

Гончаров яна ёдига тушди: «Табиатнинг бу фарёди қаршисида йиртқич ҳайвоннинг наъраси кучсиз, инсон овози ҳеч гап эмас, инсоннинг ўзи ҳам шу қадар кичик ва заифдир...»

Сўнгра ҳофизаси Байроннинг «Зулмат»ини, Шеллининг «Озимандия»сини, Эдгар По, Мюссе, Бодлернинг шеърларини, Сологубнинг «Оловли давра»сини ва шу руҳдаги бошқа кўп асарларни — бир вақтлар ўқилиб, баъзи-баъзида тилга олмоқ учун хотирада қолган жамики нарсаларни эсига солди.

Лекин табиатнинг даҳшатли кучи қаршисида, ўлим ҳукми қаршисида инсоннинг ожизлиги тўғрисидаги гаплар Самгиннинг кайфиятини бузмади, у билардики, агар бу гапларнинг муаллифлари жисмоний жиҳатдан бардам бўлсалар, ёзганлари уларнинг яшашларига кўпда малол кел-

¹ Шеърларни шоир Муҳаммад Али таржима қилган.

тирмайди. У билардики, Артур Шопенгауэр 72 йил умр кўриб, пессимизм диний кайфият асоси эканлигини исботлаб, охирида «ақлнинг тимсоли ҳисобланган дунё тўғрисидаги унчалик дилхуш бўлмаган ўзининг фалсафаси XIX асрнинг энг яхши ижоди» эканлигига ишонган ҳолда осуда оламдан ўтди.

Диний кайфиятлар ва метафизикага оид масалалар ҳеч бир вақт Самгинни ҳаяжонлантирмасди, чунки у Достоевский билан Лев Толстойнинг диний фикрлари ўз кескинлигини тезда йўқотганини, Мережковскийнинг янглиш сафсатаси савияси даражасига тушиб қолганини, ярим нигилист Владимир Соловьёвнинг совуқ сўзларига кўмилиб эҳтиросдан маҳрум бўлганини, ҳиссиётли Василий Розановнинг айёрона фикрлари билан қоришиб айниб кетганини ва символистларнинг асарларидаги туманга фарқ бўлиб, йўққа чиққанини кўрарди.

Достоевскийни у оз-оздан, ўшанда ҳам ўзини зўрлаб ўқир ва жуда оригинал бу санъаткор инсонларни энг воқиф тарзда, далил-исботлар билан ва оқилона бир йўсинда камситишини кўриб турарди. Ҳаётдаги разолат устидан Чеховнинг мотамсаро ва ожизона истеҳзо билан кулиши унга хуш ёқарди. Кўп вақт китоблар унга инсонларни турмуш икир-чикирлари, ақл ва ҳис зиддиятлари, нафсониятнинг қабиҳ ўзишувлари орасида ўралашиб қолган аянч бир аҳволда кўрсатарди. Хуллас, бадий адабиёт унинг қаршисида ақллигина, баъзан эса — дилкаш суҳбатдош эди, — шундай бир суҳбатдош эдики, у билан индамай баҳслашиш, индамай унинг устидан кулиш ва унга инонмаслик мумкин эди.

Деразадан кўринган уйларнинг нам деворларида қуёшнинг сарғимтил шарпалари ўйнарди. Самгин қўлидаги ғалати китобчани стол устига улоқтириб, шоша-пиша кийинди-да, кўчага чиқди ва унга айниқса қаттиқ кўринган йўлкадан борар экан, шаҳарда ҳарбийларнинг кўплигини кўриб Берлинни Петербургга ўхшатди, сўнгра, Берлиндаги офицерлар Петербургдагига қараганда анча гердайдан экан, деган фикрга келди ва бунинг қайта-қайта қайд этилганлигини эслади. У савдо расталари жойлашган кўчалардан, худди бир чуқур зовур тубидан бораётгандек ўтиб борар, икки қатор баҳайбат бинолар унинг қаршисида намоён бўлар, магазинларнинг очиқ эшигидан тери, ёғ, тамаки, гўшт, зираворларнинг ҳиди анқиб турарди, магазинларда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор ва ҳамма нарса

одамнинг гашини келтирадиган даражада бир хил эди. Лютовнинг манави сўзлари Самгиннинг эсига тушди:

«Германия — аввало Пруссиядир. Ашаддий пивоҳўрларнинг энг юксак маданият ўчоғидир. Парижда Нотр-Дам билан Тур-Эйфель минорасини таққослаганда, тарихнинг киноясини, Мопассаннинг ҳасратини, Бодлернинг нафратини, Анатолий Франсининг нозик истеҳзосини тушунасан. Берлинда ҳеч нарса тушуниш шарт эмас, рейхстаг биноси билан Галаба Хиёбонининг ўзи ҳамма нарса очиқ-ойдин айтиб турибди. Қум устига қурилган Пруссия пойтахти Германиянинг биқинида пайдо бўлган шишга, унинг жигаридаги тошга ўхшаш бир нарса...»

Кул ранг булутлардан яна севалаб ёмғир ёға бошлади. Самгин извош кира қилиб меҳмонхонага қайтди. Оқшом театрда Ведекин дьесасини қандай ижро этганларини кўриб диққат бўлди, эртаси куни эса, эрталабдан кечгача гоҳ пиёда, гоҳ файтонда шаҳар кезди, уни томоша қилди, кейин бир кунга Потсдамга борди. Берлин ҳақида эшитган-билган салбий фикрларга у ўзидан ҳеч нарса қўша олмади. Ҳа, Берлин оғир, одам зерикадиган шаҳар, бу ердаги шаҳар биноларида ҳам, одамларида ҳам кишига малол келадиган аллақандай кескин бир ҳолат сезиларди. Йўғон, дуркун гишт терувчилар ва дурадгорлар бир-бирлари билан гаплашмасдан, хўмрайишиб, ғайри шуурий бир тарзда ишлашарди. Ҳарбийлар каби улар ҳам кўкракдор, юзлари сўррайган эди. Шаҳарда семиз одам кўп. Самгин музейларни томоша қилиб, жўнаб кетмоқчи бўлди.

Мана, у живопись музейида.

Ҳавоси оғир, иссиқ ва намхуш кўчалардан кейин одамсиз, салқин залларда томоша қилиш унга хуш ёқаётганди. Живопись Самгинни у қадар қизиқтирмас эди. Унинг фикрича, ҳар бир маданий одам музей ва виставкаларга бориб туриши керак, чунки бу суҳбат учун янги-янги мавзу беради. У расмларни китоб ўқигандек ўқир ва бу рассом асарининг оҳорини тўкишлигини кўриб турарди.

Самгин хотинлар бадани тасвирланган расмлар қаршисида бир дақиқа тўхтар экан, Марина тўғрисида ўйлаб кетди.

«У булардан кўра гўзалроқ».

Самгин Марина тўғрисида негадир адоват билан ўйлади, балки бу борада санъатнинг воқеликдан устун турмаслиги унда таассуф туғдираётганди. Манзара тасвирида эса санъат деярли ҳаминша жонли табиатдан юксак турарди. Самгин сокин ва майин табиат лавҳаларининг ёқимли ва

романтик тасвирини маишат жанридан афзал кўрарди. Унда табиатига ёт бўлган ёқимли гамгин бир кайфият туғдирадиган нарса ана шу табиат тасвирлари эмасмикан? У улкан залдаги диванда омонатгина ўтириб, ҳорғин кўзларини юмди-да, фикрга чўмди: ўтмишнинг юзларча ана шу ранго-ранг обидаларини нимага ўхшатса бўлади. Шу топда Тютчевнинг мунгли сатрлари эсига тушди:

...Жаннатий макон,

Еп-ёруғ соялар, тинч ва беозор,

На жўшиб кўпириб турган бу замон,

На шодлик, на гамга боғлиқлиги бор...

Самгин ўрнидан турди-да, шеърни ҳаяжон билан такрорлай-такрорлай қорамтир бир квадрат қаршисида тўхтади, бу квадратда ғаройиб фантастик шакллар тартибсиз ҳолда айқаш-уйқаш чапиб ташланган эди: инсонга хос белгилар қуш ва ваҳший ҳайвонга хос белгилар билан қўшилишиб кетган, юз-кўзи бўлган учбурчак шакли икки оёқ устида юрарди. Рассомнинг ўзбошимчалиги мавжуд ҳар бир нарсани парча-парча қилиб, қисмларга ажратиб ташлаган, сўнгра эса ана шу қисмларни кулгили бир тарзда бўлмағур, хунук бир шаклда қўполдан-қўпол бирлаштирган эди. Самгин сурат қаршисида уч дақиқача тўхтаб турди-да, бу асар рассомнинг ишини такрорлаш,— унинг шакларини янгидан қисмларга ажратиб ташлаб, яна уларни бирлаштириш, лекин энди Самгиннинг ўзи хоҳлаган тарзда бирлаштириш истагини туғдирганини сизди. Самгин бу истагини қайтариб, ҳайрон бўлганча суратдан узоқлашди, аммо авторнинг номини билмоқчи бўлиб ўша ондаёқ орқасига қайтди. У хирагина мис лавҳачада ёзилган «Иероним Босх» сўзларини ўқиди ва яна иккита кичкина, аммо боягича ғаройиб суратни кўрди. Самгин креслога ўтирди-да, гўё расм санъати тушунчаси билан сиғишмайдиган бир асарни кўздан кечирав экан, узоқ бош қотирди: ахир рассом Босх реал ҳаётнинг айрим-айрим парчаларидан ана шу фантастик оламни яратар экан, нимани ўйлади экан? Самгин қушлар, ваҳший ҳайвонлар, геометрик фигураларнинг бирлашмайдиган, аммо бирлаштирилган шаклларига нақадар кўпроқ боқса, унда ана шу фигураларнинг барини бузиб ёриб, уларнинг маънос фантастикаси замирида яширинган маънони англаш истаги шу қадар кўпроқ қатъият билан жўш

ўра бошлади. Йероним Босх номи — рассомлик тарихига доир ҳеч бир нарсани эсга солмасди. Одамнинг гашини келтирадиган бу суратнинг немислар пойтахтининг энг яхши музейидан ўрин олгани таажжубли бир ҳол эди.

Самгин пастга, каталоглар ва фотосуратлар сотувчисининг олдига тушди. Шойи қалпоқча кийган сариқ юз, ушоққина сотувчи ўнг кўзини газетадан узмасдан Босх ҳақида монография йўқлигини айтди, лекин китоб дўконларида бўлса керак, деди. Китоб дўконидан француз тилида чоп этилган бир монография топилди. Уйда Бальц хоним қовурилган ғоз, картошка салати ва зогора балиқ билан меҳмон қилгач, Самгин папирос чекиб, диванга чўзилдида, зилдек китобни кўкси устига қўйиб, репродукцияларни кўздан кечира бошлади.

Қанотли маймунлар, ҳайвон бошли қушлар, қўнғиз шаклидаги шайтонлар, балиқлар ва паррандалар. Ярим вайрона чайла ёнида авлиё Антоний қўрқа-писа тиришиб ўтирарди, хотинча либосдаги чўчқа билан кулгили қалпоқ кийган маймун унинг устига бостириб бормоқда; ҳамма ёқда хилма-хил ҳайвонлар, ҳашаротлар ўрмалашади: негандир саҳрога қўйилган стол остига яланғоч хотин яшириниб олган: ажиналар учиб юришибди; аллақандай ҳайвон скелти уд чалмоқда; ҳавода қўнғироқ учяпти ёки осиб қўйилган; тўнғиз бошли, эчки шоҳли подшоҳ келмоқда. «Инсоннинг яратилиши» суратида Саваоф соқолсиз йигит қиёфасида тасвирланган, жаннатда тегирмон ишляпти,—ҳар бир расмда ғамгин, аммо ҳар қалай кулгили анахронизм мавжуд.

Самгин: «Даҳшат» — деди ва таассуф билан, ҳар қандай одам ҳам бу гапни айта олади, деб ўйлаб қолди.

Монография текстида Босх расмларини Испаниянинг дарғазаб ва заҳар қироли Филипп Иккинчи бажону дил сотиб олганлиги кўрсатилган эди.

«Тўнғиз бошли подшоҳ, балки Филиппнинг ўзидир», — деб ўйлади Самгин. — Босхнинг воқеликка муносабати боланинг ўйинчоққа муносабатини эслатади, — бола ўйинчогини синдиради-да, кейин унинг бўлакларини ўзи истаганча ёпиштиради. Бўлмағур нарса. Бу вилоят газетасининг фельетончиси учун қўл келади. Босх хусусида Кутузов нима деган бўлур эди?»

Намиқиб қолган папиросни чекиш қийин бўлаётганди, тутуни лаззат бермаётгандай эди.

«Ватаннинг тутуни ҳам бизга тотли ва ёқимли». Ватандан ёмон ҳид келмоқда. У ерда ниҳоятда тез-тез ва кўп қон

тўқилмоқда. «Довюраклар телбалиги...» «Зарурат салтанатидан эркинлик салтанатига» отилмоққа уришиш... Социализм менга ўхшаш одамга нима ваъда қилади? Айни танҳоликни ва ҳойнаҳой, «саҳрода — ҳайҳот! — кимсасиз бўлмаган саҳрода» яна ҳам кескин сезиладиган танҳоликни... Турган гап, мен «эркинлик салтанати»га қадар яшамайман... «Ўлмоқ учун яшамоқ — ўйлаб топилган ёмон бир нарса».

Бу фикрларнинг таъми аччиқ эди, лекин бу аччиқлик унга хуш ёқаётганди. Фикрлар майда жилғалардан оқаётган кузги совуқ сувдек узлуксиз оқиб келаётганди.

«Мен лаёқатсиз одам эмасман. Бошқалар кўра олмай диган нарсаларни кўра оламан. Ўзига хос ақл соҳибни эканлигимни болалик чоғимдаёқ тан олишган эди...»

Самгинга ўзида аллақандай янги бир кайфият туғилаётгандай бўлиб туюлди, аммо бу янги нарса нақ нима эканлигини у тушуна олмасди. Фикрлар ўз ҳолича унга кўпдан таниш бўлган аниқ жумлалар шаклини касб этаётганди, буларни у китобларда тез-тез учратиб турарди. Самгин мудрарди-ю, аммо ухлай олмаётганди, аллақандай ваҳима уни уйғотиб юбораётганди.

«Босх расмларининг нимаси Испания қиролига ёқди экан?» — деб ўйлади у.

Кечқурун у Бинтергартеннинг бесўнақай саройида икки эксцентрик¹нинг саҳнада одатий нарсаларга хилоф кулгили ҳаракатлар билан ҳунар кўрсатаётганини ишонқирамагандай томоша қилди. Бу эпчил кишиларнинг масхарабозлигида қандайдир тагдор маъно бор эди, томошабинлар кулишмаётганди, умумий қоидаларнинг бундай жиддият билан бузилаётгани одамларни ранжитяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

«Босх ҳам эксцентрик бўлган», — деган қарорга келди Самгин.

Унинг қаршисида, ўнг томонда кул ранг костюмли, сочлари тўзиган бир одам ўтирарди; юзи чўзиқ, чўққи соқолли, суяклари туртиб чиққан, кўзлари йирик бу киши газета билан елпиниб, безовталаниб атрофга алангларди.

«Рус. Қаердадир кўрганман уни» — деди Самгин ва бу одам атрофга аланглаганда, у ҳар сафар бошини эга бошлади. Лекин танаффус вақтида бояги одам Самгиннинг ёнига келиб, бўғиқ овоз билан гап бошлади:

¹ Э к с ц е н т р и к — ўзига хос жуда қизик ролларни ижро этувчи артист. (Тарж.)

— Самгинмисиз, а? Мен Долгановман. Финляндия, Виборг эсингиздами? Газеталарни ўқидингизми? Ўқимадингизми?

Самгинни елкаси билан девор томонга итариб ва овозини пасайтириб, у шоша-пиша хириллаганча шивирлади:

— Столипиннинг боғини портлатишибди. Ўзи омон қолибди. Йигирматача одам қирилибди. Таниш бир хотин бор эди, Любимова деган қўлга тушибди...

— Нима — қўлга тушибди? Қамашибдими? — титраб сўради Самгин.

— Ўлдирилибди. Боласи ҳам.

— Любимова-я?

— Хўш — танирмидингиз? Мен ҳам танирдим. Ёшлигимда. Народоправачилардан—Маркс Нотансон, Ромасъ, Андрей Лежава иши юзасидан жавобгарликка тортилган эди. Ўзини ёмон тутган... Менга қаранг — қўйинг, бу машмашаларни! Юринг майхонага, бир ўтиришамиз. Гаплашадиган гап кўп, отамлашамиз.

У Самгинни қўлидан ушлаб тортди, энтика-энтика қуруқ йўталар, томоғи хириллар эди. Самгин ўзини ва Долгановни афти башараси қизил, кўзлари осойишта аллақандай сокин одамлар ҳаёсизларча кузатиб турганини пайқаб, эшик томон юрди.

«Любимова... Наҳотки ўша бўлса?»

Самгин батафсил сўраб-суриштирмоқчи бўлди-ю, аммо Долганов узун оёқлари устида гандираклай-гандираклай, елкаси билан уни турта-турта хир-хир қилиб сўрашга имкон бермади.

— Мана сизга мушакбозлик. Сиёсий хато. Ваколатли идора усули шаронтидаги террор. Касофатлар... Мен — трудовиклар билан биргаман. Қора иш тарафдориман. Сиз-чи — эсдекмисиз? Тушунмаяпман. Ленин ақлдан озди. Беклар¹ Москва қўзғолони сабоғини тушунишмади. Эсҳушини йиғиб олишнинг вақти етган. Соғлом фикрли одамларнинг вазифаси демократик кучларни ташкил этишдан иборат.

Самгин кичкина рестораннинг эшигини итарди. Биллиард соққаларининг шақиллаётгани эшитилиб турган хона эшиги ёнидаги бурчакдан бўш стол топишди.

— Мен қора пиво ичаман, — деди Долганов. — Пиво фойдали. Мен Давосдан келдим. Сил касалига чалиниб

¹ Бек — большевик сўзининг қисқартиб айтилиши. (Тарж.)

қолдим. Пневмотораксман. Бу дардни Тотъмада, сургунда орттирдим. У ер ҳам Давосга ўхшаш нообод, олис бир жой. Одамни соғиндим. Сиз муҳожирлик қилиб юрибсизми?

— Йўқ. Саёҳат қилиб юрибман.

— Шунақа денг. Сизнингча, қандай: кадетлар октябристлар, монархистлар ва бошқа аблаҳларнинг барини исканжага ола оладиларми? Бутун зиёлиларни кадетлар уюштирган.

Говур-ғувур немисча гаплар орасида Долгановнинг бўғиқ, ширасиз товуши ёмон эшитилар, унинг узук-юлуқ гаплари ноаниқ қулоққа кирарди. Самгин унинг чарчаб чакаги тинишини кутарди. Долганов ютоқиб пиво шимирарди, унинг кўкраги ҳарсиллар ва хириллар, ўт чақнаган кўзлари қисилиб, гўё Самгиннинг юзини чимчилаб ачиштирарди. Пиво кўпиклари даҳани остида маъюс осилиб турган соқол-мўйловларига илашганди, буни Долгановнинг сўзлари кўпикланмоқда, деб хаёл қилиш мумкин эди. Унинг мўйловлари остида иккита олтин тиши ёқимсиз ялтираб турарди. Долганов тинимсиз жаврар, кўзлари тобора олайиб ёнарди. Самгин уни бирдан ўлган деб тасаввур этиб кўрди: унинг оппоқ ёстиқ устидаги бўзарган, заҳил башараси, ич-ичига ботиб кетган сўниқ кўзлари, ингичка тортган бурни, салгина очилиб қолган оғзи ва унинг ичидан кўриниб турган икки дона тилла тиши кўз олдида гавдаланди. Самгин тезроқ унинг олдидан жўнаб қолгиси келди.

Долганов бир нафас тинганида: — Любимова, бу унга ота фамилиями? — деб сўради.

— Эридан ўтган фамилия. Ота фамилияси Истомина. Ҳа, шундай, — деди Долганов, бармоқлари билан мўйловининг нам қивчинларини ўннга-чапга тортиб. — Унинг кимлиги номаълум. Яна ким билади дейсиз? Ошнам Савелий Любимов унга инонмаса ҳам, аммо раҳми келиб, уйланди. Чамаси, одамларнинг унутишларини истаб, фамилиясини ўзгартирмоқчи эди. Нох эйн мал¹, — деб ёнидан ўтган кельнерга² амр этди у.

Самгин, Любимова қанақа жувон, ёши нечада, деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо Долганов кресло суянчиғига ўзини ташлаб, кўзларини юмиб олди ва бу билан Самгинни дик этиб ўрнидан туришга мажбур қилди.

¹ Яна битта (немисчаси — noch einmal).

² Кельнер — чет элларда ресторан хизматчиси. (Тарж.)

— Мен кетмасам бўлмайди, соғ бўлинг!

— Эртага нима қилмоқчисиз? Рейхстагга борамизми? Мажлис бўлармикан? Эҳ, ярамаслар! Қаерга қўнгансиз?

Самгин эртага эрталаб Дрезденга бориши кераклигини айтди ва Долгановнинг қизиб турган нам кафтидан назокатсизлик билан қўлини суғуриб олди. У қўлини дастрўмол билан ўраб олиб, чироқлари хирагина ёнаётган бўмбўш кўчадан илдам юриб бораркан, бировнинг тасалли бериши ёки бир нима билан ўзини оқлаши кераклигини сизди.

«Любимова...»

Бу хотин Самгиннинг хотирасидан аллақачон кўтарилиб кетган эди, анави сил одам бамисоли ўликлар орасидан тирилтириб чиқарди уни. Самгин бу хотиннинг кўкракларини корсет орасига авайлаб жойлаштирганини, унинг соқит назокатини эслаб кетди. Хотирасида бу хотинга алоқадор яна нима қолган?.. Ҳеч нарса.

У Долганов билан кўришув бу шаҳарда туғилган унинг янги, ҳали ноаниқ, лекин жуда муҳим фикрлар силсиласини бузиб, бўлиб ташлаганини сизди. Самгин ҳассасининг учини асабийлик билан йўлқанинг тошларига дук-дук уриб бораркан, ўйлар эди:

«Ҳоли танг. Россияга бораётиб балки йўлда вагонда ўлиб қолар. Немислар уни кўмиб, ҳужжатларини саранжомлаб рус консулига юборурлар, консул уларни Долгановнинг юртига жўнатар, у ерда эса Долгановнинг ҳеч кими йўқ. Бирор жон ҳам».

Самгин титраб кетди, ҳассасини қўлтигига қистириб, биқинини тирсақлари билан қисганча хатарли ерга яқинлашаётганини сезган одамдай қадамини секинлатди.

«Инсон туғилади, узоқ вақт ниманидир ўқиб-ўрганеди, бир талай хилма-хил кўнгилсизликларни бошидан кечиради, воқелик унга зид бўлгани учун социал масалаларни ҳал қилади, хотинлар кўнглини овламоқ учун куч сарфлайди,— бу энг самарасиз сарфланган кучдир. Қирқ ёшга етганда инсон сўққабош бўлиб қолади...»

Самгин ўзи тўғрисида ўйлаётганини тушуниб янгидан, бу сафар энди аччиғи келиб Долганов устида ўйлашга жазм этди.

«Аслини олганда уч пулга қиммат одам».

Лекин танҳо одам тақдирини миядан чиқариб юбориш энди қийин эди, шу фикрлар билан у меҳмонхонасига қайтди, шу фикрлар билан ётди, аммо ўзини ҳаётнинг турли

йўлларида тасаввур этиб, вагонлар қўрасидаги темирларнинг тарақ-туруқи ва паровозларнинг безовталиқ билан чинқиришига қулоқ бериб, анча вақтгача кўзларига уйқу келмади. Йирик ёмғир ўн минутча дераза ойнасини савалади-да, гўё қоронғилиқ ютиб юборгандай, бирдан тинди.

Эрталаб Самгин Бедекернинг қизил китобчасини қўтариб олиб, тошдан бунёд бўлган шаҳар кўчалари бўйлаб кезди, батартиб, аммо файзсиз бу шаҳар уни роса зериктирди. Намхуш шамол одамларни ҳар тарафга қувар, баҳайбат пайпоқдор отларнинг дупур-дупури эшитилар, тўда-тўда солдатлар ўтар, дўмбира овози янграр, баъзан пилдираб, «ду-ду»лаб фил каби автомобиль ўтиб қолар, — немислар ҳурмат билан унга йўл бериб, тўхтаб туришар, ёқимли боқиб уни кузатишарди. Самгин атрофида баҳайбат бинолар батартиб жойлашган бир майдондан чиқиб қолди, бу биноларнинг деярли ҳар бири тепасида гўё шу бинонинг ўзига аталган мовий осмон парчаси кўкимтир булутлар орасида порлаб турарди, — бу биноларнинг бари музей эди. Самгин, бу музейларнинг қайси бирига кирсам экан, деб тараддудланиб турган эди, момақалди роқ гумбурлаб, ёмғир қуйиб берди-ю, у энг яқин жойдаги музейга киришга мажбур бўлди, бу ерда қурол-яроғлар тўпланган эди, деворларига Австрия-Пруссия ва Франция-Пруссия урушларининг айрим воқеалари тасвирланган ола-була ва мароқсиз расмлар босилган эди. Тиргакларда турли системалардаги милтиқлар, қиличлар, шамширлар, қўндоқли камонлар, тиглар, найзалар, ханжарлар кўринар, устига темир ёпиқ тўшалган от тулуплари турар, отларнинг устида совут кийган рицарлар қотиб ўтирарди. Темирдан ясалган сон-саноқсиз, хилма-хил нарсалардан кўнгилни оздирадиган совуқ ёғ ҳиди келарди. Самгин эти жимирлаб шу нарсани ўйладики, ҳарбий бурчни ўташ асбоблари бўлган ана шу қуролларнинг кўпи, ҳойнаҳой, одамлар калласини олган, қўлларини кесган, кўкракларини ўйган, қорнини чавақлаган, хуллас, ерни қора қонга белаган.

«Бу аҳмоқлик,— деган фикрга келди Самгин.— Қишда одамлар тўғрисида ёза бошлайман. Аввал портретлар чизаман. Лютовдан бошлайман».

Ҳар сафар Лютов тўғрисида ўйлаганида, — Самгин аслида бўлмаган лаққа балиқ овини хотирлар ва: тегирмончи алдаганини била туриб, Лютов нега кулди? — деган саволни берарди. Бу манзарада кишига алам қиладиган аллақандай мажозий бир маъно бор эди. Умуман, Лютов

ҳамиша айёрлик қилади. Балки ўзини ўзи йўлдан урар? Унинг нима истаётганини тушуниб бўлмайди.

«Инсонларни қандай кўриб турган бўлсам, ҳеч қандай адоватга ўрин бермай виждонан тасвирлайман», — у бу ишда майлга ҳам йўл қўйиш мумкинлигини ўйлаб, илова этди:— Майлга ҳам йўл қўймайман».

Степан Кутузовнинг сиймоси хаёлида ғайри ихтиёрий равишда жонланиб, кўз олдига келди, лекин у, бу одамни бошқа ҳамма одамлардан олдинга қўйиш ноўя бўлади, деган фикрга келиб, фақат ўзига хос зудлик билан большевикни чеккага суриб қўйди-да, у қадар ёқимсиз бўлмаган одамларга галма-гал ўрин берди. Дунаев, Поярков, Инокков, ўртоқ Яков, юзи шавқсиз, аммо мовий кўзлари сокин боқадиган қотма Елизавета Спивак, Стратонов, Тагильский, Дьякон, Диомидов, Безбедов, акаси Дмитрий... Любаша... Маргарита, Марина...

Кўнгилли ҳеч нима бўлмаган бу рўйхатга чек қўймоқ учун Самгин анча уринди.

«Одамларнинг аксари — Иероним Босх расмларида тасвирланганидек, бутун бир нарсанинг қисмларидир, холос. Рассом хаёли вайрон этган дунёнинг бўлаклари», — деб ўйлади Самгин ва унинг инсонларга бўлган муносабатини изоҳлайдиган бир нарса топганлигини сезиб, нафасини ростлади. Сўнгра у ўзи ёқтирадиган одамни излай бошлади. Топган заҳоти жилмайиб қўйди:

«Анфимьевна. Қул. Муқаддас чўрининг ўзгинаси. Умрининг охирида у исёнга қўшилди, бироқ бир қул каби...»

Деразадан қуёш мўраллади, музей ичидаги нимқоронғилик ёришди, кўпдан-кўп найзаларнинг учлари яна ҳам совуқроқ ярақлади ва айниқса рицарларнинг темир либоси яхсимон товланиб кетди. Самгин бир дostonдан «баҳодирларнинг Русь диёрида қирилиб кетганлиги» тўғрисидаги сатрларни эсга олишга уриниб кўрди-ю, лекин тўсатдан у бир кеча кўрган даҳшатли тушини хотирлади, ўшанда у босинқираб ўзини Самгинлар тўдаси ичида ўн бўлак бўлиб кетган ҳолда кўрган эди. Бу жуда кўнгилсиз бир хотира эди...

Оқшом Самгин Дрезденга йўл олди ва у ерда Мадонна қаршисида узоқ ўтириб: бу ижод ҳақида Клим Иванович Самгин нима деган бўлур эди? — деб фикр юритди. Теша тегмаган ҳеч қандай фикр миясига келмади, жамики тутуриқсиз гаплар айтиб бўлинган эди. Мюнхенда у баварияликларнинг пруссияликлардан семиз бўлишлигини бу ша-

ҳарда тасвирий асарлар, чамаси, Берлиндагидан кам эмаслигини, об-ҳаво эса яна ҳам ёмонлигини пайқади. Расмлар, музейлар уни чарчатди, немисларга хос жиддий турмушдан зерикиб Швейцарияга — онасининг ҳузурига бормоқчи бўлди. «Она» сўзи таъриф ва тавсиф талаб этар эди.

«Онам чиройли, кийинишни ўрнига қўярди, эркакларнинг илтифоти талтайтириб юборган уни. Китобий ҳикматлар билан ўзини унчалик уринтирмаган. Ақл-ҳуш билан иш кўради. Отамга тўғри баҳо берди ва ўзига яхши дўст топди, — Варавка шаҳардаги энг одастир одам. Ҳар нарсадан осонликча «пул ясайди» у...»

Сўнгра малла сочли донишманд Томилинни боғда, онаси қаршисида тиз чўкиб турган ҳолда хотирлади.

«Унинг ҳам ўз фикрлари бор эди, — деб ўйлади Самгин нафасини ростлаб. — Тўғри, «билиш — учинчи инстинктдир». Маълум бўлдики, бу фикр худога олиб келар экан... Мискин. Мискинлик. «Дунёвий реал тажриба»ни ҳақиқат деб тасдиқлаш ана шу ҳақиқатга хизмат қилишни ёки унинг зидига юрмакни талаб этади, маълум муддатдан сўнг эса бу ҳақиқатнинг ёлгон эканлиги ошкор бўлади. Шундай қилиб, токи идрок доира марказида худо деб аталмиш бир сирнинг борлигини ҳис этгунга қадар самарасиз ишлайверади».

Самгин бу цитатанинг муаллифини хотирламоққа киришди, у ўқиб чиққан китобларни бирма-бир дилидан ўтказар экан, поезд туннель ичига кирди-да, қулоқни кар қилгудек гулдурос билан гўё тоғ остидаги жарликка, тим қоронғилик қаърига отилди.

Эрталаб Самгин Женевага етиб келиб, тушга яқин онаси билан қўришгани йўл олди. Онаси кўл соҳилидаги кичкинагина бир уйда яшар эди, бу уй кондитер магазинларидаги тортга ўхшаш жуда жимжимадор нақшлар билан безатилган эди. Уй ярим доира шаклида экилган мевали дарахтлар орасида сокин яширинган бўлиб, қуёш шохлардаги қирмизи олмаларга саховат-ла нур сочар, олма дарахтларидан бирининг остидаги мрамар скамейкада ҳаво ранг кўйлак кийган Вера Петровна қўлида китоб ушлаб ўтирарди. Унинг ўтириши ўғлига Монсо боғида Мопассанга қўйилган ҳайкалдан олинган расмни эслатди.

— Уҳ, жонгинам, сени кўрганимдан бирам хурсандман, — деб гап бошлади у француз тилида ва чамаси, ўғлим қучоқлаб ўпади, деган хавотирда бўлса керак, қатъий бир ҳаракат билан қўлини Климнинг юзи томон кўтарди. Уғли

онасининг совуқ, худди лайка ит териси каби сип-силлиқ, атир ҳиди гуркираб турган қўлидан ўпди, сўнгра онасининг юзига боқиб, мамнуният билан ўйлади:

«Офарин».

— Пиёда келдингми?— деб сўради Вера Петровна, французчадан таржима этиб. — Шу ерда ўтира турамыз, бу энг яхши кўрган жойим менинг. Тушки овқатга ярим соат бор, гаплашиб оламиз.

У ўрнидан турди, ўглига жой берди ва остига чарм ёстиқ қўйиб яна ўтирди.

— Кўринишинг жуда яхши. Лекин ҳалитдан сочларингга оқ тушибди. Жуда барвақт...

Самгин муносиб сўзлар топишга қийналгани учун нидо билан, табассум-ла, елкаларини қисиб жавоб берарди. Онасининг товуши бўлакча, анча йўғон, секин эшитилар ва аввалгича у қадар дадил эмас эди. Юзига қалин қилиб упа суртган бўлса-да, барибир упа остидан аллақандай напармон тери кўзга ташланиб қоларди. Клим онасининг маҳорат-ла узайтирилган киприклари тўсиб турган сурмали кўз қарашларини кузатишга ботинмасди. Унинг қип-қизил лаблари орасидан кераксиз, жайдари сўзлар ёғиларди.

— Россияда нималар бўляпти ўзи? Ҳали ҳам бомба отишяптими? Хўш, нега энди Дума тартибни бузувчиларни тийиб қўймайди? Эҳ, сен билмайсан, Европанинг назарида биз нақадар обрўсизланаётганимизни! Бизга пул қарз бермай қўйишади, деб жуда кўрқаман, тушундингми?

Самгин жилмайиб:

— Беришади,— деди.

У онасининг сўзларида ташвиш ва ҳаяжон туйди, лекин унга шундай туюлдики, бу ҳаяжоннинг боиси қарз тўғрисидаги мулоҳазалар эмас, балки бошқа бир нарса эди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди.

Вера Петровна шоша-пиша: — Кўплар, Россия шармандаи шармисор бўлади, дейишяпти, — деди ва ўғлининг қўлини ушлаб туриб сўради:

— Ўзинг шундоқ келгансан, деган умиддаман... Муҳожир бўлиб келганинг йўқми ишқилиб? Эҳ, бирам хурсандман! Сенинг эслик-ҳушликкина эканингдан кўнглим тўқ эди.

Сўнгра у нафасини ростлаб бир қадар осойишта гапирди:

— Тушунмайман, бу қанақаси ўзи? Биз норози бўлган эдик, бизга конституция беришди. Энди яна муҳожирлар,

бомбалар. Дмитрий ҳам, албатта, оппозициядадир, шундайми?

— Ундай бўлмаса керак. Яна билмайман, у кўпдан бери менга хат ёзмайди.

Онаси турмакланган бошини тебратиб, сочини ҳурпайтирди-да, тасдиқ ишорасини қилиб деди:

— Йўқ, шундай бўлса керак, шундайдир! Нўноқ... ўжар одамлар инқилоб қилишади. Дмитрий ҳам ўшанақалардан. Бу менинг фикрим эмас, лекин бу жуда тўғри фикр. Шундаймасми?

Самгин бу фикрга рози бўлмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тийди. Унинг онасига раҳми келди, шунинг учун у дилидаги гапни айта олмади. Онасининг бутун гапидан ясама бир зўриқиш, ғайри самимийлик сезаётганди Клим, бу ҳол эзаётган бўлиши керак эди. Шу орада дарахтдан олма узилиб тушиб, ўт орасига юмалади, гўё ўт ичида бирдан пушти гул очилгандай бўлди.

— Бу ерда руслар жуда кўп, буни қараки, шу кунларда мен янглишмасам, Алинани кўрдим, ўша кўпаси билан бирга эди. Лекин менинг узундан-узоқ русча гапларни эшитиб ўтиришга тобим қолмаган. Мен ҳамма нарсани билиб, аммо яшашни билмайдиган одамларни жуда кўп кўрдим. Иши юришмаган, омади келмаган одамлар ҳаммаси. Иши юришмагани учун ҳам жуда аламзадалар. Бўпти, уйга бо-райлик.

У ўғлини чехол кийгизилган мебелли кичкинагина хонага бошлаб кирди. Икки деразага оқ атиргул рангидан дока парда тутилган бўлиб, ташқаридаги яшил дарахтлар ёруғликни тўсиб турарди, ичкаридан нимқоронғиликни ўткир олма ҳиди тутганди, қуёшнинг тасмасимон чўзиқ нури ҳавода осилганча кичкина юмалоқ столчага таяниб, унинг устидаги суяк ва мовий шишадан ясалган еттита филчани ёритиб турарди. Вера Петровна шивирлаб, аммо шошиб гапирарди:

— Бу уйни жуда арзонгинага сотиб олдим. Уйнинг ярмини Ипполит Донадьё деган бир докторга бераман...

«Худо йўлигами?»— деб фикран таржима қилди Клим, — у онасининг юзини ён томонидан кўраётганди, шунинг учун унга онасининг қулоғи титраётгандай бўлиб кўринди.

— Жуда маданий ва музикани яхши биладиган, ҳам ажойиб нотик одам. Гигиена мутахассислари жамиятининг вице-президенти. Ўзинг биласан, албатта: бу ерда касал

шу қадар кўпки, соғлом одамларнинг саломатлигини жуда эҳтиёт қилиш лозим.

Самгиннинг феъли айний бошлади. У онаси ёнида ўзини ноқулай сезар, зерикаётганди, зерикаётгани учун унда уялганга ўхшаш бир ҳис пайдо бўлди. Боғ эшиги олдида оч ранг костюм кийган баланд бўйли бир киши кўринди, у панамасини силкита-силкита дағал ва йўғон овоз билан деди:

— Мана, кўрдингми, машер¹, мен билганимдек, сени инонтирганимдек...

Вера Петровна уни хонанинг ичкарисига қўймаслик учун худди қучоқламоқчи ёки итармоқчи бўлгандек, қўлларини ёзиб, ғайри табиий бир овоз билан бақририб деди:

— Ўғлим келди, — Клим.

Доктор Донадьё жуда қувонди, Самгиннинг қўлини ушлаб, маҳкам силкиди ва чучук тил билан сўзларни ёғдириб ташлади. Унинг айрим сўзлари ва жумлаларидан Клим шуни пайқадикки, руслар билан танишувдан доктор ҳамиша жуда мамнун бўлар экан, 903-йилда доктор Одесада бўлган экан, гўзал, европача бу шаҳарни, афсуски, инқилоб хароб қилган. Эҳтимол, у Донадьё ҳамма нарсани тушунмас, лекин наинки у, балки ҳамма французлар бир фикрдалар: Россияда ҳали инқилоб қилишнинг вақти эмас. Сўнгра у кўзини қисиб кулимсиради ва илова қилди:

— Бу масалада французлар унча-мунча нарса биладилар — шундай эмасми?

Қовунга ўхшаш сариқ бошидаги қора, тикандек, жингала сочлари мош-гуруч бўлиб қолган чўққи соқол, қирғий бурун, новча, ориқ бу одам қалин қошларини кериб толиқмай гапирар экан, пастки, жуда ҳам йўғон лабини тўсиб турган, қошлари сингари қалин мўйлови тез-тез қимирлар, худди ёғ суртилган каби нам, қора кўзлари порлар ва эриб кетгудек эди. Ўғлининг француз тилини у қадар яхши билмаслигини сезган она айрим сўзларни ўғлининг ёдига солар, жумлаларни таржима этар ва бу билан уни яна ҳам кўпроқ хижолатда қолдирар эди.

Доктор чап қўлини силкиб, ўнг қўли билан жилети чўнтагидан соатини чиқарар экан: — Дунё Франциядан илҳомланади, — деди ва соат циферблатини Вера Петровнага кўрсатди.

¹ Азним (Французча).

— Ҳозир, — деди Вера Петровна, унинг ижарагири ва сиғиндиси эса шоша-пиша ҳамон Франция шуҳратини мадҳ этар, Тургенев Франциянинг машҳур ёзувчиларининг дўсти бўлганлигини, рус декадентлари — французларнинг шогирдлари эканлигини ва Францияни ҳеч бир ерда Россиядагидек қизгин севмасликларини эслашга Вера Петровна ни мажбур этар эди.

— Немислардан бўлак ҳамма, — турклар, японлар, бизни севади, — деди доктор. — Фаррер деса турклар ақл-ҳушидан озади, японлар — Лота деса. Сиз Франсис Жаммининг «Ҳайвонлар жаннати» китобини ўқиганмисиз? О, бебаҳо асар!

Доктор тез-тез: «Шундай эмасми?» деб сўраб турса-да, лекин жавоб кутиб ўтирмас, унинг гапини эшитишяптими-йўқми, унчалик қизиқмасди. Вера Петровна уларни дастурхонга таклиф этди, доктор Климни қўлтиқлаб олиб, Австрия полк дўмбирачиси каби юрган йўлида тебрана-тебрана мутаассир ҳолда деди:

— Мен — оптимистман. Аминманки, бутун инсонлар худо деб аталмиш буюк бир артистнинг озми-кўпми, лекин ҳаминша муваффақиятли яратган ижодидир!

Самгин «Донадьё» деб хотирлаб, бунга монанд сўз ўйини топмоқчи бўлиб турган эди, аммо онаси, қаттиқ тегмасмикан, деб ўтирмай:

— Тушундингми? — деб сўраб қолди.

Емакхонада доктор ортиқча гап сотмаса-да, бироқ яна ҳам кўпроқ насиҳатгўйлик қилди.

— Мен — эстетман, — деди у, ияги остига тутган сочиқни яхшироқ ўрнаштирар экан. — Мен учун инқилоб ҳам бир санъат, озчиликдан иборат кучли одамларнинг фожиавий санъати, қаҳрамонлар санъати. Бироқ немис социалистлари ўйлаётгандек, омманинг, зинҳор омманинг санъати эмас, йўқ! Омма шундай бир моддаки, ундан қаҳрамонлар ясалади, бу материал, лекин буюм эмас!

Сўнгра доктор овқат ейишга киришди, у бақувват тишларини оҳиригача кўрсатиб, лаззатдан кўзларини пирпира-тиб, ҳузур билан нафас олиб, 9 рақами шаклидаги қулоқларини қимирлата-қимирлата ерди. Климнинг онаси ҳам доктор сингари иштаҳа билан ва кўп ер, лекин гапирмас, фақат бош ирғаб, докторнинг гапларини маъқуллаб турарди.

«У бу гигиеначи билан бутун пулини еб адо қилади», — деб тўпоригина ўйлади Самгин ва онасига нисбатан раҳм-

шафқат ҳисси бирдан нафратга айланди-қўйди. Доктор Климга мулозамат қиларди:

— Мана шу винодан ичиб кўринг. Буни Провансдан менга амаким юбориб туради: у бизнинг жануб қуёшимизнинг нақ тоза қони. Франциянинг ҳамма нарсаси, ҳатто бошқаларда йўқ Эйфель минораси ҳам бор! Мопасан шундай деган эди. Бечора! Венера унга вафо қилмади.

Тушки овқатдан кейин Донадьё ланж бўлди, қаҳва ичмади, кичкинагина сигара тутатиб, ҳарсиллай-ҳарсиллай деди:

— Аксига олиб бир соатдан кейин мажлисим бор. Ҳечқиси йўқ, кўришамиз, албатта...

— Ҳа, — деди Вера Петровна, лекин буни у шу қадар иккиланиб айтдики, Клим Иванович, онам сўраяпти, деган маънода тушунди.

— Мен бугуноқ Парижга жўнайман, — деди Клим.

Доктор у билан қуюқ хайрлашди, онаси индамай, қаҳвани аралаштираркан, ўсмоқчилаб сўради:

— Нега бунчалик шошилмасанг?

— Ҳа, мижозим кутяпти.

— Ишларинг дурустми?

— Дуруст, чакки эмас. Кетсам, хафа бўлмайсанми? Шаҳарни бир айланиб кўрсам дегандим. Сен, ҳойнаҳой, бу пайтда дам олсанг керак?

Вера Петровна турди. Клим унинг башарасига қараб, няғи титраётганини, кўзлари ғамгин бир тарзда катталашганини пайқади. Бу ҳол Климни чўчитди.

«Ҳозир изоҳ беришга тушади».

— Тушунасанми, Клим, дунёда одам бунақа танҳо, — деб гап бошлади у. Самгин онасининг қўлини олиб ўпди-да, удда қилганича эркалаб гапирди:

— У жуда ажойиб одам.

Клим: «У сени кафангадо қилади» деб қўшиб қўйгиси келди-ку, бироқ:

— Омон бўл, она! Ҳар қалай ўзингдан тинган кўринасан, — деб қўя қолди.

Вера Петровна юзини четга буриб, тўр рўмол билан елпинар экан, индамади. Шу тариқа чурқ этмай ўғлини боғ панжарасигача кузатиб қўйди. Ун қадамчадан кейин Клим орқасига ўгирилиб қараса, онаси икки қўли билан панжара найзасини ушлаганча юзини қўллари орасига олиб ҳали ҳам кетмай турган экан. Самгин кўксига ёмон

бир санчиқ туйди ва шундай нафас олдики, гўё ҳамма вақт нафасини ютиб тургандек эди. Самгин:

«Менинг тўғримда нима деб ўйлади онам?» деган мулоҳаза билан йўлида давом этди.

Сўнгра ўзидан ўпкаланди:

«Бирон мулойим, ширин гап айтишим керак эди».

Бироқ ўша заҳоти онасининг ўзидан ўпкаланди.

«Ундаги давлат билан бундан кўра... дурустроқ яшаш мумкин эди. Донадьё! Аллақандай мол доктори».

У шаҳарнинг чиннидек топ-тоза кўчаларидан ҳориб-чарчагунича узоқ кезди, дилгир фикрлари ўзининг кўланкаси каби уни ҳамон тарк этмади. Аммо бу фикрлар унинг соат магазинларининг кўплигига, шунингдек, узоқ ва тинч умр кўришни ният қилиб аллақандай мароқсиз ва бадас-тир кийинган чол-кампирларга эътибор беришига монелик қилмади. Уйдаги кексалар, биринчи галда — тарихчи Козлов, унинг: «Асл чойхўр ва чойни қуруқ ўзини ичувчи сифатида...» деган азалий гапи Климнинг эсига тушди. Қўлида ёғоч ушлаб олиб, кичкина оғзини очиб бўкирганча монархистлар намойишига бошчилик қилган ўша Козлов. Дьякон. Оппоқ соқолли народник — адиб...

«Чолларни мен кам билардим».

Оқшом у шаҳар четидаги кичик бир ресторанининг айвонида пиво кутиб, папирос чекиб, теварак-атрофга назар солиб ўтирарди. Чап томонда, ям-яшил водийда Рона дарёси кўзни қамаштирар, ўнг томондаги кўлнинг кўзгусимон бетида ботаётган қуёш шафағи акс этарди. Тоғлар мовий туманга бурканиб майинлашган, Дан-дю-Миди чўққиси мусаффо осмон бағрига санчилган. Кўл соҳили бўйлаб оппоқ уйлар батартиб жойлашган бўлиб, олисдан улар зич кўриниб, кичик бир шаҳар манзарасини ҳосил қилган, уйлар, ҳатто тоғ поғоналарига ҳам сочилиб, қорли чўққиларнинг яланғоч ва кўкимтир кумуш тизмалари сари тирмашиб, шаҳар узра осилиб турарди. Шаҳардан келаётган мусиқа садолари кўл бетидаги мовий сукунат узра сузар, шаҳар билан бу ернинг оралиғидаги масофа мис трубаларнинг ғат-ғутини юмшатиб, мусиқага хаёлий, ғамгин бир оҳанг бағишларди. Мусиқа оҳангига уйғунлашиб кўл тепасида қайрилма қанотли оппоқ балиқчи қушлар учиб юришар, лекин уларнинг сувдаги акси кўзга пушти кўринарди. Жуллас, ҳамма нарса бирам ажиб, табиат почта откриткаларида тасвир этилмиш ранго-ранг манзараларни жуда аниқ жонлантирганди.

«Пашша йўқ ҳисоб, — деб қайд қилди Самгин. — Умуман, ҳашарот оз. Ахир бу расво, беўхшов дунёнинг менга нима кераклиги бор?»

Сони йўғон, кўкракдор, юзи катта ва қирмизи, кўзлари мулойим бир қиз таъми яхши ва совуқлиги меъёрида пиво келтирди. Унинг лўппигина лаблари зариф ёки ҳорғин кулимсираб турарди. Бу ҳорғинлик ҳеч нарса-нинг ташвишини қилмай бу озода, сокин мамлакатда яшаш бахтидан, — эрга тегиш каби муқаррар бахт орзусида яшашдан бўлса ажаб эмас...

«Хотинлар менинг ҳаётимда жуда кам из қолдирдилар».

Жуссадор тўрт киши эви билан пиво ичишар, бир-бирларини сигара тутунига кўмиб, сокин суҳбатлашишар эди: кўриниб турибдики, мунозарали масалаларнинг ҳаммасини улар ҳал этиб бўлишган. Бир-бирига ака-укадан кўра ҳам кўпроқ ўхшаш икки мўйсафид дераза ёнида ўтириб карта ўйнашарди. Бу ернинг одамлари ҳам табиат манзарасига монанд бесўнақайгина эди. Улар кулимсираганда оппоқ тишларини кўрсатишар, аммо табассум юзларидаги жиддий, совуқ ифодани ўзгартирмас эди ҳисоб.

Клим Иванович Самгин: «Бу ердаги одамлар ажнабий сил беморлар ҳисобига табиат билан иноқ бўлиб яшашади» — деб ўйлади ва кимдандир аччиқланди.

«Фикрларим нима учун бошқаларнинг бўлмағур қоли-пига тушиб қолмоқда? Мен уни тез-тез пайқасам ҳам, лекин нима учун тарк этолмаяпман?»

Айвоннинг ёнидан икки киши тез-тез ўтиб борарди, уларнинг бошяланги апельсин арчар, иккинчиси эса, рўмолча биланми ёки қоғоз биланми, елпиниб, русча гапирарди:

— Плеханов — ҳақ.

— Хўш, қандай, кадетларга қўшилиш керакми? — шляпасиз киши шанғиллаб сўради, унинг қўлидан апельсин пўчоғи учиб тушди, уни ердан олмоқчи бўлиб эгилган эди, бурнидан пенсени сирғалиб кетди, у қаддини тез ростлаб, пенсне ипини ушлаб қолди-да, апельсин пўчоғини эсидан чиқарди. У шулар билан сервар экан, қўлида қоғоз ушлаган киши:

— Демократиясиз социализм — маъносиз бир нарса, демократия эса — улар билан бирга, — деб улгурди.

Улар ўтиб кетишди. Улардан ўн қадамча орқада баланд бўйли бир мўйсафид борарди, у ҳурпайган оқ мўй-

ловини ижиргангандек диккайтирганча ҳассаси билан апельсин пўчоғини турта-турта борар, пўчоқ турткига чап бериб, тош кўчага учиб тушган эди, чол пўчоқни яна йўлгага туртиб ўтказди ва ниҳоят уни сув оқиб кетадиган зовур панжарасига тиқиштирди-да, мамнуният билан ҳассасини силкитиб қўйди.

«Рестораннинг хўжайини бўлиши керак»,—деди Самгин.

Қош қорайди, тоғ тарафдан хушбўй ва сарин шабада эсди, чироқлар ёнди, кўлнинг қорамтир сатҳида қизғиш дарзлар пайдо бўлди. Туманли феруза осмон ерга жуда яқиндек кўринар, қаҳрабо парчаларига ўхшаш шуъласиз юлдузлар осмонни теранлаштирмасди. Самгин илк дафъа, осмон ҳам мискин ва ғамгин бўлар экан, деб ўйлади. У соатига қаради: Парижга жўнайдиган поезднинг кетишига икки соатдан зиёд вақт бор эди. Самгин пивонинг пулини ортиғи билан тўлаб, чиройли қизни хурсанд қилди-да, бояги чол билан апельсин пўчоғи тўғрисида ўйлай-ўйлай шошилмасдан уйга йўл олди.

«Феъли кенг руслар одатда Европанинг турмуш тартибларидан кулишади, аммо...»

Худди тоғдан юмалаб тушгандай тўсатдан тор кўчадан бир хотин чиқиб қолди-да, уни қаттиқ туртиб юбориб, девор томонга қоча туриб русча гўлдиради:

— Э, қуриб кетсин, кечирасиз...

Хотин ўша заҳоти бир қўли билан Самгиннинг елкасидан, иккинчиси билан енгидан ушлаганча энтика-энтика давом этди:

— Сенмисан? Э, тез бўл, кетдик. Лютов ўзини отиб қўйди... Қани, кетдик деяпман! Сенга нима бўлди? Танимаяпсанми?

Самгин унинг юзига, милтилаб турган ёшли кўзларига боқиб:— Дуняша,— деди ҳанг-манг бўлиб. Хотин уни итарар, тортқилар ва энтика-энтика йиғлаб, тез-тез гапирарди:

— Кечагина ҳар вақтдагидек қувноқ, одамнинг кулгисини келтирар эди. Келиб кўрсам, полиция жанжал-сурон қиляпти, мени ичкарига киритмаяпти. Алина йўқ, Макаров ҳам йўқ, мен бўлсам тил билмайман. Ҳаммани итарар-итара ичкарига кирсам, у... чўзилиб ётибди, полда тўппонча. Оббо худо! Иноковга югургандим, сенга дуч келиб қолдим. Бўлар иш бўлди, қани тезроқ!..

— Йўлимни тўсяпсан,— шикоят қилди Клим Иванович.

— Э, майли! Бу ёққа, бу ёққа...

Дуняша уни темир панжара ичкарисидаги боққа итарди, у ерда ўн нафарча эркагу хотин жим туришар, эшик олдидаги тош пиллапояда миршаб ўтирарди; у ўрнидан турди, жуда баҳайбат одам экан, миршаб гавдаси билан уй эшигини тўсиб, секингина ва англашилмас тарзда бир нима деди.

— Ўтказиб юбор, аҳмоқ,— Дуняша ҳам секингина дўнғиллаб, елкаси билан миршабни туртди.— Ҳеч нарсани тушунишмайди,— деб қўшиб қўйди у Самгинни эшик томон тортқилар экан. Ичкарида, дераза ёнида оқ кийимда, сигара тишлаганча бир киши турарди, зар уқа тутилган қора кийимдаги бошқа бир киши стулга миниб ўтирарди, у жиддий бир тарзда сўради:

— Қариндошимисиз?

Клим Иванович индамай бош ирғади, Дуняша эса жеркиб деди:

— Юр, юравер! Улардан ийманиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар биз билан пачакилашиб ўтиришмайди.

Дуняша Клим Ивановични нариги хонага итариб, елкасини эшикка тиради-да, юзини қўллари билан сидирди, сўнгра дастрўмолча олиб, уни буклаб-буклаб, маҳкам оғзига босди. Клим Иванович Самгин тушундики, у Дуняшага эмас, ўннга — лампа ёниб турган томонга боқиши керак. Бироқ у томонга юзини бирдан бурмади. У ерда, кушетка устида юмшоқ ёқали оқ кўйлақда Лютов осмонга қараб ётарди. Стол устида яшил абажурли кичкинагина лампа ёниб турар, у Лютовнинг юзини ёқимсиз бир тарзда икки хил рангда: пешанасини — кўкиш, юзининг кўзларидан соқолигача бўлган пастки қисмини эса қўрқинчли қора тусда кўрсатарди. Самгиннинг кўзига ўзига таниш қийиққина лабларнинг табассуми, қисик кўзлар кўрингандай бўлди. Унинг кетгиси келди, бироқ эшик олдида зар уқали миршаб турарди, у тўртбурчак қоғоз парчасини Дуняшанинг башараси қаршисида силкита-силкита сиполик билан гапирарди. Миршаб Самгин томон одимлаб бир йўла унга тўрт савол берди:

— Сиз русмисиз? У қариндошингизми? Буни у ёзганми? Бунда нима ёзилган?

Самгин миршабнинг қўлидан конвертни олди, адрес ёзиладиган жойда йўғон ва тўппа-тўғри ҳарфлар билан маънави сўзлар ёзилганди:

«Азиз дўстим, Аля, жанжал чиқарганим учун кечир

мени, лекин, тушунасанми, ортиқ тоқат қилолмайман. Влад. Л.».

Самгин ўйлаб ўтирмай хатдаги гапларни миршабга таржима қилиб берди-да, эшик томон йўналди, жуда кетгиси келаётганди унинг, бироқ миршаб эшикни тўсиб, тобора зарда билан бақирар, Дуняша эса уни кўндирмоқчи бўлиб:

— Йўқол кўзимдан!— дерди.

Вақт тобора секин ўтаётганди. Самгин боши қотиб, аллақандай совуқ бир умидсизлик бутун вужудини қамраб олаётганини сезди, лекин бирдан Дуняшанинг заррин сочли боши кўринмай қолди, унинг ўрнида худди мрамрдан йўнилган каби бошдан-оёқ оқ кийимдаги Алина виқор-ла қад кўтарди. У ҳарс-ҳурс қилиб нафас олиб, гўё яна ҳам кўзга баландроқ кўриниб бир неча сония Климининг ёнида турди. Самгин унинг суратдек гўзал чеҳрасининг қандай оқариб, кўзлари олайиб кетганини кўрди, гайри табиий паст овоз билан:

— Вой ўлмасам, йўқ, йўқ... Володька!— деганини эшитди.

Алина тиз чўкиб, қўлқопли қўллари билан Лютовнинг юзи, қўллари, кўксини таталар, бошини ола-була ёстиқ устида у ёқдан-бу ёққа қимирлатар, силкитар — қишлоқи хотинлар каби ув тортарди.

Дуняша ҳам ув солиб йиғлади, Самгин унинг юзидан Алинанинг елкасига ёш томчилари тўкилаётганини кўрди. Макаров келиб, уларнинг ёнида туриб гўлдиради:

— Володя ташлаб кетди бизни...

Лютовнинг ўнг қўли кушеткадан осилиб турарди, панжалари ёмон букилган, худди бир нарсага чанг солмоқчи бўлгандай керилган, кўрсаткич бармоғи эса ўқталган ҳолда, полга тегай деб турарди. Алина қўлқопларини ечиб, оҳ уриб йиғлай бошлади:

— Азизим, жонгинам, юпонғичим... Ақллигим менинг.

Дуняша хўрсина-хўрсина йиғлаб, Алинанинг ҳурпайган бошидан шляпасини олди, шундан кейин Алина ўрнидан турди, унинг сочлари гўё қаттиқ шамолга қарши узоқ юриб келган одамники каби тўзиб кетган эди.

— Мен унга бепарво бўлдим,— деб нола қилди у.— Унинг ташвишида адо бўлдим. Бу нима қилганинг, Володя? Бу дунёда энди менга нима бор?

Алинанинг овози тобора баландроқ янграр, унинг

алам-ситами ортиб борарди. У шляпасиз бўлгани учун сочлари юз-кўзларини тўсган, юзи кичрайиб аянч бир аҳволга тушган, ёшли кўзлари ҳам кичрайиб қолгандек эди.

Самгин шу сўзларни эшитди:— У ўзини аямасди, яхши кўрмасди. Бошқа ҳаммага эса энагадек меҳрибон, шафқатли эди. Ҳожатбарор одам эди. Ҳамма учун хижолат чекарди, ўзини қизиқчиликка солиб юрарди, ҳамма нарсага ақли етишлигини бошқалар пайқамаса бас эди унга...

Макаров Алинани елкасидан кўтарди.

— Бас, бўлди! Тўхтат. Бу ерда шовқин-сурон кетмайди.

— Учир овозингни сен!— қичқирди Алина кўйлагининг ёқасини очиб, аллақандай боғичларни узар экан.

— Полиция жасад тезроқ олиб кетилсин деяпти. Москвада дафн этамизми?

— Ҳечам!— газаб билан бақирди хотин.— Шу ерда кўмамиз. Узим ҳам шу ерда қоламан. Умрбод. Москвани ер ютсин, сенларни ҳам!

Дуняша Лютовнинг қўлини кўкси устига олиб қўйган эди, бироқ у яна сирғалиб тушиб кетди ва бармоғи паркетга тегиб қолди. Жонсиз қўлнинг қайсарлиги Самгинга ёқмади, ҳатто уни сескантириб юборди. Макаров индамай Алинани хонанинг бурчагига суриб борди-да, оёғи билан бир тепиб очди ва Дуняшага: «Унинг олдига бор!» деди ва Самгинга мурожаат қилди:

— Кўз-қулоқ бўлиб тур, хотинлар ҳунар кўрсатишмасин яна, мен ярим соатга полицияга бориб келаман.

Самгин елкасини қисиб, унинг кетидан боққа чиқди, чўян скамейкага ўтириб, чўнтагидан папирос олди. Берлин извошчисига ўхшаган, цилиндр кийган семиз бир киши ўша заҳоти унинг ёнига келиб, ўзининг «Дафн маросимлари бюроси»нинг вакили эканини билдирди.

«Лютов, Дуняша, Макаров — буларнинг бари кимга керак,— деб ўйлади Самгин, қўл силтаб вакилдан юз ўғирар экан.— Дунё шу қадар торки, одамнинг кулгиси келади. Инсонларнинг ҳаёт йўли бир хил яна».

Самгин папиросини чекди. Соатига қаради,— Парижга жўнайдиган поезднинг кетишига икки соатдан кўпроқ вақт бор. Хирагина ой гардиши нурланди, кўл устидаги туман ҳам ёришди, тоғдан булут босиб келаётганди, булутлар орқасидан қора кўланкалар эргашарди. Шаҳарнинг

икки еридан мусиқа овози эшитилаётганди, бирида корнет-пистон, иккинчисида — виолончель овози айниқса ажралиб турарди. Мусиқа Самгиннинг бу ҳодисага муносиб ғамгин бир ҳикматли гапни эслаб топишига халал бераётганди, бу ҳол унинг дилидаги умидсизлик ҳиссини яна ҳам орттираётганди. Лекин у ҳар қалай шу нарсани хотирладики, Спивак вафот қилганида, флигелнинг мўриси-дан иссиқ ҳаво чиқиб турганида, Варвара шаффоф ҳавонинг сезилар-сезилмас жимирашини кўриб, уни ҳам сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган бир нарсани туйишга мажбур этган эди. Нозик ва қора дудоқларида истеҳзоли табассум акс этган нурсиз юзу ерга тегиб турган кўрсаткич бармоқ Самгиннинг кўзига кўриниб кетди. Лютов билан учрашганлари, унинг ўйноқи кўзлари, қочиримли, тагдор гаплари тез-тез, бирин-кетин Самгиннинг эсига тушаверди. Буларнинг ҳаммасида қандайдир бир сир бор эди. Наҳотки Алинанинг манави сўзлари рост бўлса: «Ҳамма учун хижолат чекарди, ўзини қизиқчиликка олиб юрарди, ҳамма нарсага ақли етишлигини бошқалар пайқамаса бас эди унга». Питер Альтенбергнинг одамни хафа қиладиган ҳазили Самгиннинг ёдига тушди: «Охирги сатрларигача ўқиб чиқилган китоб каби,— инсон ҳам баъзан фақат вафотидан кейингина ўзини тушуниб олишга имкон беради».

Дуняша чиқди-да, ёшли кўзларини пирпиратиб Самгинга боқди, пастгина овоз билан гапириб, унинг ёнига ўтирди:

— Ҳайдаб юборди мени. Ундан хавотирдаман! Ҳоли нима кечади энди унинг? Володя ҳам отаси, ҳам дўсти эди унинг...

— Макаров-чи, ўйнаши эдимиз?— сўради Самгин ўрнидан тураётиб.

— Э, йўқ, бу нима деганинг! Уми? Қайси ҳолига ўйнаш бўлади... тепса тебранмайди-ку... Қаерга кетяпсан? Кетмай тур! Макаров полицияга бориб келиши керак, мен тил билмайман, Алинани ёлғиз қолдириб бўлмайди, йўқ, қолдириб бўлмайди!

У Самгинни қўлидан ушлаб ёнига ўтқазди.

— Сен муҳожирмисан?

— Йўқ.

— Иноков эса муҳожир.

— У шу ердами?

— Ҳа. Мен у билан яшаяпман.

— Шунақа дегин! Кўпдан берими?

— Бир йилдан ошди. У дуруст одам.

— Табриклайман,— деди Самгин ва ўзи кутмаган ҳолда илова қилди:— Эҳтиёт бўл, ишқилиб сени қаматмаса бўлгани.

— Ия, нима деганинг бу? Рашк қиляпсанми?— таажжуб билан сўради хотин. Дуняшанинг Иноков билан алоқасидан хафа бўлганини сезиб, Самгиннинг ўзи ҳам ҳайрон бўлди бунга. Лекин у шоша-пиша деди:

— Йўқ, албатта!.. Лекин нима деб бўлади, бир оз рашким келган бўлса бордир.

Ичкаридан Макаров чиқди-да, папирос билан деразага ишора қилиб, Самгинга деди:

— Сен билан гаплашмоқчи...

Самгин дилида норози бўлганча уйга кирди. Алина кофтасининг тугмаларини ечиб ташлаб, бўйни билан елкасини бутунлай очиб, оғзини рўмолча билан тўсиб, креслода ўтирарди, кекирдаги асабий қимирларди. Тароқ ушлаган ўнг қўли креслонинг дастасидан ташқарига осилганча оқиста титрар, унинг бутун танаси ҳам оқиста титраётгандай кўринар, фақат кўзларигина ҳаракатсиз ҳолда Лютовнинг башарасига қадалиб қолганди, Лютовнинг мушлашиб қолган сочларига бир нима суртилган ва силиқ таралганди, юзи бир қадар ёқимлироқ бўлиб қолганди. Самгин бир дақиқача индамай турди-да, теша тегмаган бир гап айтмоқчи бўлган эди, кечикди,— Алина гап бошлаб қолди, унинг ширали паст овози бўғиқ, ифодасиз янграр, тез-тез бўлиниб турарди.

— Ҳар ҳолда бу худбинликдир, одамлар билан алоқани узмоқ... бирам даҳшатки бу!

— Шундай,— деб қўшилишди Самгин.

— У сени яхши кўрмасди.

— Наҳотки?

— Дердики, сен учун ҳамма барибир, сен одамлардан нафратланасан. Ақлингнинг пучагини чўнтагингда қум сингари сақлаб юриб, оз-оздан қисимлаб одамларнинг кўзига сочасан, ақлингнинг сарасини эса вақти келиб министр қилишганида ишлатаман, деб яшириб юрасан...

— Бу зўр гап,— деди секингина Самгин ва «Нима деяпти у — алаҳлаяптими?» деб сўради ўзидан.

Сўнгра у Алина айтган гапларни тезда яна хаёлидан ўтказди-да, Лютовнинг сўзларидан ўзининг нафсониятига тегадиган ҳеч нарса топмади.

— У одамлар ҳақида ҳамиша жиддий, ўзи ҳақида эса ҳазил-ҳузул билан гапирарди,— деб Алина бирдан ўрнидан туриб қолди ва гижимланган рўмолчани полга отиб, кўшни хонага кириб кетди, у ерда қандайдир яшиқни тарақ-туруқ қилиб сурган эди, бир шода калит полга тушди,— Самгиннинг назарида Лютов сескангандай, ҳатто кўзини сал очгандай бўлди.

«Ўзим сескандим»,— деб тасалли берди у ўзига ва кўзойнагини тўғрилаб, Алина кириб кетган хонага назар солди. Алина чўккалаб олиб, комоднинг тортмасидан аллақандай латта-путталар, қути-қутичалар, филофларни олиб улоқтираётганди.

«У тўппонча ахтаряптимикан?»

Бироқ Алина ўрнидан турди, қора бир нарсани силкита-силкита гандираклаб каравотга ўтирди.

У Самгиннинг юзига боқиб:— Нақадар даҳшат,— деб гўлдиради, унинг ёшли кўзлари катта очилган, огзи салгина очиқ эди, лекин юзида қўрқув йўқ, балки саросималик, ҳайрат акс этганди.— Қулоғимдан унинг гаплари нари кетмаяпти.

Самгин: «Сув берайми? деб сўради. У, йўқ, деб бошини сарак-сарак қилди.

— Мен сендан нимадир сўрамоқчи эдим... Нима сўрамоқчи эканимни унутдим. Эсимга тушиб қолар. Чиқиб тур, кийимимни алмаштириб олай.

Самгин кетишга журъат этмади.

«Кетаман, лекин у ҳам... Ақл-ҳуши ўзида эмас...»

Самгин Алинанинг чиройликкина қизалоқ чоғида Брюсов шеърларини ёддан ўқиганини, сўнгра ўзининг ҳусни жамоли унинг бошига не-не савдолар солганидан шикоят қилганини эслади, унинг Омон ибодатхонасидаги зўр муваффақиятини, Туробоев дафнида ўзини йўқотгудай бўлиб ҳунар кўрсатганини хотирлади.

Алина блузкасини ечишга ҳозирланар экан:— Бор, Дуняшани бу ёққа жўнат,— деб яна таъкидлади.

Самгин кавушандозга чиқди, Дуняша скамейкадан диқ этиб туриб, унга пешвоз чиқди.

— Мени чақиряпими?

Скамейкада похол шляпа кийган бир киши қолди, у билакларини скамейканинг суянчиғига қўйиб, оёқларини олдинга узатиб ўтирарди, ой нури тушиб турган шляпаси худди мис каби ярақлар, унинг бошсиз кўланкаси йўл устига тушиб турганди.

У ўрнидан турмасдан, фақат қўлини узатиб:— Салом,— деди пастгина овоз билан ва Самгинни ўзига тортар экан:

— Антиқа шароитларда учрашамиз, а?— деб сўради.

Унинг эғнидаги эзилмаган кул ранг костюми металл каби ярақларди. У Самгиннинг қўлини оғритгудек қаттиқ сиқди.

«Мана ҳозир ўзининг мардлигидан дам ура бошлайди, ҳойнаҳой, менга ташаккур айтса ҳам керак»,— ўйлади Самгин таъби тирриқ бўлиб, Иноков эса ўйчан ҳолда пастгина овозда гапирди:

— Кўпас бозорини тугатди. Қизиқ: куни кеча у гангир-гунгир қилиб, ўзини қаққа уришини билмай юрувди, хушбичим, ёқимтойгина эди ўзи.

Клим Иванович унга зимдан боқиб, Иноковнинг бирмунча кексайганини, ориқлаганини, юз суяклари чиқиб қолганини, кўз чаноқларида қора кўланкалар пайдо бўлганини сизди.

— Бетобмидингиз?

— Ҳа, мени роса эзгилашди. Бизда одам осиш жаҳдига олмаганми ахир? Роса қутуришган, тўнғизлар. Мен ҳам дор тагидан қочдим ҳисоб. Осон бўлмади бу, соқчи мени қилич билан тилка-тилка қилмоқчи эди. Мана энди тинчиб қолдим, одамларнинг гапидан азмойиш олиб, кузатиб юрибман. Бу ерда тўпланишаётган русларнинг сон-саногии йўқ. Ҳаммадан ҳар хил гап чиқади: бировлар — пушаймон, бировлар гаранг, тўғри қилдиммикан деб, пешанасига муштлаб, кўнглини хушлаб юришибди.

У қаттиқроқ ва гўё хушчақчақлик билан гапира бошлади, аския қилганидан ҳатто кулиб юборди, лекин Дуняша деразадан бошини чиқариб, бу нимаси, дегандек бошини сарак-сарак қилгани учун ўша заҳоти оғзини қўли билан тўсиб, овозини ўчирди.

— Узр, узр,— шивирлади Иноков ва ҳатто шляпасини бошидан олди. Сочларининг тагидан чап қошига қадар қийшайиб тушган қирмизи чандиқ кўринди, у битган ярнинг ўрнини бармоғи билан силаб қўйди.

Самгин эски ошнасининг пешанасидаги ёқимсиз бу янги аломатни кўриб: «Ўзининг урушда иш кўрсатганини писанда қиляпти» деб ўйлади. Сўнгра Дуняшани ана шу одамнинг қўлларида тасаввур этди.

«Қўллари қаттиқ, дағал бўлиши керак».

Самгин Лютлов тўғрисида ўйлаб кетди.

«У фаросатли эди, одамнинг одамдан фарқини яхши биларди».

Дуняшанинг ялиниб-ёлвораётган гўнғир-гўнғир овози деразадан атрофга тутундек таралаётганди. Иноков ҳам секингина бир нималар деяётганди, пастдан, шаҳар тарафдан оғир, аммо майин, ажабтовур бир овоз эшитилаётганди, бамисоли сўлақмондай-сўлақмондай оёқлар шап-шап тош кўчага урилаётгандай эди. Самгин соатига қараб кўрди — вақт секин ўтмоқда эди.

У мулойимлик билан сўради:— Сиз анархистмисиз?

— Кропоткин, Штирнерни ва мана шу черковнинг бошқа отахонларининг ёзган-чизганлариини ўқиганман,— деди Иноков секингина ҳафсаласизлик билан.— Лекин мен назарийетчи эмасман, гапларга жилла ҳам ишончим йўқ. Эсингиздами — Томилин бизга: билим — учинчи инстинкт деб ўргатарди? Менга ўхшаб ҳаётни ҳиссиёт билан идрок этадиган баъзи одамларга нисбатан бу тўғри бўлса керак.

Самгин папирос чекаётиб, фикран: «Ваҳшийларга ўхшаб» деб қистириб қўйди.

— Томилин ўзининг инстинкти билан худога бориб тақалди, лекин бу сариқ ахта тўнғиз кўрқоқ ўлгудай. Бир куни мен: «Хўш, нимага асосланиб иш кўряпман?»— деб ўйлаб қолдим. Маълум бўлдики, толеим пастлигидан пушаймон бўлиб иш кўраётган эканман, ҳа, ўзимнинг ўктамлигимни кўрсатиб. Ўзига-ўзи театр кўрсатиш, деган назария бор, мана мен, ўзимга-ўзим томоша кўрсатаётган бўлишим керак. Зерикарли иш бу. Масъулият ҳам сезмайсан.

Самгин гайри ихтиёрий равишда:— Кимнинг қаршисида?— деб юборганини билмай қолди.

— Ия, кимнинг қаршисида? Бу нима деганингиз? Ҳазиллашяпсизми...

У ҳам папирос чиқариб ёндирди, сўнгра бир неча сония эриётгандай бўлиб турган ой парчасига боқди-да, яна гапира бошлади:

— Уралда бир тўда йигитлар экслар¹ ташкил этишди, тўпланган ўн мингларча пулни ўртоқларидан бирига бериб, уни Уфага юборишди, пулни кул рангларгами ё сочи оқарганларгами топширишни юклашди унга, улар

¹ Э к с — экспроприация сўзининг қисқартирилгани, маъноси: давлат муассасалари, банклари пулларини революцион ташкилотлар аҳтиёжлари учун босиб олиш. (Тарж.)

эсерлар ва эсдекларни шундай деб аташарди. Пул олиб борган йигитнинг оёгидаги этигининг дабдаласи чиқиб кетган экан, минг-минглаб пулдан уч сўлкавойини сарфлаб этик олибди у. Пулларни тегишли жойга топшириб, уч сўмини ўзи сарфлаганини маълум қилиб, шериклари ҳузурига қайтибди, улар эса уч сўмини ўзингга сарфлабсан деб, уни отиб ўлдиришибди. Ким айтади буни ваҳшийлик деб? Тўғри қилишган! Азамат йигитлар. Улар инқилоб ҳалолликни талаб қилишлигини билишган.

Самгин унга кескин эътироз билдирмоқчи бўлиб, чала чекилган папиросни ерга ташлаб, оёғи билан эзгилади.

— Инқилоб масъулиятсиз одамларга қарши қаратилган,— деди Иноков секингина, лекин қатъий қилиб. Самгин унга эътироз билдиришга илож топмади — Макаров келиб қолди, у ҳамма юртлардаги полициянинг бир хилда аҳмоқлигидан хуноб бўлиб, папирос сўради. Башанг кийинган, хушқомат, сочлари оқарган бу киши гугурт чақди-да, уни шамдек тик тутиб турди, папиросни ёндирмасдан уни ўчирди, кейин хотинларнинг шивир-шивирига қулоқ бераркан, бошқасини ёндирди.

Самгин боши билан деразага ишора қилиб:— Нима деб ўйлайсан буни?— деб сўради. Макаров ўтирди, оёғини ерга сурди, нафасини ростлади.

— Лютов менга ёзган бир хатига: «Москвалик, биринчи даражали гильдия¹, ортиқча киши» деб имзо чеккан эди. Ўзинг биласан, Россияда нима кўп, ортиқча киши кўп. Дворянлар орасида ортиқча кишилар бор эди, улар пушаймон эдилар, мана энди пушаймон бўлаётган кўпаслар пайдо бўлишди. Улар жонларига қасд қилиб, ўзларини отишяпти. Яқинда Москвада бирдан уч одам — икки эркак ва Грибова деган бир қиз жонига қасд қилди. Уларнинг бари — бадавлат кўпас оиласидан. Тарасов деган бири жуда истеъдодли одам эди. Буржуазиямининг аксарияти нодон ва ўз борлигининг мустақамлигига гўё инонмайди. Асабий касаллар кўп...

Макаров оҳиста ва ҳар қалай ҳафсаласизлик билан гапирарди. Самгин унинг ён томондан яққол кўриниб турган чехрасига зимдан назар солди. Яқингинада бу одам фақат сўрар, суриштирарди, энди бўлса тушун-

¹ Гильдия — инқилобдан илгарин катта савдогарлар учун уларнинг бойлигига ва қиладиган савдосига қараб белгиланган даража. (Тарж.)

тиришга, ақл ўргатишга журъат этипти. Аслида унинг чиройи ҳам ёқимсиз, бемаънигина.

— У ёқимсиз, аммо ажойиб табиатли киши эди,— деди секингина Иноков.— Мен унга боқиб: ундаги бу ақл талвасасининг боиси нима?— деб ўйлаб қолган вақтларим бўлган. Яшаш қўрқинчлими ёки орми унга? Энди ўйлаяпманки, у ўз бойлигидан, бекорчилигидан, анави ғирт тентак хотин билан айланишиб қолганидан хижолатда экан... Ақлли эди у.

— Ҳм... Меҳнатсевар, аммо фойдаси йўқ, ақлли одамлар бор бизда,— деди Макаров ва Самгинга мурожаат қилди:— Лаққа балиқ тутганимиз эсингдами? Яқинда, Парижда Лютов тўсатдан менга, ҳеч қанақа лаққа балиқ йўқ эди, деб айтиб қолди, тегирмончи билан келишиб олиб биз билан ҳазиллашган экан у. Буни қараки, негадир бу ҳазилни у жуда аҳмоқона деб ҳисобларди. Аллақандай киноя бормикан, дейман бунда. Ўзи ҳам билмасди буни.

Самгин бу икки киши ўз фикр-мулоҳазалари билан унинг нафратини қўзғатганини ҳис этди. У Лютов ҳақида яхши бир гапни хотирламоққа эҳтиёж сезди, бироқ фақат кўп чайналган лотинча мақол эсига келди, бу эса изтиробли алам қўзғади унда.

— Мен уни унчалик ёқтирмасам ҳам, лекин айтсам, у ўзига хос, балки мустасно одам эди. У ҳаёт суронига ўзининг оригинал садосини қўшди...

Макаров папиросни бута орасига улоқтириб гўлдиради:

— Ҳа, ўзи ҳеч нарсага ярамаса ҳам жимжимадор қилиб ишланган, кўзига чиройли кўринадиган нарсалар бўлади.

— Мен нарсалар ҳақида гапираётганим йўқ...

— Одамлар орасида ҳам гайри оддий нарсаларга тақлид этадиганлар бўлади...

Дуняша уйдан чиқди.

— Пастга, ошхонага тушинглар, у ерда чой ҳам, вино ҳам бор.

— Алинанинг аҳволи қалай?— сўради Макаров.

— Ётибди, шивирлаб бир нималар деяпти...— Сўнгра у бир оҳ чекиб, Самгинга деди:— Нақадар дилрабо кеча.

Макаров билан Иноков кетишди, хотин эса, Самгиннинг юзига тикилиб шивирлаб деди:

— Одамзоднинг ҳоли шу экан, мана ўлди-кетди. Кетамизми?

Самгин, поездга кечикаман, деб ўйласа ҳам унинг кетидан кетди. Унга шундай туюлдики, Макаров у билан аразлашиб қолган одамдай гаплашмоқда, Лютов ҳақида эса хиёнаткорона фикр юритмоқда. Ҳойнаҳой, у Алина билан ишқий муносабатда, Лютов эса рашк қилиб ўзини отган.

Ошхонадан ачимти газ ҳиди келарди, плитанинг устидаги катта чойнак бақиллаб қайнамоқда, оппоқ кафелли деворларда мис кастрюль акси порламоқда, бурчакдаги қуриб қолган гуллар орасида боласини бағрига босган мадоннанинг рангдор ҳайкалчаси кўзга ташланади. Макаров тирсақларини столга тираб ўтирди, кафтлари билан бошини сиқди. Иноков эса стаканларга вино қуюётиб, пастгина овоз билан деди:

— Бу — тўғри гап: у фанатик эмас, балки математик. Агар Москвада губернатор Дубасов «исёнчиларни қурол кучи билан қираверинг, негаки, минг-минглаб одамни суд қилиб бўлмайди», деб буйруқ берса, агар Петербургда Трепов «пахтавон отиш бўлмасин, ўқлар аялмасин» деб команда бериб турса,— бу — ҳукумат халққа қарши уруш эълон қилди, деган гапдир. Ленин ҳам либераллар, меньшевиклар ва бошқаларнинг тўнғиз бошлари устидан ишчиларга қарата: қуролланингиз, подшоҳга, губернаторларга, фабрикантларга қарши ҳокимиятингизни қўлга олиш учун уюшингиз, камбағал деҳқонларни ўзингизга эргаштириб борингиз, акс ҳолда сизларни йўқ қилиб ташлайдилар, дейди. Оддий ва равшан гап.

Дуняша бир чашка чой қуйди, Иноковнинг гапига қулоқ солди ва:

— Кўп шовқин солманглар,— деб тайинлаб кетди.

Иноков Самгинга стаканда вино узатиб, у билан чўқиштирди, бир нима демоқчи эди, бироқ Клим Самгин гапириб қолди:

— Сизга оддий ва равшан кўринган нарса ҳаддан ташқари соддалаштириб юборилмаганми?

Сўнгра ҳаёсизларча юзини Макаровга ўгирди:

— Сен буржуазиянинг кучига етарлича баҳо бермаяпсан...

Макаров винони смирди, у бир қўлини бошидан олмасдан ўз қадаҳига тикилганча, ҳафсаласизлик билан жавоб берди:

— Мен уни даволаяпман. Назаримда, мен уни билман. Ҳа. Даволаяпман. Мана — «Аёллар асабий касаллигининг ижтимоий сабаблари» деган китоб ёздим. Буни

Форелга кўрсатдим, мақтаяпти у, нашр эттир, деяпти, бир ўртоқ қўлёмани немисчага таржима қилди. Лекин менинг нашр эттиргим йўқ. Борди-ю, нашр эттирдим, дейлик, етти ёки етмиш киши ўқийди, ундан кейин нима бўлади? Даволагим ҳам келмаяпти.

Шундоққина яқин жойда, уй ёнида отнинг дупури эшитилди. Йўғон бир овоз немисча:

— Шу ерда,— деди.

Худди ер ёрилиб ерга кириб кетгандай от ғойиб бўлди-қўйди, беш нафар тирик жон турган уйда ва уй атрофида бир дақиқа кўнгилсиз сукут чўкди, сўнгра эса, металл бўлса керак, бир нарса тарақлаб кетди.

— Тобут олиб келишди,— деб тахмин қилди Иноков эҳтиётсизлик билан ва мундштугини қаттиқ пуфлаб, ўчмаган папиросини ошхона бурчагига ўқдек учуриб юборди, Макаров эса қовоқ-тумшуғини осилтириб деди:

— Бу — рух яшиқ, тобутга у ерда, ўзларининг бюрорарида солишади. Полиция жасадни тонг отмасдан олиб кетишни талаб қилди. Алина чуввос кўтарди. Олдига бор, Иноков, у сенинг гапингга киради...

Дераза ёнидан бир хилда семиз, қора либос кийган икки киши ўтди.

— Докторлар турмушдаги иллатлар ҳақида оммабоп рисоалар ёзишлари керак. Ҳа. Бу иллатлар медикларнинг кўзига айниқса яққол кўриниб туради. Фақат иқтисодиёт билан ишчиларда турмушдан жирканиш ва нафратланиш ҳиссини уйғотиш қийин. Ишчиларнинг талаб-эҳтиёжи ниҳоятда паст. Маошга ярим танга қўшилса, уларнинг хотинларига кифоя. Ижтимоий инқилобнинг чуқур маъносини тушунадиган одамлар бизда кам, ҳамма аллақандай... инқилоб жараёнига ғайри шуурий равишда қўшилган...

Макаров калта-култа, аммо тобора асабийлашиб ва бақриб гапирарди.

Самгин юқоридаги қий-чув овозларга ғайри ихтиёрий қулоқ солар экан: «Бу Кутузовнинг фикрлари» деган қарорга келди. У:

— Сен қаерда ва нимада кўряпсан ижтимоий...— деб эндигина гап бошлаган эди, бироқ шу вақт юқоридан Алинанинг айюҳаннос солиб қичқиргани эшитилди.

Макаров ошхонадан югуриб чиқиб:— Ана холос,— деб гўлдиради; унинг кетидан Самгин чиқиб кавушандозда тўхтади.

Алина бўғиқ ва хириллаган овоз билан:— Йўқ, бермайман, рухсат этмайман,— деб қичқирарди. Қора кийимдаги семиз икки киши Лютовнинг жасадини кўтарганча юқоридан боққа тушиб келишди, уларнинг бири Лютовнинг оёқларини қўлтиғига қистириб олган, бошқаси жасаднинг гарданига ёпишиб олганди, марҳумнинг боши эса ғайри табиий ҳолда ён томонга қайрилиб, чайқалар, таъзим қилаётгандай бўларди. Баҳайбат, сочлари тўзиб кетган Алина букила-букила бир қўли билан Лютовнинг бошини тутишга ҳаракат қилар, иккинчи қўлига пиқ-пиқ йиғлаётган Дуняша осилиб борарди. Макаров билан Иноков Алинани ушлаб қолмоқчи бўлишар, Алина эса тепкилаб улардан қочар, гардани билан Иноковни туртар, унинг сочлари оппоқ юзи устида ҳурпайиб турарди.

— Ушламанглар мени,— нафаси тикилиб, хириллаб гапирарди у, Алинанинг очиқ оғзи кўзларининг қора доғлари билан бирга унинг афти башарасини бир ҳолатда кўрсатарди.

— Бас қил,— деди бақириб Макаров.— Хўш, қаёққа борасан, қаёққа?

Алина от каби хириллай-хириллай унинг қўлидан қутулиб чиқди, Иноков эса пихиллар, бурнини қоқар, рўмолча билан иягини арта-арта уларнинг орқасидан борарди. Тўрталаси бир-бири билан қапишиб, гандираклай-гандираклай оёқларини судраб босиб ташқарига чиқишди. Самгин уларнинг кетидан борди, лекин улар пастга тушиб бораётганларини кўриб, юқорига қараб йўл олди. Унинг орқасидан темирнинг тарақ-туруғи ва:

— Сандиқ... нақадар даҳшат... Сандиққа солишади... Қочинглар!— деган асабий қичқариқлар етиб келди.

Самгин шошиб бораётгани учун қоронғида қоқиларди. У пастдан келаётган овозларга қулоқ солар экан: «Ҳасса сотиб олишим керак экан»,— деб ўйлади. Пастда яна отнинг оғир дупур-дупури эшитилди, филдиракларнинг шовқини эшитилмаётганди.

«Резина филдираклар».

Сўнгра у дафн бюросининг одамлари Лютовни уйдан олиб чиқаётганларида, уч киши биргаликда Н ҳарфи шаклини ҳосил қилганларини хотирлади.

Шунга қарамай, у бу сафар бачкана фикрлар ҳозиргина ўзи ҳис этган таассуротни хаёлидан кўтаришга қодир эмаслигини сизди. У эҳтиёткорлик билан аста-аста юқорига кўтарилар экан, дилида сирли бир нарса пайдо бў-

лаётганини туйди. Бу сўзларни таниш жумлалар шаклида ўз-ўзидан бирлаштирадиган фикрнинг одатдаги иши эмас эди, бу жуда ғаройиб бир ҳиснинг туғён уриши эди: терисининг остида, вужудининг қайси ям бир теран нуқта-сида бир сўз чипқон каби етилиб, лўқиллаб турарди:

«Улим».

Бу сўз таркибидаги тўрт ёқимсиз товушниинг бирикмаси гўё уни шивирлаб талаффуз этишни талаб қиларди. Клим Иванович Самгин ўзини қайғули ва нохуш ваҳима босиб, тинка-мадорини қуритаётганини ҳис этди. У дастрўмол билан пешана терини артиб тўхтади, атрофга аланглади. Қаршисида, ой нурида кўринган қора дарахтлар тепаликларга ўхшар, оқ виллалар обод қабристоннинг бутхоначиларини эслатарди. Йўл ана шу виллалар орасида чалкаша-чалкаша қаергадир юқорига ўрлаганди...

«Улар билан хайрлашмаганим хунук бўлди»,— Самгин ўзига-ўзи шундай деди-да, тезда орқасига қайтди. Назарида, у Алина билан унинг дўстлари турган уйдан пастга тушиб кетгандай кўринди, бироқ боғ панжарасининг, қалин бута тўсиқнинг орқасидан сукунат қўйнида Макаровнинг овози аниқ эшитилиб қолди.

— Аҳмоқлар, инсонлар устидан ҳукмронлик қилишни қўлдан бермайдилару бола туғишдан қўрқадилар. Нимага? Сўраб кўр,

Самгин рўмолча билан юзини елпий-елпий ўрнидан турди-да, боққа чиқиладиган эшикни ахтара бошлади.

— Йўқ, ҳеч қачон,— деди Макаров.— У бола олдира-вериб, туғмайдиган бўлиб қолган. Унга эр керак эмас, хизматкор керак.

— Боқадиган одам,— деб гап қистирди Иноков.

Самгин эшикни тополмай, уйга бошқа тарафдан келганини англади. Уй дарахтлар орасида кўмилиб кетганди, Иноков билан Макаров эса уйдан узоқда, тўсиққа жуда яқин жойда эдилар. Самгин уларни бақириб чақирмоқчи бўлган эди, бироқ Иноков сўраб қолди:

— Хўш, Самгин тўғрисида қандай фикрдасан?

Макаров мужмал жавоб берди, Иноков кулимсираган бўлса керакки, гапираётганида овози хушчақчақ янгради.

— Худди шундай! Фикрлашдан кўра кўпроқ мулоҳаза юритадиган бир аппаратнинг ўзгинаси...

Самгин шоша-пиша улардан узоқлашиб, пастга тушар экан, ўзига-ўзи эслатди:

«Икки маротаба унга ёрдам қилдим. Менга нима, ўлиб кетишмайдими. Майда-чуйда ранж-аламлардан, гам-гуссалардан одам ўзини эҳтиёт қилиши керак».

Бу гап унга маъқул бўлган бўлса-да, юқорида бошидан кечирган катта гамни унинг эсига солди.

Самгин бутун тунни бедорлик билан ўтказди: уйқуси келмади, нотаниш, ноаниқ ва бир-бири билан боғланмаган аллақандай фикрлар қийнади уни; Владимир Лютовнинг боши, қўлларининг чайқалиб тургани кўз олдидан кетмади, унинг бир қўли иккинчисидан анча калта кўри-нарди унга. Эрталаб Самгин шалвайиб почтага борди, Берлиндан келган бир пакет хатларни олиб меҳмонхонага қайтди, пакетни очиб, хат-ҳужжатлар орасида Маринанинг дастхати бўлган кичкина ва енгилгина бир конверт-ни кўрди. У оч бинафша рангдаги юпқа қоғозда — икки кундан кейин Парижга жўнаб кетажagini, «Терминус» меҳмонхонасига қўнажagini, у ерда ўн кунча туражagini хабар қилган эди. Бу хабар Самгинни шу қадар ҳаяжон-лантирдикки, у ҳатто довдираб қолаёзди, кўзгуда ўз акси-га боқиб эса, янада ортиқ довдиради ва энди ташвишла-на бошлади.

«Болалик бу,— деб ўз-ўзига таъна қилди у қовоғини солиб, лекин кўзлари кулиб турарди.— Мени унга торта-диган нарса қизиқишгина, холос,—деб ишонтирарди у ўзини, кўзгуга боқар ва соқолини бурар экан.— Лекин бир қадар романтизм ҳам бўлса бордир. Киноя аралаш романтизм. У ким ўзи? Табиатан ақли, ўқимишли замо-навий буржуа хоними...»

Самгин ҳамон севинаётган эди, буни кўриб у ўзидан-ўзи сўради:

«Хўш, мени нима ҳаяжонлантиряпти ва нега?»

Бу саволга жавоб топиш учун вақт йўқ эди,— ҳозир Маринанинг қаерда эканини аниқлаш керак эди. У ҳи-соблаб кўрса, Маринанинг Парижга келганига уч кун бў-либди. Самгин нарсаларини чамадонга жойлай бошлади.

Парижда у Марина яшаётган меҳмонхонага қўнди, ҳафсала билан ўзига оро берди, мана у шунчалик ҳая-жонланганидан ўзидан-ўзи пушаймон бўлиб, Марина хо-насининг эшиги олдида турибди, эшик орқасидан эса та-ниш ва кучли овоз аниқ эшитилаётганди:

— Йўқ, йўқ, Захар Петрович, мен бунга кўнмайман.

Унга чийиллаган ингичка овоз жавоб берди:

— Пушаймон бўласиз! Хайр, саломат бўлинг.

Эшик ланг очилиб, ичкаридан оёқлари калта, қорни катта, юзи сариқ ва салқиган, кўзлари ўткир семиз бир киши чиқди. У ҳарс-ҳурс нафас олар экан, Самгинга ўқрайиб қаради, сўнгра қорни билан уни туртиб, секингина ер тепинар экан, пўписа қилаётгандай қичқириб гапирди:

— Маслаҳат бераман,— ўйлаб кўринг! Ҳа, ўйланг!

Сўнгра, у калта оёқларини енгилгина олдинга ташлаб коридорга тўшалган гилам устидан жимгина пилдираб кетди.

Марина ўринсиз бақириб:— Ҳа, келибсан-да,— деди-да, чап қўлидаги аллақандай қоғозларни силкита-силкита ўнг қўлини Климинг ияги томон тез узатди. Авваллари у Климга қўлини ҳеч ўптирмаганди, Маринанинг бу ҳаракатидан Самгин қандайдир бир маъно туйди.

— Хўш, Мариша яхшими?— сўради у, қоғозларни стол устига ташлаб.

— Жуда яхши.

— Мақтагинг ҳам келмайди-я.

— Ҳаддан ортиқ яхши.

— Э, яхшининг ҳаддан ортиғи бўлмайди,— бепарвогина деди Марина.— Ўтир, қаерларда бўлдинг, нималар кўрдинг, гапир...

Самгин: «Ҳаяжонланяпти»,— деб тушунди. Марина Россияда бўлган пайтидан кўра ёшарган ва чиройли кўринарди. Оч кул ранг кўйлаги унинг қадди-қоматини яна ҳам гўзал кўрсатарди, баланд қилиб турмакланган сочлари бўйига бўй қўшиб, унинг ҳукми зўр ва тиниқ юзига тож каби ярашиб тушганди.

«Жуда баҳайбат, кўпасдек соғлом,— қайд этди таассуф билан Самгин, таассуф бу хотиннинг нуқсонларини кўришдан пайдо бўлган мамнуният ҳисси билан алмашди.— Кўйлаги ҳам дид билан тикилмаган»,— деб илова қилар экан, Марианага деди:— Французлар устидан ғалаба қозонмоқ учун жуда яхши қуролланибсан.

— Бу ерда фақат сочимни тузатдим, кўйлагим эса Москвада тикилган, агар билсанг, яхши тикилмаган,— деди Марина, қоғозларни кичкина, қора чамадончага жойлаётиб, сўнгра у чамадонни стол остига қўйиб, оёғи билан итарди-да, сўради:

— Биздаги банкларнинг ўсаётгани, капиталнинг бир-

лашаётганини кузатяпсанми? «Темир руда сотиш жамияти» — Продаруд, «Мис» синдикати ташкил бўлган.

— Бояги бесўнақай ким эди?

— Захар Бердников.

Маринанинг жарангдор овозида ҳамиша асабий бир оҳанг сезиларди. У папирос ёндириб, гугурт чўпини стол устига отди, бироқ гугурт кулдонга тушмади, у Самгин бармоқларини куйдириб, ёнаётган гугурт чўпини дастурхон устидан олишини кутиб турди.

— Бугун у гап орасида айтдики, банкир, яхши процент тўланса, ҳатто зилзила ташкил этиш учун ҳам пул бериши мумкин. Банкирни билмайману, лекин Захар беради. Нонуштага ҳали вақт эрта, — деди у соатига қарар экан. — Чой ичасанми? Ҳали ичганинг йўқми? Мен аллазамон ичганман...

Марина қўнғироқ чалиб, сўзида давом этди:

— Москвада, Питерда бирмунча вақт лақиллаб юрдим. Бир кўпаснинг хонадониди янги пайдо бўлган пайғамбарни, ақллارнинг етакчисини учратиб, гапларини эшитдим. Эсимда, унинг ҳақида айтган гапларинг: бозордаги ошхоналарнинг қуймоқпазлари каби ҳамма ёғи доғ-дуғ бўлиб кетган, ёққа беланган сариқ Томилини деганинг. Шоирлар, адвокатлар, хилма-хил ойимчалар, ақли аросатдалар, дили вайронлар унга қулоқ солишарди. У жуда ўқимишли аммо жуда аламзада киши: шуҳратпарастлиги қонмаган бўлиши керак унинг.

Пастда, деразаларнинг нарёғида улкан шаҳарнинг говур-гувурини, шовқин-сурони гапни эшиттирмас, оҳорланган кийим кийган, афти қушникига ўхшаш, қоп-қора кўзлари ҳайрат билан боқиб турган хизматкор хотин ҳам гапни гапга қовуштирмас эди.

— У дердики, одамларнинг хўжалик фаолияти, ўз маъносига кўра, диндорлик ва фидокорликдан иборатдир. Исода ерда битган неъматлар билан кун кечирган Авель руҳи нур сочиб туради. Баттол одамлар, тамагир манфаатпарастлар, шайтон йўлдан оздирган муҳандислар, кимёгарлар Каин¹дан тарқалганлар. Бу сафсата нечундир Туган-Барановскийни ҳайратга солди, у узун оёқлари устида икки букилиб: ҳа, биз аграр мамлакатмиз — деб тутақди. Сўнгра бурни пучуқ шоир чиқиб кулгили бир нарса ўқиди:

¹ Каин — таврот афсонасига кўра Одам Атонинг катта ўғли, ўз иниси Авелининг қотили. (Тарж.)

«Хаёл кемасида таскин топамиз, уйқу дардимизни ёзди», — тахминан шунга ўхшаш бир нарсани.

Марина истеҳзо билан кулимсирарди, лекин табассум унинг чимирилган қошлари орасидаги ажинни ёзарди холос, кўзлари эса зарда билан порларди. Момиқдай нозик қўллари гўё ўз юмшоқлигини йўқотиб, кескин, қўпол ҳаракатлар билан стол устидаги идишларни туртар, итарди.

— Умуман, одам зерикади. Уйдаги байрамдан кейин уйни саранжом қилишяпти, одамлар карахт, байрам муносабати билан тутган жамики яхши нарсаларини тозалаб, шоша-пиша яширишяпти. Кеча ўзларини унволари ва мартабаларига яраша тутмаганларини фаҳмлаб қолишди. Бошлиқлар эса халқни тинчитишнинг пайдалар, жиноятчиларни дорга осишяпти. Уларни осмай турсалар ҳам бўларди, ўзлари ҳам адои тамом бўлишарди. Умуман, вилоятда яшаганда марказдаги одамларни... бой деб тасаввур этасан, кўзингга ажабтовур бўлиб кўринади улар...

Самгин Маринанинг кайфияти ўзини мутаассир этаётганини сезиб: «Нима демоқчи ўзи?» — деб фикр юритди. У суҳбатни бошқа мавзуга бурмоқчи бўлиб сўради:

— Безбедов қалай?

— Нижнийдан хат ёзиб юборибди, ярмаркада ялло қилиб юрибди экан. Хатида нолиган, пул сўраган, кечирим сўраган. Кечирсам кечираман, аммо пул юборолмайман, деб жавоб қилдим. У билан охири вой бўладиган кўринади менинг аҳволим.

Самгиннинг оғзидан беихтиёр шундай гап чиқиб кетди:

— Менинг назаримда, — сен кечиришга қодир эмассан.

У хотиннинг кескин бир жавоб беришини кутган эди, лекин Марина елкаларини қисиб, парвосизлик билан деди:

— Нега қодир эмасман? Кечириш — тупуриш деган гап, мен эса ҳар қандай одамнинг башарасига тупуришга жуда қодирман.

Самгин ташвиши ортиб, аллақандай кўнгилсиз бир ҳол рўй беражагидан хавотирланиб: «У ҳеч қачон бунчалик қўпол гапирмас эди» — деди ичида. Маринанинг ҳаракатларида унга хос бўлмаган кескинлик, қўполлик сезиларди.

«Бир нимадан хафа кўринади...»

Самгин шоша-пиша унинг қаерларда бўлгани, нималар кўрганини сўради. Марина икки марта Луврга бориб

келибди, эрта ўтиб индинга Брианнинг гапини эшитиш учун парламентга борар экан.

— Кеча Булон ўрмонида бўлдим, фоҳишаларнинг намоишини кўрдим. Албатта уларнинг бари фоҳиша эмас-ку, лекин барибир ҳаммаси фоҳишага ўхшайди. Ҳақиқий «артиклъ де Пари»¹ ҳам завқ-шавқ учун.

Сўнгра Марина ўнг кўзини шўх пирпиратиб деди:

— Пул йиғ! Сен кўнгил очишинг керак, хўриб турибман, хомушсан!

— Менга эса сен хомуш кўриняпсан...

— Менми? Ҳа! Менга алам қияпти. Эркак бўлиб туғилмаганимга пушаймонман.

Марина папирос тутатиб, ўрнидан турди, ўзини кўзуга солиб, ундаги ўз аксига папирос тутунини пуфлади.

— Генерал хотини Богдановичнинг ҳузурида бўлдим, унинг ҳақида сенга гапирган эдим: эри — генерал, Исакиев черковининг оқсоқоли, ярим телба, аммо фирибгар бир одам у. Хотини эса ақлли, жуда зийрак жувон, пул масаласида, миллатнинг фарқига бормай, ҳамма яқинларга бир хилда меҳр-шафқат билан ёрдам беради. Мен илгарилари ҳам унинг ҳузурида бўлганман, бу сафар эса у мени Бердников билан мулоқотга таклиф қилди,— буни кейин гапириб бераман сенга.

Марина папирос чека-чека у бурчакдан бу бурчакка юрар, Климга боқмасдан, қошларини учира-учира гапирарди.

— Мен вилоятдан келган содда дил, лобар бир жувонман, менга ақл ўргатган одамнинг гадосиман, генералнинг хотини эса бировга ақл ўргатишни яхши кўради. Энди библи турибманки, Россиянинг аҳволи чатоқ, ҳеч ким уни севмайди, ҳатто подшо билан маликанинг ўзи ҳам севмайди. Россияда виждонли ватанпарварлар йўқ, борлари фақат виждонсиз, Столипин — иккиюзламачи, махфий либерал, подшони ҳар кимга сотишга тайёр, ўзи ҳукмдор бўлишнинг пайида, ҳайвон! Айтмоқчи, Столипиннинг боғини эсерлар эмас, балки максималистлар, имонидан қайтган кичик бир тўда хароб қилди. Уларнинг назарида, марказда ишлари юришмаган,— улар марказчилардан бирининг полиция департаменти билан иноқ эканига шубҳа қиладилар.

У бепарволик билан шу гапларни айтиб, генерал хотини тўғрисидаги гапини давом эттирди.

¹ «Париж зийнатлари».

— У ердагиларнинг ҳаммаси унвонли, ордендор ёки ҳамёни қаппайган одамлар. Ҳаммалари худога ишонадилар ва бир-бирларига бировнинг нарсасини сотишни истайдилар.

Самгин унинг аниқ профилига, кичкина, қирмизи қулоқларига, келишган гарданига боқар ва боққан сари кўзларини қаттиқ юмиб олгиси келарди.

Хотин унинг қаршисида тўхтади, заррин кўз қорачиқлари шиддатли порлади.

— Агар мен эрга тегишни истасам, жуда бадавлат бир чолни менга юз минг-икки юз мингга сотишлари мумкин...

Клим Иванович Самгин кутмаганда лоп этиб пайдо бўлиб, унга ташвиш орттирган бу жумбоқдан кўзлари толиб, бир зум кўзларини юмди.

«Унинг полиция департаментида хизмат қилишига нима моне бўлиши мумкин? Мен кўрмаяпманки, у...»

Самгин кўзойнагини олиб, уни замша парчаси билан арта бошлади,— ҳоли танг бўлиб қолган дақиқаларда у шундай қилгучи эди.

— Нега мунча бужмаясан, худди қорни бураб оғриётган одамдай?— сўради хотин. Маринанинг овози шангиллаб эшитилгандай туюлди Климга.

— Гапингни эшитиб, ёмон фикрларга боряпман,— деб гўлдиради у.

Марина бирмунча овозини пасайтириб, мулоғим гапирар экан, яна одимлай бошлади:

— Ҳа. Кўнгилсиз хабарлар. Қонун чиқариш очкўз аҳмоқлар билан танбалларга қолгач,— улар Россияни сотиб совурадилар. Энди улар Урта Осиёга суқияптилар, Урта Осиё эса бизнинг қуп-қуруқ биқинимиздир! Инглизлар ҳам жуда яхши биладиларки, қуп-қуруқ...

Марина кимларнидир пулларини санаб, машҳур санатчиларнинг, ер эгаларининг номларини, министрларнинг номларини тилга олиб, шу мавзу атрофида одамни зериктириб юборгудек узундан-узоқ мулоҳазалар юритди. Самгин ўз фикрлари билан сервар бўлиб, унинг гапларига қулоқ солмаётганди ҳисоб.

«Сектантлик — бир соатлик ўйиндир. Ватанпарварликчи? Кўпасча ватанпарварлик. Балки бу ҳам ўйиндир. Кутузовга кўмаклашув... Энг қийини шунини изоҳлашдир. Департамент... Ҳар нарса бўлиши мумкин. Қандай ғоялар уни чеклаган бўлур эди? Ақлли, билимли хотин. Авантюрист

у. Елғиз пулнинг кучига инонади, қолган ҳамма нарса-лар — танқид учун, инкор қилиш учундир...»

Бу хотин ҳақида душманларча фикр юрита олиши Кли-Иванович Самгинни қувонтирди.

— Ҳар қалай нонушта қилиб олишимиз керак! — деди Марина. — Бу пайтда бу ердагилар тушлик қилишади. Юр.

У кичкинагина ётоқхонага кириб кетди, Самгин Мари-на ёнбошини ўйноқлатиб бораётганини кўрди, авваллари бундай қилмас эди у. Марина кўзга кўринмай, аллақандай қулф-калитларни шақиллата-шақиллата гапирарди:

— Степанни кўрдим, хотинини Крестга қамашибди. Қў-ғирчоқдай жажжи, ранги сўлғин хотин эди, фамилияси ба-лиқ номига ўхшайди...

— Сомова...

— Шундай бўлса керак. Степан уни бир марта олдим-га юборган эди. Степан аҳдидан қайтмайдиган одам. Ужар. Ужар одамларни ҳурмат қиламан.

Марина ётоқхонадан чиқди. У елкасига тулки мўйнаси билан ҳошияланган ҳаво ранг накидка ташлаб, қўнғир соч-ларини заррин тўр билан танғиб олганди, бўйнидаги зум-радлар кўзни қамаштиргудек товланарди.

— Хўш, кетворибманми? — сўради у.

— Жойидасан.

— Айтсанг-айтмасанг.

Улар меҳмонхона ресторанида нонушта қилишди, сўнг-ра файтонда бульварларни айланишди. Розилик майдонига боришди, Нотр-Дамни томоша қилишди, — бошига кулгили клеёнка шляпа кийиб олган семиз, оқ мўйловдор кучер, иб-ратомиз бир оҳангда гурур билан деди:

— Буни ойдинда кўрган маъқул.

— Москвалик извошчи Кремлни қачон кўриш яхши бўлишлигини айтмайди, — деди секингина Самгин, Марина индамади, Клим эса ўша заҳоти хотирлади: Берлин панси-онининг соҳибаси ҳақида ҳам у шунга ўхшаш бир гап айт-ганди. — «Биз русларда ватанпарварлик йўқ, ўз миллатимиз билан бирдамлик, унга, унинг инсоният олдидаги хизмат-ларига ҳурмат ҳисси йўқ», — бу гапларни Катков айтган эди. Поль Деруледнинг Катковни дафн этгани келганини ва Катковни буюк рус ватанпарвари деб атаганини хотир-лади Самгин. Турли-туман, майда-чуйда фикрлар уни қий-наётганди, Самгин кўнгли ғаш тортиб, бу фикрларни ўзи-дан узоқлаштирар экан, Марина Париж тўғрисида нима деяжagini сабрсизлик билан кутарди, бироқ Марина ун-

чалик ахамиятсиз гапларни яримта-юримта қилиб айтарди:

— Шаҳар тўла шовқин, кўчада одамнинг кўплигини кўр. Эркаклари — ушоққина, пайқаяпсанми? Бизнинг вяткаликларга ўхшаб...

Самгин зимдан унга боқиб, Марина ғайри самимийлик билан бир нимани яшириб қолмоқчи бўлиб, атайдан бемаъни нарсаларни гапиряпти, деб ўйлади.

Марина «Фоли Бержер»да «ревю»¹ни кўришни таклиф қилди. Бориб партерга билет олишди, лекин бир оздан сўнг Марина кулимсираб:

— Ложага олиш керак эди,— деди.

Ҳақиқатан ҳам халойиқ шивир-шивир қилиб, ўринларидан туриб, ҳаёсизларча Маринани кўздан кечирарди, Самгин хотинларнинг ҳасаддан ёки менсимаганликдан кўзлари чақнаётганини, эркаклар суюқ қилиқлар қилаётганини кўриб турарди, жингалак сочларига оқ оралаган, шоп мўйловли, буғдой ранг чиройли бир киши эса қора кўзларини олайтириб шу қадар қаттиқ тикилардики, гўё у бир вақт Маринани кўргану энди қачон ва қаерда кўрганини эсламоқчидай эди.

— Ким деб ўйлайсан: маркизми² ёки сартарошми? — шивирлади Марина.

— Бир сурбет-да. Маст бўлса керак,— зарда билан жавоб берди Самгин.

Саҳнада тушуниб бўлмайдиган бир нарса ижро этилаётганди: ушоққина, чаққон бир артист жуда ҳам баҳайбат боксчига тақлид этарди, унинг ўспиринларга ўхшаш юзига калта қилиб қирқилган оппоқ соқол ёпиштириб қўйилганди, у гиламча устида умбалоқ ошар ва фрак кийган қизил танли баҳайбат кишига лаби лабига тегмай бир нимани уқтирар эди.

— Бу Лепин, Париж мэри ёки полиция идорасининг префекти бўлса керак,— деди Марина.— Қизиқарли ери йўқ, аллақандай оилавий гаплар.

Хонандалар, эксцентриклар, занжи раққослар саҳнада дам пайдо бўлиб, дам кўринмай қолишарди. Марина жавраб, Нижнийдаги ярмаркада буларнинг бари «дурустроқ бир аҳволда» кўрсатилишлигини айтди. Шу топда оркестр-

¹ Ревю — театрда бир мавзудаги айрим номер ва кўринишлардан тузилган постановка. (Тарж.)

² Маркиз — Ғарбий Европада дворянларга бериладиган графдан юқори, герцогдан пастроқ унвон. (Тарж.)

нинг шовқин-сурон садолари остида ўттиз нафарча яланғоч қиз саҳна орқасидан югуриб чиқди, улар шўх музыка оҳангида бир талай тўрлар ва ранго-ранг ленталар орасидан яланғоч оёқларини ҳар тарафга ташлай бошладилар: уларнинг ҳар бири каттакон серяпроқ гулга ўхшарди, оёқлари гултожибарг ичидаги шокилда уруғлардек титрарди, қизлар саҳнада шунақа тез учишардики, уларнинг ҳаммасининг юзи бир хилда бўялган, жозибадор, кулимсираб турган битта юзга ўхшаб кўринар ва уларни қаттиқ шамол саҳнада у ёқдан-бу ёққа қувлаб юргандек эди. Сўнгра, баланд бўйли, чаққон бир хотин қизлар даврасини ёриб, қизил шалвар, эзилган кепка кийган, бурни қизил, анқов башара бир солдатни кетидан эргаштирганча шўх рақс эта-эта саҳна олдига чиқди. Юзларча томошабин уни олқишлаб, қийқириқлар билан кутиб олди, тиззасидан юқори калта юбка кийган, қадди-қомати келишган, чаққон хотин ҳам бир нималар деб қичқирар, кулар, ён томондаги ложага кўз сузарди, солдат эса оёқларини тапиллатиб бош эгар, кимнидир узоқдан ғойибона ўпарди,— хотин бирдан қаттиқ чигиллаб солдатга ёпишиб олди ва улар томошабинларга ёнлама туриб, саҳнада ёй чизиб, жон-жаҳдлари билан матчишга рақс эта кетдилар.

— Ўҳў! Очиқ-ошкор-ку, — деди Марина секингина, Самгин унинг ёноқларидан тортиб қулоқларигача қип-қизариб кетганини кўрди. Уни «Сунъий минерал сувлар заводи»да кўрганидек яланғоч тасаввур этар экан, ҳайрон бўлиб ўйлади:

«Бу ҳаёсизликдан у уялмаса керак».

Раққоса чинқирар, солдат қаҳ-қаҳларди, ўттиз нафарча ярим яланғоч аёл бир-бири билан бел ушлашиб, музыка мақомига чайқалар, узлуксиз олқишлар, дўмбиралар гулдуриси, мис ва торли асбоблар кўйи, раққосларни ёритиб турган прожекторнинг ранго-ранг нурлари,— ана шуларнинг бари одамда ғалати бир тасаввур ҳосил қиларди,— гўё бутун зал гир-гир айланаётгандек, сакраб тушаётгандек бўлар, тўнкарилиб, ўпирилиб кетаётгандек туюларди.

Парда тушганда Марина оҳиста ва ўйчанлик билан:— Ҳа, дуруст. Бу... бут қурбонлиқ этини яхши тақдим этишар экан,— деди.

Кутилмаганда бу гапдан Самгиннинг жаҳли чиқди, у ахлоқдан дам уриш ҳамма вақт ҳам ўринли бўлавермайди, демоқчи бўлди-ю, бироқ бунинг ўрнига шундай деб сўради:

— Сен Москвада, Омоннинг уйида бўлганмисан?

— Ҳа, бир марта. Нима эди?

— У ерда ҳамма нарса мароқлироқ, тўкисроқ эди.

— Эсламайман.

Улар уйга пиёда кетишди. Ҳашаматли шаҳар байрамлардагидек шовқин-сурон кўтариб гулдурад, чироқлар порлар, магазинлар олам-жаҳон чиройли буюмларини кўз-кўз қилар, хиёбонларни гангир-гунгир овозлар, кулги садолари тўлдирганди, каштан дарахтларидан панжасимон барглар тўкилар, лекин шамол сезилар-сезилмас эсаётганидан барглар шодиёна гангир-гунгир, кулги, музыка овозларининг зарбидан чирт-чирт узилаётгандек туюларди одамга.

— Инқилобнинг собиқ усталари яхши маскан топган эканлар,— деди Марина ва бир неча сониядан сўнг илова қилди:— Ҳозир улар бизга қарз беришмоқда.

Олдинда бораётганларнинг устига каштанларнинг жим-жимадор кўлкалари тушаётганди.

— Қара: ҳамма худди уводага ўралганга ўхшайди,— деди Марина.

Уни қўлтиқлаб юриш Самгинга ноқулай бўлаётганди, қадамини уникига мослаштириш қийин эди, Марина ёнбоши билан Самгинни туртиб-туртиб борарди. Кишиларнинг аланглаб унга қараши ҳам Самгиннинг гашини келтираётганди. У кеча Маринанинг хатини ўқиганида ҳаяжонлангани эсига тушиб, ўйлади:

«Нега мен севиндим? Унинг сиёсий полиция идорасида хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр қаёқдан пайдо бўлди? Ажабо...»

Марина тамадди қилгиси борлигини айтди. Ресторанга, жуда ёруғ, лекин майин ёритилган доира шаклидаги залга киришди, кичкина эстрадада торли кватрет чалиб турарди, музыка ғовур-ғовурга, хотинларнинг кулгиси, шишаларнинг жангир-жунгирига жўр бўлаётганди, одам жуда кўп, ҳамма бир-бири билан гўё азалдан танишдек кўринарди; столчалар гўё атай хонимларнинг либосларини кўриб, кўз қувонишига қулай қилиб терилган эди; салоннинг ўртасида фрак кийган оқ сариқ сочли новча бир киши билан қизил либосдаги нозик бир хоним вальсга танца қилаётган эди, хонимнинг бошида, ранго-ранг тошлар қадалган каттакон тароқ худди антиқа бир қушнинг кокили каби товланиб турарди. Самгиннинг чап томонида анча ёшларга бориб қолган танҳо бир киши хат ўқиб ўтирарди, ёқимли ва мулойим юзли бу кишининг ялтироқ бошидаги

жингалак сочлари сийраклашиб қолганди, у кўзларини қоздан узиб, Маринага боқди, кулимсиради ва лабларини қимирлатди. Унинг қора кўзлари Маринанинг юзига қадалиб қолди. Самгин бу одамнинг портретларини журналларда кўрган эди-ю, лекин унинг ким эканини эслай олмасди. У Маринага Франциянинг кўзга кўринган одамларидан бири унга қараётганини айтди.

— Билмайсанми — ким у?

Марина такаллуфсизлик билан французни кўздан кечириб, лоқайдгина деди:

— Жисмоний ва маънавий тўқлик тимсоли.

Самгин лабларини маҳкам қисди. Маринанинг ўзини тутиши унга тобора ёқмай қолаётганди. Маринанинг заррин кўз қорачиғлари қорайди, у қошларини чимириб, хўмрайиб олди ва сочиқ билан лабларини шундай қаттиқ артки, гўё унинг лаблари бўялмаганини ҳамма билишини истарди... Уч жуфт одам ёқимсиз ҳаракатлар билан танца қиларди, кўкси орденлар билан безалган кўзи ғилай, оёғи қийшиқ ушоққина бир одам сап-сарик юзида совуқ табасум билан хўроз каби пилдираб Марина ёнига яқинлашиб келар,— ҳар сафар у Маринанинг стулига яқинлашар экан, у ижирганиб ўзини ундан тортар ва кўйлагининг этагини йиғиштирарди.

— Менуэтни¹ расво қилган шулар,— деди Марина.— Мопассан ёдингдами? «Рақслар қироли ва қироллар рақси».

Самгинга эркагу аёл ҳамма Маринага кўз тиккандек, гўё унинг танца қилишини кутаётгандек туюлаётган эди. Бу боқишларга Марина сира менсимамай жавоб бераётир, деб биларди у. Марина қалин қилиб нок арчар, унинг яқинида ўтирган, бўйнида, бармоқларида бриллиантлар порлаётган сарик сочли хоним эса қўлидаги нокни қоғоздек юпқа қилиб, чаққонлик билан арчарди.

«Ажабо — у рус нигилисти ролини ўйнаяптими ўзи? Айтмоқчи, унда нигилизм бор чоғи?..»

Самгин яна ўша кескин саволга дуч келди: Маринанинг полиция департаменти билан алоқаси хусусидаги фикр унда қаёқдан пайдо бўлди ўзи?

«Башарти у полиция департаментида хизмат қилганида, ҳойнаҳой, бундай бир хотинни вилоятда қўйиб қўймаган, Петербург, Москвадан чиқармаган бўлардилар...»

¹ Менуэт — қадимги французча рақс. (Тарж.)

Сўнгра у бу ғаройиб фикрни унда қандай бир ҳис уй-
фотганини аниқлашга ҳарақат қилиб кўрди.

«Ваҳимами? Ваҳимага тушишимга ҳеч қандай асос йўқ».

У ўйлаб кўрса, Маринанинг сиёсий полиция идораси билан алоқаси бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр унда ҳайратдан бўлак ҳеч қандай ҳис туғдирмабди. Кулги ва музыка садолари остида бу тўғрида ўйлаш гарчи ёқимсиз, оғир бўлса-да, лекин бу фикрларни у калласидан чиқариб юборолмасди. Устига-устак Самгин одатдагидан ортиқроқ ичиб қўйганди, сархушлик унда лирик бир кайфият туғдираётганини сизди, лирика билан Марина эса сира қовушмайдиган нарсалар эди.

Марина франкнинг қайтимини мева арчиладиган пичоқ билан тарелкага иргитаётиб, улардан биронтасини ҳам олмай: Французлар бизни, ҳойнаҳой, эру хотин, аразлашиб қолишган деб ўйлашса керак,— деди ижирганиб. У гарсоннинг¹ секингина «Мерси, хоним!» дегани ва икки букилиб таъзим қилганига ҳам бош ирғамади.— Мен ўзим билан ўзим чиқишмай қолдим, ҳа, чиқишмай қолдим,— деб давом этди у, Климни қўлтиқлаганча ресторандан чиқаётиб.— Биласанми, одамлар дорга осилаётган бир мамлакатдан дорга осаетганларга пул бериб турган ва рақс тушаётган бир мамлакатга дабдурустдан бунақа келиб қолиш...

Самгин:

«Мен сенга ишонмайман, ишонмайман!» деб қичқиргиси келса-да, бунга журъат этмай:

— Сени унчалик тушунмаяпман,— деб қўя қолди секингина.

Марина гапини давом эттирди:

— Ўзингни... бошқача, гўё бахтсиз одамдай сезасан.

Бахтсизликни эса мен ёмон кўраман... Русларнинг севган ҳунари бўлиб қолган азоб-уқубатга менинг тоби тоқатим йўқ...

Марина индамай қолди. Меҳмонхона яқин бўлгани учун пиёда беш минутда етиб олишди.

Самгин ўз хонасига кириб, пальто ва шляпасини ечмасдан дераза олдига келди-да, зарда билан унинг тавақаларини очиб, пастга қаради...

«Унинг энг англашилмас, сирли жиҳати — инқилобий фикрларидир. Албатта, гап — эътиқод, майл эмас ҳали,

¹ Гарсон — чет эл ресторанида офицант. (Тарж.)

лекин унда...» Самгин бу хотиннинг гапларидаги ўзига хослик нимадан иборат эканини аниқлай олмаган эди. Унинг боши сал айланди, пастда, хира ёритилган кичкина майдонда одамларнинг қора шарпаси сокингина сурилаётганини кўрди, файтон гилдиракларининг бўғиқ гижирлашига қулоқ солди. У ердаги жамики нарсалар бир куннинг ўзида чарчаб бўлибди, тўхтаб дам олмоқчи,— гўё шу онда, Марина етиб борган нуқтада тўхтаб қолади, деб ўйлаш мумкин эди. Самгин пальтоси билан шляпасини креслога ташлаб, папирос чекиб ўтирди.

Самгин хотирасининг Марина ҳақидаги фикрлар ўрнашиб қолган бурчаги яна ҳам қоронғилашди, шунга қарамай у ўзини бир қадар енгил ҳис этди.

У: «Мен нима топдим у нима йўқотдим?»— деб сўради ўзидан ва жавоб берди:— Унга мойиллик ҳиссини йўқотиб, янгидан топдим, лекин менда аллақандай умид йўқолди. Нимани умид қилган эдим? Унинг ўйнаши бўлишними?»

Самгин яна бир марта Маринани яланғоч ҳолда тасаввур этар экан, шундай фикрга келди.

«Йўқ, албатта. Йўқ. Бироқ у менга бошқа оламга мансуб одам бўлиб кўринар, унда аллақандай мустаҳкам, енгилмас куч бордек эди. Лекин у ҳам танқидий муносабат дардига мубтало бўлган. Ишонч ҳиссидан маҳрум, сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқидан бўлак ҳеч қандай муддаоси бўлмаган бутун китоб ишқибозлари каби унда ҳам ҳаётга танқидий муносабат гипертрофияси мавжуддир. Йўқ, бу эркинликни... бу тафаккур анархиясини чеклайдиган ғоялар зарур».

Сўнгра у Марина ҳар ҳолда оригинал табиатли аёл, деб ўйлади.

«Асл рус хотинлари нусхасидан у».

Учқур отни тўхтатар шартта,
Енаётган кулбага кирар...

Хуллас, худо билади, унда қандай бир сир бор,— деб ўйлади Самгин ҳорғин ва тажанг бўлиб.— Унинг полиция идорасида бўлиши мумкин эмас... Ундан узоқлашмоқ учун бу гапни ўзим ўйлаб топдим. Негаки у Столипин боғидаги портлаш тўғрисида менга гапирган эди, шундан кейин мен Любимовани хотирладим...»

У бир неча сония ўйламасликнинг иложини қилди, сўнгра тан олди:

«Гап бундоқ, сен хотинларнинг кўпини кўрдинг, ҳозир ҳам хотинсираяпсан, дўстим! Ундан кўра шароб ичган маъқул. Лекин кеч, беришмайди...»

Ҳар қалай у қўнғироқ чалган эди, навбатчи хизматкор кирди ва орадан беш минутчадан кейин Самгин бир стакан хушхўр шароб ичгач, бу ерга ҳозиргина кирган кишидек хонага кўз югуртира бошлади. Юмшоққина бахмал мебель, қалин гилам, эшик-деразалардаги пардалар — буларнинг бари хонани ажабтовур паҳмоқ тусга киритган эди. Бу хонани нима билан қиёс қилса бўлади? Қиёс қиладиган бир нарса топилмади. Самгин шошилмасдан ички кийимидан бошқа кийим-бошини ечди, яна шароб ичди ва ўрин устида ўтирган ҳолда Женевада бўлгани каби етилган чипқоннинг лўқиллашидек оғриқ сезди ўзида. Бироқ бу ёқимсиз бир ҳис эмас эди, аксинча унга шундай туюлдики, унда жуда муҳим бир нима етилмоқда ва у ўзида муҳим бир нарса кашф этиш арафасидадир, у деразани ёпишни унутган эди, майдондан хонага бирдан қаҳқаҳа овози ёриб кирди, сўнгра қаттиқ ҳуштак овози, одамларнинг қичқиргани эшитилди.

— Аҳмоқлар,— деб сўкинди Самгин деразага яқинлашар экан.— Кулишади... Кейин ўлишади...

Унга шундай туюлдики, сўнгги уч калимани у пичирлаб ўйлагандек бўлди.

«Бўлмаган нарса. Пичирлаб ўйламайди одам. Сассиз, ҳатто — сўзсиз ўйланади, оддийгина... сўзларнинг кўланкаси воситасида».

Шу пайт у сездики, унда бир нима худди портлагандай бўлди ва унинг фикрлари қатъият билан, ўз ҳолича, ранжалам билан фарёд чекди:

«Танҳолик. Бутун дунёда сўққабош бўлиб яшаш. Мен аллақандай аҳмоқона горга тикилиб қолибман. Чиройли ва мунтазам туйғуларим оламида фикрларимнинг ёвуз ўйини оламида танҳо қолиб кетибман. Леонид Андреев ҳақ: фикр, балки объектив борлиқнинг хасталигидир...»

Самгин букчайиб, тирсаklarини тиззасига тираб ўтирарди, унга фикрларининг туғени, черков қўнғироғи тоши мисга урилгани каби, уни тебратаётгандек туюлди.

«Прометей — иблис ниқоби» — тўғри гап бу. Иероним Босх ўзининг дунёқарашини шу қадар дадил баён қилдики, унга қадар бунга ҳеч ким бу қадар журъат этмаган эди...»

Паҳмоқ хонада ҳамма нарса чайқалар, гир-гир айланарди, Самгин турмоқчи бўлди-ю, бироқ туролмади,

оёғини полдан кўтармасдан бошини ёстиққа ташлади. У уйқудан кеч уйғонди, қўнғироқ чалди, хизматкор хотинни Зотова хонимнинг парламентга бориш-бормаслигини билиб келишга юборди. Маълум бўлдики, борар экан. Бу унчалик кўнгилли эмас эди, Самгин Франциянинг қонун чиқарувчи органи қандай ишлашлигини кўришга интилмас, катта йиғинларни яхши кўрмасди, яна шунинг учун ҳам боргиси йўқ эдики, у француз тилини жуда ёмон билишига аллақачон амин бўлган эди. Лекин Марина у ерда ўзини қандай тутажагини негадир кўриши керак эди, мана, у жамоат учун белгиланган ложада Марина билан елка уриштириб ўтирибди.

— Мана, идора қилувчи демократиянинг ҳоли,— шивирлаб деди Марина.

Самгин тепакал, қора соч, оппоқ сочли одамлар ўтирган қаторларга тикилиб-тикилиб қаради, юқоридан ўтирганларнинг каллалари креслоларга қапишган гавдаларга нисбатан ҳаддан ташқари катта кўринарди. Ғайри ихтиёрий равишда, бу каллахум одамларнинг бобокалонлари ва боболари «Буюк инқилоб» қилганлар, Наполеонни яратганлар, деб ўйлар эди одам. Бу мамлакатдаги 30 нчи, 48 нчи ва 71 нчи йиллар ҳақида ўқилган нарсалар эсга тушарди.

— Либертэ, эгалитэ¹, лекин парламент депутатлигига аёлларни йўлатишмайди,— деди тўнғиллаб Марина.

Башараси кардинал Мазарникига ўхшаш бир киши «р» ва «л» товушларига тили келишмай, чучук тенор овозда, бир қоғозни ўқирди, уни индамай эшитишарди, фақат чап тарафдаги скамейкалардан аҳён-аҳёнда тўнғиллаган хитоблар эшитилиб қоларди.

— Мана, сотқин Аристид,— деди Марина.

Минбарда калладор, қўнғир сочлари тўзиган, миқти, тўладан келган, ўзи қувноққина бир одам турарди, у бир оз букилгандек кўринарди. Юзи бўлаликқина, ёноқлари лўппигина эди, шўх кўзлари табассумга мойил эди унинг. У кўзларини қисиб, бўйнини олдинга чўзганча биринчи қатордаги креслода ўтирган депутатлардан бирига бош ирғади, унга тишининг оқини кўрсатди, чап қўли билан «Юртугининг қайтарма ёқасини, пюпитр² четини пийпас-

¹ Озодлик, тенглик (французча).

² П ю п и т р — ноталар қўядиган қия сатҳли кичкина стол.

(Тарж.)

лаб, ўнг қўлини гўё кўзга кўринмаган тутунни ҳайдаёт-
гандек ҳавода оҳиста ўйнатиб, хонаки, дўстона бир оҳанг-
да сўзлай бошлади. У ўзини койитмай, кучли, бир оз
бўғиқ овоз билан гапирар, унинг пишиқ, бийрон, ҳазил-
омиз ва мулойим сўзлари гоҳ жўшқин, гоҳ мунгли эшити-
лар, бу сўзларнинг тагида киноя бордек туюларди. Унинг
гапини жуда диққат билан эшитишар, кўпгина кишилар
маъқуллаб бошларини эгишар, секингина айтилган қисқа
нидолар эшитилиб турар, унинг дўстона табассумига
одамлар ҳам табассум билан жавоб бераётганлари сезилар-
ди, тақир кал бир депутат эса бўз қулоқларини худди қу-
ён сингари қимирлатарди. Сўнгра Бриан қошларини
чимириб, овозини баландлатиб гапира бошлади, кўзлари
катталашди, ёноқлари қизарди, унинг айниқса эҳтирос
билан айтган гапи Самгиннинг қулоғига жойлашиб қолди:

— Бизнинг мамлакатимиз, чексиз садоқат билан сев-
ган гўзал Франциямиз инсониятни озод қилиш ишига
хизмат қилади. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, озодлик
кураш билан қўлга киритилади...

Марина соатига кўз ташлаб:— Шундай экан, қурол-
ланишга пул беринглар,— деди.

Брианни олқишлашди, лекин норозилик қичқириқлари
ҳам эшитилаётганди.

— Менга шунинг ўзи бас! Нонушта қилиб олгани қирқ
минут вақтим бор,— ҳоҳлайсанми?

— Жоним билан.

Улар кўчага чиққанларида, Марина:— Буни кўрдинг-
ми,— деди,— ўзи кичик бир майхона эгасининг ўғли, дўсти
Мильеран каби социалист эди, олтинчи йилнинг кузида
эса забастовкачиларни ўққа тутишга фармойиш берди.

Парламентнинг шундоққина биқинидаги кичкинагина
ресторанда у нонушта буюриб, гапини давом эттирди.

— Тадбиркор одамлар. Улар гоёлардан зинапоя ўрни-
да фойдаланишади. Бриан президент бўлиши мумкин.

Марина чуқур нафас олди, у қадаҳларга ароқ қуяётиб,
ўйлаб қолди.

— Яшашга қобил ва эпчил ажойиб халқ. Вақти келиб
улар бесўнақай, семиз немисларнинг таъзирини беришади.
Қани, Франция учун ичайлик.

Улар ичишди, Марина индамай тамадди қилишга
киришди, нонушта қилиб бўлгач, кетаётиб деди:

— Кечқурун Монмартрга, гангир-гунгир биронта май-
хонага боришга тобинг қалай?

— Жуда соз.

Лекин оқшом Самгин Маринанинг эшигини дукилла-ганда, эшикни калтабақай, елкаси кенг бир киши ланг очиб, унга орқасини ўгириб олди ва хириллаган ингичка овоз билан деди:

— У аблаҳ одам, масхаралаб кулгани кулган...

— Кир, кир,— таклиф қилди Марина табассум билан.— Бу киши — Григорий Михайлович Попов бўладилар.

Попов узунгина қўлини Самгинга бепарволик билан узатаётди:— Шундай,— деб тасдиқлади ва узун, иссиқ бармоқлари билан унинг кафтини тутиб, сиқмасдан, ўзидан қочирди; бу ҳаракати билан Самгиннинг унга муносабатини дарҳол белгилаб қўя қолди. Марина Клим Ивановични Поповга таништирди.

Попов оёқларини калиш кияётгандай, ерга суриб ва тапиллатиб, лоқайд бир ҳолда:— Шундайми,— деб қўйди.

— Давом эт,— таклиф қилди Марина. У уйдан чиқишга отланган эди — бошида шляпа, чап қўлида тирсагига қадар қўлқоп, ўнг қўлида эса чарм портфель бўлиб, у карнай қилиб ўраб олинганди; Попов унинг қаршисида тик турганча, кар одам билан сўзлашаётгандай, бармоқлари ила ҳавода турли хил шакллар чизарди.

— «Дейдики, агар гвардия корпуси жойлашган, полиция департаменти ва яна кўпгина шунга ўхшашлар мавжуд бўлган пойтахтда,— ишчи депутатлар инқилобий советининг олти ҳафта яшаши мумкин бўлган экан, агар Москвада баррикадалар қурмоқ, флотда — қўзғолонлар қилмоқ ва бутун мамлакатда — даҳшатли тўс-тўполонлар кўтармоқ мумкин экан, буларнинг бариини инқилобнинг репетицияси деб тушунмоқ лозим...»

Марина соатига боқиб:— Фаҳмини қаранг-а,— деди.

— Мен унга: «Сиздан пул, биздан билим» дейман, у бўлса, «Инқилоб бўлмайди деб ишонтиринг!»— дегани деган.

— Ҳа, тушунарли! Заводлар, фабрикалар қуришдан, ишчилар билан борди-келди қилиб юришдан кўра пул билан олди-берди қилиш осонроқ, тинчроқдир,— деди Марина ўрнидан турар ва портфелини бир неча бор тиззасига урар экан.— Йўқ, Гриша, бу ерда банкирнинг ўзи билан иш битмайди, катта бир амалдор ёки биронта сарой одами даркор... Яхши, мен кетмасам бўлмайди, агар бир

соатдан кейин қайтолмасам,— сизга қўнғироқ қиламан... вақтингиз бўладими...

Попов уни эшиккача кузатиб қайтди, ўзини бир амаллаб креслога тиқиштирди, чўнтагидан чарм халтача билан трубкани олиб, унга тамаки тўлдирар экан, Самгинга боқмасдан парвосизлик билан сўради:

— Биз аввал кўришганмидик?

— Йўқ,— қатъий жавоб берди Самгин.

— Ҳм... Демак — адашибман. Менинг кўриш хотирам яхши эмас, сизга адаш фамилиялик бир одамни билар эдим, сургунга бирга кетган эдик, этнограф эди.

Самгин: «Акам»,— демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тийиб:— Бу фамилия кам учрайди,— деб қўя қолди.

Попов трубкани ёндирмоқчи бўлиб уст-устига гугурт чўпини синдирар экан, эътироз этди:

— Ока соҳилида Качков ва Самгин кемачилик муассасаси бор. Софрон Самгин исми кон саноатчисини ҳам танирдим.

Унинг юзини қуюқ тутун тўсиб қолди. Башараси ёқимсизгина эди: пешанаси кенг, буғдой ранг юзи таранг тортилган ва у тош каби қимир этмасди. Соқоли қирилиб, ёноқларидаги кўкимтир доғлар биланиб қолган, қалин, қора мўйлови калта қилиб қирқилган, лаблари қалин ва хом эт рангида, бурни катта ва япасқи, қошлари устига оқ оралаган қора, тикандек қаттиқ сочлари тушиб турарди. Унинг ҳаракатлари, қилиқлари оғир, беўхшов эди, атрофидаги бутун нарсалар титрар, гижирларди. Эгнига овчиларникига ўхшаш ғалати бичилган тўқ ҳаво ранг курт-ка кийганди. Ингичка овози ёқимсиз ва хириллаган бўлиб, унда тажанглик, қичқиришга, қўпол ва аччиқ бир гап айтишга мойиллик сезиларди, кичкина, олча каби бўртиб чиққан қора кўзлари айниқса ёқимсиз эди.

«Хира ва аҳмоқ бўлса керак»,— деган фикрга келди Самгин ва кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди, бироқ бу одам балки Марина ҳақида бирон қизиқ гап айтиб қолар, деган мулоҳаза билан яна ўтирди.

— Софрон деганим ўлгудай муғамбир одам эди. Мен уни Барнаулда учратиб, ўзимнинг геология соҳасидаги хизматимни таклиф қилгандим. «Мен олимларга ишонмайман, ҳамма ишни ўзим қиламан, деди. Ишларимни илгари Томскдаги майхонада хизматкор бўлган бир киши бошқарарди. Бу воқеа бундан ўттиз йилча муқаддам бўлган эди: бир куни ресторанда, бир нима устида фикрга

чўмиб ўтирардим, кўзлари ўткир, ёшгина хизматкор эса: «Нима келтирай» деб қисталанг қилиб қолди. «Бир стакан парранда сути!» дедим.— «Кечирасиз, парранда сути сира қолмаган эди-ку!»— деди хизматкор. Эҳтиром билан кулмасдан гапирди. Шундан кейин унга: «Йигитча, хизматкорликни ташла, менга хизматга кир»— дедим. Орадан ўн бир йил ўтгач, уни иш бошқарувчи қилдим. Энди у мулкдор, шаҳар думасининг аъзоси, сўзсиз, юз минг сўмча капитали бор. Шунақалардан менда яна уч киши бор. Содиқ хизматчилар. Олимлар билан эса иш қилиб бўлмайди, улар пулнинг қадрини билишмайди, олимлар билан фақат гаплашиш мароқли, баъзан ҳатто фойдали ҳам».

Попов ланж гап бошлаган эди, лекин охирига келиб, жўшиб, пишиллаб, шундай бир оҳангда гапирдики, гўё ичидан пишган муғамбир шунинг ўзи дер эдингиз.

— Парранда сути ҳақидаги гап — эски латифа,— деди Самгин.

— Ҳамма нарса эски, ҳамма нарса!— қовоғини солиб жавоб берди Попов ва сўзини давом эттирди:— Софрон етмиш уч ёшга кирган бўлса ҳам кунда отда йигирма, ўттиз чақирим йўл босар, ароқни эса орқа-ўнгига қарамай ичар эди.

Самгин унинг гапларини лоқайдгина эшитар, Марина хусусида сўз очишга қулай фурсат пойларди. Марина бир зум бўлса-да, унинг хаёлидан кўтарилмас, уни тобора кўпроқ безовта қилаётган эди. У Парижда нималар қилиб юрибди? Қаерга кетди экан? Бу киши унга ким бўлади?

Самгин жилмайиб ўз-ўзидан: «Хўш, бу рашкми ўзи?»— деб сўради-да, бунга жавоб бермасдан, бирдан Марина ҳақида жуда яхши, фавқулодда бир гап эшитгиси келганини туйди.

— Биз зиёлилар ботқоқ ватанимизда мушкул бир аҳволдамиз, биз фаннинг кадр-қиммати тўғрисидаги оддий ҳақиқатни саноат буржуазиясига уқтиришимиз керак,— деди Попов.— Биз бўлсак ишни шундан бошламадик. Сиз социал-демократмисиз?

Самгин индамай бош эгди.

Попов трубкасидаги кулни кулдонга қоқаётиб:— Мен ҳам замонга жарима тўладим,— деб гапини давом эттирди.— Беш ой қамоқхонада ётдим, уч йил сургунда бўлдим. Шикоят қилмайман, сургун — таълим йилларига яхши бир қўшимча бўлди.

У трубкасини чўнтагига тикди, ўрнидан туриб, қаддини ростлаган эди, бир нима шақиллаб кетди, у хавотирланиб қўлтиқларининг остини пайпаслади, қора қош тутамларини қаншари устига тўплаб, ачкиқланиб гапира бошлади:

— Ленин чалкаштириб юборди, ўйинни бузди, Россиядаги социал-демократияга иснод келтирди. Бу — сиёсат эмас, балки шармандалиқдир, вассалом! Немислардан иборат олиш керак, уларда социализмнинг ўсиши ишчилар синфи ичидан энг яхши кишиларни танлаб, уларни ҳукмрон синф таркибига қўшиш йўлидан нормал боряпти,— деди Попов ва бир қадам қўйган эди, оёғи кресло оёғига туртиниб кетди, кейин тиззаси билан уни итарди ва ниҳоят, суянчиғидан ушлаб, креслони четроққа суриб қўйди.—Биз ўз мамлакатимизни яхши билмаймиз, фантастикага берилиб кетишимиз ҳам шундандир. Сирли бир ўлка! Аҳолиси— ёппасига нигилистлар, символистлар, максималистлардан, хуллас, хаёлпарастлардан иборат. Ваҳоланки, маданиятли, саводли буржуазия билан юксак техника маҳкасига эга зиёлилар даркор, акс ҳолда, немислар бизни тириклай ютадилар, шундай! Устига-устак инглизлар японларни гиж-гижлаб, ўзлари эса Ўрта Осиёга, Кавказга суқилмоқдалар...

Самгин тоқат қилолмай, Маринанинг қаерга кетганини сўради.

— Билмайман,— деди Попов.— Кимдир унга қўнғироқ қилди, консул бўлса керак.

— Сиз Маринани кўпдан танийсизми?

— Студентлик чоғларимдан. Нима эди?

Самгинга Поповнинг қисқичбақаники сингари кўзларининг ранги ўзгаргандай бўлиб кўринди, у ўзини олдинга ташлаб сўради:

— Унга уйланмоқчимисиз?

Самгин:— Бошқа сабаб бўлиши мумкин эмас эканми,— деб гап бошлаган эди, бироқ Попов унинг гапини бўлиб, давом этди:

— Уни қиз вақтидан танийман, бир тўғаракда ҳикмат ўрганардик, бир ярим йилча аввал яна кўришиб қолдик. Хушрўй жувон. Бир... хаёлпараст йўлдан урмаганида, у, балки бундан ҳам жозибали бўлган бўларди. Илк муҳаббат ва сўнгра...

У жим бўлиб, яна трубкасини чўнтагидан чиқарди. Поповнинг Марина ҳақида бу йўсинда гапириши Самгинни

дилсиёҳ қилди ва унинг инженерга бўлган нафратини яна орттирди, шунга қарамай у Марина ҳақида яна бирон савол ўйлаб топа бошлади.

Попов узун бармоқлари билан трубкасини силар экан, тўсатдан:— Хуллас, аксар зиёлилар каби у ҳам уйдирма шахсдир,— деди.— Тарихан тўғри фикрлай билмай, чапга тойганимиз тойган. Борди-ю, ўнгга бурилгудек бўлсак, у ҳолда социализмнинг диний нуқтаи назардан аҳамияти ҳақида китоблар ёзишгача ва ҳатто черков билан бирлашишгача бориб етамиз... Менимча, Плеханов ҳақлидир: социал-демократлар муайян манзилга қадар либераллар билан бир вагонда бора оладилар. Ленин пугачёвчиликни очиқ-ошкор тарғиб қилмоқда.

Попов трубкасига тамаки тўлдираётиб, тиржайган эди, доғ босган юзи ғайри табиий ҳолда катталашиб, кўзлари қошлари остига яширинди.

— Одамларнинг уйдирмакашлиги ҳақида сизга қизиқ бир нарсани айтиб бераман. Бир тўда студентлар тўпланишиб қолиб ҳар қайсиси биринчи дафъа хотин билан қандай шароитда алоқада бўлганини хотирларди. Бир мақтанар, иккинчиси — афсусланар, учинчиси — ёлғон гапирар, тўртинчиси эса: «Мен ўзимнинг синглим билан алоқада бўлдим» деб, шундай бир бемаъни ёлғонни дўндириб, ҳаммани ҳайратга солди. Бадавлат кўпас оиласидан бўлган бу йигит жуда камтар, ақлли, ажойиб созанда ўзи, синглисини ҳам танирдим,— одобли, сўлимгина қиз, Геръенинг курсларида ўқир, Франциядаги Уйғониш даври тарихи устида жиддий ишларди. Мен йигитга:—«Ёлғон гапирдинг!» дедим.— «Ёлғон айтдим»,— деб тан олди у. «Нима учун?»— «Уртоқларимдан уялдим, ахир, мен юз-кўзи очилмаган боламан ҳали!» Хўш, қалай!

— Жуда қизиқ, — жавоб берди Самгин.

Попов ўрнидан туриб, тутақиб бобиллади:

— Бу қанақаси, сиз бу латифанинг асл маъносини тушунмаяпсизми? Қизиқ, дейсиз!

— Кечиринг мени,— деди Самгин,— хаёлим бошқа нарсада эди. Мен сиздан Зотова ҳақида сўрамоқчи эдим...

Попов орқасини эшикка ўгириб турар, кичкинагина даҳлиз қоронғи бўлиб Попов тўсиб тургани учун Самгин Маринанинг бошини у:

— Эшик нега очиқ?— деганидан кейингина кўрди, холос.

— Ия, мунча тез қайтдинг,— ҳайрон бўлди Попов.

Марина индамай ётоқхонасига кириб кетди, у ердан калитларнинг шалдирагани эшитилди, қулф шиқиллади, Марина:

— Григорий! Ёрдам бериб юбор...— деб чақирди.

Попов кетди, қайишларнинг тортилгани, чамадон чармининг ғижирлагани эшитилди, шивирлаб гапиришга ўхшаш ғўнғир-ғўнғир овозлар ҳам эшитилиб турарди. Сўнг-ра Марина қатъият-ла деди:

— Шундай деб қўя қол.

Марина шляпасини қўлига олмасдан гапира-гапира Поповнинг олдига чиқиб бораётганди:

— Шундай, мен сиз билан ҳеч ёққа бормайман, ҳозироқ вокзалга бориб, Лондонга жўнайман! У ерда бир ҳафтадан ортиқ турмай, шу ерга қайтаман, кейин айш-ишрат қиламиз!

Попов қўполдан-қўпол қилиб, бировни кузатиб қўйишни яхши кўрмаслиги ва устига-устак қорни очлигини айтиб узр сўради. У қўлини Самгинга узатиб, лекин унинг афтига боқмасдан, чиқиб кетди. Самгин ўрнидан тураётиб сўради:

— Сени кузатиб қўйсам бўладими?

— Йўқ, ҳожати йўқ.

— Ундай бўлса хайр!

Марина унинг узатган қўлини муаллақ қолдирганча истеҳзо билан жилмайиб, ғижиниб деди:

— Сен Поповдан менинг ким эканимни сўрабсан, шундайми?

— Мен ундан фақат кўпдан танишмисизлар, деб сўрадим, холос...

Марина рўмол билан лабларидаги табассумни сидириб, хўрсиниб нафас олди.

— Бу бошқа саволларни келтириб чиқарадиган савол эди, албатта. Буларни нима учун менинг ўзимдан сўрамайсан? Ҳар аҳтимолга қарши сенга айтиб қўяй: Григорий Попов фақат танлаб ва аҳмоқ бўлгани учун ҳам аблаҳ эмас ҳали...

— Қулоқ сол,— Самгин унинг сўзини бўлди ва шивирлаб, шоша-пиша ҳамда сўзларни жуда эҳтиёткорлик билан танлаб гапира бошлади:— Сен жуда гўзал, ажойиб аёлсан,— бунини ўзинг ҳам биласан. Мен ҳали шундай одамни учратганим йўқки, уни тушуниш учун менда бу қадар қатъий бир истак тугдирсин... Жаҳлнинг чиқмасин, лекин...

— Сира жаҳлим чиқмайди, жуда тушунаман,— Маринана ўз гапига қулоқ солаётгандек сокин давом этди.— Ҳақиқатан ҳам соппа-соғ хотин ўйнашсиз яшайди — ғайри табиий бир ҳол бу. Пул ишлашдан ҳазар қилмайди-ю, яна маънавиятнинг устунлигидан гап сотади. Инқилоб ҳақида шубҳа билан, лекин оқ кўнгилик билан мулоҳаза юритадики,— бу энди нақ галати бир нарса.

Марина Самгинга қўлини узатди.

— Вокзалга борадиган вақтим бўлди. Эндиги сафар бу ерда кўришганимизда бемалол гаплашамиз... Агар истасанг. Хайр, бор!

Самгин унинг қўлини қўйиб юбормай, бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо гап тополмади, Марина эса кулимсираб сўради:

— Мени севиб қолгандай бўлмаяпсанми, назаримда?

Сўнгра қўлини унинг қўлидан силтаб тортиб, шошилиб деди:

— Ҳамма нарса жуда оддий, дўстим: биз бир-биримизга ёқамиз, шунинг учун бир-биримизга кераклимиз. Бизнинг ёшимизда, инсонга бўлган қизиқишнинг қадрига етмоқ лозим. Вой, бас— бора қол!

Счёт кўтариб хизматкор кирди, Самгин хотиннинг қўлини ўпиб, чиқиб кетди, сўнгра ўз хонасининг ўртасига бориб папирос ёндирди-да, хиёбонга бормоқчи бўлди. Бироқ ўрнидан жилмасдан, дераза орқасидаги томлар устида кўринган хира, бўз бўшлиққа боққанча папиросни охиригача чекиб, ҳойнаҳой, ёмғир ёғса керак, деб ўйлади, қўнғироқ чалиб, бир шиша вино сўради ва Мережковскийнинг янги «Келажак сурбети» китобини қўлига олди.

Эрталаб у қаҳва ичиб, худди чуқур ўранинг четида турган одамдай, уйларнинг деворларига, тош терилган майдон сатҳига тушиб турган булут кўланкалари ва қуёшнинг хира доғлари ҳаракатларини кузатарди. У ерда, пастликда бўйи калта одамлар нур ва соялар ўйинига ҳам оҳанг слиб-югуришар, тепадан улар деярли кубларга ўхшаб, зич қилиб ифлос тош ётқизилган ерга қапиштириб қўйилгандек кўринишарди.

Клим Самгин ўзини худди кўтариб юришга одатланиб қолган юкини улоқтириб ташлагандай ҳис этди, гавдасининг бутун ҳаракатини ўзгартиришга эҳтиёж сезаётганди. У соқолини бураётиб, шошқалоқлик билан изоҳ беришнинг зарари тўғрисида ўйларди. Марина ҳақидаги тасавурларнинг Россияда бўлгани каби ёрқин бўёқларда, ма-

роқлантирувчи куч билан янгидан пайдо бўлишини истарди у.

«Мени нима безовта қияпти ўзи?— деб фикр юритарди Самгин.— Туйғу ва тасаввур оригинал образ яратган ерда пайдо бўлажак умидсизлик ваҳимасими?»

Орқа томонда эшик дастаси шиқиллади. Самгин чўчиб туриб, елкаси оша орқасига қаради,— эшикка бир семиз киши суқилди-да, ҳарсиллай-ҳарсиллай шляпасини стол устига қўйди, сюртугининг тугмасини ечиб, мешдек қорнини дўппайтирганча худди Самгинни урмоқчи бўлгандай узунгина ўнг қўлини силкита-силкита енгилгина қадам ташлаб Самгиннинг қаршисига келаверди.

— Бердников, Захарий Петров,— деди у хотинча ингичка товуш билан. У момиқдек юмшоқ ва иссиққина қўли билан Самгиннинг қўлини қаттиқ қисиб, пастга силтади, сўнгра сюртугининг этақларини йиғиштириб, креслога ўрнашиб ўтирди-да, рўмолчасини чиқариб, катта ва хамирдек юмшоқ юзини гўё яхшироқ кўринсин учун атайдан маҳкам-маҳкам артди.

— Кечирасиз, бостириб кирганим учун,— деди у лунжларини шишириб ва пишқириб Самгиннинг кўксига ҳаво пуркади.

Унинг ғадир-будур калласида сийраккина оч сариқ соч тутамлари бир текисда ёпишганди, ўзи бичилган одам сингари кўса бўлиб, фақат қош ўрнида яккам-дуккам сариқ туклар сочилган, қошлари остида кўкимтир, совуқ, нотайин ифодали, лекин хуррамгина кўринган қисқичбақаникидақа чақчайган кўзлари милтиллари. Кўзлари остида хамир рангли лўпигина ёноқлари кўкимтир тусда ҳалқум-ҳалқум осилиб турар, хомсемиз ёноқлари орасига кичкина ва ингичка тоғай бурни суқиб қўйилган бўлиб, рапидадек юзида у бегона нарсадек кўринарди. Оғзи қурбақаникига ўхшаш катта, юқори лаби тишларига зич ёпишган, ҳаддан ташқари қалин пастки лаби эса ари чаққандек шишган ва иргамчик бир ҳолда осилиб турарди.

Самгин бу семиз кишининг афти башараси ва қадди-қоматида ёқимли бир нарса топиб, «комик артист» деган фикрга келди.

— Ўрганияпсизми?— сўради Бердников ва бошини аста силкитиб илова қилди:— Ҳа, чиройли эмас. Биз сиз билан Маринушканинг эшигида тўқнаш келгандик — ёдингиздами?

Буни у шундай жиддий бир йўсинда эслатдики, Самгин жавоб ҳам бермай ўйлаб қолди:

«Хира одам бўлса керак».

— Мана, бугун ҳам унинг ҳузурига келгандим,—давом этди меҳмон, нафасини ростлаб.— Йўқ экан. Ҳар қалай, сизни кўриб кета қолай дедим.

— Хўш хизмат?— сўради Самгин.

Бердников ўнг кўзини юмди, бошини чайқади, уйни кўздан кечираётиб, ҳарс-ҳурс чуқур нафас олган эди, стол устидаги газета ҳилпиради.

— Менга бир стакан сув ёки шарбат берсангиз,— деди у. Унинг ўткир кўзлари шод кулимсиради.

Самгин унинг қанақа одам эканини аниқламоқчи бўлиб: «Антиқа бир ҳайвон кўринади»,— деб қўйди дилида.

Бердников Самгин сув беришини пойлаб, об-ҳавонинг ёмонлигидан, юрагининг чарчаганидан шикоят қилди, сўнгра эса, шошилмасдан сувни ичиб, кўрсаткич бармоғи билан столни дукиллатаётиб, ишбилармонлик билан, лекин бир нав ўзини бепарво кўрсатиб, гапира бошлади:

— Ҳа, вақтни бекор кетказмайлик. Мен тижорат аҳлиданман, яъни дангалчиман. Икки томонга ҳам фойдали таклиф билан келдим. Жиддий бир ишда менга ёрдам берсангиз, яхши пул ишлаб оласиз. Фақат менинг ўзимга эмас, мижозингиз бўлмиш самимий дўстим, ҳурматли бевага ҳам...

Самгин: «Марина ҳақида гапириб берадиган одамни топдим»,— деб ўйлади, меҳмон эса, ўзининг хомсемиз танасини олдинга ташлаганча хўрсиниб деди:

— Кетворган аёл-а? Таърифи дostonга лойиқ.

— Гўзалликда танҳо,— тасдиқлади Самгин.

— Тўғри айтяпсиз: гўзалликда танҳо!—деб унинг гапига қўшилди Бердников, бошини икки дафъа тебратиб. Бундай йўғон ва калта бўйин устидаги бошнинг осонликча тебраниши одамга ғалати кўринарди. Сўнгра Бердников кресло билан биргаликда Самгиндан нари сурилди, унинг баланд, хотинчалиш овози яна илтифотсиз оҳангда қатъият билан мулойимона ва гўё ноумидларча эшитилди:— Яхши, ишга ўтайлик! Сабр ва диққат билан қулоқ солинг. Гап бундай: Маринушка баъзи найрангбоз одамларнинг тўдасига тушиб қолган,— Давлат думаси найрангбозларга кенг имкониятлар ва бошқа қулайликлар яратиб қўйганини тушунасиз, албатта. Улар Маринушкани Уралдаги баъзи ер-сувларни сотиш тўғрисида алла-

қандай инглизлар билан шартнома тузишга унатмоқчилар... Бу сизга маълумдир, албатта?

— Йўқ,— деди Самгин.

— Ростданми?— деди Бердников хушвақтлик билан ва қўлини қорни устига қўйиб, кайфиятининг ноаниқлиги ва гапининг тумтароқлиги билан Самгинни ҳайратда қолдириб сўзини давом эттирди:— Агар сиз унинг сирдоши бўлсангиз, нечук энди бундан воқиф эмассиз? Ҳазиллаш-япсиз...

Думалоқ, совуқ кўзлар мовий табассум билан Самгиннинг юзига боқиб турар, қалин пастки лаби хунук қимирлар, сариқ олтин тишлари ялтирар, ўнг қўлининг дўмбоқ бармоқлари қорни устидаги оқ олтин занжирни ўйнар, чап қўлининг кўрсаткич бармоғи сокингина столга қадалганди. Бу одамнинг бутун хулқ-атворида, унинг гап-сўзларида, товушининг товланишида одамга эриш туюладиган аллақандай ғайри жиддийлик бор эди. Самгин совуққина сўради:

— Фараз қилайлик, сизни қизиқтираётган шартномани мен биламан. Хўш, сўнгра нима?

— Сўнгра, ижозат беринг айтишга, бу катта пул билан боғлиқ иш, шунинг учун мен бу шартноманинг бутун тафсилотларини билишим керак. Сизга таклифим шуки, мени шартнома билан таниш...

Самгин стулдан ирғиб туриб, сабрсизлик билан қичқирди:

— Илтимоc қиламан, бас қилинг... бу гапни! Сиз менга бундай таклиф қилишга қандай журъат этдингиз?

У жаҳли чиқиб, хуноби ошиб қаттиқ бақириб юбора-жагини, муҳими эса — бу бақалоқнинг таклифи уни таҳқир этишдан кўра кўпроқ қўрқитиб юборгани ёки таажжубга солганини сезди-да, оғзидан боди кириб шоди чиқаверди. Самгин Бердниковнинг рўпарасида туриб, зарда билан сўради:

— Сиз нега мени бунга унайди деб... Хўш, мени била-сизми?

— Йўқ, гап шундаки— билмайман,— Бердников креслонинг дастасидан тутиб, пўк, беўхшов баданини силкита-силкита мулойим ва ҳатто маъюс бир ҳолда жавоб берди:— Бу ерда ҳеч қандай алоҳида журъат талаб қилинмайди. Мен фойдали бир ишни таклиф қилаётирман, буни ҳар қандай бошқа адвокатга таклиф қилишим ҳам мумкин аслида...

— Мен сизга ҳар қандай адвокат эмасман!— бақирди Самгин.

— Хўш, қанақа адвокатсиз бўлмаса?— сўради Бердников қизиқсиниб. Унинг бу бемаъни саволи Самгиннинг яна ҳам ҳафсаласини пир қилди. У папирос ёндираётди: «Мунча сурбет бўлмаса»,— деб кўнглидан ўтказди ва жиддий бир оҳангда деди:

— Яна айтаман: сизни қизиқтираётган шартнома тўғрисида менга ҳеч нарса маълум эмас.— У ўша заҳоти ўзини ўнглаб олди: «Чакки айтдим, бунақа демаслигим керак эди!» Унинг қўлидаги гугурт титрарди, буни кўриш таасуфли эди унга.

Бердников креслонинг дастасига қўлларини тираб, ялпайган гавдасини аста кўтарди, йўғон оёқларига тиралди, унинг қушларникисимон кўзлари пирпираб, мовий учқунлар сочарди. Бердников гўнғиллаб деди:

— Бугун— маълум эмас, эртага эса— билсак бўлади. Марина, ҳойнаҳой, сизга арзимас чойчақа тўласа керак, бунда эса...

— Бас бу ҳақда,— деди Самгин энди илтимоснамо қилиб.

— Яхши, яхши, шовқин солманг,— Бердников шимарилиб қолган шимини тушироқчи бўлиб, оёқларини силкитар экан, маъюс ҳолда чийиллаб гапирди:— У ким учун жонини жабборга беради! Эркак киши бу қадар ишломасди,— унинг атрофида эркаклар кўринмайди ҳам, — у Самгинга тик боққанча, сюртугининг тугмаларини қадаётди йиғламсираган овоз билан чийиллаб гапирарди.— Миллионларнинг, қанчадан-қанча миллионларнинг пайида,— у таҳдид этаётган каби узун қўлини ҳавода ўйнатиб гапини давом эттирди.— Бу қандай замон ўзи, Самгин жаноблари! Арзимаган нарса деб, май дўконларидан тушадиган пулни деб одам ўлдиришса, бомбалар ташлашса, дор тагига боришса, бу қанақаси?

Бердников қулқуллаб ғалати овоз билан кулди.

— Ппу-бу-бу-бу!

У тебрана-тебрана лабини шишириб пишиллади ва лаблари бурни билан бирлашиб, юзида кулгили бир шиш пайдо қилди.

У эшик тарафга пилдираб борар экан:— Сизнинг ҳузурингизга келганимни ва нима учун келганимни унга айтиб ўтирманг яна. Биз у билан, балки яна топишиб кетармиз,— деди. Бердников тутун каби осон ва жимгина йўқ

бўлди-қолди. Унинг кейинги сўзлари жуда ноаниқ эшитилди, уларни ҳам дўқ-пўписа деб, ҳам дўстона огоҳлантириш деб тушуниш мумкин эди.

Клим соатга боққанча хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан: «Дўстона эмиш,— деб фикран истехзо билан жилмайиб қўйди.— Бу одам қанча вақт ўтирди: ўн минутми, ярим соатми? Унинг ҳаёсиз ва аҳмоқона таклифи менга ҳақорат бўлиб туюлмади, негаки мен ўзимни виждонимга қарши иш қила оламан деб ўйламайман...»

Самгин ўзига тасалли бергач, Бердниковни жўнатмасдан ундан Марина ҳақида сўраб қолишим керак эди, деб ўйлади.

«Бундай учрашув ва суҳбатларни ёзиб қўймасдан аҳмоқлик қиляпман. Ёзиб қўймоқ — ўзингдан узоқлаштирмақ, унутмоқ демакдир; ҳар эҳтимолга қарши таассуротларни расмийлаштириб қўйиш, яъни уларни чегаралаб олиш лозим. Менинг хотирам ижтимоий эски-тускиларга тикилиб кетган».

Ижтимоий эски-туски деган ибора унга жуда ёқиб қолганди. Самгин тўхтаб, кўзларини юмди, шунда унинг бошидан кечирган хилма-хил гирдибодлар, бир-бирига ўхшамаган гала-гала одамлар фақат хотира қодир бўлганча тезлик билан кўз ўнгига айланаверди. Варавка билан аллақачон унутилиб кетиши лозим бўлган Кутузов, Лютов билан Марина — уларда бир-бирига яқин жиҳатлар йўқмикан? — Митрофанов билан Любимова, сариқ Томилин айниқса яққол кўринарди, Варвара яшил кўланка каби бир кўриниб ўтди, ўз тақдирига кўниккан Куликова, Анфимьевна ва кўпгина таниш одамлар ҳам бир лаҳзагина жонландилар. Бу одамларнинг туриш-турмуши ноаниқ, сирли эди.

Ана шу мозийга қайтиш дақиқасида Самгин ўзида янги бир нарса туйди: хотираси унга намоёиш қилган нарсаларнинг ҳаммаси гўё ундан хорижда, олисда, лекин ҳар ҳолда унга ёт бир туманликда жонланарди. Унинг ўзи — кўланкаларнинг торгина давраси ўрталиғида, унинг фикрлари, хотираси ёритиб турган бир ерда турарди. Бу сон-саноксиз одамлар ичида бирорта одам йўқ эдики, Самгин ўзи учун энг муҳим бўлган бир нарса ҳақида, ўзи ҳақида у билан бемалол гаплаша олса. Маринадан бўлак ҳеч ким. У кўзларини очиб, ўз башарасини кўзгуда папирос тутунига беланган ҳолда кўрди; таассуфки, унинг қиёфаси ҳозирги жиддий фурсатга уйғун бўлмаган аҳмоқона

ва хомуш эди: бошини яширмоқчи бўлгандай елкаларини кўтарган бир одам кўзларини қисиб, кўзойнаги орқали худди нотаниш кишига боққандай хавотирланиб ўзига қараб турарди. У жаҳл билан депсинди, хўмрайди ва яна хонада у ёқдан-бу ёққа юриб ўйлади.

«Ҳақиқат, воқелик одамни ўзлигидан маҳрум этади, унга зўрлик қилади, дегучилар томонидадир. Менинг воқелик билан алоқамда йўл қўйиб бўлмайдиган... бир нарса бор. Алоқа биргаликда ҳаракат қилишни тақазо этади, лекин мен: муҳитга унинг ҳар нарсани чеклагучи ва зарарли таъсирдан ўзимни мудофаа қилишдан бўлак бир мақсадда қандай қилиб таъсир эта оламан... яна ҳам тўғрироғи таъсир этишни истайманми?»

Маринанинг гапи ёдига тушди: «Агар инсон руҳга суянмаса, дунё уни чеклаб қўяди». Томилин ҳам идрокнинг инстинкт эканлиги тўғрисида гапирганида шунга ўхшаш бир фикрни тасдиқлаган эди.

«Ҳа, идрок жинсият инстинкти каби ўз-ўзидан иш кўради ва маъносиз ҳисоб»,— деди Самгин жиддий билан ўзига-ўзи ва яна Маринани хотирлади; Марина кулимсираб деган эди:

«Инсонни озод граждандан қиладиган нарса конституциялар, инқилоблар эмас, дўстим, балки ўз-ўзини англашидир. Сен Шопенгауэрни олиб, яхшилаб ўқиб чиқ, ундан сўнгра эса — Секст Эмпирикнинг «Пиррон қоидалари» ҳақидаги асарини ўқи. Бу китоб рус тилида чиқмаган бўлса керак, мен инглиз тилида ўқигандим, француз нашри бор. Инсон тафаккури умидсизлик ва бадгумонликдан баланд парвоз этмаган, бинобарин, унинг ана шу икки парвозини билмасдан туриб, сен ҳеч нарсани англай олмайсан, ишонавер!»

Самгин тўхтаб, деворга суянганча папирос чекиб турди. Назарида ҳали ҳеч қачон у бу қадар қаттиқ бош қотирмагандай ва шу кейинги дақиқада қаршисида намоён бўлажак, портлаяжак, уни қизиқтирган жамики нарсаларни тарқатиб юбориб, ундаги, яъни «ижтимоий эски-тускилар» билан тўлиб-тошган инсондаги асосий жиҳатни топиб олишга тўсиқ бўлган фавқулодда муҳим нарсага у ҳеч қачон бу қадар яқин турмагандай бўлиб кўринди. У шошилмасдан папирос чекиб, хийла муддат деворга суяниб тураверди, лекин ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади, ҳеч нарса портламади, балки у шунчаки ўзида чарчоқ ва бирор ерга боришга эҳтиёж сизди фақат. Люксембург музейига бориб, расмларни томоша қилди, шинамгина кичик бир ресторан-

да овқатланди. Оқшомга қадар гоҳ пиёда, гоҳ файтонда Париж кўчаларини кезиб, вақти келганда бировга гапириб берса арзигулик нарсаларни эсида олиб қолди. Безанган шаҳар хиёбонлари бўйлаб каштан дарахтларининг сўлим соялари остидан, магазинлар кўз-кўз қилиб қўйган бой витриналар ҳамда деразаларидан кўчага кулги ва мусиқа садолари таралиб турган ресторанлар ёнидан шод-хуррам эркаклар, хотинлар, йигит ва қизлар кўчани бошга илиб ўтиб боришарди; уларнинг бари бир нарсани — беғубор кулмоқ, қичқирмоқ, ўзларининг таралабедод яшай олишлари билан мақтанмоқ имкониятини ахтараётгандай кўришарди. Бу қувноқ қий-чув яхши, тиниққан эски шаробдай одамни тетиклаштирарди. Самгин одамларнинг ҳаракатига қўшилиб, французларнинг инглизлар ва немисларга қараганда фалсафа билан анча кам шуғулланишлари тўғрисида ўйлай бошлади. Иммануил Кант ва Шопенгауэр ёки Гоббсни Париж хиёбонларида тасаввур этиш қийин эди. Бу шаҳарда Достоевскийга ўхшаш бир инсон туғилиши мумкин, деб фараз қилиб бўлмасди. Руҳоний Жонатан Свифтнинг ресторанларидан бирининг столи атрофида ўтириши ҳам мумкин эмас. Лекин роҳиб Рабленнинг малоҳатли қаҳқаҳаси, Вольтернинг беҳад ҳозиржавоблиги тамомила табиий бўлгани каби XIX асрнинг Анакреони — тепакал, семиз Беранже ҳам тамомила ўз ўрнида эди. Француз мутаассиб бўла оладими? Самгин бунақа одамни ўз хотирасидан шоша-пиша ахтарди-ю, тополмади. Полежавнинг шеъри ёдига тушди:

Француз боладир,
Ҳазилга оладир:
Тахтни шарт ағдарур,
Қонунлар чиқарур...

Бу шеърнинг ритми Самгин отаётган одим ритмига тамомила ҳамоҳанг эди. Унинг хаёлидан Бодлер номи лип этиб ўтди, лекин ҳеч қандай фикр уйғотмай сўнди. Миясига шундай бир фикр келди:

«Франция буржуазияси инқилобнинг қон ва даҳшатларини оқлади, у ўзининг гўзал ва қадимги шаҳарини ҳақиқатан жаҳоннинг Афинасига айлантириб, осон ва оқилона яшай билишини кўрсатди...»

Оқшом у театрда ўтириб, кулгили буржуа бўлган бир социалист депутатнинг хотини ролини ижро этган машҳур

Лавальер калтагина, қора тұр лозимини халойиққа кўрса-тиб, әқтирос билан рақс тушганини ва Парижга меҳмон бўлиб келган аллақандай бир экзотик қиролнинг ўринла-тиб кўнглини чоғ этганини томоша қилди. У уйга пиёда қайтди, кўнгли хотин бошлаб келишни истади-ю, бироқ бунга журъат этмади.

Ухлаш олдидан у, ўз хотини ҳақида ўйлаётгандек, ху-ноб бўлиб Марина ҳақида ўйлади: «Унинг сирли ишлари-ю, ажойиб-ғаройиб танишлари жонимга тегди». Самгин ўзидан ҳам хуноб бўлди; кечаги ўйлари энди унга жўн ва фойдасиз бўлиб кўринди, гарчи мавҳумлиги жиҳатдан унга хуш ёқадиган аллақандай беозор фикрлар туғилгани-га қарамай, улар унинг одатдаги аҳволи руҳиясини ўзгар-тирмаётганди.

Бир «изоҳчи жаноб», Петражицкий бўлса керак, «Дунё фаразиядир» деган эди. Тўғри айтган: «дунё менинг учун аллақандай бурама чизиқ бўйлаб айлана-айлана қаергадир чиқиб ёки тушиб турадиган, воқеаларнинг ўхшашлиги тўғ-рисида, такрорланиши тўғрисида фикрлаш имконини берадиган зиддиятли ҳодисаларнинг узлуксиз оқимидир. Утмишдан — пастдан юқорига — ёки орзу қилинган кела-жакдан — фаразияга асосланган бурама чизиқнинг юқори ҳалқасидан қуйига, ҳозирги даврга боқмоқ — аслида фикр-ни қатъийлаштирадиган бир ўйиндир. Шундан ортиқ бир нарса эмас. Фикр ҳамиша қатъийлаштиради, акс ҳолда у мавжуд бўлмайди. Формула, форма — булар ақида — чек-лашдир. Фикр — дунёнинг нодир ҳодисаларидан бири бў-либ, бутунни ўз ичига олишга интиладиган қисмдир. Жон-чи? Ярим ваҳший қишлоқи мужикнинг жони, Мари-нанинг «руҳи». Ҳар нарсани охирига қадар пухта ўйлаш ҳуқуқи, ақида бўлиб қолган қондаларни, фаразияларни, назарияларни яратмоқ ва тасдиқламоқ ҳуқуқи ҳақидаги масала келиб чиқади. «Изоҳчи жаноблар» бу масалани ўз олдиларига қўймадилар. Руҳ аристократларининг, гўзал-лик рицарларининг бу ҳуқуқларини инкор этиб бўлмайди, бу ўринда эстетик жиҳатга бутунлай йўл қўйиш мумкин. Лекин таҳсилни тугатмаган студент Ульяновнинг шогир-ди, қишлоқ тегирмончисининг ўғли Кутузов бу ҳуқуққа эга бўлиб олса-чи... Фикр учун жавобгарлик бўлиши лозим. Ким шундай деган эди? Жозеф де Местр бўлса керак. Бизда — Константин Победоносцев... «Фикр воқеликнинг энг ёқимсиз жиҳатлари тўпланган бурчакка уни сездирмай ва зўрлаб бошлаб келганди. Самгин хўмрайиб папирос че-

кар ва фойдасиз мулоҳазаларнинг тор гирдобидан чиқиб кетишга уриниб, Мопассаннинг ҳикоялар жилдини бармоқлари билан жаҳл аралаш такиллатарди. У тобора тез-тез ўзини ўқиган китоблар оғушида сезар, бамисоли у тайёр кийимлар магазинидаю, лекин ўзининг бўй-бастига лойиқ костюм топа билмасди. Нафсонияти эса бундай қулай, енгил, пишиқ костюмни ўзи бичиб тикиши лозимлигини тобора қатъият билан уқтирарди унга.

Соат учларда у Булон ўрмонидаги бир рестораннынг айвонида таомлар рўйхатини диққат билан ўқиб ўтирарди.

— Менга қаранг, Самгин, — унинг боши узра Поповнинг хириллаган пастгина овози эшитилди, — қайнатам шу ерда, ажойиб, бадавлат одам! Сизни Зотованинг вакили, дедим унга, Зотова эса унинг эски таниши. Қайнатам сиз билан танишмоқчи...

Попов ёлвориб гапирарди, хижолатдан юзи бужмайдиганди, худди совуқдан жунжигандек елкаларини қисарди ва умуман, у Самгин Маринаникида кўргани очиққина одамга сира ўхшамасди.

Поповнинг қилиқларига қизиқиб қолган Клим:— Овқатланмоқчи эдим, — деди ва: «Қайнатасининг мен билан танишишини унчалик истамаётган бўлиши керак», деб мулоҳаза юритди.

— Бирга овқатлана қоламиз, — гўлдиради Попов, Самгин ҳақиқатнинг заифгина кучига итоат этишга қарор қилди.

Улар айвоннинг бурчагига кетишди; у ерда гулларнинг панжараси орқасидаги дафна дарахти остига қўйилган стол атрофида барваста, семиз бир киши ўтирарди. Самгин узоқни яхши кўра олмаслиги учун семиз кишига яқин рўпара бўлганидан кейингина унинг Бердников эканлигини таниди. Бердников тирсакларини стол устига қўйиб, йўғон бўйни имкон берганича бошини олдинга чўзиб ўтирарди. Бу ўтиришида у чўлбақага жуда ўхшарди. Самгинга шундай туюлдики, Бердниковнинг қушларникидек кўзлари синовчан боқиб, худди:

«Хўш, энди ўзингизни қандай тутар экансиз?» — деб сўраётгандек эди.

Ноаниқ бир шубҳа Самгиннинг дилини гаш қилди, у зарда билан Поповга боқди, инженер эса стулини сурган эди, Самгиннинг оёғига тегиб оғритди, шунда ҳам у уэр сўрамасдан деди:

— Самгин... Клим Иванович — шундайми ишқилиб?

— Захар Петров, — қувноқ овоз билан жавоб берди Бердников ва ўрнидан турмасдан юмшоққина қўлини Самгинга узатди. — Ўтиринг, ўтиниб сўрайман.

«Борди-ю, шартномадан гап очадиган бўлса, гапини шартта кесаман-қўяман!» — деб аҳд қилиб қўйди Самгин.

— Биз куёвимиз билан иштаҳа очиш учун баъзи масалаларни гаплашиб ўтирган эдик, тўсатдан кўриб қолдик — бир рус келаётибди, демак, у ҳам гапга ишқибоздир, деб ўйладик, буни қарангки, Григорий сиз билан таниш экан. — Бердников илтифотли бир табассум билан гапирардики, бу табассумдан унинг кўзлари навозиш-ла сузилар, хуморланарди. — Қани, буюринг! Менга, Григорий, кўпроқ сарсабил билан Швейцария пишлоғи, — бу энг тоза ва тўқ тутадиган пишлоқ. Мен кўпроқ сабзавотли ва сутли таомларни хуш кўраман, мевалар ҳам менинг жон-танзим, французларнинг энг нозик фаҳми етадиган нарса, у ҳам бўлса хотинлар билан мевалардир. Аёлларни шу қадар маҳорат билан тарбиялашганки, улар ўзларини сизга ҳатто мусиқий бир тарзда тақдим этишади, уларнинг сабзавотлари эса жаҳонда энг яхши сабзавотдир, буни ҳеч ким инкор этмайди. Эрталаблари Марказий бозорда сира бўлганмисиз? Бир боринг. Жуда ажойиб, Луврдан қолишмайди.

Самгин унинг гапини индамасдан огоҳ бўлиб эшитарди. Унда, бу қайната-куёв, ҳойнаҳой, Маринанинг ишлари тўғрисида сўраб-суриштириб кўришади, шу мақсадда таклиф этишган, деган шубҳа орта бошлади. Маринанинг ўз ишларини ундан сир тутиши, аслини олганда, яхши эмас...

Бердников гапирардики, йирик қора дур қадалган галстугини тузатди, галстук остидан йирик гавҳарли запонка ярақлаб кўринди, оқ олтиндан ясалган йўғон узукнинг зумрад кўзи яшил нур таратиб товланиб ёнарди. Бу семиз кишининг ўткир кўз қорачиқлари ҳам бугун яшил порларди.

Попов гарсон билан расмий гапини тўхтатиб гўлдиради:

— Хотин масаласида дадамиз анча шўхлар.

— Ишонманг гапига, — деди Бердников, оғир жуссасини серкиллашиб ва пастки лабини йиғиштириб сўрди, сўнгра нафасини ростлаб ўша хуш оҳангда гапини давом эттирди: — У менинг таржимаи ҳолимни шундай бичиб-тўқийдики, эшитиб чўчиб кетасиз.

Семизнинг равон гаплари Самгиннинг шубҳаларини анча ёзди ва у: «Лютовга ўхшаб девона феъл одам бўлса керак», — деб ўйлади. Бироқ Попов келтирилган закуска-

ларни диққат билан кўздан кечираркан, қўполгина қилиб тўсатдан сўраб қолди:

— Зотова Англияга жўнаб кетдими?

Самгин қаддини ростлади, кўзойнаги орқали Бердниковнинг юзига жиддий боқди, беғубор табассумдан унинг юзи гўё эриётгандай тарвақайлаб кетганди. Семиз Поповнинг саволини эшитмагандек кўринарди. У Самгин томонга бир чайқалиб, хушчақчақлик билан гапирди.

— Мени дада деб атайди-ю, аммо бунга ҳаққи йўқ, қизим уни ташлаб кетган, қизим деяпману аслида қизим эмас, жияним. Менинг ўз фарзандим йўқ: қанча ахтармайин, она бўлишга лойиқ хотин топмадим, шунинг учун биттасининг бошини ушламадим... — Сўнгра у тўсатдан сўраб қолди: — Бирор сиёсий партияга аъзомисиз?

— Йўқ, мен сиёсат билан шуғулланмайман, — бир қадар совуқ жавоб берди Самгин.

— Ҳатто болалар билан қизларгача сиёсатга суқилаётган бир замонда, бу ҳеч кўрилмаган ҳол, — деди чуқур нафас олиб Бердников ва ўзини ғамгин кўрсатмоқчи бўлиб гапини давом эттирди. — Одам айниқса қизларга ачинади, одамга ёқмайдиган бўлиб қолишган улар, масалан, сирка қўшилган мармалад сингари. Мана, сиёсат Поповнинг ҳам юрагидан урган, марксизм тарафдори, деҳқонни социалист қиламан, деб пўписа қилади, деҳқоннинг ҳатто ўлгудек қашшоғи ҳам яхши, у ҳар ҳолда пролетар эмас...

Попов, қадаҳларга ароқ қуяётиб, хўмрайиб қошларини чимирди, лабини чўпиллатиб ялади-да, оҳиста хириллаб гапирди:

— Хўш, сиз ниманинг пайдасиз? Сиз, дум-думалоқ бўлиб, мужикни пролетар қилиб қайта тарбияламоқчисиз, сизнинг мақсадингиз шу...

— Ҳай, майли, мен баҳслашмайман, шундай бўла қолсин, ҳатто энг мукамал шаклда бўлсин! — тетик жавоб берди Бердников ва Самгинга кўз қисиб давом этди: — Қандайинки ҳодиса рўй бермасин, мен уни кўрмасам, мени ташвишга солмайди. Чехов ваъда қилган дориломон кунларни мен кўрмайман. Қани, гўзал келажак учун ичайлик!

У қадаҳни бурнига яқинлаштириб ҳидлади, юзи буришиб, кулгили бир тарзда дум-думалоқ шаклга келди, ёғлик терисида эгри-бугри ажинлар пайдо бўлди, думалоқ кўзлари яшириниб, сўнди. Бердниковнинг хотинчалиш лўппи юзининг бу тусга кирганини Самгин иккинчи дафъа кўриши эди, бу ҳол уни ўйлашга мажбур қилди:

«Аломат маҳмадона. Лекин, чамаси, аҳмоқ эмас».

Семизнинг енгил ҳаракат қилиши, енгил, равон гап-риши Самгинни айниқса ҳайратда қолдираётганди. У ҳатто хотиралашга ҳаракат қилди: рус адабиётида бунга ўхшаш қувноқ ва кулгили тип яратилганми? Бердников эса жуда усталик билан редискага ёғ суртиб, оғзига тикар, салфетка билан юзини елпиб, ингичка овоз билан оҳангдор гапирарди:

— Ҳикматли гаплар билан тилимнинг қичигини бо-сишни яхши кўраман! Биз русларни кўп гап сотасизлар деб таъна қилишади, лекин мен буни қусур деб билмайман. Черков: «Кўп гапнинг хосияти йўқ» деб огоҳлантиради-ю, аммо ўзи тинимсиз гап сотгани сотган, ҳолбуки бизнинг хилма-хил халқ эканимизни ҳали ҳам билмайди, унинг сўз-лари бир хил, маъно англамайди, шунинг аксича бизнинг гаплашадиган гапимиз бор, Самгин жаноблари. Европалик-лар ўзаро бизнинг мавзуларда гаплашишмайди, уларнинг ҳамма иши жойида: ейишади, ичишади, севишади, бизнинг хом ашёимизни ишлатишади, нонимизни ейишади, осойишта, батартиб яшашади, суҳбат учун эса парламентга ўзларининг шуҳратпараст ва фаросатсизроқ қўшнилариини сайлашади. Социалистларни шу ролга мўлжаллаб тарбият қиладилар, худди шулар ейиш, ичиш, оилавий ҳаётни яхшилаш учун шароит яратиш ҳақида очиқ-ошкор гапирадилар. Парла-ментларда қалб ҳақида гап бўлмайди, бу одобсизлик, ҳатто кулгили бўларди. Биз бўлсак, айти қалб ҳақида гаплашган-имиз гаплашган. Биз — кўчманчи халқмиз, яқин вақтлар-да Лавров билан Михайловскийнинг, куни кеча Фридрих Ницшенинг фикр ўтлоқларида ўтлаб юргандик, бугун эса Карл Маркснинг ўтларини кавшаб кекириб юрибмиз.

Попов уқувсизлик билан аямасдан ўрдак гўштини пичоқ билан бурдалаётганди, суяклар қасирлар, пичоқнинг остидан эт парчалари ўйноқлаб кетаётганди, Попов хуноб бўлиб:

— Э, касофат... — деб қўярди.

Самгин ея-ея диққат билан қулоқ солар, олисда, да-рахтларнинг орқасида кети узилмай оҳиста ўтиб бораётган фйтонларни, улардаги ясанган-тусанган хотинларни томо-ша қиларди, чиройли от минган кишилар силкина-силкина уларнинг ёнида боришар, похол шляпа, котелок¹ кийган пиёдаларнинг бошлари калта буталар устида, кўкимтир ҳа-

¹ Котелок — эркакларнинг тепаси дўппига ўхшаш бош кийи-ми. (Тарж.)

вонинг қўйнида сузиб борарди, қаердадир олисда оркестр «Кармен»ни чалаётганди; аниқ эшитилаётган қувноқ, шўх муסיқа ғовур-ғувур билан жуда ҳамоҳанг эди, буларнинг бари ранго-ранг, ёқимли ва майин бўлиб, яхши саҳналаштирилган опера каби байрамона ва гўзал эди. Бердниковнинг ингичка, ўткир овози ана шу байрамона тантана ошанинг шовқин-суронини осонликча ёриб ҳавода тўлганарди.

— Биз — иродасиз фикрловчи халқмиз, биз бир нарса қилишга интилишдан кўра умум манфаати учун бирор нарса ўйлаб топишни истаймиз. Маҳдипарастликнинг ўзи ҳам бир анқовликдир. Кечирасиз. Бизда ирода тарбияланмаган, зоҳиран давлат бўғиб келган, ботинан эса озодлик фикри айнигиб бузган. Халқ тўғрисида куюниб ташвиш чекишган: «Эй, азамат куч, уйғонасанми?» деб сўраб келишган. Мана, у биз орзу қилганча уйғонди, помешчикларнинг маданийгина хўжаликларини ер билан яксон қилиб, кулини кўкка совуриб, давлатга каттагина зарар етказди.

Попов шампан қуяётиб, лоқайд бир ҳолда деди:—Унинг кичкинагина амлокига ўт қўйишди.

— Қорамолларимни сўйиб ейишди,— илова қилди Бердников.— Шунга қарамай, мен шикоят қилмайман. Саботматонат билан: «Урсанг ур, лекин ўргат!» дейман. Ўхў! Қани, шампанни соғлиғимиз учун ичайлик! Мен шу беғубор ичимликдан бўлак нарса ичмайман, шунақа нозикроқман.— У ўз қадаҳига бир рюмка коньяк қуйди-да, Самгиннинг стакани билан чўқиштириб, мулойимлик билан сўради:— Менинг бемаъни гапларим кўнглингизга ургандир?

— Гапларингизни жуда мароқ билан эшитяпман, — тамомила самимият билан жавоб берди Самгин.

— Лекин гапирмаяпсиз.

— Шунақа камгапроқман.

— Эҳтиёткорлик — яхши фазилат, — деди Бердников ва Самгин унинг юзи яна кулгили бир тарзда ажинга тўлиб кетганини кўрди. Сўнгра, семиз кутилмаганда ва ҳеч бир сабаб бўлмаган ҳолда кулди. У бутун вужуди билан куларди, кулгиси қорнини серкиллатар, бўйнию лунжларини шиширар, хотинларникисимон гўштдор елкаларини силкита-силкита тўлқин отиб бутун аъзосига ёйиларди, лекин кулгиси сокингина эди, у қорнининг бир ерида қулдираб, шишган лунжлари билан лаблари орасидан қулқуллаб чиқарди.

— Ппу-бу-бу-бу...

Самгин ўйлади:

«У чинқириб кулиши керак эди».

Попов Климининг қадаҳига қизил вино қуяётиб, эринчоқлик, лекин очиқдан-очиқ таассуф билан:— Буюк сафсатабоз, — деди. — Шуни билиб қўйингки, унинг учун нима деяётгани эмас, балки қандай деяётгани муҳим!

— Эшитдингизми?— Бердников унинг гапини маҳкам ушлаб олди.— Мени эстетга чиқариб қўйган. Йўқса, нигилистсан деб койийди. Модомики, бизда фикр эркинлиги фақат сафсатабозликдангина иборат бўлиб, бошқа нарсага ярамаса, менинг гуноҳим нима? Хўш, қани, айтинг-чи, бизда эркин фикрни ким намунавий бир тарзда ифодалабди? Чаадаевми? Бакунин билан Кропоткинми? Герцен, Киреевский, Данилевский ва шу тоифа бошқа кишиларми?

— У сизга ноз-карашма билан бор бисотини кўз-кўз қиляпти, кўриб қўйинг, мен қанақа ўқимишли одамман, демоқчи,— деди Попов боягича эринчоқлик билан, лекин энди майна қилиб. Бердниковнинг гавдаси худди сузаётгандек чайқалиб, стол устига ёпирилди, думалоқ кўзлари газабдан яшил бир тусда чақнади, у ҳуштак чалиб ва чийилаб лаби лабига тегмай гапира кетди:

— Йўқ, тўхта! Қани, сен менга кўрсат, Бакунинлар билан Кропоткинлар ўрнига рус Оуэнлари, Фурье, Сен-Симонларини, қани кўрсат, борми шунақалар? Чироғим, бизда дарвишнамо Сютаевлар, Бондаревлару ақли калталиги туфайли уларга қизиқиб қолган тентакнамо граф бор, холос. Э чакки бўлди, одобсизлик қилиб юбордим, — деди у, уқувсизлик билан ўзини қўрққанга олиб.— Лекин сиз бошқача ўйламанг, Самгин жаноблари, мен даҳоларни инкор этмайман ахир, жаҳоний шуҳрат қозонган санъаткорларни ҳамма қатори мен ҳам кўкларга кўтараман. Шунга қарамай: доҳий каби лақма!— дейишга ўзимни ҳақли ҳисоблайман. Бу гап муайян бир одамга эмас, балки, умуман, санъатдаги ҳамма доҳийларга тааллуқлидир...

Попов жаҳл билан қошларини чимириб:— Чернишевский...— деб гап бошлаган эди, қайнатаси унга қўлини силкиди:

— Гапирма! Бу семинарист тиришқоққина шогирд эди, лекин мужикпарастлиги учун адабиётчилар уни мўъжизакор деб кўтар-кўтар қилишди. Мен сенга айтсам, бурят Шчапов ундан кўра дурустроқ мутафаккир эди, ҳа! Фёдоров деган яна бир мутафаккир бор, лекин унинг «Умумий иш фалсафаси» китобини ҳеч ким билмайди.

У бутун гавдаси билан Самгин томонга тўлганиб, тиржайганча олтин тишларини кўрсатиб деди:

— Азизим... Кирилл Иванович, биз старообрядчилармиз¹, моғор босиб, ис босиб кетганмиз! Бизнинг славянофиллар бўлсин, бутун народниклар бўлсин — ҳаммаси старообрядчилардир! Бирон-бир Пётр, каттами, кичикми — бунинг фарқи йўқ, юзимизни Европага ўгира бошласин-чи, биз: «Дажжол! Қўрқоқ девона...» деб дод соламиз.

— Менимча, сиз воқеаларга етарлича баҳо бермаяпсиз, қайсики ҳозиргина... — деб Самгин гап бошлаган эди, бироқ Бердников унинг пиджаги енгидан тутиб, тез-тез ва энди газаби қўзиб гапини давом эттирди:

— Ювош одамларга тоби тоқатим йўқ! Мени дунёга ҳукмини ўтказган Ирод² қилишса, мен ювош, бахтсиз ва жафокаш одамларни ёппасига қириб ташлашни эълон қилган бўлардим. Мўмин-қобилларга ҳурматим йўқ! Улар билан ишинг чатоқ, қобилиятсиз бўлишади, улар билан бир иш қилиб бўлмайди. Мен инсонпарвар одам эмасман, мен темир ясайман, ювош темирни нима қилади? Толстойнинг «Уч оға-инилар» тўғрисидаги эртаги эсингиздами? Модомики, аҳмоқ ўзини мудофаа қилишни истамаса, у темирни нима қилади? Кулбасининг устини похол билан ёпади, ерни сўқа билан ҳайдайди, араваси ёғочдан ясалган бўлиб, бир йилда ярим қадоқ миҳ ишлатади, холос.

Самгин ширакайф бўлиб, бу ингичка, қулоққа ёқмайди-ган овозни эшитишдан толиққан эди. Унинг суҳбати мароқли эди-ю, лекин узундан-узоқ... Шундай бир одамнинг бошида қанчадан-қанча фикрлар бор.

«Қанақа одам?» — деб сўради ўзидан Клим, лекин саволга жавоб топгиси келмади, унинг Бердниковга нисбатан шубҳа билан қараши йўқола бошлаган эди. У ўзини граждандан процесси бўйича узоқ давом этган чалкаш баҳсда хира душман устидан ғолиб келиб, тинчиб олган одамдай ўзини одатдан ташқари хотиржам сезарди.

Дарахтлар орқасидаги хиёбонда байрамона ясанган-тусанган одамларнинг сокин ва тантанавор юришини кузатиш ёқимли эди. Одамлар қуёшнинг қия нурларига чўмилиб, ўзларини бозорга солиб, бир-бирларига ҳаваслари

¹ Старообрядчество — Россияда XVII асрда раскол натижасида пайдо бўлган бир неча мазҳабни бирлаштирган диний оқим. (Тарж.)

² Ирод — қулдорлик Римда эрамизгача ўтган подшоҳ Иудей. (Тарж.)

келиб юришарди. Ғовур-ғувур овозлар майинлаштирган мусиқий садолар уларни лирик бир тарзда эркаларди. Тез-тез қувноқ кулги, от кишнаши эшитилиб турар, ресторанинг бурчагида биров чаққон-чаққон скрипка чалар, виолончель оҳиста янграр, бир аёл «Матчиш»ни куйлар, Попов эса қовоқ-тумшугини осилтириб, жун босган бармоқлари билан стаканни мусиқага ҳамоҳанг чертиб, пастгина овоз билан қуйидаги сўзларни аниқ талаффуз этарди:

Су вотр жоуп бланш
Брийе ля анш...¹

Бердников шампанга коньяк омихта қилиб мудом ичгани ичган эди, шунга қарамай маст бўлмаётган эди у, фақат овози пасайиб, худди нам тортгандай хиралаша бошлаган, устига-устак семиз энтика-энтика тобора тез-тез ва оғир нафас оларди. Унинг бояги қувноқлиги сусайган ва Самгинни кулдиришга очиқ-ошкор ҳаракат қилаётгани кўришиб турса-да, у ўзининг гапга чечанлигини ҳануз намоийш қилаётганди.

Самгин, Марина ҳақида Бердников билан гаплашиш фурсати етди, деб ўйлади-ю, бироқ Попов моне бўлаётганди, — унинг кайфияти носозроқ бўлиб, ғаламисликка мойил эди, у расмий бир гапни бошлаш ниятида, Бердников эса буни истамайди, шунинг учун чакаги тинмаяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Мана, Попов хўмрайиб масъулиятсизлик ҳақида бир нималар деб ғўлдиради, — семиз эса қўллари билан ўзининг суяксиз юзини силаб-сийпалаб, яна ҳам шанғиллаб ва ҳатто бир қадар истехзо билан гапира бошлади:

— Кимнинг олдида жавоб бериш керак? Ўзинг биласан: мен тарих яратаётирман, балки яхши эмасдир, лекин ҳар қалай яратаётирман, зиёлиларга менинг устимдан ҳукм юритишга ва танбеҳ беришга ихтиёр бериб қўйибман. Лекин фақат сўздан нарига ўтмай, менинг ишимга суқилмасинлар! Тарих сенга ошпаз марксист, менга мушук Васька ролини топширган, пролетариат эса ҳатто Германияда ҳам тарих яратиш ишига етилмаган. Шунга қарамай, мен инқилобни бутоққа осиб қўйиб бўлмаслигини, Столипин эса фирт қишлоқи аҳмоқлигини тушунаман: у

¹ Оқ юбкангиз остида —
Йилтиллайдн сонингиз... (французчадан).

ақлли соҳибкорлар каби олдин ён бермайдими, сўнгра эса оз-оздан тортиб олмайдими. У бўлса қишлоқларни майдалаб-бурдалаб ташлашни истайди, бу билан рус далаларида Америка фермерларини бунёд қилишни мўлжаллайди, ҳолбуки у фақат миллион-миллион йўқсил исёнкорларнигина вужудга келтира олади, ҳатто агар у Россиянинг ярмисини француз банкирларига гаровга қўйганида ҳам фермерлар бунёд қилишга унинг қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари етишмасди.

— Диловарлик билан содда, юзаки фикрларнинг қўшилиши — буюк бир донолик эмас, — деб Попов қатъий ва ҳатто жаҳл билан гап бошлаган эди, қайнатаси унинг гапини кесиб қўйди:

— Буни менинг ҳақимда айтяпсанми? Раҳмат.

У коньяк омихта қилинган шампанни ичди-да, юзини Самгинга қаратиб гапини давом эттирди:

— Исён ҳокимиятнинг кучсизлигини, ҳақиқий инқилобнинг бўлиши мумкинлигини ошкор қилиб қўйди, кадетлар Виборгга бориб, соғлом фикр юритувчи одамлар кўзида ўзларини умр бўйи бадном қилиб қўйдилар. Энди, агар пролетариатимиз Ленинга эргашишга қарор қилса ва ўйиннинг энг қудратли кучи бўлган деҳқонни ҳам ўз қўлига ола билса, — Россия пуфакдек ёрилади-қўяди.

Бердников кулди:

— Ппу-бу-бу-бу...

Сўнгра, шишиб бағбақасигача кўтарилаёзган қорнини силай-силаи, бармоғидаги зумрадни товлантириб, кўзларида табассум билан гапини ниҳоясига етказди:

— Бизнинг ягона нажотимиз, Кирилл Иванович, олтинда, ажнабий олтинда! Мамлакатимизга миллиард-миллиард франклар, маркалар, фунтлар ёғдириш керак, токи олтинларнинг эгалари хатарли пайтда ўз олтинларини сақлаб қолишнинг пайида бўлсинлар, менинг фикрим шу!

Попов бошини сарак-сарак қилиб ва кўзларини чирт юмиб: — Бемаъни гап! — деди.

— Ватанпарварни қаранг! — жавоб берди Бердников, Самгинга кўз қисиб. — Ҳаётда омади келмай, ватанпарвар ва социалист бўлиб қолибди. Бир нарса кашф этганди — ўғирлашди, хотини — қочиб кетди, картада — бахти очилмаяпти.

— Яхши, бас! Бир сайр қилиб келайлик, — ҳорғин ҳолда таклиф қилди Попов. Бердников эса Самгиннинг юзига айниқса мулойим боқиб, деди:

— Бировнинг жигига тегишни яхши кўраман! Болалигимда дадамнинг жигига тегардим, дадам штейгер¹ эди, кейин ишга шўнғиб кетдики, минг-минглаб пулга эга бўлди. Мени аямай урарди, лекин кўриб турибсиз, ҳеч ерим майиб эмас. Чехов тўғри айтган, агар қуённи ураверсанг, у гугурт ёқишни ҳам ўрганади, деб. Сиз Чехов ҳақида қандай фикрдасиз?

— Жуда яхши ва энг ҳақиқатгўй санъаткор, — деди Самгин ва гапни ножўя бир жиддият билан айтганидан кулгили бўлиб чиққанини сезиб қолди. У Поповга боқди, бироқ инженер диққат билан сигара танлаб олаётган эди, Бердников эса, галстуғини тузатиб, маъқуллагандай бошини олдинга чўзди, — афтидан, бу унинг таъзим бажо қилиши эди.

— Бирам нозиктаъб адиб, — деди у. — Баъзи бировлар асарлари ғам-ғусса билан тўла деб шикоят қилади. Ахир октябрь ойида ҳаво бузуқ бўлгани учун шикоят қилиш ўринсиз-ку. Ваҳоланки, октябрда ҳам яхши кунлар бўлади...

— Октябристлар туғилган ойда, — Попов хўмрайиб гап қистирди.

— Э, табриклайман, тишлатдинг! — деди маъқуллаб Бердников ва қурбақаники сингари лаблари табассум билан тарвақайлади. — Октябрда қуёш ажиб бир тарзда ботади. Эрталабки шафақларни айтмайсанми. Ахир мен қирқ ёшимга қадар овчилик қилардим, ўн бир айиқни қулатганман...

Попов фйтон чақирди, семиз Самгиндан «улфатчиликни бузмасликни» илтимос қилди, ҳолбуки Самгиннинг бунақа нияти йўқ эди. Бердников лутфкорлик билан унга ўзи билан бирга ўтиришни таклиф қилди, Попов оғзида сигара тишлаганча оёқларини кериб, олдинги ўриндиққа ўтиб ўтирди. У, афтидан, кайф қилиб қолган кўринарди, лунжларини кулгили бир тарзда шишириб, сигара чекар, бужмайтирар, қошларини учирар, Самгиннинг бетига тутун пуркарди, Самгин инженер уни орадан сиқиб чиқармоқчи эканини тобора аниқ сезаётганди. Фйтон кенг хиёбонга чиқиб олиб, охири кўринмай тизилиб бораётган хилма-хил ажойиб фйтонларнинг қаторига қўшилиб олди. Самгин байрамона ясанган-тусанган шод-хуррам кишиларнинг тантанали юриши, фйтонларнинг ранго-ранг лаклари

¹ Штейгер — кон иши мутахассиси. (Тарж.)

ва металл безакларининг, гўё ўз гўзаллигини сезиб, оҳиста-оҳиста ва виқор билан қадам ташлаб бораётган, бардам хушқад ҳаракатлари билан одамларни маҳлиё этаётган ардоқли отлар абзалининг кўзгудек ярақлаши ўзини хушнуд этиб, руҳини кўтараётганини сезаётганди. Бут каби қимир этмас кучерлар ва навбарлар либосининг заррин уқалари кўзни қамаштиргудек порлар, уларнинг ялтироқ шляпа кийган бошлари металлдан ясалганга ўхшар, фақат отларни эмас, балки кичкина кўл устидаги бутун бу ҳаракатни гўё улар бошқараётгандек юзларида жиддий бир такаббурлик тўнғиб қолганди, қуёш шафағида ҳали ҳам пушти рангда кўринган сокин сувда акс этган булутлар орасида бўйинлари савол аломатига ўхшаш оққушлар гердайиб сузар, соҳилда эса ярқироқ кийинган болалар шовқин-сурон солиб, қушларга нон отишарди. Оппоқ тишларини кўрсатиб кулимсираган ва шўх кўзлари кўкимтир чиннига ўхшаш занжирларнинг бронза ранг башаралари кўзга ташланарди, уларнинг хира кўзлари фосфордек шуълаланарди. Файтонларнинг кетидан ва рўпарасидан гала-гала одамлар ўтишар, улардан баланд бўлиб эгар устида худди қўғирчоқлардек чиройли ҳарбий хизматчилар, цилиндр кийган кишилар, ажойиб-ғаройиб шляпали сувора хотинлар тебрана-тебрана, сакрай-сакрай боришар, оёқлари ингичка отлар каллаларини мағрур силкитар эди. Қурама овозларнинг бўғиқ шовқини, тинимсиз кулги садолари ичида отларнинг бир маромдаги дукур-дукури аранг эшитилар, баъзан кимнингдир кутилмаганда чалган ғалати ҳуштак овози эшитилиб қолар, лекин шуларга қарамай, гала-гала пиёдалар от туёқларининг бўғиқ дупур-дупурига ҳамоҳанг қадам ташлаётгандек туюларди. Зич тўдалашиб турган эркаклар кимнидир олқишлар, ўртада бронза ранг, қора соқолли, оқ салла ўраган, мурсак кийган кишилар виқор билан қадам ташлашар, кенг, қизил шим кийган зуавлар¹ уларни кузатиб борарди. Ҳарбий оркестр чалаётган куй дам халойиқнинг шовқин-суронидан баланд келар, дам шовқинда кўмилиб кетарди. Қуёш нури чанг-тўзонларни ёритиб, ҳавони пушти рангга бўяганди, номаълум бир қушнинг баҳайбат қанотларига ўхшаш осмон бетиде ястанган икки барра булут кўлнинг пушти кўзгусида акс этиб турарди, оққушлар ана шу булутлар аксида сузиб, кўринмай қолаётганди ҳисоб. Бу бирам чиройли, бирам ғамгин манзара бўлиб, алла-

¹ З у а в — француз қўшинида жазоирлик солдат. (Тарж.)

қандай эртакларни, оққушлар тўғрисидаги шеърни, Григнинг мунгли романсини Самгинга хотирлатаётганди. У ўзининг бутун борлигини мудроқ ўйсизлик ихтиёрига бериб, ана шу ажиб ҳаётнинг хаёлотига чўмишни истаётганди. Бироқ Поповнинг хўмрайиб туриши, сархуш ва тўпори боқиши, Бердниковнинг ялтоқона чучмал овози бунга монелик қилаётганди.

Бердников Самгиннинг ноаниқ фикрларини фаҳмлаётгандек бўлиб:— Қандай хушманзара бир олам, нима дедингиз? Дориломон, шод-хуррам турмуш, ҳақиқатан демократик ва борига қаноат қилиб яшаш шудир, — деди.

— Тўғри, — деб юборди Самгин ўзи кутмаган ҳолда.— Улар кундалик ташвишларни, турмушнинг изтиробларини унутиб, дам олишни билишади.

— Жуда тўғри! Худди шундай! Европанинг энг ақлли буржуазияси яшайди бу ерда. Бизнинг Питерда, Стрелкада эса, қаерга боқма диққинафаслик ва дабдаба — гўё одамлар улуғ мартабали бир кишини кўмгани кетаётгандек...

Бердников тебраниб, илиққина юмшоқ елкаси билан Самгинни туртиб қўйди. Самгин зимдан унга боқиб, бош ирғади. У хотинларга маҳлиё бўлиб тикилар экан, буни наинки бошқалар пайқашини, балки ҳатто ўзи ҳам эътироф этишни истамас эди. Самгин шўхчан либослар, тўрлар, гуллар ва товус патлари билан безанган бу хотинларнинг антиқа фойтонларнинг ёстиқларига ясланган ҳолда одамларга лоқайд ёхуд такаббуруна боқишига, мулойимгина ёки ҳаёсизларча жилмайишига тикилар экан, Золянинг шафқатсиз романларини, Мопассаннинг чучмал ҳикояларини эслади ва бу хотинлардан қай бири Нана ёки Рене Саккарнинг, madame де Бюрннинг ёхуд Октав Фелье, Жорж Онэ қаҳрамонларининг, Бернштейннинг мода бўлган қаҳрамонларининг тимсоли эканини аниқлашга ҳаракат қилди. Шу нарса мутлақо равшан эдики, фойтонларда виқор билан нозланиб ўтирган, ажиб ясанган бу хотинлар ўзларининг жозибали сеҳрини теран ҳис қилишар ҳамда юзларча эркаклар уларнинг ҳусни жамолига маҳлиё бўлар экан, юзларча хотинлар уларнинг бойлигига ҳасад қилар экан, бу ҳол ўзларини мағрур ва ҳаёсизларча кўз-кўз қилаётган гўзалларнинг ўз кучи ва ҳукмини яна ҳам кўпроқ писанда қилишларига сабаб бўларди.

Самгин ўзининг аллақандай нотайин фикрларини кўзда тутиб:— Ҳа, шундай. Ҳа, ҳа, — деди-да, Алинани Лютовнинг жасади ёнида турган пайтини хотирлади.

Айниқса антиқа файтонлар пайдо бўлган пайтда одамларнинг говур-гувури гўё пасайгандек бўлди. Ҳурпайган узун ёли туёқларига қадар тушган кичикроқ бир оқ от сўлиғини чайнай-чайнай, ўйноқлаб, улар билан ёнма-ён бора-ётиб, Бердников томондан уларнинг файтонини қувиб ўтди; у баланд иккита ғилдиракка ўрнатилган, оч бинафша ранг ялтироқ лакка бўялган ихчамгина файтонча эди; файтонда кўзлари тим қора, лаблари бўялган, буғдой ранг, башангина, увоққина бир хотин оппоқ жиловни таранг тортиб борарди. У отни тезлаб бошқарар экан, мулойимгина гурур-ла жилмаяр, унинг эғнида кумуш уқали ҳаво ранг куртка бўлиб, файтон ғилдиракларининг кегайларига ҳам кумуш ранг югуртирилган ва улар айланар экан, атрофга оқ учқунлар сочар, куртка еғларидаги кумуш кашталар ҳам учқунланарди. Файтоннинг орқасидаги торгина баланд скамейкада бошдан-оёқ оқ кийинган, жингалак сочли бошида кулгили қалпоқчаси бўлган, юзи болаларникига ўхшаш ушоққина бир занжи димоғ қилибми ёки хафаликданми, лабларини чўччайтириб, қўлларини кўкси устида чалиштирганча тебрана-тебрана ўтирарди. Бердников эҳтиром билан шляпасини олиб, кулимсираб бошини олдинга чўзди; жувон унга боқиб, қора қошларини чимирди ва жилов билан отни урди. Бердников юзини шляпаси билан беркитиб, чуқур нафас олди.

— Тантиқ, — деди у ҳуштак чалиб. — Бозори чаққон... Нархи баланд. Ҳозир савдо министри лавозимига номзод бўлиб турган бир бадавлат одам таъминлаб турибди уни...

Ориқ, бўз қўш от қўшилган қайиққа ўхшаш қора файтонда оёқлари узун бир хотин ясланиб борарди; қора тўр билан ўралган, ҳурпайган малла сочлари унинг юзини худди ўспиринникига ўхшаш кичик қилиб кўрсатарди. Унинг сариқ қошлари чимирилган, киприклари кўзларини тўсиб турар, маҳкам юмилган қип-қизил лаблари башарасига ҳорғинлик ифодаси бағишлар ва уни жирканаётгандек кўрсатарди. Қора тўр остидан унинг садаф рангли ипак билан таранг қилиб тортилган узун, балиқникига ўхшаш гавдаси аниқ кўриниб турарди, файтон юмшоқ рессорлар устида силкинар, хотиннинг гавдаси ҳам гўё эриётгандек оҳиста-оҳиста қалқиб-серкиллаб турарди. Файтончи қалин қора мўйловли, юзлари кўкимтир баҳайбат одам эди, унинг ёнида соқол-мўйловлари қирилган, болдирлари очиқ, эғнига шотландияликлар костюми кийган бир киши ўтирарди, унинг курткасида бир талай тугмалар қадалган бўлиб, улар

бу кишининг йўғон танасига қоқилган михларнинг қалпоқ-часига ўхшаб кўринарди.

Попов кулимсираб сўради:— Бу қанақаси? Бирон мажозий маъноси борми ўзи бунинг?

Бердников ўша заҳоти жавоб берди:

— Чиройларини пеш қилмоқ учун ҳар балони қилиб кўрадилар, билдингми? Улар кимни қандай қилиб томоғидан гиппа бўғишни яхши билишади, азизим. Шу нозаниннинг дастидан икки марта дуэль бўлган...

— Нина тўғнағич дуэли-да?

Бердников бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин тишлари орасидан ҳуштак чалиб қўя қолди: кичкина четан шарабан¹ файтонни қувиб ўтди, шарабанда қизил либосдаги бир хотин ўтирарди, унинг ёнида жуни силлиқ, олачипор каттакон ит узун тилини осилтириб, калласини лиқиллатиб борарди, итнинг қирқилган қулоқлари диккайиб турар, иржайган оғзи устидаги қонталаш кўз қовоқлари қаримсиқ ҳолда осилган, сариқ, қаттиқ кўзлари хира нурланарди.

— Итлар, занжилар, — афсус, шайтонлар йўқ, бўлганда шайтонларни ҳам олиб юришарди, — деди Бердников ва одатича ҳиқиллаб ғалати кулиб қўйди. — Баъзилар ўзларини қўрқинчли қилиб кўрсатишади, ҳа-ҳа, шунинг эвазига ҳам қимматлари ортади. Бу ерда, бу ишда шундай бир либертэ² ишга солинганки, моралитэга³ — ўрин йўқ!

Поповнинг юзи қизариб, кўзлари чақчайди, у уйқусини қочиришга зўр бериб ҳаракат қилаётгандек кўринар, жун босган бармоқлари билан асабий бир ҳолда тиззаларини дук-дук урар, боши шу қадар тез-тез айланардики, худди у оломон ичидан бировни ахтарар ва кўрмай қолмайин деб хавотирда эди. У қайнатасининг сафсаталарини очиқ-ошкор маъқулламай, унга зарда билан боқарди, Самгин эса, мана ҳозир бу ёқимсиз одам қайнатасига эътироз билдириб, гўзал хотинларнинг мана шу намоёишида икки руснинг ҳаммага маълум бўлган узундан-узоқ, мазмунсиз, кулгили, ўринсиз диалогини шатиллата бошлайди, деб кутаётганди.

«Уларни ўзларидан бўлак ҳамма билади, — деб ўйлади Самгин. — Мен монологларни афзал кўраман. Шамолнинг

¹ Шарабан — бир от қўшладиган икки филдиракли арава. (Тарж.)

² Либертэ — эркинлик.

³ Моралитэ — ахлоқ (французча *moralité* сўзидан).

шовқинини эшитган каби монологларни ҳам эътироз этмасдан эшитиш мумкин. Бу аллақандай ҳақиқатларни ҳар эҳтиётдан сақлаб туришга ва уларнинг шубҳали муқаддаслигини ҳимоя қилиш учун озор чекишга мени мажбур қилмайди...»

Тўқ бронза рангдаги жуда баҳайбат бир жуфт от каттакон ландо¹ни дабдаба билан тортиб борарди: ландода қора шоҳи кийимда, оқарган сочларини қора тўр билан ўраб олган, узунчоқ ва қотма юзли бир кампир ўтирарди; у бошини такаббуруна тик тутиб, оч сур ранг кўзларини ҳаво ранг кийимдаги кучердан узмай, қўлида олтин лорнет тутиб борарди. Унинг ёнида мулойим табассум билан бошини иргай-иргай семиз бир хоним, уларнинг рўпарасида эса икки бола ўтирганди, улар ҳам худди қўғирчоқлардек қимир этмас ва қиёфасиз эдилар.

Бердников шляпасини қўлига олиб у билан юзини тўсиб:— Де Лярошфуко, — деб изоҳ берди. — Ё маркиза, ё графиня... шу тоифа бир шахс. Моралист². Мунофиқ. Шу кампир ҳам аристократ, — фамилияси нима ҳам эди? Унутибман... Бульонми. Котильон... Ё Крильонми? Ишбилармон, тилли-жағли, саноат доираларида ҳурмати баланд лаънатининг... Филантроп³ ўзи... Гадоларни боқади... — у ўзини Самгиннинг устига ташлаганча сўради:— Сиз мордлитмисиз, Самгин жаноблари?

— Бундан ўзимни тийишни афзал биламан, — жавоб берди Клим ва ўйламай жавоб бергани учун ўзидан ўпканди.

— Билиб қўйганимиз яхши, — Самгин жавоби маъқул бўлганини эшитди. — Мен бу хотинларни асло қораламайман. Аксинча, фоҳишаларнинг Парижга қанча даромад келтиришлигини ҳисоблаб чиқилса, ҳатто уларни ҳурматлаш ҳам лозим бўлар. Ҳазиллашаётганим йўқ! Газмоллар, заргарлик, тикувчилик ишини, уй жиҳозлари-ю, ҳар қандай «артикуль де Пари»ни — буларнинг барини фоҳишалар юргизиб турибди, ишонаверинг! Аввал — фоҳиша, унинг

¹ Ландо — тўрт гилдиракли усти очиладиган арава. (Тарж.)

² Моралист — одоб ва ахлоққа қаттиқ риоя этишни тарғиб қилувчи киши, насиҳатгўй. (Тарж.)

³ Филантроп — филантропия сўзидан. Филантропия — буржуача инсонпарварлик, хайр-саховат, буржуазиянинг меҳнаткашларни алдаш ва уларни синфий курашдан қайтариш ҳамда ўзининг эксплуататорлик қиёфасини пардалаш учун «бечораларга ёрдам» бериш ниқоби остида қўллайдиган воситаларидан бири. (Тарж.)

кетидан ҳар қандай бошқа фаммалар¹ боради. Шуни ҳам билиб қўйингки, фоҳиша кўпроқ французни эмас, балки аж-набийни қоқлайди. Бу ернинг банкирлари Россиядаги гала-ёнларни бостириш учун бизга қарз беришган, — ахир бу қарзнинг талайгина қисмини фоҳишаларнинг топганлари ташкил қилади...

— Нималар деб валдираяпсиз, — деб гўлдиради Попов.

— Рост айтяпман, Григорий, — деб жеркиб берди семиз, юмшоқ замш ботинка кийган оёғи билан куёвини туртиб. — Бу ерда бир хотиннинг бир йиллик харжи бизнинг бутун бир уезддаги аҳолининг харжидан оз эмас. Буни тушуниш керак! Адабиёт бузган бизнинг хонимлар орзулар билан овуниб яшашга ҳаракат қиладилар, ўзларини гоҳ Анна Каренина, гоҳ Достоевский тасвир этган телба ёки мадам Роллан, баъзан ҳатто — Софья Перовская хаёл қиладилар. Бизнинг хонимлар дилгир, одамни зериктиради!

Самгин хаёли қочибгина қулоқ солар ва ўзининг Бердниковга муносабатини қатъий суратда белгилаб олишга уринарди. «Попов ҳақ бўлса керак: нима хусусда гапиришнинг унга фарқи йўқ». Бердниковнинг баъзи фикрлари янги ва ҳавасни келтирадиган даражада ўзига хос эканлигини сезса-да, Самгин буни эътироф этишни истамасди. Бу одам уни қўлга олишнинг пайнда бўлганини хотирламоқ ажаб бир ҳол эди, лекин энди унинг гуноҳини юмшатадиган сабаблар бирма-бир аён бўлаётганди.

«Сотқин амалдорлар орасида ўралашиб юришга ўрғаниб қолган...» Поповнинг аллақандай фикрини Самгин эшитмай қолганди, Бердников писанд қилмай куёвига ўшқирди:

— Сен у кимники, бу кимники деб нега мудом менга кўрсатаверасан? Мен ҳамма ерда ҳушимга ёққан нарсаларнинг барини олавераман. Суворин — аҳмоқ эмас. Одамлар ким учун фалсафа сўқадилар? Мужик учунми? Мен учун!

Самгин кутганича мубоҳаса авж олиб кетди. Хилма-хил файтонлару чиройли хотинлар тобора кўпайиб бораётгандек эди. Бир жуфт баҳайбат жийрон от улардан ўзиб ўтди, файтонда икки хотин кула-кула борарди, уларнинг рўпарасида оқ мўйловли, тепакал семиз бир киши ўтирарди; у цилиндрини юқорироқ кўтариб, халойиққа қараб бир нима дерди, унинг қизил ёноқлари шишиб, мўйловини кул-

¹ Ф а м м а — (французча le femme сўзидан) хотин.

гили бир тарзда қимирлатиб қўярди, халойиқ уни олқишларди. Шамол туриб, одамларнинг гапини, кулгисини, қарсак садоларини, отларнинг кишнаган овозларини бир-бирига қориштириб, хорга айлантириб юборди.

Самгин ҳали эътироз талаб қиладиган бир гап айтиб улгурмаган ким биландир баҳслашиб: «Бундай бир ҳаётни даҳшатли гротескка айлантириб юбормоқ учун икки карра зиёд даҳо Босх бўлиши лозим» — деб ўйлади. У аслида хафалигини ёзишга ҳаракат қилган эди, аксинча унинг хафалиги тобора ортди, бирдан нима учундир ўзи алоқа қилган хотинлар эсига тушди. «Бундай алоқалар учун тақдирдан миннатдор бўлмайсан киши. Умуман, айтиш керакки, менинг ҳаётим...»

Самгин таъбир ахтариб кўрди-ю, аммо тополмади. Попов бармоғи билан унинг тиззасига нуқиб, деди:

— Мен шу ерда тушаман. Хайр.

— Биз яна бир оз шаҳарни айланамиз, — деди қувноқ ва ингичка овоз билан Бердников. — Сўнгра кўнгил очадиган бир ерга борамиз, қарши эмасмисиз?

— Жуда соз, — деди Самгин. Ниҳоят Марина ҳақида гап очишга имкон топди у. Самгин Бердниковга қаради, у илжайиб юзини буриштирди ва елкаси билан Самгинни туртиб сўради ундан:

— Чарчадингизми?

— Асло.

— Чидамли экансиз. Лекин рангингиз ўчибди. Биласизми: ҳар қанча яшамагин, ҳар қанча гаплашмагин, барибир бир гапни айтмаган бўлади одам, бу кичкина бўлса ҳам энг муҳим гап бўлади. Шундайми?

— Шундай, — бажону дил қўшилишди Самгин, — тўғри.

Бердников кулимсираб, ҳавони ўпаётгандек тамшанди.

— Одам шу гапни айтолмай ўлиб кетади, — давом этди у хўрсиниб. — Гап сотавериб сизни зериктириб юбормадимми? — Бердников шундай деб сўради-ю, лекин жавоб кутиб ўтирмади. — Кексалик, кекса одам гап билан овунади, гапириб кўрган-кечирганларингнинг ғуборини тарқатасан. Лекин қулфи дилингни очиб гаплашиш ҳамиша ҳам насиб бўлавермайди, биз бир-биримизнинг гапимизни диққат билан эшитмайдиган сомелармиз...

Попов йўлда тушиб қолганидан кейин бу одам анча жиддийлашгани ва гаплари ёқимли бўлиб қолганига Самгин эътибор берди. У Бердниковнинг гапларини янада

диққат билан тинглар экан, «Ҳойнаҳой, бу одам бутунлай ёлғиз бўлиб, танҳолик жонига теккан бўлса керак», — деб ўйлади.

— Бунинг устига-устак, чин самимият — ҳамиша ҳаё-сизликдир, бошқача бўлиши мумкин эмас, ахир инсон — пасткаш ва риёкордир, ўзига-ўзи ҳушига ёқар даҳанаки фокуслар кўрсатиб кун кўради, эҳ, бахти қаро инсон!

Бердников энди хамирдек танаси билан бутунлай Самгиннинг устига ёпирилиб, худди нам тортиб қолгандек пастгина овоз билан хитоб қилди:

— Биз инсонлар мунча ҳам бахтсиз бўлмасак, азизим Иван Кириллович... Э, кечирасиз! Клим Иванович, ҳа, ҳа... Буни фақат умрининг охирида, аллақандай дард секингина писиб келиб, қўшмачи хотиндек: «Эҳ, Захар, сени шундай бир хонимча билан таништириб қўяйки!» деб қулоғинга шивирлагандагина пайқаб қоласан. У ажални назарда тутди ўшанда...

Бердников одатича қаҳ-қаҳлаб ғалати кулди, Самгин эса буни тамомила ўринсиз ҳисоблаб, таажжуб билан ўйлади:

«Қандай... буқаламун...» «Буқаламун» сўзи унга номуносиб, таҳқиромиз бўлиб кўринди. «Қандай тадбиркорлик... Ёки шалоқликми?»

Бу сўзлар ҳам Бердниковнинг қиёфасини аниқ белгиламаётганди. Файтон аллақандай чиройли кўчадан ўтиб бораётганди, ҳар икки томонда темир панжаралар билан туташган кўркам уйлар лип-лип ўтарди. Панжаралар устидаги қалин зарҳаллар порлар, йўлкаларда бораётган одамлар биноларнинг вазмин ҳаракатидан кўра тезроқ қадам ташлаётгандек эди. Самгин чанқаётганди, қимир этмасликни ва сокинликни қўмсаётганди, ана шу жимжитликни Бердниковнинг дадил ва хилма-хил фикрларини тарозига солиб, атрофлича ўйлаб кўришни, тушуниб олишни, Марина тўғрисида гаплашишни хоҳлаётганди у. Самгинга ҳеч ким ҳеч қачон у билан бу қадар сарбаст, бу қадар сирлашиб гаплашмагандек бўлиб туюлди ва семизнинг баъзи гаплари унга хуш ёққанини тан олишга мажбур бўлди. У: «Йўқ, бу Лютовга қараганда теран, бўлакча...»

— Чой ичсак ёмон бўлмасди, — таклиф қилди Самгин.

— Чойми? Жуда вақти-да!

— Сокин бир ерда...

— Худди сокин ерда! — хитоб қилди Бердников ва лунжларини шишириб, ҳавони ҳузур қилиб пуфлади. —

Расмана руслар каби самовардан дамлаб ичамиз! Меникига бора қолайлик! Пансионда яшаяпман, етим-есир учун қиёмат бошпана, бир рус аёлга қарашли, элчихонамиздагилар жон деб келиб туришади...

У Самгиннинг розилигини кутиб ўтирмасдан, кучерга адресини айтди-да, ундан тезроқ ҳайдашни илтимос қилди. Унинг бошпанаси яқингина экан, Бердников зинадан пояма-поя резинкасимон дик-дик кўтарилар экан, юм-юмалоқ бу одамнинг енгил ҳаракати Самгинни яна ҳайрон қолдирди. Торгина майдончада уч эшик бор эди. Бердников қорнини ўртадаги эшикка тираб, ўзини четга олди-да, Самгинни таклиф қилди:

— Утиниб сўрайман.

Шу гапни айтиб, у қизғимтир ғира-шира қоронғилик қўйнига узоқлашиб:

— Анна Денисовна! Анеточка-а!— деб хитоб қилди.

Самгин, кўзойнагини артиб, атрофга разм солди: тиш докторининг қабулхонасига ўхшаш деразасиз кичкинагина бу хона кул ранг парусинадан жилд қопланган юмшоқ мебель билан жиҳозланган бўлиб, ўртада — думалоқ стол, стол устида — альбомлар, деворларда — тўртбурчак нурсиз гравюралар бор эди. Қўшни хонадаги эшикларга тутилган тўқ қизил пардалардан бу хонага қизғимтир ғира-шира қоронғилик тушиб, атир ҳиди анқиб турар, аллақерда олисдан, сокинлик қўйнидан Бердниковнинг бўғиқ овози эшитиларди:

— Самовар қўйиб юборинг, ул-бул келтиринг. Ҳа, ҳа. Верочка билан Жоржет борми? Кетиб қолишмасин. Туншундинғизми! Албатта, худди шундай... Ппу-бу-бу-бу...

Бир минутдан кейин у парда орқасидан чиқиб:

— Марҳамат, Клим Иванович!— деб хитоб қилди қувонч билан.

Сўнгра Клим билан ёнма-ён бораётиб, секингина деди:

— Узи кичкинагина фоҳишахонага ўхшайди-ку, аммо жуда шинамгина ва «шаҳар шовқинидан олисда».

Улар уч хонани босиб ўтишди, бири танца зали каби кенг ва бўм-бўш, қолган иккитаси— кичикроқ хоналар бўлиб, мебеллар ва хонаки ўсимликлар билан безатилганди, коридорга чиқишди, Бердников икки букчайиб, эшикка тиралди, уни оёғи билан тепиб очди.

Бердников одобга риюя қилмай, устидан сюртугини ечиб:— Бизнинг бошпанамиз ана шу. Мабодо иссиқлаб кетсангиз, ечинишингиз мумкин, — деди. Сюртугини ечгач:

у яна ҳам семиз кўриниб кетди, майин кўйлагигаги бриллиант запонкаси яна ҳам ярақлаб товланди. У галстугини ҳам ечиб, гулдон турган ойна курсисига бепарво улоқтирди. Юзини рўмолча билан елпий-елпий очиқ деразадан калласини чиқариб, мамнунлик билан:

— Бирам роҳат!— деб қўйди.

Унинг истиҳоласиз ҳаракатлари бир қадар Самгиннинг гашини келтирди. У қовоғини солди, лекин Бердниковнинг юмалоқ, хўппа семиз гавдаси олдида ўзининг қилтириқ қоматини ойнада кўриб, беихтиёр ишшайиб қўйди ва муқаррар манави муқояса хаёлига келди:

«Дон-Кихот, Санчо...»

Сўнгра у мана шу ҳазилнамо гапни эшитди:

— Биз бу кичкинагина хонада бамисоли ҳамёндаги бир сўмлик билан ярим тангаликка ўхшаймиз...

Лекин ўша ондаёқ у чўчиб кетгандек шоша-пиша деди:

— Э, кечирасиз, қўпол ҳазил қилибман сизни ярим тангаликка ўхшатиб! Клим Иванич, гапимга ишонинг: сизнинг кадр-қимматингизни яхши биламан! Сизнинг сиймонгизда маҳмадона ва сафсатабозни, айтайлик, куёвим сингари бетоле бир ялқамсиғни эмас, балки ақли расо ва кўрган-кечирганлари, қилган ишлари устида фалсафий мулоҳаза юрита оладиган бир инсонни кўрганлигимдан чин кўнгилдан хурсандман. Бундай одамлар, масалан... икки бошли балиқ каби жуда кам учрайди, айтгандай, бунақа балиқ умуман бўлмайди ҳам. Сиз билан танишиш мен учун бир бахт, байрам бўлди...

«У назм билан гапиришга ҳам қодир кўринади», — деб ўйлади Самгин ва семиз билан мураса қилиб кулибгина деди:

— Лекин, кечирасиз, ахир сиз мени эмас, балки ўзингизни майда тангага ўхшатдингиз, деб ўйлашга ҳаққим бор-ку...

Бердников бошини олдинга чўзиб, худди қандайдир ноқулай ва ўринсиз бир сўзни оғзида сақлаб қолгандай, лабларини чапиллатди, ҳайрат билан Самгинга боқиб, бир неча сония индамай турди, сўнгра эса ингичка овоз билан чийиллаб гапирди:

— Э, бўлмасам-чи, албатта! Бунга тўла ҳаққингиз бор. Қаранг, кичкинагина бир ҳазилдан шунча гап. Ахир мен орамиздаги жисмоний фарқнинг катталигига шама қилгандим, холос. Биласиз-ку, ҳазил ҳақиқат билан ҳисоблашиб ўтирмаслигини...

Сал ялтироқ оппоқ блузка кийган, кўкраклари кичкина тарвуз палласидек келадиган, барваста, қора қош бир аёл эшикда кўринди, упа-элик суртилган башарасида мулойим табассум жилваланар, унинг қип-қизил лаблари айниқса кўзга ташланарди. Қўллари тирсагигача очиқ бўлиб, патнисда чой идишлари, шишалар, вазалар олиб келаётганди, хотиннинг орқасидан жингалак мўйловли, лаблари занжиники сингари қалин бир киши келаётганди, унинг буғдой ранг юзи аслида жуда қора-ю, лекин ҳозир оқаргандек кўринарди. У мўъжазгина кумуш самовар келтирди. Бердников французча амр этди:

— Бенедиктин¹ни олиб кетиб, куантро келтиринг...
Чироқ олиб келинг!

Самгин атрофга кўз ташлади. Хона қимматбаҳо меҳмонхона каби жиҳозланган, хонанинг учдан бир қисми тўқ ҳаво ранг парда билан ажратилган бўлиб, парда орқасига кенг каравот қўйилганди, у ердан ўткир атир ҳиди анқиб турарди. Икки дераза устини чирмовуқ босган девор билан қуршалган кўҳна боғчага очиларди, дарахтларнинг бўйи дераза баландлигича эди, нимқоронғи ва дим хонага боғчадан хушбўй рутубат кириб турарди. Ана шу диққинафас хонада хотинча ингичка овоз янграб, жимжимадор сўзлар таралаётганди:

— Ҳа, ҳазил ҳақиқат билан ҳисоблашиб ўтирмайди, худди шундай! Учинчи йилда, Москвада, тасодиф, йўл-йўлакай машҳур пессимист бир ёзувчи билан танишиб қолдим, лекин у юмордан ҳам холи эмас эди. Албатта, сиз уни танийсиз! Ичишиб ўтириб, ундан: «Нима учун бунақа гамгин қилиб ёзасиз?» деб сўрадим. У эса: «Чунки ҳақиқатни ёзаман», деб жавоб берди. У билан роса кулишдик, шафқатсиз ҳақиқатпарастлиги учун қиттай-қиттай коньяк ичдик. У қизиқ табиатли одам: идеалист ва ҳатто мистикага ҳам майли бор, лекин кундалик ҳаётда юлдузни бенарвон урадиган учарлардан, менинг у вақтда қоғозга алоқам бўлгани учун нашриёт иши билан ҳам танишган эдим. Бу мутасаввуф сира адашмай руҳий зардобларни пулларди. Э,— қаҳ-қаҳ уриб кулди у. — Жуда алжираб юбордим! «Зардоб» сўзини сиз киши руҳининг ҳақиқатдан узоқлашишга интилиши маъносида тушунинг...

Самгин ўз саволини бериб қолиш учун қулай фурсат кутиб, унинг гапини лоқайдгина эшитарди. Спирт лампа

¹ Бенедиктин — хушбўй ва ширин май. (Тарж.)

ёритиб турган стол устида кеккайиб самовар ярақлар, чинни идишлар порлар, биллур вазалардан оқиш учқунлар чақнар, рюмкаларда заррин коньяк товланарди.

«Унинг Марина билан қандай гаплашишини бир эшитсам эди», — деб ўйлади Самгин. Бу орада у баъзи сўзларини эшитолмай қолди.

— Циркдаги каби энг қийин нарсаларни машқ қилишади, Достоевский уларни йўлдан оздирган, — дерди Бердников. — Бу ерда зиёлилар етарли даражада тўқдирлар, буржуазия уларни жуда мазали таомлар билан боқмоқда. Мопассаннинг — яхтаси, Франснинг ҳовли-жойи, Лотининг — музейи бор. Умид қилиш керакки, бизда ҳам ўн-йигирма йиллардан кейин зиёлилар ризқ-рўзини олиб, пролетариат билан йўли бир эмаслигини сезиб қолади...

Самгин бир қултум коньяк ичиб:— Сиз Зотовани кўпдан бери танийсизми? — деб сўради.

Бердников бирдан жавоб бермади. У чойнакни кампиракдан олиб, самоварни қопқоқлади, чойнакнинг қопқоғини олиб, чойни ҳидлаб кўрди-да, чашкаларга қуя бошлади.

— Кўмир иси келяпти, — деди у, ўзининг бу қадар уринаётганини изоҳлаб. Сўнгра сўради:— Ажойиб жононни сўраяпсизми? Ҳа, уни танийман. Ҳатто уни олмоқчи ҳам бўлган эдим. Хоҳламади. Дворянга тегиш нияти бўлса керак, деб ўйлайман... Худо билади, унвонли эрнинг орзусидадир балки. Қойилмақом губернатор хотини бўлган бўлур эди у!

Бердников индамай қолди ва чашкага тикилганча қошиқ билан унинг ичидаги лимонни эза-эза шошилмасдан, ўйчанлик билан гапини давом эттирди:

— У билан етти йилчадан бери танишман. Унинг эри билан Лондонда кўришган эдим. У ҳам ғалати табиатли киши эди. Унинг ўз идеали бор эди. Каноп тола билан савдо қилар эди-ю, аммо руҳий таскинлик учун бирон-бир но-зикроқ иш билан машғул бўлишни истарди. Шундай одамлардан эдики, руҳи бамисоли бир ўсма-ю, қичигани қичиган. Мудом квакерлар¹ ва умуман, инглиз поплари билан элакишар эди. Ҳатто мени ҳам бунга жалб этишганди, бироқ кўрсамки, инглиз поплари портвейндан бошқа ҳеч

¹ Квакер — XVII асрда Англияда пайдо бўлган ва Шимолий Америкада ҳам тарқалган христиан мазҳаби кишиси. (Тарж.)

нарса билан ишлари йўқ, худо тўғрисида эса шунчаки лавозимларига кўра хўжа кўрсинга гаплашадилар.

У Самгиннинг рюмкасига ишора қилиб кўз қисди, коньягидан чойга қўйди, рюмкасини янгидан тўлдириб ичди, устидан бир қултум чой ичиб юборди. Самгин Бердниковнинг нақадар енгил ва дадил ҳаракат қилаётганини кузатар экан, сабрсизлик билан кутарди.

— Зотов, биласизки, пок, тўғри киши эди, бизнинг кўпасларимиз орасида шундай одамлар бор. Улар Пилат сингари фақат қўлларининг ўзини эмас, балки бутун баданларини ювиб, гуноҳларини кетказиш учун мудом сув ахтарадилар. Мен эса покдомонликка интилган одамларни яхши кўрмайман, негаки ўзим катта гуноҳкорман, ёшлигимданоқ гуноҳга ботиб қорайганман, жаҳаннамнинг бутун шайтонлари мени, ҳойнаҳой, чуқур ҳурмат қилса керак. Одамлар ҳурмат қилишмайди. Мен ҳам уларни...

Самгин кўрдик, Бердниковнинг лўппи, бичимсизгина юзи бирдан шакл касб этиб, кичрайгандай, дағаллашиб қолгандай бўлди, ёноқлари ғурра бўлиб чиқди, бурни ингичкалашди, бағбақаси юқори кўтарилди, лаблари маҳкам қисилиб кўринмай қолди, кўзларида эса аллақандай сариқяшил жило пайдо бўлди. Креслонинг суянчигидан осилиб турган ўнг қўли қон тўлишиб қизариб кетди.

Самгин: «Кайф қияпти шекилли»,— деб ўйлади, суҳбатдоши эса пастгина бўғиқ овоз билан гапини давом эттирди:

— Мен корчалон одамман, бу эса ҳарбий хизматчидек гап. Дунёда гуноҳсиз иш йўқ. Прудонлар, Маркслар буни бутун черков пешволаридан, инсонпарварлардан ва бошқа... хат-саводсиз одамлардан ҳам яхшироқ, асослироқ иш бот қилганлар. Ленин тамомила тўғри фикрда, бизнинг табақани бутунлай йўқ қилиб ташлаш лозим. Мен, лозим деяпману, лекин бунинг бўлиши мумкинлигига ишонмайман. Балки Ленин ҳам ишонмас-ку, лекин қўрқитади фақат. Сиз Ленин тўғрисида қандай фикрдасиз?

— У — жиддий мутафаккир эмас, — деди Самгин.

Бердников гўё ҳайратлангандай бўлди ва бир неча сония индамай, кўзларини қисиб, Самгиннинг афтига қараб турди.

— Бу гапни сидқидилдан айтяпсизми?

— Сидқидилдан. Унинг мен ўқиб чиққан ҳамма асарлари ниҳоятда басит.

— Шу-ундай денг, — деди ноаниқ қилиб чўзиб Бердни-

ков ва кулимсиради.— Савва Морозов эса — шундай одамни эшитганмисиз?— У Ленинни гоятда... жиддий сиймо деб ҳисоблайди, ҳатто унинг бузғунчилик ишига моддий ёрдам ҳам бераётган эмиш.

— У ҳам пилатми?— киноя билан сўради Самгин.

— Б-билмадим. Пилатдан кўра анча ақллироқ бўлиши керак. Сиз баситликда хавф-хатар йўқ, деб ўйлайсизми? Христианлик ҳам илк даврларда басит эди, аммо минг йилдан кўпроқ одамларни чалғитиб келди. Мана, мен ҳам басит мулоҳаза юритаман, ҳолбуки, мен хавфли одамман,— деди у мароқсизгина, рюмкасига яна коньяк қуяётиб.

Улар жим қолишди. Бўз-пушти ранг осмон оқариб кўринди, осмонда кул ранг булутлар пайдо бўлди. Самовар дам шигиллаб, дам писиллаб турарди.

«Марина ҳақида гапиргиси йўқ,— деб ўйлади Самгин,— маст. Мен ҳам кайф қилиб қолдим шекилли. Кетиш керак...»

Бироқ Бердниковнинг юзи яна ёйилиб, кенгайди, у истеҳзоли табассум билан истар-истамас гап бошлади.

— Демак, Зотова сизни қизиқтиради? Тушунаман. У — пишиб турган ош. Лекин, очигини айтсам, мен сизни ранжитиб қўймаслик учун бир нарсани билганимдан кейингина унинг хусусида гапира оламан: у сиз учун фақат фойдали мижозгинами ёки яна бўлак бир кимса ҳамми?

— Фақат мижоз, лекин фойдали деб айтолмайман, — жавоб берди Самгин жуда қатъий қилиб.

— Аҳа, — ҳаяжон билан хитоб қилди Бердников. — Тўғри, тўғри, у хасис, очкўз! Иш борасида жаллод. Лекин ақлли. Унинг китобий сўзлар билан безанган қўпол эр-какона ақли бор. Менинг душманим, — деди у қўлини учмарта шапиллатиб тиззасига уриб. — Рус саноатининг ўсишига ҳам душман. Варягларни чақиради — тушуняпсизми? Зўр бир ишни инглизларга сотяпти. Судхўр аёл. Унинг Москвада хлистми, бичилганми бир хизматкори бор, у Маринанинг пулига орқа қилиб векселлар дисконти¹ билан шуғулланади, тулкидек айёр ялмоғиз! Маринанинг қули, итвачча...

Бердников жуда ҳаяжонланарди. Елкалари титрарди, у бошини олдинга узатганди, сарғиш хамирдек юзи яна тўниб қолганди, кўзлари тез-тез пирпирар, қирмизи, ёқим-

¹ Д и с к о н т — мuddати тўлмаган векселни банк ҳисобига ўтказиб пул олиш. (Тарж.)

сиз нам лаблари шишиб, учиб турарди. Ингичка овози узук-юлуқ чийллаб эшитилар, у жазавага тушиб гапирарди. Самгин ўзини ёмон сезаётганди, у хомсемиз пўк тананинг ёқимсиз титрашини кўрмаслик учун ҳатто бошини эгиб олганди.

— Жинояткор одам,— Самгин шу гапни эшитди.— Кўрасиз, ахир бир кун қамалиб кетади! Бирор жиноий ишга сизнинг ҳам оёғингизни тортиши мумкин. Айғоқчи, ўғриларга йўл кўрсатади.

У ғайри табиий бир тезлик билан стулдан ирғиб туриб, столи силкитиб юборди, унинг устидаги жамики нарсаси дириллаб кетди, Самгин лампани ушлаб қолар экан, Бердниковнинг қорни унинг елкасига тиралди ва боши тепасида шоша-пиша чийллаб айтилаётган сўзлар эшитилди:

— Қулоқ солинг... Мен таклифимни яна такрорлайман. Менга шартнома лойиҳасини топиб беринг. Беш минг беришга розиман, тушуняпсизми?

Самгин ўрнидан турмоқчи бўлиб кўрди, бироқ Бердников бир қўли билан елкасидан маҳкам босиб турарди, иккинчи қўлини эса, гўё қасам ичаётгандек ёки Самгиннинг бошига бир туширмоқчи бўлгандек юқори кўтарганди.

Бердников тинчланиб ва ўзига келиб:— Тўхтаг!— деди, унинг юзини кўз ёши каби майда тер босди-да, эриб кетгандек йўқ бўлди. — Агар сиз соф виждонли рус бўлсангиз, ватаннинг сотилишига рози бўлолмайсиз. Ватанни биз ўзимиз оёққа турғизамиз, биз кучли, истейдодли, довиюракмиз...

Самгин оғир қўл остидан чиқиб кетишга беҳуда уришиб:

— Боя айтдим-ку, бу шартнома тўғрисида ҳеч нарсаси билмайман, деб. Зотова ишдан менга гапирмайди, — деб улгурган эди, Бердников:

— Иш-он-май-ман,— деб қичқирди.— Ундай бўлса, унинг ҳузурида сиз нима қиласиз, хўш? Билмайсиз, бу битимни у сиздан яширяпти! Бўлмаса, билиб олинг! Сиз ёш бола эмассиз. Мен сизни мансабдор қиламан. Тентаклик қилманг. Пилатовнинг поклиги ўзига! Кўриб турибсиз-ку: ҳаёт кундан-кунга баттарин бўлаётганини. Бунга қарши сиз нима қила оласиз?

Бердников сўнги сўзларни очиқдан-очиқ писанда қилмай айтди, бу эса Самгинга уни ўзидан узоқлаштиришга,

ўрнидан туриб, ойна курсисидаги шляпасини илиб кўтаришига куч бағишлади.

— Гапингизни эшитишни истамайман, — деб қичқирди у ғазабдан дудуқланиб. — Сиз ақлдан озиб қолибсиз...

Бердников қорни билан уни итариб, деворга қисиб қўйди ва чийиллаб башарасига деди:

— Ҳали сен ақлли бўлдингми? Сенинг ақлинг кимга керак, кимга! Сенинг ақлинг нимага ярайди? Қани, айтчи! Университетларда ўқийсизлар, кимники бу университетлар? Тур жўна! Даф бўл! Йўқол кўзимдан...

Бердников шундай деди-ю, шармандаларча сўқди. Самгин қандай қилиб югурганча кўчага отилганини эсламасди. У титрай-титрай, антика-антика, шляпасини қўлида ушлаб борар ва фикран фиғон бўлиб, фарёд чекарди:

«Мен унинг тумшугига солишим керак эди. Уриш керак эди уни».

Одамларнинг дарҳол чекилиб, унга йўл бераётганларини, баъзи бировлар эса тўхтаб, энди у нима қилади? — деяётгандек ҳайрат билан қараб турганларини Самгин тезда пайқай олмади. У шляпасини кийди-да, юришини секинлатиб, ғира-шира торгина кўчага бурилди.

«Ярамас ҳайвон! Унчалик маст эмас, чўчқа! Бунақаларни қириш, аямай қириш керак».

Кўчани илиқ қўланса ҳид тўлдирганди, қарийб ҳар эшик олдида тўда-тўда одам тўпланиб турарди, ғовур-ғувур бир дам тинмасди. Одамлар кулишар, қичқирарди, бунинг унга, балки дахли бўлмаса-да, лекин бояги алам туфайли кўнгил беҳузурлигини орттираётганди. У очиқ бир ерга, кенг майдонга, сайҳонликка, бўшлиққа чиқиб, танҳо қолишни қўмсаётганди. У кўчама-кўча ўтиб, анчадан кейин эски бир файтонга дуч келди: бўйи ҳаддан ташқари узун ориқ отни хушчақчақ, гапга ишқибоз бир чол ҳайдаб бораётганди, файтон секин ғилдирар, силкита-силкита юрар ва дарғазаб бўлган бақалоқни ва унинг чийиллаб айтган жумлаларини Самгиннинг эсига солиб, ундан оғриқ қўзғагудек ва бошини айлантиргудек бўларди.

Уйга келгач, у содали сув сўради, ечинди, лойга булгангандек кийимларини бир чеккага улоқтирди, сўнгра папирос тутатиб, диванга чўзилди. Алам-ситам ҳисси уни бўғаётганди, Бердниковнинг дарғазаб қиёфаси кўкимтир тутун ичида пуфакдек сузарди, фикри хаёли гангиб, тартибсиз ишлаб, бир-бирига зид қарорларни ўйлаб топар ва яна рад этарди.

«Ҳа, бунақаларни қириш, қириб ташлаш керак... Қандай жирканч, ҳаёсиз ақл. Бу ердан жўнамоқ лозим. Эртагаёқ. Мен касб танлашда янглишибман. Ахир мен нимани, кимни астойдил ҳимоя қила оламан? Бунақа аблаҳларнинг қаршисида ўзим ҳимоясиз қолганман. Марина ҳам. Унда ишлашдан бош тортаман, Москва ёки Петербургга жўнайман. Вилоятга нисбатан у ерда кўзга ташланмай бир қадар тинч яшаб бўлар...»

У қатъий қарор қабул қилгандек бўлиб, бирмунча хотиржам бўлди. Ўрнидан қалқиб, вишиллаб турган совуқ сувдан яна бир стакан ичди. Яна бошқа папирос тутатиб, дераза олдига келиб тўхтади. Пастда, уйларнинг деворлари қуршаб олган, сариқ тусда хира ёнаётган чироқлар нурига чўмилган майдончада ушоққина қора одамлар, худди суюқ ёғ устида сузгандек юришарди.

«Наҳотки мен кўзга ташланмай яшашни истаётган бўлсам? Мен мустақил яшашни истайман. Бу... бандит фикрий мустақилликни ҳаёсизликда деб билибди».

Юнонлар ҳаёсиз Диогенни ит деб атаганлари қаёқдандир беихтиёр эсига тушди.

«Юнонлар ҳақ, бочка ичида яшаб, ўз эҳтиёжларини чеклаш инсон қадр-қимматидан тубандир. Ҳаёсизлик билан христиан зоҳидлигида умумий жиҳатлар бор...»

Самгин китобий хотиралар зуғумини жаҳл билан миясидан чиқариб юборди. Бердников ҳам кўп ўқиган. Аммо унинг ўқиганлари ҳаётда кўрган-кечирганлари билан, бевосита тажрибаси билан маҳкам қўшилиб кетган бўлиши керак.

«Бу ҳайвоннинг жуда ўзига хос ўйлаш ва гапира олиш қобилиятини инкор этиб бўлмайди. Унинг учун дунё, Лютов тушунганича, фақат «жумлалар силсиласи» эмас. У фикрлардан ўзини ҳимоя қилиш қуроли сифатида мендан кўра яхшироқ фойдаланади. У пасткашми? Ундаймасдир. У эҳтиросли одам, эҳтирослилар эса пасткаш бўлмайди, улар фожиавий бўлишади... Ўйлаш мумкинки, мен уни оқлаяпман. Лекин мен фақат холис фикр юритишни истайман. Мен рақобат билан яшаётган синфнинг одамига дуч келдим. У ўзини ҳарбий хизматчи деб, тўғри айтди. Унинг ҳаёти одамларга ҳужум қилишдан, ўзига бўлган ҳужумлардан ўзини ҳимоя қилишдан иборат. У мени ўзига иттифоқчи қилиб олмоқчи бўлган эди...»

«Балки мен, полвон одам билан яккама-якка олишувда энгилиш айб эмас, деган фикрга ўзимни инонтирмоқчидир»

ман. Лекин мен енгилдимми? Мен унинг қабих ҳаракатларининг сабабини тушунаман, аммо уни оқламайман, кечирмайман ҳам...»

Самгиннинг боши айланди, ечиниб, ўринга чўзилди ва ётганча воқеаларга тўла бўлган шу куни бошидан кечган кори бадлар ва ўйлаган фикрларининг барига якун ясамоқчи бўлди. Бу якуннинг унга тасалли берадиган бўлишини жуда-жуда истарди у.

«Ақллироқ бўла бошлайман...»

Чарчаган бўлишига қарамай, қочириқли жумлалар хаёлидан бирма-бир ўтаётганди:

«Ахир инсон — пасткаш ва риекордир, ўзига-ўзи ҳушига ёқар даҳанаки фокуслар кўрсатиб кун кўради, эҳ, бахти қаро инсон...»

Унинг қулоғи остида ҳиқиллаган кулги овози эшитилди.

У уйқудан кеч уйғонди, оғзида нордон занг таъмини сезар, боши оғир қуйқа билан тўла, хонанинг ҳавоси ҳам саҳар чоғидагидек хира сур ранг эди. У эринибгина дераза пардаларини очди, —шамол сув тўзонларини ойнага овозсиз сочарди, томларнинг устини кўкимтир булутлар қоплаганди. Кечагидек, ҳар вақтдагидек одамлар майдонда шовқин солишар, елиб-югуришарди. Ҳамма ёқни қамраб олаётган ана шу шовқинга ўзининг сезиларли садосини қўшиш жуда қийин эди. Бир-бирига ўхшаган файтонлар турли томонларга физиллар ва буларни одамларнинг майда қаддиқоматлари билан тўлиб кетган торгина, кичкина майдондан чиқиб кетмоқчи бўлиб тўрт тарафга югураётган ўша бир файтоннинг ўзи деб тасаввур этиш қийин эмасди.

Шаҳар бўғиқ ва асабий ҳолда ғувилларди, елкаларига ранги хиралашган мис карнайлар осиб олган кўкимтир кийимдаги музикачилар бир кўчадан майдонга чиқишди, икки отлиқ ҳам кириб келди, бири — семиз, иккинчиси —ўспирин боладек кичкинагина, у узун, бронза рангдаги, оёқлари ингичка от устида виқор билан ўтирарди. Қўрғошин рангли кийимдаги, зич терилган кичик-кичик солдатлар ғайри ихтиёрий қадам ташлаб, тўсатдан пайдо бўлиб қолишди.

Самгин лотинча айтилган: «Ўлимга бораётганлар сени табриклашмоқда», — деган жумлани хотирлаб, кўнгли ғаш ҳолда деразадан узоқлашди ва:

«Буни... кечаги воқеани Маринага гапириб берсаммикан?» деб мулоҳаза юритди.

Савол жавобсиз қолди. Самгин қўнғироқ чалиб, қаҳва ва рус газеталари келтиришни сўради, у ювина бошласа-да, манави сўзлар хаёлидан кетмаётганди.

«Morituri te salutant!»

Самгин ҳўл паҳмоқ сочиқ билан орқасини артар экан, ўйлади:

«Цезарлардан бири — Тиберийми, Клавдийми, Вителлийми — Бердниковга ўхшаган бўлса эҳтимол»,— у шундай деб ўйлади-ю, бегидир, лоқайд ўйлаётганидан таажжуб бўлди ўзи.

У қаҳва ичаётиб газеталарни ўқиди. «Русские ведомости» одоб билан жаврар, «Новое время» эҳтиёткорлик билан шодланар, «Русское слово»да машҳур фелъетончи, қари кўппак, тўхтаб-тўхтаб вовиллагани каби, мароқсиз аскиябозликни машқ қиларди, иккинчи саҳифада эса ҳарбий-дала судлари ҳукмлари билан дорга осилганларнинг сони санаб чиқилганди. Одамларни ҳар куни ва зўр бериб осишаётганди.

«Morituri...»

Газета ўқиш тезда унинг кўнглига урди, ўқиганларини яқунлаш лозим эди. Ҳуда-беҳуда нарсалар билан тўлиб оғирлашган хотираси ҳар вақтдаги каби афоризмлар, шеърларни эсига солаётганди. Жемчужников ёзган бир ярим сатр Самгинга жуда ўринли бўлиб кўринди:

...бизнинг замонлар,

Ким юртин севмаса, ўша чин одам...

Сўнгра Якубович-Мельшиннинг таънаси ёдига тушди:

Нечун сени севайлик?

Қандай онасан бизга?

Вақт чошгоҳдан оғиб қолган эди. Самгин Мережковскийнинг «Келажак сурбети» китобини олиб, диванга чўзилди, аммо тезда шу нарсага ишонч ҳосил қилдики, муаллиф унинг баъзи фикрларини бошқалардан олдин билиб олиб, уларни расволаштирибди, хунук бир шаклга солибди. Бу Самгинга алам қилди. У китобни стол устига отиб, хотинларнинг Булон ўрмонидаги намойишининг ёрқин манзарасини хаёлида жонлантирди.

Бердниковнинг: «Қандай хушманзара бир олам», деган гапи Самгиннинг эсига тушди.

Хизматкор хотин кириб: хонани йиғиштирсам, сизга халақит бермайманми, деб сўради. Йўқ, халақит бермас экан.

— Мерси, — деди хизматкор хотин. У бошига кулгили чепчик кийган нозиккина ва қадди-қомати сумбутдай аёл эди, чепчиги остида малла жингалак сочлари чиқиб турар, қирра бурунли юзида мовий кўзлари шўх ва мулойим кулиб турарди. У ўринни тузатаётганини кўриб, Самгиннинг шўхлик қилгиси келиб кетди.

— Инглиз қизларига ўхшар экансиз, — деди у.

— Йўғ-э! Мен Эльзасданман, мсье.

Хотин Самгинга шу қадар ишонч билан боқдики, гўё унинг шу топда нима ҳақида ўйлаётганини пайқаган эди. Бу ҳол Самгинни довдиратиб қўйди, шу сабабли у ўзини огоҳлантирди:

«У арзимаган пулга ҳам ҳар нарсага тайёр, албатта, лекин тумов юқтиришим мумкин».

Самгин ўрнидан туриб, коридорга чиқар экан, ўйлади:

«Бердниковнинг у ерда, ҳойнаҳой, кичкина ҳарамхонаси бўлса керак».

У қўлларини чўнтагига тиқиб, майин-гилам устида овоз чиқармай у ёқдан-бу ёққа юрар экан, эрталабки фикрларини кўз олдига келтириб, улардан мамнун бўлди. Фёдор Сологубнинг шеърлари осонгина ёдига тушди:

Сеҳрли дунёнинг худосиман мен,

Бутун дунё менинг орзумда фақат.

...Самгин хизматчига бир шиша вино буюриб, стол ёнида ўтирди-да, ёза бошлади. У Попов эшик дукиллатганини эшитмади, эшик очилганидан кейингина бошини кўтарди. Попов шляпасини стол устига улоқтириб, терлаган бетини рўмолча билан артар экан, кўзларини чақчайтириб, тишларини ятиллатиб стол томон келаверди.

У креслога ўтираётиб, эскидан таниш одамдай:— Бердников билан уришиб қолдиларингми?— деб сўради ва жавоб кутиб ўтирмасданоқ узр сўраётган одамдай гап бошлади:— Шундай бўлиб чиқдики, гўё мен сизга панд бергандай бўлдим. Лекин мен аҳмоқона бир вазиятга тушиб қолгандим: сизни бу бандит билан таништирмаслигимнинг иложи йўқ эди, устига-устак аввал сизникида бўлган ҳам экан бу касофат...

Самгин меҳмоннинг қўққисдан келиб қолгани ва исти-

ҳола қилмаётганини кўриб бирмунча гарангсиб қолган бўлса-да, қизқиқиб мулоҳаза юритди:

«Кечирим сўрашга юборилган. Кечирмайман»,— деган қарорга келди у.

Сўнгра, сўради:— Сизга, уникида бўлдим, дедими?

— Шундай деди! Хўш, алдаяптими?

— Йўқ.

— Алдамаяптими? Ҳмм...

Попов гўлдирай-гўлдирай ва бир нимадан хурсанд бўлиб, жилети чўнтагидан сигара олди, кўзларини бақрайтириб деди:

— Кеча ўзимни қандай тутганимни сиз пайқадингизми? Кўрдингизми? Очиқ гапиришим мумкинми?

— Акс ҳолда, гапирмаганингиз маъқул,— деди совуққонлик билан. Самгин.

Поповнинг таранггина юзи ўзгарди, қаттиқ соч толалари остидан силлиқ пешанасида иккита чуқур ажин тортилди, қошлари кўзлари устига сурилиб, уларни тўсиб қўйди; инженер сигаранинг учини тишлаб, полга тупурди ва бўғиқ овозини пасайтириб сўради:

— Кечирасиз, бир гап айтмоқчиман — у сизни пул билан қўлга олмоқчи бўлдимми?

— Фараз қилайлик, шундай деб. Хўш, унда нима?

Меҳмон ёниб турган гугурт чўпини ушлаган ҳолда унга қўл силтади-да, шоша-пиша, қизишиб бидирлади:

— Бизнинг аҳволимиз бир хил, мени ҳам пул билан қўлга олмоқчилар, тушундингизми? Шим кийган, юбка кийган Бердниковларнинг барини жин урсин, лекин бизга истар-истамас ўз билимларимизни сотишга тўғри келади.

— Аммо ор-номусимизни эмас, — эслатди Самгин. Попов қошларини чимириб, ҳайрат билан кўзини қисди.

— Ҳа... албатта!

Сўнгра, у сигара ёндириб, оғзидан тутун чиқариб, ўйчан ҳолда деди:

— Агар мумкин бўлса, билимни номусдан ажратмоқ лозим.

Самгин таассуф билан: «Аҳмоқона гап айтдим», — деб фикр юритди-да, бу одам билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишга қарор қилди.

— Сиз собит одамларданмисиз?— сўради Попов.

Хизматкор вино келтириб, Самгиннинг саволни жавобсиз қолдиришига ёрдам қилди, Поповнинг ўзи ҳам жавоб кутмаётган эди, у гапини давом эттирди:

— Айтгандай, бу таъбир, чамаси, ишлатилмайдиган бўлиб кетган шекилли. Менимча, Плеханов ҳақ: социал-демократлар либераллар билан бир вагонда бемалол кета оладилар. Европа капитализми анча соғлом, ҳали юз йилча омон-эсон яшайди. Бизнинг вояга етмаган рус капитализмимиз яшашни ҳам, ишлашни ҳам варяглардан ўрганиши лозим. Еримиз улкан ва мўл, аммо тиланчи мужиклар, ожиз истемолчилар билан булганиб кетган, агар биз ҳаётимизни янгидан қурмасак, Хитойнинг қора кунига қоламиз. Сизнинг Ленинингиз эса, ана шу қора кунни тезлаштириш учун пугачёвчиликни ташкил қилишни истайди.

Самгин вино ҳўплар экан, Бердниковнинг хулқи атвори учун инженер қачон узр сўраркин, деб кутарди. Албатта, у семизнинг топшириғи билан шу мақсадда келган эди. Попов дастлабки учрашувдагидек ҳаяжон билан гапира бошлади. У бир қўлида сигара, бир қўлида стакандаги винони ушлаганча Самгинга кек билан боқиб гапирди:

— Бу масала сиз юристларга биз инженерларчалик дахл этмайди. Қўпол қилиб айтганда, сиз мавжуд муносабатларни бузмаган ҳолда ғорат этаётганлар билан ғорат бўлаётганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилаётирсиз. Бизнинг ишимиз эса — қуриш, мамлакатни руда, ёқилғига сероб қилиш, техника билан уни қуроолантиришдан иборат. Мамлакатга қайси бир варяг фойдали эканини биз кўпасдан кўра яхшироқ биламиз, кўпас бўлса унинг арзонини қидиради. Бизга пул берсалар эди, варягларсиз ҳам кунимиз ўтарди.

У тўла бир стакан винони ичиб олиб, яна ҳам кўпроқ ҳаяжонланиб, гапини давом эттирди:

— Бизга европача типдаги саноатчи, ташкилотчи керакки, у бу ерда, Францияда ёхуд немисларда бўлганидек министр ўрнини эгаллай олсин. Ярим мужик-ишчининг ёхуд «мужикнинг зарар кўриши ҳеч нарса эмас». Уларнинг зарар кўриши тарихий зарурат, сен эса кечикма! Бизнинг саноатчимиз эса — саводсиз ҳайвон, йиртқич, майдақашдир. Крепостниклик ҳуқуқининг қафасидан яқинда чиққанга қарамай, ҳали ҳам қулдир...

— Сиз Зотовани кўпдан бери танийсизми? — Самгин тўсатдан шундай деб юборди.

Попов лабларини жуфтлаб, лунжларини шиширди ва хол-хол юзини рўмолча билан арта-арта, ғўлдиради:

— Унга уйланмоқчимисиз?

Самгинга меҳмоннинг кўзларида истеҳзоли табассум ўйнагандай бўлиб кўринди...

— ...Уни Бердников танийди. Бердников ҳаёсиз, алдамчи; одамларни кўргани кўзи йўқ, аммо ҳаммани ва ҳар қандай одамни беш бармоғидек билади. У сизнинг патронессангиз¹ ҳақида унчалик юксак фикрда эмас... лекин юксак фикрда деса ҳам бўлади. (Уни шубҳали аёл деб атайди.) Чамаси, унинг Зотова билан ўтишган ери бор, Зотова унга алам ўтказган бўлиши керак... Менинг назаримда, Зотова ёлғондакам бир аёл...

Хонанинг ичи ёруғлашди. Самгин қалин тутун пардани кўриб, ўрнидан турди-да, деразани очиб юборди.

Инженер унинг орқасида бармоқлари билан столни чертиб турарди, Самгин:

«Қайнатаси учун қачон узр сўрайди у?»— деб ўйларди.

Сўнгра, Марина ҳақида яна бирон гап эшитмоқчи бўлиб сўради:

— Сиз Кутузовни танийсизми?

— Танир эдим. Танийман. Студентлик чоғларимда унинг тўғарагига келиб турардим, сўнгра у мени ишчилар билан таништириб қўйган эди. Марксдан боплаб дарс берарди, аммо ўзи хаёлпараст эди. Лекин бу нарса одамлар билан оддий муомала қилишига халақит бермасди. Хуллас, ётиб олиб олишадиган одам у. — Попов шоша-пиша ва ҳар қалай ҳорғин ҳолда Кутузовнинг таъриф-тавсифини қилиб, худди биров гарданига бир нарса билан туширгандай, креслодан ирғиб туриб сўради:

— Тўхтанг, шартнома билан таништириб қўйишингиз учун Бердников сизга қанча пул таклиф этди?

Самгин ўзига ҳам аниқ бўлмаган бир нарса устида ўйлаб, кулимсираб жавоб берди:

— Беш минг шекилли, тўнғиз.

Попов кўзларини полга тикиб, бармоқларини шақиллатди.

— Ҳа... шайтоннинг пири! Турган гап, ортиқ ҳам берарди.

Попов шундай деди-да, креслонинг суянчиғига суяниб олди, юзини ажинлар босиб, қушларникидек юмалоқ кўзлари чақчайиб, мақтангандай бўлиб деди:

¹ Патронесса — буржуа жамиятида бирон-бир хайрия муассасининг ҳомийси бўлган аёл. (Тарж.)

— Зотова унга қаттиқ панд берди! Лекин у бу йўлда ҳар қанча пул сарфлай олади. У гардкамчи одам!

Поповнинг қарашлари ҳам, гапининг оҳанги ҳам маънодор, таъсирли эди. Самгин ўзида қўрқувга яқин бир ҳис туйди.

— Мен бу масалада гаплашишни истамайман,— деди у ва бу гапни лозимича кескин қилиб айтмаганини тунди.

Инженер креслодан бир амаллаб туриб, атрофга аланглади, шляпасини олди ва Самгинга кўндаланг турганча нафасини ростлаб сўради:

— Гаплашишни истамайсизми? Қатъийми?

Самгин кўзойнагини қаншаридан олиб ва ҳатто ер тепиниб:— Йўқолинг бу ердан!— деб бақирди, Попов эса унга орқа ўгириб, эшик томон юрар экан, бир нима деб гўлдиради, ҳар ҳолда хафа қиладиган бир гап айтган бўлиши керак.

Самгиннинг тиззалари қалтираб, диванга ўтирар экан, кўзларини пирпиратиб кўзойнагининг пружинасини кўздан кечирарди.

— Аблаҳлар. Фирибгарлар.

Самгинга ўзининг ҳимоячиси йўқлиги, ожизлиги ҳеч қачон бу қадар алам қилмаган эди. Жони ҳиқилдоғига келиб, нафаси бўғилди, қирқларга бориб қолган кап-катта киши йиғисини зўрға қайтарди. У устма-уст папирос чекиб, бошидан кечган алкаш-чулкаш нарсалар устида хаёл суриб узоқ ётди, унинг қаршисида шундай бир савол жуда кескин бўлиб турган чоғда, қош қорайиб чироқлар парпираётган эди; ҳар қандай ғоялар ва «мўътабар сўзлар»нинг баҳридан кечиб, уларнинг барини ақлни заҳарлайдиган аччиқ бир чангга айлантирадиган қабиҳлик, ҳаёсизликнинг узлуксиз қайнаб чиқадиган айёрона сафсаталарнинг тинимсиз оқимидан қандай қилиб қутулиш мумкин?

Бу ҳақда узоқ ўйлаб ўтиришга тўғри келмади. У жуда осонликча шундай бир оддий фикрга келди — олди-сотди оламида фақат пулгина, мўмай-мўмай пулгина эркинликни таъминлай олади, бир-бири ҳисобига жон-жаҳди билан мустақилликка интиладиган инсонлар подасидан ўзини четга олишга пулгина имкон беради.

«Модомики ҳужум қилиш учун пул мавжуд экан — ўзини ҳимоя қилиш учун ҳам пул бўлиши керак. Германия ишчилари ўз партиялари сиймосида — йирик мулкдорлардир».

Клим ўзини кичкина оромбахш ўлкада, балки Жанубий Американинг бир республикасида ёки доктор Руссель каби Гаити оролларида яшайдиган бадавлат киши сифатида тасаввур этди. У бегона юртнинг ерлик аҳолиси билан тиллаша олиш учун зарур бўлган миқдорда чет эл сўзларини билади. Россияда расм бўлганидек, ҳамма нарса тўғрисида баҳслашиш ва кўп гап сотишга зарурат йўқ. Унинг бой кутубхонаси бор, энг қизиқарли русча китобларни олиб туради, ўзи ҳам китоб ёзади.

«Мен Питер Шлемиль эмасман ва ўзимнинг соямни йўқотиб, изтироб чекмайман. Аслини олганда, мен уни йўқотганим йўқ, балки уни эргаштириб юриш азобидан қутулиш учун ўз ихтиёрим билан ундан воз кечдим. Мен умримнинг ярмини яшаб бўлдим ҳисоб, энди осуда яшашга ҳаққим бор. Мудом тажриба орттираверишнинг нима маъноси бор? Тажрибам етарли. Ҳаётнинг маъноси нима?.. Менинг ёшимда «болаларга хос саволлар» беравериш кулгилидир».

Шундай бўлса-да, амалий бир савол қўйишга тўғри келди:

«Буларнинг баридан, мен Бердниковга ён беришим мумкин, деган маъно чиқадими?»

Самгин қатъият билан жавоб берди:

«Йўқ, ён беролмайман».

Буни у шундай бир қатъият билан дедики, гўё шартномадан унинг хабари бору истаса, ундан нусха кўчира олар эди.

Ҳаво айниган кунлар эди, Самгин бир неча кунни шундай кайфиятда ўтказди, музейларга, Монпарнаснинг олаговур майхоналарига бориб турди, бир куни кечқурун кичкина бир ресторанда ўтирар экан, орқада бировнинг русча гапираётганини эшитиб қолди:

— Лев Толстойнинг хотини ҳам Ясная Полянани қўриқлаш учун ингушларни ёллаган дейишади.

Самгин «Макаровнинг овози-ку» — деган фикрга келди.

— Демак, помешчиклар энди казакларга инонмай, мустамлака қўшинларини чақиришяпти экан-да? Ажабо. Балки кавказликлар арзонга тушадигандир? — Бу Кутузовнинг овози эди. Таниб қолишмасин деб, Самгин бошини тарелка устига яна ҳам пастроқ эгди, бироқ унинг ҳамшаҳарлари пулни тўлаб, эшик томон йўл олишди. Самгин уларга зимдан боқиб, Макаровнинг келишган қадди-қоматига ва жингалак сочли бошига, Кутузовнинг яхшилаб тарашлан-

гай энсасига кўзи тушди, Кутузовнинг юк ташувчиларни эслатадиган елкалари кимнингдир: «Қадди-қомати келишган бўлгани билан ёқимсиз» деган қочиримини эслатди.

Уйга келса, Антверпендан телеграмма келибди. «Парижга қайтмайман Петербургга жўнайман Зотова» Самгин қоғозни парча-парча қилиб бурдалаб кулдонга ташлади-да, гугурт ёқди ва қалам билан уни титкилаб, ёниб кул бўлишини кутиб турди. Шундан кейин унинг юраги сиқила бошлади, гўё уни бу улкан шаҳарда яшашга ундаган мақсад қолмагандай эди. Аслида, бадавлат ажнабийлар талтайтириб юборган ёқимсиз бу шаҳар ўзини бозорга солар ва ўзининг бутун аҳлини ҳам шунга мажбур қиларди.

«Булон ўрмонидаги фоҳишалар намойиши ҳам «Фоли-Бержер» каби разолатдир. Коше менга шундай боқадики, гўё мени шалоқ файтонда сайр эттириш билан катта марҳамат айлайдигандек. Гарсонлар ваҳший одамга қарагандек, менга димоғ-фироғ билан хизмат қилишади, қизлар ҳам шунақа такаббур бўлишса керак».

Шунга қарамай, Самгин пули етгунча бу ерда яшаб, «Мулен Руж»га, «Ша Нуар»га, Версалга бориб келишга аҳд қилди. Сена соҳилидаги бир саҳҳофдан Флобернинг дўсти Максим дю Каннинг «Париж» деб аталган эски қалин китобини сотиб олди, у эрталаблари бу китобни мутолаа қилиб, сўнгра «кўҳна Париж»ни томоша қилгани йўл оларди. Самгин баъзан бу шаҳарни ёмонласа-да, Парижнинг тарихий кўчаларида кезишни ёқтирар ва шаҳар унга ниманидир ўргатаётганини ҳис қиларди. Хаводан ҳам шаффоф витрина ойналари орқасидаги талай-талай олтин буюмлар, қимматбаҳо тошлар, мўйналар, сон-саноқсиз миқдордаги кузги газламалар, хотин-қизларнинг ҳавасини келтирадиган нафис, енгил ички кийимлар кўзни қамаштирарди, парижликлар бир-бирларини чақиритиб, қий-чув солишар, кулишар, ресторанларнинг эшикларидан музыка садолари эшитилиб турар ва буларнинг бари бир-галикда садолар гирдибоди ясаб, хилма-хил оҳанглар таратар, шеърлар, афоризмлар, латифаларни эсга соларди. «Ишратбоп қизлар» одамни безовта қиларди. Москва, Петербург кўчаларида улар илтимос қилишади, бу ердагилар эса бошқаларнинг уларга илтифот қилишига гўё ишонгандек, тезда бир қарорга келишни талаб қилардилар.

Улар одамнинг юзига дадил боқиб:— Қани кетдик, қария,— дейишар ва жавоб кутиб ўтирмай, ўтиб кетаверардилар.

«Полициядан чўчишади, — деб ўйлади Самгин. — Лекин ҳар қалай ҳаддан ташқари шаддодлар. Нима бўлганда ҳам чавандоз хотинлар. Ҳа, бу ерда хотинларнинг ҳақ-ҳуқуқи ўзган, бу шундоққина билиниб туради. Буни адабиёт ҳам тасдиқлайди».

Самгин файласуф Н. Фёдоровнинг 89-йилги Париж кўрғазмаси тўғрисидаги аллазамон ўқиган мақоласини хотирлаб:

«Саноат ҳам тасдиқлайди» деб илова қилди.

Самгин хотинсираётганини тобора аниқ сезаётган эди, бу эса бир можарога сабаб бўлди, буни у кулгили саргузашт деб атаган эди. Бир куни кечқурун алламаҳалда у баланд-баланд уйлар зич жойлашган тор, қингир-қийшиқ кўчага кириб қолди. Деразалар қатори бир текис бўлмай, паст-баланд, бир уй сиқилиб ерга ботиб кетаётгандай, унинг ёнидаги уй эса юқорига туртиб чиққандай кўринарди. Қўланса ҳид тутган нимқоронғиликда йўлкаларда, эшиклар олдида жуда оддийгина кийинган, фуқароҳол одамлар ўтиришар ёки тик туришарди, шивир-шивир гаплар, пиқ-пиқ кулги, оҳ-воҳ билан дам-бадам эсноқ овозлари қоришиб кетганди. Ҳамманинг чарчагани сезиларди.

Самгин (сездики) одамлар уни кўрган заҳоти ё ҳушёр тортиб, жим бўлиб қолишяпти, ёки алжираб, бемаза гап отишяпти. Юзини тикандек қаттиқ оппоқ жун босган семиз, каллахум бир киши шимининг тасмаларини тортиб, қўйиб юборган эди, у шундай шақиллаб кетдики, Самгин чўчиб тушди, семиз одам эса, уни хотиржам қилмоқчи бўлиб:

— Қўрқманг, қўрқманг, мсье, бу тўппонча эмас!— деди.

Самгин: «Шу маҳалланинг қизиқчиси бўлса керак» — деди-да, қадамини тезлатиб, Сена соҳилига чиқиб олди. Сена узра шаҳарнинг шовқин-сурони яна ҳам кучайганди, дарё шу қадар секин оқардики, гўё у қалашиб кетган тош уйлар орасини ўзи ёриб очган қора ўзандан бу шовқин-суронни оқизиб кетишга қийналаётгандек эди. Деразалардан тушган хира ёғдуларнинг акси худди сувнинг қора бетида эриб кетадигандек жимирлаб турарди. Соҳилга ёпишиб турган қора биржада бир киши узун ёғоч билан сувни шاپиллатаётганди, дарё томондан келаётган бир киши бўғиқ овоз билан унга дерди:

— Сал ўннга, Андре. Унгроққа. Яна-яна. Бас. Фойдаси йўқ.

Бояги одам ёғочни биржага отиб, жаҳл билан шанғилаб деди:

— Оббо! Бу ҳўкиз бизни жаримага гирифтор қилади.

Бир уйнинг эшигидан оқ либосда, шляпасиз бир жувон югуриб чиқди, Самгинга туртиниб кетишига сал қолди, у Самгинга бошдан-оёқ кўз югуртириб, шошилмай олдинга ўтиб кетди. Бу ўрта бўйли, жуда келишган, шўхгина жувон эди.

Самгин: «Оёғим остидан чиқиб қолди», — деган фикр билан унинг изига тушди. Жувон кичкина бир ресторанчага етиб олди, рестораннинг рўпарасида газ фонарь ёниб турарди, эшикнинг ҳар икки томонига столчалар қўйилганди, бир стол атрофида аллақасери кулгили кўринган жиккаккина бир солдат билан бурни йиртқич қушнинг тумшугига ўхшаш тепакал одам карта ўйнаётганди, учинчи стулда семиз бир хотин ўтирарди, унинг ялпоқ юзидаги кўз-ойнаги, қўлларидаги спицалар ва бошидаги кумушсимон сочлари ялтирарди.

— Бугун кеч келдинг, Лиз! — деди хотин. Оқ либосдаги жувон бўш стол ёнига келиб ўтирар экан, жаранглаган овоз билан жавоб берди:

— Хўжайинлар вақтни ўз соатларига қараб ҳисоблашади.

— Соатлари эса ҳамиша орқада қолади! — ёқимли овоз билан илова қилди солдат.

Самгин, бир стакан вино буюриб, Лизнинг рўпарасига ўтирди, семиз хотин эса ресторанга йўл олар экан, картабозлардан бирига:

— Ўлгудай таваккалчисан! Ҳисоблаб чиқдим: ҳозирнинг ўзидаёқ бир франкка яқин ютқиздинг, — деб таъна қилди.

Лиз — хушрўйгина жувон эди. Ингичка, қайрилма, қора қошлари, шўх, сузук қўй кўзлари, бир қадар юқорига тортилган жажжигина бурни ва жуда бежирим оғзи унинг ҳуснига ҳусн қўшарди. Кўкраклари чиройли ва маромида дуркунгина эди.

Самгин: «украин аёлга ўхшайди», — деб фикр юритиб, унга нима деб мурожаат қилишни ўйлаб турган эди, Лизнинг ўзи гап очиб қолди:

— Мсье, ажнабиймисиз? О-о, русман денг? Инқилоб-бинглар нима бўлди? Деҳқонлар ишчиларга эргашишмадими?

Самгин кулимсираб:— Саволларни ёғдириб юбордингиз-ку, — деган эди, Лиз яна иккита савол берди:

— Инқилобчимисиз? Муҳожирмисиз?

— Нега шундай деб ўйлаясиз?

— Негаки буржуа ажнабийлар бизнинг маҳалламизга қадам ранжида қилишмайди, — илтифотсизлик билан жавоб берди Лиз. Солдат билан тепакал киши картани йиғиштириб, индамай қолишди. Самгин уларга боқмасданоқ сездики, улар у нима дер экан, деб кутишяпти. Сўнгра кўпинча бўлганидек, у:

— Ҳа, Москва кўзғолонида қатнашганман, — деди.

Самгин ҳатто муҳожирман, деб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Улар осонгина танишиб, гаплари тез қовуша қолди, бу ҳол Самгиннинг баъзи ниятларига қанот бағишлаб, уни шошилишга ундади. Семиз хотин Самгиннинг олдига бир графин вино, Лизнинг олдига бир тарелкада ола-була рангдор карам билан озроқ нон қўйиб кетди.

— Менинг столимга ўтинг, — деб таклиф қилди Лиз, Самгин унинг столига ўтиб ўтиргач эса, жувон:

— Хўш, юртингизда энди нималар қилишяпти? — деб сўради.

Самгин Москва ва Петербург газеталаридан эрталаб ўқиганларини гапира бошлаган эди, Лиз талабчанлик билан:

— Булар — «Юманите» у ёқда турсин, бизнинг буржуа газеталаримиз ёзаётгани олдида ҳеч гап эмас. Бегона одамлар олдида сиқилмаяпсизми? — деди.

Лиз тепакал одамга ишора қилиб, тез-тез ва аниқ қилиб деди:

— Бу киши менинг амаким бўладилар. Балки номларини эшитгандирсиз? Камрад¹ Жорес куни кеча шу киши ҳақида ёзган эди. — У солдатга ишора қилиб:— Бу менинг иним, — деди. — У — солдат эмас, устидаги эстрада костюмидир, холос. У — шансонье², қўшиқ ёзади ҳам ўзи ижро этади, мен унга куй басталашаман ҳам созда жўр бўламан.

Эркаклар Самгиннинг қўлини жуда маҳкам қисишди, лекин Лиз унинг панжаларини яна ҳам қаттиқ сиқиб ва қўйиб юбормай деди:

¹ Камрад — ўртоқ, бирга ишлашган киши, дўст (ажнабийларга нисбатан).

² Шансонье — шўх, ҳассиз қўшиқлар ижрочиси. (Тарж.)

— Ун минутдан кейин биз ишимизни бошлашимиз керак. Ишимиз бу ерга яқин — икки минутлик йўл. Ярим соатда тугайди...

— Йўқ, бир соатда, — деди солдат.

— Гапирма! Ишни тугатибоқ шу ерга қайтамиз, шунда бизга гапириб берасиз...

Тепакал киши гапга аралашди. У хириллаган, бўғиқ овоз билан гапирарди:

— Қайтмоқнинг ҳожати йўқ. Ундан кўра мен у ерда эстрадага чиқиб, Россиядаги кундалик воқеалар ҳақида камраднинг ахборотини эшитишни таклиф қилганим маъқул.

«Роса майна бўладиган бўлдим-ку» — деб мулоҳаза юритди Самгин. Сўнгра, Лизнинг мулойим кўзларига, дуркунгина кўкракларига маъюс боқиб, афсуски, бир соатдан кейин мен Швейцарияга жўнайман, деди. Лиз унинг қўлини қўйиб юбориб, бу гапдан хафа бўлганини яширмаган ҳолда деди:

— Бу гапни, мен у ерда сизнинг одамларингиз кўп, деб тушунаман. Ҳар ҳолда қизиқ Парижда рус муҳожирлари озмунча эмас, лекин улар... у қадар одамга эл бўлишмайди. Сизни француз ишчиси қизиқтирмайди шекилли...

Самгин ўша заҳоти француз ишчиси учун ичишни таклиф қилди, ҳаммалари ичишди, Самгин хайр-маъзур қилиб, уни ушлаб қолишларидан чўчигандай жуда тез чиқиб кетди. У ўзининг устидан кулишни ёқтирмасди, аҳён-аҳёнда ўзидан куларди, лекин энди қоронғи, сокин кўчадан бораркан, у кулимсираб қўйди.

«Бу ёр-дўстларга гапириб бўлмайдиган воқеа. Яхшиямки, менинг дўстларим йўқ».

У муваффақият топмагани, уқувсизлиги сабабли ўзида туғилган ёқимсиз ҳиссиётни, ланжликни даф этмоқчи бўлиб, яна кўп нарсалар тўғрисида мулоҳаза юритди ва ичган виноларидан кўра ўзининг хотиндан кўпроқ сархуш бўлганлигини сизди. Меҳмонхонасининг коридоридан ўтиб борар экан, у навбатчи хизматкор хотиннинг хонасига бош суқиб қаради, хона бўш эди, демак, қиз ҳали ётмаган экан. У қўнғироқ чалди, хизматкор қиз кирганида, унинг елкасига қўлини ташлаб, кулимсираб туриб сўради:

— Менга бир илтифот кўрсатасиз-да, хўпми?

Қиз саволга дарҳол тушуна олмай, ўткир кўзларини пирпиратди, унинг муддаосини англагач эса, Самгиннинг

пинжигга суқилди, қизнинг жавобини у бундай таржима қилди:

«О, мсье, қўлидан келадиган одам учун бу ҳамиша ёқимли нарса!»

Қизнинг устма-уст ўпишлари ҳам ҳароратли эди, бу бўсалар Самгиннинг лабларини ловиллатиб, унинг ҳирсини қўзғаб юборди. Ўпичлар орасида қиз шивирлаб сўради:

— Бир оз кечроқ, мсье, навбатчилигим тугаганда, хўпми? Йигирма беш франк, мсье.

Қиз унинг қўлидан суғурилиб чиқиб, ғойиб бўлди.

Самгин: «Дангал, оддий, ҳеч қандай ёлғони йўқ»,— деб фикран қизнинг хулқини маъқуллади. У қизни озгина, лекин ниҳоятда сабрсизлик билан кутди. Қиз келиши билан ечинаётиб, шивирлаб деди:

— Мен шунга жуда хурсандманки, эркакларнинг хилма-хил дидига ёқадиган гўзал хонимлар бирам кўп Париждек шаҳри азимда, мсье ўзларига мендан кўра муносиб ҳамдам топмадилар. Агар кўнглингизни хушлай олсам, жуда хурсанд бўлардим!

Бу чаққон, бақувват қиз ўз санъатига маҳлиё бўлган, уни фақат тирикчилик воситаси деб эмас, балки умуман унинг қадрига етадиган фокусчига хос бир тарзда сира бўш келмай ва жуда жон-жаҳди билан буни исботлади.

Самгин Парижда яна ўн кунча яшади, у нима қиларини билмаган одамларнинг аҳволи, кайфиятида эди. Мана у Россияга, мешчан-кўпаслар яшайдиган сокингина бир шаҳарга боради, у ерда инқилоб бир силкитиб олган одамлар ўз одатлари, фикр ва муносабатларини унга таниш бўлган зерикарли, лозимича тартибга солаётган бўладилар— Марина Зотова эса ўзининг шубҳали, сирли ишларини унинг қаршисида яна авж олдираверади.

«Мен унинг сирли ишларини устимга ёйиб қўйиб, сўнгра улардан завқланишига имкон берадиган ягона одам бўлсам керак. У ҳаёт каби жозибали ва сирли одам».

Самгин, пулим бўлсайди, бу ерда, турмуш тамомила йўлга қўйилган бир мамлакатда, дунёда энг гўзал ҳисобланган ва одамнинг суқини келтирадиган нарсаларга беҳад бой бир шаҳарда қолганим яхши эди, деб ўйлади...

У ўзининг Парижга нисбатан яқингинада бўлган муносабатини хотирлади: «Ваҳший ва ярим ваҳший одамлар учун ҳамда уларнинг пули ҳисобига яшайдиган ва безанадиган шаҳар».

«Йўқ, бу ердаги одамлар содда, ҳаётнинг оддий ва реал маъносига яқинлар. Бу ерда Лютовлар, Кутузовлар йўқ, Бердников, Поповларга ўхшаб фалсафа сотадиган қароқчилар йўқ. Бу ердаги социалистлар ҳам соғлом фикрли одамлар бўлиб, уларнинг вазифаси тамомила ҳаётий; бу ҳам бўлса ишчиларнинг меҳнат шароити ёмонлашувига йўл қўймасликдир». Шу қабилдаги фикрлар осонликча, гўё ўз-ўзидан ёғилиб келаётгандек эди. Хотираси яна ўнларча афоризмларни пичирлаб, унинг эсига солаётганди: «Чин эркинлик — таассуротларини танлаб олиш эркинлигидир». «Ҳамма нарса узлуксиз ўзгариб турадиган бу дунёда ҳар нарсадан хулоса чиқаришга интилавериш — аҳмоқликдир». «Кўплар ҳақиқатни билишга интилади, аммо борлиқни нотўғри талқин қилмай, ким бунга эришибди?»

Самгиннинг миясида қимир этмайдиган бир нуқта, кичкинагина бир кўзгу пайдо бўлдики, бу кўзгу у истаган вақтда унинг нима ҳақда ўйлаётганини, қандай ўйлаётганини ва фикрлари қай жиҳатдан бир-бирига зид келаётганини унга кўрсатиб турарди. Идрокининг бу хусусияти баъзан уни толиқтирса-да, унинг яшашига халақит берса-да, бу цензорнинг ишидан у тобора тез-тез мароқланар ва бу ишни ўз руҳиясининг энг оригинал хусусияти деб ҳисоблашга одатланарди.

Самгин Париж сафарининг охири кунлари эрталабдан пиёда ёки файтонда шаҳарни ва унинг атроф-теварагини кеза-кеза кечаси меҳмонхонага қайтиб дам олар экан, соат ўнлардан кейин Бланш кириб келди, у иш орасида, дам олиш вақтларида Самгиндан: унинг кимлигини, уйланганми ёки бўйдоқми, Россия қанақа мамлакат эканини сўраб-суриштирар, у ерда нима учун инқилоб бўлаётгани, инқилобчилар нимани иташини сўрарди. Самгин ўзи ҳақида оғзига келганини гапирди, у инқилоб тўғрисидаги саволга эса, бу ҳақда хотинлар билан ўринда ётиб гаплашилмайди, деб жиддий йўсинда жавоб берди ва бу жавоби Бланшнинг назарида уни яна ҳам улуғлаштиргандай бўлиб кўринди унга. Бу қизнинг содда дил, ҳаёсизлиги ва касал кўргани келган нотаниш врачга ўхшаб ҳар гал ундан пул олиши Самгинда унга нисбатан нафрат уйғотди. Лекин бир сафар қиз ҳолдан тойиб, тутам-тутам тўзғинган сочли бошини Самгиннинг қўлтиғига суққанча ухлаб қолганида, унинг қизга раҳми келиб кетди. Унинг ҳам ухлагиси келаётганди, аммо жой тор бўлгани учун ёнма-ён ётиб бўлмасди. Самгин тирсакларига тиралганча қаддини кўтариб, қиз-

нинг юзига боқди, у оғзини салгина очганча, кўз атрофлари қорайиб, оғир-оғир, нотекис нафас олиб ётар, қизнинг кундузи сал-пал қизил суртиб ёқимли кўринган, ammo энди таниб бўлмас даражада ранги кетиб қолган кичкинагина юзида аллақандай жуда ғамгин ифода бор эди. Самгин папирос тутатиб ўйлади:

«Аслида чакки қиз эмас. Балки пул йиғиб, ўзига эр топиб олар, бир кун бориб кўзойнакли хотин каби кичик бир ресторан очар».

Сўнгра, у Мопассаннинг «Қалбимиз» асаридаги зебо қаҳрамоннинг ҳам маъшуқаси хизматкор қиз бўлганини хотирлади. У Бланшни уйғотди, бу ҳол қизни узр сўрашга мажбур қилди. Самгин жўнаб кетаётиб, қизга юз эллик франклик билагузук совға қилди ва устига эллик франк берди. Бу қизни жуда мутаассир этди, унинг ёноқлари ловиллаб кетди, кўзлари севинч билан порлади ва кула-кула, хушбахтлик билан секингина деди:

— О, нақадар олижанобсиз! Мен сиздек русни бир умр эсдан чиқармайман, қайсики...

Сўнгра у сўз тополмай такрорлади:

— Шунчалик олижаноб.

Самгин илтифот билан қизнинг елкасига қоқиб қўйди.

Шу воқеанинг тўртинчи кунини эрталаб Самгин вокзалдан уйига томон борарди. Шаҳар узра парча-парча майда булутлар орасида оч мовий осмон чарақлаб турар, музлаган ер устида қуёшнинг совуқ нурлари сузиб юрар, шамол дарахтлар устидаги битта-яримта қолган барглари узиб-юлиб, у ёқдан-бу ёққа кезарди, — буларнинг бари Самгинга кўпдан таниш эди. Давлат палатасига, округ судига, земство идорасига ва бошқа муассасаларга шошилаётган, гугурт чўпларидек бир-бирларига ўхшаш, кузги иссиқ кийимларини кийиб олган рус кишилари, кул ранг кийимдаги гимназистлар, яшил кийим кийган реалистлар, жигар ранг кийимдаги гимназист қизлар, шаҳар мактабларининг шўх, шаддод ўқувчилари ҳам яхши таниш эди унга. Буларнинг бари таниш, ammo ҳамма нарса кичрайиб, кўримсиз бўлиб қолган, шаҳар биноларини шамол ўз жойидан суриб юборгандай улар бир-биридан узоқлашиб қолган, шаффоф куз ҳавоси тахта уйларнинг эскириб пугурдан кетганини ва тош уйларнинг аянч, хунуклигини аёвсиз ошкор қилиб қўйганди.

«Имкон бўлиши биланоқ Москва ёки Петербургга жўнайман,— деб ўйлади ғамгин ҳолда Самгин.— Марина-

ми? Бугун ё эрта уни кўраман, яна такаббуруна насиҳатлар қила бошлайди. Етар энди! Безбедов қаерда экан энди?»

Квартиранинг тўртала деразасининг ҳам эшиклари берк эди, бу ҳол унинг нохуш кайфиятини яна ҳам бузди. Эшикни Фелицата исмли ориқ, ғалча кампир очди, у яна ҳам букчайиб, кичкина бўлиб қолгандай кўринди, ҳамиша индамас бу кампир ҳозир ҳам Самгинга индамай таъзим қилди, лекин унинг хира, нурсиз кўзлари унга нотаниш одамни кўргандек боқарди, латтадек шалвираган лаблари қимирлади ва у худди шу топда:

— Сизга ким керак?— деб сўрайдигандек қўлларини икки ёнга керди.

Самгин Безбедовни йўқлаб келганини айтганида эса, у унсиз бир тарзда деди:

— Уни қамоққа олишди.

— Э, шунақами? Нима сабабдан?

— Марина Петровнани ўлдиргани учун.

Самгин фақат бир қўлни пальтосининг энгидан чиқара олди, иккинчи қўли худди чиққандек мажолсиз пастга осилиб, пальтоси ерга сирғалиб тушди. Нимқоронғи даҳлиз яна ҳам қоронғилашиб, димиқиб кетди, Самгин деворга суянганча гўлдиради:

— Тўхтаг... Нима бўлди ўзи? Қачон?

— Марина Петровна келган куннинг эртасига. Тўппончадан отиб ўлдирди.

Кампир ичкарига кириб кетди, ичкарида дераза эшикларининг темир зулфлари шақиллади, хона ичига биринкетин икки қатор ингичка шуъла тушди.

— Чой келтирайми?— деди Фелицата.

Самгин бош ирғаб, бутун жиҳозлари бир бурчакка суриб қўйилган хонанинг ичкарисига эҳтиёткорлик билан кирди, хонанинг бўм-бўшлиги одамда жирканч бир кайфият уйғотарди. У чанг босган диванга ўтириб, юзини силади, унинг қўллари титради, кўз олдида ўз гўзаллиги билан керилган аёлнинг бадани қип-яланғоч ҳолда ҳавода муаллақ тургандек эди. Бу хотиннинг ўлганлигини тасаввур этиш қийин эди.

«Ўлдирилибди. Келиб-келиб калтафаҳм бир таъвия ўлдирибди-я...»

Лунжлари ва бағбақасини жўжаники сингари сариқ тук қоплаган, мовий кўзлари шишасимон, лаблари қалин, офзи ўрадек беўхшов, бесўнақай ва хомсемиз бир одамнинг

ёвуқ турқи Маринанинг сиймосини хаёлдан кўтарди. Лекин Самгиннинг ақли тез ишлаб, уни ҳушёр торттираётган, одатдагидек уни хавф-хатардан ва ўринсиз ҳаяжонлардан ҳимоя қилишга тиришаётганди.

«Терговда ва ҳатто судда гувоҳ сифатида қатнашишга тўғри келади».

Самгиннинг бирдан ғазаби қайнади, таниш бир савол қайта-қайта қаршисида кўндаланг бўлиб турди:

«Ахир бу хунук воқеаларда мен нима учун иштирок этишим керак, нима учун?»

Эшик олдида Фелицата пайдо бўлди, у қўлларини кўксига шундай қўйиб турардики, гўё у ўлгану тобутга солиб қўйилгандек эди.

— Сиз келганингизда полиция идорасига хабар бергин дейишган эди, хабар берайинми?

— Албатта.

— Самоварни Саша олиб келади.

Қўшни хонада оғир қадам товушлари эшитилди, мис патнис жаранглади, идиш-товоқлар тарақ-туруқ қилди. Самгин ўша ёққа ўтди, у ерда кўзлари мовий, қалин ўрама оч сариқ сочлари тақимигача тушган, ёноқлари қирмизи, лўппигина бир қиз хушнуд табассум билан унга таъзим қилди. Самгин қизга, самоварга мен қараб тураман, сиз бориб, менга ўн беш кун орасида чиққан маҳаллий газеталарни олиб келинг, деди. Сўнгра у вагонда юз-қўлини ювмагани эсига тушиб ҳожатхонага бориб келди, узоқ ювинди, бу орада самовар хаёлидан кўтарилибди, уни емакхонага олиб кирганида, у шақиллаб қайнаётган, тошган сувлари қуриб, тарам-тарам из ҳосил қилганди. Самгин сабрсизлик билан газета пойлаб стол ёнида бир соатча ўтирди, самовар эса ҳамон қайнар, шақиллаб ва вишиллаб уни асабийлантирар, хонани буғга тўлдираётганди.

«Ўтхона қопқоғини қайси гўрга қўйишибди экан?»— деб хуноб бўлди Самгин ва самовар қайнайвериб, эриб кетади, деб қўрқиб, қопқоғини очиб, қанча сув қолганини билмоқчи бўлди. Бироқ қопқоқнинг бир тутқичи йўқ, иккинчиси лиқиллаб омонатгина бўлиб қолган экан, у бармоқларини куйдириб олди, хизматкор эгасининг нарсаларига инсофсизларча бепарво эканини ўйлаб кетди. Ниҳоят, чўғни ўчириш учун ўтхонага сув сепиш кераклиги эсига келиб қолди. Бу даҳмаза уни ўйлашга қўймасди, иссиққина нон ва арғувон асалининг тотли ҳиди унинг иш-

таҳасини очиб юборди ва у энди фақат биргина нарса устида ўйлаётганди:

«Ҳа, жўнаб қолиш керак».

Газеталарда фақат икки хабар босилганди, бу ҳол Самгинни таажжублантирди; уларнинг бирида бундай дейилганди:

«Машҳур ва муҳтарама М. П. Зотованинг ўлдирилгани кеча бутун шаҳарни ларзага келтирди. Жиноят мана бундай шароитда очилди: М. П. Зотова ўзининг черков анжомлари билан савдо қиладиган дўконини якшанба кунлари одатда кундузи соат иккида ёпгучи эди, бироқ кеча дўконнинг ичида на харидорлар, на унинг соҳибаси кўринмаганига қарамай, унинг одатдаги вақтда ёпилмаганидан Катта савдо растасининг сотувчилари ниҳоятда таажжубланишди. Нима бўлганини билишга биринчи журъат этган киши саррофлик дўконининг эгаси К. Ф. Храпов бўлди. У дўконнинг ичкарасига кириб, эгасини чақирган, жавоб бўлмагач, дўконнинг орқасидаги хонага ўтган, шунда бу ерда М. П. Зотованинг чўзилиб ётганини кўрган».

«Аҳмоқлар, саводлигина ёзишни ҳам билишмайди»,— деди Самгин.

«У Зотовани ҳушидан кетибди, деб ўйлаб, ташқарига чиқиб, атторлик буюмлари билан савдо қилувчи Я. П. Перцевга буни гапириб берган ва Перцевникида ижара ўтирувчи доктор Евгенийевга телефон қоқишни ундан илтимос қилган. Лекин шу вақт шаҳар полиция идорасининг врачлари К. Г. Бекман кўчадан ўтиб қолган, у Зотова энсасига теккан ўқдан ўлгани ва ўлганига камида икки соат бўлганини қайд қилган. Кеч бўлиб қолгани учун биз бу даҳшатли фожианинг қолган тафсилотларини эртага баён қиламиз». Бироқ газета кейинги сонида «ўлдирилган шахсининг жияни Безбедов кайфи бор ҳолда» қамоққа олинганини хабар қилди, холос. Орадан бир сон ўтгач, газетада ўлдирилган шахсининг тантанали дафн этилгани, «унинг тобутини сўнгги манзилга бутун шаҳар кузатиб қўйгани» тўғрисида қисқагина хабар қилди.

Самгин газетани қўлидан тушириб юборди, газета унинг тиззаси устига тушди, у газетани ижирғаниб стол остига ташлаб, ўйга толди. Безбедовнинг қамоққа олингани қатл сабабини ойдинлаштиришлигига қарамай, ҳар қалай ноаниқ, мужмал фикрлар ундан нари кетмасди.

«Тўнғиз. Калтафаҳм таъвия. Қандай қилиб журъат этди бунга? У Маринадан қўрқарди...»

Тушдан кейин Самгин деразаси ҳовлига қараган ва ичкаридан қайин саржинлари кўриниб турган хонада терговчи ҳузурида ўтирарди. Хонани исга ўхшаш тамаки тутуни билан қуруқ чиринди ҳиди тўлдирганди. Кенг, пастгина жавон тепасида олеография — подшо Александр Учинчининг портрети осилиб турарди, подшонинг бошидаги миршаблар шапкаси унинг қуюқ ва узун соқолига жуда мос тушганди. Кўҳнагина ёзув столи орқасида, баландгина суюнчиқли чарм креслода тоза ювинган, лоппа-лойиқ қора тужурка кийган қўй кўз бир мўйсафид папирос тишлаб ўтирарди. Тарам-тарам қизил томирлари унинг сариқ лунжларини қизил рангга бўяган, оппоқ эчки соқоли юзини чўзиқ ва нуроний кўрсатар, бурама мўйлови унга аллақандай жанговарлик бағишлар, тақир бошида қулоқлари узра шоғга ўхшаб оппоқ соч толалари диккайиб турарди, — хуллас, суд терговчиси Гудим-Чарновицкий француз мелодрамаларининг қаҳрамонларига ўхшарди. Бу одам шаҳарда винт ўйнайдиган уччига чиққан картабоз деган ном чиқарган эди, Самгин уни кўриб, округ суди ҳузуридаги ёқловчилар хонасида эшитган манави гапни хотирлади: бир куни Гудим ва унинг жўралари сурункасига йигирма етти соат карта ўйнашибди, йигирма саккизинчи соатда ўйинчилардан бири «катта шлём»ни юриб, севинчидан юраги ёрилиб ўлган экан. Бу ҳодиса Леонид Андреевичнинг яхши бир ҳикоя ёзишига сабаб бўлган экан.

— Хуллас бундай, — деб гап бошлади терговчи маингина овоз билан мингиллаб, — ҳурматли Клим Иванович, — мен мижозингининг сирли бир тарзда ўлдирилгани вазидан сизни безовта қилдим.

— Нега сирли деяпсиз? — сўради Самгин. — Қотил қамоққа олинганми ахир?

Терговчи хўрсиниб қўйди, мўйловини силади ва таассуф билан деди:

— Жиноятни бўйнига олмагани учун, маълумингизки, суд ҳукми чиққунга қадар у шубҳа остидаги шахсдир, холос.

Терговчининг кўзлари нурсиз, кўзларининг оқи хира, бўз қорачиғларини сув босган бўлиб, Самгинга бу кўзларнинг орқасида бошқа кўзлар яширингандай туюларди. Самгин ўзини сокин ва сарбаст тута билмаганидан ўзидан-ўзи норози эди.

— Котибингиз кўринмайди? — деди у.

— Жуда тўғри айтяпсиз, — деди Гудим бошини эгиб

ва яна папирос тутатаётиб, у устма-уст чекар эди.— Бунинг боиси шуки, мухтарам Клим Иванович, мен сиздан қонунан талаб этиладиган гувоҳлик беришингизни кутаётганим йўқ. Агар саломатлигим йўл қўйганида, суҳбатлашиб келиш учун ҳузурингизга шахсан ўзим борардим,— на қилайки, оёқларим қақшаб оғрийди, юролмайман. Сиз бу ҳодиса юзасидан лозимича ва қонунан талаб этилганидек жиддий сўроқ қилинасиз, албатта. Безбедов берган маълумотларнинг баъзи жиҳатлари шуни қатъиян талаб қилади. Замонанинг тақозосига кўра бу шахсни ғоятда оғир жазо кутяпти, бунини сезяпти, бас, шундай бўлгач, у ўзини муҳофаза этар экан, албатта, бошқаларни аяб ўтирмайди.

Самгинга остидаги стул орқасига сурилиб кетгандек туюлди..

Терговчи қаламини соқоли орқасига суқиб, энгагини қашир экан, кўзларини жавоннинг орқасидаги қайси бир бурчакка қадаб мингиллашда давом этди:

— Мен сизни, нима десам экан... ахборот бериб ўтириш учун таклиф қилдим.

Самгин ҳайрон бўлиб ва яна ҳам ҳовлиқиб кетиб, шоша-пиша сўради:— Яъни?

— Яъни... сизни бир қадар ишдан хабардор этмоқлик учун.

Терговчи тўхтаб-тўхтаб гапирар, орадаги паузалар эса Самгиннинг хунобини ошираётганди.

— Ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гапираман, — деб давом этди у, овозини пасайтириб. — Масала шундаки, бу иш билан Петербург қизиқмоқда, дастлабки терговни кузатиб бориш учун у ердан прокурор ёрдамчисини юборишган. Уни кўришга муяссар бўлдим. Гап орамизда қолсин — қаҳри қаттиқ одам экан, пойтахтдаги бутун мансабпарастлар каби на отасини, на онасини аяйди. Сизга маълумки, бизнинг прокурор губернаторнинг куёви ҳам палата прокурорига номзод. Турган гапки, кузатувчининг келганлигининг нафсониятига тегади. Бу ҳали ҳаммаси эмас... Бу ерда, биласизми, умуман, аҳтимолки...

Телефон жиринглаб қолди, терговчи трубкани кўкимтир юпқа қулоғига қўйди.

— Эшитаман. Жуда мамнунман. Ҳа. Прокурорнинг буйруғи. Тўхтатилсин дейсизми? Хўп, лекин — сабаби... Бош устига. Дарҳол дейсизми? Хўп бўлади...

Терговчининг ёноқларидаги қизил томирчалар яна ҳам бўртиб кетди; кўзлари ҳам қизарди, мўйлови қимир-

лади. Самгин бир кори бад бўлганини ўша заҳотй туйди.

— Суд маҳкамасига чақирисяпти, дарҳол етиб боришим керак экан, — деб қуруқ йўталди терговчи. — Сиз чет мамлакатдан бугун келгансиз чоғи?

— Ҳа, Париждан.

— Эҳ, Париж! Ўҳ-ҳў! — терговчи таассуф билан бошини ирғади. — Студентлик чоғимда у ерда бўлганман, тўйимиздан кейин хотиним билан бирга у ерга бориб, бир ой яшаганмиз. Ана турмушу, мана турмуш, Клим Иванович! Аввалига — Париж, Флоренция, Венецияда бўлдим, кейин — йигирма етти йилдан буён шу ерда яшамоқдаман! Зерикарлигина шаҳар-а?

— Шундай.

— Диққинафас шаҳар, — деди ишонч билан Гудим-Чарновицкий. — Зотова ҳам у ерда бўлганмиди?

— Бир неча кунгина бўлиб, кейин Лондонга жўнаб кетган эди.

— Дарвоқе, Лондонда бўлган эмасман. Сўрасам бўлармикан: билмайсизми — унинг Петербургдагилар билан қанақа алоқалари бўлган?

— У генерал Богдановичникига бориб-келиб юришини айтган эди, — ўйлаб ўтирмай жавоб берди Самгин.

Терговчи қўлларини столга тираб ва қошини чимириб: — «Уҳў!» — деб қўйди. — У — мўътабар бир зот! Уни ҳатто маълум маънода катта таянч, дейишади! Кечирасиз, — деди у, — ўрнимдан туrolмаяпман — оёқ чатоқ!

Самгин чолнинг совуққина қўлини сиқар экан: «Бу аҳволда қандай қилиб судга бора оласан?» — деб ўйлади хомушгина, чол эса салгина жилмайган эди, кўзлари яна ҳам нурсизланиб кетди, у маслаҳатомиз оҳангда шивирлаб деди:

— Сизга камоли ҳурматим ва хайрихоҳлигим туфайли, Клим Иванович, рухсат этинг, шуни эслатиб ўтишга, биз юристларнинг ишимизда ва айниқса бизнинг замонамизда — шундай воқеалар бўладики, ғоятда... зарарли бир тарзда кўпиртириб юборилади.

У қўрқиб қолган обивателларнинг фикру хаёли тўғрисида, кўп нарсадан хабарсиз мухбирларнинг шошқалоқлиги ва матбуотнинг ғаразли эзмакашлиги тўғрисида бир нималар деди, аммо Самгин унинг гапларини эшитмаётганди, у терговчининг совуқ панжасидан қўлини суғуриб олишдан ўзини зўрға тийиб турган эди.

Қуёш чарақлаб турган бўлса-да, кўча совуқ, кун бўйи эриган кўлмаклар бетини яна муз қоплаган, шамол авжига олиб, товуқ патларини, хазонларни, пиёз пўстларини сув бетига сочар, Самгиннинг пальтоси этагини тортқилар, унинг ташвишини яна ҳам орттирарди, шамолнинг ҳар силтовига худди бир жавобдай шундай бир савол лоп этиб пайдо бўларди:

«Менинг тўғримда Безбедов нима деб алжиради экан? У одам ўлдиришга қодирми? У ўлдирмаган бўлса, ким ўлдирди экан?»

Шу пайт у газетадаги хабарда қатлдан мақсад нималиги ҳақида бир оғиз гап йўқлигини эслади. Марина ҳақида наинки фақат лоқайдгина, балки сал бўлмаса адоват билан ўйлаб кетди:

«Шубҳали аёл эди».

Зотованинг полиция департаментида хизмат қилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр яна хаёлига келди, сўнгра у бир нималар учун икки дафъа жарима тўлашни: бир сафар юз эллик сўм, иккинчи сафар беш юз сўм тўлашни унга топширганини эслади.

«Булар, ҳойнаҳой, пора эди. Гудим мендан нима истайди? У ғайри қонуний иш кўрди. Унинг охиригки маслаҳати — ғалати бир хуруж».

Самгиннинг калласи ичида аллақандай нобоп болғачалар унинг чакка суяқларини қоқаётгандай эди. У уйда бир дақиқа ўзини кўзгуга солиб, ҳаяжон билан порлаб турган кўзларини, сийраклашиб қолган сочларидаги оқ толаларни назардан кечирди, ёноқларининг тўлишганини, юзининг юмалоққина бўлиб қолганини кўрди, бундай бир юзга соқол ярашмаслиги, уни қирдириб ташлаш кераклигини тушунди. Кўзгуга қўшни хонада ёноқлари қирмизи, кўзлари мовий, сариқ сочлари тақимигача тушган, тўлачадан келган кўҳликкина бир қиз стол устига идиш-товоқларни тузаётгани акс этарди.

«Тентаккина бўлса керак»,— деди Самгин.

— Тўра уйдадилар?— деб сўради қиздан Фелицата.

— Уйдалар,— жавоб берди қиз янгроқ ва шўхгина овоз билан.

Самгин хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан: «Менинг уйим йўқ,— деб фикран эътироз этди.— Уйим наинки ҳақиқий маънода: хотин, бола-чақа, маълум таниш-билишлар, тахминан ўзимга монанд ёқимли бир дўст, ақлли инсон маъносида йўқ,— идеал маънода, ички бир шинамлик

маъносида ҳам менинг уйим йўқ... Уот Уитмэн айтган эдики, тинчгина оддий ҳаёт инсоннинг жонига тегиб кетди, инсон синаб кўрилмаган, фавқулодда ва даҳшатли хавфхатарларга муштоқдир. Анархистнинг нози...

Курашларда ором эрур жамулжам,
Ором бордир чоҳ олдида турсанг ҳам.

Усмирлар романтизми... Майн-Рид, гимназиядан Америкага қочиш».

Фелицата кирди-да, индамасдан Самгинга бир визит карточкаси узатди, Самгин уни кўзойнагига тутиб ўқиди:
— «Антон Никифорович Тагильский».

— Ҳа, ҳа,— Самгин тараддуд-ла ғўлдиради.— Марҳамат... Таклиф этинг!

Алланечук тўқ малла ранг костюм кийган, мис самоварга ўхшаш хўппа семиз, оёқлари калтагина бир киши пилдираб унинг ҳузурига кириб келди.

— Ассалому алайкум! Уҳў, кексалик нуқси уриб қолибди-ку! Мен қалайман? Танимадингизми?— ингичка овоз билан шанғиллади у. Самгин қаршисида тепакал бошни, қирилган қип-қизил юзни, унинг чаккаларидаги дағал тукларни, тўнғизникисимон шишиб кетган кўзларни ҳамда ялпоқ бурун остидаги калта қилиб қирқилган қора мўйловни кўрди.

— Танимадим,— деб иқрор бўлди Самгин.

— Кечирасиз, тортиниб ўтирмай киравердим... Эски танишингиз бўлганим учун буни ихтиёр этдим. Бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизнинг ҳисоби йўқ, шундайми? Буни камайтириш керак,— нима дейсиз?

Самгин ишбилармон ва бир нимани кутаётган одам қиёфасига кириб, совуққина таклиф этди:

— Марҳамат...

— Тушлик қиламиз деяписизми? Раҳмат. Аксинча мен сизни ресторанга таклиф қилмоқчиман, шу ерда меҳмонхонагизнинг майдонида яхшигина ресторан бор,— деди Тагильский Самгиндан олдинда емакхонага ўтиб борар экан, стол ёнига ўтираётиб лаби лабига тегмай шанғиллаб. У Прейснинг оддийгина жиҳозланган кабинетида Самгин кўрган одамга сира-сира ўхшамасди,— ўша вақтда у сипогина, ўз билимлари билан фахрланадиган одам бўлиб кўринганди, одамларга муаллимона, профессор студентга муомала қилгандек муомала қилган эди, энди бўлса гапни шамол қаби ҳар ёнга сочиб ташляпти.

«Қовоқхонага келгандек келди. Албатта, Марина ҳақида бир гап сўрайди».

Ҳақиқатан шундай бўлди. Тагильский кишилиқ костюмининг тугмаларини бўшатган эди, бирам олачипор жилети кўринди, у салфеткани ёқаси ичига суқар экан, Зотованинг ўлдирилгани хусусидаги иш юзасидан терговни кузатиб бориш учун командировка қилинганини айтди.

— Чиройли хотин эди, дейишади уни.

— Тўғри. Жуда чиройли эди.

— Аҳа. Хўш, нима бўпти? Чиройли буюмнинг расвосини чиқариш одамларга хуш келади. Таъвиялардан кўра чиройлиларни кўпроқ ўлдиришади. Аммо эрлари, ўйнашлари ўлдиришади ва одатда, ҳамиша олди томонидан: боши, кўкраги, қорнидан шикаст етказишади, бунда эса, аксинча, олдидан орқага ўтиб, энсасига отиб ўлдиришибди. Шундай ҳоллар ҳам бўлади, лекин босқинчилик мақсади билан, лекин бунда ўғирлик йўқ. Ҳамма сир ҳам шунда. Менга қолса, бунда ҳеч қандай сир йўқ, балки кўр-қоқнинг қўли бор!

У бурун катаklarини кериб, шўрванинг буғини ҳидлади, кўзлари қизариб кетди ва мамнуният билан:

— Шўрва парранда каллапочасиданми? Жонимдан яхши кўраман шунақа шўрвани!— деди.

«Муғамбирлик қияпти, ҳайвон»— деб ўйлади Самгин.

— Қари эшшак терговчи сизни чақиртирган экан, мен бу ишни тўхтатиб қўйдим. Бу кичкина ишни овоза қилиб юбормаслик керак. Нима учун деб сўрарсиз. Билмасам нега. Балки аҳмоқона иш бўлганлигидан эҳтимол қабиҳлик билан қўшилиб кетган аҳмоқона иш бўлганлигидан. Қани, сизнинг соғлиғингизга!

У қадаҳдаги ароқни қулт этиб ютиб, тилини чўпиллатди-да, бир зум кўзини юмиб, яна гапни олаверди:

— Сизнинг бирам зебо кўринишингиз бор. Бадавлат бир бевага қаллиқ бўлишга арзигулик.

«Аблаҳ»,— деб ичида сўкиб қўйди Клим.

Тагильский хизматкор қизни кўздан кечирар экан:— Кўрдингизми, Парижда яшашнинг маъносини! Мен ҳам бинойи бўлиб қолдим, лекин нозик табиатли одамларни маҳлиё қилиб бўлмайди,— деди,— қиз хонадан чиққач эса, у хўрсиниб қўйди:

— Қандай ширин қиз-а, шайтон...

Сўнгра ўша заҳоти сўради:

— Зотованинг ўйнаши бормиди?

— Билмайман.

— Бор эди,— деди Тагильский бошини ирғаб, сўнгра яна бир қадаҳни бўшатиб, сўзида давом этди:— Сўнги вақтларда унинг ўйнаши сиз бўлгансиз, деган фикр бор.

— Бўлмағур гап,— совуққина жавоб берди Самгин.

— Бўлмағур гап — демак, ҳақиқатга ўхшайди, лекин ҳақиқатнинг ўзгинаси эмас. Бизнинг Россияда аксари ҳолларда бўлмағур гап асл ҳақиқат бўлади.

Тагильский шошилмасдан ер, оғзи тўла овқат бўлсада, бемалол гапирарди. У тарелкадан кўзини узмасдан вилка ва пичоқ билан жўжанинг суякларини тозалар экан, Маринанинг давлати қанча эканини Самгин билиш-билмаслигини сўради. Бунга салбий жавоб олгач, унинг тўрт юз минг пули ва собит акцияси, Уралда ва Волганинг нариги ёғида, Нижегород губерниясида эса бундан икки марта зиёд ери бўлса керак, деб маълум қилди.

— Балки уч марта ортиқдир. Ҳа. Қариндош-уруғлари йўқ. Бундан чиқадикки, ворисларсиз бу мол-мулк, империямизнинг қонунларига кўра, давлат хазинасига топширилади. Бу баъзиларни... ҳаётнинг гаштини биладиган кишиларнинг оромини бузмоқда.

У семиз бармоқларини меҳнат қуроли — пичоқ билан вилкадан бўшатиб, қўллари билан юзини шапиллатди ва стаканларга вино қуяр экан, энди ҳазилнамо қилиб эмас, балки жиддий тарзда деди:

— Мен ичяпману сиз ичмаяпсиз, сизнинг эҳтиёткорлигингиз, хомуш ўтиришингиз менга малол келмайди,— мен тортиниб ўтирадиган одамлардан эмасман,— лекин ҳар ҳолда бу халақит беряпти. Бу шаҳар фуқаролари орасида мен бир бегона одамман, ерли аҳоли менга душманларча муносабатда бўлмоқда. Бу ерда ибтидий уруғчилик тартиблари сақланиб қолган экан ва умуман... ҳамма ёқни муттаҳам фирибгарлар босиб кетган кўринади.

Тагильский столга тирсақларини тираб, кафти билан бағбақасини ушлаган ҳолда вино қуйилган қадаҳ тутган чап қўлини стол устига узатди, унинг сўниқ кўзлари гўё ҳаёсизларча Самгинга хунук боқарди. Унинг, шанғироқ овозида истеҳзо ва жўшқинлик бор эди.

Самгин Бердниковни хотирлаб: «У билан юмшоқ муомала қилиш керак» — деган қарорга келди-да, стаканини уники билан уриштириб деди:

— Чарчоқ кайфиятимга таъсир кўрсатяпти шекилли, йўлдан келмадимми ахир.

— Шундай деб фараз қилайлик,— деди Тагильский бир нав рози бўлиб.— Лекин шуни унутмайликки, ўлдирилган киши гарчи судхўр бўлса-да, на сиз Раскольниковсиз, на мен Порфирийман. Шу нарсани ҳам унутмайликки, бир неча йил бундан муқаддам Маркс хусусида мулоҳаза юритган эдик... ва ҳоказо. Сизнинг соғлиғингизга!

Улар ичишди. Тагильский гапини давом эттирди:

— Хуллас, бир тарафдан — вориссиз бир талай мол-мулк ва уларни эгаллаш ҳуқуқини берадиган ҳамма хат-ҳужжатлар — товламачироқ шу ерликлар қўлида. Тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— деди Самгин.

— Иккинчи тарафдан, магазин жавонларининг бириси ичидан социал-демократларнинг бир талай яширин адабиётлари ва аллақандай марксист, фатво берувчи ва зийрак бир шахс томонидан дўстона сансанлаб Зотовага ёзилган хатлар топилган. Бадавлат бир аёлнинг уйида яширин адабиёт сақлашининг на ҳожати бор? Мана шу мулоҳазага кўра, бу нарсаларни сизники, деб гумон қилиняпти.

Самгин қаддини ростлаб, зарда билан сўради:

— Сиз сўроқ қияпсизми мени?

— Сўроқ ҳам қилмаяпман, савол ҳам бермаяпман, балки шундай гумон борлигини айтяпман,— деди Тагильский қалин қовоқлари билан кўзини яшириб, унинг пешанасидаги ажинлар ҳаракатга келди.— Мижозингизнинг завқи ҳаваси жуда хилма-хил бўлган экан; унинг уйдан бир талай жуда нодир қадимги китоблар билан сектант қўл-ёзмалар топилган,— деди ўйлаб қолиб Тагильский.

Кўчанинг ҳавоси чанга тўлиб кетгандай бўлди, деразаларнинг ойнаси терчиради, хона ичига тутун босган қоронғилик чўкди,— Самгин чироқни ёқмоқчи бўлди.

— Кераги йўқ,— деди секингина Тагильский.— Баъзи ҳолларда... қоронғилик одамларни бир-бирига жуда яқинлаштиради. Менга сизни сўроқ қилиш ҳуқуқи берилган эмас. Сизнинг олдингизга прокурор назоратчиси сифатида эмас, балки бир зиёли ҳузурига зиёли сифатида, ғоятда шубҳали бир иш юзасидан маслаҳатлашгани келдим. Сиз шунга ишонасизми?

Жуда ҳаяжонланган Самгин дарҳол жавоб бермади, ниҳоят у:— Ҳа, ишонаман,— деди. Безбедов берган маъ-

лумотлар хусусида терговчи айтган гаплар унинг эсига тушди, энди эса янги гап чиқиб қолди — яширин адабиёт.

— Ҳа, мен сизга ишонаман,— такрорлади Самгин ва унга хандақ устидан сакраётган одам каби, ҳатто мускуллари тортишгандек туюлди.

«Мени тилимдан илинтирмоқчимми ёки бошқа бир сир борми?»— деб ўйлади Самгин, Тагильский эса гапирарди.

— Бу ишни сиёсат билан боғланган жинойи бир процессга айлантириш ва бундан катта пул ишлаб олиш мумкин. Мен пулларни ўғирлатиб юбориб, ишнинг бости-бости бўлиб кетиши тарафдориман. Бунинг учун Безбедовнинг жиноятни бўйнига олиши вожибдир. Нима деб ўйлайсиз — унинг Зотовани ўлдиришига бир сабаб бормиди?

— Ҳа, бор эди,— дадил жавоб берди Самгин.

— Қандай сабаб?

— Интиқом.

— Тўғри, хатлари ҳам буни тасдиқлайди,— мамнуният билан деди Тагильский.— У Самгиндан олган папиросини ёндираётиб,— унинг ҳақида гапиринг,— деб таклиф қилди. Самгин ҳам папирос тутатиб, Безбедов ҳақида эҳтиёткорлик билан гапирга бошлади. У кўзлари тўнғизникисимон ва афти башараси пиянисталарникига ўхшаш бу гип-гипалоқ одамга жуда ишонгиси келса ҳам, лекин ишонмаётганди. Тагильскийнинг бутун гапларида аллақандай бир ҳақиқат борлиги сезилса-да, бироқ жуда оғизга тушиб кетган бу жинойи процессга Самгиннинг жалб бўлиб қолиш хавфи ҳам борлиги сезилаётган эди, ҳолбуки гувоҳ сифатида ҳам иштирок этишга унинг тоб-тоқати йўқ эди, аслини олганда уни бир иштирокчи сифатида оёғидан тортишлари ҳам мумкин эди. Тўғри, жиноят тасдиқланмаганлиги учун уни оқлашади-ку, лекин ҳар ҳолда у гап-сўзга қолади.

«Мен — Иванов ҳам, Ефимов ҳам эмасман, балки Самгинман. Бу нодир бир фамилия. Самгин? Бу шундай бир одамки... Менинг ҳимоячим йўқ»,— ташвишланиб фикр юритди Самгин. Тагильский унинг гапини бўлди:

— Хуллас, Безбедов ҳеч нарсага арзимайдиган бефаҳм бир таъвия. Гуноҳсиз деб топилиши учун унга ўн беш ёки йигирма минут етмай турибди. У истаяптики, сиз уни ҳимоя қилсангиз...

Самгин индамай, дилида такрорлади:

«Менинг ҳимоячим йўқ».

Хона ичи бутунлай қоронғилашди. Самгин секингина сўради:

— Чироқни ёқа қолайми?

— Ёқа қолинг,— Тагильский ҳам айни оҳангда жавоб берди ва Клим ёндирмоқчи бўлган гугурт чўплари синаверган эди, бу орада меҳмон муҳим бир гап айтиб қолди:

— Биз бир-биримизни оз таниймиз, эслашимча, илгарини бир-биримизга кўнглимиз чопмас эди. Менинг ташриф буюрганам, ҳойнаҳой, сизда аллақандай шубҳалар тугдирса керак. Бу табиий. Агар ҳеч бир кимсанинг ёки ҳеч бир нарсанинг ҳимоячиси эмаслигимни айтгудек бўлсам, шубҳангиз яна ҳам ортиши турган гап. Мен фақат ўзимни ҳимоя қиламан, негаки жанжалли ишга тортилишга тобим йўқ. Сиз ҳам шундай хавотирда бўлсангиз керак. Шу бойсдан биз вақтинча мудофаа иттифоқи тузишимиз керак. Хўжумкор иттифоқ тузишимиз ҳам мумкин, яъни матбуотни бундан хабардор қилсак ҳам бўлади-ку, лекин бунга ҳали вақт эрта.

«Мени хотиржам қияпти. Ёлғон гапиряпти»,— деб фикр юритди Самгин. Сўнгра секингина деди:

— Мен сизни жуда яхши эслайман, лекин менда ёмон фикр қолдиргансиз, деб айтолмайман.

— Айтмай ҳам қўя қолинг,— маслаҳат берди Тагильский.

Чироқ ёруғида у хушсуратроқ кўрингандай бўлди: ориқлашди, лунжлари тортилди, кўзлари каттароқ очилди ва мўйлови ҳам ҳар қалай фэйзлироқ бўлиб кўринди. Агар у новчароқ ва ориқроқ бўлганида, олис ва хилват шаҳарда жойлашган бирон запасдаги батальоннинг офицерига ўхшаб кетарди.

— Стратонов эсингиздами?— сўради у.— Октябристчи. Хўкуматдан ёрдам олиб катта бир кўн заводи қурган одам. Прейснинг нутқларини ўқинётгандирсиз, албатта. У қадар нутқи йўқ ўзи. Рус либерали ачинарли бир аҳволдадир. Бизнинг Давлат думамиз эса — ҳаваскорлар томошасининг ўзи. Ҳа, шундай. Саратов губернаторини ром этувчи ва халоскори ролини ижро этишга таклиф қилганлар уни. Ўзи басавлатгина бўлса ҳам тентакнамо ва мақтанчоқ бир одам... Ўтган йили мен бир тўда одамларга қўшилиб, у билан овга чиққан эдим, ўшанда у ўз шажарасини гапириб берганини эшитганман. Экономика каби генеалогия соҳасида ҳам ҳеч вақони билмайди. Ўттизинчи

йилларда бўлса керак, Севастополда матрослар томонидан ўлдирилган ота-бобосини ҳам унутиб юборган.

Тагильский пробкани вилканинг учига илиб олиб, гапирар экан, пробкани қадаҳнинг четига уриб турарди, у ўзининг ҳар бир калимасига шиша жаранги билан жўр бўлаётган эди, бу овоз Самгинга ёқмаётган, Тагильскийнинг самимийлигига ишониш мумкинми ва қай даражада мумкинлигини аниқлаб олишида унга моне бўлаётган эди. Тагильский эса, чап кўзини қисганча, бояги-бояги лаблабига тегмай истеҳзо билан гапирар экан, афтидан, фикру хаёли тамом бошқа нарсада эди.

— У жамоага қарши фермер-хутор хўжалигини ёқлаб мақолалар ёзган отасининг донишмандлиги билан мақтанар ва уни Иммануил Кантнинг мухлиси деб атарди. Отаси эса Огюст Контга ихлос қўйган ва ҳатто ижтимоий соҳадаги табиий-илмий қонунлар ҳақида бир асар ҳам ёзган эди. Биласизми, мен дворянлар авлодининг генеалогияси билан шуғулланганман, мени Россия империясини қуришда ажнабийларнинг роли масаласи қизиқтирган...

У бирдан шишани жаранглатишни тўхтатиб, деди:

— Безбедов... сизга жуда ишонади. Ўйлайманки, жиноятни бўйнига олишига сиз уни кўндира оласиз. Айбланувчига айбнома топширилгунга қадар дастлабки суд терговда ҳимоячининг қатнашувига йўл қўйилмайди-ку, лекин... Сиз бу хусусда ўйлаб кўринг.

Меҳмон ўрнидан турган эди, уй соҳиби енгил тортиб бемалол нафас олди.

— Сизни расмиятчилик билан... безовта қилмаслик учун мен икки кунлардан кейин бир келиб кетаман,— деди Тагильский, Самгинга қўлини узатаётиб,— унинг қўли юмшоққина ва жуда қайноқ эди.— Бу дардисар ишда сизнинг ишончингизга умид боғлайман,— деди Тагильский ва биринчи дафъа шундай кулимсирадики, бутун юзи гўё эриб йўқ бўлиб кетгандай бўлди, лунжлари қулоқлари остигача тортилди, оғзи очилиб, кемирувчиларники каби майда тишлари кўриниб кетди. Бу табассум Самгинни чўчитиб юборди.

«Йўқ, у аблаҳ одам!»

Бу гип-гипалоқ одам пилдираб даҳлизга чиқди ва у ерда секингина деди:

— Менга қаранг — ҳар қандай кори бад бўлиши мумкин! Шунинг учун агар сизда бирон-бир яширин адабиёт бўлса, уни йўқ қилганингиз яхши...

Самгин баданига игна санчилгандек асабий титроқ босиб, бўғиқ бир овоз билан сўради:

— Зотова полиция департаментида хизмат қилармиди?

— Нима-а? Э, иш чатоқ,— гўлдиради Тагильский, қўлларини кериб.— Бу— нима? Гумонингизми ёки шундай деб ишонасизми? Далилларингиз борми?

— Шундай деб гумон қиламан,— секингина деди Самгин.

Тагильский сайроқи овоз билан сўради:

— Далилларингиз йўқми?

— Йўқ. Лекин гоҳо мен ўйлар эдимки...

— Гумон далиллар талаб қиладиган мулоҳаза бўлади. Кантнинг фикрича эса, ҳар қандай мулоҳаза маълумот эмас,— ўйчанлик билан гўлдиради Тагильский.— Сиз шубҳаларингиз тўғрисида ҳеч кимга ҳеч нима демаганмисиз?

— Йўқ.

— Партиянгиздаги ўртоқларингизга ҳам айтмаганмисиз?

— Мен партияда эмасман.

— Наҳотки? Жуда яхши... Яъни айтмаганингиз яхши бўлган,— деб у илова қилар экан, Самгиннинг қўлини яна сиқиб қўйди.— Яхши, мен кетдим. Нон-тузингиз учун раҳмат!

Тагильский жўнаб кетди. Эшик худди болта зарби каби тарсиллаб ёпилди. Даҳлиздаги оёқ устида айтилган гап Самгинни бирмунча тинчлантирди. У хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, жуда мураккаб ва оғир ҳисларини тафаккур тилига таржима этмоқлик учун монанд сўзлар ахтара бошлади. Таассуротларнинг ниҳоятда чигаллиги аниқ, равшан сўзларни талаб қиляётган эдики, қани энди бу сўзлар чигални ечиб, унинг сабабкори бўлган Тагильскийга муайян бир муносабатни белгилай олса.

«У менинг партиясиз эканимга инонмади шекилли. Тинтув бўлиши мумкинлиги тўғрисида мени огоҳлантирди. Мендан нима истайди у?»

Бир куни Прейсникида Тагильский давлатни шахсга зулм ўтказадиган орган деб лоқайдгина ва дангал гапиргани Самгиннинг эсига тушди, Прейс унга қатъий қилиб: «Сиз ҳазиллашяпсиз», деганида, Тагильский, парво қилмай: «Тарихнинг ўзи ҳазиллашмоқда» деган. Стратонов: «Сизнинг истеҳзонгиз — нигилистнинг истеҳзосидир», де-

ган. Тагильский унга ҳам худди шундай парвосизлик билан жавоб берган: «Янглишасиз, мен истеҳзо қилаётганим йўқ. Лекин мен шундай ҳисоблайманки, ҳаётнинг тотини биладиган одам истеҳзо тузи ва қалампирини қўшмасдан ҳақиқатни чайнаб ҳазм қилолмайди. Шак-шубҳа ўргатади, оптимизм эса аҳмоқларни тарбиялайди».

Ўтмишда Тагильский ўзига ишонган, рақамлар, далиллар билан кескин ҳаракат қиладиган одам ёки кайфи тарақ бир ҳаёсиз эди.

«Ҳа, у жуда ўзгариб кетибди. Менга муғамбирлик қиляпти, албатта. Шундай қилиши керак. Лекин унда янги бир нарса... номус-андиша пайдо бўлибди. Шундай бўлса-да, барибир у билан эҳтиёткорона муомала қилавериш керак. Семиз у. Семиз одамлар ингичка, баланд овозда гапирдилар. Шекспирнинг Юлий Цезари семиз одамлар хавфли бўлмайди, деб ҳисоблайди...»

Шу пайт Самгин Бердниковни хотирлаб, дили ғаш бўлди.

«Марина тўғрисидаги шубҳаларимни гапирмасам бўлар эди. Оғзим бўшлиқ қилиб, кўпинча... ортиқча гаплар айтиб юбораман. Бу кўнглимнинг тозалигидандир. Одамлар кўнгилга соладиган шубҳали, нопок, аҳмоқона нарсаларни ичимда сақлай олмаганлигимдандир».

Кўзгуда Самгинга яхши таниш бўлган ташвишли зиёлинамо бир одамнинг сиймоси лип этиб кўриниб ўтди. Самгин унга кўз қирини ташлаб, шундай қарорга келди:

«Йўқ, хулоса чиқаришга шошмайман».

«Маринами?»— деб ўзидан сўради у. Бир неча дақиқадан сўнг, эндиликда, унинг ўзи тирик бўлмагач, у ҳақда ўйлашнинг нима ҳожати бор, деб ишонч ҳосил қилди.

«Унинг ҳақида эмас, балки унга доир муаммолар ҳақида ўйлашга тўғри келади. Марина...»— Самгин бу хотиннинг Париждаги одатдан ташқари аҳволи руҳиясини хотирлади.— Ахир унинг ўлими катта бир жумбоқ эмас, шунга ўхшаш... бир кори бад бўлиши турган гап эди. «Эшагига яраша тушови», деган гап бор. У «Жинояткорларни жазолаш тўғрисидаги низом»да кўзда тутилган бир нарсанинг яқинида яшарди.

Уч кун Самгин жонини жабборга бериб ишлади — Зотованинг суд билан боғлиқ ишларини, ўзининг у билан ҳисоб-китобини тартибга солди ва ундан икки юз ўттиз сўм олasi борлиги маълум бўлди. Бундан у мамнун эди. Самгин ишлай-ишлай, Тагильскийнинг келиб қолишини

кутарди, ҳар қалай унинг келишини хоҳларди у. Лекин Тагильский уни прокурорнинг хонасига чақиртирди ва у ерда Самгинни зарҳал тугмалар қадалган тужуркада қарши олди. У (новча), (хипча) кўринарди, қизил юзи гўё сўлғинлашган, бўзаргандай эди, кўзлари катта очилганди, у аввалигача шанғилламасдан, ачитмасдан ҳорғин ва хийла бўғиқ овоз билан гапирарди.

— Прокурор касал бўлиб қолди. Баъзи кўнгилсиз ишлардан бош тортиш имконини берса, хасталик ғоятда хосятли бўлади,— аммо ажал бундан мустаснодир, чунки у жаҳаннам азобларидан ташқари, инсон зотини жамики кўнгилсиз ҳодисалардан қутқаради.

Гапининг ўртасида у телефон трубкасини кўтариб, кўрслик билан:

— Келишингизни сўрайман,— деди.

— Ҳа, сизга саволларим бор,— у бармоғи билан бир мактубни Самгин тарафга сураб экан, расмият билан гап бошлади.— Билмайсизми: бу мактубнинг муаллифи ким эканини?

Мактуб майда, лекин равшан қилиб ёзилганди, сўзлар шу қадар зич терилган эдики, гўё ҳар бир сатр бир сўздек эди. Самгин мактубни ўқиди:

«Сенинг шубҳа ва эътирозларинг гўлликдир, лекин сенинг ақлли одамлигингни билганим учун сезяпманки, бу гўллик сунъийдир. Буржуазиянинг сарой кўппаклари-ю, хонаки итлари Марксни нотўғри талқин қилмоқдалар, бу итларнинг лақаблари сенга маълум, ҳуришлари-ю, вангиллашлари тушунарли, албатта. Хом хаёлларга берилмай, Ленинни ўқи. Унинг «қўпол истеҳзоси сенга хуш келмайди», бунинг сабаби шуки, сен унинг пафосини ҳис қилмайсан. Бошқа кўплар ҳам буни ҳис қилишга қодир эмас, негаки, истеҳзо билан пафоснинг қўшиливи жуда нодир ҳодисадир, буни мен Ильичга қадар фақат Маратда ҳис қиламан, лекин бу даража кучли эмас».

«Кутузов,— деб фикр юритди Самгин.— Бу ўшанинг услуби. Айтсаммикан? Айтайми — кимлигини?»

Олифта кийинган чиройли бир йигит — шу ерлик прокурор ёрдамчиси Брюн де Сент-Ипполит кириб келди,— Тагильский мактубга қўл узатиб:— Танимайсизми?— деб сўради. Саволнинг ижобий маънода эшитилгани Самгинни жуда хурсанд қилди, у олифта йигитнинг қўлини қаттиқ қисди ва унинг: «Хўш, Париж қалай?» деган саволига осонликча:

— Жуда ажойиб!— деб жавоб берди.

Брюн ўзидан мамнун ҳолда кулимсиради-да, ҳар бир мўйи териб қўйилгандек майин мўйловини бармоқлари билан силади.

— Дўстим князь Урусов чиройли гап айтган эди: «Париж — Силоам купели¹, бутун руҳий хасталиклар, гам-ғуссалар ундан шифо топади».

— Силоам купели — Сакс балчиғи каби бир нав муолажа балчиғидир,— деди Тагильский ва жиддий йўсинда сўради:

— Бердников деган одам ким ўзи?

Самгин Бердников тўғрисида шунчалик мамнуният билан гапирдики, шу ерлик прокурор ёрдамчисидан мақтов эшитди:

— Уҳў, ёзувчилик истеъдодингиз бор экан!

— Шундай денг,— Тагильский папирос ёндираётиб, унинг сўзини кесди.— Демак, хорижий капиталга кўз тиккан қорчалон? Француз капиталига, шундайми?

— Билмасам.

— Хужжатларга қараганда, Зотова эса инглиз капиталига кўз тиккан кўринади, шундайми?

— Бу ишлардан мени хабардор қилмаган у. Мен олиб борган ишларни судга оширишга тайёрлаб қўйдим.

— Жуда соз,— деди Тагильский, Сент-Ипполит унга мароқсиз қараб қўйди-да, икки марта томоғини қириб, жўнаб кетди, Тагильский эса, қоғозларни варақлай-варақлай ўз-ўзича гўнғиллади:

— Бу бола тез кўтарилиб кетади! Дастлабига бадавлат қизга уйланиб олади, бу унинг учун пашша ўлдиришдек осон иш. Ёши улғайгач, сенатор, министр муовини, Давлат кенгашининг аъзоси, хуллас — катта мансабдор бўлади! Аммо лекин ўзи аҳмоқ ва нодон. Ҳа, менга нима!

У қоғозларни тапиллатиб уриб, таажжублангандай гапира бошлади:

— Аммо Зотова — билимдон аёл эди! Унинг ишлари тўғрисидаги овозаларга қараганда, у ақли расо, аммо очкўз бир одам бўлган. Мен ҳатто жуда ҳайратданман: марксистлар, пулдорлар, сектантлар ҳам унинг эътиборидан четда қолмаган. Зотованинг полиция департаментига яқинлиги тўғрисидаги шубҳангизда асос кўрмайпман. На-

¹ Купель — черковда чуқинтириш маросимида чақалоқ чўмили-тириладиган жом. (Тарж.)

ҳотки сектантлик йўли билан яқин бўлиши мумкин? Ана шу китоблар, қўлёзмаларнинг барини у нима мақсадда йиққанини сира-сира тушуниб бўлмайди. Бирам қўпол, саводсиз одамнинг бачкана иши, пуч бир хом хаёл... Аммо ана шу эски-тускилар билан бир қаторда — рус ва Европа классиклари кутубхонаси, материянинг, кучнинг тадрижий тақомили ҳақида Ле-Боннинг китоблари. Лесли Уорд, Оливер Ложнинг инглиз тилидаги асарлари, Гумбольдтнинг «Космос» китобининг охириги немисча нашри, Маркс, Энгельс... Уларнинг ҳаммаси ўқилиб, қалам билан чизиб чиқилган, нима нарсани қаердан ахтариш кераклиги ёзилган қоғозлар саҳифалар орасига қўйиб чиқилган. Сиз буларнинг баридан хабардордирсиз, албатта?

— Йўқ,— деди Самгин.— Унинг уйида икки ё уч марта бўлганман... Иш юзасидан магазинда учрашар эдик.

— Шунчаки магазинда, кўзни чалғитиш учун, шундайми?

Самгин индамай елкасини қисди-да, бирдан деди:

— У хлистчилар¹ кемасининг дарғаси эди. Шу ернинг Биби Марьями эди у.

— У-я?— деди дудуқланиб Тагильский ва деярли овоз чиқармай, калта-калта нафас олиб, стулда сакрай-сакрай, силкина-силкина, йирик тишларини кўрсатиб кулди. Сўнг-ра дастрўмолчаси билан ёноқларидаги кулги ёшларини артар экан, гапида давом этди:

— Худо ҳаққи, биздагидек чалкаштирувчилар дунёнинг ҳеч ерида йўқ. Бу нима деган гап ўзи? Биби Марьям-а? Э, малъунлар... Майли, давом эттирайлик.

Тагильский Маринанинг расмий ҳужжатлари тўғрисида тез-тез сўраб-суриштира бошлади, ўн минутчадан кейин эса тўсатдан сўраб қолди:

— Сизча, у кимга халақит бериши мумкин эди?

— Безбедовга. Бердниковга,— жавоб берди Самгин.

Тагильский папирос ёндириб, тажанглик билан:— Безбедов ўлдирган уни,— деди.— Ташаббус ким томонидан бўлган, деган савол туғилади: ўз ҳолича ўлдирганми ёки уни бошқалар бунга мажбур қилганми? Сизнинг Бердников тўғрисидаги фикрингиз...

У аллақандай қоғозни ўқиётиб индамай қолди, Самгин эса ўзининг кескин жавобидан бирмунча хижолат бўлиб, уни юмшатмоқчи бўлди:

¹ Хлистчилар — хлистлар мазҳабининг вакили (инқилобгача бўлган Россияда христиан мистик мазҳабларнинг бири). (Тарж.)

— Безбедовни қотил деб тасаввур этиш жуда қийин...

— Нима учун? Болалар ҳам одам ўлдиради. Буқалар одам ўлдиради.

У қоғозни четга улоқтириб, лаб-лабига тегмай тажанглик билан гапира бошлади.

— Волгада, Ставрополда бир гимназия муаллимини қўчқор сузиб ўлдирган. Чорбоққа келган муаллим ерда ўтириб олиб, аллақандай гнёҳлар, қурт-қумурсқаларнинг ҳаётини ўрганаётган экан, бир қўчқор югуриб келиб, уни орқасидан калла қилган! Қурт-қумурсқалар етим бўлиб қолаверган.

Тагильский ўрnidан турди, қорнини столнинг четига тираганча тужуркасини тугмалади.

— Дастлабки тергов тугади, айбнома тайёр,— лекин прокурор ҳали уни тасдиқлаганича йўқ.— У Самгиннинг қаршида тўхтади ва сал қолса қорни билан унга тегиб кетай деб сўради:

— Зотованинг танишлари, корчалон одамлар орасида яҳудийлар бормиди, а?

— Йўқ. Билмайман.

— Йўқмиди ёки билмайсиэми?

— Билмайман.

— Менинг ўйлашимча, йўқ эди,— деб сўзини тамомлади Тагильский ва негадир қувонди.— Гап бундай: келинг, Безбедовнинг олдига борайлик, уни айбни устига олишга кўндиришга ҳаракат қилиб кўринг — хўпми?

Бу кутилмаган таклиф бўлиб, Самгинга ёқмади, лекин Кутузов билан танишлигини тан олишдан Тагильский уни қандай қилиб тийиб қолгани эсига тушиб, у индамай бошини эгди.

— Хўп бўлмаса,— деди Тагильский қўлини оҳиста унга узатар экан.

Эртаси куни эрталаб Самгин билан Тагильский файтонда шаҳар чеккасидаги қамоқхона дарвозасига етиб келишди. Совуққина, тўзон каби майда ёмғир севалаб, кечаси ёққан қорни ювиб, ер бетигади лойларни юзага чиқариб қўйган эди. Қамоқхона — баланд ва қалин ғиштин деворлар билан ўралган бефайз квадратдан иборат бўлиб, деворлар ичидаги ерга ботган корпус кўпдан буён оқланмагани учун доғ-дуғ босиб, худди шилиниб кетган жароҳатга ўхшарди, корпуснинг бурчакларида тўрт минора бўлиб, корпус томининг ўртасида қамоқхона черковининг хочи диккайиб турарди.

— Елизавета замонидан қолган,— деди Тагильский.— Бизда жуда боп, маҳкам қамоқхоналар қуришган. Биз тергов остидаги кишини идорага чақириб ўтирмай, камерага ўзимиз бораверамиз. Шунда бемалол сирлашиш мумкин,— шоша-пиша жавради у.

Уларни бошлиқнинг ёрдамчиси қарши олди, у белида тўппонча, биқинида қилич осилган, юзи ўйналавериб эскириб кетган қўғирчоқ башарасига ўхшаш, қора кийимдаги ушоққина одам эди.

— Безбедовнинг камерасига,— деди Тагильский. Ушоққина одам чўчиганча сичқонникисимон кўзларини қисиб, назоратчига буюрди:

— Тергов остидаги Безбедовни бу ёққа бошлаб кел, у...

— Мен камерага борамиз, дедим-ку!— кескин бир тарзда эслатди Тагильский.

— Хўп бўлади. Аммо у карцерда-ку.

— Нима сабабдан?

— Тўполон қилавериб жонга тегяпти, олишяпти.

— Бўшатиб, камерага олиб кириш.

— Бўш камера йўқ, олий ҳазрат. Жаноб Безбедов умумий камерада сақланади. Бутун камераларимиз тиқилиб ётибди...

Назоратчи қўлини фуражкасининг соябонига яқин тутганча оҳиста гапга аралашди:

— Кеча кечаси сиёсий маҳбус карцерга олиб ўтилгани учун чап тарафдаги охирги минора бўш турибди.

Бу манзара Самгиннинг кайфиятини бузди. Тагильскийнинг кескин буйруғи унга ёқмаган эди, прокурор ёрдамчисининг каттакон резина коптокнинг палласидек кўпчиган юзи тўниб қолган, тўнғизникисимон қизариб кетган кўзлари жаҳлдан чақчайган эди. Тагильский калтагина, йўғон оёқлари билан ҳовлидаги ҳўл тошлар, зинанинг чўян пиллапояларидан, коридорнинг едирилиб кетган пол тахталари устидан мушук сингари овоз чиқармай пилдираб ўтиб борди; у миноранинг бочка ичи сингари доира шаклидаги камерасига кириши билан, худди яшириниб олмоқчи бўлгандай, эшикни тез ёпиб олди.

Кузатувчининг ёрдамчиси назоратчига:— Стул келтир,— деди. Тагильский уни тўхтатди.

— Ҳожати йўқ. Тергов остидаги одамни келтиринг. Сиз коридорда кута туринг.

Самгин кат устига ўтирди. Камерага шифт остидаги

квадрат деразадан узун хира тасма ҳосил қилиб ёруғ тушиб турар, деворлари ёритмасди. Тагильский Самгиннинг ёнига ўтириб, ундан секингина сўради:

— Сиз ҳеч қамоқхонада ётганмисиз?

— Ётганман. Бир оз.

— Мен эса бошқаларни қаматтирганман,— боягидай секингина деди Тагильский.— Зиёлилар бир-бирларини қаматишади. Бу... англашилмовчиликка ўхшамайдими? Латифага-чи?

Самгин жавоб бериб улгурмади,— Безбедов кириб қолди. У худди зинапоясининг баландлигини тўғри мўлжалга олмагандай қадам ташларди, қадам ташлар экан, оёқлари буралиб кетди, хира нур тушиб турган йўл устидан сакраб ўтгандай бўлди.

— Деворга бориб туринг,— бақириб буйруқ берди Тагильский. Безбедов итоат билан қоронғиликка чекилиб, деворга тиралди. Самгин дарҳол уни бошдан-оёқ кўздан кечиролмади, аввал унга фақат баҳайбат ва бичимсиз жусса кўринди, унинг оғир-оғир пишилагани, ҳиқичоққа ўхшаш ноаниқ нидоларини эшитди.

— Безбедов, қулоқ солинг,— деб гап бошлади Тагильский, бунга жавобан бўғиқ бир фарёд эшитилди.

— Мени роса калтаклашди. Оёқ остига олиб тепкилашди. Мени докторга кўрсатишсин, касалхонага ётқизишсин...

— Сизни ким калтаклади?— сўради Тагильский.

— Жиноятчилар, назоратчилар, ҳамма. Бу ерда ҳамма мени дўппослайди. Ахир мени нима учун қамашган? Мен шикоят ёзаман... Сиз кимсиз ўзи?

Самгин бутун диққатини тўплаб, ижирғаниб Безбедовга боқди. Безбедовнинг унга таниш бўлган лўппигина ва кенг башараси таниб бўлмас даражада солқиган, лунжларидан жир қочиб, худди бульдогникига ўхшаб шалвираб қолган, лунжлари, бўйнидаги туклар, иржайган тишлари унинг турқини итга яна ҳам кўпроқ ўхшатиб юборганди; тўзиган сочлари худди йиртилиб-титилиб кетган шапка каби тутам-тутам бўлиб диккайиб турарди. Бир ёқ кўзи шишиб юмилиб қолган, иккинчиси кенгайиб тинимсиз пирпирарди. Безбедовнинг бутун вужуди дир-дир титрар, оёқлари букилиб-букилиб кетар, у бир қўли билан деворга ёпишиб, иккинчи қўлини ғижим-ғижим бўлиб кетган пиджагининг узилиб тушай деб турган енгига тик қар эди, кўйлаги ҳам тилка-пора бўлиб кетганидан, тўши кўри-

ниб турар, оппоқ кўкрагиши бутунлай аллақандай доғ-дуг босган эди.

— Мен калтакни еб-еб, қандай қилиб судда жамоат олдида кўринамай. Мени бутун шаҳар танийди ахир. Нафас ололмайман, гапиролмайман. Даволанишим керак...

— Сиз айбни бўйнингизга олишингиз керак, Безбедов,— Тагильский яна кескин оҳангда гапира бошлади. Янгидан бўғиқ бақариқ эшитилди:

— Э, ҳа, бу — сизмисиз? Яна ўзингизми? Анойингиз йўқ, мен аҳмоқ эмасман. Қоғоз беринг... Губернаторга шикоят қиламан.

— Сизга ҳимоячи келди,— деди бақариб Тагильский. Самгин шу заҳотиёқ ташвиш чекиб, унга шивирлаб эслатди:

— Мен рози эмасман, иложим йўқ.

Безбедов эса деворни тирнаб қичқирди:

— Хоҳламайман! Мен: бўлса Самгин бўлсин, бўлмаса ҳеч ким керакмас, деб айтганман! Улдира қолинглар мени! Адвокатларингизга ишонмайман.

— Самгин шу ерда,— деди Тагильский.

— Ҳа, мен шу ердан,— деб тасдиқлади секингина Клим, у оғзига сўк солиб, томошабин бўлиб ўтиргани маъкул эканини сезаётган эди.

Безбедов девордан узоқлашиб Самгин томон юрди, тиззаси билан катнинг қиррасига урилиб оҳ тортиб полга ўтириб қолди-да, Самгиннинг оёғидан ушлаб олди.

— Клим Иванович,— деди у тутатиб.— Худойим... сизни етказганига шукур! Мана энди... Биласизми, улар мени осишмоқчи. Энди — ҳаммани осишади. Мени яширишяпти. Дўппослашяпти, карцерга тиқишяпти. Силкита-силкита калака қилиб, карцерга тиқишди. Азизим, ахир биласизку... Одам ўлдириш қўлимдан келадими? Қўлимдан келса, мен аллазамон...

Самгин оёғини оҳиста тортиб, Безбедовнинг қўлидан чиқармоқчи бўлиб:— Сиз билар-билмас гапиряпсиз, гапларингиз ўзингизга кони зарар,— деб уни огоҳлантирди, Безбедов эса титраб-қақшаб, хўрсина-хўрсина ҳануз қичқирарди:

— Биласизми, у қандай иблис эди... Кўзи қаттиқ ажнанинг ўзи эди у. Бу гапни мен эмас, менинг қаллиқчам айтган. Ҳа, қаллиқчам.

— Хафа бўлманг,— таклиф этди тамомила мутаассир бўлган Самгин ва унга Безбедов ҳақиқатан ҳам овунган-

дай бўлиб кўринди. Тагильский индамай дераза ёнига борди-да, ўша ерда қоронгиликка ғарқ бўлиб кўринмай қолди. Безбедов бир оёғини букиб, тиззасини силаб ўтирар, иккинчи оёғини кат остига суққанди, қўли ҳали ҳам пиджагининг енгини тортқиларди.

— Биласизми, у менинг бутун ҳаётимни расво қилди,— деди Безбедов.— Унинг қўлидан ҳар нарса келар эди. Аҳмоқ, баҳайбат бир қоровул бор эди, эсингиздами? Қочоқ эди ўзи. Саррофни ўлдирган ўша. Марина эса бу қотилни яшириб қолди.

— Нималар деяётганингизни биялпсизми ўзи?— сўради Тагильский. Безбедов пиджагининг енгини юлиб олиб, уни Тагильский томонга силкитди-да, сўнгра ўзининг қўлига остига суқиб қўйди.

— Биялпман, тушунялпман, сиздан қўрқмайман... Прокурор эмиш. Энди қўрқиб бўлман. Ундан ҳам қўрқмайман. Ўлиб кетди, унинг ҳақида энди ҳамма гапни айта оламан. Сиз нима деб ўйлайсиз, Клим Иванович, мени ҳурмат қилар эди деб ўйларсиз? У-я?

Самгин титраб, унга ўдағайлаб турган жун босган башарага нафрат билан боқар экан:— Мен сизга ишонмайман, ишона олмайман,— деди бақиргудек бўлиб. Сўнгра, Тагильский тарафга боқди,— у бошини эгиб турар, бошини тутун қоплаб олганидан, унинг юз-кўзи кўринмасди.

«Ҳар ҳолда у менга тузоқ қурмоқда»,— деб ташвишланди Самгин, Безбедов эса унинг тиззасига ва катнинг четига ёпишиб ўрнидан турмоқчи бўлди, афтидан, таажубланган, қўрққан ҳолда, пишиллаб деди:

— Ишонмайсизми? Ундай бўлса, қандай ҳимоя қиласиз мени? Сиз мени ҳимоя қилишингиз керак. Нима қилганингиз ахир бу?

Самгин қўлидан келганча қатъий қилиб:— Мен сизни ҳимоя қилмоқчи эмасман,— деб, унинг қўлидан чиқиб олди.— Агар сиз буни қилган бўлсангиз, яъни ўлдирган бўлсангиз... Яхшиси, бўйнингизга олинг — енгил бўлади ўзингизга!— деб қўшиб қўйди у.

Безбедов ўрнидан туриб, гандираклаб кетди, Самгиннинг сўнги сўзларини эшитмаган каби қўлларини силкиди, у оҳиста гапира бошлаганига қарамай, унинг гапи Самгинга янада жўшқин, суяк-суякдан ўтиб кетадигандек бўлиб туюлди.

— Нима қилганингиз бу? Мен сизни ҳурмат қиламан. Сиз ниҳоятда ақлли, донишманд одамсиз, у бўлса устин-

гиздан кулиб юрарди. Менга Миша гапирарди, у биледи...
Марина Крэйтонга, инглизга айтган.

Самгин пиджагининг оёғи устига тушган егини итқи-
тиб:— Бас қилинг,— деб қичқирди.— Буларнинг барини
сиз ўйлаб топгансиз. Сиз соғ эмассиз.

— Менми? Йўқ! Мени роса дўппослашди, лекин мен
соппа-согман.

— Бақирманг, Безбедов,— деди Тагильский, унинг
ёнига яқинлашар экан. Безбедов оқсоқлана-оқсоқлана
эшикка отилди, елкаси билан итарган эди, эшик очилиб
кетди, бошлиқнинг ёрдамчиси остонада туриб олди, унинг
орқасида назоратчининг оқ мўйловли башараси кўринди.

— Эшик ёпилсин,— буюрди Тагильский. Шарақ-шу-
руқ қилиб шоша-пиша эшикни ёпишди, Безбедов елкаси
билан эшикка суянди-да, заифона ҳаракат билан қўлла-
рини кўксига босиб, кўйлагининг жулдурларини торт-
қилади.

— Гап бундай, Безбедов,— прокурор ёрдамчиси шан-
гиллаб гапира бошлади.— Васвасани бас қилинг, бунинг
фойдаси йўқ, сизга зарари бор. Клим Иванович билан мен
биламиз, ким қачон муғамбирлик қилиб, ўзини қўрқиб кет-
ган бегуноҳ бола қилиб кўрсатяпти-ю, ким ёлгон гапи-
ряпти...

Безбедов энсасини эшикка уриб, Самгинга таниш бўл-
ган деярли нормал овоз билан бақирди:

— Ёлгон гапирмаяпман! Мен яшашни истайман. Бу ёл-
гонми? Аҳмоқ! Яшашни истаган одам ёлгон гапирадими?
Хўш? Уни ўлдиришгандан кейин мен бадавлат бўлиб қол-
дим. Меросхўрман. Унинг ҳеч кими йўқ, Клим Ивано-
вич...— бўғила-бўғила, ҳўнграй-ҳўнграй бақирди у. Та-
гильскийнинг товуши униқини босиб кетди:

— Тўғриси айтинг: уни сиз ўзингиз ўлдирдингизми
ёки сиз топган бошқа биров ўлдирдими? Хўш?

Безбедов бақириб, олдинга қадам ташлаганча ёнбошлаб
йиқилиб, ноаниқ бир шаклда ётиб қолди.

— Э, аттанг,— деб гўлдиради Тагильский кат томон
ирғишлаб, сўнгра Безбедовнинг оёқлари устидан сакраб
ўтиб, ботинкасининг тумшуғи билан эшикни дукиллади.

— Фельдшер ёки доктор чақиринг,— буюрди у.—
Бу шу ерда, минорада қолсин. Қоғоз, сиёҳ сўраса, бер-
ринглар.

У коридордан ўтиб борар экан, секингина сўради.

— Ҳийлакорлик қилмаяптимиқан?

— Йшонгим келмаяпти.

Улар ҳовлига чиққанларида, Тагильский рўмолча билан юзини артар экан:— Тфу-фу, мунча ҳавоси бузуқ!— деди-да, шляпасини олиб, майда ёмғир томчиларини ҳайдаётгандай, тепакал бошини елпий-елпий тўнғиллади:

— Ярамас одам. Ароқхўрми?

— Йўқ. Аҳмоқ, ўлгудай исрофгар.

Тагильский тўнғиллади:

— Хатарли одам. Шундай бир ташвиш орттириши мумкинки... бу касофат!

«Мени чўчитяпти»,— деб фикр юритди Самгин.

Тагильский рўмолча билан бошини артиб, шляпасини кийди. Самгин эса, аксинча, кўксида рутубатли совуқ алам, юзида ёпишқоқ, муздек бир намхушлик туйди. Шундай бир савол уни ташвишлантирарди: бу бақалоқ нима учун уни Безбедов билан кўриштирди? Тагильский ресторанда тушлик қилишга таклиф қилганида, Самгин уни лутфан ўз уйига таклиф этган эди, лекин буни жуда кам истаганини яширишга ҳаракат қилган эди.

Сўнгра бирмунча вақтгача файтоннинг чарм соябонини ёмғир зўр бериб савалаб турди, томлардан шариллаб сув оқар, резина шиналар кўлмаклардан пилчиллаб кечиб борар, файтон ўнқир-чўнқирларда силкиниб-силкиниб қўяр, Тагильский Самгинни елкаси билан туртар, извошчи:

— Пушт!— деб қичқирарди.

Самгин ҳамроҳи ҳақида ўйлаб: «Ҳа, у билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак»,— деди, Тагильский бўлса нима учундир Сологуб ҳақида гўлдираб гапирарди:

— Истеъдодли ҳам, бадбин ҳам, лекин ҳар ҳолда Бодлер эмас. Ёстиқ сингари илиқ ва юмшоққина.

Самгин совуқдан жунжиб ўзидан-ўзи сўради:

«Безбедов ўлдириши мумкинми?»

У саволга жавоб ахтариб ўтирмади, чунки уст-боши тўзиган, қўрқув ва ғазабдан афти башараси бир ҳолатда кўринган аянч бир одам бунга халақит қилаётганди, у ҳа-сад тўла шикоятни хотирлади:

«Хотинлар мени ёқтирмайди, мен оғзи бўшман, улар билан очиқчасига гаплашаман, дарров сир бой бериб қўяман, хотинлар эса сирли нарсаларни ёқтиришади. Сизни, албатта, яхши кўришади, сизда гап кўп, сир бой бермай-сиз, бу уларни жуда қизиқтиради...»

Самгинникида Тагильский папирос чекиб, печнинг оппоқ кошинига суяниб олди ва мезбон хизматкорга тушлик

учун закуска, вино буюраётганига қулоқ солиб, бир неча дақиқа индамай турди.

Қиз чиқиб кетгач:— Қандай сўлим қиз,— деб оҳ тортди у ва сўнгра папиросни тик тутганча, унинг худди фабрика мўрисидек, тутун таратаётганини кузатар экан, гапира бошлади:

— Менинг ҳам қўлимда шу йилнинг кўкламигача худди шу қизга ўхшаш хушчақчақ, дўмбоққина бир мешчан қиз икки йил турди, псковлик эди. Хотиним у билан ҳатто бетакаллуф муомала қиладиган бўлиб қолган эди, ўқигани унга китоблар бериб турар ва умуман, ўзининг гапига қараганда, «соддагина бир қизнинг зеҳнини ўстириш» билан машғул бўларди. Хотиним содда дил аёл эди.

— Эди, деяпсизми?— сўради Самгин.

— Ҳа, эди. Ажралишганмиз. Ҳа, айтгандай, гап Поля устида эди-я. Шу баҳорда унинг ёнида дурустгина бир йигит пайдо бўлиб қолди. Бу табиий бир ҳол:

Бу азалдан шундоқдир:

Баҳор эди у дамда

Биби Марьям ҳам ахир

Ҳомиладор бўлган-да.

Хотиним бир куни Поля билан боққа кетди, кўчиб боришга ҳозирлик кўргани, мен зерикканимдан курашни томоша қилгани циркка жўнадим, лекин пойлашга сабрим чидамай уйга қайтсам, кабинетимда чироқ ёниқ, столим ёнида Полянинг йигити ўтириб олиб, муккадан кетиб қоғозларни бирма-бир қўлдан ўтказяпти. Ёнимда кичкинагина браунинг тўппончам бор эди. «Бирон қизиқарли нарсаси топдингизми?»— деб сўрадим йигитдан. У ўрнидан турмоқчи эди, оёғи столнинг остига тойиб кетди-да, гурс этиб креслога йиқилди ва қўлини юқори кўтариб: «Мен ўғри эмасман!»— деди. «Сиз аҳмоқ экансиз, дедим унга. Сиз қайтага ўзингизни ўғри қилиб кўрсатишингиз керак эди, мен полицияга телефон қоқардим, полиция сизни олиб кетарди-ю, ишқал чиқармай қўйиб юбора қоларди, яна ишингизни қилаверардингиз — бутун можаро шу билан тугарди-қўярди. Қани, энди айтинг-чи, «қандай қилиб бу йўлга кирдингиз?» Маълум бўлдики, у почта маъмурининг ўғли экан, қизлар гимназиясида мирзалик қилар, қизларга махфий адабиёт бериб юрар экан, билиб қолиб, қамашибди уни, қўрқитиб, шу ишни таклиф қилишибди, у ҳам рози бўла қопти. «Яхши, ундай бўлса, Поля ким?»—

деб сўрадим.— «У ҳам мен билан бирга хизмат қилади», деди. Шундан кейин қизнинг жавобини бериб юбордик. Кейинчалик палатада буни гапириб бердим: модомики, прокурор назорати аъзоларининг уйини махфий тинтув қилиш бошланган экан, ишнинг расволиги шу бўлса керак! Мени бевосита бошлиғимнинг ўзи чақириб: «Сиз ҳокимиятни обрўсизлантирадиган латифалар айтяпсиз. Буюк Пётр прокурорни «давлатнинг кўз-қулоғи» деб атаганини унутибсиз», деди.

Тагильский секин, ҳорғин ҳолда жаврар эди. Самгин буларни у нима учун гапирётганининг тагига етишга ҳаракат қиларди. Бирдан у Тагильскийнинг гапини бўлиб, сўраб қолди:

— Менинг қамоқхонага боришимнинг сиз учун қандай маъноси бор эди, шуни тушунтириб беролмай-сизми?

— Мен шуни сўрашингизни кутиб турган эдим,— жавоб берди Тагильский, у қўлларини чўнтакларига суқиб, шимини юқори кўтарди, емакхона эшиги томон одимлаб, уни ёпди-да, тутаб турган папирос қолдигини фикус ўсган кадка тупрогига санчиб қўйди. Сўнгра, калта оёқларини хўроз каби виқор билан кулгили бир тарзда босиб у ёқдан-бу ёққа юраркан, бирон-бир ҳужжатни ўқиётган одамдек гапира бошлади:

— Жиноят қилишди,— у ўнг қўлини силкитиб эслатиб қўйди,— одам ўлдиришда гумон қилинаётган шахс судда уни нақ сиз ҳимоя қилишингизни қаттиқ талаб қиляпти. Нима учун? Сиз унинг уйда ижара ўтирувчи бўлганингиз учунми? Бу етарли асос эмас. Балки бошқа бирон алоқангиз бордир? Безбедов бу шубҳадан сизни қутқарди. Бунинг битта маъноси шу.

Тагильский Самгинга яқин келиб ва қорнини унинг тиззаларига тирагудек бўлиб, гапини давом эттирди:

— Бунинг бошқа маъноси ҳам бор. Лекин бу... менинг ўзимга ҳам у қадар равшан эмас.

Унинг қирмизи юзи оқарди, қисилган кўзлари бежо чақнади.

— Мен сизни тушуниб турибман, назарингизда, мен сизга ёмонликни раво кўряпман.

— Янглишяпсиз...

— Хўп деяверинг, Самгин.

Тагильский қўлини силкиб, истехзо оҳангида гапирар экан, яна юра бошлади:

— Шундай бўлиб чиқяптики, гўё мен ўзимнинг самиятим матосини таклиф этяпман-ку, сиз эса... бунга муҳтож эмассиз, афтидан, чириган мол, деган ишончдасиз.

— Албатта, ўзингиз биласизки, умуман, инсонларга ишонч йўқ,— деди Самгин қатъий қилиб, лекин ўша ондаёқ баланддан келаётганини ва бу билан меҳмоннинг пичинг-кесатигига қолиб кетажаги мумкинлигини ўйлаб қолди. Меҳмон унга орқа ўгириб, жавондаги китобларни кўздан кечирав экан, деди:

— Ҳатто ўзлари ҳам дурустгина ишонишмайди ўзларига.

У тўп каби пириллаб айланиб, илова қилди:

— Рус зиёлиси ҳамиша ўзини ҳимоя қилиш ва узулксиз баҳслашув кайфиятида бўлади.

Клим Самгин бу суҳбатнинг баҳслашувга айланиб кетишидан хавотирда:— Жуда тўғри,— деб рози бўлди ва меҳмонга хуш ёқадиган бир гап айтмоқчи бўлиб, қўлидан келганча меҳрибонлик билан,— Антон Никифорович, сиз жуда ўзгариб кетибсиз,— деб гап бошлаган эдики, хизматкор қиз дастурхонга таклиф этиб қолди-ю, гапга ўрин қолмади.

— Овқатдан ҳеч қачон қайтмайман,— деди Тагильский.

Самгин қадаҳларга ароқ қуйди, чўқиштириб ичишди, меҳмон ўша заҳоти яна икки қадаҳни тўлдириб деди:

— Отамнинг васиятига кўра, мен аввал бошда устмуст уч рюмка ичаман. Бу унинг энг яхши васиятидир. Менинг мазам қочаётган кўринади. Иситмам кўтариляпти, этим увушяпти, теримнинг остида пуфакчалар пайдо бўлиб ёриляпти. Бундай пайтда босиб-босиб ичмасам бўлмайди.

Самгин Тагильскийга илтифот кўрсатмоқчи бўлиб, уни роса меҳмон қилди, Париж тўғрисида гапириб берди, меҳмон мириқиб еб-ичди, у индамай тургач, бирдан бошини силкиб гапириб қолди:

— Москвада сиз билан учрашганимиздан бери ича бошладим.— У бир оз тўхтаб илова қилди:— Ўйлаб диққат бўлмаслик учун.

— Сиз москваликмисиз?— сўради Самгин.

— Тулаликман. Отам оғанини Баташевлар корхонасида самовар ясарди.

У лабларини салфетка билан артди-ю, лекин чала артилди деб ўйлаб, тили билан лабларини ялади.

— Мен авлодимнинг илк зиёлисман. Сиз-чи?— сўради Тагильский истеҳзо билан лунжларини шишириб туриб.

— Мен учинчисман,— деди Самгин. Тагильский папирос чекишга ҳозирлик кўраётиб гўлдираб гапирди:

— Сиз менга қараганда аллазамон аристократ экансиз.

Самгин ҳам папирос чекиб, савол назари билан унга боқди.

— Қизиқ бир гап,— деди Тагильский, бошини ирғаб.— Отам салкам ўттиз яшар чоғида олтинтопарларнинг айш-ишрати тўғрисида бир китобча ўқиб қолиб, ҳаваси келиб Уралга жўнаган экан. Эллик ёшида у Екатеринбургда майхона ва фоҳишахона эгаси бўлган.

Тагильский қип-қизил кўзларини қисганча, Самгиннинг юзига диққат билан боқар экан, бир неча сония индамай турди, Самгин эса бу азмойиш олишга бардош бериб, кўзларини пирпиратмай турди.

— Мен ўн бир яшар эканимда тилсиз-жағсиз онагизнам вафот этди. Отам ўша йилиёқ дьяконнинг бевасига уйланиб олди, у девдай кучли, ҳаёсиз, ярамас, диндор хотин эди. Бир куни бўш шиша билан ўгай онамнинг бошига туширмоқчи бўлган эдим, отам мени ўласи қилиб дўппослади, ўгай онам эса мени тиз чўктирди, ўзи ҳам орқамга ўтиб тиз чўкди. У: «Худо сенга ато қилган мендай онага қўл кўтарганинг учун худодан гуноҳингни кечирришни сўра!»— деди. Мен овоз чиқариб дуо ўқишим керак эди, бироқ кераксиз бир шеърни ўқий бошладим. Шундан кейин яна мени дўппослашди, отам шу қадар тутақдики, юраги қинидан чиқиб кетаёзди, у ҳам баҳайбат, йўғон киши эди, нафаси бўғзига тиқилиб гурсиллаб йиқилган эди, ўгай онам ҳам ўти ёрилиб кетди. Сўнгра ҳар иккиси йиғлашди, кўнгли бўш одамлар-да...

Самгин гапни эшитаётган бўлса ҳам Тагильскийнинг юз ифодасини кузатар экан, унга ишонмас эди. Бу етмишинчи йилларда яшаган қаламқашлар қаламига мансуб, Самгин ўқиган қиссалардан бирини эслатарди. Модага мослаб кийинган бу одам фоҳишахона эгасининг ўғли эканини ва унинг калтак еганини эшитиш негадир Самгинга кўнглили бўлди.

— Тиқилишиб яшар эдик,— давом этди Тагильский шошмасдан ва ҳар қалай лоқайдлик билан.— Мен икки ҳайвоннинг, ҳалиги, ҳирсини қандай қилиб қондирганини... кўп марта кўрганман. Ҳовлимизда, майхонага ёпишган

катта бир бинода бузуқ қизлар яшашарди. Ун икки ёшимдан мен онанизмга ўргандим, бир куни қизлардан бири мени шу иш устида тутиб олди-да, расмана жинсий алоқанинг бундан яхши бўлишини менга ўргатди.

Самгин юзини папирос тутуни панасига олиб, фикр юритди:

«Бу жирканч нарсаларни менга гапириб беришининг нима кераги бор ўзи? Бунақа ишлар менинг бошимдан кечса, мен уларни унутган бўлардим... Бунақа ифлос сирларни айтишининг сабабини тушуниб бўлмайди».

Тагильский кўзларини катта очиб, Самгиннинг боши оша олисга боқиб гапирарди, у ерда дераза орқасидаги боғда шамол гувиллар, аллақандай бир бутоқ қирсилларди.

— Менинг шу қадар таъзимни беришдики, ахир пироварди мўмин-қобил бўлиб кўринишга мажбур бўлдим, ҳолбуки отамнинг ёки ўғай онамни бир неча марта пичоқламоқчи бўлгандим. Отам илм олишнинг фойдасини юксак баҳолар, унинг жонига теккан полициядан бежавотир яшашнинг чораси деб тушунарди. У муаллим ёллади, мен гимназияга тайёрландим ва пировардида кириб ўқиб, уни олтин медаль билан тугатдим. Бунга қандай қилиб муяссар бўлганимни гапириб ўтирмайман. Мен майхонада эмас, ўғай онамнинг сингисиникида яшадим, у уйини гимназистларга ижарага қўйиб, уларнинг еяр-ичарини ҳозирларди. Ўз билимини ошириш тўғарақларида қатнашиш у ёқда турсин, уларни ёмон кўришимни, ҳатто уларга душман эканимни яширмас ҳам эдим. У ерда пўкони-дан ел ўтмаган одамларнинг фарзандлари — уездлардаги савдогарлар, инженерлар, заводлардаги докторларнинг болалари — аристократлар бор эди. Отам мени пул билан эркаламас, аммо озода кийинишимни талаб қиларди. Мен ётоқхонамиздагиларни картада ютиб пул йиғардим.

Самгин аросатда қолди: у хатарли деб ҳисоблаган одамнинг қулфи дилини очиб, унинг қаршисида қуролсизланаётгани Самгинга хуш ёқаётган эди ва у тобора шу нарсени тушунишни истаётган эдики, гипалоқ, хирсдан тўқ бу киши нега бунча оғзидан гуллаяпти? Тагильский эса ўзининг шанғироқ овозини бир қадар босиб мудом жаврар ва бу зерикарли жаврақилик орасида қаттиқ-қаттиқ ҳиқиллашлар тобора тез-тез эшитилиб қоларди.

«Унинг нимасидир Бердниковни эслатади», — Самгин шундай деб ўзини огоҳ қилди.

— Ёттинчи синфда бир штейгернинг¹ ўгли ўқирди, бу ўжар, бурни катта йигит марксистлар тўғарагининг раҳбари эди... Утган йил тасодифан билсам, уни учинчи дафъа сургун қилишибди... Ҳатто, каторгага бўлса керак. У менга, зиёлилар ҳам ошпазлар, кучерлар ва ҳоказоларга ўхшаш буржуазиянинг малайлари, деб уқтиргани уқтирган эди. Мени раижитган жамики нарсаларга нафрат билан қараганим учун бунинг нотўғри эканини унга исботлашга қарор қилдим. Отамнинг амрига кўра мен Томск университетига кириб, врач ёки адвокат бўлиб чиқишим керак эди, аммо мен прокурор бўлмоқчи бўлиб, Москвага жўнаб қолдим. Отам ёрдам беришдан бош тортди. Ўқишни яхши кўрардим, профессорлар менга хайрихоҳлик билан қарашарди, университетда қолишимни таклиф этишди. Лекин тўртинчи курсда ўқиб юрганымда уйланиб қўйдим, хотиним нуфузли суд ходими оиласидан эди, унинг дадаси — вилоятда прокурор, амакиси — профессор эди. Ўғлимиз бор эди, аммо беш ёшида қазо қилди. Ҳалол, оқ кўнгила бола эди. Онасига ўптирмасди. «Лабинг совун» дер эди унга. Помадани совун деб атарди у. «Сен дадамга ошпазга қичқиргандай қичқирасан, ойи» дерди. Ошпазларга тоби тоқати йўқ эди унинг. Ўғлимнинг ўлимидан кейин хотиним билан ажралишдим.

Тагильский бирдан стулда қаттиқ силкинди, кўзларини пирпиратиб шоша-пиша деди:

— Мени кечиринг... бу монолог...

— Э, нима деяпсиз!— деди Самгин, ўзини меҳмонга қараганда хийла салмоқли ва кучли одам деб ҳис қилган ҳолда.— Мен жуда қизиқиб эшитдим. Тўғриси айтсам, менга бирам маъқул ва манзур бўлдики, сиз бу қадар...

— Хўш, сўнгра,— Тагильский қадаҳни оғзи баравар кўтариб, унинг сўзини бўлди.— Сизнинг соғлигингизга!

У ичиб, томоғини чапиллатди, қўллари билан лунжларини силаб, барала хўрсинди.

— Кўриб турибсизки, бетоле бир одамман. Нега? Айтишим керакки, идора бошлиқларимиз суд ишига оид тугунларни, чалкашиб кетган тушунчаларни ечиш қобилиятимнинг жуда қадрига етадилар, шуним бўлмасайди, қайсарлигим ва зиддиятларни очишга ишқибозлигим учун аллазамон менинг думимни тугишган бўларди. Ҳуқуқшу-

¹ Штейгер — кон техниги, кон мутахассиси. (Тарж.)

нослар ишида одамлар эмас, балки нормалар, ақидалар, тушунчалар муҳимдир,— бу сизга маълум бўлиши керак. Инсонлар ва уларнинг ишлари фақат тушунчаларнинг қатъийлигини текшириш ҳамда ана шу тушунчаларни яна ҳам мустаҳкамламоқ учун лозимдир, холос.

Тагильский ўрнидан туриб, дераза олдига келди-да, нафасини ойнага пуркаб, бармоғи билан икс, игрек чизар экан, тушуниб бўлмайдиган қилиб деди:

— Инсонлар эса икки зиддиятли негизда: биологик ва социал негизда қурилгандирлар. Биринчи негиз шундай деб амр этади: ўз ерингда тур ва уни ҳар восита билан мустаҳкамлайвер, акс ҳолда қўшнилари кўлингни кўкка совурадилар. Социал негиз эса ўз синфингга мансуб қўшнилари билан маҳкам алоқада бўлишини талаб қилади. Кўп жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб мана шу. Бундан ташқари синфларнинг куч ишлатиши ва интиқоми мавжуддир. Сиз, авлоднинг учинчи зиёлиси, бу масаладаги ишқаллик нимада эканини тушунармикансиз? Мен эса шунини яхши биламанки, менинг йўлим йигирма йилдан кейин сенатнинг кассация департаментида ниҳоясига етиши керак, бу мен эришишга қодир бўлган рутбанинг энг кичигидир. Лекин адлия министрлигидаги вазиятдан жирканаман. Сира тоқат қилолмайман. Одамлар ҳам, тушунчалар ҳам, ният-мақсадлар, ишлар ҳам — хуллас, ҳаммаси жирканч.— У тобора тушуниб бўлмас тарзда гўлдирарди.

Самгин истехзо билан кулимсираб ва бу одам ўзини толиқтириб юборганини сезиб: «Кайфи ошяпти,— деган фикрга келди.— Фьёл-атвори тамом бошқача одам. Қадди-қоматига, ейиш-ичишига қараганда, жуда улфати бўлиши керак».

Самгин меҳмоннинг бирдан ўгирилиб, юзидаги истехзоли табассумни пайқаб қолишидан хавотирда, дарҳол жиддий тус олди.

«Фоҳишахона эгасининг ўғли — сенатор».

Тагильский Прейснинг улфатлари орасида ўзини қандай мағрур тутгани яна Самгиннинг ёдига тушди. Чама-си, ўша вақтдаёқ у сенатни кўнглига тугиб қўйган бўлиши керак. Қўрсина Поярков унга: «Ҳисоб-китоб керак нарса, аммо бухгалтерия воситаси билан инқилоб қилиб бўлмаслигини унутмаслик керак», деган эди. Сўнгра у деган эдики, Марксни сийқалаштирувчилар рақамларга айниқса ишқибозлик кўрсатадилар, ҳолбуки Маркс од-

дий бир иқтисодчи эмас, балки илмий тарзда асосланган иқтисодий фалсафанинг асосчисидир.

Прокурор ёрдамчиси гапира-гапира бармоқлари билан пешанасини қашир экан, бурчакка бориб, креслога ўтирди.

Самгин хотираларга берилиб кетиб, диққат қилмай ва ярим уйқуда эшитаётганди, ғалати бир гап тўсатдан унинг уйқусини ўчириб юборди:

— Қалби инжу каби кичкина эди.

— Кечирасиз, кимнинг?

— Сомованинг. Бундан бир йил муқаддам бир теософ¹ хотиннинг уйида уни учратган эдим, баъзи доираларда нуфузга молик, жуда бадавлат, аммо ўзи тентаккина, ориқ ва шуҳратпараст шундай бир хотин бор. Хуллас, «Крестлар» камерасида учрашиб қолдик, — у билан қўпол муомалада бўлганлари ва касалхонага жойлаштириш хусусидаги талабини рад қилганлари учун шикоят ёзган экан.

— Сомовами?

— Ҳа.

Самгин: «Мен уни танийман» деб юборишига сал қолди.

Тагильский нормал товуш билан, аммо жуда шанғиллаб:— Акулька,— деди. У базўр кулимсирарди, гўё юз мускуллари унинг кулишига қаршилиқ кўрсатаётгандек эди,— одамларни зоҳиран кузатишнинг моҳир устаси Самгин буни пайқади. Тагильскийнинг кичкина кўзлари табассумдан бутунлай кўринмай кетди.

— Акулькани, биласизми, нималигини? Бу ёғочдан йўнилган ўйинчоқ, унинг ичидан шунга ўхшаш бир ўйинчоқ, унинг ичидан яна бошқаси, хуллас, олтига ўйинчоқ чиқади, охирги, энг кичкинасида эса — ёғоч соққача чиқади, бу соққача очилмайди. Менга шуни очгин, деб топширишди. Бояги қиз улуғвор бир ўртоқнинг сургундан қочишини ташкил этган экан. Умуман, у яширин ишнинг ипидан игнасигача биладиган қиз эди. Уни махфий учрашув жойида қамоққа олишган, бу унинг учинчи дафъа қамалиши экан. Мен тишлоғич бир урғочи бўрига дуч келарман, деб кутган эдим, йўқ, қаршимда ҳақиқатан хаста, ҳатто ўзи ҳам англаши қийин бўлган, лекин эътиқод каби ҳис-

¹ Теософия — мувоқабат йўли билан «худони билиш» ва «илмий ғайбга эришиш мумкин» деган хурофий, диний-мистик таълимот. (Тарж.)

туйғу билан ўзлаштириб олган инқилобий ғояларнинг шайдосини кўрдим.

Тагильский чуқур нафас олди-да, гўё таассуф этаётгандай бўлиб гапирди:

— Бунақа жин ургурлар кам эмас. Лесков «Душманлашмоқ» романида улардан бирини — Ванскокни, Анна Скоковани жуда яхши тасвирлаган,— ўқиганмисиз?

— Йўқ,— деди Самгин, диққат билан тинглар экан.

— Емон ёзилган бўлса ҳам қизиқарли китоб. «Шайтонлар»дан бир-икки йилча аввал босилиб чиққан. Писемскийнинг «Телба денгизи» ҳам Достоевскийнинг китобидан аввал босилиб чиққан бўлса керак, шундайми?

— Эсимда йўқ.

— Ҳа, майли. Достоевский менга ёқмайди!

«Ёқиши керак эди»,— деб ўйлади Самгин.

— Ҳа, гап Акулька устида эди. Ўзи хунуккина, жиккаккина бўлса ҳам шунақанги... ёқимтой, ички бир жозибаси бор эди унинг... Ақлли қиз, кўзларидан меҳр-шафқат ёғиларди... меҳр-шафқат бобида оғир қисмат билан туғилган гўдакларга ўзини бахш этган энагалардан қолишмас эди. Шунинг учун ҳам ҳалиги инқилобчи қиз менга бундай деди: «Сизни чақиримдан мақсад шуки, мени касалхонага ўтказишга буйруқ берсангиз, менинг саратон касалим бор, сиз бўлсангиз мени сўроқ қилиясиз. Бу яхши эмас, инсофсизлик. Ахир ўзингиз биласизки, мен ҳеч нарса айтмайман. Шундай бир замонда прокурор бўлишга уялмадингизми, қачонки Столипин...» Хуллас, шунга ўхшаш гаплар айтди. Негадир илова қилдики, гўё мен ақлли, марҳаматли, кўнгли юмшоқ кишиман, шу сабабдан ҳам айниқса уялишим керак эмиш. Хуллас, менга роса танбеҳ берди. Бу жуда қулгили ҳол эди. Турган гап, мен унга, прокурор ақлли бўлиши керак, унинг марҳаматлиги эса лавозими тақозо этадиган адолатли бўлишдан иборатдир, дедим. Унинг чеҳраси ажабтовур дилгир бўлиб қолди. Мен ҳам хомуш бўлиб қолдим. Шундан кейин хайр-маъзур қилиб чиқдим-кетдим. Шу билан гап тамом.

Самгин Тагильскийнинг портсигардан папирос олишини кузатар экан:— Хўш, у нима бўлди?— деб сўради.

— Орадан кўп ўтмай саратон унинг бошини еди.

Тагильский ўрнидан туриб, столга яқинлашди-да, секингина гапирди:

— Гапиравериб сизни толиқтириб қўйдим,— деди ва стаканларга вино қуяётиб гапини давом эттирди.— Гоҳо хотиралар одамни шунақа эзма қилиб қўяди. Баъзан одамлар яқин ўтмишни тезроқ унутиб юбориш учун уни эсга олишади: хотиранинг ишини енгиллаштириб олиш маъносида.

У стакандаги винони ҳўплай туриб, аини пайтда Самгинга қўлини чўзди.

— Яхши, мен кетаман. Раҳмат... илтифотингиз учун. Мен отам майхона очмасдан олдин туғилган эдим, мен туғилганимда, у вагонлар саройида юк ташувчи экан. Майхонани аллақандай ҳаром пуллар эвазига очган бўлиши керак у.

Тагильский даҳлизда кийинаётиб, яна гап бошлади:

— Бизни фикрловчи машинкалар қилиб тарбиялашади, яна — фактлар асосида эмас, балки, аксинча, фактларни бузиб кўрсатиш учун. Мантиқ асосида эмас, тушуinchалар асосида, тушунчаларнинг мистикаси асосида ва фактлар мантиқига қарши тарбиялашади.

Самгин эҳтиёткорлик билан деди:

— Маданиятни бунёд қиладиган энергия соҳиблари қилиб тарбиялашади.

— Йўқ-э, маданиятни бунёд қилиш қайда? Маданият мустамлака молларини сотувчиларнинг кўрсатмалари билан яратилади.

У хайрлашар экан:— Роса меҳмон қилдингиз,— деди.

— Манзур бўлган бўлса, жуда хурсандман. Келиб туринг.

— Унутмайман.

Самгин деразага боқиб, гип-гипалоқ, паканагина одамнинг пилдираб кўчани кесиб ўтаётганини кўрди ва бир парча замш билан кўзойнагини артаётиб, ўзидан сўради:

«Авваллари ҳам менга ёқмаган, энди эса шубҳали кўринган бу одамнинг яна йўлимда тўғоноқ бўлишининг нима ҳожати бор?»

Лекин у ўша ондаёқ ўйлаб қолди:

«Шикоят қилишга ўрин йўқ. У айёрлик қилаётганмикин? Ҳатто у қадар ақлли ҳам эмас шекилли. Любаша ҳақидаги гапларини ўзи тўқиган бўлса керак, булар бир афсона. Лекин ёмон афсона. Ҳар ҳолда у яхши одам эмас... Ўзгариб кетдимикан? Аслида тутуриғи йўқ... одамлар ўзгарадилар. Жўн одамлар».

Тагильскийнинг кайфияти билан Макаров, Иноконининг кайфияти ўртасида ўхшаш бир жиҳат бор, деган гумон Самгиннинг хаёлидан ўтди. Бироқ у Тагильский ҳақида ортиқ ўйлагиси келмай уни тезроқ унутиш мақсадида шундай фикрга келди:

«У қонунга хилоф баъзи майда-чуйда ишларга, қабихликларга [қарши курашиб], ҳафсаласи пир бўлган бўлиши керак. Ёки юрагини олдириб қўйган».

Бачкана фикрлар Самгинни қийнаётганди, у папирос ёндириб, диванга ёнбошладиди-да, қулоқ солди: шаҳар ошда яшарди, алақаерда қўшниларникидан гурс-гурс болта овози эшитилар, биров дарахт илдизини қўпораётган кўринарди, бу бўғиқ овоз каттакон итнинг эринибгина ҳуришига ва оғир оёқларнинг оҳиста, бир маромда қадам ташлашига ажабтовур ўхшаб кетарди.

Самгин солдатлар билан машқ ўтказётган унтер-офицернинг бақриб: «Смир-рно-о!»— деб команда беришини хотирлади. Бу бақирини у қачонлардир болалигида эшитган эди. Сўнгра букригина қиз эсига тушди: «Хўш, бу нима бебошлик?» «Бола йўқ эди шекилли?»

«Ҳа, Тагильский, менга кўринганидек, бир қиёфада бўлмагандир балки. Марина ҳам бўлмаган. Ҳойнаҳой, Маринанинг ҳаёти жиноятга яқин эди, бу Бердниковлар яшаётган бир оламда тамомила табиий бир ҳолдир».

У кўзларини юмиб, Маринани яланғоч ҳолда тасаввур этди.

«Кўзлари қаттиқ... Ҳа, унда металлга ўхшаш бир нима бор эди. Марина менинг ҳақимда у аҳмоқ айтгани каби бир гап айтганига ишонмайман. Кўзлари қаттиқ — бу унинг сўзлари эмас».

Ана шу мулоҳазалардан сўнг Самгин Безбедовнинг умуман бир гапни тўқиб чиқаришга қодир эмаслигини тан олишга мажбур бўлди. Дилида Маринага қарши ғазаб ўти алангаланди.

«Юбка кийган Варавка».

Тушки овқат вақтида ичилган вино фикрларни чуваштириб, ҳар ёққа тортқиларди.

Синфнинг куч ишлатиши, интиқом олиши ҳақида прокурор ёрдамчиси айтган гаплар хаёлидан ўтди.

«У нима демоқчи эди ўзи?»

Жавон ойнасидан китобларнинг четидаги зарҳал ёзувлар ярақлаб турар, ойнада папирос тутуни акс этарди. Самгин бугунги бўлиб ўтган ҳодисалар таъсиридан қу-

тулмоқчи бўлиб,— ўзига таскин берувчи оқилона гаплар воситасида қутулмоқчи бўлиб,— кундалик адабиёт ҳақида яқинда либерал бир газетада ўқиб чиққан фельетоннинг жумлаларини дилида такрорлади; бу жумлалар янгича бир жўшқинлик билан янгради, уларда «ҳаёт кўзига оддий ва англашиларли бўлиб кўринган одамларнинг маънавий йўқсиллиги ҳақида», «ўзларининг маънавий эркинлигини дунёнинг ҳар қандай неъматларидан юксак қадрлайдиган мустақил фикрли жафокашларнинг буюклиги» ҳақида гап борарди. «Инсон ижтимоий ҳайвонми? Агар инсон афсоналар бунёдкори бўлмаса, ўзининг сирли қалбида оҳангдорлик яратишга қодир бўлмаса, ҳа, у — ҳайвондир».

Самгин шу ерга етганда мудраб уйқуга кетди, фақат ечиниб, ўрнига кириш учунгина уйғонди.

Эртаси кунни у эрталабдан кечгача кимларнингдир келишини ва бирор воқеа рўй беришини кута-кута ўтказди.

«Менинг Маринага муносабатим хусусида шаҳарда бе-маза гаплар юрган бўлса керак».

У Маринага муккасидан кетиб, на жамиятда, на адвокатлар ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатмаганига илк дафъа пушаймон бўлди. Шаҳарнинг олтмиш [минг] аҳолиси орасидан Зотовадан бундайроқ бўлса-да, келишганроқ бир-иккита жувон ахтариб топишга унинг хоҳиши йўқ эди. У москвалик патрон ва Марина иши юзасидан қилган сафарлари вақтида вилоят кишиларини яхши билиб олганига амин эди. Адвокатларнинг аксарияти Боборикиннинг «Тушкунликда» романида тасвирланган одамларнинг айни ўзгинаси бўлган эски суд қашқирлари, қиморбозлар, баднафс мазахўрақлар, театрбозлар эди. Ёш адвокатлар эса — модабоз олифталардан, «кадет»лардан иборат бўлиб, улардан иккиси санъатда модернистик оқимни тарғиб қилар, бири — дурустгина виолончель чалар, ҳар учаласи эса винт ўйновчи ашаддий картабоз эдилар. Самгин аҳён-аҳёнда уларни уйига таклиф қилиб турар, ўзи дуруст ўйнай олмагани учун картабоз йигитлар ўзлари билан тўртинчи бир ўйинчини округ судининг аъзоси, шиша кўзли мўйсафидни бошлаб келардилар. Европанинг бутун карта ўйинларини билиши билан машҳур бўлган найнов, қилтириқ, бадқовоқ, қирғий бурун, узун чўққи соқолли бу одам узун оёқли қушларга ўхшаб кетарди, у бир кўзли бўлгани учун бўйни тинимсиз қилпилаб турар, ниҳоятда беқарор эди, бошини деярли, тўхтовсиз тебратгани тебратган эди.

Самгин бу одамлардан билдики, шаҳардагилар уни «пойтахтли калондимоғ», такаббур ва одамови бир киши деб ҳисоблар, якка-ёлғиз яшашининг сабаби бор, дер эканлар, номатлуб фикрли киши деб ундан шубҳаланар ва бешинчи йил воқеаларидан юрак олдириб қўйган шаҳар аҳли ғалаён кўтарган Москвадан келган бу одам билан ортиқча элакишиб кетишни лозим кўрмас экан. Самгин юравериб яхши таниш бўлиб қолган шаҳар кўчаларини оқшомда кезар экан, буларнинг барини эсга олди. Оқшом ибодати-га чорлаган черков зангларининг овози совуқ, мовий ҳавода янграр, қўнғироқларнинг зарблари бир-бирини қувлашиб, мис суронига айланар ва одамда ҳазин, сокин бир кайфият туғдирарди. Кўпасларнинг ҳовлилар, боғлар билан ажралган ва маҳкам деворлар билан бирлашган хос уйларини ой равшан ёритиб турар, черковларнинг олтин гумбазлари ва уларнинг учидаги хочлар ярақларди. Икки қаватли деразаларнинг баъзисида чироқ нурлари кўринар, лекин аксар уйларнинг деразалари қоронғи бўлиб, орқа хоналарда одатий ҳаёт сокингина ғивирларди. Самгин кўп марта шу нарса устида ўйлаганки, маҳкам қилиб қурилган бу уйларда завқ-шавқсиз, лекин аслида ақлли одамлар яшайдилар, кўп эмас, олтмиш йилча умр кўрадилар, кечикиб ўйлай бошлайдилар ва бутун умрлари бўйи бир марта бўлса-да, ўз олдларига илоҳиётми ёки инсониятми деган масалани илмнинг чинлиги ва шунга ўхшаш масалаларни қўймайдилар.

«Мен ҳам бу масалаларни ҳал этмайман»,— деб эслатди Самгин ўзига, лекин — нима учун?— деб сўраб ўтирмади, балки Франция вилояти ҳам 1795 йилдан кейин шу тарзда тинчиган бўлса керак, деб ўйлади. У бир помешчик «буюк ислоҳотлар даври»дан бурун қурган харобгина театрнинг, дворянлар мажлисининг, кўпаслар клубининг ёнидан ўтиб, дворянларнинг хос уйлари тушган кенг кўчага бурилди ва олди уч колоннали, дарвозасига «Мадам Лариса Нольденинг тикувчилик устахонаси» деган лавҳа ўрнатилган икки қаватли ғиштин иморат олди-га яқинлашганда тараддудланиб тўхтади. Шу ерда у манави байтни хотирлади:

У ерда унчалар тикишмагай кўп,

У ерда гап ўзи тикишда ҳаммас.

Устахонадаги қизлар орасида оч сариқ сочли Анюта исмли мулойим ва янги соғилган сут сингари иссиққина

бир қиз бор эди. Унинг кул ранг кўзлари гўдакларча ҳадиксираб, меҳрибонлик билан кулимсираб турар ва бу табассуми унинг тикувчилик соҳасидаги тажрибакорлигига сира монанд эмас эди. Жуда аломат қиз эди Анюта. Бир куни кечаси Самгин билан бирга ётганида у илтимос қилиб қолди:

— Менга янги чиққан қўшиқ китобини тақдим қилинг! Биласизми, ўзи қалингина китоб, муқовасида бир тўп қизнинг ялла айтиб, ўйин тушаётгани тасвирланган. Бу китобни магазинда кўрдим, кириб олишга уялдим.

Самгин:— Нима учун қўшиқ китоби? Ё шеърни сева-санми?— деб сўради қиздан.

— Йўқ, шеърни яхши кўрмайман, тушуниш қийин уни. Мен оддий қўшиқларни севаман.

Анюта шундай деди-да, секингина иккита қўшиқни хиргойи қилди, бири бемаза қўшиқ бўлганидан Самгинга ёқмади, бошқа бирини эса ҳатто ёзиб олди. Самгиннинг:— Бирор кишини севганмисан?— деган саволига Анюта:

— Йўқ, бундай бўлмаган,— деб жавоб берди.— Биласизми, бизнинг ишимизда севги одамга азоб беради. Шундай бўлса-да, баъзи қизлар «қарздорларни» ўйнаш қилиб оладилар, улардан пул-мол олмайдилар, лекин бу фақат шунчаки эрмак учун, юраклари сиқилганида кўнгил очиш учунгина.

Сўнгра, Самгин:— Эркаклар сен билан қўпол муомала қилган вақтлар бўладими?— деб сўради. Анюта бу саволдан сал хафа бўлгандай бўлди.

— Нега менга қўполлик қилишсин? Мен хушмуомала, одобли бўлсам, маст-аласт бўлиб қолмасам. Ўзингиз биласизки, уйимиз ҳам дурустгина. Меҳмонлар таниш, синалган одамлар, жанжал чиқаришга тортинишади. Йўқ, бизда шу қадар тинчликки, ҳатто зерикиб кетасан киши.

У тухум каби силлиқ, яланғоч баданини кўзгуга солиб, қалин ва майин оч сариқ сочини ўриб туриб гапирарди.

— Буни қарангки, инқилоб вақтида қайтага яхши эди, янги-янги меҳмонлар келиб туришарди, ҳалигидай, жуда гангир-гунгир бўларди, билсангиз. Жуда ҳам ёш бир йигит қотириб ўйинга тушарди, циркда ҳам бунақаси бўлмайди. Лекин у аллақандай пулларни ўгирлаган экан, полиция қамоққа олгани келганида, югуриб ҳовлига чиқди-да, тарс этиб ўзини отди-қўйди. Бирам чаққон, эпчил бола эди.

«Бу қиз ҳақида бир ҳикоя ёзишим мумкин эди,— деб ўйлади Самгин.— Бироқ бизда Достоевскийнинг сайъасида фоҳишалар ҳақида жуда кўп ёзилган ва ёзиляпти. «Ахлоқсизларга марҳамат» шулар жумласидан. Ахлоқсизлар эса ўзларини шунақа деб билишмайди, бизнинг марҳаматимизга муҳтож ҳам эмаслар».

Самгин устини бўз муз парда қоплаган сой соҳилига чиқди. Оқиб келаётган сув ифлос соҳилга чип-чип уриллар, кичкина баржанинг рулини қисирлатиб, унинг мачтасини тебратарди, шу яқин оралиқда кўзга кўринмас одамлар бир маромда:

— Ҳа, қани, бир-икки...— деб наъра тортишарди.

Кеч куз палласи эканлиги бу ерда айниқса сезиларди, ҳаво оғир, рутубатли, совуқ эди.

Орадан ярим соатларча ўтгач, Самгин кўпаслар клуби залида ўтириб, приват-доцент¹ Аркадий Пильниковнинг «Демократиянинг маданият соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги лекциясини эшитарди. Самгин залга кириб, олтинчи қатордаги стулга ўтирганида, доцент Пильников айтётгандики, «Знание»нинг «бемаза ва ғўо тўпламлари ўзининг қисқагина умрини яшаб тугатди, аммо улар бутун эстетик ва фалсафий жиҳатдан чаласаводларча ёзилган, сиёсий жиҳатдан зарарли нарсалар уруғини қўлидан келганча сочиб, рус адабиёти даҳоларининг, дилни овлайдиган сеҳркор сўз мулкани мукамал эгаллаган ана шу ўлмас юракшуносларнинг ақлли, унутилмас асарларини вақтинча булғаб кетди».

Доцент ўрта бўйли, тўладан келган, сони йўғон, тепакалроқ, шалпанг қулоқлари қирмизи, соқоли қирол Генрих IVникига ўхшаш киши эди.

У лок ботинкасини шап-шуп босиб, сонларини серкиллата-серкиллата фракнинг этаklarини шунчалик туртар эдики, унинг думбалари гўё қанот пайдо қилганга ўхшарди. У ёрдам бермоқчи бўлгандай ўнг қўлини одамлар томон чўзиб, чап қўлида бир варақ қоғозни ушлаганча дастрўмол каби уни силкитар, онда-сонда қоғозни юзига яқинлаштирарди. Мулойим, ясси башарасидан табассум аримаган бу киши қийналмасдан, очиқдан-очиқ қувонч билан гапирарди.

¹ Приват-доцент — инқилобдан илгариги Россияда олий ўқув юрталарининг унвон жиҳатидан доцентга барабар бўлган штатсиз ўқитувчиси. (Тарж.)

— Шаҳар маданий ҳаётига руҳ ва маънони фалсафий қувватга молик бўлган зиёлиларнинг Герцен, Белинский ва номлари сизларга маълум бўлган бошқа сиймолар кўрсатган йўлдан борган қисми бағишлади. Фавқулодда сиёсий фаросат соҳиби Павел Николаевич Милюков бошчилик қилган айни шу зиёлилар конституционалист-демократларнинг қудратли партияси ташкил топишидан анча бурун эл-юртимизни маданий тарбиялаш ишига жон-жаҳдлари билан киришдилар. «Хонаки мутолаа программаси» каби ажойиб асар нашр этилди, замонавий радикал-демократик тафаккур классиклари асарларини нашр этиш йўлга қўйилди, казо-казо профессорлар вилоятма-вилоят юриб маданият масалаларига доир лекциялар ўқидилар. Бу хилма-хил ва машаққатли ишлардан мақсад рус обивателларини европаликлар руҳида тарбия қилишдан иборат, токи ёшлар Маркснинг мубоҳасали таълимотини қўпол суратда қабул қилиб, анархизмни ёймоқ учун студентларни ишчилар орасига итарган одамларнинг маънавий зарарли таъсирига қарши тура олсин. Авантюристларнинг бу бемаъни ўйинининг халққа қандай қимматга тушганини ўзингиз биласизлар...

Самгин йўл устидаги чекка стулда ўтиргани учун олдинги беш қаторда диққат билан қулоқ солиб ўтирган хотинлар билан эркакларнинг энсасини яхши кўриб турарди. Олдинги қаторларда одамлар сийрак эди, бўш жойлар бор эди, Самгиннинг орқасида эса одамлар яна ҳам сийрак эди. Юқорида эса эликка яқин одам чурқ этмай ўтирарди.

«Уч йил бундан аввал бўлганда юқоридагилар ҳуштак чалиб лекторнинг обрўсини бир пул қилишарди»,— деб ўйлади Самгин зеркиб. Лектор тобора хушчақчақлик билан гапирса-да, барибир зерикарли эди.

— Асл маданий неъматларнинг яратувчиси ҳамиша хусусий мулкчилик инстинкти бўлиб, Маркс бунга сира инкор этмаган. Буюк донишмандларнинг ҳаммаси маданиятнинг асоси бўлган хусусий мулкни эъзозлаганлар,— деди барала доцент Пильников, ўнг қўли билан сув графинини пайпаслар ва энди қогоз эмас, балки аллақандай яшил китобча тутган чап қўлини ҳавода тобора кўпроқ силкитар экан.

— Масъулиятсиз критицизм бизни қаерга бошлаб бормоқда?— деб сўради у ва ўнг қўли билан китобчани чертиб қўйиб сўзида давом этди.— Бу китобча «XX аср

кишисининг тавбаси» деб аталади. Унинг муаллифи Ихоров: «Ўз ичингда лаборатория бунёд этиб, инсониятнинг бутун орзуларини, ўтмишнинг бутун инсоний орзуларини ўз ичингда сарагини саракка, пучагини пучакка ажрат», деб таълим беради. У Метерлинкнинг «Кўрлар»ини ўқиб, бутун инсоният басирдир, деган хулосага келган.

Шу вақт юқоридан йўғон қўпол овоз билан салмоқла-ниб айтилган сўзлар эшитилди:

— Э, бўлмаган гап! Уғирликни ҳам, тўғриликни ҳам кўзи очиқлардек қиламиз.

Лектор калласини силкиди, одамларнинг ҳам аксария-ти бошини кўтарди, бир нарса ёрилгандек зал виш-вишга тўлиб кетди, беш-олти одам турган заҳоти эшик томон йў-налди.

Самгин: «Жанжал чиқиши аҳтимол» деб мулоҳаза юритди ва лектор бемаъни гаплар билан жуда жиддий, жуда асосли фикрларни обрўсизлантираётганидан энсаси қотиб, у ҳам туриб кетди. Доцент Пильников тилга олган мавзуда Самгин ундан кўра ўткирроқ ва салмоқли фикр-лар айта оларди. Критицизмга қарши хуруж ва яшил қи-тобчадан келтирилган ўринсиз, аҳмоқона цитата унинг ай-ниқса энсасини қотирди.

«Ўқиб чиқиш керак,—қанақа нарса экан?— деб аҳд қилиб қўйди Самгин.

У панд-насихат қилишга, ақл ўргатишга, тавба қилди-ришга ишқибоз бачкана одамлар, аллақандай саёз, хилма-хил фикрларни юзаки акс эттирадиган совун кўпиги син-гари ҳавойи одамлар олға сакраб, ундан ўзиб кетаётганли-ги ҳақида хафа бўлиб ўйлади. У совуқдан жунжиб борар экан, ўйларди:

«Яқин ўртада қирққа кираман. Бу — умримнинг ярми-дан кўпроғидир. Болалик чоғимдан мени фавқулодда қо-билиятли деб тан олишарди. Бўлиб ўтган воқеалардан, одамлардан, ўз-ўзимдан бир умр қаноат ҳосил қилмай ке-ламан. Бундай қаноат ҳосил қилмаслик, мендаги улкан, маънавий кучнинг белгисигинадир балки».

Бу фикрлар уни авваллардаги каби у қадар осонликча хотиржам қилмади.

«Бутун ҳаётим робитасиз тасодифлар занжиридан иборат,— деб ўйлади у.— Ҳа, худди занжирдан...»

Уч кунни у одатдан ташқари бир кайфиятда, ўзидан ўпкаланиб, яна қандай воқеалар рўй беражagini кута-кута ўтказди. Суд Маринанинг ишларини талаб қилмас,

шахсан унинг ўзини ҳам чақиршмас эди. Тагильский ҳам келмаётганди.

Самгин: «Аҳмоқлар»,— деб сўкиб қўйди ва бу шаҳардан жўнаб кетишим лозимга ўхшайди, деб ўйлади.

«Зиёлилар — кўчманчи халқ бўлади. Яхши ҳамки менинг оилам йўқ».

Тушки овқат олдидан Тагильский кириб келди ва унинг биринчи айтган сўзи шу бўлди:

— Тамадди қиламизми?

У мундирга ўхшаш аломат, кул ранг сюртукда келган эди, бу либос уни бўйчан ва файзлироқ кўрсатарди. Тагильскийнинг кайфи чоғроқ эди, Самгин уни биринчи дафъа шунақа хурсанд кайфиятда кўриши эди.

Тагильский жавондаги китобларни кўздан кечирар экан:— Бунақа гадой топмас жойга қандоқ келиб қолганингизга ҳайронман,— деди.— Бу ерда ҳатто прокурорнинг ўзи ҳам одамгарчиликдан чиқаёзибди, буни қарангки, Верхарн билан Ведекинднинг фарқига бормаиди. Диабет унга азоб беряпти. Губернатор, тўққиз юз бешинчи йилдаги ҳамма воқеаларнинг сабабкори Короленко, деган ишончда. Қизлар гимназиясининг мудираси, граммофон билан кинематограф — хаёлий нарсаларга, охиратга ва умуман, бир балоларга ишончни тасдиқлайди, деб исботлагани исботлаган.

Шу гапни айтиб, у елкаси оша мезбонга боқар экан, тўсатдан сўради:

— Безбедовни эшитдингизми?

— Нима бўпти?

— Ўлибди.

— Нима бўлиб?— ҳаяжон билан деди Самгин.

— Юраги фалаж бўлибди.

— Жуда соппа-соғ кўринарди-ку.

— Юрак — маккор бир аъзо,— деди Тагильский.

— Жуда галати ўлим,— деди Самгин, боягидай ҳаяжон билан, ва ҳаяжонининг сабабини ўзи ҳам тушунмай.

— Бамаъни ўлим,— деди қатъий бир тарзда прокурор ёрдамчиси.— Бу ўлим Зотованинг ишини тамомила қулай ва қонуний бир тарзда ҳал этади. Ягона ворис ва жинойтда шубҳа қилинаётган одам орадан кўтарилди. Вориссиз мол-мулк давлат хазинасига топширилади ва пихини ёрган бир одам бундан фойдаланиб қолади. Тальма процесси, Пензадаги генерал хотини Болдиреванинг ўлдирилиши, Полтавадаги оғанин Святскийлар

процесси каби дув-дув овоза бўлган жиноий процесслардан манфаатдор кишилар ютқазишди. Жиноий ишдан сиёсий процесс ясамоқчи бўлганлар ҳам ютқазишди.

Тагильский бармоғи билан жавоннинг ойнасини чертар экан, ҳазиллашаётган каби бепарволик билан деди:

— Безбедовнинг ўлими сиз учун ҳам фойдали, ахир сиз судда ҳимоячи бўлиб қатнашмаганингизда барибир гувоҳ сифатида қатнашишга тўғри келарди сизга. Шуниси ҳам борки, сизнинг ҳимоячи бўлишингизга прокурор рози бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Самгин:— Нима учун?— деб сўради.

Тагильский истиҳола қилмай эспадн, туни билан эрталаб соат бешгача ишлаганини айтиб, яна гап сотаверди.

— Ўлдирилган одам билан сирли муносабатда бўлганингиз хусусида шаҳарда миш-мишлар юрибди. Айтмоқчи, сизнинг якка-ёлғиз яшашингизнинг сабаби шу. Давлатманд бир беванинг ўйнаши бўлиш сизнинг қўл-оёғингизни боғлаган бўлиши керак...

Самгин шу ўринда аччиқланиши лозимлигини англаб, газаб тўнини кийди:

— Бу қандай аҳмоқлик!

Тагильский эса ўтириб олиб, қизилиштон дарахт тешаётгандек гапни тарақлатаверди:

— Шу билан бирга ўйламангки, полиция департаменти бирон нарсани унутади деб, йўқ, бу мўътабар муассаса абадий қуввати хотирага эга.

— Нима демоқчисиз ўзи?— сўради Самгин, гарчи ҳожати бўлмаса ҳамки, кўзойнагини тўғрилаб.

— Буни қарангки, бир кимса ўз дўсти билан суҳбатлашаётиб, сизнинг Москва қўзғолони кунларидаги хулқатворингизга қойил қолиб гапирган.

Тагильский кўксига тутилган салфеткани тушиб кетмайдиган қилиб ўрнаштирар экан, изоҳ берди:

— Мен чақув ҳақида эмас, мақтов ҳақида гапиряпман.

Самгин меҳмоннинг башарасига қараб туриб: «Фирибгар»,— деб фикран уни сўкди, бироқ меҳмон тарелкадаги сиркаланган замбуругни олиш билан шу қадар банд эдики, Самгин уни: «Шунчаки бир маҳмадона бўлса керак», деб ўйлади. У овозига лоқайд бир ифода бермоқча ҳаракат қилиб:

— Менинг Москва қўзғолонидаги иштироким жойнинг топографияси билан боғлиқ — мен икки баррикада орасида қолган уйда яшар эдим,— деди.

Сўнгра, ортиқча бир гап айтиб юбордим, деган хавотирда, илова қилди:

— Мен ўзимни оқлаётганим йўқ, балки шунчаки изоҳ бериб ўтйпман.

Бироқ Тагильский Самгиннинг на ўзини оқлашларини, на изоҳларини эшитишга, чамаси, эҳтиёжи бўлмаса керак, тарелкадаги сирка билан хантални вилкада эринмасдан аралаштира-аралаштира, қўзиқоринни ана шу суюқликка беледи, кейин ароқ қуйиб, мезбонга бош ирғадида, ароқни сипқарди ва ҳузур қилиб томоғини қирди, бир неча бўлак қўзиқоринни оғзига солиб, пишилла-пишилла чайнаб, уни ютди, сўнгра иккинчи марта қадаҳни тўлдириб ниҳоят гапира бошлади:

— Бу... фавқулодда ҳодиса бошланганида, мен Мюнхенда эдим, ўшанда газеталар унинг тўғрисида французчадан қилинган таржима ҳақида гапиргандек жар солишди.

Тагильский яна қадаҳни бўшатди.

— Москвада шундай ҳодиса бўлганига ишонгим келмасди. Келиб-келиб хирсдан тўқ, давлатманд, ўзига мустақил, анча-мунча қолоқ, оддий бир шаҳар бўлган Москва инқилоб қиладими? Хаёлий бир гап бу, деб ўйлаган эдим. Аммо маълум бўлдики, хаёлий гап эмас, балки аччиқ ҳақиқат экан.

Тагильский тарелкага шўрва сузаётиб, янада қизишиб гапини давом эттирди:

— Бу воқеада большевикларнинг қандай роль ўйнаганини билмайману, лекин шуни эътироф қилишим керакки, улардақа душманни... кошкйди худо ҳаммага ҳам ато қилса! Хизматим туфайли мен баъзиларнинг берган гувоҳликлари билан танишиш, баъзи бировлар билан шахсан суҳбатлашиш бахтига — ҳа, гапимда кесатиқ йўқ! — шундай бир бахтга муяссар бўлганман. Жумладан, Пояров билан, — ёдингиздами у?

— Ҳа.

— Уни олис бир ерга беш йилга сургун қилишган эди. Сургундан қочган. Инсонлар ҳа билан йўқ ўртасида аросатда қолиб тез тинкаси қурийдиган бир ўлкада большевикларнинг — маҳкам иродали кишиларнинг бўлиши ниҳоятда фойдалидир. Эстетлар ва батартиб мактаб тафаккурининг ишқибозлари Лениннинг сиёсий таълимотини жуда қўпол таълимот деб ҳисоблайдилар. Лекин агар Ленинни диққат билан виждонан мутолаа қилинса, — э,

аттанг!— Тагильский қадаҳдаги ҳозиргина қўйилган ароқни столга тўкиб юборгани учун гапини кесиб қўйди. Самгин иштаҳаси бўғилгани ва бу одамга қарши газаби қайнаётганини сезиб, қошиқни стол устига қўйди ва салфеткани ёқасидан чиқарди.

«У мени тилимдан илтирмоқчи. Ёлғон гапиряпти. Масхаралаяпти, бу тўнғиз».

Самгин:— Антон Никифорович, сиз мени таажжубга соляпсиз,— деб эндигина гап бошлаган эдики, Тагильский яна қадаҳни тўлдириб, ҳазиломиз деди:

— Таажжубга соламан деб ўйламаган эдим, таажжублантирганимдан ўзим ҳам таажжубдаман.

Самгин газабини тийиб, унинг жонини оладиган сўроққа ҳозирланди:

«Сиз қонунни ҳимоя қилувчи бир киши бўла туриб, давлатнинг асосий қонунларини инкор этадиган таълимотни тарғиб қилувчи шахс тўғрисида қандай қилиб бу қадар хотиржамлик билан ва уни мақтагудай бўлиб гапирасиз?»

Тагильский шўрвани ичди, бир парча пишлоқ кесиб олиб, нонга ёғ сураб экан, бундай деди:

— Москва газеталаридан бирининг ходими бу ерга келиб, исковичлик қилиб юрибди. Сизнинг ҳам қўлтиғингизга қўл солиб кўрса ажабмас. Маслаҳат бераман, ёнингизга йўлатманг. Буни менга Пильников деган одам айтди, исми Аркашка, у ҳар нарсадан хабардор ва ўлгудай шақилдоқ одам. «Ҳаёт устози» бўлишга номзод ўзи,— ҳунармандчилик идорасида рўйхатга олинмаган шундай бир ҳунар ҳам бор. Унинг новгородлик зодагонлардан бўлган амакиси Новгородга яқин бир ерда ҳожатхоналар учун жиҳозлар ясайди.

«Бу гапларнинг ҳаммасини кулиб ёки заҳарини сочиб айтиши лозим эди»,— деб кўнглидан ўтказди Самгин.

— Асл бахтли одамнинг нодир нусхаси. Бир архиерей¹нинг жиянига уйланган, хотинининг исми — Агафья, Брокгаузнинг луғатида айтилишича, «Агафья — ҳақиқатда бўлган-бўлмагани шубҳали авлиё хотиннинг исми» — дид.

Овқатни санъаткорона маҳорат билан тушираётган Тагильский тобора лаби лабига тегмай гап сотарди, Сам-

¹ Ар х и е р е й — христиан черковларида юқори даражадаги руҳонийларнинг умумий унвони. (Тарж.)

гин эса заҳарли саволини беришга пайт тополмасди, газета ходими тўғрисидаги хабар ҳам уни бир оз ҳовридан тушириб, унинг Тагильскийга бўлган жонсарак қизиқувини яна авж олдираётганди. Самгин бу одам уни тобора гангитаётганини сезарди.

Самгинни инсонлар шунинг учун қизиқтирардики, у одамларга разм солар экан, ўзининг уларга ўхшамаслигини кўрарди. Самгин одамнинг кўрган-кечирганлари тўғрисидаги бир талай гапларидан асосий гапни тезда пайқаб, аниқлаб ола билар ва уларни керагида ишлата оларди. У бадий адабиётнинг ғоялари ва образлари ҳамда уларга берилган танқидий баҳолар унга осонликча ўзлашиб, хотирасида сақланиб қолишлигини кўрарди. Ана шу ғоялар ва мулоҳазалар асосида у ўзи билан бошқалар ўртасидаги фарқни аниқлаб олар ва ҳеч кимга тобе бўлиб қолмасликка ҳаракат қиларди. Тагильскийнинг фикрлари зиддиятли эди, шунга қарамай уни тилидан илантириб бўлмасди, лекин баъзан тобора бот-бот унинг гапларида, жуда бузилган ҳолда бўлса-да, аллақандай таниш фикрлар эшитилиб қоларди. Тагильский ҳам ана шу кўз илғамас ўхшашликни гўё сезгандай, бу билан Самгинни масҳара қилгандай бўларди.

Мана у, бузоқ этини маза қилиб туширди, тарелкадаги қайла юқини бир парча нон билан паришликлар каби тозалаб сиририб, оғзига тиқди-да, устидан вино ичиб юборди, сўнгра мамнун ҳолда қўллари билан лунжларини шапиллатди. Буларнинг бари унинг шанғиллаб гап сотишига моне бўлмаётганди ҳисоб, шунинг учун, унинг меъдасига тушаётган овқат ўша заҳоти ҳазм бўлиб гапга айланыпти, деб ўйлаш мумкин эди. У стулнинг суюнчиғига елкасини тираганча, қўлларини шимининг чўнтақларига суқиб гапирарди:

— Нега сиз бу ерда яшаяпсиз? Петербургда ёки жила бўлмаганда, Москвада яшашингиз керак. Петербургда кўчиб кетинг. У ерда менинг яхши бир ошнам бор, машҳур адвокат, ўзи янги славянофиллардан, яъни империалист, ватанпарвар, сал тентакроқ, хуллас — ҳайвонсифат бир одам. У мендан анча-мунча яхшилик кўрган, унинг, чамаси, уч ходими бор, лекин сизга ҳам яхши бир иш топилиб қолар. Ўша ёққа боринг.

— Ўйлаб кўраман,— деди Самгин ва: «Бу ердан жўнаб кетишим кимгадир керакка ўхшайди» — деб ўйлади.

Сўнгра у иш тўғрисида сўради:

— Яхши бир иш деб гонорар маъносида айтяписизми?

— Албатта, яна бошқа қанақа маънода бўлиши мумкин? Хўрланганлар ва таҳқир этилганларни ҳимоя қилишми, адолатни қарор топтиришми? Буларни профессорлар факультетлардаги лекцияларда тавсия этганлари билан лекин, биласизми, амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин эмас.

У дарҳол бир воқеани гапириб берди: бир содда дил ҳуқуқшунос Столипинга мактуб юбориб, аграр ҳаракатга бадавлат мужиклар раҳбарлик қилишган, бу «қулоқларнинг» помещиклар билан уруши эди, деб исботламоқчи бўлган экан, бу уруш камбағалларнинг кучи билан ва жуда эҳтиёткорона олиб борилган эмиш. Улжани тақсимлаш вақтида ўзи кичкина, лекин қиймати баланд нарсалар қулоқлар қўлига ўтиб, исини чиқармай гумдон қилинган, катта ҳажмли нарсалар эса камбағалларнинг қўралари ва уйларидан топилгани учун жазо отрядларининг бошлиқларига жинойтчи ким эканини кўрсатиб берган далил бўлиб хизмат қилган экан. Столипин бу мактуб билан танишиб чиқач: «Бу юморист Сибирга, олисроққа сургун қилинсин», деб буйруқ берган экан. Лекин юморист ҳаммомдан уйига қайтаётганда ўт ўчириш командасининг отлари уни босиб ўлдирган. Самгин бу гапни маъмурларнинг аҳмоқлигини кўрсатиш учун тўқиладиган латифалардан бири каби эшитди.

«Танқидий фикр юритадиганларнинг» кўҳна анъанаси,— деб ўйлади Самгин.— Ажабо, бу ҳам латифадан холи эмас экан...»

Унинг Тагильскийга муносабати шу куни айниқса кескин ва кишини толиқтирадиган бир тарзда ўзгариб турди. Самгиннинг меҳмонга қарши қаҳри ғазаби аланга олишга улгурмай ёниб кул бўлди, Тагильский у билан ўзи орасида бир ўхшашлик топгани ҳақидаги ёқимсиз фикр ўрнини бошқа мулоҳаза эгаллади: Тагильский нима учун уни Петербургга бориб яшашга унатмоқчи? У менга хайрихоҳлигини биринчи марта писанда қилаётгани йўқ, лекин нима учун? Бу савол уни шу қадар ташвишлантираётган эдики, ҳатто шундай бир фикр, яъни бу саволни прокурор ёрдамчисининг ўзига дангал бериш фикри дилдан ўтди.

Лекин Тагильскийнинг сархушликдан бўлса керак, қизариб ва хиралашиб кетган кўзлари хунук боқаётганди.

Самгиннинг узоқни яхши кўра олмаслиги бу кўзларнинг ифодасини дурустроқ аниқлаб олишига монелик қилаётганди. Бу кўзларнинг ҳатто ранги ҳам садаф каби нурдан ўзгариб тургандек эди. Аммо улардан деярли ҳамма вақт ҳийлакорлик ёғилиб турарди.

Самгин кўнгли ғаш бўлиб: «Ёлгончи кўзининг ўзгинаси»,— деган фикрга келиб, деди:

— Бугун кайфиятингиз дуруст кўринади.

— Сезияптими?— сўради Тагильский.— Ахир мен умуман... бадфеъл одам эмасман. Бугун эса бу ишнинг архивга топширилажагидан хурсандман.

У ўрнидан туриб, кенг қулоч ёзди, бу ҳол мақтаниб киноя билан айтилган: «Кўл қисқа!» деган сўзларни Самгиннинг ёдига солди.

Самгин меҳмонни кузатиб, унинг хатти-ҳаракатини салмоқлашда давом этар экан: «Студентга ўхшаб ўзини беандиша тутяпти»,— деб ўйлади, Тагильский эса, лунжларини яна оҳиста ва навозиш билан шапиллата-шапиллата хонада айланар экан, деди:

— Мен мунозара қилишни яхши кўраман. Болалигимдан шунга одатланганман. Баъзан, мунозара қилишга арзигудек одам бўлмаганидан ўзим билан ўзим мунозара қиламан.

Самгин эринибгина айтилган бу гапларга қулоқ солар экан: «Унинг қанақа кулишини ҳалигача кўрганим йўқ», деб хотирлади.

— Менинг бу одатим бир кун бориб бошимга бало бўлади. Ҳозир ҳам бир карра номим булганган одамман. Столипин Дума депутатлари бўлган ишчиларни қамоққа олиш ниятида эди. Бизнинг министрлигимизда бу қонунсизликка бир амаллаб қонуний тус бериш йўлини ахтаришар эди. Мен бўлсам бу хусусда бирмунча қалтис фикрлар айтганман. Ўшанда менга танбеҳ бериб огоҳлантиришган.

Тагильский тўхтаб, папирос чиқарди, уни бармоқлари билан эзиб, хийла индамай қолди.

Самгин унга гугурт узатаётиб: «Мендан бирор тамаси борга ўхшайди, бўлмаса — нега қулфи дилини очиб юборди?»— деб ўйлади.

Тагильский бош ирғаб, гугуртни олди, папирос бўлиниб кетди, уни кулдонга, гугуртни эса чўнтагига суқиб, гапини давом эттирди:

— Бу ерга мени ақли ҳушимни ва хулқ-атворимни

синаб кўриш учун юборишган. Лекин умидларини оқламаган бўлсам керак. Ҳа, айтгандай, буни гапирган эдим.

У столга яқин ўтирди-да, яна индамай қолди ва шошмасдан папирос тутатди.

— Истеъфога чиқишни ўйлаб юрибман. Сизларнинг қаторингизга қўшилиб, адвокатлик қилгим йўқ,— профессионал либераллар... аҳли орасида менга поқулай бўлади,— пардон! Ғайри расмий хизмат қилганим маъқул. Сапоатда. Уралнинг бирор ерида ёки Уралнинг нари ёғида. Уралда бўлганмисиз?

— Йўқ.

— Эҳ,— деб хўрсиниб қўйди Тагильский ва Уралнинг гўзалликлари тўғрисида ҳатто бир қадар завқ-шавқ билан гапира бошлади. Унинг гаплари ва унинг оҳангидаги масхаралашга ўхшаш бир нарса йўқолган бўлса-да, Самгин ҳали яна пайдо бўлади, деган хавотирда эди. Меҳмон гап сотавериб Самгиннинг энсасини қотириб, толиқтириб юборди. Унинг бутун гапларини мезбон ёлғон-яшиқ ва муҳимроқ бир нарсанинг даромади деб тушунди. Бирдан шундай бир савол туғилиб қолди:

«Унинг ўрнида бўлсам, ўзим нима қилардим?»

Бу қутилмаган савол бўлгани устига ёқимсиз ҳам эди, шунинг учун Самгин уни дарҳол даф этиб, ўзига-ўзи жиддий йўсинда деди:

«Биз бутунлай бошқа-бошқа одамлармиз».

Тагильский эса чекаётган папироси билан дирижёрлик қилган ҳолда ҳавода мовий тутун билан нақшлар чизачиза гапирарди:

— Асл сибирлик жуда жўн ва жиддий одам, ҳаётда ўз ҳақ-ҳуқуқини топишдан бўлак нарса билан иши йўқ. Толстойчилар, жамики тавба-тазарру қилганлар ва умуман, маҳмадоналар у ерда кун кўролмайди. Модомики, ҳаётнинг асосий қонуни кураш экан, демак ҳар бир кимсанинг юзсизлик қилишига ва шафқатсиз бўлишига ҳаққи борлигини у ердагилар тушунишади.

— Ҳм,— деб қўйди Самгин.

— Ҳа, ҳа, тушунишади!

Тагильский манзара тасвиридан энди майшат мавзуига кўчганида, унинг сўзларига Самгиннинг эътибори яна ҳам кучайди, у энди ўз олдига муайян мақсадни: фикрлардаги ўхшашликка эътироз билдириш ва улар ўртасидаги фарқни топиб, шуни маҳкам ушлаб олиш мақсадини қўйди.

«Во гресех роди мя мати моя»¹, бас, унинг ўзи жавоб бераверсин,— мен эса гуноҳ қилавераман,— Самгиннинг қулоғига шу гаплар кирди.— Куни кеча бу ерда Аркашка Пильников...

— У ҳали ҳам шу ердами?

— Ҳа. У аслида бу ерга ақл соҳибларига илм-маърифат бериш учун эмас, балки курсистка² сингисининг никоҳ тўйини ўтказиш учун келган эди, сингиси бу ерлик Едоков, йўғ-э, Ездоков деган катта бойнинг ўғлига эрга тегди...

— Избековнинг ўғлига денг,— деб унинг гапини тўғрилади Самгин.

— Агар бу яна ҳам баттарин бўлса, шундай бўла қолсин,— деди Тагильский.— Хуллас, Аркашка, тўй базмидан кейин, ҳали кайфи тарқаб бўлмаган кўпаслар қаршида қулфи дилини очиб юборди, ўзининг: «Дин — хулқатворни идора қилувчи восита» деган мавзуда қиладиган лекциясини Разуваевларга шарҳлаб берди. Мережковскийнинг «Диний-фалсафий мажмуа»даги доклади бўйича Толстойнинг дин, фан, санъатга қарши бутун гуноҳларини бирма-бир санади, Левнинг «қари бўғзига совун суртилган сиртмоқ солиш» ҳақида унинг гапини хотирлади ва буларнинг барини виждон хасталиги, деб изоҳлади. Ҳа, виждон. Сўнгра, оташин бир эътиқод билан Русь бора-бора муқаррар равишда теократик давлат қуражagini айтди ва яна алланималар деб валдиради.

Тагильский чекиб бўлган папиросини кулдонга босмоқ учун ўрнидан турди-да, кулдонни тўнкариб юборди.

Самгин: «Маст»,— деган фикрга келди.

— Лекин кўпаслар унинг гапларини шу зайлда эшитишардики, гўё худди у молия министрлигининг операциялари ҳақида гапирарди. Албатта, нодон одамларни тааж-жублантирмоқ ҳеч гап эмас, лекин зиёлиларнинг қандай кўрқиб кетганини кўрсангиз эди, Самгин!— у оғзини очиб, сариқ тишларини кўрсатди.— Мен Аркашка тўғрисида гапираётганим йўқ, у ғирт аҳмоқ, аҳмоқ одам ҳеч балодан кўрқмайди, бу эртаклардан маълум нарса. Мен умуман зиёлилар хусусида гапиряпман. Кўрқиб кетишди. Адабиётчилар шунақаям ув солишдики, асти қўяверасиз.

¹ Маъноси бундай: «Онам мени гуноҳларга ботиб туққан». (Тарж.)

² Курсистка — инқилобдан бурунги Россияда хотин-қизлар олий курсининг толибаси. (Тарж.)

У жилетининг чўнтагидан соатини чиқариб, циферблатга қарар экан, эринчоқлик билан гапини давом эттирди:

— Достоевский баҳайбат, оғир рус ақлининг жўшқин, газабкор дангалпарастлигини зиёлиларнинг, жумладан, Толстойнинг ҳам жуда характерли хусусияти деб ҳисоблар эди. Бемаъни гап. Қани, унинг дангалпарастлиги? Дангалпарастлик бўлгудек бўлса, у қўрқув оқибатидир. Зиёлилар қўрқса борми, «кўзи тушган томонга» шаталоқ отаверади. Шу билан вассалом.

У ўрнидан туриб гандираклади.

— Ҳа, роса гап сотдим. Ярим йилга етар дейман?— сўради у, соатнинг қопқоғини қарс этиб ёпар экан.— Сиз... ажойиб соме экансиз! Сир бермайин, деб индамаяпсизми ёки мендан нафратланяпсизми?

— Гапларингиз жуда мароқли,— жавоб берди Самгин, Тагильский унга қамти келиб, кутилмаган бир гап айтди:

— Мен бошқалардан, шу жумладан, Гоголлар, Достоевскийлар, Толстойлардан кўра кўпроқ ўзим учун актёр бўлсам керак.

У яна сариқ тишларини кўрсатди.

— Биламан, бу ёмон нарса. Одам нима қилиб бўлса ҳам ўзи-ўзига ёқишни истаса, ёмон бўлади, негаки, аҳмоқ эмасмиканман?— деган савол ҳамиша уни ташвишлантириб туради. Яна шунинг ҳам фаҳмига борадики, агар аҳмоқ бўлмаса, ўзи билан ўзи, ўзи учун бу зайлда ўйнашиш одамни ёмонроқ аҳволга солиб қўйиши мумкин. Тушуняпсизми?

— У қадар тушунмаяпман,— деди Самгин.

Тагильский қўлини силкитди:

— Ишонмайман. Тушуниб турибсиз. Петербургда кўчиб боринг. Жиддий айтяпман. Бу ер ҳувиллаган бир жой. Эртага мен жўнайман...

У кетгунича Самгинни толиқтириб, қийнаб юборди. Самгин ўзини диванга ташлаб, кўзларини юмди-да, бирмунча вақтгача ҳеч нарсани хаёлига келтирмай, кутилмаган «ўзим учун актёр», «ўзи билан ўзи ўйнашиш» деган сўзларнинг маъносини чақмоқчи бўлди. Сўнгра, Тагильский уч дафъа келиб-кетганида айтган ҳамма гапларни бирма-бир ва шошилишча ипга чизиб, ўзига таскин бермоқчи бўлди:

«Тўғри: у актёр. Лекин ўзи учунми? Йўқ, албатта, у мен учун, мен билан ўйнашмоқ учун актёрдир. Умуман, ким билан ўйнашиш мароқли бўлса, у ўша билан ўйнашиш учун

актёрдир. Хўш, мен билан ўйнашиш нима учун мароқли бўлди экан?»

Самгиннинг кўз ўнгида калтагина қўлларининг қирми-зи бармоқлари билан юзларини эркалаб силаётган гип-гипалоқ, миқти бир одамнинг қомати липиллаб турарди, бу одамнинг хунук, ёғ босган юзи ҳаракатсиз бўлиб, қизарган маст кўзлари унга ҳаёсиз боқарди.

«Қадди-қомати-ю, афти башараси қизиқчининг ўзгина-си, лекин унда кулгили ҳеч нарса йўқ. У ёвуз одам, буни ўзи ҳам яширмайди. Хавфли одам у». Бироқ Самгин ўз таассуротларини элақдан ўтказиб, бу одамнинг нимасидир ўзига ёқишлигини эътироф этишга мажбур бўлди.

«Мен маҳмадона одамларга кўп дуч келдим, баъзан улар менда ҳасадга яқин бир ҳис уйғотди. Мен нега ҳасад қилдим? Бу одамларнинг фикрларидаги бутун зиддиятларни бир ипга тизиб, уларни бир калима билан ифодалай олишларига. Аслида, фикр эркинлиги устидан бу хил зўрлик ва зўрликка ҳасад қилиш — аҳмоқона бир нарса. Бироқ бу одам...» — Самгин бу кашфиётидан ўзи ҳам тааж-жубланиб таъби хира бўлди, лекин Тагильский тўғрисида нақадар кўп ўйлаган сайин майхоначининг ўғли ўзига хуш келишига шу қадар кўп ишонч ҳосил қилаверди. «Унинг нимаси ёқади? Авлодидан чиққан илк зиёли бўлганлиги-ми? Зиддиятларни яхши кўришимиз? Нияти бузуқлигимиз? Йўқ. Булар — бошқа нарса».

«Ўзи учун актёр» ҳақида, «ўзи билан ўзи ўйнашиш» ҳақида у эслаб ўтирмади.

Ўзини жуда безовта қиладиган фикрларни дилига тугиб юришга одатланмаган Самгин уларни осонликча унутарди-қўярди. Лекин Тагильский ҳақидаги хотиралар унинг миясига маҳкам ўрнашиб қолганди, у ана шу чалкаш-чулкаш хотираларни ҳар сафар бажону дил назардан кечираркан, Лютовдан ва бошқа хонаки сафсата ишқибозларидан кўра Тагильский унда кўпроқ таассурот қолдирганига ишонч ҳосил қиларди.

Кейинги кунларда у ҳақиқатан ҳам бу шаҳарда қолмаслиги кераклигига ишонч ҳосил қилди. Бир нарса аниқ эди: шу ерлик адвокатлар орасида, балки баъзи обивателлар орасида ҳам унга шубҳали ва душманларча муносабат кучайиб боряпти. У билан шу тариқа саломлашар эдиларки, шапкаларини бошларидан олар эканлар, гўё бу билан унга марҳамат қиляптилар, лекин аслида у бунга лойиқ эмасдек эди. Карта ўйнагани уникага келиб турган ёрдамчилардан

бири унинг таклифини совуққина рад қилиб қўя қолди. Гудим эса, суд коридорида у билан учрашиб қолиб, томоқ қириб сўради:

— Петербургдан келган анави прокурор билан кўпдан танишмисиз?

— Ҳа.

— Уҳ-ў! Совуқ жуда забтига оляпти-ку!

«Э, борсанг-чи, аҳмоқ чол,— деб ўйлади Самгин ва кулиб қўйди:— Ҳақиқатан ҳам Тагильский буларнинг жонига теккан кўринади».

У одамлардан унчалик ранжимаслик учун уларни назар-писанд қилмас, лекин одамлар унинг бу шаҳарда ортиқча бир киши эканлигини ҳадеб сездирганлари сездирган эди. Алалхусус, суд ходимлари деярли ҳар куни майда жиний ишларни давлат ҳисобидан ёқлашни унга юклаб, унинг граждан процессларини кечиктирганлари кечиктирган эди. Буларнинг бари уни баъзи бир кийимлари, мебели, кераксиз китобларини сотишга ажратишга мажбур қилди ва бир куни кечқурун у емакхонада тўплаб қўйган нарсалари орасида қўлларини чўнтакка тиққанча фикран ўқий бошлади:

Сеҳрли дунёнинг худосиман мен,
Бутун дунё менинг орзумда фақат.

Бу мисралар беихтиёр бошқа мисраларни унинг ёдига солди:

Нима менга тўсиқдир
Агар шартта бу онлар,
Уйиним истаганча
Бунёд этсам жаҳонлар?

Шу ўринда Самгин Иероним Босх расмларида тасвирланган дунёни хотирлади, сўнгра, ўйладики, ажойиб шоир, лекин «асир мутафаккир» бўлган Фёдор Сологуб бир ғояга — ҳаётнинг бўлмағурлиги ва маъносизлиги ғоясига қул бўлиб қолган.

«Фикрга бу хилда асир бўлмоқ унинг истейдодини чегаралаб қўяди, ёзганларини такрорлашга мажбур этади, шеърларини ҳаддан ташқари ақлғўй, мантиқан зерикарли қилиб қўяди. Бу баҳоимни ёзиб қўйишим лозим. Сўнгра, Достоевскийнинг «Шайтонлар»ини «Шайтонча» билан му-

қояса этиш керак. Энди китоб ёзсам бўлади. Уни «Ҳаёт ва тафаккур» деб атайман. Фикрнинг турмушга тазйиқи ҳақида, ҳаётнинг эркинлиги ҳақида ҳали ҳеч ким асар ёзмаган».

Лекин шу ўринда Самгин Иван Карамазовнинг: «Мантиқдан аввал ҳаётни севиш керак» деган маслаҳатини хотирлаб, қовоғини солиб олди.

Самгин кабинетига ўтаётиб: «Яна бир карра эслатиб қўяйликки, Чеховлар ва бошқа адабиёт халафлари ўргатган каби инсон келажак учун эмас, балки ўзи учун яшашга ҳақли,— деган фикрга келди.— Ҳаётни келажак учун бир босқич деб ҳисоблаган позитивистлар устидан қирқинчи йиллардаёқ Герцен кулган эди. Икки юз, уч юз йилдан кейин гўзал ҳаёт ваъда этган Чехов, содда диллик билан: «инсон яхшироқ нарсалар учун яшайди» ва «инсон деган сўз мағрур янграйди»,— деб даъво қилиб шармандаси чиққан Горький,— буларнинг бари Огюст Контнинг сийқаси чиққан позитивизми тарғибчиларидир. Бу назария яшада хунук тусга кириб, марксизмгача ўсиб етилди...»

Самгин сесканиб кетди, назарида ёнида биров тургандек бўлиб кўринди. Бу, кўзгунинг совуқ сатҳида акс этган унинг ўзи эди. Кўзойнаги бўлгани учун хира кўринган мутафаккирнинг кўзлари унга диққат билан боқиб турарди. У кўзларини сал қисган эди, улар нормал ҳолга келиб қолди. Самгин кўзойнагини олиб артар экан, «ер юзида тинчлик-омонлик ва одамларнинг мурувватли» бўлишини ваъда қилган кишилар тўғрисида яна ўйлади, сўнгра, йўл-йўлакай, кимдир — Ницшемикан?— инсониятни «кўп бошли разиллик аждаҳоси» деб атаганини хотирлади ва стол ёнига келиб ўтириб, ўз фикрларини ёза бошлади.

Орадан икки кундан кейин у ҳамёнида 383 сўм пул, ёнида икки, багажда бир чамадонни билан иккинчи класс вагонда ўтириб, ўйлаб борарди:

«Агар пулларимни ўғирлатсам ёки йўқотсам,— Петербургга қуп-қуруқ кириб бораман».

Қирқ йилча яшаб, шундан ўн йилча судда ишлаб, йиққани қора чақа бўлгани алам қилаётган эди унга. Жуда яхши муқовали элликтача қимматли китобларини сотиб юборганидан ҳам хафа эди.

Самгин тушган иккинчи класс вагонда одам оз эди, поезднинг тарақ-туруғи орасидан Пильниковнинг шанғироқ таниш овози қулоғига кирди. Приват-доцент замзама билан:

деб, бурро-бурро шеър ўқир, сержаҳл бир озам эса йўгон овоз билан қичқирарди:

— Нима бало — одеколон тўкиб юбордингизми? Нафас олиб бўлмаяпти!

Вагонда дам дудланган чўчка гўшти, дам этик мойи, дам қовурилган гўштининг ҳиди анқирди, дераза орқасида, оқшомги гира-ширада қорли тепалар, қора дарахтлар гиз-гиз ўтар, аллақандай новдалар, бамисоли поездни савалаётгандек бўлиб, силкиниб турар, Самгиннинг орқасида эса, биров йўтала-йўтала, қаттиқ-қаттиқ томоқ қириб, маъюсгина гапирарди:

— Бир ингушни ўлдиришди, биттасини ярадор қилишди, қолган учта ярадорни ҳам шаҳарга, касалхонага олиб кетишиб, ғойиб бўлишди...

Пильников тантанавор бир тарзда гапирарди:

— Хоним, ҳар қалай сиз борлиқнинг маъноси масаласини қандай тушунасиз? Илоҳиётми ёки инсониятми?

Самгиннинг қаршисида малла чўққи соқолли, оёқлари узун бир киши кўзларини юмиб, қўлларини боши остига суқиб, осмонга қараб ётарди. Пильниковнинг бақирғи уни уйқудан уйғотиб юборди, у оёқларини полга осилтириб ўтириб, мовий кўзлари билан қўрқа-писа Самгиннинг юзига боқди ва бировга ёрдам беришга шошилгандай бўлиб отилиб коридорга чиқди.

— Келишмовчилик худди ана шу ерда рўй бермоқда,— деб бақирарди Пильников.— Ғирт материалистик, ваҳшиёна маданиятнинг фойдасини деб, биз диний, христиан негизда қурилган руҳий маданиятдан воз кечяпмиз,— воз кечяпмиз ё кечмаяпмизми?

Бирдан одеколон ҳиди бошқа ҳамма ҳидларни босиб кетди, Пильниковнинг гапи эса зўраки йўтал ва дағдаға билан айтилган гап ичида кўмилиб кетди:

— Уларни қалтаклаб ўтирмай, қўлларини кесиш керак эди, қўлларини!

— Лекин ҳар ҳолда каноп лоси галстуклари билан уларнинг юракларини ёришди.

— Хўш, зарарлар-чи? Буни ким тўлайди менга?

Пильниковнинг музаффарона овози яна эшитилди:

— Сиз билимнинг ростлигига аминмисиз? Хўш, бу ерда илмнинг нима дахли бор? Илмий этика йўқ, бўлиши

ҳам мумкин эмас, бутун дунё эса этикага зор, буни эса фақат метафизика ярата билади, холос!

Самгин кераксиз фикрларни миясига зўрлик билан тиқиштириб уни заҳарлаётганларини сезиб: «Боши кети йўқ гаплар...» — деб қўйди ичида.

Яқин-яқинларда у одамларнинг олди-қочди гапларини эшитишни яхши кўрарди, у поездлардаги сергап йўловчилар, ресторанлардаги меҳмонлар унинг билганларини асл ҳаётий ҳақиқатлар билан бойитиб, китобий қуруқ гапларга жон бағишлашига амин эди. Лекин у одамлардан бениҳоя кўп нарса ўрганганлиги учун ўзини тўлиб-тошиб кетган, толиққан ҳис қилар ва энди унга кўрган-кечирганлари, эшитганларининг барини бир қолипга солиб, ўзининг оригинал системасини яратиш вақти етгандек бўлиб кўринарди. Аммо шу топда чала ёпилган эшик-деразалардан ғуриллаб шамол кириб турганидек, ортиқча, кераксиз, лекин гўё нотаниш гаплар унга ором бермай суқилаётганди. Пильников қирмизи юзини яшил китобча билан тўсиб олиб; манави сўзларни ўқигани ёдига тушди:

«Мен кўрлар уйда бу бахти қораларнинг қаёққа боришларини билмай, қўлларини олдинга узатиб юрганларини ўз кўзим билан кўрганман. Лекин бутун инсоният ҳам шундай кўр эмасми, улар ҳам ер юзидан ана шундай пайпаслаб юрмайдиларми?»

Самгин ўзига-ўзи: «Қаёққа бораётганимни, нимани истаётганимни мен биламан», — деди.

Малла соқолли оёқлари узун киши коридорда кўринди, кул ранг шол рўмол ўраган барваста бир хотин уни туртгандай бўлди.

— Тушунасанми? — хотин йўғон овоз билан секингина, лекин жуда аниқ қилиб сўради. — Шундоққина марказда.

— Ишонмайман, — ғўлдиради Самгиннинг қўшниси.
— Ҳа, ҳа! Провокатор партия марказининг ўзидан аниқ нарса бу!

Хотин қўли билан новча кишини четлаштириб, вагоннинг у бошига ўтиб кетди, киши эса бир гандираклади-да, Самгиннинг рўпарасига ўтирди ва лабини тишлаганча бир неча сония Самгиннинг юзига маъносиз қараб турди.

Самгин: «Ҳозир гапира бошлайди», — деб ўйлаган эди, бироқ шу пайт проводник келди-да, шам ёқди, ташқари қоронғилашди, бир нарса тарақлаб кетди, биров чойнагини қўлидан тушириб юборган бўлиши керак. Сўнгра вагон

жимжит бўлиб қолди-ю, доцентнинг қулоқни тешгудек овози яна ҳам аниқроқ эшитила бошлади:

— Масала социал жиҳат «мен»лигимизнинг эркин ўсишини бўғаётган, кўр ва маҳдуд этаётган бир даврда, индивидуал жиҳатни социал жиҳат билан қандай муросага келтириш устида эмас, балки масала шундаки, аслида муросага келтириш лозимми ўзи?

Самгиннинг қўшниси ёлворувчи овоз билан:— Гугуртингизни бериб туринг,— деб проводникдан илтимос қилди; у эпсизлик билан папиросини ёндиргунча Самгин орқасини унга ўгириб, диванга чўзилиб олди, у Пильниковнинг оғзига дастрўмолини тикиб, овозини ўчиргиси келаётганди.

Самгин Петербургга совуқ забтига олиб турган эрта-лабки аёзда етиб келди. Подшо Александрнинг бронза шапкаси ва кенг елкасида қиров порларди, Адмиралтейство найзаси қизариб кетгунча қиздирилгандек кўринар ва худди қишки оппоқ қуёшга ишора қилиб тургандек эди. Самгин бир неча кунгача музейма-музей тентиради, кечқурунлари театрларда бўлиб, улкан шаҳарнинг кўпдан-кўп аҳолисидан ўзининг мустақиллигини ҳис этиб хушҳол бўлиб юрди. Суратлар, қадимий нарсаларнинг ранго-ранглиги, антиқа шакллари кўзни қувонтирса-да, одамни толиқтирар, лекин хуш ёқар эди. Театрлардаги артистлар севги ҳақида, ҳаёт ҳақида аллақандай мужмал, енгил-елпи гаплар айтишарди.

Самгин: «Иш ахтариш керак»,— деб ўзига эслатди-да, яна Эрмитажнинг беҳисоб залларини кезиб, хилма-хил нарсаларни кўздан кечирар экан, кўраётган нарсалари ундан савол сўрамай, жавоб талаб қилмай, улар ҳақида ўзи хоҳлаганча ўйлаш ёки ўйламасликка имкон берганидан хурсанд эди. Клим Иванович Самгин санъат ҳақида эмас, балки ҳаёт ҳақида бемалол ва ўзига таскин бериб ўйлардики, бу ҳаётда у ҳеч нарсани бой бермаяпти, балки аксинча, ўзининг тутган йўли нанки тўғри, ҳатто қаҳрамонликларга тўлиқ эканлигига тобора ортиқ ишонч ҳосил қилиб боряпти, лекин у фактларнинг ички маъносини чақишни, улардаги бирликни излашни билмас ёки буни истамас, балки ҳатто бундан чўчирди ҳам. Фикрларнинг бир хиллиги, ҳатто ўхшашлиги ҳам уни таҳқир этишлигини, бир хиллик даражасига тушириб хўрлашлигини тез-тез ҳис этиб турарди. Унинг шахсий турмуш тажрибаси ҳали ўзига хос шакл касб этмаган, лекин касб этиши керак эди. Клим Самгин болалик чоғидаёқ фавқулодда қобилият эгаси деб эътироф қилинган, буни у унутмаган, унута олмас ҳам эди, чунки ўзидан

буюкроқ одамга у ҳали дуч келмаган эди. Одамларнинг аксарини еб-ичиш, насл орттириш ва мол-мулк йиғиш каби жўн ишларга муккасидан кетган жоҳил кишилардир, бу кишилар оммаси устида ва бу омманинг орасида ивирсиб юрадиган кишилар бор, улар баъзи гапларни топиб олиб, ўзларини консерваторлар, либераллар, социалистлар деб атайдилар. Улар народниклар, толстойчилар, анархистлар ва сонсаноксиз бошқа тўдачаларга бўлиниб кетганлар, лекин бу ҳол уларни улуғлаштирмайди, балки яна ҳам бачканалаштиради, яна ҳам мароқсизлантиради. Бундай кишиларнинг ҳар қандай сафига кириб, уларнинг ақидасини қабул қилиш — ўзининг фикр эркинлигини чегаралаш демакдир. Самгин дераза қаршисида туриб папирос чекар ва тобора асаби қўзиб, уни шоширар, қаергадир ундар эди. Ташқарида гупиллаб қор ёғар, дераза ойнасига тирмашаётган кўкимтир папирос тутуни кўзларини ачиштирар, бурун катакларини қичиштирарди. Самгин қимир этмай, мана ҳозир ҳеч кимнинг ақлига келмаган фавқулодда, янги ва соф бир фикр туғилади, деб кутарди, бу фикр гўё унга чалкашликлар устидан устунлик ҳиссини бағишларди.

«Ҳар қандай ақида идрок этилади, албатта, лекин ақоид — эркин фикр устидан муқаррар зўрликдир. Лютов мустақил фикрлайдиган одам эди, лекин у ҳаётдан қўрқиб яшади, шу қўрқув унинг бошига етди. Ўзи хон, ўзи бек ягона одам — Марина эди».

Бироқ у оёқ устида туриб чарчади-да, креслога ўтирди, лекин ҳар нарсани ҳал этишга қодир бояги эркин фикр миясига келавермади, аччиқ билан Варваранинг олдига йўл олди.

У тушган фйтон тахта тўшалган кўчадан совуқ оппоқ қор тертини босиб, от туёқларининг бўғиқ дупур-дупури, филдиракларнинг шовқин-сурони остида имирсилаб борарди, ҳўл қор зарралари Самгиннинг кўзойнагига ва ёноқларига ёпишарди, — буларнинг ҳеч бири уни ҳовридан туширолмасди.

«Нега боряпман, пишириб қўйибдимиз? Бемаънилик...»

Варвара креслодан туриб, гандираклаб кетди-да, кресло суйанчигини ушлаб қолди ва қўрқув ичида заифгина овоз билан:

— Йўқ, йўқ, бери келма! Ўша ерда, мендан узоқроқ ўтира қол, юқтирмайин деб қўрқаман. Грипп... ёки бирон бошқа касал бўлсам керак, — деди. Бу ҳолни кўриб Самгин довдираб қолди.

У Варваранинг ҳарорати, доктор келган-келмагани тўғрисида сўраб-суриштирди, шундай ҳолларда айтилади-ган — кўнгилни кўтарадиган бир-икки оғиз гап айтди, сўнг-ра Варваранинг юзига диққат билан боқиб:

«Ҳа, анча-мунча касал»,— деган фикрга келди.

Варваранинг қизил доғ босиб кетган юзи ловиллаётган-дек кўринарди, яшилсимон кўзлари ёқимсиз порлар, овози ортиқ даражада чийиллар ва гўё ҳаяжонли эшитилар, у ҳуштак аралаш қуруқ йўталарди.

Варвара юзини самовар орқасига яшириб:— Чой ичганим ичган,— деди.— Қон ўрнига, майли, сув қайнай қолсин танамда. Узинг биласанки, мен қўрқоқман, касал бўлдимми, ўламан, деб қўрқаман. Уламан, деган сўз рус дилига ёт, нақадар жирканч сўз.

— Сен соғлом одамсан,— деди Самгин.

— Йўқ,— деб эътироз қилди Варвара.— Мен кўпдан буён касалман. Гинеколог-профессорнинг айтишича, менинг ҳаётим қил устида. Абортнинг, албатта, асорати қолади, деган эди у.

«Утмишни ковлаштира бошлайди энди»,— деб ўйлади Самгин гижиниб ва ижозат сўрамай, папирос ёндирди, Варвара қўлини чўзиб:

— Менга ҳам бер,— деди.

У папирос чеккач, яна ҳам тез-тез йўтала бошлади, ammo йўтал унинг гапиришига монe бўлмаётганди.

Варвара:— Бирам димоғдор, виждонсиз, мушукдек жирканч, юмшоқ, сип-силлиқ,— деб гинекологдан алам олди, лекин бу гапларини етарли бўлмади, деб билган бўлса керак, илова қилди:— толстойчи, насихатгўй, муккадан кетган қондапараст. Толстойнинг ахлоқ назариясидан аллақандай алоҳида одамлар фойдаланадилар... Ғазабкор ва лоқайд худога ишонганлар. Ногайцевга ўхшаш бачкана товламачилар ҳам. Ургилай сендан, Ногайцевга асло ишонма — у виждонсиз, очкўз ва умуман, ярамас одам.

— Тўғри айтяпсан, деб ўйлайман,— деб Клим унинг гапини маъқуллади; Варвара икки марта бош ирғаб қўйди.

— Тўғри, тўғри, биламан...

Варваранинг қўлларини кўриш Самгин учун тобора ёқимсиз эди,— пушти садаф каби ялтироқ, яхшилаб тозаланган, учи найза тирноқли бу қўллар дам-бадам жонсараклик билан чой қошиққа, қанд қисқичига, чашкага ёпи-

шар, тўқ сариқ ипак халатнинг у ёқ-бу ёгини бўлар-бўлмасга тузатиб шалдиратар, қирмизи қулоқларини, тўзиган сочларини пайпасларди. Булар бари Самгиннинг диққатини шу қадар тортдики, у хотиннинг юзига қарамай қўйди.

— Бу ер жуда расво шаҳар! Москвада ҳамма нарса оддий ва қулай... Ҳавосининг илиқлигини айтинг. Охотний ряд, Бадий театр, Воробьев тоғлари... Москвани олисдан ҳам томоша қилса бўлади, билмайман, Петербургни баландликдан кўриб бўладими-йўқми, бунга имкон борми ўзи? Тошдан бунёд бўлган бу шаҳар бирам ясси, бирам ясси, бирам баҳайбатки... Биласанми, Стратонов: «Биз сиёсатчилар ёғоч-тахтадан қурилган Россияни харсанг тошдан қураимиз», деган эди.

Самгин эшик-деразаларига қалин пардалар тутилган, йиғиштирилмаган кичкина хонани кўздан кечирар экан: «Нима гап — алаҳлаяптими ўзи?» — деб ўйлади; уй ичини шу қадар дори-дармон ҳиди тутиб кетган эдики, тамаки ҳиди ҳам уни босолмаётганди.

— Ўйлайманки, ҳеч ерда одам ўзини бу қадар якка-ёлғиз ҳис қилмайди, — шошилиб гапирарди хотин. — Эҳ, Клим, ёлғизлик нақадар азоб! Инқилоб одамларда ёлғизлик ҳиссини даҳшатли бир суратда кескинлаштириб ва авж олдириб юборди... Бунинг оқибатида кўпчилик ваҳшийланиб кетди. Ҳалиги, урушда талайдиганларни нима ҳам дейишарди? Жангдан кейин-чи?

— Кафандўз дейишади, — деди Самгин.

— Ҳа, шунақа — кафандўз бўлиб кетган...

— Буни гапирган эдинг, — эслатди Самгин.

— Даҳшат бу, Клим... — деди Варвара пишиллаган овоз билан шивирлаб.

Самгин хотиннинг талвасали қўл ҳаракатларини кузатар экан: «Касали жиддийгина, — деди ташвишланиб. — Худди йиқиляётган ёки чўкаётганга ўхшайди», — бу муқояса унинг ташвишини яна ҳам орттирди. Варваранинг гапини англаб олиш эса тобора қийинлашаётганди:

— Хабаринг бордир, албатта — мен Стратоновга кўнгила қўйгандим.

— Йўқ, билмасдим буни, — деди Самгин ва бундай демаслиги кераклигини дарҳол фаҳмлади. Лекин бир нарса дейиши керак эди-ку ахир?

— Одоб юзасидан шундай деяпсан, — деди Варвара антика-антика. — Эҳ, қандай қабиҳ, қўпол ҳайвон экан

Стратонов... Масон¹. Аблаҳ одам... Бой хотинлар учун... Сен мағрурлигингдан шундайсан. Пок ва виждонлисан. Сенда мардлик... ҳаёт билан келишмаслик одати бор...

У бирдан индамай қолди. Самгин салгина ўрнидан туриб, Варварага боқди-ю ўша ондаёқ чўчиб қаддини ростлади,— хотин ўзининг табиий ташқи қиёфасини йўқотиб, креслога ёйилди, калласи мадорсиз ҳолда кўкраги ўстига эгилди, унинг кўзлари чала юмилган, ёноқлари ғалати қорайган, бир қўли тиззаси устида, иккинчиси эса креслонинг тирсаги оша осилиб қолган эди.

Қўрқувдан Самгиннинг хаёлига келган биринчи фикр: «Чиқиб кетиш керак»,— иккинчиси: «Доктор чақириш керак!» деган фикр бўлди.

У югуриб коридорга чиқиб хизматчини топди: меҳмонхонада доктор борми?— деб сўради ундан. Доктор бор экан: 32-хонада яшаётган доктор Макаров шу бугун чет элдан келган экан.

— Чақиринг уни.

— Улар қаергадир чиқиб кетишган.

— Тезда бошқасига қўнғироқ қилинг!

Кичкина бошидаги сочлари тушиб кетган боодоб бир киши Самгинни тўхтатиб, «Тез ёрдам» аравасини чақиришни шивирлаб таклиф қилди.

— Хўп денг, яхши эмас! Балки бирон юқумли касалдир.

— Ҳа, албатта! Тўғри, тўғри,— деб рози бўлди Самгин, сўнгра Варваранинг олдига кириб кўрсаки, у қўллари полга тираб, ерга ўтириб олибди, елкасини креслонинг суянчиғига тираганча бошини орқасига ташлаган.

— Турмоқчи бўлиб йиқилдим,— деди у заифгина овоз билан, унинг кўзларидан ёш оқар, лаблари титрарди. Самгин уни турғазиб, ўрнига ётқизиб қўйди-да, ёнига ўтириб олиб, кафтларини силар экан, унинг болаларники каби одамнинг раҳмини келтирадиган ва гўё гуноҳкор бетига қарамасликка ҳаракат қиларди.

— Аҳволим ёмон, Клим,— секингина ва зорланиб дерди Варвара,— ҳолим жуда танг. Нафасим бўғиляпти.

— Макаров шу ерда,— деди Самгин.— Макаров ёдингдами?

¹ Масон — масонлик оқимининг (XVIII асрда пайдо бўлиб, ишчиларнинг революцион ҳаракатига қарши курашган ва ўз олдига «ахлоқни камолотга етказишни» мақсад қилиб қўйган мистик характердаги диний-фалсафий оқим) издоши. (Тарж.)

Варвара ҳа, дегандек бош ирғади.

— Ҳа, анави чиройли киши-да.

Самгин ҳам ўзини ёмон ва хўрланаётгандек ҳис қилаётганди. Ожизлиги, ёрдам бера олмаётгани, кўнгилни юпатадиган бирон гап айта олмаётганидан унинг хўрлиги келаётганди. Шунга қарамай у:

— Бардам бўл. Ирода ҳар қандай дори-дармондан яхши ёрдам беради,— деди.

Варвара эса суқлик билан ҳавони ютар экан, гўлдираб дерди:

— Васиятим нотариус Зелинскийда. Бутун нарсаларимни сенинг номинга ёзиб қолдирдим... Жаҳлинг чиқмасин, Клим. Сенга керак бўлади, дўстим. Сен ҳалол одамсан. Уйимни, бошқа нарсаларни...

— Буларнинг аҳамияти йўқ,— деди Самгин.— Кўп гапирма,— дамингни ол.

— Ҳамма нарсаларни сотасан. Пули бор одам бошқага бош эгмайди, азизим. Сумкамда, портфелда, чамадонда ҳам бор. Оҳ, худойим! Наҳотки... йўқ — наҳотки мен... Каравот устидаги чироқни ўчир... Кўзимга тушяпти.

У йиғлар ва тобора ортиқ нафаси бўғиларди, Самгин ҳам юраги сиқилиб, нафаси бўғилаётганини ҳис этаётганди, гўё хонанинг деворлари сурилиб, ҳавони сиқиб чиқариб, фақат оғир ҳид қолдираётгандек эди. Вақт ҳам тўхтаб қолмоқчи бўлгандек жуда секин ўтаётганди. Хона ичидаги димлик, ғира-шира қоронғиликда Варваранинг пойма-пой гаплари тобора сусаяр, кесилиб-кесилиб қоларди:

— Созанданинг ўлгани эсингдами? Биз боғда ўтирардик, қарнай узра кумушсимон... ҳаво тизиллаб чиқарди. Фақат ҳавомиди ахир? Шундайми?

— Ҳа, фақат ҳаво эди,— тасдиқлади Самгин ва:

«Билмайман»,— десам, яхши бўлармиди, деб ўйлади.

— Стратонов... аблаҳ одам! Извошчига ўхшаб... қорнимга урди.

Хонага биров кирди. Самгин ўрнидан туриб, парда орақасидан қаради.

Бошдан-оёққача қора либосдаги, соқоли қирилган, мўйлови қирилган, афти башараси ҳарбийларникига ўхшаш жиддийгина, башанг кийинган бир киши жуда таниш овозда:

— Доктор Макаров,— деди тажанглик билан. Сўнгра бир қадар мулойим овозда:— Макаров,— деб такрорлади-да, кулимсиради.

«Кутузов,— деб кўнглидан ўтказди Самгин ва индамай қўли билан каравотга ишора қилди.— Макаровнинг паспорти билан келган. Яширинча. Яхши ҳамки, у билан саломлашмадим».

Эшик олдида турган хушмуомала киши «Тез ёрдам» араваси ҳозир келиб қолажагини айтиб сўради:

— Сиз Самгина хонимнинг қариндоши бўласизми?

— Эриман.

— Яхши, қаерда яшайптилар?

Клим кўнган меҳмонхонасининг номини айтди.

Ҳалиги киши эҳтиром-ла бош эгиб, гойиб бўлди.

Кутузов парда орқасидан чиқар экан, унга кўзини қисиб, қўли билан бағбақасини силай-силаё, секингина деди:— Хуллас... қўлга тушдим! Энди қочиб қутулиб бўлмайди: тилимдан илиндим. Ахир бу киши сизнинг хотинингизми?— деб шивирлади у.— Гап бундай: мен фақат паспортда медик бўлмай, ҳатто сургунда ҳам бу иш билан озроқ шуғулландим. Менинча, у зотилжам, ўпкада зардоб йиғилган, ҳазил нарса эмас бу. Тушуняпсизми?

У шундай деди-да, Климга яқинлашар экан, таклиф қилди:

— Келинг, шартлашайлик: яхшиси, биз бир-биримизни танимаймиз, хўпми?

— Хўп,— деб жавоб берди Клим.

— Тўғри. Макаров деган бир дўстингиз бор, лекин бунақа фамилияли одам дунёда кўп. Айтмоқчи, у ҳам бошқа бир ердан аллазамон чегарадан ўтиб олган бўлиши керак. Бўпти, мен кетдим. Сиз билан ўтириб бир отамлашсак чакки бўлмасди, шундайми? Қарши эмасмисиз?

— Йўқ. Уни олиб кетишсин, кейин.

— Жуда соз.

Кутузов жўнаб кетди, Самгин эса Варваранинг йўтала-йўтала бўғилиб айтаётган гапларига қулоқ солар экан: «Нега рози бўлдим энди?»— деб ўйлади.

У ётоққа яқинлашар экан:— Фоҳишага ичиргандек... роса вино ичирди,— деган гапни эшитди.

Варвара Самгинни хириллаб қичқириб қарши олди:

— Ким у? Сенмисан? Йўқол бу ердан!

Самгин унинг устига эгилиб:— Бу менман, Климман,— деди.

Лекин Варвара уни танимасдан безовта қўллари билан сийнаси, халати, ёстиқларни таталар экан, хириллаб такрорлади:

— Йўқол, ҳайвон...

Санитарлар замбил билан келиб, уни олиб чиқиб кетгунига қадар яна беш минутча ўтди, энди Варвара индамай қолганди, унинг қорайиб кетган юзида хирагина милтилаб кўринган ёқимсиз яшил кўзларидан қаҳру газаб ёғилаётгандек эди.

«Улади,— деган фикрга келди Самгин.— Улади, албатта»,— деб такрорлади, у, ёлғиз қолганида. Ёқимсиз тўпори «ўлади» деган сўз уни ўйлашга қўймай, кузги хира пашшадек жонига тегаётганди. Биллиард соққасидек ялтироқ кичкина бошли, оёқлари калтагина ва юм-юмалоқ хушмуомала одам пайдо бўлиб, бу сўзни даф этди. У мушукдек сездирмай ётоққа кирди-да, секингина мухтасар гапирди:

— Қонунга кўра биз полиция идорасига хабар беришимиз лозим, ҳар қандай кори бад бўлиши мумкин, чунки бемор мол-мулкани қолдириб кетди. Бироқ кечирасиз, биз сўраб-суриштириб аниқладикки, сиз унинг қонуний эрисиз, демак бу ерда ғалати бир нарса йўқдай кўринади. Аммо иш пухта бўлсин учун сиз пристав ёрдамчисига эллик сўмча қистирсангиз ёмон бўлмасди... Сизни безовта қилишмасин дейман-да, улар бунақа нарсани яхши кўришади. Лекин юрак олдириб қўйишган, замон нозик...

Самгиннинг битта юз сўмлиги ва яна йигирма сўмча пули бор экан. У юз сўмни берди.

Шундан кейин ҳалиги одам хушнуд овоз билан бу хонани дезинфекция қилиш лозимлигини айтиб, Варваранинг буюмларини бошқа хонага кўчиришни таклиф қилди ва агар Самгин жаноблари шу ерда тунашни хоҳласа, меҳмонхона маъмурияти бундан жуда хурсанд бўлишлигини гапирди.

У чиқиб кетди.

«Пасткаш ва жосус бўлиши ҳам эҳтимол»,— деди ижирганиб Самгин ва дарҳол ўйладикки, маиший ҳодисаларнинг ҳаёт драмасига суқилиб кириши наинки табиий бир нарса, бу ҳол драматик воқеалар жараёнини бўлиб қўйиб: уларни анча осонроқ кечириш имконини беради. Сўнгра у бу фикрни қайси бир ҳам Париж газетасида бир пьеса ҳақида ёзилган рецензияда ўқиганини хотирлади-да, амалий ишлар тўғрисида ўйлай бошлади.

«Хўш, Кутузов нима хусусда гаплашмоқчи? У билан суҳбатлашиш лозимми ўзи? Кутузов билан учрашмоқ беҳатар иш эмас. Макаров таваккал қиляпти...»

Самгин дераза форточкасини очиб, оғзида папирос тишлаганча хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, ойна курсиси устида турган олтин соатга кўзи тушди, уни қўлига олиб салмоқлаб кўрди. Бу соатни Варварага ўзи совға қилган эди. Хонани йиғиштирганларида уни ўғирлашлари мумкин. Самгин соатни шимининг чўнтагига солиб қўйди. Сўнгра, ўзининг ойнада акс этган ташвишли башарасига бир қараб қўйиб, сумкани очди. Унинг ичида упа қутичаси, қўлқоп, ён дафтарча, бир шиша магний сульфат, бош оғриғи дориси, олтин билагузук, етмиш уч сўм қоғоз пул ва бир ҳовуч кумуш танга бор экан.

«У кумуш тангаларни яхши кўрарди,— деб хотирлади Самгин.— У ўлиб-нетиб қолса, уни дафн этишга пулим етмайди».

Варвара уйини унга васият қилиб қолдиргани Самгинга у қадар таъсир қилиб, таажжублантирмаган эди, чунки Варваранинг туғишганлари йўқ эди, аксида васиятнинг ҳождати ҳам йўқ эди, негаки Самгин унинг ягона қонуний вояриси эди.

У ўтириб, кичкинагина қўл чамадонни тиззасига қўйиб очди, жуда бежирим бу чамадоннинг бурчаклари оксидланган кумушдан ишланган эди. Чамадоннинг ичида қутича, унинг устки қопқоғидаги чўнтақда қимматбаҳо бир портфель, портфель ичида аллақандай қоғозлар, бир каткачасида эса тўққизта юз сўмлик бор эди, Самгин юз сўмликларни пиджагининг ич чўнтагига солиб қўйди-да, уларнинг ўрнига 73 сўмни қўйиб қўйди. Буларнинг барини у, шундай қилиш керакми, керак эмасми?— деб ҳисоб бериб ўтирмай, бехосдан қилди. Шу ишларни қилар экан, у ўйларди:

«Варвара озмунча одамни кўрмади, лекин мен унинг учун энг ёрқин сиймо бўлиб қолдим. У илк дафъа мени севган. Кимдир: «Илк муҳаббат зангламайди», деган эди. Аслида у билан алоқани узишига етарлича жиддий сабаблар йўқ эди. Муносабатларимиз шу боисдан кескинлашдики... теварак-атрофда ҳамма нарса кескинлашган эди».

У бир дақиқа виждонан ўйлаб кўрди: Варвара айбсизтиб бўйнига қўядиган бирон гуноҳи йўқмикан унинг? Самгин бундай гуноҳ топмади ўзида.

У янги папирос ёндирган чоғида пиджаги чўнтагидаги пуллар шилдираб қолди. Самгин атрофга аланглади— теваракда — ҳамма нарса ўлда-жўлда, файзсиз бўлиб, улардан ёқимсиз бир ҳид келарди. У кириб келган икки кори-

дор хизматчисига ва хизматкор қизга 32-хонадаги докторнинг олдиға кетаётганини, касалхонадан қўнғироқ қилсалар унга хабар беришларини тайинлади.

Кутузов пиджагини ечиб, жилетининг тугмаларини бўшатиб, стол устидаги самоварнинг ёнида ўтириб газета ўқиётганди, диваннинг устида, полда газеталар сочилиб ётарди, у ўрнидан туриб, оёғи билан газеталарни четга итара-итара оғир креслони осонликча столга яқин сурди.

У Самгиннинг афтига диққат билан боқиб:— Олиб кетишдими?— деб сўради.— Юртимизнинг газеталарини ўқиб ўтирибман. Жазавага тушиб вақиллаш ва жамоатчиликнинг фикрини чалғитмоқ учун либерал-зиёлиларнинг уринишлари. Аҳамиятлироғи — Столипин хуторларию хорижий капитал сотиб олмоқчи бўлган нарсаларнинг барини саноат эгалари тезроқ сотишга шошилаётганларидир. Лекин хорижий капитал мудраб ўтирмай, Москванинг асосий иши бўлмиш ҳатто тўқимачилик саноатига ҳам суқилмоқда. Хуллас, масхарабозлик. Кексайиб қолган кўринасиз, Самгин.

— Сиз дурустсиз, ўзгармабсиз,— жавоб берди Самгин.

— Бошлиқлар ғамхўрлик қилишяпти, дам олгани узоқ шимолга юборишган эди, ўн тўрт ой дам олиб қайтдим. У қадар қулай бўлмаса-да, лекин у ерда одамнинг кўнгли тинч бўлади. Кейин, мана, чет элга ҳам бориб келдим.

Кутузов оҳиста гапирар ва ҳар вақтдагидай унинг напармон кўз қорачиқларида табассум жилваланарди. Соқолсиз дағалгина юзи янада яққол кўринар ва осонликча ёдда қоларди.

Самгин ўзига чой қуяётиб:— Ленинни кўрдингизми?— деб сўради.

— Бўлмасам-чи.

— Хўш, ҳали ҳам аввалги фикрларидами?

— Тамомила, ҳатто аҳди яна ҳам маҳкам. Жуда ажойиб одам у. Баъзан унинг фикрига қўшилиш жуда қийин, лекин бир сесканиб тушиб, қўшилиб қоласан. У келажакка ҳозирги замонда фақат унга маълум бўлган туйнукдан боқади. Сиз зиёлиларни қаттиқ қойийди у...

— Нима учун?

— Меньшевизм ва барча бошқа турлардаги либерализм учун. Бу ерда Луначарский билан Богданов бир бемаънигарчиликни ўйлаб топишибдими?

— Ўқиганим йўқ.

— Ильич дейдики, улар социализмни яхшилаш керак деб, унга буржуача фикрлар билан сайқал бермоқчилар.

Кутузов қўлини чўнтақларига тиқиб, эшик сари юрди. Клим бу одамни бир қадар хушқомат, ихчам бўлиб қолгандай фаҳмлади.

«Ориқлабди. Ёки костюми шунақа кўрсатяпти».

Кутузов стол томон қайтар экан, мароқсиз, одатдан ташқари бўшашибгина гап бошлади:

— Зиёлиларнинг йўли ҳақидаги масала равшан: улар ё капитал билан, ёки унга қарши ишчилар синфи билан бирга боради. Синфий кураш ҳаракатлари ва реакцияларидаги уларнинг катализаторлик роли эса самарасиз, унинг ўзи учун ҳалокатли ролдир... Устига-устак кулгили ҳам. Ильичнинг изоҳлашича, ҳозирги адабиётнинг айюҳаннос солиб фарёд кўтаришига сабаб зиёлиларимиз мавқеининг самарасизлиги ҳамда ҳалокатли экани, аниқ етилмаганлиги бўлиши керак. Тўғри изоҳ бу. Мен Андреев, Мережковский ва бошқаларнинг баъзи асарларини ўқидим,— ё тавба, уялишмасмикан-а? Боланинг кўрқувига ўхшайди...

Кутузов Самгинга энгашиб ва унга қаттиқ тикилиб қараб, товушини пасайтириб сўради:

— Менга қаранг, айтгандай, сиз Зотованинг ҳимоячиси эдингиз-ку, унинг бошида нима кори бад бўлди? Ўлдирилгани ростми ўзи?

У Климнинг қисқа-қисқа ва эҳтиёткорона жавобларини такрорлар экан, саволлар қўндирадди:

— Ким ўлдирибди? Жияни ўлдирган, деб гумон қилишди. Қандай асосга кўра? Аҳмоқ экан. Қотиллик учун бу етарли эмас. Азоб берарди — а-ҳа! Бу унинг қўлидан келарди. Хўш, жияни нима бўлди? Қамоқхонада ўлди,— ҳм...

Самгин: «Суд терговчисига ўхшаб сўроқ қилишга ҳақли, деб ҳисоблайди ўзини»,— деб ўйлади ва:

— Менимча, уни заҳарлашган,— деди.

— Ҳақиқий жиной романи. Сиз бунақа нарсалар ёқтирмайсизми? Мен Конан-Дойлни бажону дил ўқийман. Мантиқ ўйини. У қадар ақлли бўлмаса-да, яхши эрмак.

Шу гапларни айтаётиб, у панжалари билан бағбақасини эзар ва Самгиннинг юзига шу қадар жиддий билан боқардики, фикри хаёли бошқа нарсада эканлиги сезилиб турарди. Унинг кўз қорачиқлари қорайганди.

— Шубҳали можаро,— деди у секингина.— Агар ўлдиришган бўлса, демак, кимгадир халақит берган экан. Аҳмоқ одам бу орада ортиқча. Буржуазия эса аҳмоқ эмас.

Лекин бунда аҳмоқ ҳам ғайри ихтиёрий бир тарзда иш бериши мумкин, албатта, аҳмоқнинг бўлиши ҳам аини шунинг учун-да.

Самгин кўзойнагини олиб, унинг ойнасини артар экан, бошини эгди.

— Уни яқиндан таниганимга икки йилча бўлган эди,— деди у.— Танирдим-ку, лекин тушуна олмасдим. Унинг хлистлар кемасининг дарғаси бўлгани сизга маълумми?

— Нима-а? У-я!— Кутузов бепарволик билан қўл силкитди-да, жилмайиб қўйди.— Бу ғирт бемаъни гап, ғийбат.

Самгин зикр тушиш ҳақида гапирганида, у жуда ҳайратда қолиб, қошларини чимирди, кирпи сочлари силкинди.

— Мана, майнабозчилик,— деб ғўлдиради у ва индамай таранг ёноқларини қаттиқ-қаттиқ ишқалай бошлади.

— Нима бўлганида ҳам унинг тўғрисида қандай фикрдасиз?— сўради Самгин.

Кутузов дарҳол жавоб бермай, бир оз фурсат ўтгач:

— Аввало у шуҳратпараст эди,— деди.— Эслик-хушлик хотин эди, лекин унинг ақлини ишга солган нарса нақ шуҳратпарастлиги эди. Ўзи соғлом бўлгани учун ҳар нарсадан ҳазар қиларди у, ҳазар қилиши унинг сезгирлигини бўғиб турарди. Болаларни севмасди ва истамасди,— деди у, пешанасини тириштириб ва яна жим бўлиб қолди.— Ҳар нарсани билишга ҳавасманд, кўп ўқиган аёл эди. Сектантлик билан жуда қизиқарди у, лекин мен бу ҳаракатни яхши билмайман, менинг назаримда,— чамаси, анархистлардан бўлак ҳамма сектантлар — бадавлат мужиклардир, вассалом. Улар мужиклик пайтларидагина сектантдирлар, кўпас бўлдиларми, ҳақиқат учун, яъни — ҳокимият учун жангу жадалдан қайтмайдиган черков билан ўз ораларидаги зиддиятларни унутиб юборишади. Черков ишларига қизиқиш унга эридан ўтган эди.

Кутузов бирдан жуда тетиклашди:

— У ажабтовур шахс эди! Черковга ва ҳар қандай ҳокимиятга нафрати зўр эди. Паскални, Янсенни француз тилида ўқирди, ирода эркинлигини инкор этар экан, инсоннинг ўзи учун қиладиган ишларининг турган-битгани кони гуноҳ, деб исботлар ва эркинлик: урушиш, савдо-сотиқ қилиш, бола туғдириш каби гуноҳларни танлаш билан чекланган, дерди... у худо таоло ато қилмиш роҳат-фароғатдан инсон боласи бенасиб, деб ҳисоблаб, сатанизм ёки тамомила худосизлик йўлида турарди. Оташин одам эди.

Қизишиб кетиб, бир куни ҳатто: «Худони черков айтганча тушунсак, у инсоннинг душмани», деб юборди.

Кутузов папирос ёндирди, гугуртни охиригача ёнсин деб ўчирмай бармоқларини куйдириб олди ва қўлини ҳа-вода силкий-силкий деди:

— Эндиликда менга шундай туюлмоқдаки, ана шу фикрлар Маринани хлистлар йўлига бошлаган...

Лекин у ўша ондаёқ бошини сарак-сарак қилиб ўрнидан турди-да, хонанинг ичида у ёқдан-бу ёққа юриб гапни давом эттирди:

— Йўқ, бундай эмас! Хлистчилик — кўзбўямачиликдир. Унинг тагида бошқа бир гап бор. Хлистчилик — бир ниқоб. Марина хасис эди, пулни яхши кўрарди. Эри эса партиянинг эҳтиёжлари учун менга мўмай-мўмай пул бериб турарди. Мен унга бўлажак инқилобчи деб қарардим. Бунга асос бор эди. У қишлоқ тўғрисида ҳам тўғри мулоҳаза юритарди, ундан эсер чиқмасди. Марина ҳақида шундан бўлак гапни билмайман.

— Сиз ўзидан кўра эри ҳақида кўпроқ гапирдингиз, — деди Самгин, Кутузов индамай елка қисди-да, қўлларини чўнтагига тикиб, оғзида папирос тишлаб, орқаси билан деворга суянганча тутундан афтини буриштира-буриштира деди:

— Маринанинг пул тўлаб, Сибирнинг бир ерида Роберт Оуэн айтганча бир нарса қилишдек бемаъни фикри бор эди... Қайдам, фаланстермикан... Хуллас, майнабозчилик. Зиёли аёл эди-да. Дурустгина, соғлом ақли бор эди-ку, лекин унинг камолоти ва бемалол ишлаши буржуазия синфий манфаатларининг ақидалари ва нормалари билан чекланган эди. Инсоният бутун дунё миқёсидаги жангга, Ильич айтгандай, муштлашувга фаол суратда ҳозирлик кўрмоқда. Туркия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон Европа капиталининг темир панжасидан қутулмоқ учун миллий ҳаракат бошлаган. Бу ишнинг оқибати нима билан тугашини пайқаган Европа капитали ҳам зўр бериб ўз кучларини мустаҳкамламоқда, жанговар саноат-техника кадрларини энг қобилиятли ишчилар ҳисобига кўпайтириб, улардан юқори малакали ишчилар, мастерлар, кичик техниклар, инженерлар, адвокатлар, олимлар, хусусан, Германиядагига ўхшаб кимёгарлар етиштирмоқда. Хусусий мулкчилик инстинктига, шуҳратпарастлик ҳиссиётига усталлик билан таъсир қилиб, у зиёли пролетариатни кичик акционерлар сифатида оммани шилиш ишига жалб қил-

моқда. Шарқ билан курашга тайёргарлик кўриш ўз юртидаги пролетариат билан курашни истисно қилмайди, албатта,— тўққиз юз бешинчи — олтинчи йиллар капиталистларнинг кўзини очди. Буржуазия аҳмоқ эмас,— деб такрорлади Кутузов кулимсираб.

У гапирар экан, деразага, унинг ташқарисидаги сурма ранг қоронғиликка, қоронғилик қўйнидаги сариқ нузли нуқталарга боқарди. Кутузов ўзига-ўзи эслатгандай бўлиб гапирарди:

— Зиёлилар, хусусан, бизнинг зиёлилар Европадагилардан кўра очдирлар, келажак фожиасини сал-палгина ҳис қиладилар, кўпларни қўрқитадиган нарса пролетариатнинг муваққат мағлубияти эмас, балки бетоле ғалабасидир. Ильич ҳақ. Юз карра ҳақ. Ишчилар синфининг ҳокимият тепасига чиқиш ғояси зиёлиларнинг ўтини ёради. Шунга кўра улар диний-фалсафий чакалакзорлар, хлистлар мазҳаби, ахлоқсизлик ботқоғида ва қайси гўрларда яшириниб юрадилар. Айниқса турли шакл ва турли тусда муросасозлик қиладилар. Биласизми, Самгин, яхши ҳамки бизда мустабид ҳокимият ҳам, буржуазия ҳам бир хилда лаёқатсиздир. Лекин мужикларнинг кўпчиликини ташкил қилгани жуда ёмон,— деб гапини тугатди у ва чекиб бўлган папиросини мастеровойларга ўхшаб этиги пошнаси билан босиб ўчирди. Самгин эса дарҳол ва шошиб-пишиб папирос чека бошлади, унинг бу хилда кулгили даражада шошишининг сабаби бор эди.

«Энди менинг фикримни сўраб-суриштира бошлайди. Ишчиларнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш имконияти борлигини уқтиради...»

Самгин Кутузовнинг гапларини диққат билан эшитар экан, унга эътироз билдириш истаги йўқ эди унда — лекин ҳар ҳолда ўзини ҳимоя этишга тараддуд кўриб, силлиқ-силлиқ гапларни ўйлаб топаётган эди:

«Ҳар бир одамнинг ўзига маъқул бир тарзда ўйлашга ҳақ-ҳуқуқи бор, лекин ўргатиш ҳуқуқи ўргатиладиган нарса ҳақида менинг учун равшан асослар талаб қилади... Пролетариатда ўз иззат-нафсини хусусий мулкчилик инстинктидан бўлак нима билан уйғотиш мумкин?.. Фақат буржуача тафаккурга асосланибгина тарихий нуқтаназардан фикрлаш мумкин, чунки социализмга асос бўлган нарса ана шу фикрлардир...»

Самгин, яна бир неча жумла ҳозирлаб қўйди, бироқ уларнинг ҳеч бири уни қаноатлантирмади, чунки уларнинг

ҳар қайсиси самарасиз, фойдасиз баҳсга сабаб бўладиган эди.

«У ўзининг ўргатишга ҳақи борлигига шубҳа қилмаётир, унинг панд-насиҳатларини эшитишга эса менинг тобим йўқ». Самгинни тобора ёқимсиз ваҳима босаётганди: у тушунардики, агар баҳс авж олиб кетса, Кутузов унинг социал-сиёсий масалаларга лоқайдлигини осонликча фош этиб, шарманда қилади. У бу хилдаги масалаларга ўзининг муносабатини илк дафъа лоқайдлик деб атади-ю, лекин ҳатто ўзи ҳам бунга инонмай: шундоқмикан?— деб гумонсираб қолди.

Сўнгра бу гумонини:

«Вақтинча сусайган муносабат...» деб тузатди.

Кутузов, қўли билан ёноқларини ишқалар экан, бундай деди:

— Терим ёмон қичияпти. Сургундан қайтаётганимда совуқ олдирдим. Ўртоғим эса оёғини ишдан чиқарди.

Самгин тўсатдан:— Сомованинг вафот этганини биласизми?— деб эслаб қолди.

— Ҳа, биламан,— жавоб берди Кутузов ва қаттиқ йўталиб такрорлади:— Биламан, бўлмасам-чи...— бир неча сония индамай тургач, секингина ва бир нав қатъият билан илова қилди:— У қаҳрамонлардан завқланиб инқилобга қўшилган аёллардан эди. Романтизм туфайли. У маънавий жиҳатдан мукамал инсон эди...

— Яъни?— сўради Самгин.

Кутузов бармоқларини икки дафъа қирсиллатар экан, бировга зарда қилгандек жавоб берди:

— Душманни беҳато сезиш қобилияти бор эди унда. Ақлли хотин эди. Хотирлайсизми уни? Ёқимтой, мулойимгина, жажжи аёл эди. Ҳар қандай пасткашликдан қаттиқ ҳазар қилар эди. Бир вақт шундай ҳодиса содир бўлганди: шахсий характердаги баъзи фожиавий ҳолларни кўзда тутиб, ярамас бир иш қилиб қўйган одамни кечирмоқчи бўлдик. Ушанда Сомова: «Уни кечиришга ҳақингиз йўқ»,— деб туриб олди ва гарчи у қадар мантиқий бўлмаса-да, бу қаҳрамон ўртоқларча муносабатга лойиқ эмас, деб қатъият билан исботлайверди. Лекин биз уни кечириб юбордик. Оқибатда душманлар лагери ақлигина қабиҳ бир одамлик бўлиб қолди.

— У ўлдиришни таклиф қилганмиди?— қизиқиб сўради Самгин.

Кутузов кулимсиради, аммо жавоб беришга улгурма-

ди: эшик дукиллаб қолди ва нозиккина бир овоз эшитилди:

— Телефонда хабар қилдиларки, бемор... Самгина хонимнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолган эмиш.

Кутузов индамай Климга боқди-да, индамай унинг қўлини сиқди.

Клим Иванович Самгин касалхонага боришга ўзида мажбурият сезди, лекин кўчага чиққанида пиёда кетишга қарор қилди.

Шаҳарни юмшоқ қор қоплаган эди. Ун тўрт кунлик ой нурида қор ёқимли яшил тусда кўринарди. Қоровулларнинг беллари ғижирлар, супургилари шитирлар, извошчиларнинг чаналари эса юмшоқ қорда сокингина сирғалиб борарди. Магазинларнинг витриналари ва деразаларидаги беҳисоб чироқлар, одамни тетиклаштирадиган оромбахш совуқ ва атрофдаги, бутун нарсалар оқшом ҳуснига файзу латофат, одамга қандайдир илтифотли бир кайфият бағишларди.

«У Сомовани жуда ғаразгўйлик билан бир ёқлама тасвирлади,— деб ўйлади Самгин, лекин Тагильскийнинг гапларини хотирлаб, Любаша тўғрисида ўйламай қўйди.— Кутузов анча мулойим бўлиб қолибди. Ҳатто анча очилибди ҳам. Ҳаёт одамларга чирой бағишлай олади. Куним галати бўлиб ўтди бугун,— деб ўйлади у ва табассумини яшира олмади.— Уй-жойимни сотиб, яна чет элга жўнашим мумкин, у ерда мемуарлар ёки роман ёзаман».

Лекин шу пайт у касалхона кўчасидан четга чиқиб бораётганини фаҳмлаб қолди-да, қадамини секинлатди.

«Кеч бўлиб қолди, беморнинг олдига қўйишмаса ҳам керак. Унинг олдига боришимнинг нима маъноси бор ўзи? Улаётган одамнинг тепасида туриш оғир ҳам фойдасиз бир нарса».

У йўлида давом этавериб, ярим соатдан кейин меҳмонхонасига етиб келди-да, Варваранинг портфелидаги қоғозларни кўздан кечириб бошлади. Дроновнинг беш юз сўмлик векселини, сейфнинг калитини, қоғоз етказиб бериш юзасидан бир фин фабрикаси билан тузилажак шартнома лойиҳасини, аллақандай китоблар ҳақидаги газеталардан қирқиб олинган тақризларни, Варваранинг қайдларини топди. Сўнгра, ресторанга тушиб кечки тамадди қилди-да, хонасига қайтиб ечинди ва Мережковскийнинг «Сулҳ эмас, қилич» номи китобини қўлига олиб ўринга ётди.

Эрталаб барвақт жуда яхши кайфиятда уйғонди, қўн-гироқ чалиб, қаҳва келтиришларини илтимос қилмоқчи бўлган эди, коридор хизматчиси кириб:

— Дафн идорасидан келган бир одам сизни кутяпти...— деди.

Самгин бир дақиқа ўрин устида ўтириб, Варваранинг ўлими ҳақидаги хабар ўзида қандай акс садо беражагига қулоқ бериб кўрди. Бироқ ҳеч нарса эшита олмади, юзини бужмайтириб, ўзидап порози бир ҳолда, таъна билан кимдандир сўради:

«Мен тошбағирманми?»

Самгин кийинаётиб ўйлади:

«Бечора. Шу қадар эрта. Шу қадар тез».

Сўнгра, пичир-пичир ўй суриб, бўлажак бош оғриғи ишларни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди. Машмашалар дарҳол бошланиб кетди: қора сюртук кийган, юзи қизил, мўйловдор бир киши кириб келди, унинг орқасига таралган қалин қора сочи дьяконга, қора мўйловли афти миршабга ўхшатиб турарди уни. Баҳайбат, йўғон бу одамнинг овози ҳам гавдасига яраша йўғон бўлиши керак эди-ку, лекин у шанғироқ баланд, ингичка овоз билан гапирди:

— Бизнинг бюрога хабар бердиларки, муҳтарама...

— Қачон вафот қилибди у?— суриштирди Самгин.

— Шу бугун эрталаб олти яримда, мен шу ондаёқ...

Самгин унинг сўзини кесиб, ўзининг шу бугун соат бешда Петербургдан жўнаши кераклигини ва шунга кўра дафн маросими тезлаштирилиши лозимлигини айтди.

— Дафн бюроси учун сизнинг хоҳишингиз қонун,— деди бояги одам, эҳтиром-ла бош эгиб ва маросимнинг баҳосини маълум қилди.

Самгин хўмрайиб: «Қиммат»,— деб фикр юритди-ю, лекин савдолашишни ўзи учун эп кўрмади.

— Демак, кашиш марҳумани қабристонгача кузатиб бормайди,— деди бюро вакили ва:— Ўзингиз биласиз,— деб илова қилди.

Кундуз соат иккиларда Самгин бош яланг ҳолда, ёноқлари ва қулоқларини ишқалай-ишқалай, катафалк кетидан борарди. Ҳаво очиқ, қуруқ совуқ бўлиб, ярақлаган қор Самгиннинг кўзини қамаштирар, совуқ унинг баданини ачитиб, омбур каби узиб-узиб оларди, Варваранинг ингичка бурунли қорайиб кетган башараси, ранжигандек ёки таажжублангандек чимирилган қошла-

ри, қийшайиб салгина очилиб қолган лаблари Самгиннинг ёдига тушаётганди. Калишнинг ичи қорга тўлиб кетганидан юриш ноқулай ва оғир эди, қора ёпиқ тўшалган отлар нафасидан буғ бурқситиб ва ачимсиқ ҳид таратиб ҳавони булғаб елиб борар, қор катафалк филдираклари ҳамда бошига цилиндр ва устига бошлиқли аллақандай ридо кийган, қўлида ёниқ шам тутиб бораётган тўрт нафар кишининг оёқлари остида босилиб гирчилларди. Қўлида хоч ушлаган бешинчи киши отларнинг олдида борарди. Шамол томлардаги қорларни совуриб, йўлга сочар, сочилган қорлар оппоқ гирдоб ҳосил қилиб, одамлар билан отларнинг оёқлари остида гириллаб айланар ва яна томларга кўтариларди.

Самгин хўмрайиб бу одамларга аланглар экан, жаҳл билан уларни «Аҳмоқлар»,— деб атади. Катафалк дўконлари йўқ ҳисоб ҳувиллаган кўчалардан ўтиб борарди, онда-сонда учрайдиган йўловчилар бу маросимга эътибор бермаётгандек эди, лекин шундай бўлса-да, Самгин, бир ўзимнинг шўппайиб боришим одамларда ачинарли бир таассурот туғдириши керак, деб ўйларди. Наинки ачинарли, балки ҳатто кулгили таассурот ҳам туғдирса эҳтимол: ориқ, қари отлар оёқларини қорга дадил босмас, цилиндр кийган қора либосдаги кишилар оппоқ қор устида тебрана-тебрана борар, уларнинг шарпаси қорда аранг судралар, шамларнинг учидаги ҳеч кимга кераксиз оловнинг ожизгина тиллари титрарди — кўзойнак тутган, бош яланг ва сийраккина сочлари тўзиган танҳо киши ҳам дилгиргина борарди. Самгин буларнинг барида ҳаддан ортиқ хунук бир ғамгинлик борлигини фаҳмлаётган эдики, бу ҳол одамларда унинг карикатураси сингари истеҳзоли табассум уйғота оларди. Шу пайт энг ёқимсиз таассуротлар қолдирган ҳодисалар: Туробоевнинг дафн қилиниши, Лютовнинг мажозий бир маънода полга ишора қилиб турган сариқ бармоғи, тилка-тилка бўлиб кетган губернатор бирма-бир Самгиннинг ёдига тушди-да, у ўзини ранжиган ва маъюс ҳис қилди. Чопқир отли чана унга етиб олиб, ичидан Дронов сакраб тушганидан Самгин жуда хурсанд бўлиб кетди, Дронов унга яқинлашиб деди:

— Пиёда етиб боролмайсиз, қабристон олис ахир! Чанага ўтириб олинг, ўша ерда кутиб оламиз.

Розилигини кутиб ўтирмаёқ Дронов Самгинни қўлидан тутиб чанага ўтқазди-да:

— Қалпоғингизни кийиб олинг,— деб маслаҳат берди. Хайдовчи жиловни бир силтагаи эди, малла от депсиниб, совуқ ҳаво бағрига отилди, Самгин жунжиб, пальтоси ёқаси билан юзини беркитар экан:

«Шамоллаб қоламан»,— деб ўйлади хафа бўлиб.

Улар қабристонга бирпасда етиб келишди, Дронов хайдовчига:

— Кутиб турасан!— деди-да, Самгиндан:— Совуқ қотдингизми?— деб сўради ва:— Совуқ ҳам жонга тегди,— деб сўкиниб қўйди.

У Климни бир қаватли кичкинагина уйнинг кавушандозига итарди-да, эшикни ресторанга кираётган одамдек, бемалол очди, иссиқдан Самгиннинг кўзойнаги дарров терчиради, у кўзойнагини қўлига олганда эса рўпарасида Ногайцев билан котик қалпоқча кийган, новчагина, бурундор эркаксифат бир жувон пайдо бўлди.

Ногайцев Самгиннинг қўлини силкитар экан:— Самимий таъзия билдираман, эшитиб ниҳоятда хафа бўлдим,— деди, жувон эса йўгон овоз билан:

— Орехова Мария, Варянинг дугонасиман,— деди,— тўрт йилча бўлибдики, бир-биримизни кўрмаган эдик, сентябрда тасодифан кўришиб қолдик, энди бўлса борса келмас манзилга кузатиб қўйгани келиб ўтирибман.

У виқор билан хонанинг бир бурчагига чекилди, бу ерда бир талай бут ва учта лампа қўйилган эди, жувон стол ёнига келиб ўтирди, столнинг устида буғ таратиб, шақиллаб самовар қайнаб турар, идиш-товоқлар ярақларди, хона ичи лампа мой, хамиртурушсиз ёғли хамир ва бол ҳидига тўлиб кетганди. Самгин мамнуният билан столга яқин ўтирди-да, стакандаги қайноқ чойни кафтлари орасига олди. Девордан, терчираган ойна орқасидан соқолдор подшо Александр Учинчи унга боқиб турарди, унинг остида эса бир расм бор эди: салобатли хушсурат Исо пайғамбар қўлида узун таёқ ушлаб қўй суруви боқарди.

Ногайцев голланд печи кошинига орқасини тутиб қиздираб экан:

— Одамзоднинг ҳоли шу-да,— деди.

— Жуда увол кетди Варя,— деди Орехова, ликопчадаги қуймоқни болга ботирар экан.— Ўйлаш мумкинми эдики...

Дронов шими билан пиджагининг чўнтақларидан бир нима ахтарар экан, бақриб деди:

— Улимни ўйлаш фойдасиз, ҳаётни ҳам. Ҳеч нарсани ўйламай яшайвериш керак.

— Сен жим тура тур, Ваня,— деб маслаҳат берди Ногайцев.

— Нега энди?

— Кайфинг бор,— изоҳ берди Ногайцев.— Аза жойда бу яхши эмас, оғайни...

— Бе-е,— деди Дронов.— Хўш, одам ўлган бўлса, осмон узилиб ерга тушибдими. Балки бугун бу шаҳарда юзлаб одам ўлар, Россияда юз минглаб, дунёда миллионлаб, ҳеч ким ҳеч кимга ачинмайди... Яхшиси сен назоратчидан ароқ сўра,— деб таклиф қилди у.

— Бу ерда ароқ ичиб ўтириш одобдан эмас,— деди Орехова.

Дронов бир хатни ўқиётиб, гўлдираб гапирди:

— Қабр тепасида ҳам ичишади ҳатто...

— Қабр узоқдами?— сўради Самгин. Орехова:

— Афсуски, жуда олис, олтинчи участкада. Биласизми, яқин жойлардаги хилхоналарнинг нархи жуда қиммат,— деб жавоб берди.

Самгин хўрсиниб қўйди. У исингач, кайфияти сал жойига тушди, кайфи бор Дронов унга Ногайцев билан Ореховадан кўра ёқимли кўрина бошлади, лекин яна қор кечиб, қабрлар ва ёдгорлик тошлар аро олис жойга боришни, мунгли дафн қўшиғини эшитишни ўйлаб юраги сиқилди. Эшик очилиб, биров:

— Олиб келишди,— деди.

Ногайцев Самгинни четга тортиб, унга шивирлади:

— Бу ёғига энди, биласизми... ҳалигидай, бемаънигарчиликлар бошланади. Поплар, гадойлар, гўрковларга садақа бериш керак бўлади ва умуман... Сизга бу ортиқча даҳмаза, шунинг учун Мария Ивановнага, ҳалигидай бир... эллик сўмча бериб қўйинг! Ўзи билиб-билиб ишлатаверади...

Дарвоқе, қабр ҳақиқатан ҳам олисда экан, қори чалачулпа куралган қинғир-қийшиқ йўллардан қабргача етиб олиш қийин бўлди. Совуқ қаҳрига олиб, тош ва бронза ёдгорликларни, қабрлар устидаги туя ўркакларни сингари қор уюмларини, хочлар учудаги қаппайиб турган қорларни ялаб кетаётган эди. Йўл узоқлашиб, пастлашиб борган сари қабрлар сийраклашиб ва хочлар соддалашиб борарди, ниҳоят улар қабрлар устида хочлар йўқ ҳисоб жойга етиб келишди, бу ерда ёнма-ён қазилган тўрт қабр кўрини-

ди. Бешинчи қабр устига музлаб муштлашиб қолган қорамтир сариқ тупроқ узунасига тортилган бўлиб, қабр тепасида, бири кампир, бири ёш аёл, бошларини қуйи солганча ҳайкалдек қотиб турарди. Пўстини устидан риза кийган пакана, семизгина кашиш шошилиб гапириб, дьячок ҳам шошилиб дуо ўқий бошлаганда ҳам аёллар худди музлаб қолгандай қимир этишмади. Самгин тобутга, гўрнинг ичига, ҳувиллаган қабристонга қараб, бирдан титраб:

«Бир кунмас бир кун мени ҳам...»— деб ўйлади.

Тобутни касалхонадан олиб чиқишаётганида у Варваранинг башарасига боққан эди, эндиликда ўша қиёфа унинг кўз олдида турарди: қирра бурунли заҳил юз, қисилган лаблари бир оз эгилган, оғзининг чап тарафи салгина очилиб қолган бўлиб, пастки қатордаги қоплама олтин тиши кўриниб турарди. Варвара биров билан жанжаллашганида лабларини ҳамиша шундоқ буриб:

«Э, қўйсанг-чи.»— деб қичқирарди.

У ўзининг ҳаддан ташқари чўзинчоқ ва кўзойнаксиз башарасини тобутнинг ёстиқчаси устида тасаввур этди.

«Одамни кўзойнак билан кўмишмаса керак...»

— Ҳаммамизнинг бошимизда бор бу ажал,— деб гўлдиради Орехова, Ногайцев эса бўғиқ томоқ қириб ва йўтала-йўтала атрофга кўз югуртирди-да, чўнтагидан рўмолчасини олиб, унга туфлади...

...Бу ниҳоятда таҳқиромиз бир ҳол эди. Кашиш малла сочини силкита-силкита дуо ўқирди:

— «Олло таоло ўз даргоҳида сени ёрлақасин...»

Ладан тутатадиган исириқдоннинг занжирлари жиринглар, қор узра мовий тутун бурқсир, дьячок бўғиқ овоз билан:

— «Худо ўз даргоҳида ёрлақасин...»— деб дуо ўқирди.

«Бир кунмас бир кун мен ҳам»,— қабристоннинг қуруқ ва аёз ҳавосидек совуқ ана шу фикр, ана шу иборалар Самгиннинг калласида айланиб, уни сира тарк этмаётганди. Сўнгра, Ногайцев музлаб муштлашиб қолган тупроқни хийла муддат ҳафсала билан қабрга ташлаб турди, Орехова эса бир марта,— лекин қаттагина кесак ташлади. Дронов шапкасини қўлтиғига, қўлларини пальтосининг чўнтагига тикиб, қизариб кетган кўзларини ерга тикканча турарди.

У тирсаги билан Самгинни туртиб:— Бўпти, кетдик,— деди. Дроновнинг уст-боши Самгинниқидан дурустроқ

Бўлгани учун қабристондан чиқаётган жойда чолу кам-пир ўнтача тиланчи уни ўраб олди.

— Оббо!— деди у ва чанага ўтираётиб тўнғиллади:— Гадойни кўрмасам дейман. Булар ҳаётнинг бетига чиққан бир сўгал. Ҳаётнинг ўзи эса буларсиз ҳам бадбашара. Тўғрими?

Самгин жавоб бермади. Совуқ қотган от совуқнинг қаршисига томон шундай учардики, чана ва атрофдаги бутун нарсалар ирғиб-ирғиб тушар, отнинг туёқлари остидан паға-паға қор сачрар, ўткир совуқ одамнинг бетини савалар ва узиб-узиб оларди, ана шу сиртқи совуқ Самгиннинг дилидаги совуқлик билан қўшилишиб унинг иродасини буқаётганди. Дронов эса, уни билагидан ушлаб олиб, гўлдираб гапирарди:

— Ёлғизлигидан шикоят қиларди у. Ёлғизликдан зорланиш моданинг сўнгги ноласидир. Лекин бу нола Варварада мода эмас, балки алам эди.

«Ёлғизлик» сўзи ҳам бошқа нарсалар қатори гўё ирғиб-ирғиб тушар, бўғинларга бўлиниб кетар, Самгинни чанадан ерга улоқтириб юборгудек бўлиб таҳдид соларди. Самгин Дроновнинг елкасига маҳкам ёпишиб олган эди. Иван:

— Меникига бориб, чой ичамиз,— деганида, Самгин унга миннатдорчилик билдирди.

Улар икки қаватли уйнинг эшиги олдида тўхтаб, чўян зинапоядан иккинчи қаватга югуриб чиқишди. Дронов калити билан эшикни очиб, Самгинни иссиққина қоронғиликка итарди-да, ечинишига ёрдамлашди. У:

— Чапга,— деди-да, ўзи қоронғилик қўйнига югурди. Совуқ қотган қўллари билан Самгин кўзойнагини олиб артди-да, теваракка кўз югуртирди: кичкинагина хона, хона ичида чўзинчоқроқ стол, диван, учта кресло, девор тагида тўқ қизил рангли олти дона юмшоқ стул, китоб жавони, фисгармония, деворда Франц Штукнинг «Гуноҳ» деб аталган расмидан олинган катта репродукция бор эди, унда сув қувуридай йўғон бир илон дағал юзли яланғоч хотинга ўралиб олиб, бошини хотиннинг елкасига қўйиб турарди. Фисгармониянинг устида Виктор Васнецовнинг «Баҳодирлар» деган асаридан олинган каттакон фотография турарди. Китоб жавони ёнида қалин парда тортилган. Иккала дераза орқасида баланд қизил гиштин девор кўринарди. Хона ичида ўткир атир ҳиди анқиб турарди.

«Уйланган экан»,— деб ўйлади беихтиёр Самгин.

Парданинг мис ҳалқачалари ёқимсиз бир тарзда гижирлади. Бир жувон қўлини баланд кўтариб пардани тортди-да:

— Салом. Исми Тося. Қани марҳамат... Э, қуриб кеткур!— деди.

Тося шундай деб пардани шу қадар қаттиқ тортдики, ҳалқалар шарақлаб кетди, парданинг чилвири узилиб, учининг кўкрагига келиб тегди.

Самгин боягидан каттароқ хонага кирди, бу хона қаттиқ мебель билан жиҳозланган, ўртасига каттакон таом столи қўйилган бўлиб, стол устида самовар қайнаб турарди. Қора либос, ипак бошлиқдаги қотмагина бир кампир буфет олдида ўралиша-ўралиша ичидан шишалар олди. Тепадан учта мовий розетка стол устини ва хонани ёритиб турарди.

Тося кампирнинг ёнидан ўтиб борар экан:— Петровна,— деди ва худди кампирни бир туширмоқчи бўлгандек қўлини силкиди-ю, лекин бош бармоғи билан елкаси оша унга ишора қилди. Қўлларида биттадан шиша тутган кампир бошини сал кўтариб, хўп дегандек ирғаб қўйди,— унинг қирра бурунли юзи қушниқига ўхшар, юмалоқ, қора кўзлари ҳам қуш кўзларининг ўзгинаси эди.

— Марҳамат, ўтиринг. Жуда совуқми?

— Жуда совуқ.

... Тосянинг овози пастгина, бўғиқ бўлиб, у салмоқлаб гапирар — ё лоқайдлик билан, ё эринибгина гапираётгандек эди. Унинг қадди-қомати келишган бўлиб, эгнига силлиққина, модабоп, кул ранг кўйлак кийганди, қалин, қора сочлари ҳам модага мувофиқ таралиб, қулоқлари устига тушиб турар, аслида ҳам энлик пешанасини яна ҳам энлик қилиб кўрсатарди. Умуман, юзидаги ҳамма нарса яққол кўзга ташланарди: қошлари ниҳоятда қалин, қора кўзлари йирик ва сурма тортилган бўлиши керак, чизиб қўйилгандек қирра бурни кемирчакли ёқимсиз бўлиб, кичкинагина оғзи ҳаддан ташқари қуюқ қилиб қизил ранга бўялган эди.

«Юзи аломат. Ношуд қўл билан ясалгандек. Кўриниши ғамгингина. Декадент аёл бўлса керак. Леонид Андреевни жонидан яхши кўрса керак. Ёши ўттиз-ўттиз бешлардир,— деб мулоҳаза юритди Самгин. Хона ичи иссиққина эди, қабристонга алоқадор фикрлар секингина унутилаётганди. Самгин бу фикрларни хаёлидан чиқариб юборишга шошилар ва меҳмонхонасига боришни сира-сира истамас,

бу совуқ фикрлар у ерда яна зўрлик билан босиб келажагидан хавотирда эди. Жимжитгина хона ичида хотиннинг таскин берувчи янгроқ овози эшитилди, у Самгиннинг кўнглини очиш учун бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида гапирар, квартирасининг деразалари ҳовлига очилишидан, рўпарасида девор бўлганлигидан шикоят қиларди.

— Леонид Андреевнинг «Девор»ини эслатадими?— сўради Самгин.

Хотин қўлида коньяк қуйилган қадаҳни ушлаб туриб:— Йўқ, Мен Андреевни севмайман,— деди.— Чолларнинг асарларини ўқийман— Гончаровни, Тургеневни, Писемскийни...

— Достоевскийни ҳам денг,— илова қилди Самгин.

— Мен уни ҳам яхши кўрмайман,— Тося бу гапни шу қадар оддий бир нарсдек гапирдики, Самгин: «Гимназияда охиригача таҳсил кўрмаган, кичик амалдорнинг учинчи қизи бўлса керак»,— деб ўйлади ва:

— Горькийга қалайсиз?— деб сўради.

— Баъзан дуруст, мароқли-ку, лекин у ҳам жуда бакироқ. У ҳам ўлгудай заҳар бўлса керак. Устига-устак хотинларни тасвирай билмайди. Кўриниб турибдики, уларни севади-ю, ammo тасвираш қўлидан келмайди... Айтгандай, Иван қайда қолди ўзи? Бориб хабар олай...

Самгин унинг пилдираб равонгина юришига разм солиб: «Қадди-қомати жойида,— деб қўйди.— Дроновнинг нимаси ёқди экан унга?»

Орадан бир дақиқадан кейин Тося пардоз-андоз қилиб табассум билан қайтди, лекин табассум унинг чеҳрасини у қадар ўзгартирмаган, фақат оғзи кенгайган, қошлари чимирилган, кўзлари катталашган эди, холос. Самгин, одатда бунақа рангдаги кўзни мулойим, хумор кўз дейишарди, бунинг кўзи эса алланечук қаттиқ, жилованиб турибди, деб ўйлади.

— Буни қаранг, ухлаяпти экан!— деди Тося елкаларини қисиб.— Кийимларини алмаштироқчи эди, кушеткага ўзини ташлаб, мушукдай уйқуга кетибди-қўйибди. Сиздан илтимос, буни сизга бўлган ҳурматсизлик деб ўйламанг! Йўқ, бунинг сабаби шуки, тун билан карта ўйнаб, уйга эрталаб соат ўнда маст келди, ётиб ухламоқчи эди, сиз эсига тушиб қолдингиз, шундан кейин меҳмонхонага, сизга, сўнгра касалхонага телефон қилди... кейин қабристонга қараб кетди.

Самгин одоб билан унинг ортиқча уринмаслигини йлтимос қилди ва ҳозир кетажагини айтди, лекин жувон столга яқин ўтирар экан, бояги-боягича шошмасдан гапираверди:

— Йўқ, сизни юбормайман, бирга ўтирамиз, танишамиз, балки бир-биримизга ёқиб қолармиз. Лекин шунга ишонингки, Иван сизни жуда ҳурмат қилади, жуда юксак қадрлайди. Дафндан кейинги дастлабки дамларда ёлғиз қолсангиз, оғир бўлади сизга.

«Дастлабки дамлар»,— деб кўнглидан ўтказди Самгин.

— Хотинингиздан ажраб кетганингизга кўп бўлганини гапирган эди... лекин... шундай бўлса ҳам инсон-ку, одам ачинади.

Бир оз индамай тургач, у илова қилди:

— Фойдаси бўлмаган нарса тўғрисида ўйламаган яхши, тўғрими?

— Тўғри,— деб қўшилишди Самгин, Тося эса бундай таклиф қилди:

— Мендан тортинмаслигингиз учун икки оғиз ўзимдан гапирай: мен ташландиқ бола бўлганман, етимлар уйида тарбияланганман, кейин мени монастырь мактабига беришган, у ерда зардўзликни ўргандим, уч йил бир рассом билан яшадим, унинг қўлида натурачи бўлдим, сўнгра мени ундан бир ёзувчи тортиб олди, лекин бир йилдан кейин ундан ўзим кетиб қолдим, қандолат магазинида сотувчи бўлиб ишладим, ўша ерда Иван мен билан танишиб қолди. Кўриб турибсизки, парвози паст бир қушман. Энди мен билан қандай муомала қилишни ўзингиз биласиз.

— Ҳаётингиз кўнгилисизгина ўтган экан,— деди Самгин хижолат тортиб, аммо жувон эътироз билдирди:

— Йўқ, кўнгилли пайтлар ҳам бўлган. Рассом жуда яхши одам эди, ҳозир у жуда машҳур бўлиб кетган. Ёзувчи эса бўлмагур, ўзидан бошқани танимайдиган, бахил одам эди. Ҳозир у ҳам машҳур. Худога инонадиган дилгир одамлар ҳақида чучмал ҳикоялар ёзиб юради. Ўзини ҳам худога инонадиган одам қилиб кўрсатади.

Самгин: «Бу ким бўлди экан?»— деб ўйлади ва сўрамоқчи бўлди-ю, аммо улгурмади,— жувон сочиқ билан чашкани артаётиб, унинг дастасини синдириб қўйди ва уни жомчага отиб, сўзини давом эттирди:

— Биласизми, инқилоб одамларни ғайри оддий ҳодисаларга жуда ўргатиб қўйди. У одамларнинг ўтини ёриб юборди, албатта, лекин ҳар куни ғайри оддий бир ҳодиса рўй беришига ўргатди. Энди эса аҳвол шунгача бориб етдики, Столипин ҳар қадамда одамларни осиб ётибди, ҳамма бундан тезда эсини йўқотиб қўйди. Чол Толстой: «Индамай туролмайман», деб эълон қилди, шундай бўлиб чиқдики, аслида у ҳам индамасликни хоҳлар экан-ку, аммо унинг мавқеи гапиришга, дод солишга мажбур этар экан...

— Жилла ҳам тўғри эмасдир бу,— деди Самгин.

— Нотўғри дейсизми?— сўради Тося.— Ҳай, нима ҳам дердим? Ахир мен ҳар бир нарсани жуда содда, қўпол тушунсам нима қилай.

Самгин унинг гапларини тинглар экан, бир нарсани ҳал этмоқчи бўларди: бу хотинга, унинг тавба-тазарруга жилла ҳам ўхшамаган таржиман ҳолига қандай муносабатда бўлиш керак?

«Нима мақсадда гапирди буларни? Меҳмоннинг кўнглини очишнинг аломат усули...»

Хотин эса унинг кўнглини очишни ҳануз давом эттирарди:

— Биласизми, агар оддий одам ўзининг қашшоқлигини сезса борми шўри қуриди деяверинг! Сизнинг қаршингизда етти букилиб, ўзини минг алфозга сола бошлайди, бу сизни юпатмайди, балки сизга азоб беради. Мана, менинг Ванечкам — ҳамма қатори оддий одам, бундан у жуда хафа, қани энди бир иш қилсамки... ҳамманинг оғзи очилиб қолса, дейди. Пойга ёки картада миллион сўм пул ютишми, подшони ўлдиришми, Думани портлатишми, нима бўлса ҳам фарқи йўқ унга. Ҳамма ҳам фавқулодда бир нарсани истайди. Биз хотинлар пардоз-андоз қиламиз, оёқларимизни, кўкракларимизни кўз-кўз қиламиз, сиз эркакларга эса фавқулодда нарсани гапдан, газеталардан, китоблардан излашга тўғри келади.

Бундай андишасиз гаплар Самгинга ёқмади. Тося гапирар экан, Самгинга шундай қаттиқ тикилардики, бу ҳол унга малол келаётган, яна ҳам ёқимсиз гапларни кутишга уни мажбур этаётган эди. Бироқ хотин бирдан ўзгариб, бошқача оҳангда гапира бошлади.

— Хўш, мен дилимдаги ҳамма гапни сизга нега тўкиб-соляпман? Тезроққина танишиб ола қолсам дейман сиз билан. Иван сизнинг ҳақингизда ҳақиқатан фавқу-

лодда бир сиймо деб, ўз замонасига нисбатан ақллироқ бўлишдек бахтсизлик бошига тушган одамлардан бири деб гапиради... Шундай деган эди шекилли у...

— Э, бу жуда маҳобатли... мақтов-ку,— деди Самгин.

— Бахтсизлик бўлса, нега мақтов бўлар экан?— деб сўради хотин.

Самгин инсонларнинг умумий бахт-саодати йўлида жуда кўп иш қилган айрим шахсларнинг шахсий бахтсизликларига доир бир неча фактни кўрсатди ва буни гапирар экан, ўйлади:

«Жуда бир аломат! Унда оригинал ақлнинг нишонаси бор, лекин шу билан бирга ҳамма гаплари, қилиқлари кўпол ва содда...»

— Умумий бахт-саодат,— деб такрорлади Тося.— Буни нима деб тушуниш керак? Менинг бир дугонам бор, вилоятда, заводда ўқитувчилик қилади, у ерда бўғма тарқалибди, болалар қиришиб кетяпти, сиворотка йўқ эмиш, шаҳарда эса истаганча топилади.

— Бу тасодиф,— деди Самгин.— Тадбирсизлик натижаси...

У Тосянинг: «ўз замонасига нисбатан ақллироқ бўлишдек бахтсизлик» деган бояги гапини барала такрорлашни истади-ку, лекин бундай қилмади.

«Тўғри, оғир қисматларнинг кўпига сабаб шу. Аксиома салмоғи ва аҳамиятига молик фикрларнинг унутилиб кетиши қизиқ».

Кичкина, шинамгина хонада, иссиққина, муаттар бир сукунат оғушида, стол атрофида ўтириб, гўзал бир хотиннинг майингина, ширадор овозини эшитиш ҳар қалай жуда кўнгилли эди. Борди-ю, бу жувоннинг чеҳраси яна ҳам очиқроқ, қора кўзлари мулойим бўлса, у яна ҳам чиройли кўринарди. Унинг қўллари ҳам чиройли, бармоқлари эса жуда чаққон эди.

«Конфет қутичаларини боғлашга одатланган»,— деб фикр юритди Самгин ва сўнгра, Дроновга нисбатан адолатсизлик қилди, деб ўйлади. У Тосянинг ўзи ҳақидаги ажабтовур очиқ гапларини, унинг одамлар, китоблар, воқеалар тўғрисидаги кўполроқ мулоҳазаларини эшитиб узоқ ўтирди.

— Шунақа келиб туринг бизга,— деб таклиф этди хотин.— Бизникида анвойи одамлар йиғилиб туришади, ораларида ажойиблари ҳам бор. Агар ўзлари ҳақида га-

пиришга қўйиб берилса борми, уларнинг ҳаммаси ҳам ажойиб...

Самгин кетаётганида Тося қайноқ қўли билан унинг қўлини жуда қаттиқ қисиб деди:

— Мана энди биз эски танишлар бўлиб қолдик...

— Буни қарангки, мен ҳам шундай деб ҳис қиляпман,— деб жавоб берди Самгин. Бу гап тўғри эди ҳисоб.

Оқшомнинг қолган қисмини Самгин шу хотин тўғри-сида ўй суриб ўтказди, бу фикрлар бўлиниши биланоқ тасавурида яна Варваранинг қорайиб кетган нозик юзи гавдаланди, унинг кўзлари зич юмилган, лабларида қийиқ табассум бўлиб, лабларининг ўнг томони салгина очилиб қолган, унинг орасидан учта ёқимсиз оқ тиши ва битта қоплама олтин тиши кўриниб турарди. Қалин қор босган қабрнинг бўш бир бўлаги, малла тупроқ уюмлари, эндигина қазилган қабр бошида қимир этмай турган икки одам ҳам кўз ўнгида гавдаланди.

«Ёлғизлигидан шикоят қиларди,— деб ўйлади у Варгара тўғрисида.—У ўз замонасига нисбатан ақллироқ эмас эди. Хўш, Тося-чи? Дронов унга бир нави кун кўришдан бошқа нима бера олади?»

У дафнда иштирок қилгани учун эртагаёқ бориб Дроновга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлган эди, лекин эрталаб Самгин қаҳва ичаётганида, Дроновнинг ўзи келиб қолди.

— Кечир мени, Клим Иванович, кеча мен расво иш қилдим,— деб гап бошлади у, Самгиннинг қўлини силтаб туриб.— Шодлигимдан маст эдим, железка¹ ўйнаб етти минг уч юз ютган эдим,— картада омадим келяпти.

— Ишқ-муҳаббатда ҳам омадинг бўлса керак?— Самгин унинг «сан»лаб гапиришига эътибор бермай дўстона сўради.

— Тоська чиройли жувонми?— деб сўради Дронов ва ўзини креслога ташлаган эди, у ғижирлаб кетди.— Жуда чиройли,— деб шоша-пиша жавоб берди ўзига-ўзи.— Уни бир большевик ўз таъсирига оғдирмоқда, сил одам ўзи, яқин орада уни бобокалонларининг олдига жўнатишади, лекин ўзи ажойиб одам! Сен бу ерда қисқа фурсат бўласанми ёки доимий қоласанми? Мен сени таклиф қилгани келдим. Бу каталакда бир ўзинг нима қиласан?

¹ Железка — карта ўйинининг бир тури. (Тарж.)

Дронов жуда шошаётганди, у Самгин таниган Дроновга жилла ўхшамасди. Афтидан, у бир нимани йўқотган, бир нима топган ва умуман олганда, ютганди. Унинг пула бурунли ясси башараси аввалгидан мамнун ва хотиржам кўринар, юз суяклари аввалгидек кўзга ташланмас, сариқ кўзлари у қадар жонсарак эмас, фақат олтин тишлари яна ҳам тиниқ ялтирарди холос. У мўйловини қирқиб ташлаганди. Аввалгидан кўра шошиброқ гапирса-да, лекин у қадар сурбетлик қилмаётганди. Дронов ҳар вақтдагича қеҳва ичмай, оқ вино сўради.

— Мени хуш кўрмаслигингни биламан, оғайни, — лекин мен бунга парво қилмайман...

— Хуш кўриш-кўрмаслик тўғрисида мен гапира олмайман, — унинг сўзини кесди Самгин. — Лекин сен ҳақ эмассан. Сенинг ўзимга бўлган муносабатинг менга жуда гаъсир қилди...

— Бўпти, буни қўя турайлик, — Дронов қўлини силкиб, гапини давом эттирди: — У ерда, охириги маротаба кўришганимизда, сенга инонмайман, деган эдим. Демоқчи эдимки, мен сенинг гапларингга инонмайман, бировларнинг сўзлари билан айтган гапларингга инонмайман. Мен арқон билан дарахтга боғлаб қўйилган бузоқдай ҳали ҳам бир ерда айланмоқдаман.

У бир стакан винони ичиб, дастрўмолчаси билан лабларини тезда артди-да, дастрўмолчани ҳавода силкита-силкита гапида давом этди:

— Мен бойиб кетсам бўлади. Ҳозир бойиш учун энг қулай вақт, куни кеча аҳмоқ хўжайинларга гумашта бўлиб юрган Второвлар, Баторинлар ва бошқалар ҳам бойишмоқда. Инқилоб ўз ишини қилди: ҳаётни илдиз-пилдизигача силкитиб олди. Энди эса уни тинчитиб, рози қилиш, яъни очкўзларни тўйгунича боқиш керак. Ҳаммани тўйдириб бўлмайди. Столипин энг яхши одамларни тўйдиришга қарор қилган. Мен ҳам ўша яхшиларданман, негаки ақллиман. Лекин мен — нима десам экан? Мен ҳар нарсани билишни истайман, шу нарса мени... каловлантириб қўймоқда. Бу менинг бошимга етиши мумкин, тушуняпсанми? Мен давлатманд одам бўлишни истайман, лекин болаларни кўпайтириб, уларга миллион-миллион мерос қолдириш учун эмас. Йўқ, давлатманд одамларнинг болалари аҳмоқ бўлади. Менинг бойимоқдан муддаом, устимдан ҳукм юритаётган кишиларга ўзимнинг улардан ёмон эмас, балки ақллироқ эканимни кўрсатиб қўйишдир.

Лекин мен биламан, шуни яхши биламанки, кўпас ақлли одамлар ҳисобига яшайди ва ўз кучи билан эмас, балки унга хизмат қиладиганлар билан кучлидир. Мен инқилоб фойдасига миллионлаб пул бераман. Савва Морозов мингларча сўм берди, мен — Иван Дронов эса — юз минглаб бераман.

Унинг гапларини жуда қизиқиб тинглаётган Самгин:

— Фантазияга берилиб кетдинг, — деди.

— Фантазиясиз илож йўқ, кунинг ўтмайди. Турмушингни йўлга қўёлмайсан. Ҳаётнинг изга тушмаганлиги ҳақида мингларча йиллардан бери гапириб келишадди, тобора ортиқ гапиришадди, лекин ҳаётнинг маъносизлигидан бўлак ҳеч нарса қатъий аниқланган эмас. Ҳаёт маъносиз бир нарса, оғайни. Буни ҳар қандай ақлли одам биледи. Булар, балки ниҳоятда ақли ошиб-тошиб кетган одамлардир, масалан сенга ўхшаб...

Самгин кулимсираб:— Мақтовларинг учун раҳмат, — деди янада диққат билан қулоқ солар экан.

— Раҳматнинг ҳожати йўқ. Сенинг ақлинг ошиб-тошиб кетган, мен сени кўпдан, болалигингдан танийман. Лекин гапимни эшит, Клим Иванович, мен... бойишим лозимлигини бутун вужудим билан ҳис қилмайман. Баъзан, ҳатто кўп вақт ўзимни, ҳалигидай, калта оёқли бой деб тасаввур этишдан хижолат чекаман. Агар худо менга ҳусн берганида, аллақачон бориб турган разил одам бўлар эдим. Гапимга ишонасанми?

— Ишонмасликка ҳақим йўқ, — деди Самгин жиддий бир тарзда.

— Қани айт-чи: инқилоб тугадими ёки эндигина бошланаяптими?

Самгин шошилмасдан янги папирос қутичасини очиб, бир дона олди, у жуда қаттиқ тиқилган экан, уни бармоқлари билан эзиб юмшатмоқчи бўлган эди, ёрилиб кетди, бошқасини олди, бироқ буниси Петербургдаги ҳамма папирослар каби нам чиқди. Шуларни қилар экан, у Дроновнинг саволига ҳам ҳа, деб, ҳам йўқ, деб жавоб бериш мумкин, деб ўйларди, бироқ ҳар икки ҳолда ҳам Дронов далил-исбот талаб қилади. Инқилоб факт сифатида тугаб, фақат у қадар ёқимли бўлмаган хотирагина бўлиб қолганлигини билганлигидан Самгин инқилобнинг тақдири тўғрисидаги саволни ўз олдига қўймаган эди. Самгин Кутузов билан бўлган суҳбатдан кўра Дроновнинг саволидан кўпроқ ташвишга тушганлигини ҳис қилди.

«Нима учун?»

У папиросни самоварнинг иссиқ биқинида қуритар экан, аҳтиёткорлик билан гап бошлади:

— Сенинг саволинг ким билан бирга бориш ва қанчалик узоққа бориш масаласини аниқлаб олмоқчи бўлган кишининг саволидир.

Дронов креслодан сапчиб туриб:— Ҳа, шундай!— деб хитоб қилди ва ўнг елкасини бир силкиб:— Бу минглаб одамларнинг саволи,— деб илова қилди, сўнгра эса сакраб турди-да, икки қўли билан столга тиралганча Самгинга энгашиб, сирли гап айтаётгандай, секин гапира бошлади:— хўжайинлар биланми ёки ишчилар биланми? Айни шу масалани тезда ҳал этиш зарурати минг-минглаб зиёлиларни ҳиқилдоғидан олди. Уларнинг қўли буни бошқа тушунча: оллоҳ биланми ёки инсоният биланми?— деган тушунча билан алмаштириб ҳал қилди. Тушуниясанми? Улар: оллоҳ билан, деган қарорга келишди. Инсоният ўтаверсин! Оллоҳ билан бўлиш ҳам қулай, ҳам масъулиятдан йироқ. Лекин бу қаллобликка, муғамбирликка ўхшаб кетади, оғайни.

У столни итариб, қаддини ростлади-да, қўл силтаганча мушт ўқталиб, чийиллаб қичқирди:

— Профессор Захарьин Ливадиядаги саройда ер тепиниб, сарой аъёнларига ўшқириб, касал подшони нега ёмон хонага жойлаштирдинглар, деб койиган эди,— иш деган бунақа бўлади! Мана буни ақл билан билим ҳукми деса бўлади...

Бу қичқирик Самгинни ташвишдан қутқарди, у кулимсираб, бош ирғаб Дроновга боқар экан:

«Йўқ, у қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолибди...»— деб ўйлади.

Дронов терлаган пешанасини, қизариб кетган ёноқларини дастрўмол билан артиб, вино ичди-да, секингина ва ҳатто хафа бўлгандай, гапини давом эттирди:

— Куляпсан. Тушунаман, сен осмони фалакда юрибсан,— у қўлини боши узра силкитди.— Фалсафа осмонида парвоз қилиб юрибсан, шундан мамнунсан. Болалик чоғларимизни бир эсингга ол: сенга қойил бўлишарди, мени эса хафа қилишарди. Эсингдами, сенларга ҳавасим келарди, ўйин бузуқлик қилардим, ердан чақа ахтарардим»

— Ҳа, ёдимда. Жуда боплар эдинг, ҳеч ўйнагани қўймасдинг.

Дронов бир хўрсиниб, бош чайқади.

— Сиз, таги кўрган зиёлиларнинг болалари ўзини кўрсатмоқчи бўлган мендек фуқаро болага... аслзодаларча муомала қилардингиз. Америкаликларнинг занжиларга муомаласи каби.

— Маҳобат қиляпсан.

— Эҳтимол шундайдир. Лекин болалик таассуроти жуда яхши эсда қолади.

Дронов атрофга кўз югуртириб ва Самгинга савол назари билан қараб деди:

— Биласанми, Клим Иванович, қанчадан-қанча хўрланган ва таҳқирланган кишилар бор. Бунақаларнинг сон-саногини йўқ, яна ҳам кўпайиб бормоқда. Улар Достоевскийга эмас, балки энди Марксга эргашиб улғайишаётган кўринади... Тобора ақлларига ақл қўшиляпти уларнинг.

Самгин: «Инқилоб ҳали тугамаган, деб ишонади у»,— деган фикрга келди.

— Яқинда мен Лопатин деган бир кимсанинг «Ўлат» деган романини ўқиб қолдим,— Дронов мароқсиз ҳолда гапира бошлади.— Кунини кеча чиққан китоб. Унда айтиладики, инсоният — аҳмоқона бир гап, ҳаёт — зерикарли, у ғайри оддий, номаълум, сирли нарсалар мавжуд экан, фақат худо билан, шайтон билан мароқли бўлиши мумкин. Китобда шундай деб исботланадики, гўё гениал олимлар ва уларнинг бутун кашфиётлари, ихтиролари — зарарли бўлиб, ўй-тасаввурни бўғади, руҳни сўндиради, ҳамма нарса менга маълум, равшан ва тушунарли дейдиган ўзига мағрур одамлар тоифасини вужудга келтиради. Китобнинг сюжети бундай: хунук бир одам, лекин гениал олим Москвага ўлат тарқатади, бу фикрга уни маст бир студент ундайди, Москвада кирди-чиқди тўхтатилади ва у деярли адои тамом бўлади. Ўлат шаҳарга сунъий равишда тарқатилганини тасодифан билиб қолиб, олимни ўлдиришади. Мана, кўрдингми, оғайни, қанақа китоблар ёзишади... хунук одамлар.

— Тўғри,— деб қўшилишди Самгин,— қаёқдаги расво нарсалар жуда кўп нашр қилинмоқда.

— Расво дейсанми?— Дронов чаккасини қашиди.— Йўқ, расво эмас, негаки минг-минглаб одам ўқимоқда уларни. Ахир мен, келажакда китоб сотадиган одам, молни яхшилаб ўрганишим керак, шунинг учун нимаики нашр этилса ҳаммасини — насрий асарларни, поэзияни, танқидий асарларни, хуллас, одамларнинг кайфиятини ва фикр-ниятини очиқдан-очиқ лақиллатадиган жамики китобларни кўздан

кечираман. Ҳозирданоқ мен китоб танийдиганлардан бўлиб қолдим, Ситин менга хушомад қиляпти, хуллас,— оғизга тушиб кетдим.

Унинг товушида ўзидан мамнунлик сезиларди, у бир қўлида бўш стаканни тутиб, иккинчи қўли билан малла сочларини силар, худди у зинадан кўтарилаётган одамдек сонлари галма-гал ирғиб турарди.

— Эндиликда масала бундай қўйиляпти: Иван Караматовнинг лаънати саволларида асл ва абадий донолик мавжуд. Иванов-Разумник даъво қиладики, бу саволларнинг ечилиши мантиқий ва ахлоқий нормалардан иборат қилиб қўйилиши мумкин эмас, демак бу бахт деган гап эмас. Билиб қўй: бу ҳали бахт эмас! «Идеализм проблемалари»ни ўқидингми? У ерда Булгаков: инсоният инсондан нима билан фарқ қилади?— деб сўрайди. Ўзи бундай деб жавоб беради: модомики шахснинг ҳаёти маъносиз бўлса, инсониятнинг тақдири ҳам маъносиздир,— зўрми?

— Кейинги йилда мен кам мутолаа қилдим,— деди Самгин.

— Леонид Андреев, Сологуб, Лев Шестов, Булгаков, Мережковский, Брюсов ва улардан кейини нисбатан камроқ танилган муаллифлар ҳаётни маъносиз деб даъво қиладилар. Кўрдингми, қандай.

У чўнтагидан ён дафтарча чиқарди-да, тиржайиб, кўзларини олайтириб, қувноқ бир оҳангда ўқий бошлади:

— «Инсоният пасткашликнинг миллион-миллион кўп бошли аждарҳосидир»,— бунини Иванов-Разумник ёзган. Манави Мережковскийнинг гапи: «Инсонларнинг кўпчилиги ҳеч вақт ўн тўққизинчи асрда Россияда бўлгани каби бачкана ва тубан бўлган эмас». Шестов эса бундай дейди: «Шахсий фожиа тирикликни субъектив идрок этишнинг ягона йўлидир».

У дафтарчани шапиллатиб кафтига уриб, винони охиригача симириди-да, деди:

— Шунақа ҳикматли гаплардан юз элликтачасини ёзиб қўйганман. Бутун бир аср соғилган сутнинг қаймоғи бу! Мен «Юз йил ичида нима хулосага келдик» деган бир китобча нашр қилмоқчиман. Китобнинг биринчи бетида савол аломати бўлади. Роса вайсадимми сенга? Нима бўлса ҳам кечир энди.

Клим Самгин, охириги гапни ҳар қалай мен айтганим дуруст, деб фикрлади.

— Бу гапларнингнинг бари жуда бир тарафлама, ҳол-

буки бошқа нарсалар ҳам бор,— деб Самгин астойдил гап бошлаган эди, бироқ Дронов қорақўл шапкасини ҳавода силкитиб, унинг гапини кесиб қўйди:

— Чехов ва унинг икки юз-уч юз йилдан кейинги ваъда қилган фаровонлигимиз? У мурувват, шафқат юзасидан деган эди. Горькийни айтадиган бўлсанг, у тамом бўлган, сўнгра у файласуф ҳам эмас, эндиликда эса ёзувчидан файласуфлик қилиш талаб этилади, уни ўз ишига пишиқ, айёр дейишади, ҳеч қандай хавф бўлмаса-да, у муҳожирлик қилган эмиш. Идеализмнинг реализм билан олишувидан қочган. Клим Иванович, кечқурун гаплашиб ўтирадиган бўлиб уйимга кел. Уйимда ҳамиша одамлар бўлади. Бугун ҳам келишади. Бир ўзинг бу ерда шўппайиб нима қиласан? Хўпми?

— Ўйлаб кўраман,— деди Самгин.

Дронов пальтосини кийиб, дўп-дўп уриб калишини кийган ерида яна бирдан гўлдирай бошлади:

— Бутун шовқин-суронни марксистлар бошлашди. Ҳамманинг ўтини ёрган ўшалар! Шунақанги совуқ шамол турдики, ҳамма ўзининг юпқа кийимда эканини сезиб қолди. Шу қаторида мен ҳам. Танамда ёг бўлса ҳам ҳар ҳолда совуқ ўтди. Кутаман,— деганча ғойиб бўлди Дронов.

Самгин, аввало, кўп марта бўлгани каби яна ўзидан норозилик туйди. Дроновнинг кўркәмроқ, ўткиргина бўлиб қолганини, фикрларини маънодор ва лўнда баён қила олишни касб этганини тан олиш Самгин учун жуда ҳам кўнгилсиз бир ҳол эди.

«Фикрни маънодор ва лўнда баён қила олишлик хатарли бир қобилият, лекин бу душман ғояларининг тазйиқидан ўзини мудофаа қилиш учун муайян даражада зарурдир,— деб ўйлади Самгин.— У нимани эътироф этади-ю, нимани инкор этишлигини тушуниш қийин. Нима учун бир нарсани эътироф этганда, бошқа бир нарсани инкор этади? Уникада қанақа одамлар йиғилишади? Анави аломат хотин улар билан қанақа муомала қилади?»

Ҳозирги адабиётнинг кўпгина ғоялари унинг, Самгиннинг таассуротларини шакллантираётганига ва у ҳар вақтдагидек ўз фикрларини таърифлашга кечикаётганига иқрор бўлиш яна ҳам кўнгилсиз бир ҳол эди.

«Кам ўқияпман. Устига-устак диққат билан ўқимаяпман,— деб у ўзидан қаттиқ ўпкаланди.— Деярли ҳамиша монологлар ва диалоглар билан куним ўтяпти».

Самгин яна ўйлай-ўйлай, одамлар билан кам кўришяпман, деган фикрга келди-да, кечга томон Дроновникига бо-ришга аҳд қилди.

У келганида Дронов уйда йўқ эди, Тося меҳмонхонадаги кенг кушетка устида бошининг остига оқ ёстиқ қўйиб, тутам-тутам қора сочлари ёстиқ устида тўзиган ҳолда ярим чўзилганча ётарди.

— Буни қаранг, қандай яхши,— деди Тося Самгинга қўлини узатиб. Унинг қўли елкасигача очиқ бўлиб, қирилмаган қўлтиғигача кўриниб ётарди.— Кечирасиз, ванна қабул қилган эдим, ис тегиб қолибди, эндигина сочларимни қуритаётгандим. Бу киши меҳрибон дўстим ва муаллимим Евгений Васильевич Юрин бўладилар.

Каттакон чарм креслода бир киши узун оёқларининг чўққи тиззаларини креслодан анча нарига узатганча жуда ботиб ўтирарди.

У қўлини кўтариб, Самгинга узатар экан:— Кечирасиз, ўрнимдан турмадим,— деди. Самгин узун, ориқ бармоқларни эҳтиёт-ла сиқар экан, кресло суянчиғига ёпиштириб қўйилгандек тақир бошни, Самгиннинг ўзи сингари соқолдор, суяклари туртиб чиққан, шифтга боқиб турган бўз башарани, кенг пешана остидаги жуда тиниқ кўзларни кўрди.

Тося салгина сурилиб:— Кушеткага ўтиринг,— деб таклиф қилди.— Евгений Васильевичнинг суҳбатлари жуда мароқли бўлади.

— Менимча, басдир?— деб сўради Юрин йўтала-йўтала ва темир қопқоқли кўк бир шишача ичига туфлади, у йўталиб бўлгунча Тося Самгиннинг қўлини силай-силай:

— Жуда яхши бўлди келганингиз... Йўқ, давом этинг, Женечка...— деб улгурди.

— Хуллас,— деб гап бошлади Юрин, Тосянинг айтганини қилиб,— менда шундай бир таассурот пайдо бўлди: жиддий музикани тинглашга айниқса ишқибоз ишчилар ҳаётнинг бутун масалаларига нисбатан ва турган гап, хусусан, социал-иқтисодий сиёсат масалаларига нисбатан ҳасос эканлар.

У сил касалларга хос бўлган ифодасиз ва заиф бир товуш билан гапирар, чамаси, сунъий ва шу сабабли жуда бир текис оппоқ тишлари хирагина порларди. Хонанинг ичи иссиққина бўлишига қарамай, унинг бўйнида катак-катак ипак шарф ўроғлиқ эди.

Тося бухори яшил халатга ўралган бўлиб, оёғига қора пайпоқ кийганди. Бадани шундоққина яққол билиниб тур-

ганидан Самгин унинг халат ичидан фақат кўйлақдан бўлак нарса киймаганини фаҳмлади.

Самгин хотиннинг ўйчангина чимирилган башарасига разм солар экан:

«Осонгина кўна қолса керак,— деган фикрга келди.— Паришон сочлари юзига ҳам, ўзига ҳам чирой бағишлаган. Қайсидир расми эслатади. Канизакнингми, чўринингми портретини... Хуллас, шунга ўхшаш бир нарсани».

— Ишчилар синфи орасида кўплаб хилма-хил истеъдодли одамлар бор, уларнинг бари бекордан-бекорга нобуд бўлмоқда,— дерди Юрин лоқайд ва совуққина овоз билан.— Мана, масалан...

Шу пайт хонага икки аёл кириб келди: бири Орехова, иккинчиси ўрта бўйли, қора сочли аёл бўлиб, зағчага жуда ўхшарди,— унинг бедана юриш қилиб, Тосянинг олдига ди-конглаб келиши уни яна ҳам кўпроқ қушга ўхшатиб юбо-раётганди. Аёл эгилиб Тосяни ўпар экан:

— Азизим, менинг гўзалим,— деб чиг-биг қилди.

У, кўкрагидан мушт еган одамдай, қаддини ростлаб олиб, ғайри табиий ҳолда ва беўхшов, ясама бир тарзда даҳшатга келиб дадиллик билан қичқириб гапирди:

— Юрин? Сизмисиз? Бу ерда нима қилиб юрибсиз? Хўш, Қрим нима бўлди? Ахир бу ўз жонига қасд қилиш-ку! Тося, бу қанақаси?

Тося ўпилган юзини истиҳола қилиб ўтирмай дастрў-молча билан артар экан, қора пайпоқ кийган оёқларини ерга қўйди-да:— Танишинг, Самгин — Марфа Николаевна Плотникова. Мен кийиниб келай,— деганча ғойиб бўлди.

Орехова Тося билан сипогина саломлашди, Самгинга хайрихоҳлик билан боқиб, унинг қўлини силтади ва сўнгра Юриннинг креслодан туришига ёрдамлашди. Юрин унинг ёрдамини қайтармай индамасдан фисгармония томон йўл олди, новча, елкаси чиққан бу одамнинг костюми қалин мовутдан бўлса ҳам унинг суякдор елкалари, тирсаклари, тиззаларини яшира олмасди. Плотникова Ореховага шоша-шоша гапирарди:

— Вирубованинг саройдаги обрў-эътибори тобора ортиб боряпти, малика унга жуда муккасидан кетган, ҳатто айтишадики, уларнинг орасида ҳалигидай муносабатлар...

Плотникова муносабатларни шивирлаб гапирди ва ғазаб билан:— Буни қаранг! У малика бўлмаганида бошқа гап эди!— деб хитоб қилиб, давом этди:— Ҳолбуки Вирубованинг сибирлик бир мужик ўйнаши бор, девдай киши, Виру-

бова унинг расмини инжилнинг ичида сақлаб юради... Йўқ, бир ўйлаб кўринг-а: инжилнинг ичида ўйнашнинг расмини! Нима бало бўлган ўзи!

— Бу нима бўпти, азизим, ҳали бошқа янги гапим бор...

— Тинчликми, нима гап ўзи?

— Дроновлар келишсин, ўшанда айтаман.

Юрин фисгармонияда тантанали, лекин ҳазин бир куйни ижро эта бошлади. Ёнма-ён ўтирган аёллар чурқ этмай қолишди. Орехова лабларини чўччайтириб, тиззаларини силаб, хайрихоҳлик билан калласини тебратиб эшитарди. Плотникова бурнига упу суртиб, юмалоқ қуш кўзлари билан созанданинг елкасига бир дақиқа боқар экан, секингина деди:

— Бу зарарли бўлса керак унга... Ахир, бу черков оҳанглиридан эмасми?

Ҳаво ранг сарафанда Тося кириб келди, унинг йўғон ўрама сочи елкаси оша кўкраги устига тушиб турар, бўйнида бир шода маржон осиглиқ эди,— бу аҳволида у Маковскийнинг «Бояр тўйи» расмидаги хотинга ўхшаб кетарди.

— Яхши чаладимми?— деб сўради Тося Климдан. Самгин индамай бошини эгди,— фисгармония умуман унга ёқмас эди, энди эса яқин орада ажали етиб турган бу одамнинг бир ёққа тирмашаётгандай оёқ-қўлларини қимирлатиб, йўғон, маъюс садолар таратаётгани унга негадир айниқса ёқимсиз туюлаётганди.

— Мадори етмаяпти унинг,— деди секингина Тося.— У шу ёзда ҳам бизнинг боғимизда жуда қийиб ижро этган эди, айниқса роялда.

— Сарафан жуда ярашар экан сизга,— деди Самгин.

Тося эпчил бармоқлари билан сочининг учини ўрар экан:— Тўғри, ярашади,— деб тасдиқлади бош ирғаб.— Сарафанни яхши кўраман, одам роҳат қилади.

У жим қолди, Самгин мусиқа садолари орасида икки жувоннинг оҳистагина баҳшлашаётганини эшитди:

— Гапимга ишонинг: Думбадзе бомбадан яраланган.

— Йўқ. Тўғри эмас.

— Ҳа, ҳа! Фуражкасининг соябонини учуриб кетган ва...

— Ҳеч қанақа «ва»га ҳожат йўқ!

— Исмингиз Татьянами?— сўради Самгин.

— Таисья,— жуда секин жавоб берди аёл, унинг бармоқлари орасидан папирос ола туриб.— Лекин мени Тося

деб чақиришса, ўзимча яна ҳам ёшаргандай бўламан. Ахир йигирма бешга кирдим.

У папиросни чекар экан, Юриннинг орқасидан боқиб, боягидай секин гапини давом эттирди:

— Нақадар даҳшатли куй. У ҳамиша шунақасини танлайди. Бетховенни, Бахни. Улугвор ва даҳшатли. У аломат одам. Ўзи касал, умри саноқли қолган.

Самгин Тосянинг юзига боқди,— Тосянинг қошлари ғазабнок чимирилганди, қуйи лабини тишлаб туришидан ҳозир у йиғлаб юборади, деб ўйлаш мумкин эди. Самгин шоша-пиша ундан: Юринни кўпдан буён танийсизми?— деб сўради.

Тося тутун ҳалқаларини усталик билан ҳавога пуркаб, мароқсиз бир тарзда шивирлаб деди:

— Таниганимга саккиз йил бўлди. Ўзи телеграфчи эди, скрипка ўрганарди. Бирам яхши, мулойим, ақлли киши эди. Кейинчалик уни қамашди, тўққиз ой турмада ётганидан кейин Архангельскка сургун қилишди. Мен ҳатто унинг ёнига бормоқчи ҳам бўлган эдим, лекин у сургундан қочиб қолди, кўп ўтмай Нижнийда уни яна қамоққа олишди, бу сафар энди беш йил деганда қутулиб чиқди. Олтинчи йилнинг охирида яна қамашди. Баҳорда касаллиги туфайли озод қилишди, отаси ҳаракат қилди, Ваня ҳам. Унинг бир слесарь иниси бор эди, у кейинчалик матрос бўлганди, у Свеаборгда ўлдирилди. Отаси эса йўл ишлари устаси эди, сўнгра тупроқ ишлари бўйича пудратчи бўлганди, жуда бадавлат киши эди, шу ёзда вафот қилди. Женья ҳатто уни дафн этишга ҳам боролмади. Бу ерга уни мерос иши юзасидан чақиришган, лекин Женьянинг айтишича, унинг ўлимини кутиб, ишни қасдан чўзишаётган эмиш.

Самгин шубҳаланиб: «Ўзи тўгрисида гапиришга нега бунча шошилади у?»— деб ўйлади.

Фисгармониянинг мунгли фарёди остида бу шивирлашни эшитиб ўтириш жуда кўнгилсиз бир ҳол эди, Самгин бу бирикмада ғамгин юморга яқин бир нарса туйди ва Юринчалиб бўлиб, букик қаддини ростлаганида, у енгил нафас олди, шунда Юрин деди:

— Бу Эсхилнинг «Эвменидалар» трагедиясига Мейербер басталаган куй. Буни сандиқда ижро қилиб бўлмайди, устига-устак ёдимдан ҳам кўтарилган экан. Ишқилиб, чой беришадими?

— Кетдик,— деди Тося, ўрнидан туриб.

Занглаган темир рангли қалин шерсть кўйлак кийган семизгина, эркаксифат Орехова Плотникованинг елкасига қўлини қўйиб, бармоқлари билан қайси бир ҳам суягини тиқиллатар экан, ғазаби қайнаб деди:

— «Кафе де Пари»да ми-карем вақтида буюк князь Борис Владимирович серпантинга ўралиб, фоҳишалар билан кечки овқат қилиб ўтирганида, фоҳишалар унинг қулогига тўнғиз тасвирланган пуфак боғлаб қўйишган экан. Азизим, бир ўйлаб кўринг-а, бу— подшолик қилаётган сулоланинг вакили бўлади-я? Улар Россияни шунақа шарманда қилишади! Шунга эътибор қилингики, буни Москва ҳокими Рейнбот гапириб берган.

— Даҳшат, даҳшат!— деб жавоб берди пишиллаган овоз билан Плотникова.— Буюк князь Алексейнинг маъшуқаси Балетта бизга Цусимадан ҳам қиммат туради, дейишади!

— Хўш, нима деб ўйлаяпсиз? Қиммат турса нима бўпти!

Юрин Тосяни қўлтиқлаб олиб, изоҳ бериб борди.

— Эвменидалар, эриниялар, яъни интиқом маъбудалари, улуғвор ва дарғазаб маъбудалардир. Мария Ивановна сингари.

— Нима, нима? Менга ўхшаган— ким экан у?— Орехова ҳуркиб кетган товуқ каби ҳаяжон билан гапирди.

Даҳлизнинг эшигида Ногайцев кўринди, у соқолини рўмолча билан артаётгани, мулойим кўзларидан нур ёғиларди, унинг орқасидан қора сюртукнинг ёқасини маҳкам тугмалаган, сийнаси ясси ва ўзи гайри табиий бир тарзда тик, узун сочли бир одам виқор билан келарди. Ногайцев дарҳол чўнтагидан ҳамён чиқариб, уни ҳавода силкитиб жар солди:

— Зап қизиқ бир янгилик!

— Менда ҳам бор!— деди шошилганча Орехова.

— Хўш, сизники нима?

— Йўқ, олдин сиз айтинг.

Ногайцев ҳамённи орқасига яшириб сўради:

— Нега мен айтар эканман? Аввал хонимлар бошлайди.

— Йўқ, йўқ! Бу ишда эмас!

Улар баҳслашар эканлар, бу орада сюртук кийган одам, қаддини эгмай, Тосянинг қўлини ўз юзигача кўтариб, индамасдан узоқ ўпди, сўнгра оёқларини тўғри бурчак шакли-

да букиб, Климнинг ёнига ўтирди-да, кичкинагина қўлини унга узатар экан, секингина деди:

— Антон Краснов.

Самгин унинг қўлини сиқар экан, ҳайрон бўлди: Красновнинг бармоқларини маҳкам деб кутган эди, ҳолбуки улар гуё суяксиздек юмшоқ сезилди.

Дронов эшикда кўринди, у сарғиш жингалак сочли, юзи қўғирчоқдек чиройли, пенсне таққан ушоққина, дўмбоқ аёлни ўзидан олдинга ўтказиб юборди. Дронов баҳсга қулоқ берар экан, чўнтагидан ён дафтарини чиқарди-да, нима учундир Самгинга кўз қисиб қўйиб:

— Дикқат!— деб эълон қилди.

Сўнгра у дьяконга тақлид этиб, қироат билан бақириб ўқий бошлади:

— «Эй, лаънати ва манфур Россия хоини...»

— Ҳа, ҳа,— деб қичқириб юборди Ногайцев.— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим! Хўш, сиз-чи?— у Ореховага мурожаат қилди.

Орехова бош ирғаб:— Ҳа, мен ҳам,— деди хомушгина.

— Дикқат!— деб такрорлади Дронов ва яна ўқий бошлади:

— ...«Эй, ўз руҳидаги ахлоқий пок ва ахлоқий нажиб бутун муқаддас нарсаларни бўғиб сўндирган, ўзини энг шафқатсиз қотил сифатида, такаббур ақли ва фаҳш истеъдодининг қуриган шохига осган, бутун борлиғи билан ахлоқан чириб кетган ҳамда зиёлилар жамиятимизнинг бутун ҳаётий муҳитини ўзининг қабиҳ ахлоқий-диний жирканч ёвузликлари билан заҳарлаган сотқин! Лаънатлар бўлсин сенга, қабиҳ, қутурган инсон, сенинг одамларни йўлдан оздирган эҳтиросли истеъдодинг оғуси кўпданкўп бебахт ва ақли паст ватандошларни заҳарлаб абадий ўлимга маҳкум этди».

Дронов ўқиётганида Орехова билан Ногайцев текстни ўз ёзувлари билан таққослаб бордилар, Дронов тугатар-тугатмас Ногайцев гап бошлади:

— Бу епископ Гермогеннинг Толстой ҳақидаги нутқидан. Тушуняпсизми? Қалай?

— Ғирт авомлик,— деди Краснов елкаларини қисиб:— Сиз сўз бирикмасига бир эътибор беринг— ахлоқий-диний ёвузлик эмиш! Уйлаб кўринг, черковнинг жазоловчи бандида шундай сўз бирикмасига йўл қўйса бўладими?

Сариқ сочли хоним гажагини шўх серкиллатар экан,

узоқ ва қизғин мунозара қилишга ҳафсаласи бор одамдай сўради:

— Борди-ю, куфр бўлса-чи?

— Агар ёвуз куфр бўлса, у ҳолда қандай қилиб диний-ахлоқий деб аталиши мумкин? Ғирт авомлик бу.

Одамлар шовқин-сурон қилиб юборишди, ҳамма епископнинг нутқидан қаттиқ норози бўлганини бир-бирига писанда қила бошлади, бироқ Краснов чой қошиқ билан столни дукиллатди, одамлар жим бўлгач, у йўталиб олиб, гап бошлади:

— Саводсиз епископнинг бачкана ва бемаза нутқи бизни таҳқир қилолмайди, у бизни ташвишга солмаслиги керак. Ахлоқий-ижтимоий маънода Лев Толстой жуда те-ран бир воқеадир, бу воқеа фикрловчи инсонларнинг аксарияти учун мақбул бўлгани тўғри, объектив баҳони ҳали ҳам олганича йўқ.

У Ногайцевни ҳам, хотинларни ҳам гапларига қулоқ беришга ўргатиб олган бўлса керак, улар идишларнинг овозини чиқармасликка ҳаракат қилиб индамасдан чой ичиб ўтиришарди. Юрий калласини диваннинг суянчигига ташлаганча шифтга боқиб ўтирарди, фақат Тося билан ёнма-ён ўтирган Дроновгина гўлдираб гапирарди:

— Эртага, албатта, Москвага жўнайман. Сен-чи?

— Йўқ. Хоҳламайман,— деди Тося бақириб, худди сокин оқаётган жилғага тош отган каби.

— Преображенскийнинг «Толстой мутафаккир-ахлоқгўй сифатида» номли кичкинагина, аммо жуда қимматли рисоласида муҳтарам ва машҳур ёзувчининг шахсияти ва фикрларига оид ўн бир таъриф берилган,— деди Краснов, мудраётгандай кўзларини юма-юма, Самгин эса унинг ба-шарасини зимдан кузатар экан, ўйларди:

«Унинг бутун вужуди ғалати қўллари каби илвиллаган ва дув тўкилай деб тургани учун ҳам жуда тор кийиниб, ўзини тик тутиб турса керак».

Красновнинг қора мовутдан тикилган сюртуги ҳамда крахмалланган оппоқ, баланд ёқаси юзининг бўз рангига унча ўтиришмаган эди, унинг ёноқларидаги, устки лабидаги соч толалари силлиққина, ожизона пастга осилиб турар, улар бағбақаси устида бирлашиб, қоziқ шаклини ҳосил қилганди, бу ҳол унинг афти башарасини ғалати қилиб кўрсатар, гўё бутун юзи пастга оқиб тушаётгандай туюларди. Пешанасини тарам-тарам ажин босганди, узун ва майин сочлари бир-бирининг устига ётиб кетганидан

қалин туюлар, бироқ уларнинг орасидан таги кўриниб турарди. Кўзлари кўринмас, устки қовоқлари ҳорғин ҳолда уларни тўсиб турар, бурни аллақандай беўхшов ва ҳаддан ташқари узун эди.

Самгин: «Ёши қирқлардан ортиқ бўлса керак унинг»,— деб тахмин қилар экан, Красновнинг санаб бераётганига қулоқ соларди:

— У пантеист, атеист, рационалист-деист, рус Ренани ёки Штрауси ролини ўйнаётган онгли бир ёлгончи, замонамизнинг энг буюк мутафаккири, аянчли диалектик ва ҳоказо, ниҳоят, ҳатто эпикурчилик ҳамда қўпол манфатпарастлик мотивлари ҳам, социалистик ва коммунистик майллар ҳам мавжуд бўлган худбинлик ахлоқининг тарғиботчиси. Муҳтарам мутафаккирларимиз профессорлардан Гусев, Козлов, Юрий Николаевлар охиргисини айниқса қаттиқ зўрламоқдалар.

Юрий андиша қилмай эснаб:— Буларнинг ҳаммаси ҳам бемаъни нарсалар,— деди ва:— Бемаъни ҳам қуруқ гап,— деб илова қилди; Тося эса нотикдан бепарволик билан:

— Чой ичасизми?— деб сўради.

Бирдан олағовур босиб кетди, ҳеч ким бир-бирининг гапини эшитмас эди, лекин ҳар ким бошқанинг гапининг белига тепиб, унинг таассуротини йўққа чиқаришнинг пайида эди. Сарик хотин:

— Гермогеннинг нутқи тўғри кўчирилганига шубҳам бор...— деди.

Орехова ер тепиниб:— Йўқ, аслига тўғри,— деб қичқирди.

Плотникова, қўлида чой тўла чашкани ушлаб туриб Красновга гапирди:

— Анархист-коммунист дейишни унутдингиз! Бу эса унинг ҳақида айтилган фикрларининг энг яхшиси-ку.

Ногайцев мулойимлик билан Юринга ёлворди:

— Йўқ, сиз жуда қаттиқ кетдингиз! Ахир у биз биланми ёки бизга қаршими, шуни билиб олиш, аниқлаш лозим.

— Ким билан— биз биланми?— сўради Юрин. Дронов эса, буфетдан шишаларни ва закускалар солинган тарелкаларни олиб, столга қўяр, тарақ-туруқ қиларди.

Тося Самгинга кулимсираб:— Ҳамиша шунақа мунозара қилишгани қилишган,— деди.— Сиз мунозарани ёқтирмайсизми?

— Йўқ,— деди Самгин, хотин маъқуллаб бош иргадй.

— Шу яхши. Женя эса панд ейишига қарамай, мунозара қилишни яхши кўради.

Столнинг устида кўкимтир тутун булутдек сузиб юрарди.

— Эртага Москвага жўнайман,— деди Дронов Самгинга.— Топширигинг йўқми? Ўзинг бормоқчимисан? Эртага-я? Бундан чиқди бирга жўнар эканмиз?

— Қаттиқ норозилик билдириш керак,— деб қичқирди сариқ хотин, Плотников эса:

— Гермогеннинг нутқини Европага жўнатиш лозим...— деб таклиф қилди.

Ногайцев қўлини кўкраги устига босиб:— Азизим,— деб ёлворди.— Кўп нарса ёзишяпти. Файласуфлар, адабиётчилар. Гоголь уч отли файтондан ўти ёрилиб, бу қанақаси?— деб қичқирганди. Қаёққа интиляпсан, дерди ва ҳоказо. Ҳолбуки, унинг замонида ҳеч қандай уч отли файтон бўлмаган эди. Декабристларнинг ишини такрорламоқчи бўлган петрашевчилардан бўлак ҳеч ким ҳеч ёққа интилмас эди. Хўш, декабристларнинг ўзлари ким эди? Ахир, сизларнинг назарингизда, улар феодаллар. Аслида, гап ўз орамизда қолсин, улар — комиклардир.

Юрин бўғилиб қичқириб юборди:

— Ўзингиз комиксиз...

— Ҳа, майли,— сизнинг назарингизда, одамлар ё муттаҳам, ёки аҳмоқ,— деди Ногайцев мулойим бир оҳангда, лекин унинг сариқ кўзлари йилтираб чақнади ва ёноқларидаги туклар диккайиб кетди. Дронов қўлида бутилка ушлаганча у томон пилдираб келди, бутилкага тўнқариб қўйилган стакан тебрана-тебрана жарангларди.

Дронов Ногайцевни қўлидан тутиб:

— Кетдик, кетдик,— деди-да, меҳмонхонага бошлади. У ерда улар, сариқ хотин ва Орехова карта ўйнашга ўтиришди, Краснов эса, киприклари билан кўзини тўсиб, бошини оҳиста тебратар экан, Тосяга деди:

— Азизим Таисья Романовна, инсонлар иккига — аср фарзандларига ва нур фарзандларига бўлинади. Аср фарзандлари тирикчиликдан бўлак ҳеч нарса билан ишлари йўқ, диллари нурафшон нур фарзандлари эса кўзга кўринмайдиган бир шаҳар ахтарадилар...

Тося стаканларга қизил вино қуяётиб:— Бизнинг улфатларимиз шунақа,— деб унинг гапини бўлди.— Ажойибми?

— Ҳа, жуда ажойиб экан,— жавоб берди илтифот билан Самгин, Юрин эса қўлини стаканга чўзар экан, бир нима деб гўлдиради.

— Хўш, қалай? Дюпрелнинг китобчасини ўқияпсизми?— деб сўради Краснов. Тося хўмрайиб жавоб берди:

— Ҳа, қалай. Аммо тушуниш жуда оғир.

— Нимани, «Мистика фалсафаси» ними?— сўради Юрин ва жавоб кутиб ўтирмасдан гапини давом эттирди:

— Ҳа, қалай. Тося, бемаъни бир фалсафа.

Краснов:— Исботланг буни,— деб таклиф қилган эди, Тося жуда жиддий билан:

— Йўқ, илтимос, баҳслашмайлик! Антон Петрович, яхши, қироличадан гапиринг.

Краснов, итоткорона бош эгиб, кафти билан пешанасини силай-силаё гап бошлади:

— Швед қироличаси Ульрика-Элеонора шаҳар атрофидаги ўз қасрида вафот этган, тобутда ётган экан. Туш пайтида Стокгольмдан унинг дугонаси, графиня Стенбок-Фермор келибди, соқчиларнинг бошлиғи уни тобут тепасига киритибди. Графинянинг узоқ фурсат у ерда қолиб кетганидан хавотирланган соқчилар бошлиғи билан офицерлар эшикни очиб қарасалар, нима экан денг?

Меҳмонхонадаги одамлар бақирди:

— Таппон.

— Гиштин,— деб қичқирди Ногайцев.

— Қиролича графиняни қучоқлаганча тобутнинг ичидан ўтирган экан. Соқчилар қўриқиб кетиб, эшикни ёпиб олишибди. Графиня Стенбок ҳам хавфли касал эканини билишар экан. Қасрга унинг ҳузурига чопар юборибди, маълум бўлишча, графиняни марҳум қироличанинг қучоғида кўрган онларида, у оламдан ўтган экан.

— Равшан!— деди Юрин.— Соқчилар ўлгудай маст бўлишган.

Краснов қиролича ҳақида шундай овозини пасайтириб ва хириллаб гапирардики, гўё гапиришга қийналаётгандай эди у. Бу жуда ваҳимали ва ёқимсиз таъсир қилаётганидан Самгин норози бўлгандай елкаларини қисди. Сўнгра у ўйлади.

«Қўллари сира нимжон эмас».

Ҳа, Красновнинг қўллари аломат эди, гўё елкадан тортиб бармоқларгача улар суяксиз бўлиб, илондек тўлғаниб, узлуксиз чаққон-чаққон қимирларди. Бу қўллар гўё кўркўрона, тараддуд-ла ҳаракат қилар, лекин бармоқлари ло-

зим бўлган ҳамма нарсага: вино стаканигами, бисквитгами, чой қошиққами,— ҳаммасига маҳкам ва хатосиз ёпишарди. Бу қўлларнинг ҳаракати бояги ривоятнинг ёқимсиз таассуротини анча орттираётганди. Юриннинг гапига Краснов эътибор бермади, у стаканни чайқатиб, юмуқ кўзлари билан қирмизи шаробда ўйнаган шуълага боқар экан, болгидай паст овозда, қийнала-қийнала гапирарди:

— Бу воқеа ҳақида протокол тузилиб, кўрган кишиларни бари уни имзолашган. Бизда бу воқеа 1815 йилги «Тарих ва статистика» журналида эълон қилинган.

Юрин йўтала-йўтала бир-икки қултум вино ичгач:

— Бемаъни нарсани бостиришга жой топишибди,— деб қистирди, Тося эса кулимсираб деди:

— Бунақа нарсаларни мен жуда яхши кўраман. Ўқишга ҳушим йўқ, тинглашга ҳамиша тайёрман. Қўрқинчли нарсаларни ёқтираман. Этим жимирласа ҳузур қиламан. Ҳа, яна бирор нарса гаприб беринг.

— Жоним билан,— рози бўлди Краснов.

Орехова жаҳл билан йўғон овозда:— Учсиз,— деди.

— Хўш, мотка билан қаргани нега юрдингиз?— деб мотга тутди уни Ногайцев.

— 1831 йилда полякларни бостиришда иштирок этган Иван Прашчев деган офицернинг Иван Середа исмли деншиги бўлар экан. Улар ҳолатда яраланган ўша Середа уйдагиларга уч червон пул юборишни Прашчевдан йлтимос қилибди. Офицер, хўп, юбораман, дебди, ҳатто садоқат билан хизмат қилгани учун ортиқроқ юбормоқчи эканини айтиб, Середага таклиф қилибди: «Мен ўладиган куним нариги дунёдан ҳузуримга кел». — Солдат: «Хўп бўлади, жаноби олийлари»,— дебди-да, ўлибди.

— Менда эса ўнлик бор!— Дроновнинг севиниб хо-хо-холагани эшитилди.

— Орадан ўттиз йилдан кейин Прашчев хотини, қизи ва унинг қаллиғи билан ўзининг боғида ўтирар экан. Шу вақт ит ҳуриб, бута орасига ташланибди. Прашчев итнинг орқасидан бориб, қараса: буталар орасида Середа унга честь бериб турган эмиш. «Нима гап ўзи, Середа, менинг қа-зоим етдими?»— «Худди шундай, жаноби олийлари!»

— Интизом деган мана бундоқ бўлади!— деди завқланиб Юрин, бироқ унинг кинояли хитоби ҳафсала билан айтилаётган ҳикоянинг маромиши бузмади.

— Прашчев тавба этибди, ибодат қилибди, ҳамма васиятларни дебди, эрталаб эса ошпазнинг хотини, ўзининг

крепостнойи унинг оёқлари остига ўзини ташлабди, кетидан ошпаз қўлида пичоқ билан уни қувиб кирибди, у пичоқни хотинига эмас, балки Прашчевнинг қорнига санчибди, Прашчев ўша заҳотиёқ ўлибди.

— Яшамоқ нақадар даҳшат, Тося! — деб қичқирди Юрин.

— Эшитмоқ даҳшатли, яшамоқ... яшамоқ даҳшатли эмас,— деб жавоб берди Тося стол устидан чойнак-идишларни йиғиштира бошлаб.

Меҳмонхонада Ногайцев хуноб бўлиб шикоят қиларди:

— Бу ўйин эмас, жиноят. Сотқинлик.

Дронов хахолаб кулди, сариқ хотин эса шанғиллаб қаҳқаҳлади, Орехова бўлса куйиб-пишиб тўнғиллади:

— Юрин жаноблари, сиз мудом кесатганингиз кесатган,— деди Краснов, ювилган чашкаларини Тосяга яқин сураркан.— Мен кўзингизга бир аҳмоқ бўлиб кўринсам керак...

— Тахминингиз қарийб тўғри.

— Мана кўрдингизми, қўйиб берсам, мени ҳақорат ҳам қилмоқчисиз...

— Ўзингиз берган баҳони тўғри деганим учунми?— сўради Юрин.

— Ана холос, қарийб деган сўздан воз кечиб қўя қолдингиз!

Самгин юз-кўзини буриштириб:

«Энди сўкишиб кетишади»,— деб ўйлади.

Дарвоқе, Краснов тишлари орасидан ҳавони сўргандай овозини баландлатиб пишиллаб гапира бошлади.

— Хавфли, бедаво дардга мубтало бўлган сиздай бир одамга даркор эди...

— Улиш,— деб Юрин унинг жумласини тугаллади.— Сал сабр қилинг, ўлишга ўламан. Лекин менинг дардим ҳам, ажалим ҳам ўзимнинг шахсий, тамомила шахсий ишим, бу ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди. Сиз бўлсангиз — зарарли... одамсиз. Сизнинг профессор эканингиз, ёшларни заҳарлаб, улардан поплар етиштираётганингизни эсга олганда...— Юрин ўйлаб қолди-да, ёлворувчи бир тарзда ҳазилнамо қилиб деди:— сизнинг мендан олдинроқ, шу бугуноқ ўлимингизни истаб қолади киши! Ҳозир...

Краснов қийналгандай бўлиб, бўйнини секинлик билан тўғрилаб, юзини юқори кўтариб:— Улдириб қўя қолинг,— деди.

— Кучим етмайди,— деб жавоб берди Юрин.

Тося самоварни кўтариб туриб секингина деди:

— Сизга нима бўлди? Ақлингизни едингизми? Бунақа... ҳазилларни қўйинглар. Женя, аччиқланиш сенга зарар, кўп вино ичяпсан. Бу етмагандай, чекасан ҳам.

Самгин кўзойнагини тузатар экан, ҳайронлик билан Тосяга боқди, бу хотин бунчалик қўпол амирона бир тарзда гапиради, деб кутмаган эди у. Тосянинг гапини қулоққа илганлари яна ҳам таажжубли бўлиб кўринди унга, Краснов ҳатто:

— Кечирасиз...— деб узр сўради.

— Ундан кўра менга дастурхон ясатишга ёрдам беринглар, кечки таом вақти бўлди. Ҳў, картабозлар, бўп қоласизларми?

Тося самоварни буфетнинг ёнидаги столча устига қўйиб, салфеткаларни ёяётиб, Самгинга мурожаат қилди:

— Баъзилар карта ўйнапти, баъзилар гап сотяпти, сиз бўлсангиз худди ажнабий одамга ўхшаб, чурқ этмай ўтирибсиз. Кўринишингиз эса бошқалардан фарқ қилмайди, табиатан илтифотсиз, жиртаки, ўжаргина одам бўлишингиз керак, шундайми?

— Билмасам, мен ҳали ўзимнинг қанақалигимни англаб етганимча йўқ,— деди кутилмаганда Самгин ва рост гап айтгандай бўлиб кўринди ўзига.

— Худди ажнабий одамга ўхшайсиз,— такрорлади Тося.— Мен ишлаган кондитер магазинида одамлар қаҳва ичиб, гап сотишиб, чақ-чақлашиб ўтиришарди, бир бурчакдаги инглиз бўлса ҳаммадан нафратланиб ўтирарди.

— Мен бунақа нарсадан узоқман,— деди Клим, Тося эса:

— Шу-шу инглизларга тоб-тоқатим йўқ! Бирам... қовоқларидан қор ёғиладики!— деди-да, сўнгра меҳмонхона томонга қараб қичқирди:

— Ҳў, картабозлар, тезроқ бўласизларми?

Картабозлар кириб келишди, баъзилари хурсанд, баъзилари хафа эди. Дроновнинг чеҳрасида ва димоғи шишиб кетган Орехованинг кўзларида севинч порларди,— сариқ жувон асабий бир тарзда елкаларини учирарди. Ногайцев қўлларини чўнтагига тиқиб шифтга боқарди. Иноқлик билан овқатланишди, ола балиқнинг ва баҳайбат курканинг мазасини роса мақташди, Милютин дўконлари билан Охотний ряд дўконларининг нози неъматларини таққослашди ва Ореховадан бўлак ҳамма москваликлар яхши ва хилма-хил овқатланадилар, деган фикрга қўшилишди. Ногайцев-

нинг рўпарасида ўтирган Краснов айтдики, одамлар ақлининг узлуксиз ўсиб бориши уларнинг бу дунё неъматларига бўлган ишқибозлигини кенгайтираверади ва бу билан изтиробларни кўпайтиради, борлиқнинг маъносини эса асло чуқурлаштирмайди.

— Буддизмнинг моҳияти бундай аксиомададир, ҳар қандай мавжудот азоб-изтироб демакдир, лекин у бу азобга ўз истаги билан йўлиқади. Истакларнинг ортиб бориши натижасида изтиробларнинг узлуксиз кўпайиши ва ниҳоят, ўлим — шахсий бахт-саодатга эришиш йўлидаги интилиш хом ҳаёллик эканига инсонда ишонч ҳосил қилади.

— Келинг қўйинг, ўлимдан гаплашмайлик,— деди жиддийат билан Тося,— Дронов уни қувватлади:

— Мен ҳам қаршиман. Ўлим қурсин!

— Женя тўғри айтди: ўлим ҳар кимнинг шахсий иши. Ногайцев:— Аммо шахсий иш бўлса-да,— деб гап бошлаган эди, Тося қора кўзларини унга тикканини кўргач, у гапининг оҳангини ўзгартириб, шошилганча деди:

— Биласизми, эсерларнинг аҳволи дуруст эмас, деган гап юрибди.

— Дард бошларидами?— сўради Юрин.

Дронов саволнинг истехзоли эканини англамай ёки англашни истамай:—Партияда, марказда,— деб изоҳ берди.— Бу янги гап эмас.

— Гуё кейинги қамашлар — провокация натижаси эмиш.

Краснов маълум қилдики, Распутин чақиртирган царинлик исёнчи иеромонах Илиодор Петербургга келибди ва Вирубова иеромонахни маликага таништирибди.

— Бу хусусий, оилавий иш,— деди Ногайцев, Дронов эса аския қилди:

— Хотин киши учун роҳиб дудланган ола балиқдан ҳам тотли бўлади.

— Оҳ, Ванечка,— деб оҳ тортиди Тося.

Самгин Красновнинг овқат ейишини, унинг чаққон қўллари энг сархил нарсаларни эпчиллик ва дадиллик билан топиб олаётганини кузатар экан:

«У сира оч қолмайди»,— деб ўйлади.

Сариқ хотин жингалак сочларини силкита-силкита шанғиллади.

— Юртимизда бир воқеа юз бермаган кун йўғ-а!— деб гап бошлади у, оҳ тортиб, кўкимтир, юмалоқ кўзларини ўқрайтириб. Бундан унинг юзи яна ҳам кўпроқ қўғирчоққа

ўхшаб кетди.— Ҳамиша шундай бўлган, билмайман, қачон бу тугар экан? Мудом бир воқеа бўлиб туради, зиёли одам ҳаммаси тўғрисида бош қотириши керак. Деҳқонлар ва студентларнинг ғалаёнлари, террор, япон уруши, яна террор, флотдаги қўзғолон, тагин террор, 9 Январь, инқилоб, Давлат думаси ва ҳар қалай яна террор! Ахир одам кўчага чиқишга ҳам қўрқади. Мен бутунлай ўзимни йўқотиб қўйяман! Охири нима бўлади ўзи?

Юрин, кулимсираб, Тосяга бир нима деб шивирлади, Тося унга бармоғини ўқталиб:

— Керакмас! Ҳунар кўрсатма!— деди.

Ҳамма жим эди. Самгин, бу хотин истеҳзо билан гапиряпти, деб ўйлади-ю, лекин унинг юзига боққанида, кўзларида ёш қалқиб турганини ва лаблари титраётганини кўрди.

Самгин: «Роса ичибди»,— деган фикрга келди, сариқ хотин эса янада ортиқ ҳаяжон ва норозилик билан гапини давом эттирди:

— Францияда, Англияда зиёлилар истасалар сиёсат билан шуғулланмасликлари мумкин, биз бўлсак бунга мажбурмиз! Бизнинг ҳар биримиз мамлакатда содир бўлаётган бутун воқеалар тўғрисида бош қотиришга мажбурмиз. Ҳўш, нима учун бунга мажбурмиз!

У секингина ўксиб йиғлади, Орехова унинг елкасига боқиб, йўғон овоз билан сидқидилдан унга маслаҳат берди.

— Кўп юрагингизни сиқаверманг, азизим Анна Захаровна,— сизга зарар бу.

Анна Захаровна дастрўмолча билан кўзларини артар экан:— одам тартиб-қондани, тинчликни бирам истайдики,— деб қичқирди асабийлашиб.

Самгин нохуш унга боқиб: «Ғоятда қимматли бир фикрни қандай қўполдан-қўпол бузиш мумкин экан!» деб ўйлади.

Краснов мурасага юргандай деди:

— Ёмонликдан қочиб, яхшилиқ қилиш ўз ихтиёримиздадир. Лев Толстойнинг чалкаш-чулкаш фикрлари орасида христианлик нуқтаи назаридан тўғри бир фикр бор: ўзингдан воз кеч ва бу дунёнинг шум ишларидан ўзингни торт! Қўлингга сўқа ол-да, атрофингга алангламай, пешанангга битилган эгатга бориб ишлайвер. Бизни боқаётган ғаллакоримиз итоаткорона бунга амал қилмоқдаки...

Красновнинг гапига қулоқ солишмаётган эди. Орехова билан сариқ хотин столдан туриб, Тося билан хайрлашиб-

ди, Ногайцев ҳам ўрнидан қўзғалди. Дронов Самгинга деди:

— Демак кетамиз экан-да?

Самгин ойдин кўчалар бўйлаб тароватли ҳаводан баҳра олиб, ётоғи томон борар экан, ўз ичида кулимсиради. У мамнун эди. Клим Хрисанфникида йиғилишиб, Анфимьевна пиширган сомсаларни ейишганини ҳамда Москва қўзғолонига қадар кўрган-кечирганларининг барини хотирларди,— мунозара мавзулари, одамларнинг қизиқишлари тамомила ўзгариб кетганини, илгарилари индамай келинган масалалар устида энди очиқ-ошкор гапирилаётганини хотирлар ва кўрарди.

«Албатта, булар тамомила бошқа одамлардир,— деб эслатди у ўзига ва ўша ондаёқ ўйлади:— Лекин қайси бир жиҳатдандир улар диққатга сазовор бўлишлари керак. Хўш, қайси жиҳатдан? Оддий ҳаётга яқинликлари биланмикан?»

Самгин бу саволни ечмай туриб, ана шу одамлар орасида ўзини энг ақлли деб ҳис қилдики, бу унинг учун жуда кўнглили эди. Фақат анави тентак сариқ қўғирчоқнинг жазавага тушишлари унинг кўнглини хира қилар эди, холос.

«Нақадар аҳмоқ хотин».

Хуллас, Самгин ўз дилига диққат билан қулоқ солар экан, мен ҳали ҳеч қачон ўзимни бу қадар тетик ва дадил ҳис қилмаган бўлсам керак, деб эътироф қилишга тайёр эди. У асосан ўзини мудофаа этиш кайфиятида эди, шунинг учун ўз баҳосини пасайтирадиган баъзи кескин саволларни ҳар вақт ҳам ўз қаршисига дангал қўявермасди. Лекин бу сафар у ўз-ўзидан сўради:

«Наҳотки бунинг сабаби мен мерос олиб, мустақил одам бўлиб қолганим бўлса?— У мероснинг қиммати ўзига маълум эмаслиги эсига тушиб: — Вақтинчалик мустақил одам»,— деб қўшиб қўйди. Бироқ Тосянинг қадди-қомати, сарафан дангал кўтариб турган кўкраклари хаёлида жонлангани учун бўлса керак, бу саволни ечишга ҳожат бўлмади. Самгин шундай бир ёшда эдики, бу даврда жинсий соҳада катта тажрибаси бўлган эркакда ҳам, хотинда ҳам нормал биологик иштиёқ физиологик бир мароққа айланиб қолади, ана шу мароқ бу киши у кишидан, бу хотин у хотиндан қай жиҳатдан фарқ қилишлигини билишга қатъий истак тусини олади. Шундай ҳолларда хотира билан тасаввур бирлашиб, баъзи одамларга эҳтиросли ишқ каби жуда

зўр таъсир қилиши мумкин. Лекин Дон-Жуан Мессалина-нинг қизиқишини узоқ муддат қондиришга ярамагани сингари Мессалина ҳам Дон-Жуаннинг қизиқишини, ҳойнаҳой, узоқ муддат қондира олмаган бўлур эди. Тося Самгиннинг кўзига жозибадор ва осонликча қўйнига кириш мумкин бир хотин бўлиб кўринди. Самгин Тося ҳақида ўйлаганда та-наси яйрарди, уни яланғоч ҳолда тасаввур этар экан, зикр тушишдан кейин кўргани Маринага ўхшаш хаёл қиларди. Марина ҳамон унинг эсидан чиқмас, ҳаётидаги энг афсус қиладиган онлардан бири бўлиб қолган ва кечалари кўпинча унга уйқу бермас эди. Бирмунча вақт бўлибдики, Самгин ёқимсиз таассуротлардан ўзини қутқариш мақсадида Парижда сотиб олган китобларини ўқийдиган бўлди, бу китоблар диққатни ҳиссиётга тўплаб, майда фикрларнинг фойдасиз ва кишини чарчатадиган беҳуда уринишларини осонликча даф этарди.

Эртасига ҳам уззукун Самгин ўша бир хилда тетик бир кайфиятда юриб, Дронов ва унинг танишлари ҳақида та-каббуруна мулоҳазалар юритди. Ташқарида бўрон қутуриб, фарёд чекар, пишқирар, қорни ойналарга урар, гоҳ-гоҳ оппоқ қасирғалар орасидан баҳайбат, қора соқолдор подшо семиз, қимирламас от устида дам кўриниб, дам ғойиб бўлиб қолар, у йўлдан адашиб, қаёққа боришини билмаган одамдай, отнинг жиловини тортиб турарди. Самгин папирос чекиб, нари-бери юрар, ўтирар, ётар ва худди шахмат ўйнаётгандай, таниш одамларини жой-жойига қўйиб, уларда ўхшаш жиҳатлар топишга ҳаракат қиларди. Аввал у энг мароқсиз ва ёқимсиз бир тўда одамларни бир чеккага йиғди. Булар Кутузов бошлиқ муайян жумлалар силсиласи билан чекланган одамлар бўлиб, уларнинг ҳар бири у ёки бу масала юзасидан нима деяжagini олдиндан билиш мумкин эди.

«Бундан буён ўсмайдиган қотиб қолган кишилар. Социалистик черковнинг поплари,— деб атади Самгин уларни.— Синфий курашни ва ғирт саводсиз пролетариатнинг мутлақо мумкин бўлмаган диктатурасини тарғиб қилувчи бу кишилар социализм буржуазиянинг уйдирмаси ва христианчиликнинг қашшоқ фантастикасидан келиб чиққан бир нарса эканини унутиб қўйганлар. Мен социализмни немислар тушунган бир шаклда инкор қилмайман. Германияда у буржуа маданияти учун табиий олға томон қўйилган бир қадам. У ерда социализм тарихан тушунарлидир. Хўш, бизда-чи? Разин, Пугачёв, аграр қиргинлар, Москва қўзғоло-

ни мумкин бўлган бир ўлкада... бу нодонликдир. Маҳрум бўладиган ҳеч вақоси йўқ шуҳратпарастларнинг авантюризмидир...»

Бу баҳонинг кескинлиги ва қатъийлиги унинг ўзини ҳам жуда таажжублантираётганди, у илгари ҳеч қачон бу зайлда ўйлаб кўрмаганлиги учун бу ҳол унинг руҳини кўтариб, қаддини ростлади. Самгин ойнага боқиб, ҳўлланган сочлари қуриб, бир текис ётганини ва сийраклашиб қолганини кўрди. У чўткани олиб, ҳафсала билан сочини тўзитди, лекин сочлари тўзиган ҳолида ҳам ҳар қалай уни:

«Тез орада кал бўлиб қоламан»,— деб ўйлашга мажбур этди.

Бу жуда ҳам кўнгилсиз бир ҳол эди.

Самгин бир қўлида чўткани ушлаб, иккинчи қўли билан оқ оралаган чаккаларини силай-силаё, икки дақиқача ҳеч нарса тўғрисида ўйламай, тиншанар экан, ойнада ўзининг афти башарасини диққат билан кўздан кечирди. Юзи маънодор ва ақлли кўринди унга. Бу бир қадар илтифотсиз, лекин эркин фикрлашдан чўчимайдиган ва фикрий мустақиллик устидан ҳар қандай зўрликка, уни чеклаш мақсадидаги ҳамма уринишларга астойдил душман бир кишининг нозиккина юзи эди.

«Зи-ё-ли,— деб атади у ўзини фикран ва ҳурмат билан.— Бу тарихнинг янги кучи, ўзининг аҳамиятини ва йўлини ҳали етарлича англаб етмаган бир куч». Сўнгра у чўткага илашган соч толаларини йиғиштириб олиб, юмалоқлаб-юмалоқлаб кулдонга ташлади-да, гугурт чақиб ёқди, улар жизиллаб ёнгач, хўрсиниб нафас олди. Шундан кейин, вақтни бой бериб, бир қадар ҳовурдан тушгач, у одамларни характерларининг ўхшашлигига қараб яна қовуштира бошлади. Дроновни у Митрофанов билан бир қаторга қўйди. Сўнгра Тагильскийни уларга қўшди. Ўйлаб олиб, тўртинчи кишини—Макаровни ҳам ўшаларга тиркади-ю, лекин ўша ондаёқ, бу дуруст бўлмади, ўхшалмади, деб фикр юритди.

«Уларга Лютовни қўшиш керак. Бердниковни ҳам. Ҳа, худди ўша ҳайвон Бердниковни».

Бердниковнинг барзанги танаси Самгиннинг бу ўйинида бир нақлдаги айиқни хотирлатди: бир куни ҳашаротлар тотувлик билан кун кўрмоқ учун отнинг калласи ичига жойлашиб олишган экан, лекин бир айиқ келиб қолиб,— калланинг ичида яшаётганлар ким ўзи?— деб сўрабди, ҳашаротлар ўзларини танитгач, айиқ: «Ҳозир ҳаммангиз-

ни эзиб ўлдираман»,— дебди-да, калланинг устига ўтириб олиб, уни ичидаги ҳашаротлари билан бирга мажақлаб ташлабди.

Бердниковнинг тумтароқли, ҳаёсиз сафсаталари ҳақидаги ёқимсиз, таҳқиромиз хотиралар одамларни жойлаштиришни чатоқлаштириб, ўйинни қизиқарсиз қилиб қўйди. Аслини олганда, фикр ва сўзларида кўпгина майда ўхшашликлари бўлган бу одамларни фақат ягона йирик ва аниқ бир жиҳат — ният-мақсадларининг ноаниқлиги бирлаштириб турарди.

«Макаров билан Тагильский ўзларини қандай заминда қарор топтирмақчи бўладилар? Нима исташади улар? Лютов эсерларга нима учун пул берди? Самодержавие унинг яшашига қандай монe бўлди?»

Ташқарида, қор бўрони ичида қора, соқолдор, бошига миршабча қалпоқ кийган подшо от устида ирғишлаб турарди,— бу подшо Сенат майдонидаги асов от устидаги, унинг туёқлари билан илонни мажақлаб, учиб бораётган подшога сира-сира ўхшамас эди.

Самгин деразадан узоқлашиб, диванга чўзилиб хотинлар ҳақида, Тося, Марина ҳақида ўйлай бошлади. Оқшомда эса вагоннинг купесида ўтириб, Иван Матвеевич Дроновнинг тинимсиз, жўшқин гапларини тинглар экан, ўз ташвишларини унутгандай бўлди. Дронов бир стакан оқ винони қўлида ушлаганча Самгиннинг рўпарасида ўтирарди, у бутилкани тиззалари орасига қисиб олган, ўнг қўли билан қирилмаган бағбақасини, лунжларини ишқаларди, Самгинга оёқлари остидаги темирларнинг шарақ-шуругига қарамай, дағал тукларнинг шитирлаши эшитилаётгандай бўлиб туюлди.

— Биласанми, нима,— деди паст овоз билан шоша-пиша Дронов, унинг суякдор башараси тиришди, кўзлари авваллардагидек бежо югурди, деразага, учқунлар ва нурлар пора-пора қилиб турган қоронғиликка, Самгиннинг юзига, стаканга тикилди.— Одам аҳмоқ бўлиб қолгиси келмайди. Ҳаёт, ким билади дейсан, бирдан кексайиб қолгандай, юзини ажин босгандай кўринади, шу билан бирга унда асабий бир ҳолат, ҳалигидай, биласанми, олағовур, шошқалоқлик бошланиб кетди... олган олганники бўлиб қолди! Дуруст, саноатда, савдо-сотикда бу табиий бир ҳол, бу ўринда, марксистлар ўргатаётгандай, ё тиланчилар ҳозирла, ёки бўлмаса, ўзинг тиланчининг кунига қоласан. Тиланчилик эса мўлдий ҳунаримиз бўлса-да, лекин кўнги

тортадиган бир нарса эмас, у одамда гурурни ўстирмайди. Инсон деган сўз эса — «мағрур янграйди» ва у мағрур бўлишни истайди. Хўш, тушуняпсанми...

Дронов бошини орқага ташлаб, винони сипқарди, бағбақасига, кўкрагига вино тўкилди, у стаканни столга қўйди-да, галстугини бўшатиб, гапини давом эттирди:

— Оғайни, мени зиёлилар довдиратиб қўйди. Ахир мен ўзимни хоҳласам-хоҳламасам, зиёли ҳисоблайман. Зиёлилар эса бўлак-бўлак бўлиб ажралишиб ётибди, тушундингми? Улар идеалистлар, мистиклар, буддистларга бўлинган, йогларни¹ ўрганаётганлар бор, «Вестник теософии»ни нашр қилишмоқда. Блаватская билан Анна Бизантни эслаб қолишди... Калуга хамирдан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган Калуга аҳолиси энди оккультизм² билан машғул. Шундай кўринган эдики, инқилобдан кейин...

— Бу ҳаракат инқилобдан олдиноқ бошланган эди,— деб эслатди Самгин.

Дронов бутилкани авайлаб диваннинг бурчагига қўяр экан:— Касалнинг олдини оладиган эмлаш сифатидами? Профилактика каби?

— Эҳтимол шундайдир,— рози бўлди Самгин.

— Ҳм. Демак, кимдир бир нимани олдиндан назарда тутган экан-да? Бунга йўл-йўриқ кўрсатаётган ким ўзи?

Самгин, кулимсираб, индамай елкаларини қисди.

Дронов тиззасига тушиб турган ҳўл галстугини текислаётди:— Реалист адабиётчилар пессимист бўлиб қолишди,— деб гўлдиради ва сўнгра галстугини ҳавода силкита-силкита деди:— Яқинда сенинг ҳақингда шундай бир фикр эшитдим: сенда яқин одамингнинг кўнглига ёки унда кўнгили бўлмагани учун ҳамёнига қўл солиш каби ҳамма русларга хос бўлган одат йўқ эмиш. Бу гапни Тагильский айтди, Антон Никифоров...

— Мен уни у қадар танимайман,— деди шошилиб Самгин.

Дронов тафтидан тушиб ва гўё ранжигандай бўлиб гапини давом эттирди.— У, менимча, сенга тўғри... баҳо берган. Сен одамларни... хуш кўрмайсан. Ҳатто гўё жирканасан ҳам...

¹ Йоглар — Ҳиндистонда киши ўз-ўзини мушоҳада қилиш ва риёзат чекиш орқасида илоҳий кучга эриша олади, деб даъво қилувчи сохта мистик, диний таълимот издошлари. (Тарж.)

² Оккультизм — илмий тушунишга эид бўлган хурофотларнинг умумий номи. (Тарж.)

— Тўғри эмас бу,— деди жиддий бир тарзда Самгин.— Мен уни у қадар танимаганимдек у ҳам мени кам танийди. Сен кўпдан танишмисан у билан?

— Икки йилча бўлди. Отчопарда танишган эдик. У ўшанда пулларини йўқотганди ёки ўғирлатганди. Мендан қарз олиб, жуда ютган эди! Яرمىсини менга таклиф қилганди. Мен таклифни қабул қилмай, ўша отга пул тикиб, ундан уч қарра ортиқ ютдим. Кейин бирга ўтириб оз-моз ичдик... Шу-шу танишиб қолдик.

— Қанақа одам ўзи у?— эҳтиёткорлик билан сўради Самгин.

— Ким биледи дейсан,— ўйчанлик билан жавоб берди Дронов ва яна тутақиб, шоша-пиша гапира бошлади:— Тайини йўқ. Ички ишлар министрлигида, балки полиция департаментида ишлайди, лекин жосусга унчалик ўхшамайди. Ақлли. Ақлдан худо берган. Жигаридан урган одамдек жуда хуноб. Лекин нима сабабдан бунчалик хуноб — маълум эмас. Тосяга мулозамат қилиб юради, аммо қандай мулозамат қилишини кўриш керак! Унга оғзига келгани қайтармайди. Тосянинг унга сира тоқати йўқ. Хуллас, кўзга ташланадиган одам. Мен шунақа... чала думбул одамларни ёқтираман. Ичидан пишган одам, шайтонга дарс беради.

Самгин: «Менинг тўғримда гапиряпти»,— деб мулоҳаза юритди ва:— Ажойиб хотининг бор экан...— деди.

— Ҳаммага маъқул у,— деди Дронов, афтини буриштириб.— Лекин хотинга ўхшаш жиҳати кам. Хизматкорга ўхшаб уй-рўзгорга бепарво. Тагильский уни кўпдан бери танийди, мени у билан таништирган ҳам ўша. Бир куни у менга: «Яхшигина бир қиз бор, лекин ўз тақдири билан унча иши йўқ, оласизми шунн?»— деб қолди. Афтидан, Тагильскийга у кўнмаган бўлса керак, шунинг учун Тагильский уни ётоқхона сайёҳи деб атайди. Аммо мен рашкчи эмасман. Тося ҳалол хотин. У билан яшаш ҳузур. Биласанми, тинч ҳам; у алдамайди, хиёнат қилмайди.

— Юрин-чи?—сўради Самгин.

— Ёш большевик у. Ақллигина. Лекин кўриб турибсан, кўпни кўрган. Тоська уни севади, лекин бу она-бола севгисидай бир гап.

Дронов шундай бир мароқсиз гапираётган эдики, Самгин:

«Муғамбирлик қиляпти»,— деб ўйлашга мажбур бўлди.

Улар икки дақиқа жим қолишди, сўнгра Дронов деди:

— Хўш, ётсакмикан?— у пиджагини ечиб, диваннинг устига ташлади-да, соатга кўз югуртириб, яна гапира бошлади:— Антиқа бир китобнинг қўлёзмасини қўлга туширгани бормоқчи бўлиб турибман. Уни Петя Струве ўртоқлари билан ҳамкорликда ёзган, «Орқага қайт!» деган мавзудаги асар дейишади. Ахир у 901-йилдаёқ «орқага, Фихтега» қайтишни таклиф қилган эди, мана шунақа... Шуниси ҳам борки, эсерларнинг аҳволи чатоқ. Хуллас, уларнинг ораси бузуқ. Юриннинг фикрича, бу яхши эмиш! Сараги саракка, пучаги пучакка ажралаётган эмиш... Ҳа, шундай.

Самгин шунчаки бир гап айтиш учун:— Тўғри фикр,— деди.

— Билмадим,— деб жим бўлди Дронов, бироқ энди ички кийимда ўриннинг устида ўтириб бағбақасини ишқалар экан, бирдан жаҳл билан тўнғиллади:

— Биласанми, ҳар ҳолда ўйлай-ўйлай топилган нарсалар ичида энг ўринлиси ва даҳшатлиси,— бу ишчилар синфи диктатураси синфий назарияси ва идеясидир.

Самгин бошини эгиб, унга кўзойнақдан боқди, бироқ Дронов ётиб олиб, адёлни устига тортган эди.

Самгин чироқни ўчирар экан: «Хафа бўлди,— деган фикрга келди.— У анча дуруст, чамаси, ақлли ҳам бўлиб қолибди. Лекин ҳар ҳолда унинг мен билан «сан»лаб гаплашишига бекор йўл қўйдим».

— Кулгили бир нарса,— деди Дронов.

— Нима?

— Ўзи немис бўла туриб, русларга ватанпарварликдан дарс бериб ўтирса.

Самгин индамади, сўнгра эса Дроновнинг гапини кесмоқчи бўлиб, илтифотсизлик билан қатъий бир овозда деди:

— Струвенинг зиёлилар олдида, шубҳасиз, маълум хизматлари бор: у биринчи бўлиб зиёлиларга тарихда шахснинг роли пуч хаёл, ўз-ўзини алдаш... эканини кўрсатди.

Дронов индамай тургач:— Яна нима?— деб сўради.

Самгин: «Яна у шахснинг ҳодисаларни илмий тарзда холис мушоҳада этиш ҳуқуқини тан олди»,— демоқчи бўлди-ю, аммо бунга журъат этмай, уйқули овозда:

— Кеч бўлди, ухлайлик...— деб қўя қолди.

Дронов бўш келмай, ёнбошлаб ётганча бармоғи билан қоронғиликни қориштирар экан, овозини баландлатиб, захрини сочиб деди:

— Марксист эканлигида у шахснинг ролини инкор этар эди, сўнгра, сенга маълумки, у идеализмга чўқинди, идеализм эса индивидуализмсиз бўлмайди, шахснинг ҳаётдаги ролини инкор этадиган индивидуализм эса,— беҳуда бир сафсатадир! Бу мумкин эмас...

Самгин унга жавоб бермади, лекин уйқуга кетаётиб: «Фалсафага доир асарларни мен кам ўқияпман»,— деб ўйлади.

— Москвага келдик!— деб уйғотди уни Дронов. Унинг эғнида тамаки рангидаги сержун қалин матодан тикилган костюм бўлиб, сочлари таралган, ўзи басавлатгина кўринарди.

— Нонуштани «Москва» ресторанида соат бирда қилсак дейман?— таклиф қилди Дронов.

— Агар улгурсам,— деди Самгин ва нонуштани «Москва»да қилмасликка қарор қилиб, Варваранинг васияяти билан танишмоқ мақсадида вокзалдан тўғри нотариусга йўл олди. У ерда иши ўнгидан келмади: уй йигирма минг сўмга гаровга қўйилган экан. Кўзлари олабуға балигиникисимон қизарган, ингичка иягида бир тутам оппоқ чўққи соқоли бўлган, афти сариқ, ориқ, қотма нотариус гаров кўтарган одам ўн-ўн икки минг сўм тўлаб, уйни сотиб олишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Самгин, ўн икки минг сўм билан бир одам тўрт йилча бемалол кун кўриши мумкин, деб ўйлаб:

— Шундан ортиқ бермас эканми?— деб сўради. Нотариус йўқ, дегандек кал бошини сарак-сарак қилиб лабини чўпиллатди-да:

— Йўқ, бермайди,— деди.

Нотариусга ишониб бўлмас эди, шунинг учун Самгин Дронов билан маслаҳатлашмоқчи бўлди,— у уй сотишнинг йўллари билса керак, деб ўйлади. Варваранинг уйида яна бир дилсиёҳлик рўй берди: ташқари эшикни қорачадан келган, бурни ингичка, бўйи етиб қолган бир қиз очиб, негадир севинч билан қичқирди:

— Варвара Кирилловна йўқлар, Петербургга жўнаганлар!

Қизнинг севинчи Самгинга одобсизлик бўлиб туюлди, у жиддий бир йўсинда:

— Варвара Кирилловна вафот этган!— деди.

Қиз секингина.— Э худойим,— деди-да, бир оз орқага чекиниб:— Балки алдаётгандирсиз?— деб сўради ва ўша ондаёқ чийиллаб қичқирди:—Фелицата Назар-на!

Бошида тўр тўғналган, кўкраги ясси, лаби нозиккина, кўзга таниш бир хотин пайдо бўлди, у бўйинини виқор билан эгиб, индамасдан шишасимон кўзларини Самгиннинг юзига тикди, қиз эса бармоғи билан Самгинга ишора қилиб, шоша-шоша ҳаяжон билан деди:

— Бу киши Варвара Кирилловнани вафот қилди, деяптилар.

Хотин Самгиннинг ечинишига кўмаклашмасдан:— Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— деди, Самгин даҳлиздан уй ичига томон юрганда эса, унинг йўлини тўсди.

— Кечирасиз, ахир бу...

— Қочинг йўлдан,— қичқирди Самгин.— Хўш, мени танимаяпсиэми?

— Танийман, лекин иложим йўқ...

Сўнгра, у бир қадам четга ўтиб, дағал овоз билан буюрди:

— Анка, участкага қўнғироқ қил, Мирон Петрович келсин.

— Тентак экансиз!— деди Самгин.— Сизни олдимга солиб ҳайдайман,— деб қичқирди у ва дарҳол тутақиб кетганидан хижолат бўлди, хотин эса қадам-бақадам унинг кетидан бориб, бир хил ва ўлгудай зерикарли оҳангда гапирарди:

— Ҳақингиз бўлса ҳайдашингиз мумкин, аммо сўкишга ҳақингиз йўқ. Мен бир хизматчи одамман, менга шу ернинг мол-мулки топширилган.

— Ахир биласиз-ку, менинг кимлигимни,— Самгин мўмингина бўлиб унга эслатди.

— Мен Варвара Кирилловнанинг хизматидаман, сизнинг хусусингизда у киши менга ҳеч нарса демаганлар...— У Самгиннинг орқасидан борар экан, ҳар қайси хонанинг эшигида тўхтаб-тўхтаб қўярди, чамаси, у бирор нарсани ўмариб, чўнтагига яширмасин тагин, деган хавотирда эди, бу эса уй соҳибида дуч келган бир нарса билан хотиннинг бошига тушириш истагини кўзгатаётганди. Бу ҳол йигирма минутча давом этиб, Самгиннинг асабларини роса қақшатди. У чекар, дам юрар, дам ўтирар ва ўзининг хатти-ҳаракатлари бу икки оёқли чўртан балиқнинг шубҳаларини орттираётганини сезаётганди.

Самгин «Агар уни ҳатто бир кунгина бу ерда қолди-

рилса борми, ҳамма нарсани шилиб кетади»,— деб фикр юритди.

Ниҳоят қора соқолли, семиз пристав ёрдамчиси келди, уларнинг ҳар иккисининг ҳам гапини индамай эшитгач, у ваҳимали йўғон овоз билан деди:

— Сиз бир юрист сифатида у кишининг ўлганлиги ҳақида врач ёки касалхонадан ҳужжат олиб келишингиз керак эди.

— Ҳужжатни нотариусда қолдириб келганман, суриштириб аниқлашингиз мумкин.

Миршаб чуқур нафас олиб ва гишт рангли юзидаги йирик қора кўзларини киприклари билан тўсиб:

— Бу бизнинг ишимиз эмас,— деди.

Самгин:— Хизмат ҳақингизни тўлайман,— деб битта йигирма беш сўмликни унга узатди.

— Жуда соз,— деди миршаб ва яхлитгина қўлини сочлари тўкилиб кетган калласигача кўтариб честь берди-да, Фелицатани бармоғи билан имлаб жўнаб кетди.

Самгин ўзини жуда ёмон ҳис қилаётганди. Бу уйда кечирган ҳаёти тўғрисидаги ёқимсиз хотиралар уни қамраб олаётганди. Уй соҳибасининг эстетик диддан далолат бериши лозим бўлган хилма-хил кўҳна мебеллар, кераксиз майда-чуйда нарсалар билан тикилиб кетган хоналар Самгиннинг кўзига хунук кўринаётганди. Варваранинг ётоғи деворида Самгиннинг каттагина фотосурати осилиб турарди, фракда тушган, боши қовоқ шаклидаги бу расм ҳам ёқимсиз кўринаётганди унга.

Самгин: «Садқай сар, ўғирласа ўғирлайверсин бу тентак»,— деган фикрга келди-да, Дронов билан кўришгани кетди.

Москва қор остида кўркам безанганди, томларга қалин момиқ тўшалган, фонарлар бошларига оқ чепчик қўндирган, ҳамма ёқда совуқ кумуш порларди, шаҳар узра учаётган қор тўзони ҳам оксидланган кумушнинг сокин жилосини эслатарди. Одамлар қорни ғарчиллатиб юришар, чаналарнинг темирлари ғижирлар ва оҳишта визилларди.

Самгин: «Шинам ва файзли шаҳар»,— деб ўйлади мамнуният билан.

Дронов ҳали меҳмонхонада йўқ эди, Самгин хўрандалар билан тикилиб кетган, одамларнинг ғовур-ғувури, шиша-металл, чинниларнинг жаранг-журунги билан тўлган залдан аранг бир бўш стол топиб ўтирди. Москва ошпазлик санъатининг бу қасрига Самгиннинг биринчи дафъа

келиши эмас эди, бу ерга келиб туришни, басавлат одамларнинг хилма-хил овозларига қулоқ солишни у ёқтирарди, тўқликдан сархуш бу одамлар, чамаси, бу ерда бошқа ҳар қандай ердагидан кўра самимий гаплашадигандек кўри-нарни унга. Бир кун у ҳатто бу хилма-хил ва мураккаб овозлар Иоанн Сергиев исмли машҳур поп ташкил этган Кронштадт ибодатхонасидаги «умумий тавба-тазарру»га ўхшаши керак, деб ҳам ўйлади. Самгин ҳаяжонли бу суҳбатларнинг айрим жумлалари ва бўлақларини илиб олар экан, булар «инсонларнинг нима билан тирик» эканини билиб олишига китоб ва газеталардан кўра унга яхшироқ, тўғрироқ ёрдам беражагига амин эди. Мана ҳозир ҳам унинг орқасида ўтирган бир киши малоҳатли йўғон овоз билан насиҳатомиз бир оҳангда гапираётганди:

— Биз, вилоят одамлари, сиз, москваликлардан кўра суягимиз тинч, сизларни кузатишга ҳам вақтимиз бор, хўш, нималарни кўряпсиз денг?

Йўғон овоз билан гапирган одамга:— Балиқдан яна олинг,— деб таклиф қилди бир киши ялқамсиқ, ширасиз овоз билан.

— Жон деб оламан.

Рўпарада эса тор бурма бел камзул кийган бир одам узун, тор орқаси билан бурала-бурала бир оз пингиллаб шикоятланарди:

— Хўш, нима қилишимиз керак, азизим Пётр Васильевич? Кўкламда дворянлар йигини сиёсий ислоҳотларга қаршилигини билдирган эди, мана энди бизнинг москвалик дворянлар самодержавиенинг дахлсизлигини ёқлаб ўтирибди, хўш, биз, саноат эгалари қандай йўл тутишимиз керак, а?

Йўғон овозли киши балиқни еб бўлган бўлса керак, яна насиҳат қила бошлади:

— Одамларингизнинг адабий диди тез-тез ўзгариб турганлигига қарамай, уларда алланечук бир хилликни пайқаяпмиз. Ибсеннинг антидемократик идеялари ҳазм бўларбўлмас, театрларда унинг ўрнини Гамсун олди, лекин оқ ит, қора ит — барибир ит. Ахир Гамсун ҳам антидемократ, сиёсатнинг душмани...

— Бироқ унинг қаҳрамони Карено стортингда¹ ўрин олишни кўзлаб ўз гоёларидан воз кечди, — деди ялқамсиқ овоз.

— Ҳа, ҳа! Воз кечди — ҳамма гап шунда. Бизнинг

¹ Стортинг — Норвегия парламентининг номи. (Тарж.)

ҳозирги различинларимизнинг ҳам кўплари оталарининг васиятларини ва инқилобнинг сабоқларини назар-писанд қилмай, ўз шахсий муваффақиятларини кўзлаб, ижтимоий фаолиятдан шундай воз кечмоқдалар, қочмоқдалар...

— Э, васият. сабоқ эмиш-а! Янги васият бор: еп-гичиссеzvous — бойиб қолнинг, деган! Инқилобнинг васияти шу...

— Кесатяпсизми?

Ялқамсиқ овозли киши хуноб бўлиб гапира бошлади:

— Э, кесатиқни ким қўйибди! Ҳамма еб қолишнинг пайида.

— Ўз инсоний қадр-қимматини ерга уриб...

— Нифонт Иванович, сиз аҳли қариялардансиз. Ёшлар, манави различинлар эса... мудраб ўтиришмайди! Менинг бир котибим бор эди, олтинчи йилда адашиб бир шўхлик қилиб қўйган экан, қамашди-қўйишди. Иш кўзини биладиган ва ақллигина йигит эди ўзи, университетга киришга ҳозирлик кўраётганди. Хуллас, мен уни қамоқдан қутқариб олдим. У итвачча эса, худо ўзи жазосини бергур, менинг бир ҳужжатимдан нусха кўчириб олиб, манфаатдор бир шахсга сотибди. Бу ишда мен етти минг сўмдан маҳрум бўлдим. Ҳолбуки бу фойдаси нақд бир иш эди.

— У томонда Оқдарёга қадар ҳаммаси бизники!—Самгиннинг биқинидаги столда ўтирганлардан бири шу қадар бўғилиб ва бақириб деди, Самгин ҳам, бошқалар ҳам бақирган одамга ўгирилиб қарашди. У ерда қирмизи пешанали, кўзлари катта-катта қуюқ оч малла соқолли ва оч рангдаги лабларини тўсиб қўймаган ситамкор мўйловли бир одам қўлидаги вилка билан ҳавода нақшлар чизарди.— Бирскдан ичкарига кетганча тоғларга қадар бизники! У ернинг аҳолиси — бошқирдлар, ваҳший, ярамас ва танбал халқ, шундоққина оёқлари остидаги олтинни ҳам эгилиб олишга эриниб, ит кунини кўришга розилар.

Унинг сўзларини бўйнида ордени осилиб турган, қулоқлари кўкиш бир киши билан роҳиба каби бошдан-оёқ қора кийинган бурундор, новча хотин эшитишаётганди.

Орденли киши ўрнидан тураётиб деди:

— Буларнинг ҳаммасини инженерим билан қараб чиқамиз, — хотин эса шанғиллаб зарда билан сўради:

— У ер олисми ўзи?

— Э, нега олис бўлсин! Пароходда тўрт кунлик йўл. Волга, Кама, Оқдарёларда сузамиз, Оқдарё бўйида шундай

хушманзара жойлар борки, оғзинг очилиб қолади, Клариса Яковлевна.— У бутун баҳайбат қаддини ростлаб ҳаяжон билан барала гапирди:

— Мен давлатга душман эмасман, агар шундай катта бир ишни бошласангиз, мен еримни арзон-гаров сотаман.— Бурма бел камзул кийган одам калласини ўгириб, қора кўзларини, ингичка бурнини, оқ оралаган эчки соқолини Самгинга кўрсатар экан; сюртук кийган соқолдор одам тарелкада счёт билан унга қайтарилган кумуш тангаларни санаётганига қаради ва шивирлаб ўз суҳбатдошига деди:

— Ахта тўнғиз чой пулига учта беш тийинлик қолдирди. Бу самаралик кўпас Урал казакларидан ўзи. Донғи кетган бадавлат одам, унинг бошқирд ерлари бутун бир Францияча бор. Мен уни Нижнийда ярмаркада кўрган эдим,— яхшигина ичади! Катта қиморбоз, суюқоёқ, ичкиликбоз.

— Бу мамонтларнинг зоти қирилиб кета қолса бўларди.

— Тез орада, айтганингиздай қирилиб кетади.

Бўшаган столи кийим-бошини алмаштирган офицерга ўхшаш азамат бир студент билан Антон Чеховнинг ёшлик пайтидаги портретига сал-пал ўхшаб кетадиган сийрак соқолли, кўрнишидан камтаргина бир одам дарҳол эгаллади. Студент таомлар рўйхатини қўлига олиб, заррин мўйлови ярашибгина турган қирмизи юзини у билан тўсиб, рўйхатни ўқиётгандай малоҳатли овоз билан гапирди:

— Борис, сен Оскар Уайльднинг «Социализм ва инсон қалби» китобини ўқи.

— Ўқиганман, — секингина жавоб берди гуноҳкор одамдай камтар йигит.

— Едингдами, «Камбагаллар бойлардан кўра манфаат-параст бўлади», деб ёзгани.

— Бу — парадокс...

Студент кўкимтир, совуқ кўзларини қисиб атрофга аланглар экан:

— Парадокс, — бу, ҳамма эътироф этган пасткашликларга қарши норозилиқдир, оғайни, — деди таъсирли қилиб ва илова қилди:

— Парадоксни бузуқ бир нарса деб эмас, балки инъикос деб тушуниш лозим.

У Самгинга орқа томонидаги қизиқарли суҳбатни тинглашига моне бўлаётган эди, бурма бел камзул кийган киши аниқ-аниқ гапирарди-ю, лекин унинг димоғ билан айтаёт-

ган сўзлари тинимсиз ғовур-ғувурда кўмилиб кетаётганди. Шундай бўлса-да, диққат билан эшитиб, баъзи жумлаларни илиб олиш мумкин эди.

— Мен Столипиннинг ишини маъқуллаймаман; у хайрли, ақлли иш бошлади. Яхши одамларни тўйгунча едириб-ичириш — европача сиёсатдир. Ахир бизнинг ҳаётимизда ҳамма нарса энг яхшиларни танлаб олишга асосланади, — тўғрими?

Биров истехзо билан қичқирди:

— Сизнинг «Мих» синдикатингиз тарқалиб кетди, бир дона ҳам мих қолмади!

— Янглишасан, Степан Иванович, тарқалгани йўқ; аксинча, кенгайди, энди у «Сим» деб аталади.

— Продруд, Продрусь...

— Мана, Пётр Васильич, Германияда энг яхши социал-демократларнинг қорнини тўйдириб, рейхстагга ўтқазиб қўйишди-да: қани, қонун чиқараверинг, болакайлар! — дейишди. Улар ҳам ўтириб олиб, қонун чиқариб ётишибди, ҳамма ёқ осойишта, ҳеч қанақа тўс-тўполон йўқ.

— Ҳар қалай стачкалар бўляпти-ку!

— Стачка нима бўпти? Дардни сиртга чиқариб даволаш қулай. Йўқ, азизим, ҳамма гап энг яхши одамларни ажрата билишда қолган. Юлий Цезарь семиз, тўқ одамлар ҳақида тўғри айтган.

— Цезардан кейин маълум бўлдики, қорни тўқнинг қорни очдан хабари бўлмас экан.

— Ахир, бир ўйлаб кўринг, отагинам, агар Емельян Пугачёв ўз вақтида қўлга олинганида, депутат ва ҳукумат аъзоси сифатида, Григорий Потёмкин билан бир қаторда Буюк Екатерина атрофида гирдикапалак бўлиб юрган бўларди...

— Булар ҳазил!

«Инқилоб одамларни мустақил ўйлашга, очиқ-ошкор гапиришга ўргатди», — деб кўнглидан ўтказди Самгин.

Ҳар нечук унинг фикрини тасдиқлаган каби, яқин бир ердан дўнғиллаган овоз эшитилди:

— Болқон сиёсати бизга қимматга тушди, қанчадан-қанча пул, қанчадан-қанча куч сарф бўлди, натижа шу бўлдики, Босния, Герцеговиналар аннексияси тасдиқланди, бу билан Австриянинг ва демак, Германиянинг жони кирди...

Алвир-шалвир бир алфозда, тажанг бўлиб Дронов югуриб кирди, тарақ-туруқ қилиб стулни нари сурди.

— Китобни қўлдан чиқардим, аллазамон теришаётган экан. Дастлабки тобоқларининг оттискаларини олдим. Атт-танг, кечикдим! Иккита тўпламча нашр эттириб қолдим, учинчиси қўлдан чиқиб кетди. Энди, тўплам чиқариш расм бўлган, оғайни. Беклардан, Луначарский, Богданов, Черновдан тортиб монархист Грингмутгача ҳамма ўз тафаккури молини ҳам улгуржи, ҳам чаканалаб сотишнинг пайида. Бозорбоп мол. Хўш, нима еймиз?

Студент:— Сен ўзингни социализм даврида яшаяпман, деб тасаввур қил, Борис, шунда сен нима қиласан?—деди.

— Шунини тушунки, одам ўз манфаатини кўзламасдан ҳаракат қилолмайди.

Самгин бу гапларни Дронов эшитиб қолишини истамаётганини ҳис қилди бирдан ва шунга кўра дарҳол ўз ишларидан гапира бошлади унга. Дронов кафти билан пешанасини ва ҳурпайган сочларини силар экан, ароқ рюмкасига тикилганча чурқ этмай унинг гапини эшитди ва худди сочига ёпишган бир нарсани туширгандай бўлиб, бошини ирғади.

— Уй сотиш осон иш,— деди у.— Уйнинг баҳоси бор, харидор кўп. Инқилоб помешчикларни чўчитиб қўйди, уларнинг кўпи Москвага кўчиб келишяпти. Кел, ичайлик. Қанақа студент ўтирганини пайқадингми? Янги нусха. Иш кўрган. Сиёсат учун қамалмайди, қамалса бошқа бир иш билан қамалади. Эҳ, Клим Иванович, ишларим ўнгидан келмаяпти, — у ўзининг калта-култа, асабий тусдаги гапини кутилмаганда шундай тамомлади.

Бир нима дейиш керак эди, шунинг учун Самгин сўради:

— Нимадан хафасан?

— Турмушим изга тушиб кетмаганидан, — жавоб берди Дронов, чуқур нафас олиб ва сўнгра бир стакан вино ичди.

— Хафа бўлма, изга тушиб кетади... Ҳаёт бемалол, эркин бўлиб қолаётган кўринади, — беихтиёр илова қилди Самгин.

— Эркин дейсанми? Билмадим. Югур-югурдан бошинг чиқмайди, балки шунинг учун эркин кўринса керак.

Дронов апил-тапил, пала-партиш ея бошлади, Самгин эса яна гапга қулоқ солди. Залда одам камайиб, товушлар аниқ-таниқ эшитиларди, биров тажанглик билан қичқирди:

— Саноатнинг манфаатиңи бизда фақат Витте тушунарди.

— Деҳқончиликнинг манфаатини-чи? Хўш?

Бошқа бир ерда театр тўғрисида мунозара бўлаётганди:

— Йўқ, Островскийга энди чек қўйиш керак, Замоскворецк кўпасларини масхаралаш етар. Бу кўпаслар Москва-нинг ўтмиши, узоқ ўтмишидир!

— Хўш, вилоят-чи?

— Майли, Малий театр вилоятга бораверсин, ҳақиқий, маданий-сиёсий театр ялангоёқларнинг ҳаётидан, нигилизмдан тамомила қутулсин, сўнгра унга Малий театрда ўрин беринг! Ҳа, ташвиш қилманг, унинг икки саҳна учун ҳам омади етади!

Дронов шўрвани ичиб, лабини салфетка билан арта-арта деди:

— Мана сен оғзингга сўк солиб ўтирибсан. Бамисоли бронза ҳайкалдек лом-мим демаяпсан. «Зар қадрини заргар билар, чилангар нени билар»,— дейсан-да, шундайми ахир?

— Мен ваъзгўйликни, ваъзгўйларнинг ўзини ҳам ёқтирмайман,— деди совуққина қилиб Самгин.

— Ўзингни эса, яхши кўрасан, албатта. Ваъзгўйларни мен ҳам ёқтирмайман. Балки ҳатто қўрқаман ҳам улардан, лекин ҳаммасидан эмас. Йўқ, уларнинг ҳаммасидан эмас. Агар қўпол гапирган бўлсам, мендан жаҳлинг чиқмасин. Гап шундаки, сенга ҳавасим келади, сенинг осойишта, ҳовлиқмаслигингга ҳавасим келади. Баъзан шундай деб ўйлайманки, сен ўз ҳикматларингни ифбатни асрагандек асрайсан. Уни булғашни истамайсан.

Дронов қўлини силкитди. Бир оз индамай тургач, у ўйчан ҳолда ва тобора ортиқ дадиллик билан:

— Турмуш эзиб юборди одамни. Қани, ичайлик!— деди.

Самгин унга боқиб, Дроновнинг тўйиб кетганини фаҳмлади, бесаранжом кўзларини ҳар ёққа югуртириб, гўлдиради:

— Мамоновнинг бу маъбадига менинг унчалик ҳушим йўқ. Сеникига бора қоламиз, оттискаларни ўша ерда ўқиб чиқаман, уларни қайтаришим керак.

Самгин бунга рози бўлди-ю, аммо қаҳва сўради, унинг яна ўтиргиси, эшитгиси бор эди. Қуюқ сўз уюрмаси орасидан унинг қулоғи доим ўз кайфиятига ҳамоҳанг бир нарсани илиб олаётганди. У ҳамиша ана шу ҳамоҳангликни пайқаган замон кўнгли хижил бўлиб, шу нарсани тобора кучли ҳис этар эдики, аллақандай гапдон одамлар уни мутамоқдалар, унинг хилма-хил ва бой тажрибасини фикрга

айлантириб, қўполдан-қўпол соддалаштирилган бу фикрларни унинг ўзидан аввалроқ жуда ҳам аниқ ва ниҳоятда ёрқин шаклга солмоқдалар. У ана шундай кўнгли гаш бўлиб уйга қайтар экан, йўл-йўлакай Дроновга Фелицата билан бўлган ҳангамани гапириб берди. Дронов қаҳ-қаҳлаб кулди.

— У тентак! Инглиз романларини кўп ўқиган, Гемфри Уардни ўқишни севади, содиқ хизматкор бўлиб кўришнининг пайида. Мен унга қўтон деб лақаб қўйганман, ўхшайдими? Инглиз романлари одамнинг ақлини суюлтиришга жуда қўл келади, шундай эмасми?

— Ҳаммаси эмас, — Самгин унинг гапини тузатди ва Анфимьевнани эслади.

Дронов даҳлизда ечинаётиб, Фелицатанинг чўзинчоқ ва такаббуруна башарасига боқиб кулди-да, қўполгина қилиб деди:

— Бу қанақаси, Қўтон? Нима ҳунар кўрсатяпсан, а?

Хотин ҳам кулимсирагандай бўлди, лаблари юпқагина оғзи, бўз ёноқларини қийиб, яна ҳам тарвақайлади, овози мулоимлашди. У Дроновнинг елкасидан пальтони ечаётиб, деди:

— Иван Матвейч, менинг вазифам шуки...

— Аҳмоқ бўлишга ҳеч ким мажбур эмас. Самоварни қўйиб юбор, икки бутилка оқ «Грав» виноси топиб кел, — биласанми?

— Билганда қандоқ...

— Қани, ҳаракатингни қил...

Дроновнинг ўзини уй эгаси каби тутаётганини кўриб Самгин ғайри ихтиёрий равишда: «Сурбет» деб қўйди.

Сўнгра Дронов меҳмонхонага ўтди-да, унинг ўртасида тўхтаб, атрофга аланглади ва пешанасини ишқалаб тўнғиллади:

— Варвара Кирилловна майда-чуйда нарсаларга ишқибоз эди, аммо ишга чечан ва пулнинг нималигини биладиган хотин эди, ўлмаганда бойиб кетарди.

У соатига қараб, дарҳол креслога ўтирди-да, ён чўнтагидан бир даста набор гранкаси чиқарар экан, сўради:

— Қани, кўрайлик-чи, нима гап экан?

У ўтирган ерида товонларини оҳиста, аммо тез-тез ерга суркар, худди писиб бир нимага яқинлашиб келаётгандек эди; унинг суякдор юзи ҳам қимирлар, қошлари учиб турар, лаблари чўччайиб, мўйловини диккайтирган, кўзлари сузилиб, қоғоз устида кезарди. Самгин курагини печка-

нинг иссиққина кошенига тираганча папирос чекиб кутиб турди.

— Ҳа, мана, топдим, — деб гўлдиради Дронов ва дона-дона қилиб, ҳатто тантанавор бир тарзда ўқий бошлади:

— «Шахснинг ички ҳаёти инсон борлигининг ягона ижодий кучидир, сиёсий тартибнинг ўзича мустақил сарасоси эмас, балки ана шу куч ҳар қандай ижтимоий қурилиш учун ягона мустақкам базис бўлади».

Дронов чап кўзини юмди, қўлидаги қоғозларни ҳавода байроқ каби ҳилпиратар экан, сўради:

— Тўғри бир таъриф, а? Бу фақат марксистларга қаратилган зарба эмас...

Самгин папиросни оғзидан олиб:— Давомини ўқи,— деб таклиф қилди ва фахрланиб ўзига-ўзи эслатди:

«Мен ҳамиша сиёсатнинг эркин фикр соҳасига суқилиб киришига норози эдим...»

Дронов қоғозларни шилдирата-шилдирата:— Бу ерда кўп нарсанинг ости чизилган, — деб, ҳаяжон билан чийллаб ўқий бошлади:

— «Рус зиёлилари бойликни ёқтирмайди». Ё тавба! Эшитдингми? Мушук гўштни ёқтирмаганидек, ёқтирмаса керак-да? «Улар, аввало, маънавий ва маданий бойликларнинг, инсон руҳининг идеал кучи ва ижодий фаолиятининг қадрига етмайди, бу куч ва фаолият инсоннинг дунёга ҳоким бўлишига ва инсоннинг инсонлашувига, ўз ҳаётини фан, санъат, диннинг...» А-ҳа, диннинг?— «ҳамда ахлоқнинг дурдоналари билан бойитишига сабаб бўлади...» Ҳа, албатта, ахлоқнинг ҳам. Ўжарларни йўлга солиш учун. Эҳ, лаънатилар...

Бунга жуда қизиқиб қолган Самгин зарда билан:

— «Ўқишни расво қиляпти аҳмоқ»,— деди ичида ва ўчиб қолган папиросини ташлаб, шоша-пиша янгисини ёндирди, Дронов эса ўқийверди:

— «Ҳаммадан ҳам ажойиб томони шундаки, моддий бойликнинг маданият умумий ғояси билан рамзий суратда боғлиқлигини ғайри ихтиёрий тарзда идрок этган рус зиёлиларининг ҳатто моддий бойликка ҳам ҳуши йўқ». Дронов кўзларини юмганча савол тарзида:— Рамзий суратда?— деб такрорлади. У гранкаларни силкитар экан:— Рамзий суратда?— деди яна бир бор.

У ёқимсиз ўқиб тобора одамнинг ғашини келтирар, мудом оёқларини ерга суркар, стулда ирғиб-ирғиб тушар,

гранка тутган қўлини қимир этмай олдинга узатганча ўзи чайқалар, гранкаларга юзини яқинлаштироқчи бўлар ва нима учундир қўлини букиб, уни юзига яқинлаштиришни истамас ва бунинг фаҳмига бормасди.

Самгин кўнгли ғаш бўлиб: «У бир нимадан мамнун,— деб қўйди ичида. — Лекин нимадан?»

Клим Иванович ҳам ўқишга иштиёқ билан қулоқ солаётганди-ку, лекин бу китоб ҳақидаги фикри Дроновнинг фикри билан бир хилда бўлиб қолишини истамасди. У шошқалоқ овоз ғайри табиий жумлаларни ҳузурланиб талаффуз этаётганига, айрим сўзларни тамшаниб, завқланиб айтаётганига қулоқ соларди. Лекин Дроновнинг тобора китобнинг маъзини чақиб билдираётган мулоҳазалари, ундаги фикрлардан шубҳаланиб қичқиришлари ва юз ифодалари Самгинга сохта ва ўринсиз туюлиб, унинг энсасини қотираётганди.

«Зиёлилар бойликнинг ўзини эмас, балки фақат унинг инсоф билан тақсимланишини ёқтиради, холос, аслини олганда, улар ҳатто бойликдан нафратланади ва ундан қўрқади ҳам». Қўрқади? Э, бу бемаъни гап. Бизнинг замонда жилла ҳам қўрқишмайди. «Уларнинг дилидаги камбағалларга меҳр-муҳаббат камбағалликка меҳр-муҳаббатга айланиб боради». Ҳм, бунақасини кўрмаганман. Йўқ, бемаъни гап бу. Яна нима гап бор экан? Оббо, бу ёғида кўп жумлаларнинг ости чизилган экан! «Сўнгги, инқилобий йилларга қадар Россиядаги ижодий, истеъдодли сиймолар инқилобий руҳдаги зиёлиларнинг такаббурлиги ва мустабидлигига тоқат қилолмай улардан четлашиб келдилар...»

Самгин: «Бу тўғри»,— деб ўйлади, шу қадар қатъият билан ўйладики, ҳатто қаддини ростлаб, қошларини чимирди: бу икки сўзни барала айтгандай бўлиб туюлди унга ва шу топда Дронов ундан:

«Нима учун тўғри?»— деб сўраб қолаётгандай бўлди.

Дронов ости чизилган жумлаларни берилиб ва шоша-шоша ўқиётганди:

— «Бараварлаштирувчи адолатга, ижтимоий мулкка, халқ бахт-саодатига меҳр-муҳаббат ҳақиқатга бўлган муҳаббатни сўндирди, унга бўлган қизиқишга барҳам берди». Мистер Понтий Пилат: «Ҳақиқат нима ўзи?» деб сўраган. Хўш, сўнгра! «Ҳозирги аҳволимизда биз наинки халқ билан қоришиб кетишликни орзу қила оламиз,— балки, аксинча, ҳокимиятнинг энг оғир жазоларидан кўра ҳам ундан кўпроқ қўрқишимиз ва шу ҳокимиятни дуо қилишимиз

лозим, чунки фақат танҳо угина ўз найзалари билан бизни халқнинг қаҳр-ғазабидан қўриқлаб турибди...»

Дронов секингина ҳуштак чалиб, стулда тебрана-тебрана гранкаларни шапиллатиб тиззасига урди ва кўзларини пирпиратиб, ҳанг-манг бўлиб гўлдиради:

— Зўр айтилган! Мардона гап. Худди қуйиб қўйгандек ёзишади. Худо ҳаққи, қўрқа-писа қўрқмайдиган бўлиб кетишган! Хўш, сен бунга нима дейсан, Клим Иванович? Улар, баъзи одамларнинг кайфиятига қараб иш кўришган, шундайми, оғайни?

У кўзларини маҳкам қисиб, хахолаб кулди. Унинг кулгиси Самгинга сунъий ва маст одамнинг кулгисидек бўлиб туюлди. Самгиннинг унга жавоб бергиси келаётганди, жавоб бериш эса эҳтиёткорликни, атрофлича ўйлашни талаб қиларди.

Самгин папироснинг жимжимадор тутунини кузатар ва ҳар бир гапи устида базўр ўйлар экан:— Бу китобга жиддий баҳо бериш учун, шубҳасиз, уни бошидан-охиригача ўқиб чиқиш лозим,—деб оҳиста гап бошлади.—Менингча, у ортиқ даражада мунозаравийдир. Унинг ғоялари... фалсафий сокинликни талаб қилади. Шунингдек, фикрни бунақа кескин ифодалашни эмас... Муаллиф...

— Муаллифлар дегин, — Дронов унинг хатосини тузатди. — Улар етти киши. Ҳаммаси зиёли различинлар, яъни қайсики... эҳ, эсим қурсин! Ҳалиги... Жуда чуқурлашиб кетишди! «Новое слово» қандай, а?

У яна хахолаб кулди. Клим Иванович Самгин эса фурсатдан фойдаланиб, баҳсга сабаб бўлмайдиган яна бир неча маънодор жумлалар топишнинг пайидан бўлди. Бироқ зарур жумлалар ҳадеганда миясига келавермади, у Дронов ҳақида ўйлагиси, ўқилганларга унинг муносабати қандай эканлигини билгиси келмаётганди. Кошки эди, бу ярамас ва сурбет одам даф бўла қолса, уни ер ютиб қўя қолса, умуман, илож бўлса бир умрга гумдон бўла қолса. Унинг борлиги Самгиннинг ўзи ҳақидаги аллақандай жуда муҳим фикрларининг пишиб етилишига монe бўлаётганди.

Айни вақтида Фелицата эшикда пайдо бўлди.

— Чой тайёр. Шу ерга олиб келишни буюрадиларми?

— Ҳеч қўймадинг-да, Қўтон, — деди Дронов ва уй эгасининг таклифини кутиб ўтирмасданоқ емакхонага йўл олди. Уй эгаси унинг йўғон гавдасига жаҳл билан боқиб, атрофга кўз югуртирди. Қош қорайиб қолганди, хона ичи қоронғилашганди, папирос тутуни қоронғиликда сузиб, ўзи-

Га жой ахтараётганди. Варваранинг унга таниш бўлган севимли нарсалари ёқимли майинлик касб этаётганди, хонанинг бир бурчагида қуёшнинг хирагина шуъласи тўниб қолиб, Будданинг зарҳал шакли товланиб турарди. Ўзини ана шу жажжигина Будданинг, бу хонанинг, бу уйнинг эгаси деб ҳис қилиш унга ғалати туюлаётганди. Ана шу иссиққина роҳатижон масканда ёлғиз қолиб, бемалол ўйлаб ётиш...

Емакхонада чироқ ёниб, Дронови нурга фарқ этди, Иван вино бутилкасини тиззалари орасида сиққанча пастга эгилди, зўриқиб ранги қорайиб кетди ва пишилла-пишилла ахири пробкани суғурди.

Клим Иванович безовта ҳис қилар эди ўзини, лекин бу безовталик тобора унга хуш ёқаётганди. Шундай бир дақиқа бўлдики, у ранжиган ҳолда таажжубланди:

«Нега мен ўз тажрибаларимни шундай содда ва равшан шаклда ифодалай билмадим?»

Лекин шундан кейин тез орада фахрланиб кўнглидан ўтказди:

«Бу китобда менга жуда яқин идеялар бор, ким билсин, буларни балки мен топиб, бошқаларга ёйгандирман».

Сўнгра у Пётр Струвени хотирлади: народникларга қарши кураш олиб борган, усти боши тўзиган, сариқ, асабият билан титраб кўп гап сотадиган марксистнинг сал букчайган, ориққина, кулгили важоҳатини биринчи дафъа кўрганига ҳали ўн йил бўлмаган эди. Бу китоб шайдоси ўз сафдоши — қора сочли, новча, оёқлари ингичка, қорни мешдай, ингичка овоз билан қул-қуллаб гапирадиган Туган-Барановский қаршисида айниқса кулгили кўринарди.

Самгин ёш талабаларнинг бу одамларни нақадар яхши кўрганларини, «Эркин иқтисодий жамият»даги мунозараларда уларнинг нутқларини нақадар мафтунлик билан тинглаганларини, «экономиканинг мустақил асоси» ўзларига маъқул бўлгани учун марксизмга хайрихоҳ бўлган зиёлиларнинг торгина квартираларида уюштирилган яширин кечаларда уларни нақадар севиб қарши олишлари ва кузатиб қўйишларини эслаб: «Ёшларнинг раҳбарлари» деб ўйлади. Уша вақтда Струвенинг «Фихтега қайтиш» деган мақоласи билан бошланган «миллий ўзини англаш» таълимоти билан марксизмнинг бир-бирига зидлигини биринчи марта кўрсатган киши Кутузов эканини хотирлаб Самгиннинг дили ғаш бўлди. Сўнгра Клим Иванович Самгин кат-

та бир хатога йўл қўяёзиб, лекин бу хатони қилмаган одам-дек мамнуният билан ўйлади:

«Мен ҳеч қачон ҳеч нарсани тарғиб этмаганман, ўз қарашларимни ўзгартиришим учун ҳам зарурат йўқ».

Иван Дронов эса «янги сўз» ахтариш дардида зўр бериб гранкаларни титкилай-титкилай шоша-шоша ўқирди:

«Ғарб буржуазияси ахлоқий идеялар жиҳатдан рус зиёлисидан кўра қашшоқлар, лекин Ғарб буржуазиясининг идеялари рус зиёлисининг эмоционал тузилишидан кўп жиҳатдан юксак туради, муҳими шундаки, Ғарб буржуазияси нисбатан мукаммал маънавий ҳаёт кечиради». Э, бу аллақандай диний эътиқод-ку! «Рус миллий руҳининг хусусиятлари шуни кўрсатадики, биз диний фалсафа соҳасида ижод қилишга даъват этилганмиз». Ана холос! Бу басирликнинг ўзгинаси эди. Бу гапни Бердяев тўқиган бўлиши керак.

У вино ҳўплар, бисквит ер ва худди полотер сингари оёқларини ерга суркай-суркай завқланарди.

— Бу китобча катта шов-шувга сабаб бўлади! Беш марта, балки ундан ҳам кўп нашр этилади. Эҳ, балои азимлар...

Бирдан у ҳовридан тушиб, гранкаларни кафти билан текислай-текислай ташвишланиб хўрсиниб қўйди.

— Бу китобчани қўлдан бериб қўйдим. Варюха билан икки тўпламни бир амаллаб қўлга киритдигу, аммо бу қўлдан чиқиб кетди! «Марксизм фалсафасига оид очерклар» билан Мартов, Потресов, Масловнинг мақолалар тўпламини кўрдингми?

У ўнг кўзини юмди, кулимсираган эди, лаблари чўзилиб, остки иккита ва устки битта олтин тиши кўринди.

— Зўр бериб Марксни изоҳлашгани изоҳлашган. Изоҳлаш — уни маҳдудлаш эмасми, а? Фақат протопоп¹ Аввакум каби ўжар Ленин қўлидан келмайдиган ишга уришиб ётибди.

Ниҳоят, Дронов гранкаларни қўлтиғига суқиб, яна сўради:

— Хўш, бу воқеалар тўғрисида сен нима дейсан, оғайни? Биласанми, Азеф билан бу, — Дронов бармоги билан ўзининг кўкрагига ниқталади, — қон қақшатадиган зарбадир, тўғрими?

У кутаётганди.

¹ Протопоп — олий мансабли поп. (Тарж.)

Бир нима дейиш лозим эди.

Самгин сой устига ташланган ингичка ходадан ўтаётган одамдай хонада авайлаб юраркан, қатъий бир тусда:

— Мен бу китобнинг ҳаддан ташқари ва мунозаравий бир даражада кескин ёзилганини айтдим-ку боя,— деб гап бошлади.— Бу китоб идеалистлар билан... реалистлар ўртасидаги кўҳна мубоҳасани яна янгидан тирилтиради. Реализм одамларни толиқтиради. Мана энди...

У қўлини ҳавода силкиб, тутунни қувди, Дроновнинг вино ичишини ва гилай кўзларини ундан узмаётганини зимдан кузатиб турди. Самгин бошини қуйи эгиб, гапини давом эттирди:

— Ҳа, бундай жиддий ҳолларда шуни айниқса маҳкам эсда тутиш керакки, сўзлар фикрни нотўғри талқин қилишдек маккорона бир хусусиятга эга. Сўз ҳаддан ортиқ мустақил маъно касб этади, сен кейинги вақтларда логос¹ ҳақида кўп гапиришаётгани ва ёзишаётганини пайқаган бўлсанг керак, ҳатто сўзни оллоҳ ҳисоблаган бир тариқат ҳам пайдо бўлган. Умуман, сўз шу қадар катта ўринни ишғол қилганки, филология энди гўё мантиққа эмас, балки фақат фонетикага бўйсунди дейсан... Масалан, декадентларимиз, Бальмент, Белий...

— Э, нима деб валдираяпсан, оғайни?— таажжубланиб сўради Дронов.— Худди бир гимназист ёки ундан ҳам баттар бир одамману менга сир бериб бўлмайдигандай. Гапиргинг келмаётган бўлса, гапирмай қўя қол.

Дронов соппа-соғ одамдай гапираётганди, лекин ўридан турганида гандираклаб, бир қўли билан столнинг четини, иккинчиси билан стулнинг суянчигини ушлаб қолди. Бердников билан бўлган ҳодисадан кейин Самгин мастлардан қўрқиб қолган эди.

— Сабр қил,— деди у иложи борича мулойимлик билан.— Мен шу нарсани эсингга солмоқчи эдимки, Плеханов социал-демократия учун буржуазия билан бирга бир вагонда Петербургдан Москвага йўлга чиқиб, Тверга қадар бориш имкони мавжудлигини исботлар эди...

— Э, буни эслаб ўтириш кимга керак?— у қўлтиғидан гранкаларни чиқарди-да, уларни баланд кўтариб силкитди.— Бу ерда буржуазия билан муваққат иттифоқ бўлиш устида эмас, балки танқидий йўсинда фикрлайдиган различин зиёлиларнинг бутун позицияларини тамомила

¹ Логос—юнон тилида сўз демакдир. (Тарж.)

ва сўзсиз буржуазияга бориб қўйиши устида бораётир,— менинг Дунаев деган ишчи дўстим, социал-демократ, ёш большевик бу нарсани ана шундай тушунади. Тўғри тушуняпти у. «Буржуазия муддаосига етишди, унинг конституцияси бор,— дейди, —хўш, демократия, хизматбардор зиёлилар нима наф кўрди? Кўпаслар қўлида приказчик бўлишми?» Дунёнинг кўрки бўлган зиёлилар приказчилик қилиб ўтирса энди!

Дронов қичқирар, отга ўхшаб ер тепинар, гранкаларни ҳавода силкитар эди. Самгин энди унинг сўзлари орасидаги боғланишларни, қичқириғининг маъносини тушунолмай гаранг эди. Клим Иванович столнинг бошқа томонида индамай турар, ҳали бундан ҳам баттар бўлади, деб хавотирда эди. Лекин Дронов бирдан қичқириб қолди:

— Ўзим тўғримда бўлса ҳам дангал айтаман,— у тилини тишлагандек бирдан жим бўлиб қолди, кўзларини қисди ва ўзининг одатдаги товуши билан таажжубланиб деди:

— Зўр гап бўлдими, а? Епирай! Худо ҳаққи, эпиграф қилса арзийдиган гап! Тилим аччиққина, а? Хуллас, энди ўзим ҳақимда айтай. Мен буржуй ҳам, социалист ҳам эмасман. Мен эркин касб аҳли армиясининг оддий солдати-ман. Яшамоқ учун ҳеч қандай сармоёси, ҳомийси бўлмаган, батартиб яшаш орзусидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган, ўз ғамини ўзи ейдиган бир одамман. Бу орзу бутун истеъдод ва хатти-ҳаракатларнинг асоси бўлиб, шуҳрат билан мукофотлайди, қонун билан жазолайди. Мен эпчил, юлдузни бенарвон урадиган бўлишим керак ва ҳоказо. Хўш, мен ким биланман? Жисмоний меҳнат қилдиган пролетариат биланми? Бунга ярамайман, ўзимни бахшанда этиб жасорат кўрсатишга қодир эмасман. Яхши таом, ичиш бўлса, хилма-хил хотинларни қўлдан ўтказиб турсам, шунинг ўзи бас менга. Хўжайинлар, буржуйлар билан бирга бўлайми? Йўқ, уларга тоби тоқатим йўқ. Ма-на мен, деган буржуйдан ақллиман ўзим. Ўзимни муло-йим...— у елкаларини ростлаб, қорнини ичига тортиб илова қилди:— ва боладай беозор қилиб кўрсатиш қўлимдан келмайди ва буни истамайман.

Охирги сўз унинг бўғзида тиқилиб қолди, йўталди, сўнгра стакандаги винони тезда сипқариб, соатиға қараб олди-да, қизишиб таклиф этди:

— Клим Иванович, оғайни, кел, газета чиқарайлик! Ҳеч қандай фалсафий ажи-бужиларсиз оддий ва холис

демократик газета, Маркс билан ҳамфикр, аммо Лениндан йироқ бир газета, тушуняпсанми? Зиёли пролетариатнинг органи,— тушуняпсанми? Унгнинг ҳам, сўлнинг ҳам тумшуғига солаверамиз, хўпми?

— Пул керак бунга,— деди эҳтиёткорлик билан Самгин.

— Рост айтасан! Бор-йўғи пул керак.

— Керак бўлганда ҳам бир талайгина.

— Ҳа, бир талай керак. Э, падарига қусур, кечикибман! Гранкаларни қайтаришим керак. Кечаси сеникида қолама, хўпми?

— Бемалол,— деди Самгин. Дронов оёқларини оғир чарм ботинкага тикаётиб, бирдан хахолаб кулди.

— Йўқ, бир ўйлаб кўр, қаёққа чақиришяпти ахир улар? Гимназиядаги тоат-ибодатларимиз эсингдами — нима гап ўзи? «Ота-оналарга тасалли, черков билан ватанга фойда».

У шапкасини силкита-силкита ўртоғининг гашига тегаётган боладай бир оҳангда деди:

— Мен насли насаби бетайин бир одамман, ўзимдан бўлак ҳеч кимга фойдани раво кўрмайман. Менинг бўлган-турганим шу....

Дронов тишлари орасидан секингина ҳуштак чалиб жўнаб кетди. Клим Иванович Самгин худди кўлмак сув сачраган бароқ ит каби бир силкиниб олди-да, ғира-шира қоронғи даҳлиздан иссиқ ва ёруғ меҳмонхона бағрига отилиб тўхтади ва папирос чиқарар экан, ўз таассуротларига яқун ясади:

«Ярамас. Пасткаш ва фирибгар. Газета эмиш, топган нарчасини қара. Уч пулга арзимайдиган «Копейка» номли газета бўлгучи эди. Лекин у: «Ўзим тўғримда бўлса ҳам дангал айтаман»,— деб ўзининг ким эканини кўрсатди-қўйди.

Клим Иванович ўзини мудофаа этишга мажбур қилиб турган кескин вазият ҳам Дронов билан бирга йўқ бўлганини ҳис этиб, бармоқларини шиқиллатди. Аҳволи руҳияси ўзгарди, энди у сўз ахтармаётганди, балки гарчанд тартибсиз бўлса-да, сўзлар осонликча ва ўз-ўзидан қуйилиб келаётганди.

«Етти епископ Лев Толстойни черковдан айирди. Етти зиёлини айбладилар, рус зиёлларининг анъанасини — унинг воқеликка танқидий муносабатини, ақл-идрок анъанасини, ҳаракатлантирувчи кучини инкор этмоқдалар».

Шу ўринда негадир: «Бир киши сўқа билан, еттитаси қошиқ билан» матали, «Етти оға-ини» эртаги ёдига тушди. Етти рақами ўнларча майда фикрларни уйғотди, бу фикрлар хира пашшадек жонига тегди ва «Вехи» тўпламини яна эсга олиш учун анча-мунча уринишга тўғри келди.

«Муайян жумлаларни бир вақтлар менинг эркин фикрлашимни чегаралашга ҳаракат қилган бошқа жумлалар билан алмаштирмоқдалар. Мен билишни истаганим ҳолда улар менинг инонишимни иташади. Шубҳаланишга ҳақ-ҳуқуқимни тортиб олмоқчи бўладилар».

У қалин гилам устида овоз чиқармай у ёқдан-бу ёққа юрар, бронза амурлар ёрдамида деворда турган кўҳна думалоқ ойнада калласи кўриниб қоларди. Клим Иванович Самгин ойна қаршисида тўхтаб, диққат билан башарасига боқди. Бошига муҳим, ҳал қилувчи фикрлар келган дақиқаларда ойна қаршисига келиб ўз афти ангорини кўришни одат қилган эди у. Самгин юзининг узоқни кўрмайдиган деярли ҳамма одамларнинг юзи каби илтифотсиз, ифодасиз, сўррайгангина эканлигини биларди-ю, лекин тобора тез-тез уни ўз маънавий оламини ўрганиш билан машғул, ўзлигини тушунган эркин бир мутафаккирнинг салобатли юзи каби кўрарди. У кўзойнагини олди-да, пешанасини ойнага тегизгудек яқин туриб чаккаларидаги оқиш соч толаларини силади, соқолини буради, тамаки тутуни сарғайтирган майда тишларини кўриб қўйди.

Клим Иванович ғурур билан: «Уларнинг фикрлари менга таниш, бу фикрларни дастлаб мен айтган, мен ёйган бўлсам аҳтимол»,— деб ўйлади. Лекин шу вақт у Гоголнинг «Мактуб»ини, Константин Леонтьевнинг сиёсий фалсафасини, Достоевскийнинг «Кундаликлар»ини, К. Победоносцевнинг «Москва тўплами»ни, Лев Тихомировнинг «Инқилобчи бўлишдан нега воз кечдим» деган рисоласини ва яна кўпгина бошқа асарларни хотирлади. Шу топда ҳожатхонага боргиси келиб қолди, ҳожатхона коридорнинг бошида, ошхона орқасида, хизматкорлар хонаси билан ёнма-ён жойлашган эди. Самгин емакхонадан шам ахтарди, топмагач, бир қути гугуртни қўлига олиб хонадан чиқди. Коридорда биров пишилла-пишилла ивирсирди, бу Самгин учун шу қадар кутилмаган ҳол бўлдики, у гугуртни қўлидан тушириб юбори:

— Ким бу?— деб қичқирди.

Унга йўғон бир овоз секингина жавоб берди:

— Менман, Клим Иванович, Миколайман.

Гугурт чақилганда тикандек дағал юнг босган юз, ту-
нука чироқ ушлаган қора қўл кўринди.

— Чироқни тузатяпман. Шиша чироқни водопровод-
чилар синдириб кетишибди.

— Э, сизмисиз? Танимабман сизни.

— Соқолимни қирдирганман.

Клим Иванович ҳожатхонада ўтириб ташвишланди:

«У бемаъни кунларнинг ва ана шу бемаъниликда ме-
нинг ғайри ихтиёрий равишда иштирок этганимнинг шо-
ҳиди. Полиция қоровуллардан жосус ўрнида фойдаланади,
бу киши ундан истисно деб ўйлаш лақмалик бўлади. У
солдатни ўлдирган киши. Менга дўқ-пўписа қилиши мум-
кин».

Самгин коридорга чиққанида деворда кичкинагина
чироқ ёниб турарди, Николай эса полдаги ахлатларни су-
пураётганди, у коридорда кўндалангига эгилганидан уй
эгаси тўхташга мажбур бўлди.

— Яна шаҳарга келиб қолдингизми?— сўради Самгин.

— Ҳа, шундай бўлиб қолди. Қишлоқда тирикчилик
оғирлашиб кетди, Клим Иванович, қўрқинчли ҳам.

— Нега?

— Бошлиқлар бешинчи йил туфайли жуда ғазаб тўни-
ни кийган. Мужикларга кун бермаяптилар. Амакиваччам-
ни тўрт йилга каторгага юборишди, унинг жуда ақлли,
мўмингина мужик қўшниси бўлгучи эди, у бечорани дан-
гал осишди. Эски ишлар учун хотин-халажни ҳам тинч
қўйишмаяпти! Бошлиқлар қутуриб кетишди... уят деган
нарса қолмади уларда. Помешчиклар эса янги жамоа
ерларини босиб олишган, хуторларда яшаётганлар ҳам
полициядан қолишмайди. Камбағаллар уларнинг ҳақида
бундай дейишяпти: «Қўрғонларга ўт қўйишга, хўжайинлар-
ни ер билан яксон қилишга бизларни ўзлари бошлаб бо-
ришди-да, энди эса...»

Коридорнинг ҳавоси керосиннинг, оҳак тўзонининг
аччиқ ҳиди билан булганган эди, қоровулнинг бўғиқ ово-
зи бу димликни яна ҳам оғирлаштираётганди. Хонага
ўтиб олиш учун Николай йўлдан четлашиши лозим эди,
у бўлса бир қўлида супурги ушлаганча, иккинчи қўли
билан ёқасининг тугмаларини қадамоқчи бўлиб коридор-
нинг ўртасида турарди. Унинг елкасидан баланд турган
чироқ ёноқ суяклари туртиб чиққан юзининг ярмини
ёритаётганди. Юзи соқолсиз бўлгани учун аввалги кесак-
дек лоқайдлигини йўқотган эди, ёноқлари ва ияклариди

тикандек қизғиш сариқ туклар қимирлаб турар, чимирилган қошлари остидан бұз кўзлари талабкор боқарди, унинг ўзи секингина гапираётганига қарамай, гўё таъна қилаётгандек ва қичқиришга чоғланаётгандай эди.

Самгин ўз-ўзича «Қотил», — деб хотирлади.

— Мужиклар, худо ҳаққи, ўзга юртда, асирлардай яшаши. Бошпут олиш машаққат бўлиб қолганига қарамай, ёшроқ мужиклар бошлари оққан томонга жўнаб кетишяпти. Оиласи каттароқ ва от-улови борлар бўлса гам-кулфатни ютиб, тақдирга тан беришяпти.

«Мени бир нарсада айбдор деб ҳисобласа керак», — деб мулоҳаза юритди Самгин.

— Чек ерларини сақлаб қолган фабрика-завод ишчилари энди уларни сотишмоқда — қишлоқларни чириган дарахт каби яксон қилишяпти! Ерни ҳар қалай бекор сотишяпти. Тўқувчи бир қўшним бор эди, бир ярим десятина ерни тўрт юз саксон сўлкавойга сотиб ўғлини ердан бена-сиб қилди, шундан кейин у крахмал заводига ишга кирди. Рўпарамиздаги қишлоқда яшайдиган печкачи эса бир десяти-нинани тўрт юзга пуллади...

— Бу ерга келганингизга кўп бўлдимиз? — сўради Самгин.

— Баҳорда келгандим. Худо раҳмат қилсин, Варвара Кирилловна дарров мени хизматларига қабул қилдилар. Бу ерда онда-сонда бўлса ҳам одам боласининг овозини эшитасан, бу ерлик одамларнинг эси бутун, бешинчи йилни эсдан чиқармайдилар. Қўшнилар менинг ҳақимда бирон нарсани эслаб қолишмаса эди, деб кўрққан эдим, йўқ, ҳартугур, ҳозирча тинчлик. Бу маҳалланинг миршаблари ҳам бари янги, Петербургдан келган. Улар биз қоровулардан маълумот талаб қилиб туришади, албатта, аммо етказадиган бир гап йўқ, бу ерлик фуқаро тинчгина ўз кунини кўряпти. Доянинг ўғли, студент ёдингиздами, яқинда келди. Тўққиз ой қамоқда ётганидан кейин сургун қилишган эди, онасининг ҳаракати билан қутулиб келди. Яқинда Лаврушкани кўчада кўриб қолдим, кийим-бошидан товламачироқ кўринади, галстук тақиб олган; аллақерда ўқийман, дейди. Алдаётганга ўхшайди.

Николай овозини пасайтириб сўради:

— Хабарингиз йўқми, ўртоқ Яков омонми?

— Хабарим йўқ, — қатъиян жавоб берди Самгин ва олдинга қадам ташлаб, Николайни деворга қисилишга мажбур қилди.

Клим Иванович папирос ёндириб, меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа юриб нарсаларни хомушгина кўздан кечирав экан: «Ё жосус, ёки мени... ўз одами деб ҳисоблайпти»,— деб мулоҳаза юритди. Худди магазиндагидақа нарса кўп эди. Деворлардаги мойли бўёқ билан ишланган кичик-кичик этюдлар ёқимли товланарди, уларнинг биридан лаби қалин, соқол-мўйлови қирилган бир одам кўзларини қисиб қараб турарди, бир нимани сўраётгандай боқарди у. Бежиримгина токчада чиройли сахтиён муқовали ўн бештача китоб турарди, буларнинг орасида Миропольский, Коневский асарлари, Блок, Сологуб, Бальмонт, Брюсов, Гиппиус, Вилье де Лиль Адан, Бодлер, Верлен, Рихард, Демель шеърлари, Шопенгауэр «Афоризмлар»и бор эди.

«Нафсиламр айтганда, мен Москвада яшай олмайман»,— деб жавоб берди ўзига-ўзи Клим Иванович.

Сўнгра у таассуф-ла чуқур хўрсиниб қўйди, — уй кўзига тобора яхши кўриниб кетаётганди. бу ерда бинойидек яшаса бўлади. Эшликкина тахта устида Франц Штукнинг «Гуноҳ» расмидан кўчирилган нусха турарди — унда яланғоч хотинга илон чирмашиб олганди, — бир талай юшоқ ёстиқлар ташлаб қўйилган тахта устида бу даҳшатли расмининг бўлишини тамомила ўринли ҳисоблаб Самгин жилмайиб қўйди. У кимнингдир: «Хотинлар деталларнигина тушунадилар, холос», — деган гапини хотирлади. Сўнгра у Варвара ўз уйини безашга пулни аямагани, лекин билиб сарфламаганини ўйлади. Майда-чуйда нарсалар, вазачалар, чинни шакллар, қутичалар жуда кўп эди. Мана, суякдан, қора ёғочдан ясалган анъанавий етти фил, уларнинг бири топаздан ясалган. Самгин ҳал югуртирилган эгри оёқли кичкина стол ёнига келиб ўтирди-да, кичкинагина топаз филчани қўлига олиб, «Вехи» тўпламининг етти муаллифини эслади.

«Бу дадил китоб, албатта, шов-шувга сабаб бўлади. Тун қоронғисида чалинган занг каби ҳамма ёққа ваҳима солади. Социалистлар дарғазаб бўлиб эътироз қилишади. Фақат социалистларнинг ўзигина эмас, «Ҳамма томондан ҳуштак, занг овози эшитилади». Ҳаётнинг сатҳида яна ўнларча пуфакчалар шишиб чиқади».

Бу хил фикрлар жараёни уни асабийлаштирди, Самгин қўлидаги филчани қолган олти филчанинг ёнига тақ этиб қўйиб, яна хонанинг ичида кеза бошлади. Норозилик ҳисси таниш меҳмон каби, ҳар вақтдагидан кўра кескин бир

ҳолда қаршисида пайдо бўлди: нега у ном чиқара олмайпти?

«Умримнинг ярмисини яшадим. Нега энди Маринанинг ўлдирилишини матбуотда ёритишга киришмадим? Бу Полтавадаги оға-ини Критскийлар, Пензадаги генералнинг хотини Болдиреванинг иши, Варшавадаги граф Роникер иши сингари оламга шовқин солган бўлур эди балки... У қайси бир ҳам газетада киноя билан ёзилган бир жумлани хотирлади: «Сирли жиноят обивателларнинг чучмал ҳаётига қўшиладиган аччиқ доривордир».

«Газета? Эҳтимол, Дронов ҳақ — газета керакдир. Мустақил бир газета. Ҳали бизда шундай демократия йўқки, у ўз аҳамиятини мустақил бир синфнинг, капитал ва пролетариатнинг зўрлигидан мустақил, фан, санъат кучларининг маркази бўлган синфнинг аҳамияти каби тушунсин».

Клим Иванович Самгин креслонинг тирсаги устига ўтириб олиб, барала:

«Менинг ғоям шу!» — дейишига сал қолди.

Фелицата емакхонада, чироқ ёруғида, ҳавода сузган каби, овоз чиқармай ҳаракат қиларди.

— Чой тайёр, — деди секингина у. Самгин индамади, у кўнглида сокин ва хушҳол этадиган ҳаяжонли нотаниш бир туйғу пайдо бўлаётганига қулоқ солаётганди.

«Башарий ғоя ҳам илоҳий ғоя сингари соддадилликдир. Пильников аҳмоқ. Дунё қуллар ва хўжайинлар дунёсига бўлинишига мени ҳеч ким ишонтира олмайди. Хўжайинлар қуллар орасидан етишиб чиқади. Қуллар ҳам ҳукмдорлар каби бир-бирлари билан адоватлашадилар. Дунёни ҳаракатга келтириб турган куч ақл билан истеъдоддир».

Шу соатда Клим Самгиннинг фикрлари одатдан ташқари тез, беқарор, ҳатто гўё робитасиз парвоз этарди, ҳар бир фикрдан, Клим Иванович Самгин кўп кишилардан, шу жумладан, «Вехи» тўплами муаллифларидан ҳам анча оригинал ва ақллироқ, деган тушунча қолар ва мустаҳкамланарди.

Бирдан миясига бошқа бир фикр келди:

«Балки Безбедовни ҳам қасдан ўлдиришгандир, биланларини гапирмасин деб? Балки Тагильский Безбедовни йўқ қилиш учун келгандир? Агар қотилликнинг сабаби — Безбедовнинг интиқоми бўлса, у ҳолда ишнинг сирли ва ваҳимали жиҳати қолмайди. Агар Безбедовнинг бошқа

бир одамнинг иродасига бўйсуниб иш кўрганини исботлаш мумкин бўлсайди...»

«Йўқ, бу ишни қўзғаш фикридан воз кечиш керак,— деган фикрга келди у.— Ҳикоя ёзиб кўришим лозим. Эдгар По ёки Конан-Дойлнинг руҳида».

Хушҳол ҳаяжонга солаётган ҳис уни тарк этмади, балки аксинча, гўё тобора илиқлашиб, ҳар вақтдагидан кўра дадилроқ, тетикроқ ўйлашга ёрдам берарди. Самгин емакхонага ўтди, янги газетада бостирса бўладиган ҳикоянинг режасини тузаётиб бир стакан чой ичди. Дронов келмади. Клим Иванович ётаётиб, умрининг ўтган шу куни ниҳоятда аҳамиятли бўлганини ўйлаб мамнун бўлди.

Ухлашдан аввал у охириги папиросни чекар экан: «Инсон ўзини кашф этган кун унинг учун байрамдир»,— деди ўз-ўзига.

Дронов тушдан кейин келди, у бўйин умуртқалари синиб кетишидан қўрқаётгандек кирпиникидақа бошини қимирлатмас эди. Унинг салқиган қизил-қорамтир рангдаги юзида бесаранжом кўзлари аранг кўринар, напармон қулоқлари кулгили ва кўримсиз диккайиб турарди.

— Бошим ёрилиб кетай деяпти,— деди у хириллаб ва ўтқазиб қўйган одамдай қўполдан-қўпол бақирди:

— Қўтон, вино-пинонг борми? Келтир, олиб келавер! Кеча бир муттаҳамнинг туғилган кунига борган эдим, эрталаб соат олтигача тортдик. Карта ўйнаб қирқ сўм ютқаздим — энди алам қияпти!

У устма-уст икки стакан винони симиргач, хириллаши камайди ва чечан гапира бошлади. Москвада ернинг нархи жуда ошиб боряпти, шаҳар марказида бир квадрат саржин уч мингга етиб қолди. «Шаҳарнинг отахонларидан» бири, славянофиллар наслидан бўлган Хомяков йўлкани кенгайтириш учун шаҳарга зарур бўлган арзимаган бир парча бўш ер учун 120 ёки ҳатто 200 минг талаб қилган, унга бунча пулни бермаганларидан кейин у ўша ерни темир панжара билан ўраб олиб, кўча ҳаракатини яна ҳам сиқиб қўйган.

Дронов қўлларини ишқалай-ишқалай завқ билан ва ибратомиз бир тарзда:— Шаҳар отахонидан келган ишни қара!— деб бақирди.— Бу ерларнинг баҳоси бунақа эмас, албатта,— давом этди у.— Уй эски, кичкина; даромад келтирмайдиган бўлгани учун арзимаган пул бўлади. Ерни йигирма беш-ўттиз минг қилиш мумкин. Харидор бор, бир ҳафтанинг ичида сотса бўлади. Бўладиган ишнинг ис-

ни-бисга қўймай тез қилиш керак,— деб гапини тугатди Дронов ва яна бир стакан вино ичиб, сўради:— Хўш, нима дейсан?

— Сотишга қарор қилдим.

— Тўғри. Зиёли одам уй эгаси бўлиб ўтирса, унинг зиёлилиги қаёқда қолди, бу бошқа дарахтнинг меваси, деган гап.

Самгин бир нима демоқчи бўлиб қошларини чимирди-ю, аммо нима дейишни ва қай тариқа дейишни ўйлаб топмади. Дронов эса билармонлик қилиб завқ-шавқ билан тобора қизишиб гапини давом эттирар эди:

— Демак, ҳозир телефон қоқамиз, харидор, нотариус Животовский келади, ўзи чайқовчи одам у, қулоғингни динг қилиб тур! Лекин, Клим Иванович, бошиданоқ сенга минглаб пулнинг нима кераги бор? Сенга пул эмас, газета ёки китоб нашриёти керак. Ун минг сўм газетага камлик қилади, ўн беш-йигирма минг лозим. Шундай бир таклифим бор: бу йигирма мингни менга бериб тур, сенга сўз бераманки, бир йилдан сўнг у икки юз минг бўлади. Ваъда қиламан, лекин кафил бўлолмайман, негаки ўртага қўйишга ҳеч вақом йўқ. Вексель беришим мумкин, лекин унинг нима қиммати бор дейсан?

— Карта ўйнайсанми?— кулимсираб сўради Самгин.

— Биржада ўйнаймиз, ҳар иккимиз. Менинг бир одамим бор, ҳар бало қўлидан келади. У ахир бир кун ё каторгага юборилади, ёки ўз жонига қасд қилади. Ҳалол одам ўзи, лекин девонафеъл. У бизнинг пул ишлашимизга ёрдам беради.

Дронов столнинг четини ушлаб ўрнидан турди. Унинг шунчалик ҳарорати зўр эдики, калтагина оёқлари титрарди, қўли ҳам титраётганидан бўш стакан бутилкага тегиб жаранглаб кетди. Самгин стаканни нари суриб, жаранг-журигнинг тўхтатди.

— Пул ҳам бўлади! Газета ҳам бўлади,— дерди Дронов. Унинг юзи қизариб шишиб кетганди, кўзлари ловилаб турган оловга боққандай пирпираб қисиларди.

— Мисли йўқ, ажойиб газета бўлади. Фан, адабиётнинг барча ёрқин сиймоларини, Леонид Андреевни жалб қиламиз, «Знание» нашриётининг реалистларига уруш эълон қиламиз,— реализмни жин урсин! Сиёсатни ҳам. Юз йил сиёсат билан шуғулланиб чарчадик, жонимизга тегди. Ҳаммининг кўнгли романтикани, лирикани, метафизикани тусамоқда, сирлар оламини билишни, шайтон-

нинг ичак-чавоғигача кириб чиқишни истамоқда. Уларга ақлларни ром этувчи Достоевский, Андреев, Конан-Дойль керак.

Самгин енгилгина нафас олди, стаканга оқ вино қуйиб ўйлади:

«Куч-ғайратдан худо берган унга».

Дронов эса шоша-пиша стаканга ёпишиб, очкўзлик билан ярмисини шимирди ва унинг қалин, нам лаблари яна титрай-титрай ичидан сўзлар отилаверди:

— Биз фан янгиликлари, фантастикаси, адабий баҳсларни, уруш-жанжалларни ёритамиз, жиний ишларга доир хабарларни бериб борамиз, яна буни шундай йўлга қўямизки, европаликларнинг тушига ҳам кирмаган бўлади. Жиноятни тамомила янгича ёритамиз, унинг илдизларини очамиз...

У стаканни иягига яқин тутганча ўнг қўлини силкитар, муштумини қисиб ва ёзиб, бармоқлари билан ҳавони қучарди.

— Маданият ва жиноят, тушуняпсанми?

— Бу сиёсат бўлади,— деб гап қистирди Самгин.

— Йўқ! Бу қасос олиш ҳуқуқини асослаш бўлади,— деди Дронов ва ҳатто оёғи билан ерни тапиллатди, лекин бир нимадан қўрққан каби ўша заҳоти бир неча сония жим бўлиб, оғзини салгина очганча кўзларини пирпира-тиб, шоша-шоша ва англашилмас бир тарзда гўлдиради:

— Бўпти, бу кейин бўладиган иш! Бу программа. Хўш, сен нима дейсан?

Самгин дастрўмол билан кўзойнагини артар экан, жавоб беришга шошилмаётганди. Қасос сўзи Дроновнинг оғзидан шундай кутилмаганда ва унинг гаплари билан сира боғланмаган ҳолда чиқдики, Самгиннинг хаёлида: ким қасос олади, кимдан, нима учун?— деган саволлар пайдо бўлди.

«У ғирт авантюрист, серғайрат, ҳаёсиз, довюрак одам. Унинг довюраклиги принципсизлик, ахлоқсизликдир»,— деган фикрга келди Самгин, ўзини огоҳ қилиб,— у шунинг учун огоҳ қилаётган эдики, Дроновнинг аллақайси жиҳати унга ёқиб қола бошлаган эди.

— Умуман айтганда, бу мароқли бир иш. Лекин, ўйлайманки, ваколатли усули идора мавжуд бир ўлкада сиёсатдан ташқари газета чиқариб бўлмайди.

Дронов ўтириб олиб, таажжуб билан такрорлади:

— Ваколатли...

Лекин ўша ондаёқ бошини силкитиб, гапини давом эттирди:

— Парламентаризм тарафдорларининг сиёсатини объектив тарзда ҳикоя қилиш ёки танқид ниқоби остида ёритиш бизнинг ихтиёримиздадир. Бу ниқоб сиёсат бўлади албатта. Ахлоқ ҳам. Лекин адабиётчиларнинг бир-бирларини дўппослаётганлари, ит-мушукларни гиж-гижлаётганлари тўғрисида ҳам ахлоқни бир чеккага йиғиштириб қўйиб гапириш мумкин. Бу билан газетхонларга эрмак топиб берамиз.

Шундан кейин Дронов қўярда-қўймай сўради:

— Сен буни фойдали, мароқли иш эканини тан олдинг, хўш, бу ёғига нима дейсан энди?

Шундан кейин у қўполдан-қўпол илова қилди:

— Пул беришга розимисан?

— Ўйлаб кўришим керак.

— Шундайми? Нимани ўйлаб кўрасан? Тасодифан қўлингга тушган пулни нега қизғанасан?

«Суллоҳлигини кўр! Юзсизлигини қара»,— деб ўйлади Самгин, кўзойнак билан кўзларини тўсиб,— Иван Дронов эса жон-жаҳди билан қичқирарди:

— Вехичилар ҳақ: зиёли пулни яхши кўрмайди, бой бўлишдан уялади, бу бир анъана, оғайни!

У яна узоқ гап сотди ва охирида Самгинга ўзига олиб қоладиган нарсаларни алоҳида ажратиб, омборга жойлаш, сотмоқчи бўлган нарсаларнинг ҳаммасини баҳолаб уларнинг сотилажаги тўғрисида газеталарда эълон бериш ёки «ким ошди» уюштириш хусусида маслаҳат берди. Дронов уй эгасини хаёлга чўмдириб, ёқимли бир ҳаяжон оғушида қолдириб кетди. Клим Иванович Самгин умрида илк дафъа ўзини каттакон бир газетанинг муҳаррири, ўз замонасидаги фикрларнинг бутун оқимлари, нозик жиҳатлари, турлича маъноларини ўрганадиган, таҳрир этадиган ва тузатадиган бир одам деб тасаввур этди. Барча партияларнинг сиёсатдонлари, халқнинг қуйи табақаларининг маданий ривожини устида ташвиш чекадиган маърифатпарварлар, танқидчиларнинг бир-бирига зид фикрлари орасида чалкашиб қолган адабиётчилар, фалсафа билан юзакигина таниш ва ҳақиқий ҳаётни яхши билмайдиган танқидчилар унинг мўътабар сўзларига қулоқ осадилар. У мамлакат ақлий ҳаётининг ҳукмдорларидан бири. У энг йирик ва ҳалол ҳукмдордир, негаки муайян бир программа билан боғлиқ эмас, улкан тажрибага эга ва асли-

да, унинг шахсий мақсадлари йўқ. Шухратпараст эмас. Шон-шуҳратга ҳирс қўймаган, пул деб томдан ташламайди ўзини. У чиндан ҳам мустақил одам.

«Газетанинг амалий, хўжалик ишларини Дроновга топшириш мумкин. Тўғри, Дронов ҳаёсиз, сурбетроқ, қўпол, аммо унинг куч-гайрати жуда қимматли фазилат. Унинг менга ўхшаш ёқимли бир нимаси бор. Лекин бу хусусияти ҳали ибтидий бир шаклда, уни камолга етказиш керак. Мен унинг раҳбари бўламан, уни одам қиламан, шунда у менга дастгирлик қилади. Унга бўлган муносабатимни бирмунча ўзгартиришим керак».

Самгин ҳали болалик чоғида танигани Иван Дроновни кўз олдига келтириб:

«Ҳа, у, аслини айтганда, антиқа бир одам»,— деган фикрга келди.

Эртаси куни эрталаб Дронов харидор билан бошлашиб келди. Бу тепакалроқ, сийрак кул ранг сочлари чаккаларидан йиғиштириб бошининг тепасига таралган, бўлаликкина қирмизи бурни устига кўкимтир пенсне қўндирган, пенсне ойнаси орқасидан хира, ғамгин кўзлари кўриниб турган, юзини тарам-тарам қизил томирлар босган, французнамо чўққи соқол қўйган, мўйлови учларини бураб-бураб найза қилган, ёшини билиш қийин ушоққина бир киши эди. Эғнидаги тўқ кул ранг сертук костюми тарвуз сингари юм-юмалоқ қорнини жуда ихчам кўрсатарди. У тукли духобадан ортиб қолган турли қийқимлардан ясалган айиқча ёки маймун каби юмшоққина кўринарди.

Бу киши қайноқ бармоқлари билан Самгиннинг қўлини маҳкам сиқар экан:— Козьма Иванов Семидубов,— деди. Самгин бу хил қиёфали одамларни илгари ҳам учратган эди, булар деярли ҳамиша Дронов ёки Тагильскийга ўхшаш жуда серҳаракат, ҳатто куйди-пишди, қувноқ одамлар бўлгучи эди. Семидубов шошилмасдан, эҳтиёткорлик билан юрар, ҳорғин ингичка овоз билан секин гапирар, нуқул бир хил сўзни такрорлагани такрорлаган эди.

У мўйнали чарм қўлқопини деворга шاپиллатиб урар экан:— Даромад келтирадиган уйни уй деса бўлади,— деди.— У чуқур нафас олиб, каттакон пийма ботинкасининг товонини қорга суртиб, уни ғижирлатар экан:— Бунақа уйлар эса Москванинг шўри,— деб давом этди.— Бу хил уйлар пўпанак сингари бутун Москвага ёйил-

ган, шулар туфайли трамвайлар, минглаб извошлар юради, фонарлар ёнади, хуллас, Москва шаҳри жуда катта харажат қилади.

Унинг овози тобора шикоятмиз, мулойим эшитиларди.

— Бунақа уйларни кўрганда Наполеонни таклиф қилгиси келади одамнинг.

У яна чуқур нафас олди:

— Бирам афтодаҳол яшаймиз, тақсирлар!

— Тўғри,— деб, унинг гапини маъқуллади Дронов.

Семидубов ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юриб, уни қадамлаб ўлчар экан, гапини давом эттирди:

— Инглизлар «уйим — менинг қалъам» дейишади, улар уйни харсанг тошлардан қуришади, шунинг учун характерлари ҳам тошдек қаттиқ уларнинг. Ёгоч-тахтадан қанақа қалъа бўлиши мумкин? Хўш, тақсирлар, қанча баҳолаяпсиз мулкни?

— Ўттиз беш минг,— деди зудлик билан Дронов.

— Ҳазиллашяпсизми ўзи. Пул қадрли бўлиб қолган.

— Қанча бермоқчисиз?

— Ўттизнинг ярмисини.

— Куляпсизми ўзи.

— Ундай бўлса хайр,— деди хомушгина бўлиб Семидубов ва дарвоза томон юрди. Дронов жаҳл билан томоқ қириб: «Муттаҳам!» деб пишиллади-да, унинг кетидан кетди, Самгин эса ҳовли ўртасида қолиб, бу бирпаслик ҳангама ўзида аллақандай ноаниқ шубҳалар уйғотганини ҳис этди.

Кечқурунга бориб бу шубҳалар тамомила ҳақиқий тусга кирди, одамга алам қиладиган, ноҳақ бир зарба тусини олди. Самгин стол атрофида ўтириб, Маринанинг иши тўғрисидаги қиссанинг планини тузаётган эди, Дронов келиб қолди, у пальтосини найновгина Фелицатанинг қўлига ташлаб, зудлик билан емакхонага ўтди, у шапкасини ечишни ҳам унутиб, орқасини печнинг кошинларига тираганча хўмрайиб йўтала-йўтала сўради:

— Бу мулк устида йигирма минг сўмлик гаров васиқаси борлигини билармидинг? Билмас эдингми? Ундай бўлса, табриклайман! Шундай васиқа бор.— У шапкасини бошидан олиб, тиззасига кийгизди-да, аччиқланиб, тааж-жуб бўлиб деди:— Уйни гаровга қўйиш қачон Варваранинг эсига келиб қолди экан?

— У енгилтак эди,— деб юборди Самгин ўзи ҳам кутмаган ҳолда бу гапнинг ортиқ даражада аччиқ билан

айтилганини сезиб, Варваранинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлишига ҳақи йўқлиги эсига тушди. Шундан кейин Варвара қолиб Дроновдан аччиқлана бошлади.

«Варвара устида худди бир ўйнаши тўғрисида гапираётгандек гапиради-я».

Дронов эса шапкасини силаб-сийпалаб тўнғиллади:

— Хотинларнинг додини беришга Стратонов ҳўкиз жуда эпчил чиқди.

Самгин кўзойнагини қия қилиб туриб сўради:

— Айтмоқчисанки...

— Айтадиганимни айтдим. Кўряпсанми, энди у қонун чиқарадиган, ватанни севадиган бўлиб қолибди. Энди қўлини қўлтиққа, юбканинг остига эмас, ватаннинг киссасига суқяпти: банклар ташкил этиш билан машғул, Волгадаги пассажир кемачилигини бирлаштирмақда, сув қурилиши комиссиясида қатнашмоқда. Ҳа, касофат... Арбоблик даъвоси бор!

Дронов хонанинг бир бурчига тикилиб гапирарди, унинг гилайнамо кўзлари у ердан бир нима излар, ўзи эса гўё мудраётгандай эди.

— Ҳар ҳолда фойдали муассаса бўлган бу Дума, яъни конституция энг мўътабар граждaнларнинг асл ниятлари ва ишларини жуда яхши ошкор этади. Сен билан менга ўхшаш мўътабар бўлмаганлар эса...

Бирдан у сафсатани тўхтатиб ишбилармонлик билан гапира бошлади: модомики Варваранинг ери билан уйи йигирма минг сўмга гаровга қўйилган бўлса, демак, улар икки баравар ортиқ турар экан. Буни эсда тутиш керак. Ернинг баҳоси тез ошиб борапти.— У иккинчи гаров ва-сиқаси билан боғлиқ мураккаб бир планни шарҳлай бошлади, лекин Самгин унинг гапини диққат билан эшитмаётган эди, чунки у кечаги ширин хаёлларининг нақадар осон ва фожиавий суратда барбод бўлаётгани хусусида ўйлаётган эди. Балки Иван Семидубов билан тил бириктириб фирибгарлик қилаётгандир? Бу гумони унга тасалли бермаётганди, харидорнинг фамилияси эса унга:

Яна «семь»¹ни хотирлатди.

Дронов яна беш минутча ўтирди-да, бирдан хайрлашмасданоқ ғойиб бўлди.

Клим Иванович ўз-ўзига: «Уйни сотиш керак»,— деб

¹ Семь (етти) — бу ўринда Семидубов фамилиясининг биринчи бўғинига ишора қилинмоқда. (Тарж.)

эслатди ва кўзларини юмганча «Мен аччиқ қилмайман» романси оҳангини секингина ҳуштак чалиб ижро этар экан, Варвара билан Стратонов тўғрисида ўйлади:

«Разолат».

Дронов уйни сотиш кетидан бир ойдан ортиқ овора бўлди, бу фурсат ичида Самгин ўзининг ворислик ҳуқуқини расмийлаштириб, уй-жойга эга бўлиб олди, қиссанинг планини тузиб чиқди ва ҳатто ўзига кераксиз буюмларнинг бир қисмини, Варваранинг кийим-бошлари, мебелини сотиб улгурди. Дронов ҳатто ориқлаб кетди. Деярли ҳар куни у чала маст, асабийлашган ҳолда, даргазаб бўлиб Самгиннинг олдига келар, оқ вино ичиб, ажабтовур муттаҳамгарчиликлардан гапириб ўтирарди.

— Фирибгарларнинг ким ўзар ўйини бўляпти. Москвалик фирибгарларнинг бежиз донғи кетган эмас, оғайни. Бу аҳмоқона гаров васиқаси билан Варварани шундай туширдиларки... худо ўзи кўрсатсин уларга! Мен ҳазарчи, ичи қора одам эмасман, лекин шунга қарамай, қўлимдан келсайди, Москва аҳолисининг ярмисини Сибирга, Еқутистонга, Камчаткага, хуллас, гадой топмас хилват жойларга кўчириб юборардим. Итваччалар ўша ерда бир-бирларининг гўштини еяверсин — минг фарёд кўтарганлари билан барибир додлари Европага етиб бормади.

Самгин маст одамнинг бу алжирашини лоқайдгина тинглаётганди ҳисоб. У амин эдики, Иваннинг фирибгарлардан нафратланишидан муддаоСИ ўзининг фирибгарлигига уни кўниктириш эди. Иван қизариб-бўзарган, терлаб-пишган ҳолда унинг қаршисида қаққайиб турганча, тантанавор бир тарзда:

— Бўлди. Ўттиз иккига кўндирдим. Ун икки минг олти юзини нақд беради, ҳар бири уч минглик, икки вексель оласан — ярим йил ҳам бир йиллик муддат билан. Зўрға кўндирдим, — деганида, Самгин жуда таажжубга тушди.

Дронов рўмолча билан терлаган юзини артар экан, ҳарсиллай-ҳарсиллай креслога ўтирди.

— Кун қизиб кетди. Март ойидаки шунақа, кейин нима бўлади. Гаров васиқасини эгасига сотдим. Қирқ минг, ҳатто қирқ ярим мингга пуллаш мумкин эди-ку, аммо васиқанинг копиясини бир кўр, не-не тугунлар тугиб ташланган унда.

У столнинг устига бир қоғоз ташлади, бироқ хурсанд бўлиб кетган Самгин қоғоз қирқадиган пичоқ билан итариб, уни Дроновнинг олдига сурди.

— Кераги йўқ. Хоҳламайман.

Дронов кўзларини қисиб, Самгинга боқди-да, гўлдиреди:

— Ҳимматинг дуруст. Майли, айби йўқ. Хўш, менинг шунча елиб-югурганим учун бирор минг берасанми?

— Икки мингоқ ола қол.

— Биз, шунақа оғайнилармиз!— Дронов кулимсиради.— Менга бир минг ҳам кўп, тентак, шуни ҳам ҳаддим сиққанидан оламан. Демак, пулни олибоқ уйга жўнаймизми? Тоськани соғиндим. Илтимос қил ундан, сенга квартира топиб берсин, у ин қўйишни яхши кўради, аммо ўхшатиб қўймайди.

У икки марта аксириб, ўз-ўзидан сўради:

— Шамоллабманми дейман?

У аксира-аксира шахтидан тушди шекилли, афти башараси дилгирлашди, каттакон бурнини маҳкам-маҳкам артиб, томоқ қирди, сўнгра ўйлай-ўйлай, фикрини тарозига солиб, гапини давом эттирди:

— Семидубов жуда ёрдам берди менга. Энди касалхонага ётди, кўричак. Операцияни кутиб, ётган ерида фалсафа сўқяпти.

Семидубовнинг фалсафаси Самгинни қизиқтирмаса-да, илтифот юзасидан у Семидубовнинг кимлигини сўради.

Дронов башарасидаги нохушликни сидириб ташлаган каби оғзининг таноби қочиб кулимсираган эди, олтин тишлари ярақлаб кетди.

— Ажойиб одам у. Нима деб атайсизлар бунақа одамни. Суд лавозимига номзодмикан? Университетни битирган йилиёқ водопровод трубаларини ўғирлаб сотгани учун судга берилган эди. Театр майдонида трубалар ётган экан, қарасаки, бекор ётибди, орқа-ўнгига қарамай уларни муҳтож бир одамга сотибди. Шунақа қиёмат одам. Ярим йил бўлса керак, қамоқда ётиб чиқди. Қамоқдан бўшагач, карта ўйнайдиган бўлди. Уйинда омади бор, фирром эмас. У билан икки йилча муқаддам танишган эдим, бир минг уч юз сўм ютқаздим унга, бор бисотимнинг ҳаммасини. Хафа бўлдим албатта. У бўлса: «Беш юз сўм бераман, ўйинни давом эттираман»,— деди. «Тўлашга ҳеч вақом йўқ», десам, у дейдики: «Тўлашнинг ҳожати йўқ. Мен ўз гаштим учун ўйнайман. Бўйдоқ одамман, пул ўзи қувиб юради мени, уч кун бундан муқаддам қирқ икки минут фурсат ичида ўн етти минг ютибман». Қарабсанки, пулни олдим. Ютқизганларимни қайтариб олдим, ҳатто

олтмиш беш сўм ортиғи билан. Унга раҳмат айтдим, энди у билан фақат преферанс билан винт ўйнайман, холос.

Дронов мириқиб гапирар, унинг суякдор юзидан табас-сум аримаётганди ҳисоб, шу боисдан Самгин бу табассум энагам неварасининг бесўнақай юзига мулойимлик, ёқим-тойлик бағишляпти, деган фикрга келди.

Дронов бир оз сукутдан сўнгра тиззасидан шапкасини олиб, уни стол устига қўйди, чироқни туртиб, ағдариб юборишига сал қолди, у секингина, ўйчанлик билан: — Биз хилма-хил бир миллатмиз, Клим Иванович, табиатимиз қизиқ,— деб гапини давом эттирди.— Орамиздан антиқа одамлар чиқяпти, яна бунақалар кўп, бошларини қаерга суқишни билишмайди улар. Инқилобга қўшилаётган десалар, у елдай келиб, селдай ўтди-кетди. Сен, яна инқилоб бўлади, дейсан! Хўп, гапингга қўшиламан. Бутун аломатларга қараганда яна бўладиганга ўхшайди. Аммо мужик жуда юрак олдириб қўйган. Инқилоб ташкилотчиларининг бир қисмини қириб юборишди, бир қисмини каторгага гумдон қилишди, уларнинг аксарияти эса ўзлари яширинишди.

У Самгинга бир қараб қўйиб:

— Ҳа, сенга нимасини айтаман, ҳаммасидан ўзинг хабардорсан,— деб гапини тугатди.

Самгин индамай бошини эгди, Иван эса бир оз сукут сақлагач, узр сўраётгандай бўлиб деди.

— Семидубов пок одам эмас, албатта. Бунақалар кимга керак,— буни худонинг ўзи билади. Баъзан ўз-ўзимдан: ишқилиб унга ўхшамайманми, деб сўраб қўяман.

Клим Иванович Самгин ичдан ва ижиргангандай бўлиб бужмайиб қўйди:

«Бу ҳам бир эътироф бўлса керак».

Бироқ Дронов деди:

— Тоська ўзим ҳақимда ёлгон-яшиқсиз ҳаққоний ўйлашга ўргатди мени.

Сўнгра у:

— «Яр»га бора қолайлик,— деб таклиф этди.

Самгин рози бўлмади.

— Ундай бўлса, Бадний театрга борамизми, бугун «Тубанлик» қўйилади. Бунга ҳам тобинг йўқми? Утакетган содда бу асар ҳар қалай менга ёқади. Ундаги барон шама қилади: шунчалик ясаниб-тусансам ҳам ҳеч фойдаси бўлмади. Бўпти, мен кетдим.

У кетаётиб маъқулламагандай бўлиб деди:

— Душманларингга ўчакишиб чекканинг чеккан. Ковдай тутатасан-а.

Клим Иванович Самгин, кўзойнагини тузатиб, гумонсираб ва адоват билан меҳмонга боқди, Дронов ғойиб бўлгач эса уни Лютов билан, Тагильский билан таққослади.

«Ҳали ҳам ўша-ўша. Айниган, икки юзлама, айёр. Виждонсиз. Сир бой беришдан кўрқиб, самимий бўлиб кўринишнинг пайида. Дўстнинг даъвосини қилади-ю, аммо хизматкорликка ярайди, холос».

Шу билан Дронов тўғрисида ўйлашни бас қилиб, Самгин кечаги кунги хаёлларига қайтди. Бу унчалик қийин бўлмади, чунки унинг қаршисида столнинг устида бир варақ қоғоз ётарди, қоғозда майда, аммо равшан қилиб мана шу сўзлар ёзилганди:

«Безбедовнинг Маринага бўлган муносабатини кескинлаштириш, уни унчалик овсар қилиб кўрсатмаслик, унга вульгар инқилобий руҳ бағишлаш. Безбедовнинг ишқий муносабатларини очиб кўрсатиш. Унинг севгани — унга лоқайд айёр бир қиз. Безбедов давлатманд холасининг яккаю ягона вориси бўлгани учунгина қиз унга ишқибоз. Хлистарнинг зикр-самосини кўрсатиш».

Тўладан келган, яланғоч бир хотин унинг кўз олдига келди, шу пайт Самгин хуноб бўлиб ўйладики, бу хотин ҳойнаҳой у билан яқинлашиб олишнинг пайида бўлган. Дроновнинг маъшуқаси ҳам Маринага ўхшаб кетади — у ҳам қадди-қомати келишган, соғломгина. «Ўзим ҳақимда ҳаққоний ўйлашга ўргатди мени». Бунинг маъноси нима? Одам ўзи ҳақида ҳамиша ҳаққоний ўйлайди».

У папирос чекаётиб, яна планни ўқий бошлади ва Безбедовга қарши ҳаддан ортиқ далил-исбот келтиравериш керак эмас, деган фикрга келди, лекин Маринанинг баъзи сирларидан унинг хабардор бўлиши шарт, чунки бу ҳол Марина кун кўришларига моне бўлган одамларни кўрсатиб бера оладиган ягона шоҳид Безбедовнинг ўлдирилишига асос бўла олади.

Клим Иванович Париждан қайтганидан кейин ўзи ҳам пайқаммаган ҳолда Маринани адоват билан хотирлайдиган бўлиб қолди ва бу адоват аста-секин кучайиб бораётган эди.

У кўпинча ўз-ўзидан: «Бу хотин менга нима яхшилик қилди ўзи?» — деб сўрар экан, у ўзим ҳақимдаги тасаввуримга путур етказди, холос, деган фикрга келарди. Бу хотиннинг сирли бир тарзда ўлим топиши уни овоза бўлиб

кетган жиний процессда иштирок этишдан маҳрум қилиб қўйди, бунга Безбедовнинг ўлими сабаб бўлди. Судда гувоҳ сифатида иштирок этиш унинг учун хунук оқибат билан тугаши мумкин эди. Айбловчи унинг ўтмишига ёпишиши мумкин, ахир у ҳибс қилинган, турмада ётган, Москва қўзғолонида қатнашган, буларнинг бари полиция департаментига маълум, албатта. Турган гап, прокурор фурсатдан фойдаланиб сиёсатчи зиёлини жиний ишга тортган бўлур эди,— чунки буни реакция ва сўлларга қарши умумий ғазаб тақозо этарди. Клим Иванович Самгин шуларни ўйларкан, курагининг бир ерида асабий совуқлик туйди ва аччиқ тамакининг одамни элитадиган тутунини очофатлик билан ичига ютди.

Ҳа, бу хотин менинг ҳаётимни алланечук чалкаштириб юборди. Бу ҳам етмагандай, сал бўлмаса, хароб қилаёзди мени. Қани энди Бердниковни дохил этиш мумкин бўлса эди... Ҳа, бу қатл ҳақида қисса ёзилса — аломат иш бўлади. Шундай бир сокинликда, шундай бир шинам, иссиққина хонада, кўз қувонадиган нарсалар орасида ўтириб, жуда нозик дид билан пухта ўйлаб асар ёзиш керак».

Петербургда Самгинни у қадар илтифот билан кутиб олмади, хирагина осмонда оқимтир қуёш наридан-бери нур сочарди, денгиздан эсаётган сарин шамол оҳанжама кўрсатар, дам кучайиб, дам сусаярди, бундан бир кун аввалми ёки шу кечами шаррос ёмғир қуйганди, куз пайтидагидек иссиқ кийинган одамлар нам кўчалар бўйлаб шоша-шоша боришар, кўчадан чириган ёғоч ҳиди тарқалаётганди, азамат ўйлар киши кўзига бирам дилгир кўринарди. «Новое время» газетасининг руҳи об-ҳавога монанд эмас эди, газета бош мақоласи омонат кассаларга қўйилаётган омонатларнинг ортиб бораётганини шод-хуррамлик билан маълум қилаётганди, сўнгра унда ерни тасарруф қилиб олган қишлоқ хонадонларининг сони олти юз мингга етиб қолгани гапирилган эди. Самгин буларни ўқир экан, бармоқлари билан столни чертиб ҳуштак чалди.

«Квартира топишим керак».

Қош қораймасдан у Дроновникига йўл олди, етиб бориб даҳлизда ечинаётиб, ўпкаси сил Юриннинг овозини эшитди:

— Форслар шоҳни, турклар султонни «тахтдан туширишди», Германияда Ҳанслар Иттифоқи, «Қишлоқ соҳиблари иттифоқи»га қарши курашувчи фабрика эгалари иттифоқи тузилди, немис ҳукумати денгиз қурол-яроғлари-

ни камайтириш ҳақидаги Англия таклифини рад этди, буржуазиямиз орасида милитаризмнинг авж олганлиги кўзга ташланмоқда... Бу фактлар бир-бири билан боғлиқ эмас, деб ўйлайсанми? Боғлиқ... боғлиқ бўлганида ҳам очиқ-ошкор боғлиқ...

— Тўхта, кимдир келди. У, Клим Иванович экан!

Климнинг назарида Таисья қувонч-ла қичқиргандай, унинг қўлини маҳкам қисгандай бўлди. Юрин, ҳар вақтдагидек, креслода оёқларини стол остига узатиб, энсасини креслонинг суянчиғига тираб, кўзларини шифтга қадаганча ярим узаниб олганди, Таисья стулда у билан ёнма-ён ўтирарди, унинг қаршисида дафтар, қўлида — қалам. Юрин Самгинга боқмасдан дармонсиз қўлини узатди.

— Зап келдингиз-да, мана энди чойхўрлик қиламиз, қани Москвадан гапиринг. Бўлмаса, Евгений менга таълим беравериб жонимга тегарди.

— Таълим — нур, зиё деган гап,— эслатди Самгин, у қадар чечанлик билан бўлмаса-да.

— Кўп гапириш зарарли унга...

— Менга ҳамма нарса зарарли,— деди Юрин, оёқларини қимирлата туриб, шунда ҳам унинг калта-калта, хириллаб нафас олаётгани ҳар қалай эшитилаётганди.

Хотин ташвишланиб сўради:— Йўл бўлсин?

— Уйнагани.

Таисья унинг ўрнидан қўзғалишига кўмаклашди, Юрин кўр одамдай эҳтиёткорлик билан меҳмонхонага кириб кетди.

— Кўряпсизми, умри саноқли қолган?— деб шивирлади хотин. Самгин индамасдан елкаларини қисди-да: «Сабоқни бўлиб қўйганимдан хурсанд бўлиб кетди у»,— деб фикр юритди.

Дилида узук-юлуқ сўзлар дам пайдо бўлиб, дам ғойиб бўларди:

«Марксизм... Улим...»

Меҳмонхонада фисгармония аллақандай таниш қўшиқнинг оҳангини оҳиста ва ғализ чала бошлади, Тося дафтарни қалам билан куйга ҳамоҳанг қилиб чертар экан, шивирлаб сўради:

— Хўп десангиз, квартира топишга ёрдам бераман, хоҳлайсизми?— дераза орқасидаги деворга офтоб тушиб, девор нарига сурилгандай бўлди.

— Ҳозир бориб келсак ҳам бўларди, шундоқ ёнгинамизда ўзи, аммо...

У қалам билан меҳмонхона тўмонга ишора қилди, у ерда қўшиқ қовушмаётганди, шунинг учун кимнингдир хорали¹ эшитилди.

Самгин жувоннинг юзига ва кўксига тикилар экан: «Ҳа, осонгина қўлга олса бўладиган кўринади. Ҳатто фақш йўлига тушган ҳам»,— деб ўйлади.

— Нимани ўйлаяпсиз?

— Эшитяпман.

— У ҳамиша зерикарли нарсалар чалади.

— Ёшингиз нечада? Бачкана саволим учун узр.

— Нега бачкана дейсиз? Йигирма тўртга кирдим.

Лекин каттароқ кўринсам керак, а?

— Менимча, ундай эмас.

Меҳмонхонада гамгин йўгон овозлар нола қиларди.

— Ҳамма менга ортиқ ёш беради. Шундоқ бўлиши керак ўзи. Ун еттига кирганимдаёқ болам бор эди. Ўзим кўп ишлардим. Боламинг отаси рассом, уни машҳур бўлиб кетган дейишади, аллақерда хорижда яшайди, у вақтларда эса биз чой-нондан бўлак нарса кўрмас эдик. Бу менинг биринчи, фақирона муҳаббатим эди.

Самгин таассуф-ла бошини ирғаб: «Мана, яна бир эътироф»,— деб қўйди.

Фисгармониянинг йўгон овозига ингичка ва майин овозлар қоришиб, аллақандай мудҳиш овозлар янгради, бу садолар емакхонада тутундек таралди, Самгин чекаётган папироснинг тутуни эса ҳаддан ортиқ аччиқ ва хуш-ёқмас эди. Умуман, ҳамма нарса ёқимсиз эди.

— Баъзан қандга ҳам пулимиз бўлмас эди. Лекин у бечора яхши, қувноқ одам эди. Шовқин солма, Степанида Петровна,— Таисья бу гапни патнисда идиш-товоқ келтирган кампирга айтди.

— Петровна менга онам ўрнидаги кампир, ўз фарзандидек севади мени. Жуда ақлли, инқилобчи аёл,— нимаси кулгили бунинг? Шуниси ростки, бойлар, подшолар, князлар, попларни кўргани кўзи йўқ. У ҳам монастирдан чиққан, уни роҳибаликка тайёрлашаётган экан, аммо роҳибаликка қабул этиладиган кун арафасида бошига ишқ савдоси тушиб, монастирдан қувилган экан. Касалхонада беморни боқувчи, япон урушида санитарка бўлган, урушда ёнаётган баракдаги офицерларни қутқариб қолгани

¹ Х о р а л — католик ва протестантларда диний ашулаларни айтиш ҳамда шу шаклдаги музикали пьеса. (Тарж.)

учун медалъ олган. Ёши нечада деб ўйлайсиз — олтмиш берарсиз унга? Атиги қирқ уч ёшда у. Одамларнинг кўрган куни қурсин!

Юрин ўша бир хил аккордларни такрорлар, бу эса садоларнинг ғамгинлигини орттирар, Самгиннинг юрагини эзар, уни толиқтирар эди. Таисья эса ҳадеб унга дашном берарди:

— Адабиётчилар хотинларнинг қисмати ҳақида нега бу қадар кам ва ёмон ёзишади ахир, Клиим Иванович? Ўқишга уялади ҳатто одам: ишқ-муҳаббатдан бўлак гап йўқ...

— Тўхтанг, ишқ-муҳаббат...

— Ҳа, ҳа, биламан, ҳамма буни хотин зоти ҳаётининг маъноси, дейди! Лекин ҳатто сигирлар билан отлар ҳам бундай деб ўйламаса керак. Улар йилига бир марта илиқадилар.

Самгинни асабийлаштираётган нарса унинг қандай гапирётгани эмас, балки унинг ҳақидаги тасаввурини чиппакка чиқараётгани эди, Самгин зерикиб кетди, уни ранжитадиган, яна ҳам жаҳлини чиқарадиган бир гап айтгиси келаётган эди.

— «Оламни муҳаббат билан очлик идора қилади»,— деб эслатди Самгин.

— Йўқ! Ишонмайман, ҳамиша шундай бўлишига,— деди жувон. Самгин хотиннинг йўғон овози дағаллашаётганини, сўррайган башараси қорайиб бораётганини ва кўз қорачиқлари ёқимсиз кенгаяётганини пайқади.

«Аччиқланыпти»,— деган фикрга келди Самгин.

— Мана, кўрарсиз,— деди Таисья,— очлик ҳам бўлмайди, муҳаббат ҳам ҳозиргидек аҳмоқона бир одат эмас, балки ноёб бир бахт бўлади.

Жувоннинг кулгили кароматига жавобан Самгин: — Зерикарли бир келажакни ваъда қиляпсиз,— деди.

— Муҳаббат ойи, ҳар йили — саодат ойи бўлади. Май, бутун инсонларнинг байрами...

— Бу ширин хаёллар еган пирожнийларингизнинг оқибати,— деди кулимсираб Самгин.

Таисья қичқирмоққа шайлангандек қаддини ростлади, лекин Самгин гапини давом эттираверди:

— Бир ўйлаб кўринг: ҳомиладор хотинлар далада қандай ишлайдилар, қандай қилиб ғалла ўрадилар.

Жувон туриб, бошқа стулга ўтиб ўтирди ва юзини самовар панасига яшириб деди:

— Шундай денг. Сиз орзу-хаёл қилишни истамай-сизми? Келгусида яхшироқ яшажагимизга ишонмай-сизми?

Дронов эшикда пайдо бўлиб:—«Ёмонроқ бўлса-да, бошқачароқ бўлади»,— деди.— Бунга шубҳа йўқ, ўша кунларга етамиз. Икки оёғимиз галма-гал — бугун чапи, эртага ўнги оқсай-оқсай охири етиб оламиз!

Таисья:— Худди сичқонга ўхшайсан-а,— деди тикка унинг бетига ва меҳмонхонага кириб кетди.

— Гапларингизни даҳлизда эшитиб турдим... Пальтомнинг чўнтакларини қарасам, қўлқопим билан кастетимни олдирган эдим, кастетни иккинчи марта олдиришим. Шу аҳволда яна қурулганиб кўр. Ҳар икки сафар ҳам кастетни Думада ўғирлашди, кийим ечадиган жойда чўнтакни ковлаб, ортиқча нарсаларни ўмарсалар керак, чамаси.

Юрин чалишни тўхтатиб, йўталарди, Таисья жиддиятла бир нима деди унга, Юрин эса:

— Иссиқ нарса менга зиён,— деб жавоб берди.

Дронов буфетдан шишаларни олиб, стаканларни жанглатар экан, октябристларнинг яқинда ташкил этилган фракцияси ҳақида бир нима деди.

— Уларнинг пешвоси Гололобов, «Посредник» нашр этган, гўё Толстой маъқуллаган ва ўз вақтида шуҳрат топган «Ўғри» ҳикоясининг муаллифи. Гололобовнинг ўзи губернатор муовини бўлишига қарамай, ҳикоячани автобиографик асар дейиш қийин.

Самгин сўнги жумлани ўз мавридида айтилган гап деб билди ва кулимсираб, Иванга кўз қирини ташлар экан:

«Ичи қора ёмон одам»,— деб ўйлади.

Дронов Климининг рўпарасига келиб ўтириб, гапини давом эттирди.— Шунақа, ўнглари уюшишяпти, сўлларнинг орасида эса тушкунлик, айниш. Эсерларни Азеф пароканда қилиб юборди, эсдеклар¹ ичида «Вперёд» тўдаси, Ленин тўдачаси бор, плехановчилар «Эсдек кундалиги»ни, меньшевик-ликвидаторлар эса «Эсдек садоси»ни нашр этмоқда, яна Троцкийнинг Франциядан ташқари тўдаси ҳам бор ҳали. Бу — тарихми ё бошбошдоқликми?

Самгин унинг гапига диққат билан қулоқ солмаётганди, Таисьянинг даҳлиздан эшитилаётган мулойимгина гаплари уни кўпроқ қизиқтираётганди.

¹ Э с д е к — социал-демократлар. (Тарж.)

— Илтимо с қиламан сендан, келма бу ёққа! Сен ётишинг керак. Истасанг, эртагаёқ физгармонияни хонангга олиб кириб бераман.

— Яхши бўларди,— деб гулдиреди Дронов.

Самгин бу хотин ҳақида янглиш фикрда бўлганини тобора равшанроқ ҳис этиб, ўкинчи ортаётган эди.

Таисья стол ёнига ўтириб чой қуяр экан:— Улар ҳолатга келиб қолган,— деди. Унинг қалин қошлари бир чизиққа тортилиб, афти башараси тундлашди.— Нақадар оғир: бир одам ўлай деяпти-ку, сен унга ёрдам беролмайсан.

Дронов винони симириб:— Улай деяпти дейсанми?— деб сўради.

— Ҳазиллашма, Иван.

— Йўқ, жиддий айтяпман! Ахир сенинг... кўнглингни биламан. Қўлимдан келсайди, атайи сен учун бир талай фожиалар, уруш, зилзила, қаҳатчилик, қиргин, тошқин уюштирган бўлардим,— қарабсизки, ўшанда Тося деганлар инсонларга ҳар қанча кўмаклашаверарди!

Таисья хўрсиниб нафас олиб, секингина деди:

— Аҳмоқ.

— Йўқ,— эътироз қилди Дронов.— Аҳмоқларнинг яшаши осон, мен бўлсам азобдаман.

— Очкўзлик қилма, сенга ҳам осон бўлади.

— Маслаҳатлари учун қуллуқ, гарчанд ундан фойдаланмасам ҳам.

Сўнгра у, худди миҳ ботгандай, стулдан дик этиб туриб, жазава билан гапира бошлади:

— Клим Иванович, газета зарур! Улкан де-мо-кратик бир газета. Ҳаётимни тиксам ҳам газета чиқарганим бўлсин. Семидубовга— менга икки мингни тутқаз— номингни бутун оламга ёй, деб қисталанг қиляпман. Нуқул гулдирайди, касофат. Лекин, сезяпманки, иккиланияпти у.

— Мен газетада корректор ёки хизматчи бўлиб ишлаган бўлардим,— деб орзу қилди Тося.

Умуман олганда, бу ерда одам зерикар эди, деразалари тош деворга боққан бу хонада ўзининг бўлишига ҳожат йўқлигидан, Дронов ва унинг хотинининг аҳмоқликларидан хуноб бўлган Самгин ич-этини еяётган эди.

«Нега мен уларга мутеман?»

Орадан беш минутдан кейин у кетишга чоғланди.

— Демак, эртага квартира ахтарадиган бўлдикми?— деди ишонч билан Таисья.

— Ҳа,— жавоб берди Самгин.

Квартира тез орада топила қолди, бу кул ранг хол-хол уч қаватли қизғиш уйнинг иккинчи қаватидаги кичик-кичик уч хонали квартира эди; Самгин, сигирларнинг ранги шунақа бўлади, деб ўйлади. Кираверишдаги катта эшикнинг икки четидаги қора ҳарфлар билан ёзилган мис ва сирланган лавҳачалар бу уйда гаройиб фамилияли одамлар истиқомат қилишлигидан хабар берарди: ҳимоячи Я. Ассикритов, доя Интралигатина, рақслар муаллими Волков-Воловик, рояль созловчи ва мусиқий ёғоч асбобларни таъмирловчи П. Е. Скронний, «Т. П. Фелькинанинг ошпазлик мактаби ва уйга тайёр таомлар тайёрлаш ошхонаси», «Машинкада кўчириш, 3-қават, кв. 6. Д. Ильке», иккинчи қаватдаги бир квартира эшигидаги тўрт бурчакли мис лавҳача эса бу ерда Павел Фёдорович Налим яшашлигини билдирарди.

Самгин бу лавҳаларни ўқир экан: «Демократия»,— деб афти башарасини буриштирди.

Лекин хоналар ёруғ, деразалари кўчага очиладиган, шифти баланд, паркет поллик, ўчоқ бошисида гази бор эди, Самгин ана шу қизғиш уйнинг демократиясига ўзини қўшиб қўйди.

Ҳаш-паш дегунча бир неча ҳафта квартирани жиҳозлаш ташвишлари билан ўтиб кетди. Клим Иванович танҳо ўзи яшайдиган бошпанасини шошилмасдан, минг ёқни ўйлаб, сипогина қилиб жиҳозлади: ҳамма зарур нарсалар бўлиши, лекин ортиқча ҳеч нарса бўлмаслиги керак эди. Петербург рутубатли шаҳар, аммо уйда марказий иситиш системаси бўлганлиги учун янги мебель, ҳойнаҳой, қуриб, кечалари қисирлаб чиқса керак, бундан ташқари янги мебелларнинг кўриниши унга ёқмас эди. Самгин кабинети учун «қора ёғоч»дан ясалган ёзув столи, китоб жавони ва учта оғир кресло танлади,— саксонинчи йилларда бу мебель вилоятлардаги либерал кайфиятли юристлар орасида гоятда машҳур ва манзур бўлиб, турмуш икир-чикирларини жуда яхши билган П. Д. Боборикин ўзининг бир романида уни умидсиз одамлар хушлаган услуб деб атаган эди. Москвадаги уйнинг мебели меҳмонхонага асқатди, кичкинагина қабулхонага юмалоқ стол, олти дона Вена стули қўйди, у Гудов асаридан кимдир перода кўчирган Вольтер расмини, Матэнинг Салтиков-Шчедринни жаҳлдор ҳолда тасвир этган гравюрасини ва Гаварнинг нутқ ирод этаётган француз адвокати тасвирланган гравюрасини девор-

ларга осиб қўйди. Хонани бу тариқа жиҳозлаш унга анчайин оригинал кўриниб, Самгиннинг кўнглини тўлдирди.

У Апраксин растаси ва Александр бозорида мебель ахтарар экан, айти замонда ёрдамчи бўлиб ишлаш учун қулай бир адвокат ҳам излади. Самгин адвокатлик билан машғул бўлиш ниятида эмас эди-ку, аммо ҳар қалай ўз кemasининг пойтахт ҳаёти денгизида хийла тажрибали сузувчи изидан боришини истарди. У Иван Дроновга граждан ишларини кўришда катта тажрибаси бўлган, лекин у қадар номи чиқмаган ва бирор партияга мансуб бўлмаган адвокатни топишни тайинлади.

— Тушундим! — деди Дронов унинг кўнглидагини пайқаб.— Либераллар ва бошқа юраксиз фирибгарлар билан оғиз-бурун ўпишиб юришни истамайсан. Шундай. Бир суғур топамиз. Буни топса бўлади.

Иван Дронов пилдироқ каби айланарди. Самгин, бу одамни савалаётган қамчи,— мўмай пул ишлаш учун катта-катта ишларни кўриш иштиёқи, деб ўйлашга одатланган эди. Лекин энагасининг неварасига тобора кўпроқ разм солар экан, Дроновнинг ҳар қачон ва одамларга бўлган бутун муносабатларида ғайри самимий бачкана бир одам эканлиги ҳақидаги шубҳаси тобора ортиб борарди. Дронов ўзининг очкўзлигини яширмасди, чунки бу очкўзлик замирида бошқа, балки яна ҳам ёмонроқ бир иллат яшириниб ётарди. Марина уйғотган шубҳалар Самгиннинг ёдига тушди, Евно Азеф ёдига тушди. Самгин бу шубҳаларни ўзидан узоқлаштирар ва айти вақтда беихтиёр равишда бу шубҳаларни тасдиқламоқчи бўларди.

Ҳаётни янгидан қуриш. Чалкашликларга барҳам бериш йўлидаги умумий интилиш, ҳуқуқий қонуният учун, бири бири билан боғлиқ кучларнинг эркин ривожланиши учун шароит яратиш. Кўп кишилар учун воқелик ҳаёлотдан кўра ҳам йўлдан урадиган бир нарса бўлиб қолди. Таисья Дроновни хаёлпараст дерди. У хаёлпараст эди, аммо энди амалиётчига айланганди. У билан бу қадар тез-тез кўришиш лозим эмас. Лекин Дронов унга деярли зарур одам эди. У Давлат думасининг «кулуарларида», фракциялар ичида, министрликларда, газета редакцияларида бўлаётган ҳамма гаплардан хабардор подшо оиласи ҳаётига доир латифанамо кўплаб аҳмоқона гапларни билар, кундалик сиёсий адабиётни ўқиб боришга вақт топар эди. У бетга-чопарлик қилиб Самгиндан сўрарди:

— Мартов билан Потресовнинг «Ижтимоий ҳара-

кат»ини ўқидингми? Уқимадингми? Иккинчи томнинг биринчи қисми босилиб чиқди. Сен бир қараб кўр, кулгинг қистайди!

Самгин Москвада яшаган вақтларини, ўзининг ҳам ҳар нарсадан хабардор ва кароматчи бўлган кезларини хотирлади, бу мавқеининг бой берилгани, осонликча, йўл-йўлаккай бой берилгани ва буни эгаллаган киши қадрига етмаётганини ҳис этиш унга оғир эди. Дроновнинг ҳамиша шошиб-шошиб ва ҳатто назарга илмай қилган эътирозларини тинглаш ниҳоятда малол келар эди унга.

Бир куни умуман зиддиятларга тоқат қилолмайдиган Ногайцев новча, семинарияда ҳадис кўрган ер ўлчовчи Хотяинцев билан Столипиннинг ер ислоҳоти хусусида баҳслашарди. Қизариб-бўзариб, терлаб кетган Ногайцев қичқирарди:

— Ўлгудай хато фикр юритяпсиз! Мужик ё бойиб кетади, ёки «на қабиласи, на уруғи қолмаган аварлар¹ каби» қирилиб кетади,

Хотяинцев йирик ва эгри-бугри тишларини тиржайтириб, бақувват, аммо ёқимсиз йўғон овоз билан таклиф этди:

— Қишлоққа боринг, молимардумхўрлар ўлжани қандай хомталаш қилаётганларини кўриб келасиз.

Самгин Тося унга савол назари билан боқиб турганини пайқаб, жиддият билан гапирди:

— Шунга қарамай, беш юз етмиш тўққиз минг янги ер мулкдорлари вужудга келдики, булар энг яхши ер эгаларидир, албатта.

— Шундай!— унинг сўзини қувватлади Ногайцев.— Утган йилги зўр ҳосил учун биз ўшалардан миннатдор бўлишимиз керак.

Шу топда Дронов ён дафтарчасини варақлар экан, гапга аралашди, у ҳеч кимга қарамасдан, шанғиллаб деди:

— Бемаъни сафсата сотяпсан, пан. Бу йил Столипин помешчикларининг сони камайиб, уч юз қирқ икки мингтага келиб қолди! Шунинг учун камайдики, бақувват мужиклар ночор мужикларнинг ерини сотиб олиши оқибатида ҳақиқатан йирик помешчиклар пайдо бўлмоқда, бу бир!

¹ Аварлар — (рус солномаларида обры) — турк қабиласи. (Тарж.)

Иккинчидан эса: камбағаллар отруб¹ эгаларига қарши бош кўтара бошладилар, хуторларга ўт қўймоқдалар! Буни билиб қўйиш керак, азиэлар. Беҳуда бақирришяпсизлар. Ундан кўра ичинглар! Оллоҳ таоло бизга ҳар кунни ҳам хушбўй шароб марҳамат этавермайди.

Иваннинг ўткир овозида Самгин очиқдан-очиқ қаҳру ғазаб, кин борлигини ҳис этди. Бу ғазабнинг кимга қаратилганини тушунолмаётган ташвишда эди Клим Самгин. Лекин ҳар қалай Дронов уни ўзига жалб этаётганди. Хилма-хил жумлалар, мишмишлар, латифаларнинг тинимсиз уммонида у ўзининг фикрлар ташкилотчиси ўрнини, кароматчилик ва башоратчилик рутбасини эгаллашни истар эди. Ёшлигида бу ролни жуда яхши ижро қилиб келгандек бўлиб туюлар эди ва шундай ролни бажаришга яратилганман, деб ишонар эди у ҳамиша. Самгин бундай ўйлар эди:

«Мушоҳадага муккадан кетиб, фаолиятни бўшаштириб юбордим. Тарихнинг ижодкори бўлган инсоннинг асосий фаолиятини, умуман ва аслида, нимага йўйса бўлади? Ўзини тасдиқлашга, ўзи яратган ғояларни ҳимоя қилишга, фактларнинг маъносини эркин талқин қилишга».

Самгин сўнги жумлани фикран такрор этиб, уни ўзининг «Ҳикматли гаплари ва ахлоқий қоидалари»ни тўплаётган дафтарига ёзиб қўймоқчи бўлди.

Уни Дроновнинг квартирасига чорлаган кимса Тося эди. Бир неча ҳафта ичида у Тосяни диққат билан кузатар экан, шундай фикрга келдики, бу хотинда хуш ёқмайдиган бирдан-бир нарса унинг Маринага ўхшашлигидир, балки фақат сиртқи ўхшашликдир,— бу ҳам у каби новча, соғлом, келишган. Тося ақлли эмас, тепса-тебранмас. Аҳмоқлиги вазидан кўнгли очиқ, ҳатто одобсизлик даражасига бориб етгудай. Агар ундан ҳеч нарса ҳақида сўрамасанг, соатларча лом-мим демай ўтира олади, лекин гапга тушса, бажону дил ва баъзан кулгили даражада соддадиллик билан очилиб кетади. Ўзи ҳақида, бошқа одам тўғрисида гапиргандай, ҳеч нарсани яширмай тўкиб солади. Умуман, одамлар ҳақида шукуҳсиз, кўзларида энгилгина табассум билан гапиради, лекин бу табассум унинг чеҳрасига мулойимлик бағишламайди. Клим Иванович Самгин, бу кимсанинг кулбамда бўлиши ортиқчалик қилмас ва нур устига аъло нур бўлур эди, деб ўйлай бошлади.

¹ О т р у б — қулоқ хўжаликларини кўпайтириш мақсадида Россия подшо маъмурлари томонидан жамоага қарашли ерларни кесиб, ўзига тўқ деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилган ер. (Тарж.)

Жувон унинг қизиқишини тобора орттираётганди:
«Ажабтовур одам. Тентак бўлса-да, айёрроқ кўри-
нади».

Таисьяга бўлган майлининг кучайиб кетиши ҳеч гап эмаслигини ҳис этиб, Самгин бу хотинга нисбатан истеҳзоли, ярим адоватли муносабатда бўлишга ўзини мажбур этаётганди.

Бир куни кечқурун алламаҳалда у Дроновникига келиб, қўнғироқни жиринглатди. Эшик ҳар вақтдагидек тезда очила қолмади, занжир туширилмаганлиги сабабли эшик ланг очилмади, тирқишдан Таисьянинг зардали саволи эшитилди:

— Ким у?

Даҳлизда суяги қўпол, зоҳид башара, қора соқолли бир киши пальтосини кияётганди, пальтоси торроқ эди. У букчаяр, эгилар, ҳиқиллар, секингина сўкиниб қўярди.

— Келинг, ёрдамлашиб юборай,— таклиф қилди Таисья.

— Раҳмат. Кийдим,— жавоб берди меҳмон.— Э, дардисар... Хайр. У шляпасини бошига шундай қўндирдики, гўё Самгин унинг башарасини кўрмай қўя қолишини истарди.

— Бу одамни танийман,— деди Самгин.

— Шунақами?— сўради Таисья.

— Фамилияси — Поярков-да.

Таисья бир оз индамай тургач, сўради:

— Хорижда танишганмисизлар?

— Москвада. Бунга кўп бўлган.

Таисья индамай бош ирғаб қўйди.

— Иван танишми у билан?

— Йўқ,— деди жиддий билан Таисья, унинг башарасига боқиб туриб.— Мен ҳам билмайман — унинг кимлигини. Уни Женя юборибди. Женьканинг аҳволи ёмон. Лекин бу ерда Пожарский деган бир одамни кўрганингизни Иван ҳам билмаслиги керак, хўпми?

— Поярковни денг.

— Иван билмаслиги керак, тушунапсизми?

Самгин индамай бошини ирғар экан, ўйлади:

«Яширинча келган бўлса керак. Бу ерда, Петербургда нима ҳам қила олади? Умуман, Россияда?»

Самгиннинг аёллар билан одатдагича оддий муносабатда бўлиши шундай бир ҳолга сабаб бўлди: у Тося билан магазиндан идиш-товоқ харид қилиб қайтишган эди; кун

Йссиқ эди, Тося диванга ёнбошлаганча кўзларини юмиб, блузкасининг юқориги тугмаларини ечди. Клим Иванович унинг ёнига келиб ўтириб, қўлини блузка ичига суққан эди, Тося:

— Нима қизиқтиряпти ўзи сизни?— деб сўради.

Тося шу қадар хотиржамлик билан ва кулгили бир тарзда сўрадики, Самгин беихтиёр қўлини тортиб, сал кулиб қўйди,— У аҳён-аҳёнда куларди,— кулди-да, деди:

— Менимча, сизда комик истеъдод бор.

— Бор бўлса ҳам, лекин у ерда эмас,— жавоб берди Таисья.

Самгин ўрнидан туриб, ундан узоқлашди-да, сўради:

— Саҳнада ўйнаб кўрмаганмисиз?

— Таклиф этишганди. Эрим декорация ишларди, артистлар гала-гала бўлиб бизникига келиб туришарди, мен ҳам доимо театрда, саҳна орқасида бўлардим. Актёрларга тобим йўқ, ҳаммаси ўзини қаҳрамон деб билади. Соф пайтида ҳам, маст пайтида ҳам. Менимча, ҳатто болалар ҳам ўзларининг қанақалигини бу касб-кордаги одамлардан тўғрироқ кўришади, ҳолбуки ўзи ҳақида ҳеч ким болаларчалик яхшироқ хаёл суролмайди.

Самгин гапга қулоқ солиб, ўйлаб, сўнгра деди:

— Сиз қайноқ, ҳирси зўр хотин бўлсангиз керак.

— Аллазамон совитиб қўйишган. Бир кишини севардим, энди эса учинчи киши билан яшаяпман. Сиз — «оламини муҳаббат билан очлик идора қилади», дедингиз, йўқ, аслида очлик муҳаббатни ҳам идора қилади, ҳар қанақа романлар бор, тиланчилар ҳақида эса роман ёзилмаган...

— Жуда ўринли гап,— эътироф қилди Самгин.

У суюқлик қилганидан кейин ҳам Тосянинг унга бўлган муносабати ўзгармаганини кўрди: Тося бояги-боягича осойишталик билан, ҳовлиқмасдан унинг квартирасини жиҳозлашнинг қайғусида эди.

Клим Иванович Самгин Таисьянинг унга бу қадар ғамхўрлик билан муносабатда бўлаётгани Дронов туфайли эканлигини тушунар ва унинг меҳрибонлигини тамомила табиий бир ҳол деб ҳисобларди.

У Иваннинг Таисья ҳақидаги «Ин қуришни яхши кўради»,— деган гапини хотирлади.

Таисья Самгинга хизматкор топди, бу бақалоққина, чўтир, кўзи ўткир, жуда чаққон ва озода, лекин ёшига ярашмайдиган даражада ҳаддан ташқари қувноқ бир аёл эди: чаккаларидаги сочлари оқариб кетган эди.

Кузда Клим Иванович шамоллаб қолди: иссиғи ошди, боши оғриди, йўтал жонига тегди, зерикиб юраги сиқила бошлади, зерикканидан бир куни сўради:

— Ёшингиз нечада, Агафья?

— Ёшим у қадар катта эмас: ўттиз тўртда,— бажону дил жавоб берди у.

— Сочингиз эрта оқара бошлабди.

Хотин кулимсиради ва тилининг учи билан лабларини ялади-ю, ҳеч нарса демади, чамаси, яна аллақандай саволарни кутаётган эди у.

— Дроновни кўп вақтдан бери танийсизми?

— Кўпдан танийман, етти-саккиз йилча бўлди, у вақтда Таисья Романовна рассом билан яшарди. Бир уйда турардик. Улар — чердакда, мен эса дадам билан ертўлада яшардик.

У қўлларини сийнаси устида чалиштирганча елкасини эшик кесақисига тираб, кўзларини катта очиб хўжайинни бошдан-оёқ назардан кечирарди.

Самгин диванга чўзилганди, у Агафьядан Таисья ҳақида муфассал сўраб-суриштиргиси келса-да, буни жуда эҳтиёткорлик билан қилиш кераклигини тушуниб, аввал Агафьянинг ўз ҳаёти тўғрисида сўраб-суриштира бошлади. Агафья дадасининг пивохоноси бўлганини айтиб, бирдан ўчоқ бошида бир нима қилиши кераклиги эсига тушиб қолиб, тезда чиқиб кетди, Самгин эса унинг шошиб қолганидан шубҳага тушди.

У биринчи учрашувнинг ўзидаёқ Таисьяга миннатдорчилик билдирди:

— Менга ажойиб хизматкор топиб берибсиз.

— Ганька — жуда яхши аёл,— деб тасдиқлади Таисья.

Самгиннинг — ким ўзи у? — деган саволига жавобан Таисья шавқ билан ҳикоя қила бошлади: Агафьянинг дадаси ҳарбий флотда матрос, «кўнгилли» боцман бўлган, сўнгра пивохоно очган ва контрабанда билан шуғуллана бошлаган. Сигаралар билан савдо қилган. У ўзини шундай тутганки, матрослар уни эсер деб билишар экан. Биров уни чақибди, жандармлар тинтув ўтказиб, уйдан сигара топишибди, кейин маълум бўлишича, банкда минг-минглаб пули бор экан. Қарияни қамашибди.

Самгин кўрардики, Таисья тобора хушвақтлик ва мамуният билан сўзларди, одатда одамлар таниш-билишларининг нуқсонлари ва аҳмоқона ишлари тўғрисида шу зайлда гапиришади.

— Дадасини эслайман: семиз, буйни йўқдек, боши елкасидан ўсиб чиққандек, юзи сўйилган тарвуз сингари қип-қизил, худди татуировка қилингандек хол-хол қора доғ босган киши эди, бир нима портлаб кетиб, юзи, қошлари куйган экан. Мўйловдор, тишлари қўпол, кўзлари мушукникига ўхшаш, қўллари маймунники сингари узун-узун, қорни азбаройи катталигидан қўлларини қўйгани жой топмасди. У қўлларини ҳамиша орқасида қовуштириб турарди. Юзсиз, қўпол киши эди ўзи... Агафья дадаси билан яшамасди, дадаси уни бош қоровулга, қариб қолган бир кишига узатганди, эри уни баъзан қайнатасининг пивоходнасида пиво сотишга мажбур этарди, Агафья жуда бебахт кун кўрарди, мен бўлсам оч эдим, у эрим билан менинг ҳолимизга ачиниб, уни-бунини иланиб турарди, раҳмдилгина эди! У тез-тез ёнимизга, чердакка келиб турар эди. Бизникида ҳамиша гангир-гунгир, ёш рассомлар, студентлар, Женя Юрин тўпланишарди. Баъзан Агафья билан гап сотиб ўтириб тонг оттирардик: нега ҳамма нарса бунақа расво? — деб бош қотирардик. Унча-мунча нарсага ақлимиз етиб қолганди.

— Контрабанда учун Ганькани ҳам қари эри билан бирга қамашганида Женя мендан ўзимни Ганьканинг холаваччаси деб танитиб, у билан кўришиб туришимни ва сиёсий иш билан ётган аёлларга у орқали хат етказиб туришни илтимос қилди. Биз бу ишни жуда дўндирдик, бир маротаба ҳам қўлга тушмадик. Бир неча ойдан кейин уни озод қилишди, дадаси эса қамоқда вафот этди. Қоровулни кесиб юборишди. Қамоқдан чиққач, Ганька мустақил билим олувчилар тўгарагига кирди, тўгаракда бир матрос билан топишди, икки йилчамикан, у билан яшади, бир ўғил кўрди. Бешинчи йилнинг охирида эри отилди... Ҳарбий хизматга кетмасидан аввал у циркда акробат экан, абжир, чаққон, ўктам йигит экан. Жуда саводли бўлган дейишади. Чуғурчиқдек қувноқ, рақсга уста экан. Унинг ўлиmidан кейин Ганька касалга чалиниб қолди, уни Муқаддас Николай касалхонасида даволашди, бу жиннихона эди.

Самгин бу ҳикояни индамасдан эшитса-да, дилида норози эди: бунақа воқеалардан қутулиб бўлсан! Таисья гапини тугатгач эса, у ноилождан қулимсираб, деди:

— Бундан чиқадики, менга бир нав сиёсий ходим, яна бу етмагандек, жинни хизмат қилар экан-да?

Таисья қошларини чимириб, хўмрайганча эътироз билдирди:

— Беҳуда кулимсираяпсиз. У ҳеч қандай ходим эмас, камбағал табақадан чиққан бутун виждонли кишилар қатори оддий инқилобчи. Камбағал синфдан чиққан,— деб илова қилди у.— Жинни ҳам эмас, балки... агар сизнинг ҳам севган кишингизни ўлдиришса, сиз ҳам шу ҳолга тушар эдингиз.

Таисья Самгиннинг индамай қолганини кўриб, унга тасалли бераётгандай бўлиб деди:

— Қайтага хизматингиздаги одам сизни кузатмайди ҳам, полицияга гап ташиб бормайди ҳам.

— Бунинг аҳамияти катта, албатта. Контрабанда билан шуғулланиб кўраман ёки пул зарб қиламан,— ҳазиллашди Клим Иванович Самгин. Таисья, қошларини кериб, унга боқди.

— Менинг жаҳлимни чиқармоқчимисиз? Қийин иш бу.

— Йўқ,— деди шоша-пиша Самгин,— йўқ, бундай қилмоқчи эмасман. Шунинг учун ҳазиллашдимки, қайғули ҳодисалар ҳақида... қайғурмасдан гапирдингиз. Ҳибс, қамоқ, отиш...

Хотин яна аллақандай сўзларни кутиб, савол назари билан унга қараб қўйди-да, кутганича бўлмагач, изоҳ берди:

— Нега қайғуришим керак? Ганьканинг дадасини қамаб, ўғирликда айблаб кесиб юборишди, Ганька дадаси билан эрининг ишларидан тамомила хабарсиз эди, қамоқ унга фойда берди, иккинчи эрини ўғирлик учун эмас, балки инқилобий ишда қатнашгани учун отиб ўлдиришди.

У рўмолча билан юзини елпиётиб, илова қилди:

— Бунақа воқеалардан кўпини биламан, уларни эсга олишни яхши кўраман. Улар бошқача ҳаётга онд воқеалар.

У, бошқача ҳаёт, деганида нимани назарда тутаётганини Самгин фаҳмлади.

— Инқилобнинг тугамаганига сиз ишонасизми?— сўради Самгин; Таисья бармоғи билан пўписи қилар экан, деди:

— Мени тентак деб ўйлаяпсизми? Ахир биламан-ку, сизнинг меньшевик эмаслигингизни. Иван каловланмоқда, майда буржуазиянинг ишчилар синфи билан иттифоқ бўлишини орзу қиляпти. Лекин борди-ю, эртага эсерлар яна террор бошлаб қолсалар борми, Иван ўзини террорчи деб тасаввур қилавереди.

Таисья кулимсиради.

— Сизга айтган эдим-ку, у мудом қўлидан келмайдиган ишга уринади деб. У — умуман... Охирги китобда нима ёзилган бўлса, дилининг тўрида шу нарса бўлади унинг.

«У осонликча бошқа квартирага кўчиб ўтиши мумкин,— ўйлади Самгин ва уни ўз ёнига олиб ўтиш фикридан қайтди.— Большевик аёл. Чамаси, партияли эмас-ку, партияга хайрихоҳлардан. Иван буни тушунармикан?»

Унинг бу кашфиёти, ўзига ҳам хуш келмаётган кашфиёти унинг ҳаётида Маринанинг ўрнини босиши лозим бўлган бу аёлга бўлган қизиқишини янада орттираётган эди.

Ҳар вақтдагидек, бу оқшом ҳам хилма-хил одамлар жам бўлишди ва ҳар вақтдагидек баҳслашиб тортиша бошлашди. Орехова Короленконинг «Маиший ҳодиса» асари тўғрисида завқ-шавқ билан гапира бошлади, Хотяинцев эса кўзларини кўзойнагининг кул ранг ойналари орқасига яшириб:

— Уч йил ундан садо чиқмади...— деб гап қистирди.

Орехова тутақиб қўлларини силкитди:

— Короленконинг самимиятига сизнинг шубҳаланишига ҳақингиз йўқ! Ҳақингиз йўқ.

— Тўғри, мен шубҳаланмайман, лекин у индамай туролмаслигини кечикиброқ тушунди. Айтмоқчи, Лев Толстой ҳам узоқ жим туролмади,— у овози борича бўкирди.

— Короленко Толстойга тақлид қилади, дейиш умуман нотўғри,— у ҳеч қачон тақлид қилмаган!

— Мен тақлид қилган, деяётганим йўқ.

— Демасангиз ҳам шама қиялпсиз! Вой-бў, нега мунча жаҳлингиз чиқмаса! Короленко инсонларни ҳимоя қилишда Толстойингиздан қолишмайди, ўша... оламни чалкаш тушунган художўйдан. Бўлмағур «Крейсер сонатаси»нинг муаллифидан.

Шод-хуррам Ногайцев келгунга қадар баҳс-тортишувлар узоқ давом этди. Ногайцев келган заҳоти жар солди:

— Жаноблар! Менда ҳайратомиз қизиқарли ҳужжатнинг бир нусхаси бор: Москва шаҳар ҳокими Рейнботнинг генерал Богдановичга мактуби.

Ҳамма жим бўлгач, у ўқиди:

— «Бизда, Москвада сув қуйгандек жимлик, осойишталик. Дума сайловларига ҳеч қандай қизиқиш йўқдай. Кадетлар ҳатто сайлов олди йиғилишлари ўтказишяпти.

Бир йиғилиш ўтказиб кўришган эди,— раис юқори рут-бали полиция ходими шаънига таҳқиромиз гаплар айтишга журъат этгани учун у йиғилишни тақиқлаб қўйди, мен бўлсам, бошқаларга ибрат бўлсин учун нотиқни уч ой муддат билан қамаб қўйдим. Инқилобчилар яқинда съездага тўпланишди, улар ҳам съездда Москвада ишлар чатоқ эканини эътироф этишди, аммо, афсуски, Петербургда ишлар яхши, Чернигов, Харьков ва Киев губернияларида жуда яхши, қолган ерларда ўртача, деб ҳисоблашади. Эндиликда менга асосан оддий сиёсий безорилик билан кураш олиб боришга тўғри келмоқда — инқилобий жабҳада ҳамма нарса шунақа майдалашиб кетди. Университетда дарслар бормоқда, йиғинларга одам кам келмоқда: биринчи кун 2500 га яқин (9 мингдан), иккинчи кун — 700, учинчи кун — 150, кеча, тайин қилинган уч йиғинга эса, 100 га яқин одам келди».

— Мақтанаётган кўринади,— деди ингичка бурунли, сриққина Говорков, лекин бирдан дик этиб туриб, севинч-ла қичқирди:— Тўхтанглар! Бу мактубни мен ўқиганман. У 907-йилга оид хат. Ҳа, албатта-да. У ўтган йилиёқ қўлдан-қўлга ўтиб юрган, ўқилган...

Мактуб уетида мубоҳаса бошланди, папирос тутуни билан сўзлар қоришиб, қуюқлашиб кетди. Стол устида самовар қайнаб турар, унинг қопқоғи остидан кул ранг буғ отилиб чиқиб, иссиқ чанг каби атрофга тараларди. Чойни курс толибаси Роза Грейман қуяётган эди, у кўзлари чуқур ва йирик, лаблари бўялган каби қип-қизил, ўзи қорамағиздан келган қиз эди.

Говорков бетига осилиб тушган қора соч тутамларини бармоқлари билан орқага тараб, такаббуруна сариқ башарасини юқори кўтарганча:

— Фактларга мурожаат қилайлик!— деб таклиф қилди.

Фактларга мурожаат қилиб, Говорков ҳақли экан, деган фикрга келишди, Хотяинцев эса, ҳаммага тасалли бергандек бўлиб, мамлакатнинг осойишталиги ҳақида фикр юритиш учун хийла мўътабар фактлар мавжудлигини маълум қилди: қамоқхоналарни таъминлаш учун ажратиладиган маблағ йиғирма тўққиз миллионгача кўпайтирилган, ҳукуматнинг яширин харажатлари учун кредитлар ҳам ортган.

— Кўряпсизларки, фақат ўтмишда Рейнботлар эмас, балки ҳозирда Столипин ҳам бизнинг тинчлигимизни

ўйламоқда. Ашаддий реакционер Кассонинг халқ маорифи министри қилиб тайинланиши...

Лекин унинг гапига қулоқ солишмаётганди. Ялтилаган юмшоқ юзли, қалин, оч малла соқолли, овози ёқимтой, ҳарбий хизматчига ўхшаш, сюртук кийган бир киши худди атайдан қилаётгандек ғалати бир тарзда дудуқлана-дудуқлана Ногайцевга таъна қиларди:

— Сиз б-б-бутун б-бу сохта ҳужжатлар билан д-д-даҳшатли қоғозларни қ-қаердан т-топяпсиз, кимни кўр-қитмоқчисиз ва нима учун?

— Фёдор Васильевич, мен ҳеч қанақа сохта ҳужжатлар... Ҳеч кимни...

— Й-йўқ, мақсадингизни билиб турибман, сиз фақат мени кўрқитмоқчисиз.

— Менми? Е парвардигор! Кулгили гап-ку бу.

Қизариб-бўзариб кетган Орехова, оқ рўмолини ҳавода ҳилпиратар экан, Келлер билан Хотяинцевга жон-жақди билан уқтирар эди:

— Томаш Масарикни, унинг «Марксизмнинг фалсафий ва ижтимоий асослари» асарини ўқинг.

— Милюковнинг «Очерклар»ини ўқидим, ҳеч нарса бўлмади! Ҳатто Ле-Бонни ҳам ўқиб чиқдим, — дўриллади Келлер.

Орехова сўзида қаттиқ туриб: — Марксизм — социализм эмас, — деди, у худди оёғи остида пол қимирлаётгандек тебранарди.

Фёдор Васильевич мулойимгина кулимсираб, тирноқлари садафдек ялтираб турган нозик бармоқлари билан мўйловини силар экан: — Йўқ, — деди қайсарлик қилиб, лекин шошилмасдан. — Йўқ, сиз ҳаётни бадном этмоқчисиз, бемаъни нарсаларни ўйлаб топиб, унга гард юқтирмоқчисиз. Аксинча, ҳаётни севиш керак, отагинам, талабчан, аммо ақлли устозни севгандек севиш керак, ҳа, ҳа! Ахир у нимаики қилса яхши ниятда қилади.

— Бўлмаган гап, — деб қичқирди Орехова унга, — Фёдор Васильевич эса мулойим, аммо бир оз ёшли кўзларини қисганча унга боқди-да, секингина деди:

— Эҳ, бу меҳрибон аёл... «Бўлмаган гап» эмиш — қаёқдаги аҳмоқона сўзлар! Ҳамма нарса бир нарсага ўхшайди.

Сўнгра у яна овозини баландлатиб, гапини давом эттирди:

— Сиз, отагинам, ғояга путур етказиб, фактларга жу-

да осонликча қул бўлиб қоляпсиз. Бироқ шуни билиб қўйингки, у ёки бу ғояни қабул қилиш-қилмаслик масаласи амалий фаолиятни асосламоқ учун бу ғоянинг яроқли ёки яроқсизлик даражаси билан эмас, балки соф назарий мулоҳазалар билан белгиланади.

Орехова Келлер ва Хотяинцев билан яна мубоҳасага киришиб, уларни ишонтира бошлади:

— Маркс ирқий фикрлар таъсиридан, азоб-уқубат чекишга маҳкум этилган халқнинг фикрларидан холи эмас. У — бадбин ва қасоскордир. Лекин мен инкор этмайман: унинг интиқом олиш ҳуқуқи Европа мардумига нисбатан ҳаддан зиёд асосланган.

— Тўғри фикр.

— Тамомила қўшиламан,— деди чиройли киши. Унинг малоҳатли овози тобора дадилроқ эшитилар, маъносиз кўзларида енгил бир табассум жилваланар ва ваҳимали қалин мўйлови узайиб, яна ҳам қалинлашаётгандек кўринарди.

Клим Иванович Самгин: «Толеи баланд одам кўринади»,— деб дилидан ўтказди.

Тося шовқин-суронни тўсиш ёки уни одамлар қичқира-қичқира баҳслашаётган қўшни хонага эшиттирмаслик учун эшик олдида папирос тишлаганча хўмрайиб ҳайкалдек турар ва папирос тутунини юзидан қувар экан, чиройли кишининг салмоқланиб, ишонч билан айтаётган гапларига қулоқ соларди.

Клим Иванович Самгин чой ичиб ўтириб ҳозирги адабиёт хусусида Роза Грейман билан ноилож суҳбатлашар, мубоҳаса этаётганларнинг қичқариқларига қулоқ солар экан, уларнинг бир-бирларига қаттиқ тегаётганларини кўриб, ўйлаб кетди:

«Ахир уларни бирлаштириб турган нарса нима ўзи?»

Дронов қўлтиғида, қўлида қоғозга ўралган ва пакетга жойланган нарсалар билан кириб келди; у меҳмонларга орқасини ўгирганча харидларини буфетга жойлар экан, тажанглик билан деди:

— Лев Толстой уйдан ғойиб бўлибди. Ахтаришяпти, ҳеч қаердан топилмаяпти.

Бу хабар ҳаммани жуда қизиқтирди, ҳаммани яраштириб қўйди, Орехова эса ҳатто кўзига ёш олиб:

— Ахир жонидан тўйдиришди-да!— деди.

Дроновдан воқеанинг тафсилотини сўрай бошлашди, ammo у қисқагина жавоб берди:

— Менинг билганим шу...

Дронов Самгиннинг ёнига ўтириб олиб, илтимос қилди:

— Вино бер, Роза! Оқ вино.

Сўнгра у чуқур нафас олди.

— Ким ўзи у чиройли киши?

— Шемякин, э, худо олсин уни... Кейин гапириб берман.

У шишанинг пробкасини чиқармоқчи бўлган Грейманнинг кучаниб ҳаракат қилаётганига боқар экан, гўлдираб гапирди:

— Озеровнинг махфий докладини эшитдим. Дума аъзолари, муҳаррирлар, Суворин ота ва бошқа муқаддас зотлар келишганди. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ саноат агаларининг кайфияти чоғ эди. Ҳолбуки буғдой хорижга 91 тийиндан сотилмоқда, саккизинчи йилда эса бир сўм йигирма тийиндан сотилган эди.— У чўнтагидан ён дафтарини чиқарди-да, ўқиди:— «Металлургияда 439 миллион сўмдан иборат умумий маблағнинг 386 миллион сўми банкларнинг капиталидир, тошкўмир қазиб чиқаришда эса 199 дан 149 миллиони банкларникидир». Қандоқ тушунса бўлади буни?

— Мен иқтисодчи эмасман,— деб жавоб берди Самгин ва ҳозир Иван Тагильскийнинг Прейсникида бўлган вақтини эслатмоқда, деб ўйлади.

Дронов дафтарчасини чўнтагига солиб, вино ичди-да, чалкаш-чулкаш гапларга қулоқ солди.

— Адибларнинг энг буюги у,— жазава билан қичқирди Ногайцев.— Энг буюги! Йўқ, Фёдор Васильевич, сўзимдан қайтмайман!

— Исбот қилинг... Тушунтириб беринг менга, унда қандай ғоя — куч бор эди-ку, бу ғоя ҳаётда қандай ўзгаришлар ясади? Сиз Гўйонинг таълимоти билан танишмисиз?

— Танишман! Толстой... У менга асло таъсир қилмайди. Ёт бир амаки у. Ёмонми? Индамаяпсан...

— Хўш, Шемякин ким ўзи?

— Атоқли бир шахснинг ғайри қонуний ўғли у касофат. Божхонада хизмат қилар эди, беш йилча бундан муқаддам катта мерос олди. Маърифатпарвар одам ўзи. Тоськанинг кўнглини овлаб юради. Газетага пул берса аҳтимол. Тоська билан театрда танишиб қолиб, уни бузуқ жувонлардан деб ўйлабди. Ногайцев ҳам божхонада ишлар эди, шунинг учун у билан кўпдан таниш. Уни бу ерга

бошлаб келган ҳам Ногайцев, муттаҳам. Айтмоқчи, сен газета ҳақида Ногайцевга оғзингни очма!

«У бадавлат одамларни жалб этмоқ учун маъшуқасидан фойдаланади, деб ўйлаш мумкин»,— деб кўнглидан ўтказди Самгин.

— Гўйоними?— гўнғиллади Говорков.— Хўш, энди Гўйони ким ўқийди?

— Е тавба!— маъюслик билан хитоб қилди Ногайцев.— Бу қандоқ гап? Ҳаммага маълумки, толстойчилик...

— Толстой хусусидаги баҳс уларга анчага етади,— деди Дронов.

Самгин индамай турмаслик учун:— Бақироқ одамлар,— деб қўйди.

Дронов стаканни қўлида ҳасса каби тутганча винони ҳўплаётиб Самгиннинг гапини тузатмоқчи бўлди:

— Қуруқ одамлар демоқчи эдинг. Шундай, лекин ана шу одамларда — Орехова билан Ногайцевда гап кўп. Бор-йўғи қуруқ бўлганлари учун ҳам жамики янги нарсаларни: гоёлар, программалар, миш-миш гаплар, латифалар, ғийбатларни дарҳол сиғдириш учун мияларидан жой топа қоладилар. Улар: «Оқилона, эзгу, абадий нарсаларнинг уруғини сепяпмиз» деган ишончдалар. Агар лозим бўлса, улар бугун ўзлари эътироф қилиб турган қувонч ва қайғу-аламни эртага рад этаверадилар...

— Худди сизга ўхшаб,— деди кутилмаганда, шивирлаб Роза Грейман.

— Йўқ, Розочка, мутлақо ундай эмас,— жиддий эътироз билдирди Дронов.

— Йўқ, шундай,— деди Роза қатъият ва баланд овоз билан энди:— Сиз ҳам тамомила ўзгаришга ўзини мослаштириш йўлини ахтараётган кишилардансиз. Сизларнинг ҳаммаларингиз тиними йўқ майда буржуасизлар ва шундай бўлиб қоласизлар. Мен фикримни аниқ ифодалашга ожизман, лекин кўриб турибманки, фақат шаҳар тўғрисида гапиряпсиз, ҳолбуки энди дунё тўғрисида гапирингиз лозим.

У ўзгача бир талаффузда гапирар, сўзларни бир-бирига базўр ва қийнала-қийнала улар эди. Унинг юзи оқариб кетганидан қора кўзлари яна ҳам теранлашиб, бағбақаси титрарди. Овози ўпкаси хаста одамларники каби хира ва ифодасиз бўлиб, шу сабабли сўзлар ҳам янада вазндор кўринарди. Бурчакда Таисья билан ёнма-ён ўтирган Шемякин Розага боқиб, афтини буриштирди, мўйловини қимирлата-қимирлата Таисьянинг қулоғига бир нима деб

шивирлади. Таисья эса аччиғи келиб хўмрайди, қўлини кўтариб, қулоғи устига тушиб турган сочларини тузатди.

Орехова қичқириб сўради:

— Дунё тўғрисида деганингиз нима ўзи?

— Билмайсизми ҳали?

Роза шундай деди-да, санай бошлади:

— Яъни бу турклар инқилоби тўғрисида, Эронда мажлисининг тарқатилгани тўғрисида, Финляндия конституциясининг йўқ қилинганлиги тўғрисида, Босниянинг, Герцеговинанинг Австрия томонидан, Кореянинг эса Япония томонидан босиб олиниши тўғрисида, Англиянинг денгиз флотини қисқартириш ҳақидаги таклифини немислар рад этганлиги тўғрисида, социал-демократлар эса бунга ортиқча аҳамият бермаганлари тўғрисида деганим. Мана шуни дунё дейди!

— Яхши, бу дунёни нима қилгин дейсиз, буюринг!— деди ҳазиллашиб Ногайцев.

Грейман унга жавоб бермай, гапини давом эттирди:

— Хитойда ҳам ҳаракат бошланган. Сиз Толстойдан гапирдингиз. Унинг ҳақида нима дедингиз ўзи? Унинг хотини яхши эмас, болалари нобоп чиқди, унда санъаткор билан мутафаккир орасидаги зиддиятлар кўп. Вассалом. Толстой эса бутун дунёга мансуб зот, уни ҳамма халқлар ўқийди,— ҳаёт шафқатсиз, шармисор, алдамчи бир нарса, дейди у. Толстой ҳали дафн этилмасданоқ унинг қабри устига ахлат тортишга шошиляпсиз. Бу даҳшат. Билиб қўйинг: Толстой инсонларга дунёни ўзгартиришни уқтиради, сиз-чи, сиз? Сиз ўзингизни ҳаётдан четга олиб қочишга ҳаракат қиляпсиз, ундан четда, унинг устидан жой ахтаряпсиз, ҳа, шундай бўляпти. Сизнинг танқидингиздан худди шундай маъно чиқади.

Грейман гапира бошлагандаёқ Самгин ўрнидан туриб, меҳмонхона эшиги олдига бориб олди, бу ердан Таисья билан Шемякинни кузатиш қулай эди,— чиройли Шемякин мўйловини қимирлата-қимирлата сапчишга тайёр турган мушукка ўхшар эди. Таисья унга ёнлама турганча Дроновнинг гапига қулоқ соларди. Самгин одамларнинг авзойидан яна бир қизғин баҳс бошланиб кетажагини пайқаб, бу сафар баҳсга қўшилмасликка қарор қилиб, секингина даҳлизга чиқди-да, кийиниб уйга жўнади.

Жуда кеч бўлиб қолганди. Кимсасиз кўчаларда на қорга, на ёмғирга айланолмай аросатда қолган совуқ туман тўнғанди. Фонарларнинг кўпиксимон шуъласи туман қўй-

нида муаллақ турар, у хирагина камалак ёғдуси оғушида эди, камалак ёғдуси ҳам тўниб қолганди. Баъзи-баъзи ерларда қорайиб кўринган деразалар орасида чироқларнинг сариқ шарпаси порлаб кўринарди.

Клим Иванович Самгин тош уйларнинг дарвозалари олдидаги ҳайбатли, семиз қоровулларнинг ёнидан ўтиб борар экан: «Демократия,— деб мулоҳаза юритди.— Бу одамлар арзирмикан, мен уларга бошчилик қилсам?» Роза Грейманнинг гапи, Поярков, Таисьянинг хулқ-атвори — буларнинг бари қўшилишиб, хушёқмас яхлит бир нарсага айланган эди. Давлат думасининг вестибюлида бир кадетнинг оғзидан Самгин йўл-йўлакай эшитган гапи ёдига тушди: «Булар соғлом фикрга душман кучларнинг янгидан сафарбар этилаётганининг аломатларидир».

«Шундай,— деб фикр юритди Самгин.— Қаердадир Кутузов иш кўраётган бўлиши мумкин. Агар Москвада, МКнинг «еттилари» қаторида қамоққа олинмаган бўлса. Бу яҳудий қиз ёвуз одам кўринади. Большевик. Шемякин қанақа одам? Агар чақиргудек бўлса, Таисья унинг ҳузурига боради, албатта. Йўқ, адабиёт билан машғул бўлсам, фойдалироқ бўлар. Газета қочиб кетмайди. Адабиётда ном чиқарганимдан кейин,— газета ҳақида ҳам ўйлаш мумкин бўлади. Лекин Дроновсиз. Ҳа, ҳа, усиз...»

Бу унинг кўпдан-кўп қарорларидан бири эди, Самгин шу фикр билан уйқуга кетди.

Лекин эрталаб уйғониб, ўринда ётганча биринчи папиросни чекар экан, Дронов — иш берадиган ҳайвон, деб ўйлади. Мана, масалан, у аллақаердан ажойиб хушбўй тамаки топа олади. Самгин янги уйга кўчганида Дронов Кримвонинг қойилмақом табиат манзарасини унга совға қилган эди ва қарағайлар, қор устига тушиб турган мовий кўланкалар тасвирланган Жуковскийнинг этюдини тақдим қилишни Таисьяга маслаҳат берган ҳам, ҳойнаҳой, ўша бўлса керак. Сўлим ёз, худди шундай сўлим қиш.

Дераза пардалари орасидан қуёш нурлари тушиб турарди, хона сарин, ташқарида қишнинг илк куни порлаётган бўлиши керак, тунда қор ёққан кўринади. Самгиннинг тургиси келмаётганди. Кўшни хонадан Агафьянинг енгилгина оёқ товуши эшитилаётганди. Клим Иванович Самгин қичқирди:

— Қаҳвани шу ерга келтиринг. «Ҳа, Дронов — иш берадиган одам. Санчо Панса каби. Гарчанд мен Дон-Кихот бўлмасам-да, Иван аҳмоқ эмас».

Дронов уни адвокат Антон Сергеевич Прозоров билан ғойибона таништирди:

— У қадар кўзга кўринган сиймолардан эмас, ўзи ҳам куч-қувватдан кетиб боряпти. Хилма-хил дардлар ҳолдан тойдирди, тез орада дард йиқитадиган кўринади уни. Ўзи очофат ҳам хотинбоз. Ўнта хотин олиб, энди охиргиси билан яшаяпти. Бунисини эстрададан олиб, драма асарларида ўйнашинг керак, деб йўлдан урди, драмада сира қобилияти йўқ экан. Энди аросатда қолгани учун ундан ўч оляпти: эри тўғоноқ бўлмаганида — у Иветт Гильбер сингари машҳур бўлиб кетган бўларди. У ҳар йили эрини Парижга олиб боради,— хотин Парижсиз яшай олмайди. Прозоровнинг ишлари чатоқ, огоҳ қилиб қўяйки, у ёмон-отлиқ бўлиб қолган: гонорарни олишга олиб, лекин икки марта шикоят муддатини ўтказиб юборган, бир сафар олган пулини мижозига қайтариб беришга мажбур бўлди: хенгаш мижознинг шикоятини кўриб чиқиб, даъвони сўзсиз тан олди.

Прозоров новча, оёқлари ингичка, аммо қорни қаппайган бир киши экан, қорни жилет ва шим устидан туртиб чиқиб, кўйлагининг оқ йўлини кўрсатиб турарди. Унинг боши гавдасига нисбатан катта бўлиб, ёндан боққанда ўртаси букилган михни эслатарди. Ярми тақир сариқ калласида аслида малла ранг бўлган жингалак сочининг ярим-юримта оқ толалари сочилганди. Соқоли юзига чирой бағишлаганди, соқолининг силлиқ, сийрак толалари иягида учи найза қозиққа ўхшаб турарди. Юзи сўлғин, қовоқлари салқиган бўлиб, хира кўзлари намхушгина эди. Узун ва қирмизи бурнининг қаншаридаги пенсне қимирлаб турсада, Прозоров унинг устидан боқарди.

— Нима ҳам дердик? Жуда яхши. Мен ҳамкасбимга жоним билан ёрдам беришга тайёрман. Иван Матвейч ҳаммасини гапирди менга... Ишларнинг кераклисини ажратиб оламан, улар... Яъни бир қадар ётиб қолибди... Марҳамат.

У саросималик билан, ҳатто гўё қўрққандай бўлиб Самгинга боқди, ҳавони бурнидан чиқарди, ичига тортиди, рўмолча билан кўзини артди.

— Сизни хотиним билан таништирган бўлардим, афсуски, у Новгородга кетган, у ерда ажойиб бир черков бор. Хотиним санъатга қизиқади, санъат ҳозир расм бўлган... ёшлар кўнгил очишнинг пайида, намойишлар, конституция, инқилоб уларнинг жонига тегди.

У чўчинқираб креслода гимираб қолди, бурнини жийирди-да, пенсени қўлига олди ва шоша-пиша илова қилди:

— Мен инкор этмайман, албатта... Лекин «ҳар ишнинг вақти соати бор» дейишади. Мана энди шундай вақти соати келди. Бу қонунийдир.

Унинг кийим-бошида ҳам, сўзларида ҳам алланечук бефарқлик, иккиланиш бор эди, атрофи, кабинети эса ноқулай, тор бўлиб, ҳавода қоғоз тўзонининг ҳиди кезарди.

— Котибим Миронов танбал бўлса ҳам ақлли, ёқимтой йигит. Шундай.

У ҳорғинлик билан чуқур нафас олиб, Самгинга бир қараб қўйган эди, Клим Иванович бунинг маъносини англади:

«Қани, туёғингни шиқиллат. Кўнглимга урдинг».

Самгин иш билан танишгани келганида, уни сочлари узун, бугдой ранг юзида илтифотли табассум жилваланган, башанг кийинган бир йигит кутиб олди. У қора кўзларини қисганча, ҳимоячининг бетоблиги, бу ёққа чиқа олмаслигини айтди, сўнгра ҳаво ранг муқовасига «Иш» деб ёзилган икки даста қоғозни кўрсатар экан, деди:

— У киши буларни сизнинг эътиборингизга ҳавола қиладилар. Мен сизга керакманми?

— Йўқ.

Йигит оёғи билан полни шапиллатди-да, ғойиб бўлди, Самгин эса «Деҳқонлардан Иван ва Пелагея Уховларга етказилган шикастдан кўрилган зарар учун муҳтарам гражданин Левашовдан жарима ундириш ҳақидаги иш»ни очиб, диққат билан ўргана бошлади. Маълум бўлдики, мазкур гражданин қўш отда ўтиб бораркан, бир деҳқоннинг оёғини синдириб, қовурғаларини эзиб юборибди ва миясига лат етказибди, бунинг оқибатида аравакаш деҳқон Алексей Ухов ўлибди. Марҳумнинг отаси билан хотини мазкур гражданиндан 5000 сўм пул даъво қиладилар. Иш округ судида кўрилган, даъво рад этилган, юқорига шикоят аризаси берилган. Полиция маҳкамасининг протоколидан Самгин уқдики, даъводан умид йўқ. Ишнинг орқа бетида Клим Иванович Прозоров олган гонорарнинг ҳисобини кўриб қолди: 140 сўм.

«Фабрикант Келлернинг шартномани бузганлиги ҳақидаги иш...»

Самгиннинг орқасидаги эшик очилиб, ўткир атир ҳиди келиб кетди. Сўнгра унинг ёнида тўр тутилган олачипор ипак кўйлак кийган, елкасига мўйнали накидка ташлаган, бўялган малла сочлари сабатдек, ёноқлари қизил, бурни юқориға қараган, мовий кўзлари шўх ва ўйноқи, ўрта бўйли бир жувон пайдо бўлди. Унинг бўялган дудоқлари кулимсираб, инжудек тишлари кўриниб турар, хуллас, у кўзни қамаштирар даражада ярқираган эди.

Жувон калта, дўмбоққина қўлини узатиб:— Елена Викентьевна,— деди-да, Самгинни нонуштага таклиф қилди.

Улар тотли ва жуда хилма-хил нарсалар билан нонушта қилишди. Ароқни «пикон» билан аралаштириб ичишди, вино ҳам ичишди. Клим Иванович Самгин юқори доиралар ҳаётига доир бир талай мароқли янгиликларни мамнуният билан тинглади.

Шулардан биринчиси: Америка Қўшма Штатларининг Париждаги элчиси рус элчиси Нелидовга баён қилганки, граф Ностицнинг хотини эрга тегмасдан аввал Лондонда, қайси бир ҳам мюзик-холлнинг аквариумида яланғоч ҳолда балиқ қўруғи билан кўринган, шунга кўра Парижнинг дипломатия корпуси бу хонимни ўз доирасига қабул қилинишини номуносиб деб ҳисоблайди.

— Биляпсизми, қандай можаро? Ностиц. У элчининг ёрдамчиси бўлса керак. Умуман, жуда ҳурматли одам. Йўқ, бизнинг хориждаги нуфузимиз ҳақида бир ўйлаб кўринг. Элчилар балиқ қўруқли хонимларга уйланиш-япти...

Хотин қаҳқаҳа отиб, жуда ёқимли кулди, сўнгра ёш маликанинг асаб касали ва оёғидаги яралари авж олаётганини маълум қилди.

— Буларнинг бари унинг Вирубова билан ғайри нормал муносабатда бўлганлигининг оқибатидир. Булғори хотинларга ҳайронман,— деди у, елкаларини учуриб.— Яна анави қочқин роҳиб Распутин ҳам бор. Аслини олганда, у ҳатто роҳиб бўлмай, оддий қишлоқ тегирмончиси бўлса керак.

У «сарой доираси», «аристократиямиз» деган сўзларини ҳузурланиб, аммо менсимасдан талаффуз этардики, гўё ўзи ҳам шу муҳитда ва аристократлар орасида ўралашиб юрса керак, деб ўйлаш мумкин эди. У министрлар ҳақида айниқса очиқ-ошкор нафрат билан гапирарди.

— Бари мешчан фамилияли мартаба тегиб қолганлар — Шчегловитов, Кассо... Кассони кўрмаганмисиз?

Қулоқлари аломат, жуда тасқара, баҳайбат, кўрсангиз калишми дейсиз. Нижегород губернатори Хвостов эса шунчалик семизки, автомобилига алоҳида рессор ўрнатилган, уни ҳам министр қилишмоқчи.

Улар каттакон нимқоронғи хонада ўтиришарди, хонанинг уч деразаси рўпарасида кул ранг девор бўлиб, у ҳам деразалар билан бўлинган эди. Дераза ойналарининг киридан, балконлардан на томга чиқадиган қийшиқ, темир зинапоядан унинг ошхона деразалари экани билиниб турарди. Хонанинг бир бурчида рояль, унинг тепасида иккита сариқ доғ тушган қора расм осиглиқ эди, доғлардан бири ёноқни ва каттагина, гўштдор бурунни, иккинчиси кафтни тасвирларди. Иккинчи бурчакда садаф қадалган оғир, қора буфет бўлиб, буфет бешта тобутнинг бирлаштирилганига ўхшарди.

Хонанинг ичи дим, хотин қўйган ўткир атир ҳиди марказий иситиш системаси қиздирган тўзон ҳидини босиб кетолмаётганди.

Нонушта икки соатча давом этди. Клим Иванович Самгин ҳузур қилиб овқатланди, оз-моз ичди, кайфи чоғ бўлди, у хотиннинг шанғиллаган овозини, дам-бадам кулгисини эшитар экан, мулойимгина кулимсираб ўйлади:

«Тентаккина, лекин аломат».

Хотин эса Новгороддаги Спас Нередица черкови деворларидаги нақшларнинг ҳайратомиз гўзаллиги тўғрисида завқланиб гапирарди.

У Самгинга кетишга ижозат берар экан, деди:

— Ҳар шанба меникида артистлар, адабиётчилар йиғилишади, машқлар чалиб, ҳангамалашиб ўтираминиз,— сиз ҳам келиб туринг!

Самгин: «Тўғри, келиб туришим лозим»,— деб аҳд қилди, лекин хотинни иккинчи дафъа кўришга тезда муваффақ бўлмади, чунки Прозоровнинг чигаллашиб кетган каттакон иши кўп вақтни олар эди, олифта котиб эса кўп нарсадан беҳабар, ҳеч нарса иш қилмас, фикри хаёли «Петербург газетаси»га репортаж ёзишда эди. Прозоровнинг ўзи ҳам тобора лоҳас бўлиб, пешанасини артар, соқолини тутамлар ва хотираси заифлашиб қолган эди. Котибни ишдан бўшатишди. Дронов унинг ўрнига қора мовутдан ён ёқа либос кийган, юзи япалоқ, тишларини дам-бадам ғижирлатиб турадиган бадқовоқ бир йигитни қўйди, унинг бу турқи тароватининг ўзиёқ Самгинни асабийлаштирарди.

Лев Толстой вафот этди. Буни Самгинга биринчи бўлиб айтган киши Агафья бўлди, у эрталаб Самгинга газета тутқазаётиб:

— Лев Николаич оламдан ўтибди,— деди.

У секингина бу гапни айтиб, узоқлашди, ammo эшикка етганида тўхтаб, илова қилди:

— Эшитяпсизми, ҳамманинг эшик ёпишини? Одамлар юрак олдириб қўйишган кўринади.

— Толстойни ўқиганмисиз?— сўради Самгин.

— «Поликушка»ни ўқиганман, «Уч оға-инилар ҳақида эртак»ни, «Инсонга кўп ер керакми» асарини ўқиганман. Кечагина бизнинг қора зинамизда ўтиришиб ўқишга ётганди.

Ҳар вақтдагидек, у, хўжайин яна бирон нарса сўраб қолмасмикан, деб кутиб турди. Самгин ҳеч нарса сўрамади.

Самгин уй эшикларининг ҳар вақтдагидан кўра тез-тез ёки қаттиқроқ ёпишаётганини эшитмас ва Толстойнинг ўлимидан хафа бўлганини сезмас эди. Ўша кун эрта билан у етти минг уч юз сўмни ундириш хусусидаги иш юзасидан судда сўзлади, унинг назарида, даъво фақат шунинг учун ўринли деб топилдики, унинг муҳолифи ўзини сустгина ҳимоя қилди, ҳакамлар эса ишни эътибор бериб тингламадилар, шоша-пиша ҳукм чиқариб қўйдилар.

Адвокатлар хонасида дафн маросимида қандай иштирок этиш тўғрисида, Ясная Полянага вакиллар юбориш керакми ёки гулчамбар жўнатиш билан кифояланилса бўладими, деган масала устида куйиб-пишиб суҳбатлашишарди. Кимдир виқор билан эслатдики, ҳозир бешинчи йил эмас, Шчегловитов бор...

Ишни ютиб чиққанидан мамнун бўлган Клим Иванович Самгин Прозоровга қўнғироқ қилди, телефонга Елена келди, у Самгин айтган хабарни тинглар экан, сўради:

— Хабарингиз борми, университет нотинчлигидан, студентлар ғавғо кўтариб, ўлим жазоси бекор қилинишини талаб этишяпти...

Самгин: «Тентак,— деб ичида уни сўкди-да, ўша ондаёқ трубкани осиб қўйди.— Ахир билади-ку, телефондаги гапларни полиция эшитиб туришини». Лекин ҳар қалай у фрак кийган, ёноқлари қизил, семиз кишига бу хабарни билдирди, у эса кўзларини қисганча шифтга боқди-да, деди:

— Нима ҳам дердик? Яхши баҳона бўлибди. «Қонни қон билан ювишади». Ишқилиб кўчага чиқа кўришмасин...

Портфелли, фрак кийган яна икки кимса кириб келди, улардан бири қора сочли, пешанаси кенг, кўзлари ичига ботган, ранги заҳил киши тажанглик билан деди:

— Мен шундай фикрдаман: фақат миллий ғоя тўғри ва яқдиллик билан тушунилган тақдирдагина социал интизомнинг зарурлигини англаш, синфларнинг бирдамлигини ҳис этиш мумкин. Бунини мен ҳамини айтиб келганман... Шу бўлмагунча бизнинг ёшларимиз...

— Тўхта, тўхта! Конституция хаёллари уч-тўрт йилгача ёшларни тинчителиб келган эди...

— Мана, биргина Толстойнинг ўлими ёшларнинг яна деворга тирмашиши учун кифоя қилди.

Юзи қизил адвокат хушчақчақлик билан сўради:

— Роман Осипович, синфларнинг бирдам бўлганини қаерда кўргансиз?

— Францияда, Англияда, дўстим. Уюшган ишчилар синфи давлат ишида фаол қатнашаётган Германияда. Буларнинг бари миллий ғоя устунлик қилаётган мамлакатлардир...

— Бу фикрингиз — струвизм! Сиёсатда эҳтиросга берилиш ва ҳоказо. Бу романтика...

Самгин яна беш минутча мувоҳазага қулоқ солди-да, кўчага чиқди, кўчада шамол эсиб, майда ёмғир савалаб турарди. Шаҳарнинг одатдагича говур-гуворида бугун унга алланечук ўзгача, бўғиқ, ташвишли сурон бордек туюлди. Одамлар бир-бирларидан ўзиб ўтишар, уйлар, магазинларнинг эшикларидан, кўчаларнинг муюлишларидан сакраб чиқишар ва гўё уларнинг бари ёмғирдан, шамолдан пана бўлиш учун жой ахтараётгандек эдилар. Самгиннинг фикрлари ҳам шошилиш ва робитасиз ҳолда ҳар ёнга сочилиб турарди. Пойтахт адвокатларининг унга совуқ, кўнгилни ғаш қиладиган бир лутфкорлик билан муносабатда бўлаётганликлари тўғрисида уйларди у. Ёмғирли, сурма ранг ғира-шира қоронғиликда соқоли тўзиган, хўмрайган бир чол кўзига кўринди.

«Зулмага зўрлик билан қаршилик кўрсатмасликни уқтира-уқтира умрининг охирида хотини, оиласининг зулмидан қочиб қолди. Студентларнинг ғалаёни яна бошлади».

Самгин извош кира қилди, у чарм ёпиқ остига суқилди-да, кўзларини юмиб олди. Эндигина ечинган ҳам

эдики, хўл бўлиб кетган юзини рўмолча билан арта-арта Дронов югурганча кириб келди.

— Толстой ҳам оламдан ўтганмишми? — деди у. — Студентлар гимирлаб қолишибди, заводларда йиғинлар бўлаётганмиш. Энди бу бормиди! Нима ҳам дердик...

У лабларини чўпиллатди-да, гапини давом эттирди:

— Ўтиб кетаётиб, файтондан тушаётганингни кўриб қолдим. Бундай гап бор: Толстой тўғрисида бир тўплам чиқарсак қалай бўлади, деб ўйлайсан? Адабиёт соҳасида унча-мунча танишлигим бор. Балки сен ҳам бирор нарса ёзиб кўрарсан? Ахир бир инсон олтмиш йилча ишлаб, бутун оламда шуҳрат қозонди-ю, аммо ўзи тинчий олмади. Шунинг ўзи мавзу! Ёвузликка зўрлик билан қаршилиқ кўрсатмасликни тарғиб қилди, «Индамай туролмайман», — деб наъра солди, — бунинг маъноси нима? Индамай туришни хоҳласа-да, туролмадимми? Хўш, нима учун?

— Тўплам чиқарсак, деганинг яхши фикр, — деди Самгин ва Толстойнинг ахлоқ фалсафасининг манбаларини ковлаштириб ўтиришни истамай, тўпламнинг плани тўғрисида ишбилармонлик билан гапира бошлади.

Дронов пешанасини ва тикандек сочларини силар экан, беш минутча унинг гапини индамай эшитиб турди-да, кейин дик этиб ўрнидан турди:

— Думага кетяпман. Борасанми?

— Йўқ.

У чўнтагидан бир газета чиқариб, уни Самгинга узатди:

— Лениннинг «Ишчи газета»си, яқинда, шу кунларда чиққан.

Дронов ғойиб бўлди, лекин эгнида пальтоси, шапкаси билан ўша заҳоти қайтиб келди-да, гўлдираб гапирди:

— Шундай бир гап бор: биз Эронни забт этишга ҳозирлик кўраётган эмишмиз. Австрия — Боснияни, Герцеговинани босиб олди, биз бўлсак — Эронни. Борди-ю, инглизлар гарданимизга таёқ билан туширмасалар — гилам олгани Эронга борганим бўлсин. Тинчгина, бежавотир иш бу. Қарабсанки, Иван Дронов Эрон гиламлари билан савдо қилади. Мен гиламфурушлиқ билан кун кўраман. Сен одамларни алдаб кун кўрасан. Улар ҳам қўлга тушгунга қадар ёлғончилик қилишади, ҳаммамиз ҳам қўлга тушгунча кун кўраимиз. Газетани сақлаб қўй.

Дронов гўлдирай-гўлдирай, Самгиннинг асабини бузиб, ниҳоят бутунлай кетди.

«Масхарабоз. Айёр масхарабоз. Ёлгончи».

Иван кетаётиб, парда орқасида турган актёр сингари одамнинг гашига тегадиган ва аллақандай икки хил маънони англатадиган бир гап айтишга ҳаракат қилишлигини Самгин кўп марта пайқаган эди.

У калориферга суркалиб курагини иссиққа босар экан, ўқилавериб титилиб кетган газетани ёйди. Газета уни ҳовурдан туширмади. Бош мақоланинг оддий, лекин кескин сўзларига кўз ташлар экан, у нафрат билан норози бўлди:

«Ҳатто Лев Толстой ҳам ёлғиз ва ожиз бўлиб қолган бир мамлакатда улар ўз орқаларидан кимни эргаштирмақчилар ўзи...»

Оқшом у Прозоровнинг олдига йўл олди, мўйсафид эгнида халат, бўйни боғланган ҳолда Самгинга пешвоз чиқди, у титроқ қўли билан креслоларнинг суянчиқларидан ушлаб маст одамдай қадам ташлар ва овози фагот¹ каби хириллар эди.

— «Ғамлар ҳам, дардлар ҳам ариди мендан» деган эди-ку, отинг қургур, ким ҳам? «Руҳонийлар мактаби»ми? Ҳа, ҳа, — Помяловский. Демак, биз ютиб чиқдикми? Жуда соз.

У салмоқланиб, чўзиб-чўзиб гапирар экан, бўйнининг чап томонини уқалар ва гўё иягини юқорига итараётгандек бўларди, хира кўзларининг боқишлари, гўё Самгинни кўрмаётгандек, унинг атрофида бир нима ахтарар эди.

— Энди графинянинг ишини силжитинг, барака топкур. Эртага шикоятнома ёзамиз... Бу ишни ҳам ютиб чиқамиз. Ҳа, дарвоқе, мен ётишим керак, сиз хотинимга учранг, у сизни йўқлаган эди. Унинг ёнида ҳалигидай... биттаси бор... Анавилардан, модапарастлардан... Санъат, фалсафа ва ҳоказо дегандек. Э-ҳе-ҳе...

У чап қўлини силкиди, ўнг қўлини Самгинга узатди ва унинг қўлини тутиб, анчагача қўйиб юбормади:

— Толстойдан ҳам айрилдикми, а? Менинг замонимда... ўспиринлик, йигитлик чоғларимда,— Чернишевский, Добролюбов, Некрасов — ундан пешқадам эдилар. Уларнинг асарларини муқаддас диний китоблар каби ўқишарди, мен у пайтда семинарист эдим. Уларнинг сўзларига имон келтиришарди. Толстой унчалик кўзга ташланмаган эди. У замонларда ўзини эмас, халқни ўйлашга ўрганишар-

¹ Фагот — ёгочдан ясалган духовой музыка асбоби. (Тарж.)

ди. Толстой эса ўзини ўйлай бошлади. Инсоннинг ўзидан бўлакни ўйламаслиги... ундан бошланди... Бўпти, хайр... Негадир қулоғим оғрияпти... Илтимос...

У қўли билан меҳмонхона эшигига ишора қилди. Самгин оғиргина пардани сал кўтариб, эшикни очди, меҳмонхонада ҳеч ким йўқ эди, бурчакда мовий абажурли кичкина чироқ ёниб турарди. Самгин қўлида илиқ, ёпишқоқ тер сезиб, ижирғаниб рўмолча билан артди.

Емакхонанинг эшиги салгина очик эди, у ерда стол атропоида уч киши билан Елена ўтирарди. Клим Ивановичнинг ҳаётида кутилмаган учрашувлар тез-тез бўлиб турганидан бундай учрашувлар ортиқ уни ҳайратга солмай қўйган эди, лекин буларнинг ҳар қайсиси ҳаётнинг маҳдудлиги, унинг торлиги ва мискинлиги ҳақида унда тобора кўпроқ оғир таассурот уйғотарди.

Сариқ сочли, сувга чўккан одамга ўхшаш юзи салқиган, кўкимтир, соқоли қирилган, лаблари қалингина, семиз кишини кўриши билан у ўзининг муаллими Степан Андреевич Томилин эканини таниди, унинг рўпарасида эса приват-доцент Пильников жуда хушнудлик билан кулимсираб ўтирарди.

Томилин мурабболи қошиқни қирилган бағбақасига яқин тутаркан, гўё тишлари орасидан чиқараётгандай жиддий ва салмоқдор қилиб деди:— Физиолог дю Буа-Реймон «Билимларимизнинг доираси ҳақида»ги, яъни «Игнорабимус» нутқини тугатаётиб — билолмаймиз!— деб умидсизлик билан қичқиргани тўғрисида чурқ этмайдилар.

— Тамомила тўғри,— севиниб тасдиқлади Пильников. У сўзини тугатар-тугатмас, ингичка болача овоз эшитилди:

— Шундай, бировларнинг касб-кори манфаатлари, бошқаларнинг енгилтаклиги фикр эркинлигини бўғади.

— Худди шу нарса!— яна тасдиқлади Пильников.— Яъни аввалига шу нарса, қолаверса, ҳокимиятнинг, мустабид ҳокимиятнинг сиёсати бўғади, турган гапки...

Елена Самгинни қарши олар экан:— О!— деб қичқирди.— Соз иш бўлди! Танишинг! Аркадий Козьмич Пильников, Юрий Николаевич Твердохлебов.

Самгин Томилинга яқинлашар экан:— Биз танишмиз,— деди. Степан Томилин ўрнидан турмай, лабларини ялай-ялай, сариқ кўзларини кўтариб Самгинга боқди, қўлини оҳиста ва виқор билан кўтарди-да, тараддудланиб сўради:

— Танишмизми? Бундай шарафга қаерда муяссар бўлган эканман?

Унинг бу хил такаббурлигидан ранжиган Самгин совуққина қилиб эслатди унга.

— Ҳа, ҳа! Ёдимга тушди. Сизнинг уй муаллимингиз эдим, бошқа болалар ҳам бор эди-а. Улардан бири сувга чўкиб кетган ёки бир нима бўлган эди шекилли...

У Самгинга юзини ўгириб, яна мураббо олди. Клим Иванович Твердохлебовнинг рўпарасига келиб ўтирди, бу маймунники сингари юзи ўйноқлаб турадиган, ўспирин сингари ушоққина киши бўлиб, қорачадан келган юзини қора соқол босган, қошлари ҳайратомиз бир тарзда юқорига кўтарилган, қора кўзлари ташвишли порлаб турарди. Самгин: «Ростакам одамга эмас, ўйинчоққа ўхшайди-я»,— деган фикрга келди-да, адоват билан Томилинга боқди. Муаллимнинг тикандек сочлари сийраклашиб қолган бўлса керак, чепчикка ўхшаб бошига силлиқ ёпишганди, кўзлари остида кўкимтир халтачалар пайдо бўлган, қирилган юзлари ҳам халтум-халтум бўлиб қолганди, у чап қўлининг юмшоқ бармоқлари билан юзини ва бурнини тез-тез силаб турар, ўнг қўли эса мураббо, бисквит, конфетларни қалин лаблари томон тинимсиз олиб бориб турарди. Мураббо ва бисквитлар солинган вазалар, конфет қутичалари унинг томонига зичлаштириб суриб қўйилганди. Унинг бутун вужуди алланечук қавариқли бўлиб қолган, Бердниковни-кига ўхшаш қаппайган қорни стол четига тиралиб турганидан муаллим бирор нарса олмоқчи бўлганида, ўрнидан сал кўтариларди, чунки қорни қўлларига халақит бериб, уларни калталаштириб қўярди. Лекин ҳаддан ташқари семириб кетганига қарамай, Самгин унга разм солар экан, у ўзининг эсида қолган ҳамиша мудроқ, имирсиланган ўша Томилин эканига ишона олмасди. Томилин шу қадар дадил, шу қадар амирона гапирардики, уни бир маҳаллар Варавка атаганидек, «мақсади ноаниқ шахс» деб ортиқ атаб бўлмасди. Энди кўз қорачиқлари ҳам кўзларининг оқига ёпиштириб қўйилгандай кўринмас, лекин улар гўё кўз оқларининг пушти томирлар босган сут моддасига фарқ бўлгандай унинг ичида сузиб юрар ва ваҳима-ли порлар эди.

Самгин унинг гапларини эшитар экан: «Турқи таровати даҳшатли ва жирканч»,— деган фикрга келди.

— Мен «Сохта илмнинг йўлдан оздириши ҳақида»ги докладимда кўрсатган эдимки, математикларнинг тасаввур

этиб бўлмайдиган фантастик рақамлари реал бўлмай, коинот ҳақида, бизнинг ҳақимизда, ер юзи, табиат ҳақида ва инсон зотининг ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур беришга қодир эмас, математика йигирманчи асрнинг метафизикасидир ва бу илм иблислар жисман мавжуд бўлган ва игна учидеги иблислар сони санаб чиқилган ўрта аср схоластикасига майл этади. Мен яна такрор айтаманки, билимнинг чинлиги ҳақидаги масала яна бир карра ва жиддий фалсафий тарзда ўртага қўйилиши керак. Текшириб кўриш лозим: билим оллоҳни идрок этиш йўлидаги изланишларимиз учун иблис томонидан қўйилган тузоқ эмасмикан.

— Узр, мазмундор гапингизни бўлганим учун,— деди совуққина назокат билан Самгин.— Лекин ҳамон эсимда, сиз билишни инстинкт деб, ҳаётнинг учинчи инстинкти деб ўргатган эдингиз...

— Ўргатган вақтимда ўзим ҳам ўрганар эдим, ўргатганим хато эканлигини тушунгач, ўргатишни тўхтатдим-қўйдим,— жавоб берди Томилин, конфет қоғозини очаётиб ва шогирдига боқмасдан. Самгин эса қўпол бир гап айтгиси келаётганини сезди.

«Ҳаёсиз!»

Самгин уни қаттиқ узиб олмоқчи бўлиб деди:

— Ундай бўлса ижозат беринг, муаллимларнинг масъулияти ҳақида масала қўйишга.

— Тўғри. Бу масалани Исо билан Пиррон олдига, муқаддас Августин билан Вольтер олдига қўяверинг...

Пильников Твердохлебовга мурожаат қилиб:— Зарба мана бунақа бўлади!— деб қичқирди. Твердохлебов эса дарҳол Самгинга ташланиб қичқирди:

— Аждодларимизнинг жаннатдан қувилиши сабабини эсга олинг! Бу дунёнинг аччиқ меваларини ҳам хотирланг. Розановни ўқиганмисиз?

Томилин конфет чайнаётиб, қатъий қилиб деди:

— Розанов — лофчи, ҳиссиётга берилган, устига-устак кофир, бу ерда унга ўрин йўқ. Унинг жойи дўзахда.— Сўнгра кўзлари ола-кула бўлиб, Самгин тарафга қия боққанча парво қилмай тўнғиллади:

— Икки хил масъулият ҳисси бор: бири олло қаршисида, бири шайтон қаршисида. Буларни қориштириш жиноят. Ақлсиз ишлар ҳақида эса индамаганим яхши.

У лабларини ялади, сўнгра рўмолча билан артди-да, Еленага мурожаат қилди.

— Толстой хусусига келганда, яна шуни айтаманки, агар унинг ўзи ҳақида барала айтилган фикрларини таълимот деб аташ мумкин бўлса, у ўйлашга ўргатди бизни. Лекин у ҳеч вақт яшашга ўргатмади, ҳатто бадий асарлари, санъат деб аталмиш сўз ўйини ҳам бунга ўргатмади. Энг олий санъат — тана билан руҳнинг кўркем бирлигига эришиб яшамоқ санъатидир. Ҳиссиётни ақлдан ажратиб қўйма, акс ҳолда сенинг ҳаётинг англаб етилмаган тасодифлар занжирига айланади ва сен ҳалок бўласан!

«Англаб етилмаган тасодифлар занжири» — бу гапни у Лев Шестовдан олган», — деб ўйлади Самгин.

Клим Иванович ўзини ҳеч бир вақт бу дақиқалардаги каби асабий ва дарғазаб ҳолатда бўлганини эсламасди. Томилиннинг ширинликларни бошлаб тушираётгани ҳам уни асабийлаштирар ва ҳатто жиркантираётганди, у юмшоққина қўллари билан ширинликларни деярли тўхтовсиз, гўё беихтиёр равишда қалин лаблари орасидан оғзига тикаётганди, шариат муаллимининг чайнала-чайнала гапирётганига ҳам сабаб унинг лоқайдлик билан кавшанаётгани бўлиши керак эди. Унинг ваъзи лоқайд эшитилар, Самгин бу лоқайдликда ўзига нисбатан илтифотсиз бир муносабатни очиқ-ошкор пайқаётган эди. Собиқ муаллим ваъзининг маъноси Самгинни қизиқтирмас, унга таъсир қилмаётганди. Билимнинг чинлиги масаласи, тафаккурнинг дин, метафизика сари яқинлашиши каби ҳозирда расм бўлган жамики нарсалар Клим Ивановичга аллазамон таниш эди. Лекин Томилиннинг ўз ёшлигига асло ўхшамаслиги негандир Самгинга алам қилаётганди. Пильниковнинг, Твердохлебовнинг калта-калта гаплари ва луқмаларини бўлиб қўяр экан, собиқ уй муаллими Самгинни пайқамаётганди, афтидан, у ўзини атайдан шундай кўрсатаётганга ўхшарди.

«У мендан ўч оляптими ўзи? Нима учун? — деб ўйлади Самгин ва сариқ сочли бу ширинхўр унинг онаси қаршисида тиз чўкиб турганини эслади-да, шундай фикрга келди: — Мумкин эмас бу, Варавка уни масхара қилишни яхши кўрарди...»

— «Инсон, учқун каби юқорига кўтарилмоқ учун азобуқубатга туғилади», — ҳаяжон билан қичқирди ушоққина Твердохлебов ва унинг юзи буришиб, яна ҳам кичрайиб кетди. Томилин шоколадли конфетни очиб унга ёпишган қоғозни тирноғи билан кўчирар экан, совуқ сўзлар билан бу одамнинг шавқини сўндирди:

— Иов китобида ёзилганларнинг ҳаммасини ҳарф-ма-ҳарф тушунмаслигимиз керак, бу китоб бошқа қон ва ирқнинг — оллоҳ қаршисида кечириб бўлмас гуноҳ қилган ва таважжуҳ-ла жазоланган бир ирқнинг китобидир...

Томилини ўрнидан турган эди, қисман сюртукка, қисман кафтанга ўхшаш тўқ кул ранг мовутдан тикилган бир нарсага ўралган бочкага ўхшаб қолди. У кўзларини чақчайтириб, девор соатига боқди-да, томоқ қирди ва юзини силаб қўйди.

— Кетар вақтим бўлди. Бир оз тайёргарлик кўришим керак, негаки соат тўққизда бир уйда тақдир ҳақида, уни халқ қандай тушуниши ҳақида ҳамда черков башоратни қандай талқин этиши ҳақида маърузам бор.

У уй соҳибасининг қўлини ўпиб, қолганларга бошини эгиб, оёқларини ерга суркай-суркай чиқиб кетди, уй соҳибаси ҳам орқасидан чиқди.

— Ажойиб одам экан!— шивирлаб деди Твердохлебов.

— Ниҳоятда ақлли одам,— қўшилишди Пильников.

— Билимдонлигини қаранг!

Уй соҳибаси қайтиб кирди.

— Антиқами?— сўради у ва ўзи жавоб берди:— Жуда антиқа.

Пильников эса Самгинга деди:

— Елена Викентьевнанинг бирам ажойиб кишиларни топиб, ўз атрофига йиғадиган ҳайратомиз қобилияти бор...

— Ушалар орасида бўлганимдан жуда хурсандман,— деди жаҳли чиқиб ва очикдан-очиқ истеҳзо билан Самгин. Елена унга боқиб кулимсиради.

— Ўҳў, узиб оляпсиз-ку!

— Йўқ, нафсиламр айтганда, ўтқир одам,— деди Елена уларни муросага келтирмоқчи бўлиб.— Мен у билан икки йилча аввал Нижнийда танишган эдим, у ерда иши юришмади унинг. Нижний ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган шаҳар, йилига бир ярим ой тўс-тўполон бўлади у ерда: ҳамма ёқда кўпаслар, яна манман деган кўпаслар, ярмарка, хотин-халаж, айш-ишрат, базмлар авжга минади. У Нижнийда яшаганида қаттиқ ичарди, аллақандай касал ҳам орттириб олди. Мен иложи борича кўп ширинлик ейишга ўргатдим уни, негаки ширинлик ичкиликнинг қушандаси. Бўлмаса, биласизми, у ресторанда қуйиб берганлари учун фалсафа сотарди...

Самгин унинг гапларини ҳузур қилиб эшитар, хотиннинг гаплари унинг кўнглини кўтариб, асабларига ором бағишларди, унинг кейинги гапларини эшитар экан, Самгин ҳатто секингина кулиб қўйди ҳам.

— Бир тасаввур этиб кўринг: баҳайбат бир одам олдингизга келиб: истасангиз, худонинг борлигини исбот қилиб бераман, дейди. Ярим шиша ароқ эвазига айтганларини тасдиқлайди, рад этади ва исбот қилади. Жуда қизиқ бу. Уни ҳатто чамаси урдилар, полицияга жўнатдилар... Лекин қарабсизки, унда... бир гап бор экан. Хўш, файласуф эканми у?

— Жуда антиқа одам, — деди маъюслик билан Пильников, Клим Иванович Самгин эса Пильников билан Твердохлебовнинг бетига мамнуният билан боқди, уларнинг башараси бир қадар оқаргандай эди. Пильников лабларини чўччайтириб, хомушгина эшитар, ушоққина одам эса кифтларини учуриб, гўлдираб гапирарди:

— Имтиҳон! Мен алкоголизм ҳақида гапиряпман. Гуноҳга ботмасанг, тавба қилмайсан, тавба қилмасанг — омон қолмайсан.

— Менинг эрим — эски народник, — ҳаяжон билан сўзини давом эттирди Елена. — У ўз-ўзидан етишган, мустақил билим олган истеъдодли одамларни севади. Ўз жонига қасд қилганларни, чамаси, яхши кўрмайди. Мустабид ҳокимиятни ҳам яхши кўрмайди, бу чой ичиш сингари кундалик эски одати унинг. Мен уни тушунаман: гимназиянинг, университетнинг таълимини олганлар бир-бирларига ўхшаш бўлишади, китобий фикр юритишади, манавига ўхшаган... қаҳрамонлар эса ҳеч нарсадан тап тортмай ўзини ўтга-чўққа ураверади. Бадавийлар... Мен бадавий одамлар тарафдориман, чунки улар билан одам зерикмайди!

— Елена Викентьевна! — Твердохлебов фиғони ошиб, дик этиб ўрнидан турди. — Келиб-келиб бу гапни сиз айтяпсизми, меҳмонхонасида одамларнинг саралари тўпланадиган...

— Елена Викентьевна ҳазиллашяптилар, — изоҳ берди Пильников, лекин унинг сўзлари савол тарзида эшитилди.

— Сезгирлигини қаранг, — деди хотин, Самгинга мурожаат қилиб; Самгин ўрнидан қўзғалиб, унга қўлини узатди.

— Э, йўқ! Кетмайсиз, сизда ишим бор...

Анави икки киши ўзларининг ортиқча эканликларини сезиб, хотиннинг қирмизи бармоқларига узуклар тақилган мулойим қўлларидан ўпиб, жўнаб кетишди. Елена табассум тўла кўзларини Самгинга тикканча, бир неча сония боқиб турди-да, сўнгра юзини кулгили бир тарзда тириштириб, унга қайғули ифода бағишлади ва хўрсиниб сўради:

— Толстойдан гаплашамизми?

— Шарт эмас бу,— деди Самгин.

— Раҳмат. Толстой ҳақида тўрт дафъа гаплашдим, телефондаги суҳбатларни ҳисобга олмаганда. Азизим Клим Иванович, уйда пулимиз йўқ, устига-устак тўланмаган майда счётлар анча йиғилиб қолган. Ютиб чиққан ишингиз юзасидан тезроқ гонорар олишингизнинг иложи йўқми?

— Ҳаракат қилиб кўраман.

— Илтимос, ҳаракат қилинг. Шунини айтмоқчи эдим. Лекин бу, энди кетсангиз бўлади, деган гап эмас.

У меҳмонхонага киришни таклиф этди. Эгнида худди плаш сингари кенг, тўқ сариқ рангли кўйлак кийган Елена хиром этаётгандек енгил ва силлиқ юрарди. У юрган йўлидан қўлларини кулгили бир тарзда силкита-силкита кўйлагини тузатар, гўё бир нарсани ўзидан узоқлаштираётгандек кўринарди.

«Ёқимтойгина ўзи,— деди ўзига-ўзи Самгин ва ўйлади:— Қомати беўхшов бўлса керак, кенг кўйлак кийиб олибди». Томилин ҳақида айтган гаплари учун у Еленадан жуда миннатдор эди, шу сабабли у иложи бўлганича хотинга меҳрибонлик билан боқаётганди.

Меҳмонхонани Эрон мисидан маҳорат билан ишланган фонарь ичидаги чироқ ёритаётганди, хонадаги бутун нарсаларга жилвадор нозик кўланкалар тушиб турарди. Деворлардаги кичик-кичик токчаларда мис кўзалар, пиёлалар, вазалар хирагина ялтираб турар ва Самгин мис буюмларнинг кўплигини кўриб:

«Оригинал бўлиб кўринишнинг пайида»,— деб ўйлади.

Елена тахта устида, каттакон расм тагида ярим узанганди, расмда сариқ култепалар, туя карвонлари, япроқларини саҳро шамоллари пора-пора қилиб юборган иккита нозик хурмо тасвирланганди.

— Эрим касал, касали жиддийгина бўлса керак,— деди Елена.

Самгин унинг гапидан қайғу-ситама сезмади. У: «Твердохлебов ким ўзи?»— деб сўради.

Елена тахтада ярим узанган ҳолда, қўлларини кўтариб, хурпайган сочларини тузатар экан:— шунчаки... бекорчилардан,— деди. Самгин унинг кўкраги дуркунгина эканини пайқади.— Завқ-шавқ билан яшайди. Бадавлат кишининг ўғли, отаси хорижга бир нима сотади. Амакиси — Думанинг аъзоси. Пильников билан иккаласи завқ-шавқ билан яшашади. Пильников яқинда вилоятдан ўнг кўзи гилай хотинини йигирма беш минг сўм сеп билан олиб келди. Сиз Думада бўлиб турасизми?

— Бир марта бўлган эдим, шу кунларда яна бормоқчиман.

— Бирга борайлик. У ердагиларнинг иши жуда қизиқ. Кўзга жуда таниш кишилар ўтириб олиб қонун чиқаришадди, мен уларни лўлилар орасида, ресторанларнинг кабинетларида маст ҳолда кўрганман.

Елена кўзларини пирпиратиб сўради:

— Ахир Дронов сизга айтган бўлса керак, менинг эстрада хонандаси бўлганимни? Ҳа, шундай. Уша кезларда Россиянинг энг яхши кишиларидан кўплаб танишлар орттирдим,— деди у Самгинга шўх кўз сузиб.— Албатта, яхши кийинмоқ учун аввал қип-яланғоч бўлиб ечиниш керак эди. Гапимдан уялаётганингиз йўқми?

— Мутлақо,— деди шоша-пиша Самгин, хотин эса бармоғини ўқталиб, лўписа билан уни огоҳлантирди:

— Лекин менга ачиниб, раҳмингиз келмасин. Менга ошиқона умидлар ҳам боғламанг, севги-муҳаббатдан роса чарчаганман. Умуман, ҳар қандай разилликлардан ҳам. Бир-биримизга меҳрибон дўст бўлайлик — дурустми?

— Жуда соз. Бу таклифингиз учун сиздан жуда миннатдорман,— деди Самгин ва ўйлади:

«Эри ўлай деб турибди, унга ёрдамчи, эрининг ўрнини босиб, унинг учун ишлайдиган одам керак».

— Мана шунақа. Мен сиз билан тўртинчи марта кўришаётганим, лекин... Бир сўз билан айтганда: сиз менга ёқиб қолдингиз. Жиддий одам кўринасиз. Ҳеч нарса ўргатмайсиз. Ўргатишни яхши кўрмайсизми? Шу сабабдан кўп гуноҳларингизни кечириб келишадди. Ўргатувчилар менинг ҳам жонимга теккан. Ёшим ўтгизда, икки-уч ёш камайтириб айтяпти, деб ўйлашингиз мумкин, йўқ, тўғриси шу, роппа-роса ўтгиздаман, йигирма беш йилдан бери менга ўргатишгани ўргатишган.

Самгин илтифот билан кулимсираб, унинг шўх-шўх гапларига қулоқ солар ва кўрардики, бу хотин бармоқларини шақиллатганида, унинг енгил-елпи сўзлари ҳам бамисоли кичкина қайчи сингари шақиллаб, металлсимон эшитилар, мовий кўзларидан эса шўх учқунлар чақнардди.

«У Алинадан чиройли,— деган фикрга келди Самгин.— Ўзини босиб олган. Ақллигина. Ҳар хил ғавғолар солиш бу хотиннинг қўлидан келмаса керак. У билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш зарур»,— деб аҳд қилиб қўйди у.

Лекин Самгин ҳар куни деярли Прозоровнинг олдига бориб турди, мўйсафид ўзини яхшироқ сезган дамларда у билан ишлар, шундан кейин чой ичгани ёки тушлик егани қоларди. Прозоров дастурхон устида етмишинчи — саксонинчи йиллар зиёлиларининг ҳаёти ҳақида бир қадар бездирадиган қилиб бўлса-да, лекин ҳар ҳолда мароқли ҳикоя қилар, ўша замондаги кўзга кўринган кишиларнинг ҳаммасини танийман, демоқчи бўлар ва улар ҳақида гапирганида, ўзларини тарих Ваалига мардона қурбон қилган одамлар ҳақида гапирарётган каби, бошини ғамгингина тебратиб қўярди.

— Надсон: «Ваал ўлажак, инон», деб куйларди, бироқ кўрдикки, ўлмади. Европанинг зўрлиги бизнинг деҳқонча ўлкамизни тобора зудлик билан хароб этмоқда, ҳа, шундай! Сиз, ҳойнаҳой, марксист бўлсангиз керак, эндиликда ҳамма марксист бўлиб кетган... Ҳатто анави ҳаёсиз ҳам... Столипин ҳам...

— Яна чой қуяйми?— сўради Елена, у одатда қўлида китоб ушлаб ўтирар, эрининг ҳиссиёт тўла гапларига аралашмасдан саҳифаларни тез-тез варақлаб, қошларини учирарди. У французча романларни, «Наъматак», «Фиорда» тўпламларини ўқир, Скандинавия адабиётидан завқланарди. Клим Иванович Самгин бу хотин билан ўзи орасида ҳеч бир ёқимсиз мажбуриятлар юкламайдиган ва хийла сирли ва масъулиятли муносабатлар тусини олиш хавфи бўлмаган беғубор дўстлик муносабатлари қандай қилиб вужудга келганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Самгин Еленанинг ҳузурида бўлар экан, Дроновнинг квартирасида унга азоб берган таассуротлардан холи бўларди, миш-миш гаплар, фикрлар, фактлар худди лойқа ёмғир суви ўрага оқиб тушгандек бу ерга ҳам етиб келардики, булар уларни олиб келадиган кишиларнинг ўзи син-

гари ёқимсиз ва хилма-хил эди. Бу одамларнинг қатори уз-луксиз кўпайиб борарди, улар худди вокзалдагидек елиб-югуришар ва уларнинг қаерга ҳамда нима учун бораётганларини тушуниш жуда қийин эди.

Дронов зир югурар, хуноб бўлар, қора терга тушарди, у газета нашр этиш учун ҳануз жон-жаҳди билан пул ахтарар, Тося эса кулимсираб:

— Бир боғ пичан орасидан игна ахтаргандек юз минг сўм ахтаряпти!— дерди.

Лекин Иван, игнани топаман, деб кўнгли тўқ эди, унинг кўнгли тўқлиги Самгиннинг хунук шубҳаларини орттирарди:

«Унинг тирикчилиги нимадан?»

Самгин Иваннинг меҳмондўст уйини ўз ичида «махфий ресторан», «текин майхона» деб атар ва бу уйда ўзини ноқулай сезарди. У кўрардики, Иван Дроновнинг ҳамма одамлари Иван билан бир хил хусусиятга эга бўлиб, Иван сингари улар ҳам бир нарсадан ташвишланар ва ваҳимага тушардилар. Кундалик ҳаёт воқеаларининг боришидан бу кишилар ундан, Самгиндан кўра кенгроқ хабардор эканликларини у кўриб турар ва бу одамлар унинг гапларини эшитмаётганларига ва ҳатто унинг бор-йўқлиги билан ишлари бўлмаётганлигига иқрор бўлиб, ўзини таҳқир этилган ҳисобларди. Самгин одамларнинг майлига қараб тезда андаза бичишга, таъриф-тавсиф этишга, уларга баҳо беришга одатланган эди, бу майл сўзларда ифода қилинганлиги учун у бу одамларни ташкилотчилар ва ишбузарлар деб иккига ажратарди. Биринчи тўдага диловор Ногайцев бошчилик қиларди, у кўзларида ёш пайдо бўлгудек ҳаяжонланар, ўнг қўлининг бармоқларини бир-бирига жуфтлаб, юзи қаршисида силкита-силкита уқтирарди:

— Мамлакат инқилобни бошидан кечириб, тинчланди, энди ишламоқда, бойимоқда — европалашмоқда. Столипин кескин иш кўрди, лекин унинг аграр ислоҳоти туфайли биз ғалладан жуда яхши ҳосил олдик...

— Шу билан бирга осилган инқилобчиларга ва ерсиз қолган деҳқонларга эга бўлдик,— йўғон овозда, хотиржамлик билан гап қистирди Говорков.

— Тўғри!— унинг гапини қувватлади кунни кеча университетдан ҳайдалган Борис Депсамес, бу металл тугмалари қора ва кул ранг тугмаларга алмаштирилган нимдошгина студентча тужурка кийган, жингалак

қора сочли, кенг елкали, қадди-қомати келишган йигит эди.

— Сиз Говорков маънавий кўрлиги билан ўзини умр-бод бадном этган бир партиянинг аъзосисиз,— деди жеркиб Ногайцев ва жуфтланган бармоқларини худди ҳидлаётгандек бурни қаршисида ҳануз силкита-силкита яна ҳазин овозда деди:

— Биз, халқ социалистлари, асл демократлар маданиятнинг ўсишини қишлоқнинг иштирокисиз тасаввур этолмаймиз. Биз — кўрлар эмасмиз, шунга кўра металлургиянинг ривожланишини олқишлаймиз, чунки қишлоқ хўжалик машиналари керак қишлоққа. Чўянга бўлган муҳтожликдан қутулмоқ учун паст баҳо билан хориждан чўян олиб келишга ҳукуматнинг ижозат берганини мен шахсан табриклайман...

Ишбузарларга Тагильский бошчилик қиларди,— у қоронғи бир бурчақда ўтириб, шошилмасдан ва эрингандай бўлиб эътироз билдирарди:

— Чўян, балки «Снарядлар ясаш учун рус жамияти»га ва шу хилдаги бошқа фабрикаларга кетса нима дейсиз? Фақат чўян билан темир эмас, цемент билан гишт ҳам етишмайди, буларнинг барини сотиб олмоқ учун биз жуда кўплаб ғалла сотишимиз керак.

У кўзларида истеҳзоли табассум ўйнаб миллион-миллион сўм билан ўн миллионлаб пудни бир-бирига уриштириб, эҳтирос-ла рақамларни қалаштириб ташлади.

— Ерсиз деҳқонлар минг-минглаб хуторларга ўт қўйиб отрубчиларга қарши бош кўтариб турган бир пайтда уларни юпатиш ҳақида гапиришингиз эрта эмасми?

Тагильский рақамларга ишқибозлиги эсга тушиб, шошилмасдан ва жиддият билан санай бошлади: 1 декабрда университетдаги йиғинга икки мингга яқин студент тўпланди, полицеймейстер Гессе университети икки юз эллик миршаб юборди, Зерентуе билан Вологдадаги қамоқхоналарда ғалаён кўтарилди.

— Буларга меньшевикларнинг икки легал газетасини ва большевикларнинг бу ерда чиқадиган «Звезда» газетасини ҳам қўшиб қўйинг. Бу нима деган гап?

— Истардимки, социалистлар бир-бирининг гўштини ейишсин,— жаҳл билан қичқирди Хотяинцев.

Чой дастурхон атрофида Орехова қизариб, терлаб кетган башарасини дам ўтмай рўмолча билан артиб ту-

фаркан, англиз «суфражист»¹ хотинлар фаолиятидан завқланар, ўзининг Панкхерст билан учрашуви ҳақида завқшавқ-ла гапирар, Роза Грейман билан Тося индамай унинг гапларига қулоқ солишар, Шемякин Тося билан ёнма-ён ўтирар экан, мўйловининг чап учини бурай-бурай унинг тўшларига кўз ташлаб қўяр, гоҳ-гоҳ димоғ билан паст овозда хиргойи қиларди:

Исо пайғамбардан сўйладилар кўп,
Қовурилган гоздан сўйладилар хўп,
Гап бўлди сиёсат, ҳатто шеърият,
Ароққа урдилар ўзни оқибат,—

бу Чеховдан бўлса керак?

Грейман жаҳл билан деди:

— Чехов шеър ёзмаган.

— Ёзмаган? Чакки қилибди.

Янги пайдо бўлган бу бойвачча Самгинни айниқса асабийлаштираётганди, агар Клим Иванович нафратланишни билсайди, ўша одамдан нафратланган бўлур эди. Шемякиннинг зўр бериб ва бемалол Таисьяга мулозамат қилиши унинг гашини келтираётганди. Самгинга шу нарса равшан эдики, бу хомсемиз киши истаганини қила оларди. Самгин эса, буни эътироф этгиси келмай, фақат ана шу беозор, лобар ва мулойим аёлни кўриш учуноқ Дроновникига келиб турарди. Шу вақтгача ҳеч бир хотин бирга яшамоқ учун унга бу қадар муносиб бўлиб кўринмаган эди. Назарида бу хотин ҳали ҳам унга савол назари билан боқиб ундан нимадир кутаётгандай эди. Лекин ҳар сафар Самгин унинг ўзига хуш ёқишлигидан сўз очганида, Таисьянинг юзи мароқсиз, ифодасиз бир тусга кириб, пинагини бузмай индамай қоларди.

— Анави Шемякин ёқадими сизга?— сўради Самгин.

— Йўқ,— деди хотин, бу сўз шундай эшитилдики, унинг тўғрилигига шубҳа қилиб бўлмасди.

— Нима иш қилади ўзи у?

Хотин елкаларини қисиб деди:

— Бадавлат киши.

— Яна қандай ҳунари бор?

¹ Суфражист — суфражизм тарафдори. Суфражизм — XX аср бошларида Англияда хотинларга эркаклар билан барабар сайлов ҳуқуқи берилишини талаб қилган буржуа хотин-қизлар ҳаракати. (Тарж.)

— Билмайман. Ҳа, айтгандай, скрипка чалади.

— Чалганини эшитганмисиз?

— Қаерда эшитаман? Бизникида чалмаган. Консерваторияда ўқиган, концертлар бериш нияти бўлган, дейишади.

— Жуда сизга мулозамат қилгани қилган.

Хотин яна елкаларини қисди.

— Давлатманд одам бўлганидан кейин зерикади. Ҳамма нарсаси бўлгач, нима қилсин?

Унинг соддадиллик билан берган саволлари Самгинга ҳуш ёқаётганди ва деярли ҳамиша унинг саволлари замирида яна ҳам болаларга хос фикрлар борлигини сезарди у.

— Давлатманд одамлар ёқадими сизга?

— Йўқ, албатта.

— Нега энди?

— Э, уларнинг нима кераги бор? Ахир уларга энди ҳеч нарса керак эмас, ҳамма нарсалари бор, ҳеч нарсанинг қайғуси йўқ.

Сўнгра, Таисья қовоғини солиб деди:

— Сиз ҳаммангиз мени бола қилиб гиж-гижлаяпсизлар.

У бадавлат одамлар камбағалларда ҳам бойишга ҳавас уйғотишлиги тўғрисида гапира бошлаган эди, бироқ Таисья қовоғини солиб, унинг гапини тўхтатиб қўйди:

— Бас! Акс ҳолда мени аҳмоқ қилмоқчисиз, деб ўйлаб қоламан.

Йўқ, у буни истамасди, бу хотин унга керак эди, Таисьянинг бундан кўра аҳмоқроқ бўлишидан манфаатдор эмас эди у. Куни кеча шундай бир ҳодиса юз берган эдики, у Таисьянинг хатарли ўйин ўйнаётганини сезиб қолган эди.

Бир ҳафтача бўлибдики, Самгин Дроновникига бормай қўйган эди, шу сабабли Юриннинг вафот этганидан хабари йўқ эди, дафн маросимига у кўчада дуч келди. Дафн маросимлари одатда қиш кезлари айниқса ғамгин бўлади, устига-устак Самгин Варваранинг дафн маросимини ҳам хотирлаб қолди: ўшанда ҳам совуқ қаҳрига олган, шувиллаб шамол эсар, худди шу тарзда тобут қўйилган арава қаршисидан майда, қуруқ қор бўралаб турар, лоқайд одамлар эса, гўё тобутни пайқамагандек, шошилинч одимлаб унинг ёнидан ўтиб боришарди, шу аснода ўша қайғули фикр Самгиннинг кўнглига келди:

«Бир кунмас бир кун мени ҳам...»

Юринни саккиз одам — беш эркак билан уч аёл: Таисья, Грейман ва пахтали қалин кофта кийган, шол рўмолга бурканиб олган, оёқлари калта кампир кузатиб борди. Таисья бошини тик тутиб, қовоғини солиб борарди, ушоққина Роза ва кампир билан баравар қадам ташлаш унга ноқулай бўлаётгани кўриниб турарди, у ё олдинга кетиб қолар ёки орқада қолиб эркакларга туртинарди. Эркаклардан фақат қоракўл қалпоқ кийган биттаси мўйнали пальтосининг ёқасини кўтариб олиб, соқолдор юзини яшириб борарди, учтаси, чамаси ишчилар эди, бешинчиси эса юзи қирилган мўйлови оқарган мўйсафид бўлиб, паҳмоқ папағини ансасига суриб, кенг пешанасини очганча сербутоқ ҳассасини қорга санчиб-санчиб борарди. Самгин бир неча сония тўхтаган эди, Таисья уни кўриб қолди, — хотин унга бош ирғади. Энди унинг ёнига бормаслик ноқулай бўларди.

— Мана, ўлди-кетди, — деди Таисья секингина ва ўша ондаёқ қовоқ солиб барала гапирди:

— Йигирма тўққизда эди. Олти йил умри қамоқхонада ўтди. Ун етти ёшидан бошлаган эди. Уни кузатгани жосус юборишди, ҳў, ана кетяпти!

У боши билан йўлгага ишора қилди.

— Қўйсанг-чи, Таисья Романовна, — хириллаб деди ҳасса тутган киши.

Самгин йўлгага кўз қирини ташлади-ю, аммо у ердагиларнинг қайси бири жосус эканини аниқлай олмади.

— Аनावи хотин онасимиз? — сўради у, кампирни кўрсатиб.

— Йўқ, яшаган уйининг эгаси. Унинг туғишганлари йўқ. Манавилардан бўлак.

Сўнгра, Таисья елкаси оша тобутни кузатиб бораётганларга боқар экан, сўради:

— Нега кўринмай юрибсиз?

Самгин кечқурун келажagini айтди-да, нарига кетди.

«Зоҳиран қўпол кўринса-да, ўзи раҳмдил, кўнгли бўш. Таня Куликова, Любаша Сомова, Анфимьевна тоифа одам. Ўзини хизмат учун яратилган деб ҳис этадиганлардан, — Самгин тез-тез қадам ташлар ва бирор киши мени кузатмаяптимики, деб беихтиёр атрофга аланлар экан, шундай фикрга келди. — Лекин кимга хизмат қилиш барибир, Митрофанов ҳам шу тахлит кишилардан.

Қадимги қулдорлик, христианлик анъаналари барҳам топмаган. Отам айтганидек, Исҳоқлар...»

Таисьяни шу тахлит бачкана одамлар қаторига қўйишга тўғри келаётгани Самгинда бир қадар таассуф туғдирса-да, лекин айтилиб вақтда бу унинг Таисья тасодифан тушиб қолган муҳитдан уни олиб чиқиб кетиш ниятини мустақамларди. У совуқдан жунжиб, Некрасов шеърини овоз чиқариб ўқиб борарди:

Зулматларда озганда йўлдан,
Имон сўзин чиқармай дилдан,
Қалбимни пок айлаганим он...

«Ҳа, у билан узил-кесил гаплашиш зарур...»

Шунга қарамай, оқшом у ҳар қалай Дроновникига оёғи тортмайгина йўл олди,— Тагильский билан кўришиш эҳтимоли унинг кўнглини ғаш қилаётганди. Тагильскийни Дроновникида кўраркан, нимадандир чўчиганини ва бир зумгина: Тагильскийнинг ёнига борсаммикан ёки бормасаммикан?— деб ўйлаганини у ҳали-ҳали унута олмасди. Бироқ башанг кийинган, ғип-ғипалоқ Тагильский қип-қизил юзида мулойим табассум билан ўзи унинг ёнига келди.

— Содом ва Гоморра!— у Самгиннинг қўлини силкиб, кўзойнак остидан боқар экан, шўхгина саломлашди. Кайфияти чоғ Тагильский, ундан прокуратурани «бўшатиб қўйишни илтимос қилганлари» ва энди ўзининг «эркин қуш» эканини бирпаснинг ўзида тўкиб солди.

— Конституция банкларнинг ривож топишига жуда қулай имкон яратади, мен эса экономика соҳасидаги найрангбозларнинг ишқибози сифатида истиқболлар ва имкониятлар тўғрисида турли-туман докладлар ёзиб ётибман. Банклар чипқон каби болалаб, кўпайиб боряпти.

Унинг хушчақчақ башараси, гапларининг ҳазиломиз оҳанги Самгиннинг ташвишини бир қадар енгиллаштирган бўлса-да, аммо Тагильскийнинг шубҳали, хатарли одам эканлиги тўғрисидаги унинг ишончини ҳар қалай йўққа чиқара олмади.

«Маринанинг ишида у мени доғда қолдирди,— хафа бўлиб ўйлади Клим Иванович.— Чув туширди».

Самгин Таисьяни ёлғиз дуч келтириш умидида Дроновникига атайдан барвақтроқ жўнади, бироқ у ерда Хотяинцев билан Говорков аллазамон стол атрофида рўпарам-рўпара ўтириб олиб, бақира-бақира уйни бошларига кўтараётган эканлар.

Хотяинцев тирсагини столга қўйиб ва унга тиралиб олиб:— Ашаддий банкротларни ҳимоя қилишга барҳам беринг,— деб бўқирарди.— Азеф партиянгизга қатрон суртди, «Почин» тўдасининг ликвидаторлари Авксентьев, Бунаков, Степа Слетов эса бу партияни адои тамом қилдилар. Собиқ дўстим, сургунда менга ҳамхона бўлган Степа Слетов яхши йигиту, аммо сиёсатчи эмас, ўтакетган романтик. Егор Сазонов бўлса раҳбарлардан ор қилиб ўзини отиб ўлдирди.

Танобчи ўзининг бақироқ овозини осонликча идора қилар, худди ўқиётгандай гапирарди, унинг йўғон овози студентнинг луқмалари, қичқириқларини босиб кетаётганди. Клим Иванович бу одамларнинг афти башарасига илк бор диққат билан назар сола олган эди: Хотяинцевнинг суякдор, чечак тошган чўзинчоқ юзини бесўнақай тишли оғзи хунук қилиб кўрсатар, бетининг ҳар ер-ҳар ерида оқиш соч толалари тутам-тутам сочилиб турар, қовунсифат чўзинчоқ бошида ҳам шу янглиғ оқиш соч толалари тўзғиганди. У ўзини бир «таъвия» деб ҳисобласа-да, бироқ жуда чиройли мовий йирик кўзлари юзига ҳусн бағишлар, теран кўзларида сезилар-сезилмас истеҳзоли табассум жилваланарди. Говорков — ўрта бўйли, қадди-қомати келишган, мўйловдор, чорси соқолли, кўзлари қора, буғдой ранг одам эди, унинг соқоллари, қирилган ёноқлари асабий дириллаб турар, у баланд овоз билан қичқириб ва сўзларни ямлагандай бўлиб гапирар, оқ оралаган жингалак сочлари бошида силлиққина ётиб, ипак каби товланарди. Говорков қайси бир вилоятда физикадан дарс берар ва маҳаллий газета босиладиган кичик бир матбааси ҳам бўлган экан. Еттинчи йилнинг охирида газета ёпилиб, Говорков қамоққа олинган, лекин орадан кўп ўтмай у «дарс бериш ҳуқуқидан маҳрум этилиб» қамоқдан озод этилган экан. У дарс бериш ҳуқуқини тиклаш учун ҳаракат қилгани Петербургга келади, Думада ўзига иш топиб, муаллимлик ҳуқуқини тиклаш йўлидаги ҳаракатини гарчи тўхтатган бўлса-да:

— Бу қандай бедодлик ўзи — одамни ўз севган ишидан маҳрум қилиш, ҳаётининг маъносидан бебаҳра этиш! — деб шикоят қилгани қилган эди.

У асабийлашиб, тутақиб, стулда сакрай-сакрай қичқирирди:

— Ёлғон! Сазонов ўзини отиб ўлдирганининг сабаби бўлак...

— Самгин Таисьяга шивирлаб:— Сиз билан гаплашмоқчи эдим,— деди, Таисья унга қаттиқ тикилди-да, жавоб берди:

— Яхши. Лекин эшитиб олай, уларнинг нима дейишаётганини...

— Мен қишлоқни яхши биламан, Думага сайловда сизнинг одамлар нима дейишганини ҳам биламан,— деб қулоқни кар қилгудек бўлиб бўкирарди Хотяинцев.— Ҳеч ўйлаяпсизми, сизларда нима сабабдан поплар бунчалик кўпайиб кетганини? Хўш?

Шу пайт Дронов билан Шемякин ширакайф кириб келишди, улар ҳар вақтдагича янги бир хабар тўғрисида жар солишди: министр Кассо Москва университетининг дабдаласини чиқарибди, Петербург университетидан тўрт юз, Варшава университетидан — юз эллик студентни ҳайдаш ниятида эмиш.

Хотяинцев узун лабларини шундай тишладики, энгаги олдинга чиқиб, хунуккина чол кишининг юзи каби буришди, у янги хабарни охиригача эшитиб, пишиллаб нафас олди-да, хафа бўлиб деди:

— Ванечка, сен кўпдан буён ўт ўчирмаган ўт ўчирувчи каби севиняпсан... Худо ҳаққи, шундай!

— Овозингни ўчир, Мордвин!— деб қичқирди Дронов.— Хўш, Италия — Туркия уруши бўлишини истамайсизми? Хо-хо-хо! Бари бизга фойда... Италиялар шунда биздан кўпроқ ғалла сотиб олишади...

Шемякин каттагина конфет қутисини Тосянинг олдига қўйди, сўнгра унга эгилиб, бир нарса деди, хотин йўқ, дегандек бошини қимирлатди.

— Йўқ, сиз бир эйтибор беринг,— Хотяинцев, худди сувда чўкаётган одамдай, қўлларини силкита-силкита бақирарди.— Армиямизга Остзей баронлари Ренненкампфлар, Штакельберглар қўмондонлик қилишмоқда, қаерга борма, шу берглар билан кампфларни кўрасан. Урта мактабда эса чехлар. Доннинг тошкўмирига французлар эга бўлиб олишган. Мана энди бессарабияликлар ёпирилишди: Кассо, Пуришкевич, Крушеван, Крупенский ва бошқалар, ҳаммасини санаб адо қилолмайсан! Хўш, биз, руслар нима қиляпмиз? Довдираб, лақиллаб юрибмиз, шундайми?

— Сиз русмисиз ҳали?— заҳрини сочиб сўради Говорков.

— Менми?— Хотяинцев ҳайрат билан унга боқиб,

юзини Дроновга ўғирди:— Вая, Мордвин — менинг та-
халлусим эканини айтиб қўй унга.— Сўнгра у Говорков-
га шикоятмиз боқиб, гапини давом эттирди.— Ҳой,
бола, мен русман, рус қишлоқ муаллимининг ўғли, поп-
нинг неварасиман.

Самгин Шемякин билан Таисьяни зимдан кузатар
экан, ўйлади:

«Дронов уни шу аҳмоққа пуллайтиди».

Одамлар бирин-кетин келишаверди, болари йиққан
ширасини келтиргани каби, уларнинг ҳар қайсиси бирор-
бир янгилик: латифами, далилми, ғийбатми келтирарди.
Университетдан куни кеча ҳайдалган студент, яҳудий
кантонистининг¹ невараси Ерухимович латифаларни қо-
йилмақом қилиб айтарди, бу йигитнинг бутун вужудини
шу қадар тук босган эдики, унга ўттиз ёшдан кам бериб
бўлмасди. Унинг сочлари телпак тахлит, қоп-қора ва
тикандек қаттиқ эди, ёноқлари кўкимтир, мўйлови ўрни-
да энлиқкина кўкиш йўл бўлиб, қалин қошлари мўйлови-
нинг ҳам ўрнини босар, у чимирилган қошлари остидан
ғамгин боқар, огир-огир нафас олар, қалин оч қизил лаб-
ларини лаззатланиб чўлпиллатар ва қўлларини орқасига
яширганча, кулимсирамасдан, жарангдор, аммо кулгили
бир маънос овоз билан гапирарди:

«Невский проспектидан шу ерлик икки киши ўтиб бо-
рарди, бири иккинчисига:

— Эҳ, аҳмоқ!— дебди.

Уларнинг ёнига бир миршаб келибди:

— Полиция идорасига марҳамат қилинг.

— Нима учун?

— Аъло ҳазратларини ҳақорат қилганингиз учун.

— Э, оғайни, ақлингдан оздингми ўзи? Мен ўзим-
нинг дўстимни сўқдим!

— Илтимос қиламан, қаршилик кўрсатманг. Ҳамма
билади-ку, бизда аҳмоқ кимлигини!»

Бу латифа одамларнинг анча кўнглини кўтарди, ҳам-
ма мириқиб кулди, одамлар яна илтимос қилишди:

— Яна айтинг, Ерухимович! Илтимос, яна! Жуда бо-
лайсиз-да!

Ерухимович ифодасиз кўзларининг сўниқ боқиши би-
лан ҳаммани назардан кечирар экан, яна айтди.

Ҳамма латифалар бир хилда аҳмоқона бўлиб туюлди

¹ Кантонист — крепостнойлик ҳуқуқи давридаги Россияда
солдатларнинг ўғли шундай деб аталар эди. (Тарж.)

Самгинга. У бугун Таисья билан гаплаша олмаслигига кўзи етиб, чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин Роза Грейманнинг гапи уни қизиқтириб қолди.

Роза ҳозиргина келган эди, у ҳам янги бир гап топиб келган бўлиши керак, аммо унинг гапи ишонинқирамай қарши олинди. У стулнинг суянчигига ёнлама ўтирганча бир қўли билан суянчиқни ушлаб, иккинчи қўлининг бармоғи билан Хотяинцев ва Говорковга пўписа қилиб гапирарди:

— Сизлар гимназистларга ўхшайсизлар. Назарингларда, инқилобни сизлар қилгансизлар, кулгили Думага эга бўлдинглар, демак ҳамма ишлар битди, энди катта одамсизлар, европаликсизлар, шу вақтга қадар ўрганган нарсаларингизни унутиб юборишлик учун энди дарсликларни куйдиришингиз мумкин, шундоқми?

Дронов букчайиб бутилканинг тиқинини чиқарар экан, кучаниб бақирарди:— Бопла, Роза! Савалайвер, ортиқча мағрурланмасинлар!

Розани тезлашнинг зарурати йўқ эди, унинг кучли, ингичка, аммо ҳароратли овози худди бурғу каби шовқинсурон бағрига ўйиб кирар, Хотяинцевнинг минғиллаб жаврашлари, луқмалари унинг овозини бўғолмасди.

— Сизларни дорга осмаганлари учун галаба қилдик деб ўйлайсизлар. Шундайми?

— Нима демоқчисиз?— деб бақирди Говорков.

Шемякин Говорковга қаради-да, каттакон қирмизи олмага ўхшаш юзини бир ери оғриётгандек буриштирди.

— Сиз эски народниклар сингари мағрурликка бериляпсиз,— деди Роза.— Ўзингизни аллақандай қонунлар асосида яшайдиган ўзига хос бир олам деб ўйлаяпсиз.

— Э, бу гапингиз тўғри эмас,— деди Хотяинцев очиқдан-очиқ таассуф билан.

— Тўғри эмас? Йўқ, тўғри. Ҳатто саксонинчи йиллардан бошлаб то бешинчи йилгача сиз Европа ҳаётига ва умуман, дунёга кўпроқ диққат қилар эдингиз. Энди сизни Европа ва ҳукуматнинг ташқи сиёсати қизиқтирмай қўйган. Бу сиёсат эса жиний сиёсат, ўзининг бемаънилиги билан жиний сиёсатдир. Эронга солдат юбориш нима деган гап? Балконда олиб борилаётган шубҳали ишчилар-чи? Польша, Финляндияга қарши, яҳудийларга қарши миллатчилик сиёсатининг кучаюви нима деган гап? Сиз буларни ўйлаяпсизми?

Самгин ҳеч ким билан хайрлашмасдан, билинтирмай

чиқиб кетди. Шемякиннинг нақадар хушомад қилаётганини, унинг мушукники сингари эҳтиросли кўзларининг порлаб туришини ва унинг гапларини Таисья нақадар диққат билан тинглаётганлигини кўриш Самгин учун чидаб бўлмас бир ҳол эди.

«Дронов газета учун бу мушукдан пул сўраб, эвазига хотинини тортиқ қилади, аблаҳ,— деган қатъий қарорга келди у.— Бу фикри уни кутганидан ортиқ хафа қилиб, газабини қўзғатаётганини эътироф этишни истамасди Самгин. У бу аламли муваффақиятсизликни ўша заҳоти кўнглидан чиқариб юбормоқчи бўлди.— Бу яҳудий қизи ҳақ. Ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланиш лозим. Ҳа, шундай.

Сўнгра у, Дроновникида бўлгандан кўра Елена ҳузурда бўлиш кўнгиллироқдир, лекин Елена билан бирга яшаш мумкин бўлса-да, бу Таисья билан яшашдан кўра қулай бўлмаган бўлур эди, деб ўйлади.

«Эрка бўлиб кетган. У билан кўрган кунинг шовқин-сурон билан, тўс-тўполон билан ўтади. Лекин у аҳмоқ эмас. У билан — бемалолгина...»

Кунлар, ҳафталар, ойлар тобора зудлик билан ўтиб бораётгандай эди. Бундай таассурот туғилаётганига, чамаси, сабаб шу эдики, Прозоровнинг сиҳати ёмонлашиб, энди ишлашига бутунлай имкон бермай қўйган эди, ҳолбуки вилоятда унинг мижозлари ниҳоятда кўп бўлиб, Клим Иванович Новгород, Псков, Вологдага тез-тез бориб турарди. Вилоят ўша-ўша кўрганича эди: либерал адвокатлар ўша-ўша эҳтиёткор эдилар, мижозлар ўша-ўша нохуш, меҳмонхоналардаги хизматкорлар уқувсизлик билан хизмат қилишар, дилгир, шавқсиз аҳоли тирикчиликнинг икир-чикирларига асир бўлиб қолган, ниҳоят Петербург суд палатаси округининг извошчилари ўша аввалича ва ҳамма ерда бўлганидек сули баҳосининг ошганлигидан шикоят қилганлари қилган эди.

Агар «Рус халқи иттифоқи» газетасининг беҳуда гингшиши ва шовқин-сурони мустасно қилинса, вилоят 905—7-йиллар воқеаларини бошдан кечирганидан кейин бирон жиҳатдан ўзгаргани кўзга ташланмас эди, лекин одамларда тўкин-сочин ва хилма-хил овқатланишга бўлган ҳақ-ҳуқуқ ортиб боргандек кўринарди.

Баҳорда Елена эрини чет мамлакатга олиб борди, ордан етти ҳафта ўтгач эса Самгин ундан: «Антон вафот этди, шу ерда дафн этаман», деган телеграмма олди. Бир

неча кундан кейин Елена хориждан қайтди, унинг аввалдагидан ҳам кўра оч ранга бўялган сочлари эғнидаги ғайри одатий оддийгина одми кўйлагига сира монанд эмас эди. Самгин хотинни асабийлаштираётган нарса ҳам айни шудир, деб ўйлади. Лекин маълум бўлдики, ҳаётни суғурта қилиш француз жамияти Прозоровнинг ўз хотини номига ёздирган суғурта ҳужжати бўйича унга пул тўламабди.

— Ким билади, нима демоқчи ўзи улар,— деди Елена норози бўлиб.— Мунча пулни яхши кўришмаса бу мулойим французлар. Қўлимда васиятнома бор, консул ўзи аралашди, барибир беришмади!

Сўнгра, бирмунча ҳовридан тушиб илова қилди:

— Беришга беришади-ю, аммо 50 минг франкдан воз кечишимни талаб қилишмоқда, мен бўлсам икки юз мингнинг ҳаммасини ола қолсам дейман.

У энди фараҳ-ла кулимсираб деди:

— Бу ердан ҳам 60 минг сўм оламан. Тирикчиликка етади, тўғрими?

Сўнгра у Самгинга ҳамма ишларни қўлга олишни ва Прозоровнинг эски ишлари юзасидан тегадиган гонорарнинг тўртдан бир қисмини ўзига беришни таклиф қилди.

У Самгиннинг юзига диққат билан боқар экан: — Тўртдан бири кўпми?— деб сўради. Самгин авваллари ярмини оларди, шу сабабли тўртдан бир қисми кифоя қилишини айтди.

Хотин кулди.

— Ҳазиллашдим, азизим Клим Иванович. Менга ҳеч нарса керак эмас. Хасис эмасман. Антонни менинг фойдамга ўзини суғурта эттиришга унатганим рост! Лекин ўзимни сотадиган бўлсам, арзон-гаровга сотмайман. Тўғрими?

Хотиннинг гаплари уни ғазаблантираётганини кўрсатмоқчи бўлиб Клим Иванович елкаларини қисиб: — Ўзини сотиш деб сиз нимани атаяпсиз?— деб сўради. Хотин эса кулимсираб, қўлларини ўз атрофида айлантира-айлантира юбкасини қоқиб деди:

— Гап бундоқ! Менга илтифотингиз керак эмас, азизим, сохтакорлик қилманг, керакмас! Мен ўз қадрини биладиган одамман.

Ҳа, у билан муомала қилиш осон ва оддий эди. Лекин, умуман олганда эса, ҳаёт тасодифлар билан Самгиннинг яна ташвишга сола бошлаётганди. Киевда Столипинни

ўлдиришди. Дроновнинг квартирасида — уни ким ўлдирди: ўз соқчиларими? Ёки эсерлар партиясининг террорчиларими? — деган савол атрофида музокаралар жуда қизиб кетди. Мубоҳасанинг шиддатли тус олгани Самгинни ҳайратга солди: бу мубоҳасаларда одатан террорчиларнинг ишлари туғдирадиган севинч-қувончдан асар йўқ эди, унга шундай туюлдики, мубоҳаса қилаётганларнинг ҳаммаси норози, ҳатто министрнинг қатл этилганидан хафа ҳам.

Бундай кайфиятни туғдирган Тагильский бўлди; у бармоқлари билан энгагидаги тукларини силар экан, деди:

— Маълумки, охранада эсерларнинг вакили ҳамда партиядо полиция департаментининг вакили фақат биргина Азеф эмас. Ўқ узган киши пушаймон бўлган провокатор, деган гап бор, яна шундай гап ҳам юрибдики, сўроқ вақтида у: ҳаёт — маъносиз бир нарса эмас, лекин унинг маъноси котлет ейишдан иборат, мен яна мингта котлет ейманми ёки емай қоламанми, бунинг аҳамияти йўқ, негаки, эртага мени дорга осишади, деган эмиш. Сазоновлар билан Каляевлар бунақа гапларни айтмаганлари учун,— мен жаноб Богровнинг хатти-ҳаракатини полиция департаменти механизмининг кичик бир аварияси деб баҳолайман.

Унинг осойишта ва илтифотсизлик билан айтган бу гапи одамларни ҳовридан туширди, Ногайцев эса севинч билан бундай деди:

— Тамомила тўғри!.. Бу — очиқдан-очиқ давлатга дахлдор иш. Аҳвол чатоқ, ҳа. Ахир Лопухиннинг хатти-ҳаракати ҳам, биласизми, унчалик мақтанарли иш эмас!

Ногайцевнинг овозида Самгин ҳамшиша ғайри самимий бир оҳанг туярди. Ногайцев шу гапни айтди-ю, хижолат чекиб, ўша заҳоти қичқирди:

— Айтмоқчи, Распутин ҳақида Мария Ивановна нималар билиб келганини эшитинг.

Орехова дарҳол гап бошлаб, сибирлик мужикнинг қилган айш-ишратлари, унинг подшо оиласига яқинлиги билан мақтанишлари, маликага таъсирининг кучли экани тўғрисида ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган одамдай аниқ ҳикоя қила кетди.

Тагильский бир қўлида стаканда чой, иккинчи қўлида печенье тутганча Самгинга яқинлашиб борди-да, ундан сўради:— Буларнинг бари нормал иш кўраётган давлатга унчалик ўхшамайди, шундаймасми?

— Ҳа, аллақандай бемаъни,— жавоб берди Самгин.

— Лекин армияни кўпайтиряпмиз, флотни тикляяпмиз. Анави йигит эса кулгили шеърлар ўқимоқда,— эшит-яписизми?

Қора костюм кийган, бўйнига заррин парчадан бўлса керак, ялтироқ галстук боғлаган қора сочли, юзи заҳил бир йигит кенг пешанасини чимирганча жиддият билан шеър ўқирди:

Ҳаёт ваҳшатидан қочиб, монастирь —
Айш-ишрат лойнга отамиз ўзни
Шу бизнинг ватанга хизматимиздир,
Шу билан енгамиз ҳар ёлгон сўзни.

— Тўрт қаватли полякча фамилияли Пермь: губерна-торнинг ёки подшо оиласига қарашли ерлар мутасаддисининг ўғли бўлса керак у. Умуман, йирик бир бюрократнинг ўғли. Икки марта ўз жонига қасд қилган. Ҳаётда бунақаларнинг ўрнини босиш сиз билан менинг зимма-мизга юкланган.

— Бу у қадар кўнгилли истиқбол эмас,— деди эҳтиёткорлик билан Самгин.

— Шундайми ҳали? Мен бўлсам, биласизми, министр бўлгим бор. Витте эса ўз мартабасини стрелкачиликдан бошлаган...

Шоир ўнг қўлини чўнтагига суққанча сўл қўли билан ҳавода бир нимани тутаётгандай бўлиб, оёқ устида гандираклай-гандираклай кўзларини чала юмиб шеър ўқирди.

Ҳеч қайдан тополмай бошпана, паноҳ,
Сўзлар туманига беркина-миз биз...

Тагильский чуқур нафас олиб:— Аҳмоқ,— деди-да, ўзини четга олди.

Бу одамнинг хулқ-атвори Самгинни ҳали ҳам ташвиш-лантираётганди, унинг хулқида ҳатто Самгиннинг нафсониятига тегадиган бир нарса бор эди. У ерда, вилоятда у Клим Ивановичнинг хоҳишига хилоф бир тарзда шундай бир муносабат ўрнатган эдики, буни у бу ерда давом эттиргиси йўқдек кўринар эди. Нима сабабдан истамас эди буни?

«У ерда у ҳар нарсани тан олар, рой келдилик қиларди, бу ерда эса Дроновникидаги учрашувлардан мам-

нун бўлиб, меникига келмади, келиш нияти ҳам йўқ. Ҳай, мен уни таклиф қилмадим, деяйлик. Лекин шунда ҳам...— Маринанинг ўлдирилишига алоқадор шубҳали ишда ниманингдир очилмай қолгани Самгинни айниқса ташвишлантираётганди.— Бу хусусда у ҳатто мен билан гаплашишдан ҳам қочаётир».

Янги, 912-йилни Самгин Еленаникида қарши олди.

Камида эллик нафар одам йиғилган эди. Артистлар, адвокатлар, ёш адабиётчилар, сапёрлар батальонининг икки офицери, бўйнига орден осиб олган бир мўйсафид ва унинг қизариб пишган дўмбоққина кулчадек ёшгина рафиқаси бор эди, ёшлар, студентлар, олифта кийинган, алланечук паст бўйли ўспиринлар кўп эди. Уч хона танаффус вақтида театр фойесида бўлганидек тирбанд ва ғовур-ғувур эди, лекин қирғовул сингари ранго-ранг кийинган уй соҳибасининг узундан-узоқ ёлворишларидан, «Диққат! Силенция!¹ Жим бўлинглар! Сўз санъаткорларга!»— деган қичқириқларидан кейин баъзан жамоат истар-истамас жим бўлар ва артистлар, нотиқларга навбат келарди.

Тўқ қизил ипакка ўралган ушоққина, ориқ артист Краснохаткинанинг кўйлаги остидаги қизил туфли кийган, эчкиники сингари ингичка оёқлари кулгили бир тарзда чиқиб турарди. У қора кўзларини шифтга қаратганча худди кўр одамдай қўллари билан ҳавони пайпаслаб ғамгин бир ҳолда шеър ўқирди:

Биз — тузоққа тушган ҳайвонлар
Ўктирамиз қўлдан келганча.

Ҳамма мамнуният билан қарсак чалди, у Ерухимович билан дуэт айтишга бажону дил рози бўлди, Ерухимовичнинг овози ёқимли, ширали баритон экан, у Краснохаткина билан жўр бўлиб илтижо қиларди:

О, тун! Бизни яшир ўтмай он,
Чойшабингни устимизга ёп,
Унут қилмоқ дорисини топ,
Ғампок дилм бир опасимон
Юпантиру айлагил шодмон!

Одамлар яна қарсак чалишди, лекин норози овозлар ҳам эшитилди:

¹ Жимлик соқинлик (лот. *silentia* сўзидан).

— Жа-ноблар! Бунчалик гам-гуссанинг нима кераги бор?

Эгнига фрак кийган, галстугининг тўғнағичига йирик яшил тош ўрнатилган, запонкалари ҳам яшил рангдаги навқирон, лекин сочлари тўкилиб кетган жўр бўлувчи:— Тўғри!— деб қичқирди.

— Гам-гуссага қиргин келсин!

Орденли чол оппоқ чўққи соқолини тутамлаганча ёш-ялангларга уқтирарди:

— Биз ўн иккинчи йилни, Наполеон устидан ва Европа армиялари устидан қозонган галабамизнинг юз йиллигини, ваколатли идора усулимизнинг еттинчи йилини қарши олмоқдамиз — шундаймасми? Биз буюк қадам ташладик, эндиликда эса...

— Тўғри!

— Қани, бемалол ўйнаб-кулинглар, болалар.

— Хор!

— Франция билан дўстона муносабатимиз бу муҳим санани муносиб равишда нишонлашимизга монелик қилади, — деди қатъият билан чол, ёшлар эса бир-бирларини итара-итара жипслашиб баланд овоз билан куйлашарди:

Олис элдан, элларки олис...

Ерухимович тошдек тўнган башарасини қимир эттирмай дона-дона қилиб ўқирди:

Шонли меҳнат, меҳнатни деб ҳам —

Хушчақчақ эрк учун ахир биз

Тўпланишдик бунда жамулжам...

Қирра бурни устига пенсне қўндирган сариқ башара бир ўспирин хорнинг олдига сакраб чиқиб:— Бас!— деб қичқирди. — Битсин саводсиз қўшиқлар! Биз бу ерга қайси бир олис мамлакатдан келибмиз? Ҳаммамиз руслармиз ва ўзимизнинг рус мамлакатимизнинг пойтахтиданмиз.

— Тўғ-ри!

— «Тўлқинлар сингари шитобкор бўлиинг»— жўр бўлувчи!

— Тўлқинлар бўлсин!

Яшил тошлар билан безанган одам боши ва қўлларини силкита-силкита клавишларни босарди, Ерухимович эса якка ўзи куйлай бошлади:

Самгин, бундай ғамгин сўзлар билан нолиш қилиб у одамлар устидан кулмаяптимикиан, деган хаёлга борди.

— Э, бу қанақаси, — деб қичқирди қўшни хонадаги бир киши, — Янги йил шунақа қўшиқ билан кутиб олинар эканми...

— Подшо Николай Иккинчи айтганидек, «Оригинал бўлганда ҳам қандоқ», — деб унинг сўзини қувватлашди.

Лекин Ерухимович пинагини бузмай куйлайверди:

Улсанг кўмиб қўярлар, яшаманинг гўё сен,

Чириб кетсанг — турмасан...

Бир неча киши бараварига:— Бас!— деб қичқирди, уларнинг ичида хотин-қизларнинг ўткир овози айниқса ажралиб турарди, эгнига сопол рангдаги матодан ажабтовур қилиб тикилган, белбандли сюртук кийган, сариқ башарали, ориқ киши яна дик этиб турди. У қадди-қоматини кўз-кўз қилиб, оёқ устида пирпиракдек айлана-айлана, қўллари силкита-силкита фиғони ошиб гапирарди:

— Буни эшитишга одам уялади! Бу аҳмоқона, бемаъни қўшиқни ёшларнинг уч авлоди айтиб келди. Бу ажабтовур ёшлар демократиянинг сиёсий ҳаракатида фаол қатнаша туриб, нима учун мағлублар қўшиғи бўлган «Нагаечка»дан бўлак биронта ҳам жанговар қўшиқ яратмади энди?

— Офарин!

— Ажойиб гап!

— Тўғри! — деб тасдиқлади жўр бўлувчи очиқдан-очиқ қувонч билан.

— Қандингни ур!

Ҳамма қарсак чалиб, нотиқнинг гапиришига имкон бермас, лекин у балиқ шапиллашига ўхшаш олқишларни кесиб қичқирарди.

Ерухимовичнинг овози эшитилди:

— Алябьев, сен «Сатирикон»да жамоатни кулдириб юргандан кўра Руже де Лил ролини ўйнасанг бўларди...

— Баҳсни тўхтатинглар!

— Бадбинлик билан ёшликни бирлаштириб бўладими?

— Бўлади!— деб қичқаришди унга жавобан. — Ўз жонига қасд қилганларнинг аксарияти ёшлардир...

— Бас!

— Келинлар, «Кўхна дунёнинг баҳридан ўтайлик»ни айтамин.

— Қани, баҳридан ўтиб кўр-чи, аҳмоқ, — тўнгилади Ерухимович, унинг терлаб кетган башарасидаги миссифат кўзлари Самгинга тик боқар, худди уни итараётгандай эди.

Бу одамга бирор гап айтиш керак эди.

— Жуда ёқимли овозингиз бор экан, — деди Самгин.

— Характерим эса ёқимсиз, — жавоб берди студент.

— Шунақами?

— Шунақа.

Самгин суҳбатни давом эттиришга уринмай: «Қўпол, устига-устак ақлли ҳам эмас», — деган фикрга келди.

Одамлар «Марсельеза»ни ёқтиришмади.

Аччиқ йиғлар эди азамат йиғит,

Барқут либосига тўкиб кўз ёшлар.

Улар фақат шу бандни айтиш билан кифояланишди.

Прозоровнинг котиби ишлайдиган хонада буфет жойлашганди, одамлар у ердан оғизларидагини чайнаб, лабларини ялаб, хушқайф бўлиб чиқишар, қизишиб даҳанаки жанг бошлашарди.

Шовқин-сурон кучайиб борар, бир неча жойда баҳс давом этар, бу ердан сўзлар гулхандан сачраган учқун каби атрофга сочиларди. Қўшни хонада биров айюҳаннос солиб қичқирарди:

— Йўқолсин, маънавий қашшоқликни ёювчилар, эркинликни бўғувчилар, рационализмга муккадан кетганлар!

Баланд бўйли, тўралардек савлатли, жингалак сочлари оқарган, афти башарасидан ҳаётдан безган ва ҳориган машҳур адвокат ва назмчи рояль ёнида туриб нотиқлик қиларди.

— Ўн тўққизинчи аср — бадбинлик асридир, адабиёт ва фалсафа оламида ҳали ҳеч қачон бу асрда бўлганича бадбин одамлар бўлмаган. Бунинг сабаби нимада эканини аниқлашга ҳеч ким жазм этиб кўрмади. Бунинг сабаби эса тамомила равшан: ҳамма бало материализмда! Ҳа, худди материализмда! Моддий маданият бахт-саодат яратмайди, йўқ, яратмайди. Нақадар ажойиб бўлмасин, нарсаларнинг миқдори маънавиятни қониқтирмайди. Мана шу ўринда Маркс назарияси қаршисида енгиб ўтиб бўлмас ғов туради.

(Ерухимович) ҳаддан ташқари назокат билан ортиқча камтарликнинг тўқнашуви ҳақида украин тилида қизиқ бир

латифа айтарди. Назокат соҳиби яхши тарбия кўрган, либерал фикрли бир киши бўлиб, Ерухимович камтарлик деб бир мамлакат тарихини атаган эди. Тарих еб-ичишни хуш кўрадиган, лекин ор-номусини ерга урмай яшаган ўрта ёшлардаги бева бўлиб, у Романовлар зодагон оиласининг холаси эди. Камтарлик билан назокат орасидаги муносабатларнинг моҳияти бирининг ожизлигидан ва иккинчисида ташаббуснинг етишмаслигидан иборат. Латифа шу билан тугадикки, орада ниҳоятда одобсиз учинчи бир кимса пайдо бўлиб, холани зўрлайди, ҳомиладор қилиб қўяди ва ўзининг табиат қонунига амал қилганини сезган хола бутун қолган одамларга:

— Кўзимдан йўқолинг, аҳмоқлар!— дейди.

Клим Иванович билан ёнма-ён стулда новча, ориқ, сочлари олимона тўзиган адиб Орлов тебрана-тебрана ўтирарди, у «Биржа ведомостлари» анкетасида ўзини «народникларнинг сўнгги классиги» деб таърифлаган эди. У бир қўли билан тиззасини силар ва иккинчи қўлидаги папирос билан дирижёрлик қилар экан, комик ролларда ўйнайдиган оддий кийинган ва хунуккина артист қизга бўғиқ овоз билан ҳикоя қиларди:

— Аҳмоқларни кўкнори билан боқишади. Деҳқон хотиннинг бола билан овора бўлишга, уни эмизиб ўтиришга ва умуман, бунақанги ишларга вақти йўқ. У кўкнорини чайнаб, ундан эмизик ясайди-да, боланинг оғзига солиб қўяди, бола уни сўра-сўра ухлаб қолади. Ҳа, кўкнори уйқу келтиради, ундан афюн, морфий қилишади. Наркотик.

— Билмаган нарсангиз йўқ экан, ҳамма нарсадан харбардорсиз-а!— деди хотин хўрсинар экан, қойил қолиб.

— Бўлмасам-чи? Ҳу, анавилар марксизм ҳақида муҳокама юритганлари юритган, сўраб кўринг-чи, деҳқон хотиннинг тирикчилиги қандай деб? Буни билишмайди. Китоб бандалари улар. Мунофиқлар.

Китоб бандалари Самгиннинг орқасида ўтириб Жемсининг «Диний тажрибанинг хилма-хиллиги» билан Дюпрелнинг «Мистика фалсафаси» орасида ўхшашлик ахтарар ва буни топишарди. Машҳур адвокат роялнинг ёнида туриб хуноб бўлаётганди:

— Рухсат этинг! Инглизлар Шекспирни ўйлаб топишган, бизнинг эса Леонид Андреевимиз бор.

Қўшни хонада биров севинч-ла дерди:

— Сабр этинг! Италиялар туркларнинг додини бериб,

Қора денгизда бизга қўшни бўлиб оладилар, Дарданеллни очадилар...

— Кейин биз уларнинг додини берамиз...

— Хўш, нима деб ўйлаяпсиз? Бўлиши мумкин!

Елена Самгинга яқинлашиб, шивирлаб сўради:

— Зерикмаяпсизми?

— Йўқ.

— Ростдан айтяпсизми?

— Ростдан.

У бармоғини Самгинга ўқталиб, соатига қаради.

— Дастурхонга ўтирадиган вақт бўлипти.

Адвокат ва назмчи чаққонлик билан Еленани қўлтиқлаб олиб, ўзининг елкаси оша кимгадир гап уқтирарди:

— Япон урушининг охиридаги ва 5—7-йиллардаги воқеалар биз вулқон устида, ҳа-ҳа, вулқон устида яшаётганимизни кўрсатди!

Кечки овқатга ёзилган дастурхон емакхонанинг бутун бўйини эгаллаб, меҳмонхонагача чўзилган эди, бундан ташқари деворлар тагига ҳам ҳар қайсиси тўрт кишига мўлжалланган яна бир неча столчалар қўйилганди. Қизил ва тўқ сариқ рангдаги қоғозлардан ясалган розеткалар электр лампаларининг ўткир нуруни бир қадар заифлаштириб турарди, бунинг натижасида стол устидаги шиша ва кумуш буюмлар илиққина порлар, одамларнинг чеҳраси эса мулоим ва ёш кўринарди. Фрак кийган икки қари қарол ва лўлига ўхшаш хизматкор хотин меҳмонларга хизмат қилаётганди. Елена Прозорова стул устига чиқиб олиб, шодхуррам бошчилик қиларди:

— Жой билан кавалерларни хонимлар танлашади.

— Адолатсизлик бу! Ҳар бир хонимга иккитадан ва ҳатто ундан ортиқ кавалер тўғри келади.

— Хўш, ортиғини нима қилиш керак?

— Жой топилади.

— Стол остиданми?

— Хизматкорлар етишмайди, илтимос, ўзинглар қарашинглар,— деб қичқирарди Елена, Самгин эса мулоҳаза юритарди:

«Хотинлар Еленани ёқтиришмайди: хонанда аёл, чол кишининг маъшуқаси. Лекин у ўзини яхши тутяпти».

Пичоқ ва вилкаларнинг шарақ-шуруғи, шишаларнинг жаранг-журунги сўзлар ва жумлаларни янада жонлантириб, ўткирлаштираётгандек эди. Алябьев малла сочли бошини силкита-силкита нотиқлик қиларди:

— Ваколатли идора усулимиз такомиллашмаган, деб фараз қилайлик. Лекин Германия кўрсатаётган намуна, рейхстагда ишчилар синфи вакиллари сонининг ортиб бораётгани бу системанинг ривожланишга қобил эканлигидан қатъий далолат беради.

— Бу баҳс қиладиган гап эмас, — деб қичқирди биров.

— Германия дунёда илк социалистик давлат бўлади.

Алябьевнинг пенсени ойналарида сариқ учқунлар чақнади.

— Ваколатли идора усули ёшларни сиёсат билан шуғулланишдан қутқаради. Сиёсат Фаустларни Дон-Кихотларга айлантиради, инсон эса ўз моҳиятига кўра Фаустдир.

Самгиннинг қаршисида ўтириб, бир бўлак ветчинага ҳафсала билан мой суртаётган жўр бўлувчи:— Тўғри, — деди ва бир неча бор маъқуллаб, қирмизи юзида табассум билан силлиқ таралган бошини ирғади.

Жўр бўлувчининг қўшнилари чап тарафда — «сўнгги классик» билан комик ролларда ўйнайдиган артист қиз, ўнг тарафда эса — баҳайбат семиз шоир эди. Самгин шу нарсани хотирладики, бу барзанги йигит 905-йилга қадароқ ўз сонетида кариотлик Иуданинг ҳаммага маълум, лекин бунга қадар ҳеч ким томонидан маъқуланмаган хатти-ҳаракатини маъқуллаган эди. Азефнинг сотқинлик ишлари ва бошқа сиёсий хонликлар ҳам ўз-ўзидан Самгиннинг ёдига тушди. Шунингдек, у ғайри ихтиёрий равишда шу нарсани ўйлаб қолдики, йигирманчи асрда Иуда поэзия билан проза асарларининг бот-бот қаҳрамони бўлмоқда, бу қаҳрамонни изоҳламоқдалар ва оқламоқдалар.

«Тор Гедбер, Леонид Андреев, Голованов, швед бир хотин, немис Драйзер», — деб ўйлади Самгин, негаки мубоҳасаларга қулоқ осиш уни зериктираётганди, у ўйлар ва одамларга разм соларди.

Шоирнинг ёнида ўтирган сариқ башара Алябьев ола балиқни вилка билан титкилай-титкилай ва худди стол остидан сакраб чиқмоқчи бўлгандай асабийлашиб кифтларини учираб, оч бинафша рангда тор ипак кўйлак кийган савлатликкина хонимни туртгани туртган эди. Хоним қўшнисига ёлворарди:

— Туртмасангиз-чи, Митя!

Самгиннинг қўшниси лабларини чапиллата-чапиллата ўйчанлик билан унинг қулоғига деди:

— Бизнинг авлодимиз орасида ҳамфикрлик кўпроқ эди... Энди одамлар хилма-хилроқ... бўлиб қолишди. Бал-

ки бу фикр эркинлигидир, а? Келинг, инглиз ароғи ичайлик...

Инглиз ароғи ичишди, кейин аллақандай хин ароғи ичишди, Самгиннинг тепакал кўшниси — қарашлари лоқайд, соқол-мўйлови актёрча тоза қирилган, қора қош адвокат унга уқтирарди:

— Диабет касалига коньяк, юрак буруғи бўлганларга қорағат ароғи фойдали.

Ерухимович шеър ўқир, унинг овози кулгили бир тарзда ғамгин янграрди, у хўрсиниб:

Бемазагарчилик кўп сизда, ҳазрат,
Шунчалар кўпдирки, йўқдир асло ҳад!

деганида эса стол атрофида ўтирганларнинг ярмиси хахлаб кулиб юборишди.

Самгин: «Уларга кўп нарса керак эмас»,—деб мулоҳаза юритди.

— Жим!— деб қичқирди биров.

Камин устидаги соат ўтган йил шарафига оҳиста ғамгин мотам марши чала бошлади. Ҳамма ортиқча шовқин солмасликка ҳаракат қилиб ўрнидан турди. Соат жоми бир маромда ўн икки марта занг ургунча бўлган муддатда Самгин ўзига таъна қилгандай бўлиб ўйлади:

«Яна бир йил из қолдирмай ўтди-кетди...»

Ура, деб қичқирди, қадаҳлар жаранглади, одамлар, гўё чиндан ҳам оғир бир дақиқани бошдан кечирган каби хурсанд бўлиб бир-бирларини Янги йил билан табриклашди.

— Эшитайлик! Жаноблар, Платон Александрович бир гап айтсинлар... Эшитайлик!— деб қичқирди.

Машҳур адвокат ўзининг нотикилик истеъдоди билан одамларни хушнуд этгани анча вақтгача кўна қолмади, лекин ниҳоят ўрнидан туриб, чап қўли билан оқ оралаган, ҳурпайган сочларини тузатди, сўнгра қўлини кўксига, жилети устига қўйиб, қадаҳ тутган ўнг қўлини баланд кўтарганча лотин тилида гап бошлади, унинг илк жумласи ҳали босилмаган шовқин-сурон ичида кўмилиб кетди.

— ...деган эди Марк Аврелий. Айни фикрни, лекин бошқа шаклда, Сенека ҳам айтган, уларнинг ҳар иккиси Зеноннинг фикрини такрорлашган...

— Шунақа экан, гапни Зенондан бошлайвергин эдида,— деб тўнғиллади (Ерухимович).

Платон Александровичнинг худди хотинларникига ўх-

шаш йирик, чиройли кўзлари тўла маъно эди, у кўзлари билан ҳам бемалол ва маҳоратли гаплаша оларди. У сукут сақлаганда, кўзлари унинг зариф юзига умидсиз бир ифода багишлаб турарди, хотинларга боққанда эса, бу кўзлар катта очилиб, гўё бутун қалбини сирли изтироблар эзиб, кўнгли вайрон бўлган бир кимсага шафқат тилаётгандек бўларди. У хотин зотини ўзига мафтун қиладиган, она бахтини поймол этадиган бир одам сифатида ном чиқарган эди, хотинлар хусусида гапирганида, чеҳраси хомуш бўлиб қолар, кўкимтир кўз қорачиқлари қораяр ва боқишларида аллақандай машъум бир аломат пайдо бўларди. Энди ахлоқпараст файласуфлар тўғрисида гапирар экан, унинг кўзлари қисилди ва кўзларида такаббурона табассум ўйнади, бу эса унинг қизариб кетган чеҳрасига бирам ярашиб тушди.

— Қадимги дунё фалсафасига қилган бундай саёҳатим учун мени афу этишларингизни сўрайман. Мен христиан ахлоқини яратишга стоиклар¹ кўрсатган таъсирни сизларнинг ёдингизга солиш учун шундай қилдим.

Фалсафага оид кичик бир лекциянинг кенгайиб кетиш хавфи бор эди, буни эшитиш Самгинни зериктираётганди, нотиқнинг чеҳраси минг мақомга кираётганини кузатиб бориш ҳам бирмунча кўнгулсиз эди. У хотинларга эътиборини қаратди, бу ерда ўн беш нафарча хотин бор эди, фасоҳатли Платоннинг сеҳргар овози ва маънодор табассуми уларнинг барини афсунлаб донг қотириб қўйганди.

Еленадан бўлак ҳамма шу алфозда эди. Еленанинг шўхчан таралган сариқ сочлари, ўйноқи, ўткир кўзлари, ярқираган ясан-тусани уни оддий қушлар тўпига иттифоқо қўшилиб қолган бегона қушдек ажратиб турарди. У бармоқларини эшитилар-эшитилмас шиқиллатар, кулимсираб кўз сузиб, соқолдор семиз кишига бир нимани ҳикоя қилар, у киши эса Еленанинг гапини эшитар экан, кулгидан ўзини аранг тийиб, қизариб-бўзариб кетганди, соқоли ичида кўмилиб кетган оғзини у салфетка билан тўсиб олганди. Унинг тап-тақир бўлиб қолган калласи шу қадар ялтирар эдики, гўё кулги суяк билан терини тешиб ўтаётгандай эди.

«Мода билан ҳисоблашмас экан. Одамлар билан ҳам», — деб хайрихоҳлик билан ўйлади Самгин.

¹ Стоик — стоицизм тарафдори. Стоицизм — антик фалсафада материализм билан идеализм ўртасида иккиланиб турувчи оқим. (Тарж.)

— Мана, ниҳоят, биз руҳият оламининг эркин ўсишини чеклаш йўлидаги бу асрий уринишлар бизни социализм сари олиб келганини ва тенгликнинг даҳшатли ҳокимияти таҳдид солаётганини кўриб турибмиз. Жаноблар! Худога минг қатла шукурки, бу ерда биз ҳаммамиз тенг эмасмиз. Мен аминманки, сизлардан ҳеч бирингиз мени такрорламоқчи эмассизлар, шунингдек, мен ҳам сизлардан бирортангизни, гарчанд даҳо бўлганингизда ҳам такрорлашини истамайман. Табиатдаги бутун нарсалар — гуллар, металллар, минераллар каби ҳаммамиз хилма-хил одамлармиз ва ҳар қайсимиз ўз хусусиятимиз билан камсуқуммиз, ҳар кимга ўзининг такрорланмас ўзига хослиги азиядир. Мен шахсиятнинг хилма-хиллиги учун, руҳиятнинг эркин камолоти учун Янги йил қадаҳи кўтараман.

— Омин, — деди йўғон овоз билан Ерухимович, лекин унинг кинояли хитоби, гарчанд у қадар баравар айтилмаган бўлса-да, баланд ура садолари остида кўмилиб кетди. Адвокат вино ичиб, ҳаёсизларча Ерухимовичга қараб қўйди, Ерухимович эса ҳамма нарсани тамом унутиб, қадаҳга шампан қизил виноси қуйиш билан банд эди. Алябьев сапчиб туриб, жарангдор овоз билан шошилиб гап бошлади:

— Муҳтарам устозимиз ва ҳамкоримизнинг ажойиб нутқини олқишлайман, лекин олқишлар эканман, менинг бурчимдирки...

Унинг айни бурчи нима ва ким олдида бурчли экани номаълум қолди, чунки ҳамма кайф қилиб қолган ва ҳамма гапиргиси келарди.

— Комиссаржевскаяни ортиқча мақтаб юборишди...

— Е тавба! Сиз бўлмағур бир гапни айтяпсиз... Уни тушунишмади ва — кўриб турибманки — ҳали-вери тушунишмайди...

— Жорес аминдирки, немис ишчилари урушишга йўл қўйишмайди...

— Хўш, ишчилар бунга аминмилар?

— Комиссаржевская романтик драмалар учун яратилган актрисадир, лекин ўз истеъдодини реалистик пьесаларга сарфлашга мажбур бўлганлиги сабабли, ўзининг сўнгги сўзини айта олмай ўтиб кетди. Реализм санъатимизни хароб қиляпти.

— Афсуски, шундай! Бу мамлакатнинг бахтсизлигидир...

Ерухимович, вилка билан ҳавони кесар экан, қовоғини солиб туриб деди:

— Макрокосмда¹ — кометалар, микрокосмда² — бактериялар, микроблар, — ҳўш, биз инсонлар қандай яшаймиз? А? Қандай яшаймиз, деб сўраяпман ахир?

— Бу ҳазилкашлик! — деб қичқирди унга Алябьев, Ерухимович эса атрофга аланглаб:

— Шунақами? — деб сўради.

Орденли чол гапга араллашиб, амирона бир оҳангда қичқиргудек бўлиб деди:

— Тўғри, тўғри! Касалликлар кўпайиб боряпти, ҳа, шундай! Бизнинг молия министрлигимизда ўтган йил ўланлар сони...

Унинг хотини эслатди:

— Лекин ҳаммаси кексалар эди...

Аммо у дарҳол хатосини тузатди.

— Сендан анча катта ёшдаги одамлар эди улар.

Сариқ сочли бир йигит худди ярадор бўлган қуён сингари ингради:

— Ё тавба! Мунча ҳам биз ғояларга қашшоқ бўлмасак... Қани бизнинг лочинларимиз?

Кимдир парда орқасидан бошини чиқариб, ранжиган ҳолда эътироз этди.

— Хўш, Мережковский-чи? Лев Шестов-чи? Василий Васильевич Розанов-чи?

Самгиннинг қўшниси мудраётган одамдай сустлик билан ғўлдиради: — Шундай. Шахс. Тарихни ҳаракатлангивучи куч бу.

— Инглизларда Шекспир, Байрон, Шелли, ниҳоят — Киплинг, бизда эса — Леонид Андреев ва ялангоёқлар мадҳи, — уқтирди машҳур адвокат.

— Лекин бу Достоевскийдан бошланган, унинг «хўрланган ва таҳқирланган» одамларидан...

— Ёзувчиларимиз ўз ватанларини севишмайди, Россияни кўргани кўзи йўқ...

Унинг йиғламсироқ инграган овози хонадаги ғовур-ғувурни аста-секин ёриб ўтиб, ундан устун келаётгани, бу овоз столнинг охирида, гандираклай-гандираклай уй соҳибасининг ёнида турган, фрак кийган, ориқ, тухум шаклида-

¹ Макрокосм — олам, кoinот.

² Микрокосм — оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган олам, атомлар, электронлар олами. (Тарж.)

ги боши тепакал, бурундор кул ранг чўққи соқолли кишининг овози эди. У бир қўлини Еленанинг бўялган сочлари узра силкита-силкита, иккинчи қўлидаги салфеткани ҳавода елпита-елпита қичқирарди:

«Европа олдида шармандаи шармисор бўлдик! Аллақандай фирибгар, ялангоёқ, муттаҳам Распутин маликанинг унга ёзган мактубини рўкач қилиб мақтаняпти, малика мактубда, сенинг елкангга бош қўйсамгина роҳат қилман, деб ёзган эмиш. Келиб-келиб Россиянинг маликаси-я? Бу алдоқчи подшо оиласини ўз оилам деб атайдими ҳали?

— Распутин ҳақида ҳар хил фикрлар юрибди...

— Қизиқчилар, девона феълли, дарвишнамо одамларни ўзларига пашшахўрда қилганлар фақат рус подшоларигина эмас...

— Йўқ, тўхтанг! Бу одамга сарой аёнлари қуллуқ қилишади, министрлар қулоқ солишади,— шундоқмасми?

У шу қадар асабият билан йиғламоқдан бери бўлиб қичқирардики, гўё Распутин шахсан уни ранжитган, унинг ўрнини эгаллаб олгандай эди. Унинг гапидан норози овозлар эшитила бошлади, кимдир:

— Йиғиштиринг, ўша Распутинингизни...— деди.

Лекин у ҳануз гингшиб нолирди. Самгин елкасига кимдир қўлини қўйганини сезди. Бу Елена эди.

— Азизим Клим Иванович, бир нима денг. Бу ерда сизни кўпчилик танймайди, гапингизни эшитишади. Шовқин-суронга чек қўйиш керак. Столларни йиғиштириб олишсин, кейин танца қиламиз... Хўпми? Марҳамат!

Самгин, ўзи сезмаган ҳолда, ҳар вақтдагидан кўра ортиқроқ ичди. Боши ёқимли гувиллар эди, яна ҳам ёқимлироқ нарса шу эдики, бу одамлардан ҳеч бири у айта оладиганидан кўра зиёда бир гап айтмади, ҳеч ким унга таниш бўлмаган, у ўйлаб кўрмаган бир гапни айтмади. Демак, у бу одамлардан кўра тўқисроқ. Улардан кўра кучлироқ. Шундай бўлгач, бу одамларнинг қаршисида сўзламоқ учун алоҳида журъат талаб қилинмайди. Стол узра кўкимтир тамаки тутуни кезарди, тутун ичида хилма-хил қоматлар сузар, хиралашган кўзлар милтилар ва теvarак-атрофдаги ҳамма нарса тушдек ғира-шира, мулойим эди. Самгин ўрnidан турди, вилкасини қадаҳга уриб жингиллатди-да, одамларнинг бир қадар тинчишини кутиб ўтирмай, суддагидек ишбилармонлик билан аҳтироссиз гап бошлади.

— Жаноблар! Бу ерда айtilган гаплар ичида энг салмоқлиги — Фауст билан Дон-Кихот тўғрисидаги гап бўлди.

Бу мавзу бизга кўпдан таниш, Тургенев мавзудир. Лекин бу ерда уни бошқача бир тарзда қўйишди, аллазамон шу тариқа қилиб қўйиш лозим эди. Ҳа, бизларни Дон-Кихотлар қилиб тарбиялашмоқда. Болаликдан бошлабоқ оилада, мактабда, адабиётда жамиятга, халққа, давлатга, ҳақ-ҳуқуқ, адолат ғояларига жон фидолик билан хизмат қилиш зарурлигини миямизга қўйишади. Бизга тамомила аниқ ва равшан кўрсатилаётган бирдан-бир истиқбол,— бу оталарнинг оллоҳларига, уларнинг анъаналарига қурбон қилинган тавротдаги ўспирин Исҳоқнинг истиқболидир...

Шовқин-суроннинг тобора босилаётганини сезиб, Клим Иванович руҳланди ва овозини пасайтирди, чунки бақириб гапирганида, унинг кучсизгина товуши ҳаддан ташқари ширасиз ва чинқириб чиқишлигини билар эди у. Тутун орасидан унга тикилиб, синовчан назар солиб турган кўзларни кўрди Самгин. У дадиллик ҳис этди ўзида ва умрида илк дафъа дадиллик лаззатини туйди.

— Исҳоқнинг қўй билан алмаштирилганини биласизлар. Бизнинг замонамизда қўйларни худо йўлида қурбон қилишмайди, уларнинг жунини қирқишади ёки терисидан калта пўстин тикишади. Лекин кўҳна бутга янги бут қўшилди, бу — ишчилар синфидир, лекин барибир инсонларни қурбон қилиш зарурлигига ишонч ҳали ҳам бор. Мен Ленин таълим бергани каби пролетариат диктатураси воқитасида социализмни амалга ошириб бўладими-йўқми, деган масалани ўртага қўймайман ва ҳал этмайман. Бу масала менга тааллуқли масала эмас, чунки мен Дон-Кихот эмасман, лекин юксак истеъдод соҳиби бўлиш муҳтарам Платон Александровичнинг фикр ва туйғулари, тенгликнинг даҳшатли ҳокимияти ҳақида айтилган гапларда ифодаланган ҳислари, турган гап, менга жуда тушунарлидир. Мен шу ҳақда гапирмоқчиманки, пирронизм органи, оламни танқидий йўсинда тадқиқ этадиган Фауст органи бўлган бизнинг идрокимизни зўрлик билан ишонч органига айлантдиришди. Лекин мантиқдан келиб чиққан, ҳиссиёт кўмагидан маҳрум бўлган ишонч инсонда ажралиш юз беришига, унинг ичдан иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлади. Рус зиёлилари учун характерли бўлган беқарорлик, принципларнинг мустаҳкам эмаслиги, зиддиятларнинг кўплиги, маслакнинг тез-тез ўзгариб туриши каби сифатлар айти шу нарсадан, ана шу ажралишдан вужудга келади.

Клим Иванович Самгин бутун онгли ҳаёти мобайнида ўткир ақли билан роса ўйлаб топган, тамомила ўзиники

бўлган, жуда оригинал бир фикрни айтаётганига амин эди. Унга гўё у «совуқ ва дардли мушоҳадаларининг» натижаларини ажиб бир тарзда маҳорат билан ифода этаётгандек бўлиб кўринаётган эди. У ўз жасоратига мафтун бўлиб, эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритиш одатини унутди, айни замонда кимдандир қасос олаётгандек ҳузур қилди.

— Асосий меъёрнинг ана шу беқарорлиги натижасида биз Пётр Струве марксизмининг унинг янги славянофилча ватанпарварлиги билан, унинг «Танқидий қайдлар»ининг «Вехи» тўплами билан алмашгани, социал-демократлар партиясининг икки душман фракцияга бўлингани, террорчилар партияси марказий комитетига провокаторнинг суқилгани ва умуман, сиёсий провокаторларнинг кўпайиб кетгани каби фактларни, хоинлик фактлари кўплигини кўрамиз...

У нутқини давом эттира олмади, чунки халойиқ эшитавериб чарчаган эди ва энди мана бундай мастона хитоблар тобора тез-тез эшитила бошлаган эди:

— Сизнинг Дон-Кихот билан Фаустингиз Достоевскийнинг худоси билан шайтонидир...

— Тўғри.

— Етмишинчи йилларда тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб шахсни эътироф қилишарди...

— Элликтача шахс дорга осилганда эса...

— Сиз қабиҳона нарсаларни гапиряпсиз!

— Нега қабиҳона бўлсин!

— Орадан йигирма йилдан кейин қутулишнинг чораси қиёфасиз омманинг ўз ихтиёрида, деган фикрни тарғиб қила бошлади...

— Тўғри!

— Тўхтанг: нима тўғри?

— Жаноблар! Келинлар, нотиққа раҳмат айтайлик...

Уй соҳибаси бошчилигида ўн бештача эркагу хотин Самгинни баравар олқишлади, у ҳаммага таъзим қилди, Самгин ўзини шу қадар енгил ҳис қилдики, гўё олқишлар уни кўкка кўтариб аллалаётгандай эди. Машҳур адвокат унинг қўлини маҳкам қисиб, эркалаб деди:

— Сизга қойил қолдим. Шундай баркамол фикрлар айтдингизки...

Фрак кийган бурундор киши созанданинг тепасида жазаваси қўзигудек бўлиб қичқирди:

— Сиз эллик марта, тўғри, тўғри, дедингиз, ахир, нима тўғри?

Самгиннинг ёдида аниқ қолган нарса шу бўлдики, охирида кайф қилиб қолган Елена унинг ёнига келиб, қўлтиқлаб олди-да, деди:

— Мен сиёсатда ҳеч вақони тушунмайман, лекин, азим, сиз уларни роса боладингиз... Анави Платонга ишонманг. У аҳмоқ, лекин айёр. Шаҳватпараст ҳам. Қани, кетдик, ҳозир одамларнинг бир кўнглини очаман.

Елена роялнинг ёнида турарди, жўр бўлувчи шўх бир куйни чаларди, Елена яна ҳам аҳтирос билан куйларди, у одобсиз ҳаракатлар қилар, кўз қисар, мушук сингари жилпанглар, кичкина оёқларини оч рангли юбкаси остидан юқорига силкитарди.

Яшашни билардим, ҳа!
Қайда ўт ёшлик чоғим?
Қўлларим оппоқми, а?
Чиройликми оёғим?

Одамлар янгроқ, қувноқ нозик овозни бўғиб:
— Я-шанг!— деб қичқаришарди.

Пақ-пақ! Мана бошланди
Кадриль ўйини мана.
Пақ-пақ! Чиқиб алангам,
Вужудим хўпам ёнар!

Биров ўпкаси тўлиб:— Қиёмат!— деб бақирди.

Пақ-пақ! Оҳ, ҳаётим-эй!
Пақ-пақ! Айта қолай рост
Баъзи бировларни ҳа,
Биламан бир оз-бир оз!

Орденли чол мулойим овоз билан қиқиллади ва гўлди-раб гапирди:

— Унутилмас бир ҳол! Э, парвардигор...

Суратмисол пўримга
Туфлим оҳиста чўзсам,
Сўнг жажжи кўзойнагин,
Уриб туширсам ҳам кам!

Шу сўзлар оғзидан чиқар-чиқмас, Елена оёғини елкаси баравар кўтарди. Одамни ҳаяжонга солувчи бу қўшиқ

таъсирида Самгин уйига йўл олди, тушдан кейин уйқудан уйғониши биланоқ ўша қўшиқни хотирлади.

Орадан бир кун ўтгач, Прозоровнинг кабинетида, авваллари Самгин мижозларни қабул қиладиган ва ишлайдиган хонада Елена қўлида папирос билан чарм диванда ёнбошлаганча унга гапирарди:

— Ўша кунги учрашувда роса ичдингиз. Сиз жуда... тетик кўринасиз. Ҳам довураксиз.

Самгин унга яқинлашиб, диванга ўтирди, қўлидан келганича меҳрибонлик билан:

— Беранжени жуда ўхшатиб айтдингиз,— деди.

— Шундайми! Сизга ёққан бўлса, жуда хурсандман.

Елена қулайроқ ётиб олди-да, кўз қисиб, бармоқларини шиқиллата-шиқиллата деди:

— Бу мен учун дуодек бир гап. Латинча нима деб аталарди? Кредо квиа абсурдум¹, шундайми? Антон бу қўшиққа тоқат қилолмасди. У ахлоқпараст эди, бечора...

Сўнгра шундай бир ҳол юз бердики, бир неча дақиқа аввал Самгин бу ҳақда сира ўйламаган ва буни истамаган ҳам эди. Хотин бирмунча вақт кўзларини юмиб ётди-да, бир оқ тортиб, кўзларини салгина очиб шивирлади:

— Келинг, бўладиган ишга оддий қарайлик. У бизга ҳеч қандай мажбурият юкламайди, қўл-оёғимизни ҳам боғламайди, хўпми? Хоҳласак — такрорлаймиз, хоҳламасак — унутамиз-қўямиз. Дурустми?

— Жуда соз,— деди шоша-пиша Самгин.

— Упинг мени,— амр этди хотин.

Унинг мухтасарлиги Клиим Ивановичга жуда ёқиб тушди ва унинг кўз ўнгида хотиннинг нуфузини оширди.

«Ҳа, бу Алина эмас. Муғамбирликдан асар йўқ, оддийгина. Тажанг ҳам эмас...»

Елена билан иноқликнинг мустаҳкам бўла олмаслиги тўғрисидаги фикр Самгинни ҳатто бир қадар хафа қилди, унда таассуф ҳисси туғдирди, бироқ бу ҳис тезда йўқолди, унинг беозор ва пишиққина Таисьяга майли сусаймай, ҳатто кучайгандай ҳам бўлди. Лекин Самгин Таисьяга юрагини очишга илож топа олмасди, у негадир индамас, одамови бўлиб қолганди. Таисья Самгинга ортиқ савол назари билан қарамаётганини ва гўё у билан холи қолишдан қочаётганини сезарди. Таисья Иван Дроновни ташлаб,

¹ Ишонаман, чунки маъносиз бир нарса (латинча *credo quia absurdum*).

унинг, Клим Самгиннинг ҳузурига кўчиб ўтиш масаласини ҳал этаётганига у амин эди ва шу сабабли хотиннинг қатъий сўзини эшитишга Самгин унчалик ошиқмас эди. Айтилажак сўз айни ўзи кўзлаган сўз бўлажигига ҳам амин эди у.

«Ҳалол хотин»,— деб ўйлади у.

У Таисья ҳақидаги оддий ва равшан тасаввурини ўзгартира оладиган бир сабаб ҳам кўрмасди: бу хотин Дроновдан нимадир қарздор эди, унга миннатдорлик билан хизмат этарди, гарчанд у Дроновнинг бутун нуқсонларини кўриб турса-да, ва у билан яшаш унинг келажагини таъмин этмаслигини тушунса-да, ўз соҳибини ўзгартириш унга ноқулай, қийин эди.

«Анфимьевнанинг умрининг сўнгги йилларида Варвара унга жуда ёмон муносабатда бўлган эди, шунда ҳам Анфимьевна ҳар қалай бошқа ерга кетиб қолмади»,— деб Самгин ўз-ўзига эслатди ва Таисья Ремингтон машинкасида ёзишни ўрганиб олиши мумкин эди, деб ўйлаб қолди.

Самгинни Шемякин ташвишга солаётганди, лекин Дроновнинг унга монета бўлмаслигига тамомила амин эди у ва Таисьянинг сиёсатга қизиқиши Клим Ивановични асло ташвишга солмасди.

— Унинг сиёсатга қизиқиши азбаройи зерикканидан. Кўнгли очиқлигидан. Устига-устак бунинг мавриди эмас.

Алалхусус, кечқурун алламаҳалда Дроновнинг унча мунча кайф билан кириб келиб, ажабланган ҳолда бошини силкита-силкита бўғиқ овоз билан:

— Тоська кетиб қолди. Билдингми?— деб гўлдирагани Самгинни ҳайратга солди.

Самгин титради, вужудини ғазаб ўти қоплади. Самгин стол ёнида ўтириб, Готлиб Кунстлернинг шартномага кўра Фёдор Петлиндан 15 000 сўм жарима ундириб олиш тўғрисидаги чалкаш ишни кўздан кечирарди, эртага у судда сўзлаши керак, иш ўнгидан келган тақдирда мўмайгина гонорар олади. Самгин кўзойнаги устидан Иванга боқар экан, жаҳл билан дадил сўради:

— Шемякин ҳузуригами?

Дронов рўпарасига кресло қўйиб олди ва бир қўли билан унинг суянчиғини ушлаб, иккинчи қўли билан столга ғижимланган конвертни ташлади,— Самгин қайчининг учи билан конвертни қисиб, ижирганиб уни олди. Конверт нам эди.

— Ҳаво намми дейман?

Дронов ҳануз бошини тебрата-тебрата ва кўзларини қисиб:

— Ёмғир ёғяпти, жонга ҳам тегиб кетди ёмғир,— деб гўлдиради.

Самгин нимасидир рақамларга ўхшаган йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган мактубни ўқий бошлади: «Иван, сени ташлаб кетадиган бўлдим. Таниш-билишларинг ва бутун бу сафсаталар, югур-югурлар жонимга тегди. Буларнинг сенга нима кераги бор ва умуман, кимга керак, билмайман. Муттаҳамлар, ишёқмаслар тобора кўпайишяпти. Биласанки, мен сен билан яхши, дўстона ва очиқ муносабатда эдим, лекин кўряпманки, сенга керак бўлмай қолдим, шунинг учун сира ҳурмат қилмайсан мени. Шемякиннинг менга қандай шилқимлик қилаётганини кўриб турибсан, лекин у ярамас одам, шундай бир тубан одамнинг мен билан қандай муомала қилаётгани сенга барибир экани менга алам қилади, албатта. Унинг тумшуғига тушириш ўзимнинг ҳам қўлимдан келар эди, албатта, лекин сенларнинг ораларингда қандай иш борлигини билмайман ва умуман, сенинг ишларингга аралашини истамайман, аммо қилиб юрган ишларинг сира менга ёқмайди. Устига-устак ичкиликка тобора кўп ружу қиялсан. Сен яхшисан, билманки, аслида яхши одамсан, лекин ҳар куни мен меҳмонларингни едириб-ичиришим кераклиги ва шундан бўлак ишим йўқлигидан ор қиламан. Мен бошқа бирон нарсага ҳам ярасам керак, деб ўйлайман, жиддийроқ яшашни истайман. Хайр, Иван. Аччиқланма. Таисья».

Самгин хатни ўқиб, уни четга улоқтирди-да, бир неча сония Дроновга нафрат билан разм солиб турди. Иван ҳам нам тортган, эзилган кўринарди, у ҳали ҳам креслонинг суянчиғидан ушлаб турганча гоҳ-гоҳ бурнини тортиб, кўзларини қисиб ҳарсиллар эди.

«Аҳмоқ. Йиғлайдиган кўринади»,— деб ўйлади Самгин, сўнгра эса судья оҳангида деди:

— У ҳақ. Уйинг майхона, карвонсарой бўлиб қолган. Энг салоҳиятсиз маҳмадоналар йиғиладиган клуб. Сенинг назарингда, бу — сиёсий салон. У ҳақ...

Дронов бирдан креслони кўтарди-да, унинг оёқлари билан полни дукиллатиб уриб, бўлакча овоз билан сўради:

— Ким аблаҳ эмас? Аввал бошда бу унга ёққан эди. Бу ерга ҳар хил одам келади, ҳар тўғрида гап бўлади...

— Ҳеч нарсани тушунмасдан туриб,— гап қистирди Самгин.

Иван эса гўё кайфи тарқалгандай бўлиб:

— Йўқ, оғайни, ёлгон гапиряпсан,— деб эътироз билдирди.— Хато қиялпсан,— деб сўзини тузатди.— Тушунишлари лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини тушунишади. Сувараклар, сичқонлар... пашшаларни тушунишади, итлар, сигирларни ҳам. Инсонлар ҳамма нарсани тушунишади. Ичгани бир нима бер,— илтимос қилди у, лекин уй эгаси унинг илтимосини бажо қилишга шошилмаётганини кўриб, уни такрорлаб ўтирмай:

— Тоська ҳамма нарсани тушунар эди,— деб гапини давом эттирди.

Клим Иванович Самгин ўч олгандай бўлиб:— Сен учун жуда яхши хотин эди,— деди.

Дронов пешанасини ишқалар экан:— Буни ўзим ҳам биламан,— деб Самгиннинг гапига қўшилди.— У, оғайни... Ҳа, у менинг учун онадек эди. Кулгилими бу гап? Йўқ, куладиган жойи йўқ. Шундай эди,— деди ғўлдираб ва яна ҳам ҳушёрроқ тортиб давом этди:— Сени жуда ҳам ҳурмат қиларди, бир нима дейишингни, гапиришингни кутарди. Сен Янги йил кечаси нутқ сўзлаганингни кейинчалик билди...

Дронов жим қолди, ён чўнтақларининг жойида эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай кўкрагини пайпаслади.

— Хўш, сўнгра нима бўлди?— секингина сўради Самгин.

— Нимани сўраяпсан?

— Нутқни.

— Ҳа, айтгандай! Хафа бўлди. Сенинг ҳақингда мудом суриштираверди: ахир у большевик эмасми?— деб.

— Мени большевик дедингми ҳали унга?

Дронов бош ирғади, сўнгра чўнтагидан бир дафтарча чиқарди.

— Нутқимни унга бузиб етказишган бўлади, албатта,— деди Самгин.

— Билмадим.

Дронов дафтарчани кафтига тап-тап ура-ура яна гап бошлади:

— Мана, банкда қирқ икки мингим бор. Ун етти мингини қиморда ютдим, тўққиз мингини армияга қайишбоп тери сотиб топдим, ўн тўрт мингни майда-чуйдалардан йиғдим. Шемякин йигирма беш минг сўм ваъда қилган. Оз бу, лекин ҳар ҳолда... Семидубов ҳам беради. Ишқилиб

газета чиқади. Ўзимни гаровга қўйсам ҳам газета чиқараман! Ерухимович фельетончи. Удорошевичларнинг ҳаммасини гўрга тиқади. Унинг қаламидан нақ заҳар ёғилади. Газета чиқади, Самгин. Фақат Тоська... Эҳ, мени куйдирдида... Юр, бирон ерга бориб ужин қиламиз, хўпми?

Самгин ужин қилишдан бош тортди, лекин умидворлик билан сўради:

— Балки қайтиб қолар?

— Й-йўқ, келади деб кутмайман. Ахир биламан, унинг қаерга кетганини... уни Роза йўлдан урган,— деб гўлдиради Дронов, дафтарчани чўнтагига солаётди.

У Самгинни Кунстлер ва Петлин иши билан шуғуллана олмайдиган бир алфозда қолдириб кетди. Клим Иванович папирос тутатиб, бармоқлари билан қалин «иш» папкасини жаҳл билан черта-черта, Таисьянинг келишган қадди-қоматини, дуркун кўкракларини, унинг осойишта ва дадил ҳаракатларини, бир қадар ифодасиз, лекин гўзал чеҳрасини, илтифотли, ёлворувчи кўзларини яхшироқ кўз олдига келтирмоқ учун кўзларини юмди. У, бир куни қўлини Таисьянинг кўкси устига қўяр экан, хотиннинг сокин ва кулгили бир тарздаги: «У ердан нима ахтаряпсиз?»— деган саволидан довдираб қолганлиги эсига тушди. Бошқа бир сафар хотин ўзи тўсатдан Самгиннинг қўлини олиб, унинг кафтига боқиб туриб:

— Узоқ умр кўрасиз, умр чизигингиз узун,— деганини хотирлади.

«У қадар жозибадор бўлмаса-да, лекин Марина каби чиройли деса бўлади. Яҳудий қиз, ҳойнаҳой, уни большевикларга қўшади, шундан кейин қамоқ билан сургун нақд бўлиб турибди. Евгений Рихтер бўлса керак, агар чиройли хотин аҳмоқ бўлмаса, социализмга ишонмайди, деган эди. Таисья — аҳмоқ хотин».

Бироқ бу мулоҳазаси унга тасалли бермади.

«Ҳар қалай мен ҳам Дон-Кихотман, хаёлпарастман, хаёлимда турмушни тўқиш тарафдориман. Унинг эса уйдирмага тоби тоқати йўқ,— сира тоқати йўқ»,— деб у ўзини ишонтирар экан, Тосья билан қандай тинчгина ва роҳат қилиб яшаши мумкинлиги тўғрисида ўйлашни давом эттирди.

Клим Иванович Самгиннинг тасавури унчалик бой эмас эди, лекин ўзининг бу нуқсонини билгани билан буни у ўзининг фазилатларидан деб санарди. Янги йил кечасидаги нутқидан кейин у, социалистик матбуотни ўқиб

туришим керак, деган фикрга келди, гарчанд малол келиб бўлса-да, «Наша заря», «Дело жизни», «Звезда», «Правда» газеталарини озми-кўпми мунтазам кўздан кечириб турарди. Дастлабки икки газета ўзининг оғир, беўхшов тили ва кейинги икки газета билан арзимас масалалар юзасидан олиб борадиган схоластик мунозараси билан уни асабийлаштирарди, Самгиннинг назарида, бу газеталар ожиз, улар газетхонларга лозимича таъсир қила олмайдилар, уларда босиладиган мақолаларнинг шакли мунозараларнинг гоъвий моҳиятини обрўсизлантиради, материални парчалаб, майдалаштириб юборади, мақолаларда газабли жўшқинлик ўрнини илгариги ҳамфикрларга қарши бачкана, шахсий адоват олган. Умуман, булар бир тўда зиёлиларнинг газеталари бўлиб, улар саводсиз мужиклар мамлакати инқилобга — Самгин ёшлигида китобларни ўқиган Даниил Мордовцев ва халқни севган бошқа ёзувчилар тасвир этган «рус халқи сиёсий ҳаракатлари»нинг бари каби фақат «раҳмсиз ва шафқатсиз исён тусидаги инқилобга эмас, балки ислоҳотларга муҳтож эканлигини гарчанд тушунсалар ҳам, лекин бу ҳақда содда, равшан, ишонтирарли қилиб гапира олмайдилар.

Клим Иванович Самгин бу зерикарли газеталарда босилаётган бутун нарсаларни унинг ўзи анча таъсирлироқ, ёрқинроқ ва ўткирроқ қилиб ёза олишига амин эди.

Большевикларнинг газеталари уни янада кўпроқ гижинтирарди, гижинтиришгина эмас, адоватли ташвишга ҳам соларди. Бу газеталарни уни ўзи билан ўзини уриштириб қўйиш, унинг бутун баҳолари, бутун фикрлари янглиш эканлигига уни иқрор қилишдек очиқдан-очиқ бир ният сезарди. Бу газеталар киноя, истеҳзо билан иш кўрар, тилининг ғализлиги, фикрларининг дангаллиги билан уни газаблантирарди. Уларда босилган материаллар социал фалсафа билан ёритилар ва бу ҳам Самгин эътироз қилишга ожиз бўлган «жумлалар силсиласи» эди.

Клим Иванович майда фикрлар устаси эди, шунга қарамай ҳар ҳолда у шуни ўйлай олар ва тушунар эдики, бу «жумлалар силсиласига» қарши у фақат ўзининг биргина: «Истамайман!» деган сўзини айта оларди.

Ҳар сафар у большевиклар тўғрисида ўйлаганида, — большевизм унинг кўз ўнгида миқтидан келган, вазмин табиатли Степан Кутузов сиймосида намоён бўларди. Бу таълимотнинг асосчиси хорижда экан, Самгин бу таълимотни ҳали ҳам бўлса фантастик жумлалар силсиласи

деб атарди, Владимир Ленинни эса фақат шунчаки бир зиёли, китоб бандаси, ўз ватанида яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган бир инсон деб, ҳатто реал инсондан кўра шунчаки бир садо деб тасаввур этарди.

«Ҳойнаҳой, Гаршин ёки Глеб Успенский сингари асабий бир киши бўлса керак. Дон-Кихот, албатта».

Кутузов эса кўпдан таниш реал бир сиймо эди. У шу яқин орада ва ташкилотчи сифатида иш кўрмоқда. Ҳар сафар учрашишганда у ўзининг аҳамиятига, таълим бериш, фаолият кўрсатиш бобидаги ўз ҳақ-ҳуқуқига тобора кўпроқ инонаётган бир одам сифатида таассурот туғдиради.

Сўнги учрашув бундай таассуротни ғоятда кучайтирди.

Еленаникидаги нутқидан икки кун ўтгандан кейин у илтифот билан кулимсираб деди:

— Биласизми, Клим Иванович, сизнинг нутқингиз зўр муваффақият қозонди. Сиёсатда мен куркадан ортиқ тушунмасам керак, Дон-Кихотни қалин китобдаги кулгили расмлардан танийман, Фауст менинг назаримда оспарада кўрганам аҳмоқроқ бир одам, лекин сизнинг гапингиз менга ҳам ёқди.

Хотин кулимсираб ўйлаб турди-да, сўнгра деди:

— Бир оз шаҳарда яшаб, сўнгра қишлоқ аҳлига қандай мия қотириш кераклигини ўргатган ёш мужикка ўхшаб гапирдингиз. Гапим хафа қилмадими сизни?

— Йўқ, аксинча, кўнглимни кўтарди,— жавоб берди Самгин.

— Чорбоғимизда шундай бир мужик бўларди, у кулгили бир гапни айтарди: «Шаҳарда ҳамма чолғу чалади, ҳар бир кимса ўз куйини чалишга мослашган», дерди у.

Сўнгра хотин хабар қилди:

— Лаптев-Покатилов сизни ўз уйига таклиф қиляпти,— унинг кимлигини биласизми? У тентаккина бўлса-да, аммо жуда аломат киши. Дворянин, мулкдор давлатманд одам, бу ерда шаҳар бошлиғи бўлган чамаси. Шансонеткаларни¹, айниқса француз шансонеткаларини яхши кўради, уларнинг барини: Отеро, Фужер, Иветт Гильберни,— хуллас, машҳурларининг ҳаммасини билади. Унинг уйи ажойиб, емакхонасининг шифти тоғорага ўхшайди, нақшлар

¹ Шансонетка — капиталистик мамлакатларда суюқ мазмунли шўх ашулаларни ижро этувчи аёл. (Тарж.)

солинган, буни у «боярлар услуби» деб атайди. Бир хона лиқ-лиқ чинни асбоб, ажойиб, бежирим нарсалар бор.

Самгин кулимсираб:— Мен унга нега керак бўлиб қолибман?— деб сўради.

— Унга антиқа одамлар ёқади. Борамизми? Эски қадрдон сифатида мен ҳам таклиф этилганман,— деб илова қилди хотин кўз қисиб.

Мана, Клим Иванович Самгин каттакон бир хонада, қадимий рус нақшлари билан безатилган узун гумбаз шаклидаги шифт остида ўтирибди.

Хонанинг бир бурчагида — стол орқасида — икки киши ўтиришибди: бири фамилияси грекларникига ўхшаш машҳур профессор бўлиб, Самгин унинг лекцияларини тинглаган бўлса-да, бироқ қийин фамилиясини эслай олмади; унинг ёнидаги карикатурачилар тасвир қиладиган инглизларга ўхшаш новча, бакенбардли, ориқ бир киши эди. Сочлари тўзиган, ушоққина бир киши бир қўли билан столни, иккинчи қўли билан эса пиджагининг тугмасини ушлаганча йўтала-йўтала, нимжонгина овозда деди:

— Хуллас, биз кўрамизки...

Унинг нурсиз, сўлгин юзи чўчигандай кўринар, у бировдан шикоят қилаётгандай гапирарди.

Самгин билардики, саноат эгалари, хусусан, москваликлар Думанинг дворянча сиёсатини кескин танқид қилмоқдалар, Коновалов ва Рябушинскийларникида экономика ва ташқи сиёсат масалаларига доир суҳбатлар уюштирилган бўлиб, у ерда Пётр Струве ва аллақандай исми номаълум, лекин йирик меньшевик, докладлар қилишган. Бу хонада кўпасларга, фабрика эгаларига ўхшаш одамлар кўзга кўринмас эди. Бу ерда зиёлилар йиғилишганди, Самгин шахсан танийдиган ёки қиёфаларини расмларда кўрган сиймолар: у қадар машҳур бўлмаган профессорлар, адабиётчилар оз эмас эди, соқолини тутамлаб қўяётган чиройли оқиш юзли, саватдек қора сочли, боқишлари маъюс, «народникнинг охирги классиги», «Современный мир» журналининг муҳаррири Леонид Андреев, Ногайцев, Орехова, Ерухимович, Тагильский, Хотяинцев, Алябьев, зўр кийинган, сочларини антиқа қилиб тараган аллақандай хонимлар бор эди, бир хонимнинг сочлари қулоқлари ва ёноқларини шундай тўсиб турардики, юзи энсизлашиб ва ингичкалашиб хунук кўринарди. Уларнинг бари ўрта яшар, ўттиздан ошиб қолганди, бу ерда кўз-ойнак таққан, сочлари оқ, лаблари нозли чўччайган

бир кампир ҳам бўлиб, у қўлидаги дафтарчани елпигич ўрнида ишлатиб, бир бурдагина қорамтир юзини елпиб ўтирарди. Елена қаергадир кетган эди.

Хонанинг у бошида, девор ёнида фабрика ишчиларига ўхшаш бир тўда одам гуж бўлиб турарди, уларнинг аксарияти басавлат, соқолдор одамлар, уларнинг орасида икки ўспирин ҳам бўлиб, уларнинг бири — баланд бўйли, кенг елкали, ёноқ суяклари туртиб чиққан серҳаркат юзида ҳатто соқол-мўйлов ҳам сабза урмаган эди, иккинчиси эса бўйи унинг елкаси баравар келадиган, жингалак сочли сариқ бир йигит эди.

— Мамлакатда саноат тез ривожланмоқда. Йирик буржуазия ўз матбуотини ташкил этмоқда: бу ерда — «Слово», Москвада — «Утро России», Молия министри бошчилигида москваликлар хорижий давлатлар, аввало Германия билан тузилган савдо шартномаларини ўзгартиришни талаб қилишмоқда, — деб шикоят қиларди юрак олдириб қўйган киши тобора кучлироқ йўтала-йўтала.

Унинг гапини жуда диққат билан тинглашаётганди. Кам деганда элликтача одам нафас олаётган хона исбдим бўлиб кетганди.

— Ҳукуматнинг флот ва армияни кўпайтириш соҳасидаги тадбирларини Дума қўллаб-қувватлаётганини ҳам бу гапларга қўшиб қўйинг. — Сукунат ичида Кутузовнинг таниш овози эшитилганида Самгин беихтиёр белини букиб, бошини эгди.

Сўнгра Кутузов ишчилар тўдасидан олдинга чиқиб деди:

— Муҳтарам нотиқнинг шошилмасдан гапиришига қараганда анча-мунча фактлари бор кўринади ҳали, бу фактлар ҳаммага маълум, менинг эса атиги беш минутгина вақтим бор, сўнгра кетишим керак, шу сабабли фикримни айтиб қўя қолишга рухсат этинглар.

Самгин ўз елкаси оша эҳтиёткорлик билан унга боқди, Кутузов шведча чарм тужуркада темир йўл ишчисига ўхшарди, яна соқол қўйиб юборганидан, гўё елкалари торайиб, бўйи чўзилгандек кўринарди. Лекин афти башараси сира ўзгармаганди, аввалича катта очилган кўк кўзларида истеҳзоли таниш табассум жилваланарди.

«Ҳали ҳам ўша-ўша. Махфий агентларнинг уни тута олмаганлари таажжуб».

Сўнгра, Самгин кўрсаки, Кутузов ташқи жиҳатдан,

кийим-бошидан уни қуршаб олган одамлардан фарқ этмас экан.

Кутузов чекар, соқолидан тутун таралар, сўзлари аниқ, дона-дона эшитиларди.

— Булардан кўра ҳам қизиқарли, бошқача фактлар бор,— деди у, ижозат олгач.— Болқон иттифоқини ташкил этишда ҳукумат қандай иштирок этди? Италия-Туркия урушидан кейин дарҳол бошланган ва турган гапки, ўз олдига Туркияни бутунлай тор-мор келтиришни мақсад қилиб қўйган Болқондаги урушга ҳукуматнинг қандай алоқаси бор? Буржуазия бизни янги уруш билан меҳмон қилмоқчи эмасми? Ким билан? Нима учун? Мана булар зиёлилар бош қотириши лозим бўлган фактлар ва масалалардир.

Самгин девор билан шифт каби бўялган, нақшлар солинган, деярли кўзга ташланмайдиган эшик ёнида ўтирарди,— зич ёпилмаган эшик орқасида биров дилкашлик қиларди:

— «Дўстим, бу нарсаларни ё охиригача тушуниш керак, ёки тушунмасдан, кўзни чала юмиб яшайвер, дейман унга». — «Тўхта, ахир мен бош министрман-ку! — деб эътироз қилади у» — «Ундай бўлса бутунлай юмиб ол кўзингни!»

— Оҳ, қандай яхши бу! — қичқирди Елена.

Эшик орқасида бўлаётган бу дилкашлик Самгинга Кутузовнинг гапини эшитишга халақит бераётганди, лекин шунга қарамай, унинг нутқи чала-ярим қулоғига кирётганди.

— Рус зиёлиларининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, улар ўйлашда ҳамisha кечикишади. Уттизинчи ва эллигинчи йилларда Франция ишчилари синфий пролетар онгининг кучини кўрсатганларидан кейин ҳам бизда деҳқон меҳнатининг зўрлиги ва фабрика меҳнати тафаккурни ўтмаслаштиришлиги ҳақида ҳануз гапириб ва ёзиб келдилар,— деди Кутузов, эшик орқасида эса Еленанинг шодиёна овози эшитиларди:

— Уни бир дугонамнинг уйида иштончан кўргандим...

— Чамаси у ўша вақтдаёқ Романовнинг Юпитери билан кўришмоққа тайёрланган бўлса керак.

— Легал марксистларимиз ва уларнинг кетидан — меньшевиклар француз адвокатларининг тимсолини, йирик социализм билан таҳдид солиб, пролетариатга сотқинлик қилаётган ва капиталистларнинг қуролбардорларига айланаётган Брианлар, Милеранлар. Вивианилар

ҳамда майда буржуазиянинг руҳан уларга яқин бошқа азаматларининг йўлдан оздирадиган тимсолини куни кеча ўзлари учун ибратли деб баҳоладилар...

Самгин, соқолдор одам бу зайлда гапирмаслиги керак эди, деб ўйлади.

— Бўхтон!— деб қичқирди биров, унинг кетидан икки-уч киши бу сўзни такрорлади, бир неча одам дик этиб ўрнидан туриб, Кутузов томонга қўлларини силкита-силкита бақришарди.

— Орқа-ўнгингизга қараб гапиринг...

— Ёлғон!

— Хўш, «Вехи»чи? «Вехи?»

— А-ҳа!

— Демократияни «келажакнинг тубанлиги» деб таърифлаш-чи?

— Гуннларга ўхшаб, қайсики, «тафаккур ва эътиқод соҳиблари» уларнинг дастидан қочиб, ғорлар ва моғораларга яширинишлари керак.

— Россияда моғоралар йўқ!

— Нотўғри! Киев лавраси¹— моғораларнинг ўзгинаси...

— Одессада ҳам моғоралар бор.

— Рус зиёлилари ичида сотқинлар йўқ.

— Хоҳлаганингизча топилади!

— Лев Тихомировдан бошланг...

— Зиёлиларнинг қаҳрамонона ҳаётига тарих гувоҳ...

— Кечирасиз! У бутун зиёлилар ҳақида гапиргани йўқ...

Кутузов кулар, соқоли серкиллар, у ҳам қичқирарди:

— Кечирасизлар, мен гапимни тугатганим йўқ...

— Тугатишингизнинг кераги ҳам йўқ.

— Ниқобда ҳам таниймиз сизларни!

Елена кичкина эшикдан чиқиб келиб сўради:

— Нима гап ўзи?

Кўзларидан севинч ёғилиб турган қирмизи юзли гип-гипалоқ бир киши копток каби унинг кетидан пилдираб борарди.

Кутузов қўл силтади-да, қалин деворда ўрнатилган арк остидаги эшик томон юрди, яна бир неча киши унинг кетидан кетди, қичқириқлар авжга миниб, қизгин, алам-

¹ Л а в р а — революциядан илгариги Россияда баъзи қатта мо-настирларнинг номи. (Тарж.)

ли тус олиб борар, Тагильскийнинг таниш овози шовқин-суронни ёриб, тобора тез-тез ва қатъият билан эшитиларди.

Самгин ҳам Кутузовнинг гапини ўзига тегадиган гап деб билди ва руҳан сиқилди. Кутузов билан баҳслашишга журъат эта олмаслиги тўғрисидаги тушунчанинг ўзи уни айниқса эзаётганди. Бу одам Фауст билан Дон-Кихотнинг муросасизлигини тушуниши амри маҳол.

— Большевик. Большевиклар — демократлар эмас, йўқ!

Елена, кўзларини қисиб, шифтга, одамларга боқар экан, сўради:

— Қўзиқоринли пирогга ўхшайди, тўғрими?

Самгин хотинга индамай кулимсираб, Тагильскийнинг энса қотар гапига диққат билан қулоқ сола бошлади:

— Ҳаётдаги бутун ҳодисаларга зиёлилар баҳо беришади, ўзларининг ролига, уларнинг ижтимоий хизматларига юксак баҳо берадиганлар ҳам уларнинг ўзи. Лекин биз зиёлилар биламизки, инсон ўзи ҳақида ёмон гап айтишга тортинди.

Шу орада зардали нидолар эшитилди:

— Нотўғри!

— Толстойчилик!

— Ифво бу!

Бироқ Тагильскийнинг овозини ўчириб бўлмасди, бу овоз ҳуштак сингари шовқин-сурон ичига суқиларди.

— Илтимос, ташвиш тортманг! Мен ҳеч кимнинг хизматини камситиш ниятида эмасман, ўзимнинг эса хизматларим йўқ ҳали. Мен фақат шу гапни айтмоқчиман: авлодининг илк зиёлиси мужикка, ишчига нисбатан ниҳоятда ноаниқ, қўнимсиз, беқарор бир нарса...

— Нақадар оригинал кашфиёт!

— Кинояни бекор кетказманг, ўзи таги кам бизда,— деб давом этди Тагильский, гапини эшитишга мажбур қилиб.— Биламан: бизда, Францияда бўлганидек, насл-насабидан тортиб зиёли бўлганлар етарлича бор. Уларнинг боболари — поплар, майда савдогарлар, майхоначилар, пудратчилар, хуллас — шаҳар мешчанларидир, лекин уларнинг оталари халқ ичига кириб 193 лар иши юзасидан суд қилиндилар, юзларча оталар қамалди, Сибирга сургун қилинди, уларнинг болаларини биз эсерлар, меньшевиклар орасидан топа оламиз, бироқ турган гапки, зиёлилар орасида кўпчиликни ташкил этадиганлар давлат хизматчиларидир, яъни келгуси йил ўзининг уч

юз йиллигини байрам қилмоқчи бўлган ва ҳали ҳам мустабид давлат тузумини ҳар қалай мустаҳкамлайдиган кишилардир.

— Қисқароқ бўлсин!— деди биров, Тагильский эса сўради:

— Бу буйруқ менга тааллуқлими ёки мустабид давлатгами?

Уч киши кулди.

Еленанинг орқасида туриб, жуда хушбўй папирос чекаётган гип-гипалоқ Лаптев-Покатиллов қаҳрабо мундштугини тишлари орасидан олиб, хотиннинг елкаси томон энгашар экан, шивирлаб деди:

— Мабодо эртага мени жандарм идорасига чақиришмаса, таажжуб иш бўлади.

— Сиз уларни эркалайверманг, отагинам,— жавоб берди Елена.— Бугун сизда бунақа бўлишлиги менинг хаёлимга ҳам келмабди.

Самгиннинг кўзига кўринмай турган Тагильский гапини давом эттирди:

— Гапини тугата олмаган бояги соқолдор одам рус зиёлисининг янги типи бўлади...

— Бизда бунақалар бўлган!

— Учратмаганман. Большеви́змнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

— Қанақа хусусиятлар экан? Билиб қўйсак чакки бўлмасди.

— «Правда»ни ўқинг,— маслаҳат берди Тагильский.

Шу вақт йигирматача одам бирдан гапга тушиб кетди, Самгин Алябьевнинг асабият билан қичирганини бошқа овозлардан фарқ этди:

— Бу нодон одамнинг маслаҳати! Фалсафа тарихида Бергсон янги даврни бошлаётган бир асрда...

— Митянинг жаҳли чиқяпти,— деди кулимсираб Елена Лаптева. Лаптев ҳам жилмайди:

— Митя халқни ўзининг шахсий душмани деб ҳис қилади. Биз эски дворянлар, ҳозирги ёшларга қараганда анча сабр-тоқатлимиз...

Яқин бир ерда Ногайцев шикоят қиларди:

— Бу қанақаси? Ўз ақлимиз етишмай, немислару яҳудийлар ақли билан яшайдиган бўлдикми? Ё тавба...

Кўзойнакли кампир қўлидаги дафтарчани пўписа билан силкитар экан, эркакча йўғон овоз билан Тагильскийга бақирди:

— Сизнинг ишчи қиёфасига кириб олган анави дўстингиз авантюристларнинг фантазиясини, аслида йўқ нарсани тасвирламоқчи бўляпти. Мен дейманки, синфлар тўғрисидаги таълимот — ёлгон бир нарсасини, синфлар — йўқ, фақат шайтон илми бўлган материализм билан атеизм, шуҳратпарастлик, иззати нафс йўлдан оздирган одамлар бор, холос.

— Мана бу тўғри гап! — қичқирди Ногайцев. — Кекса Лафарглар, Маркснинг қизи ва унинг куёви жонларига қасд қилишди — материализмнинг ҳоли шу!

Шунга қарамай, Тагильскийнинг ингичка овози шовқин-суронни ёриб, ўзига йўл топарди:

— Менинг саволим кечаги кун зиёлиларига бериладиган саволдир: мамлакат хавфли бир аҳволда. Лена конларида ишчиларнинг кўплаб отиб ўлдирилиши сиёсий стачкалар тўлқинининг янгидан авж олишига сабаб бўлди...

— Бу иқтисодий стачкалар.

— Йўқ. Иқтисодий стачкаларда иштирок этганларнинг сони юз эллик мингдан ошмас эди, сиёсий стачкаларда эса ярим миллиондан ортиқ одам иштирок қилди...

Тагильский, Германия билан уруш бўлиш хавфи бор, дерди, унга эътироз этишарди: рейхстагдагиларнинг кўпчилиги социалистлар, раис Шейдеман, — улар буржуазиянинг уруш қилишига йўл қўйишмайди.

— Борди-ю французлар бошлашса-чи?

— Берлин ишчиларининг Агадир воқеаси муносабати билан қилган намоёишини хотирланг...

— Французлар бошлашмайди!

— Қирқ йилдан бери тайёрланишадияю, бошлашмай-дими? Ҳазиллашяпсиз!

— Тартиб сақлансин, жаноблар! Тартибга чақираман, — қичқирди профессор, қалам билан эшитилар-эшитилмас столни чертиб. Унинг кетидан биров, сувга чўкаётган одамдек, қулоқни тешгудек уввос солиб қичқирди:

— Бу ердагиларнинг биронтаси муқаддас ватан сўзини тилга олмади! Даҳшатли ҳол бу, жаноблар! Ватанни бундай унутиб юбориш билан биз ўзимизни ватандан ташқарига чиқариб қўямиз, ота-боболаримиз юртидан қувиламиз.

— Ҳамма оталар ҳам фарзанда муҳаббат уйғотавермайди.

— Ҳозир турган еримизга ахир оталаримиз изидан бориб етиб келганмиз-ку?

Бироқ нотик асабий қичқириғи билан ўзининг қулогини битириб юборган бўлса керак, эътирозларни эшитмасди.

— Жаноблар,— деб нидо қиларди у.— Конституциячи демократлар...

Одамларнинг аллақачон чарчаб қолгани билиниб турарди. Улар тўда-тўда бўлишиб, эшитилар-эшитилмас гаплашишарди, Самгиннинг орқасида шивир-шивир авжида эди:

— Қарийб юз йилдирки, Франция тарихини адвокатлар яратишмоқда...

— Жаноблар! Конституциячи демократлар партиясига ҳуқуқ берайлик, негаки, бу партия ватаннинг нима эканини билади, уни ҳис қилади, севади.

— Милюковчилар демократлар эмас энди,— деб қичқирди биров, ўша ондаёқ унга эътироз қилишди:

— Лекин ҳали буржуа ҳам эмаслар!

— Бўп қолишади!

— Бу гаплардан зерикиб кетди одам,— деди Елена юзини буриштириб. Лаптев дарҳол унинг гапини қувватлади:

— Аллақачон зерикиб бўлдик!

Хона жуда димиқиб кетди, одамлар анча сийраклашиб қолганига қарамай, қолганлар тобора қизишиб баҳслашишарди. Самгин Тагильский билан тўқнаш келмаслик учун секин-секин эшикка яқинлашиб бораверди, кўчага чиқиб олгач эса чуқур нафас олди.

Ҳозиргина шаррос ёмғир ёғиб ўтди, куздан дарак берувчи совуқ шамол қора булут парчаларини қуварди, шикаста ой булутлар қўйнига гоҳ шўнғиб, гоҳ қалқиб чиқар, шунда бир зум тош кўчани нурга кўмар, тошлар ялтираб кетар, дераза ойналари қалай сингари хирагина порлар ва атрофдаги бутун нарсалар гўё кўз қисаётгандек бўларди. Орқадан икки киши келиб Самгиндан ўзиб кетди, улардан бири худди хомут осиб олгандек борарди, унинг бўйнида мисдан ясалган бас труба ярақларди, бошқаси букилганча қўлларини чўнтагига тиқиб, кичкинагина қора яшикни қўлтиғига босиб борарди, у Самгинни туртиб дўнғиллаб гапирди:

— Кечирасиз,— сўнгра илова қилди:— Ҳеч нарса бўлмайди! Ҳай-ҳуй қиламиз, еб-ичамиз, ётиб-турамиз, вақт-соатимиз етиб ўлиб кетамиз... Вассалом...

— Мана кўрасан,— деди бақириб труба кўтариб бораётган киши.

«Ҳа, бир нима бўлади,— ўйлади Самгин.— Уруш бўлармикан? Бўлмас-ов. Қайтага уруш бўлгани яхши. Ҳамминг кайфияти бир хил бўлган бўларди. Думанинг ҳуқуқлари кенгаяр эди».

Ҳар вақтдагидек жамоат йиғинларида индамай ўтирганидан кейин у ваъзлар, хилма-хил ва кўпдан-кўп зиддиятлар таъсирида бир қадар эзилгандек сезар эди ўзини. Ҳар вақтдагидек бу сафар ҳам Лаптевникида бўлган йиғиндан одатдагича одамларга нисбатан илтифотсиз бир назар билан қайтди.

«На Фаустлар, на Дон-Кихотлар бор,— ўйлади у ва қадамини секинлатди, сўнгра чўнтагидан папирос олар экан, Тагильскийнинг Кутузов тўғрисидаги гапини тарозига солиб кўрди:— Рус зиёлисининг янги типи?»

Бу фикр уни шу қадар ташвишга солдики, у Кутузов ҳақида ўйламасликка ўзини мажбур қилди.

Самгин тўхтаб, папиросини тутатди, сўнгра аста-аста йўлида давом этар экан, ўз-ўзи билан гаплаша бошлади:

«Дон-Кихот билан Фаустни ўзида уйғун равишда мужассамлантирадиган одам балки шундай тип бўла олар эди. Тагильский... Бу риёкор... нима истайди ўзи? Уша гапи билан у, балки одамларни йўлдан оздирмоқчи бўлгандир. Большевизм тарафдорларининг сонини билмоқчи эди. Ишчилар агар улар ҳақиқатан ишчилар бўлса — ўз фикрларини айтишмади. Балки улар... пирог ичига тушган ягона большевиклардир. Елена — ҳозиржавоб хотин».

Сўнгра жаҳли чиқаёзиб ўйлади:

«Бемаза, бачкана одамлар улар. Лекин ҳаёт яна шундай воқеалар билан таҳдид солмоқдаки, уларга қаршилик кўрсатиш лозим бўлади. Бу воқеалар қаршилик кўрсатишни талаб қилади, чунки улар шахсни асоратга, яна ҳам машаққатли асоратга солиш хавфи билан таҳдид солмоқда. Ҳа, шундай, ҳар бир фикр айтилиши керак, ҳар бир шахс давр ва муҳитнинг зўрлигидан мустақил равишда эркин фикрлашга сўзсиз ҳақлидир»,— Клим Иванович Самгин бу фикрни пухта эсида сақлаб қолганди. У ҳар қандай киши айтган ҳар қандай фикрни, ҳар бир жумлани бемалол ва айни бир тарзда такрорлай оларди-ю, лекин бу фикрлар оқимини ягона бир шаклга сиғдиришни, муайян соҳилга, ўзанга солишни талаб қилишлигини ҳис

этарди. У ҳар бир одамнинг хасга ёпишиб олиб, ҳаёт денгизи сатҳида сузиб боришлигини кўрарди, у учун фойдасиз бўлган даҳанаки қуюнлар ва бўронлар унинг инсонларга нисбатан одатий адоватли муносабатини кучайтиришлигини, бу муносабатни қуруқ ва кучли нафрат даражасига қадар кескинлаштиришлигини кўрарди. У катта йиғинларда сўзлашдан тиярди ўзини, чунки аксар одамларнинг мубоҳаса санъатини ундан кўра пухтароқ эгаллаганликларини, фактларини кўпроқ билишларини, китобларни кўпроқ ўқиганликларини кўради. Ундан кўра истеъдодли одамлар бор. Ҳа, бахтга қарши шундай одамлар бор. Шу топда Клим Иванович Самгин ўзининг ҳақ эканлигига чуқур ишонч билан катталарга қарата:

«Хўш, бу қандай бебошлик? Сизнинг болаларингиз эмас-ку ахир!»— деб дадил қичқирган букри қизни хотирлади.

Яна ёмғир томчилай бошлади. Самгин извош кира қилиб, унинг чарм соябони остига биқиниб олди. От йўрғалаб борар, унинг сағрини хунук бир тарзда ўйноқларди, лиқиллаб қолган бир темир тарақ-туруқ қиларди, ёмғир Самгиннинг бешини тўсиб турган чарм соябонни шиддат билан савалаётганди.

«Аллақандай ғарибона ҳаёт!»— хафа бўлиб ўйлади Клим Иванович.

Лекин унинг бу кайфияти узоқ давом этмади. Елена ҳар жиҳатдан у кутганидан кўра жозибадор аёл экан. Ишқ-муҳаббат санъатида маҳорат қозонган Елена унинг ҳиссиётларини осонликча ишга солар, унга умрида кўрмаган куч бағишлаб, ҳузурбахш бир жазовага тушишга мажбур этар эди уни. Алалхусус, Самгин шундай бир ёшда эдики, бу ёшда эркак зоти хотиннинг ишга солишига аҳтиёж сезади ва унинг бу хизматидан мамнун бўлади.

Бир сафар Елена Самгинни ҳанг-манг қилиб қўйган беллашувларнинг биридан кейин:— Мен ёниб севишни яхши кўраман,— деди.— Севганда ҳайвонлар ёки гвардия офицерлари сингари эмас, балки маҳорат билан севиш керак, азизим.

У «Олий жамият» аҳлининг гвардия офицерлари, йирик бюрократлар ва банкларнинг айш-ишратли ҳаётини билиши жиҳатидан ҳам ажиб бир шахс эди. Елена сонсаноксиз фактлар, латифалар, ғийбат гапларни билар ва буларнинг барини бадавлат зотларнинг собиқ хизматкори каби,— энди ўзи давлат орттириб, аҳмоқ хўжайинларини

хотирлаётган бир хизматкор каби уларни масхара қилиб гапирарди.

У мутолаани севарди, кўпдан-кўп китоблар ўқиган эди, шунинг учун тириклар билан ўлганларни, мавжуд нарсалар билан уйдирма нарсаларни муқояса қилиш имкониятига эга эди у. Елена бармоқларини шиқиллатар экан:

— Эҳ, қани энди сиз эркаклар ҳақида мен билган нарсаларнинг ҳаммасини ёзиш мумкин бўлса эди,— дерди ва кўзларида яшил учқунлар чақнар эди. Ҳамиша ўктам, шавқи баланд Елена етилган қизларники сингари дўндиқ баданини оч хитой шоҳиси ичида тўлғантириб, француз қўшиқларини куйлай-куйлай юмшоқ копток каби хонама-хона сокин пилдираб юрар, ҳал югуртирилган мис ва бронза буюмларни жойдан-жойга кўчирар экан, загизғон сингари сайрагани сайраган эди,— унинг ярқироқ нарсаларга ишқибозлиги ҳам загизғонворий бўлиб, ўзи ҳам бошдан-оёқ ранго-ранг товланар эди.

У нарсаларни эъозлар, меҳр билан ёндашар, уларни мулойим силаб-сипалар экан, Самгинга таклиф қиларди:

— Қара, нақадар маҳорат билан ишланган!

Клим Иванович кўзойнаги орқасидан кичкина ва хунукина хитой тангрисига боқар экан:— Қиёмат,— деб унинг фикрига қўшилишар ва айни чоқда, Елена дидимни синаётган, ўрганаётган бўлса керак, деб гумонсирарди.

У ёқдан-бу ёққа югура-югура чарчаган Елена папирос тишлаганча кушеткага чўзилиб, бошлаб латифалар айта бошлар, янгроқ овозини неча хил товлантириб, юзини минг мақомга соларди.

— Кибор бир хоним уйига меҳмонлар билан баравар кириб келиб, хизматкор қизга ўшқирибди: «Меҳмонхонадаги мебель ва бошқа нарсаларнинг жойини нега бунақа аҳмоқона, бемаъни қилиб ўзгартирдингиз?»— «Буни ўзимча қилганим йўқ, хоним қиз шундай қилгин, дедилар». Бу гапни эшитгач, хоним меҳмонларга: «Қизимнинг фантазияси ўткир», деган экан.

Самгин илтифот-ла кулимсираб қўяр, бу қабилдаги сийқа латифаларни Елена юмористик журналлардан ўқиганлигини тушунар ва дарҳол уларни эсдан чиқарарди. Лекин кўп вақт бошқа турдаги латифаларни ҳам эшитиб қоларди у:

— «Медведь» меҳмонхонасидаги алоҳида бир кабинетда кишилар кайф-сафо қилиб ўтиришарди. Уезд дворян-

«Бу одамларнинг 789-йилдан эътиборан ватанлари бор. Бу ватанни курашиб қўлга киритишган».

— Латифа айтишда Макаров ҳаммани қочиради,— шивирлади Елена.— Турқининг совуқлигини қара Макаровнинг. Анави уқувсиз масхарабоз Пуришкевичнинг ўтиришини кўрмайсанми. Қозонда қовурилаётгандай типирчилайди. Бачканагина бир гурунг бўлибди, а?

Самгин қонун чиқарувчилар бўлишнинг пайида бўлган бу одамларни диққат билан кўздан кечиран экан: — Шундай,— деб қўшилишди ва ўйлади:

«Ахир Ногайцевдан менга нима фойда?»

Ногайцев сариқ соқолли, сийқа бош, эгнига бурма бел камзул кийган семиз бир кишининг ёнидаги креслода жилпанглаб ўтирарди. Самгинга шундай туюлаётган эдики, гўё бу кишининг бўйни калласидан хийла энли, калласи бўйнига маҳкам жойлашмаган, балки унга суқиб қўйилган бўлиб, бамисоли лагандаги биров туртиб турган тарвуз сингари тебранар эди. Бу одамнинг ватани, ҳойна-ҳой, у яшаб турган уезд ёки губерния билан чегараланган. Марков вилоят дьяконига ўхшарди, юз суяклари бошқача, мордовларники сингари туртиб чиққанди. Родзянко эса қуйиб қўйган ресторан хизматчисининг ўзи эди. Муайян бир қиёфаси ва балки лаб-даҳани ҳам бўлмаган одамлар бу ерда кўпчиликни ташкил қиларди. Амфитеатрни тўлдириб ўтирган, хилма-хил кийинган бу кишилар ўзларини асабий бир ҳолатда тутар, муаллими чиқиб кетган синфдаги ўқувчиларга ўхшашарди. Улар креслоларда тинч ўтирмай, бир-бирларига эгилишиб, шивирлашганлари шивирлашган эди. Янги туғилган чақалоқ сингари юзи қип-қизил, садафдай ялтироқ тишлари эч терилган, юмалоқ боши кумуш ранг профессор Милюков орқасида ўтирган депутатга ўгирилди. У бировни тишламоқчи бўлгандай тишларини кўрсатиб иржайрди. Бу одам ватаннинг нима эканлигини биледи. Уни йирик бир сиймо деса бўлади. Қўлларини силкита-силкита, аллақандай қоғозни ўқиб, қоғоз билан юзини тўсиб турган кишига қулоқ солиб, атрофга аланглай-аланглай бир-бирлари билан шивирлашаётган бу хилма-хил одамларнинг у билан бараварлашадигани борми? Улардан олдинда, каттакон кажавага тушгандек ўтирган министрларнинг зарбоф мундирлари ярақларди, мундирлардан бири узра кулгидан бўлса керак, адлия министрининг оқариброқ қолган соқоли серкилларди.

Клим Иванович Самгин у қадар шуҳратпараст эмаски,

ўзини депутатлардан бири ёки ҳатто муайян бир партиянинг бошлиғи деб тасаввур этса, лекин у Лютовнинг ўзи тўғрисидаги фикрини хотирлади ва хаёлотини сира уринтирмасданоқ ўзини ҳукумат аъзолари ложасида тамомила равшан кўрди.

Мана, ниҳоят: «Шундай бўлган эди, шундай бўлаверди», деган гап айтилди. Депутатлар бу гапдан хуноб бўлиб, қовоқ-тумшуқлари осилиб, шовқин-сурон кўтаришди, чап тарафдаги курсиларда ўтирган монархиячилар қаттиқ қарсак чалишди. Бурма бел камзул кийган киши ўрнидан туриб олиб, қўлларини кенг ёзиб, айниқса қаттиқ қарсак чаларди, у кичкинагина бошини шундай силкир эдики, гўё уни ҳаддан ортиқ йўғон бўйнидан қулатиб туширмоқчидек эди. Ногайцев белни букиб, бошини елкалари орасига қисганча қўлларини попитр устига қўйиб, гўё сакрамоқчи бўлгандай ўтирарди. Залдаги кишиларнинг бари қимираб қолди, худди кимнингдир турткиси бутун зални силкитгандай эди. Бояги гапни афти башарасидан биринчи даражали меҳмонхонанинг басавлат хизматкорига ўхшаб кетадиган министр айтган эди, у қовоқ-тумшуғи осилиб, пайғамбарона димоғ билан гапирган эди.

— Ҳа, маҳмадона! Бу Леонид Андреевнинг гапи-ку,— шивирлади Елена бир нимадан севиниб ва ҳатто Самгиннинг биқимига туртиб ҳам қўйди.

Самгин Янги йилни қарши олишда жасорат нашъасини ҳис этганини хотирлаб, ҳойнаҳой, бу министр ҳам ана шундай ҳузур қилган бўлиши керак, деб ўйлади. Сўнгра Париж коммунасини тийган генерал Галифе парламентда «Қотил!» деган қичқириқлар билан қарши олинганида, ер тепиниб: «Қотилми? Бу ерда-я!» дегани эсига тушди. У, қандоқ қичқиришгандики!

— Макаровнинг қанақа аҳмоқлигини билсанг эдинг,— Елена худди арига ўхшаб гўнғиллади Самгиннинг қулоғига.— Ҳў анави, Набоковга энгашган Шура Протопопов бўлади, аломат одам. Набоков жуда ораста киши. Умуман олганда эса ҳаммаси беўхшов, сийқа одамлар...

Клим Иванович бу гапга қўшилиб бош ирғади. Ҳа, бу хил одамлар билан кескин тусда, букри қизга ўхшаб гаплашиш учун алоҳида жасоратнинг ҳожати бўлмаса ҳам керак. Унутлаёзган манзаралар, худди қаергадир ғойиб бўлаётгандай, бирин-кетин унинг кўз ўнгидан лип-лип ўтиб турди. Мана, миршаблар Москва студентларини қувиб манежга тўпламоқда, мужиклар билан деҳқон хотинлар нон

«дўкон» эшигининг зулфини суғуриб олишмоқда, қўнғироқни черков минорасига олиб чиқишмоқда; минг-минглаб Москва аҳли мовий-кул ранг либосдаги подшони ура садолари билан қарши олмоқдалар, Нижний-Новгородда ҳам уни шу тариқа қарши олишади, ҳамма тоифаларга мансуб минг-минглаб одамлар Қишки сарой қаршисида тиз чўкиб туришади. «Парвардигор, ўз паноҳингда асра, подшоҳимизни» деб куйлашади, ура, деб қичқиришади. Подшоҳ эса, кўпчиликнинг фикрича, ҳеч нарса қўлидан келмайдиган уқувсиз, иродасиз бир одамдир, гўё унинг изми немис хотинининг ва аллақандай муттаҳам сибирлик мужикнинг, балки жинояткор авлоди бўлган бир одамнинг қўлидадир. Мана, ниҳоят, ўн минглаб москваликлар инқилобчи Николай Бауманнинг гулларга кўмилган, устига қизил алвон сирилган тобути орқасидан, қизил байроқлар остида боришмоқда, сўнгра уларни ўққа тутишади.

«Бу ерга тўпланганлар тиз чўкканларнинг, ўққа тutilганларнинг намояндalари ва отишга буйруқ берадиганлардир. Бу кишиларнинг кўпчилиги ўз подшолари каби уқувсиз ва иродасиз. Одамларга ҳар қачон бир вақтлар поручик бўлган Наполеон Бонапарт сингари жасур бир одам бошчилик қилсагина, улар тарихни бунёд этувчи кучга айланадилар». Ҳа, «шундай бўлган эди, шундай бўлаверди».

Елена мудом шивирлар, депутатларнинг номини айтиб, уларнинг таърифини қиларди, Клим Иванович Самгин бошини унга томон эгиб, гўё эшитаётгандай бўлиб қулоғини тутган эди, аслида эса у ўйлаётганди:

«...Бу ерда жасорат ва оддий, равшан шиор керак: Франция, ватан, ота-боболар юрти. Бу шиор фақат ўз ватанининг савдо-саноатини авлоддан-авлодга тўхтовсиз ривожлантираётган, хўжалигига раҳбарлик қилаётган африкаликлар, ҳиндулар, хитойларни ўз ватани манфаатига ишлашга мажбур қилаётган буржуазиягагина тушунарлидир. Ҳар инглиз учун беш ҳинду ишлайди. Оталар билан болалар орасидаги ихтилоф фожиаси узлуксиз авж олиб бораётган, деярли ҳар қайси ўн йиллик зиёлиларни олтмишинчилар, етмишинчилар, народниклар, халқ эркчилари, марксистлар, толстойчилар, мистикларга бўлиб ташлаётган бир ўлкада Россия, ватан деган шиорларнинг мавжуд бўлиши мумкинми?..»

Клим Иванович Самгин ўзини шундай ҳис қилардики, гўё танасидаги унинг эркин нафас олишига қўймаётган

чипқон ёрилгандек эди. Уни қушдек енгил қилган, унга жасорат бағишлаган ана шу кайфият билан Самгин Давлат думасидан чиқди ва орадан бир неча кун ўтгач, у ана шу кайфиятда машҳур бир адвокатнинг меҳмонхонасида ўтириб дерди:

— Бир неча ойлардан кейин Романовлар Россияга ҳукмронлик қила бошлаганларининг уч юз йиллигини байрам қилиш ниятидалар. Давлат думаси бу байрамга беш юз минг сўм маблағ ажратди. Биз, зиёлилар бу байрамга қандай муносабатда бўламиз? Бу уч юз йил ичида қандай воқеалар содир бўлганини жотирламоқ лозим эмасмикан?

Самгин қаттиқ гапирганида унинг ширасиз овози йиллар оша тобора кескин ва ёқимсиз эшитиладиган бўлиб қолгани эсига тушиб, унчалик бақирмай гапиришга ҳаракат қиларди. Гапирганида у ортиқча шавқ-завққа берилмас, қизишмасди, унга айниқса муҳим бўлиб кўринган нарса тўғрисида гапирганида эса, овозини пасайтирарди, чунки бунда тингловчилар янада диққат билан эшитажакларини у тажрибадан биларди. Самгин, узоқни кўрмайдиган кўзларимнинг жилоси ва ифодаси айтаётган сўзларимга куч бағишлайди, деб ўйлаб, кўзойнагини олиб қўйиб гапирарди.

Самгин Романовлар сулоласининг тарихи ҳақида қисқача маълумот бергач, бу рус хонадонининг охирги аъзоси Пётр Биринчининг қизи Елизавета эканини, ундан кейин эса Россия империясининг тахтига герцог Гольштейн-Готторнский деган немис ўтирганини айтди. Бу тарихий факт баъзи бир тингловчилар учун янгилик бўлажагига у амин эди, бу ўринда у янглишмагандай бўлиб кўринди, чунки тингловчиларнинг баъзилари очиқ-ошкор ҳайратда эдилар. Самгин жаноблари бу одамларнинг авомлигини истеҳзоли бир табассум билан қайд этиб, янада дадилроқ гапир бошлади. У Разиндан тортиб Пугачёвга қадар бутун халқ қўзғолонларини санаб чиқди, Кондрат Булавиннинг исёнигача унутмади, ҳолбуки унинг Булавин тўғрисида билган гапи фақат шу эдики, у Булавин деган Дон казаги бўлган ва исён кўтарганини эшитган эди, холос, лекин у бошчилик қилган ҳаракатнинг қандай шаклларда ифодалангани ҳақида унинг билганлари бошқаларнинг билганларидан ортиқ эмас эди.

— Успирин Михаил Романовни боярлар аҳмоқлиги туфайли подшо қилиб кўтаришди,— деди Самгин қатъий

бир йўсинда тингловчиларга.— Бу сулоладан чиққан ягона ақлли подшо Пётр Биринчидир, шу қадар ғайри табиий кўринган эдики, қора халқ худо ёрлақан бу одамни даж-жол, шайтоннинг малайи, деб ҳисобларди, баъзи боярлар эса уни малика билан зино қилган патриарх Никоннинг ўғли деб гумон қилишарди.— Клим Иванович маликаларнинг, Александр, Николай Биринчи ва яна икки Александрнинг подшолик тарихини қисқача тасвирлаб ўтгач, деди:— Ҳозир подшолик қилаётган Николай Иккинчи фақат аҳмоқлиги туфайлигина Михаил Романовнинг туғишганига жуда ўхшаб кетади.

Шу ўринда у бир оз тўхтаб, бир қултум чой ҳўлади, жимжилоғининг тирноғи билан ўнг чаккасини қичиди-да, чуқур нафас олиб, сўзида давом этди:

— Хуллас, ватанимиз Россия шундай одамлар салтанатининг уч юз йиллигини байрам этажакки, уларнинг ҳақида бирон мақтов гап айтиш жуда мушкул ишдир. Бизнинг конституцион подшоҳимиз ўз салтанатини Ходинкадаги воқеалардан бошлаган эди, буни бешинчи йил 9 Январдаги Қонли якшанба билан ва Ленадаги олтин конлари ишчиларини яқинда отиб ўлдириш билан давом эттирди.

— Сиз Москва билан бўлган урушни эсдан чиқардингиз,— қичқирди қоронғи бурчакдан биров.

— Йўқ, эсдан чиқарганим йўқ,— жавоб берди Самгин.— Ҳаммаси ёдимда, лекин мустабид ҳокимиятнинг энг кўп таассурот қолдирган ишларига тўхталяпман.

— Келиб-келиб ҳали шуларми таассурот қолдирадиган ишлари!

— Бешинчи йилдаги Москва воқеаларини мен яхши биламан, лекин бу хусусда менинг ўз фикрим бор, бу ҳақда гапирадиган бўлсам, мавзуимдан жуда узоқлашиб кетаман.

Узун, чўққи соқолли, мўйловининг учлари ҳалқа сингари буралган новча киши қовоғини солиб ва пўписа қилиб:

— Илтмос, гапни бўлманг,— деди. У Самгиннинг рўпарасида ўтириб, аллақачон совиб қолган чойининг ичидаги бир дона шамани тутмоқчи бўлиб овора эди.

Клим Иванович Самгин сўзини давом эттирди. У ўзининг хавотирини савол тарзида ифодалади: ўз подшоҳига содиқ фуқаро 904-йилда бўлганидек Сарой майдонига

бориб, уч юз йиллик муносабати билан подшо сароин қаршисида тиз чўкмасмикан?

— Биз, руслар наинки, подшолар ва губернаторлар қаршисида, ҳатто устозлар қаршисида ҳам бажону дил тиз чўкамиз. Мана буни эсга олинг:

Эй, устоз! Номингни эшитган замон
Қобил тиз букмоқда бергил ижозат.

— Нотўғри келтиряпсиз,— бурчакда ўтирган киши мамнуният билан қайд этди.

— Осонликча тиз чўкишимизни пайқаб, Япония бизнинг бу заиф томонимиздан фойдаланди, уларнинг кетидан немислар фақат ўзлари учун фойдали бўлган савдо шартномаси тузишга бизни мажбур қилишди. Бу шартноманинг кучи ўн тўртинчи йилда тугайди. Ҳукумат армияни кўпайтирмоқда, флотни кучайтирмоқда, урушга хизмат қиладиган саноатни рағбатлантирмоқда. Бу ҳар эҳтимолга қаршидир. Болқондаги урушлар ҳали ҳеч қачон бизнинг иштирокимизсиз бўлган эмас...

— Менинг назаримда, мустабид ҳокимият ўзининг уч асрлик юбилейи йилида бизга ҳадя ўрнида урушни таклиф этиши мумкин.

— Ҳатто кичкинагина ғалаба ҳам бизга катта зарар келтиради,— қичқирди бурчакдаги одам. андишасизлик билан Самгиннинг гапини кесиб ва бу билан уни:

— Гапимни тугатдим,— дейишга мажбур қилди.

Меҳмонлар уй эгасининг нима дейишини кутиб индамай ўтиришарди. Уй эгаси баҳайбат курка сингари кеккайиб ўридан турди, оқ оралаган, жингалак сочли артистона бошини силкитди, чап қўлининг кафти билан қирилган кўкимтир юзини силади ва папирос кулини бармоғи билан кулдонга тўкар экан, ширали баритон овоз билан гап бошлади:

— Нутқни жуда мароқ билан эшитдик. Лекин унинг биргина камчилигини қайд этмоқчи эдим: тарих бир оз кўпайиб кетди. Эҳ, тарихнинг нимасини айтасиз, жаноблар!— у пастгина овоз билан ҳорғин хитоб қилди.— Тарихни ким билади? У ҳали ёзилмаган, йўқ, ёзилмаган! Шу вақтга қадар тарихни борлиқнинг маъносини ахтариб тополмаётган кишиларга тасалли бермоқ учун саргузашт каби ёзиб келишади. Мең ҳаётнинг вақтинчалик маъноси ҳақида, эртанги куннинг бизга нима амр этиши ҳақида эмас, балки ўзининг зоти зурриёди билан планетамизни

тўлдириб юборган башарият борлигининг маъносӣ ҳақида гапиряпман. Тарихни миллатлар, ирқлар, империяларнинг ишларини оқламоқ ва кўкка кўтармоқ учун ёзишади. Ниҳоят, тарих аждодларимизнинг бахтсизликлари, азоб-уқубатлари ва мажбур бўлиб қилган жиноятлари битилган ёдгорномадир. Бинобарин, тарихни диққат билан ўқимоқ: бир-бирингизга меҳр-шафқатли бўлинглар, деган фикрни бизга инжилдан кўра кўпроқ ишонарли қилиб уқтиради.

У ҳорғин ҳолда кўзларини салгина юмди, бошини тебратди, панжаларини чиройли ҳаракат эттириб папиросни кулдонга отди, уни ўйналган карта сингари отди, сўнгра чуқур нафас олиб, бежиримгина бошини шахдам кўтарар экан, гапини давом эттирди:

— Дунёмиздаги буюк шахсларнинг ҳаёт тарихи — ҳақиқий тарихдир, кимдаки, бутун башариятнинг бахтли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хом хаёллар, орзулар билан алданишни истамаса, тарихни билиши зарур. Биз ер юзидаги буюк сиймолар орасида ақалли бир кишини билмизмики, у бахтли бўлган бўлса? Йўқ, билмаймиз... Мен айтаманки, билмаймиз ва билолмаймиз ҳам, чунки ҳатто бизнинг бахт тўғрисидаги энг камтарона тасаввурларимиз билан фикр юритганда ҳам — буюк шахслардан ҳеч ким бахтга муяссар бўлмаган.

Унинг чеҳраси ғамгин тус олди, ширали овози ҳам ҳазин эшитила бошлади. У овозини ва сўзларини нозик дид билан, истеъдодли актёрнинг сайқал топган санъати билан товлантирар, истеъзо ва ғуссани, сокин ғазаб ва ҳаётдан ноумидлик туғдирган мискин бир кайфиятни кутилмаган нидолар, сўзларнинг оҳангдорлиги билан ажиб бир тусда ифодалаб, одамларни ҳайратда қолдираётган эди. У Леонардо Винчи, Жонатан Свифт, Верлен, Флобер, Шекспир, Байрон, Пушкин, Лермонтовнинг номлари ва бир талай бошқа номларни иззат-икром билан эъвозлаб тилга олиб, буларнинг барини шаҳидлар, деб атади:

— Булар черковимизнинг, ақлгўйлар черковининг шаҳидлари, Исо черкови молик бўлмаган ва билмайдиган руҳ шаҳидларидир...

— Жаноблар! — деди у усталик билан завққа ғамгинликни омихта қилиб. — Қачонки оллоҳларимиз шу қадар бебахт экан, ҳатто аксар динларнинг ўзи Дионис, Будда, Исо каби жафокаш худоларнинг динлари экан, биз бандалар ҳаётдан нима талаб қила олардик?

У бошини тебратиб, кенг пешанасини силай-силаё жим

бўлди, унинг ўнг қўли оҳиста пасайди-да, стулга тиралди ва гўё унинг бутун борлиғи эриб кетгандай бўлди. Уни ҳамма баравар олқишлади, бурчакда ўтирган киши эса деди:

— Омин! Ҳақиқатни ел учирсин, усиз ҳам яшайвераман. Яшайвераман, бутун ҳақиқатларга зид ўлароқ...

— Харламов,— сиз ўз одатингизча, масхара қияпсиз,— деди уй соҳиби хафа бўлиб ва айни вақтда жаҳл қилгандай.— Сиз кечиккан нигилистсиз, билиб қўйинг ўзингизнинг ким эканлигингизни,— деб илова қилди ва одамларни кечки овқатга таклиф этди, аммо Елена таклифни қайтарди. Самгин уни кузатиб қўйгани кетди. Вақт алламаҳал бўлиб, кўчалар ҳувиллаб қолган, шаҳар уйқуга кетиб, аллақандай бўғиқ бир садо чиқарарди. Кун-уззукун қизиб ётган уйлар энди совиб, ҳар қайси дарвозадан чиқаётган оғир ҳидлардан нафас оларди. Бир кўчада ой чап томондаги уйларнинг фақат юқориги қаватларини, бошқа бир кўчада эса фақат тош кўчани ёритарди, шу ҳам Самгинни асабийлаштираётганди.

— Сен Гамлетнинг ёки Антонийнинг монологини у қандай ўқишини бир эшитсанг эдинг. Зўр артист дейсан. Суворин унинг бутун шартларига рози бўлиб театрига таклиф қилган дейишади.

Самгин ўзидан норози эди, мактаб тахтасидаги бўр билан ёзилган сўзларни латта билан қандай ўчиришса, бу кўркем киши ҳам унинг нутқини шундай ўчириб юборгандай сезарди ўзини. Елена ҳам буни пайқагандай кўринарди, шу сабабли у гўё Самгинга тасалли бериб, унинг кўнглини ёзмоқчи бўларди.

У хотинга фикран «Тентак» деди-да, сўради ундан:— У тез-тез шунақа бадбин бўлиб кўринмоқчи бўлиб турадими?

Елена бажону дил жавоб берди:

— Йўқ, у умуман қувноқ одам, аммо уйда тақво сақлайди. Хотини билан муросаси келишмайди, уйланган ўзи. У жуда давлатманд, фабрикачининг қизи. Хотини унга пул бермайди, дейишади, ўзи анча танбал киши, ўз ишлари билан кам машғул бўлади, шеърлар ёзади, «Новое время»да мақолалари чиқиб туради.

Самгин ортиқ тингламаётган эди, у, бундай одам Францияда бўлганида, ҳойнаҳой, ҳеч кимга маълум бўлмаган шеърлар ёзиб ўтирмасди, балки парламентда ўтирган бўларди, деб ўйлаётган эди.

У «Биз ҳар нарсага қизиқавермаймиз, танбалмиз»,— деган гапни хотирлаб ўша ондаёқ ўйлади: «У ҳеч кимдан цитата келтирмади. Бу ўзига ишончнинг белгиси. Бадбин бўлиб кўриниш — оддийгина иш. Лекин чиройли гапира билиш — қўлидан келади унинг. Мен ўзимни қўлга олишим керак» — деб аҳд қилди Клим Иванович Самгин, у вақт ўзини шитоб билан уни четлаб ўтиб бораётганини сезаётганди, гўё уни тўлдириб турган ҳамма нарса тоғдан юмалаб тушаётгандек эди. Бироқ воқеаларнинг тез-тез алмашиб туриши Клим Ивановични кўзга ташланадиган бир шахсга айлантириш йўлидаги сусткашликка монанд эмас эди. Адвокатларнинг йирик намояналари у билан аҳтиром-ла ҳол-аҳвол сўрашар, уни турли хил йиғинларга таклиф этишар, у гапиргудек бўлса, диққат билан қулоқ солишар, бироқ буларнинг бари уни қаноатлантирмасди. У ўзгаларнинг фикрини, бир талай ва кўпинча оригинал цитаталар келтириб яхши ривожлантира биларди, унинг хотира бойлиги битмас-туганмас эди. Лекин у билимлари мунтазам бир тартибга солинмагани, муўйян бир ғояга бўйсундирилмаганини сезарди. У ғояни фактларни уюштиришнинг бир шакли, тафаккурнинг ғайри ихтиёрий фаолиятининг натижаси, деб ўйлашга азалдан одатланган ва асосий инсоний жиҳат руҳоний Жонатан Свифт, лорд Байрон, князь Кропоткин ва шу қабилдаги бошқа фавқулодда истеъдодли кишилар вужудга келтирадиган сирли бир фазилатдан иборат, деб ишонар эди. Бу фазилат ҳиссиёт оламида чуқур пинҳон бўлиб, у инсонга тўла эркинликни, тафаккурнинг тарих, давр, синф зўрлигидан тўла мустақил бўлишини таъминлайди. Клим Иванович Самгин бунинг ғоя эканини, гарчанд янги бўлмасада, ҳар ҳолда шахсан унинг ўзи обдан ўйлаб, пишитган ғоя эканини тушунар эди. Лекин шунга қарамай, у ҳар қалай шу қадар ақлли эдики, бу ғоянинг ўз ихтиёрида самарасиз эканини кўрарди. Бу ғоя ҳам ақл-идрокнинг юзаки, ғайри ихтиёрий фаолиятининг гўё натижаси бўлиб, ҳатто қобилиятсиз одамларнинг ҳам бемалол қўлидан келадиган найрангбозликка — фактларни силлиқ жумлалар шаклига солишга ҳам қодир эмасдир. Таржимаи ҳолларини биладиган истеъдодли одамларнинг ҳаммаси сингари у ҳаётдан норози, одамлардан норози бўлиш билан бирга дилида ўзидан ҳам қаттиқ норозилик ҳисси чипқон каби етилиб келаётганини сезарди. Бу норозилик унинг қаршисига ташвишли бир савол қўйди:

«Наҳотки мен ҳиссиёт бобида шу қадар қашшоқманки, қандай бўлсам, бир умр шундай бўлиб қолаверсам?»

У болагиди уни қандай баҳолаганларини, йигитлигида, Варвара билан яшай бошлаган дастлабки йилларда қандай кўзга ташланганлигини эслади. Бу унга бир қадар тасалли берди.

Елена қайси бир ҳам улфатларга қўшилиб пароходда Волга бўйлаб сайрга жўнаган, сўнгра у Кисловодскка ўтиб, у ерда Самгинни кутарди. Ҳа, Самгин ҳам нарзан билан даволаниши, дам олиши керак, ахир чарчаган эди у. Лекин у жуда кўпчилик танийдиган ва давлатманд бу хотин билан ўзининг муғосабатини ортиқча ошкор қилгиси йўқ эди, бу унга зарар етказиши мумкин. Хотиннинг ўтмиши одамларнинг ҳали эсидан чиқмаган, бунинг унутилиши тўғрисида унинг ўзи ҳам сира қайғурмайди. Шу сабабли Самгин уст-устига телеграмма юбориб, сафарини кечиктирар экан, Еленанинг Одесса орқали Искандарияга, у ердан — Марсель орқали кузги мавсумни кўзлаб Парижга жўнашини кутар эди. Шундан кейин Самгин Кисловодскка йўл олди, у ерда беш ҳафта яшади ва шошилмасдан, Тифлис, Боку орқали Каспийдан Астраханга ўтди, у ердан Волга орқали Нижнийгача кўтарилди, ярмаркада бўлди, мустабид ҳокимиятнинг уч юз йиллигини байрам қилиш тараддудига шаҳарнинг қандай тозаланаётганини томоша қилди, шу мақсадда Костромага борди. Буларнинг бари уни анча юпатди. У кўп ишлар, тез-тез вилоятларга бориб турар, Прозоровдан қолган ишларини ҳали ҳам тугата олмасди, ҳолбуки унинг ўз муштарийлари ҳам пайдо бўлганди, у ҳатто ажабтовур қилиқлари бўлган Иван Харламов деган кишини ўзига ёрдамчи қилиб олганди. Бу киши деярли тинимсиз ҳуштак чалиб юрар ва кўпинча жуда мулойим бир оҳангда шивирлаб ўзи билан ўзи гаплашарди.

— Ваня, бу ерда шикоятнома учун бирор баҳона кўрмаяпсанми?

У елкалари кенг, калладор одам бўлиб, қора сочлари орқага таралган ва елимлаб қўйилгандай зич ёпишиб ётар, кенг пешанаси очилиб турарди, қошлари қалин, кўз косачаларига чуқур жойлашган қора кўзлари худди олча сингарин юм-юмалоқ эди. Суякдор юзининг териси кўкимтиргина бўлиб, чап ёноғида катталиги тангадек силлиққина холи бор эди, кемирчак бурни қирғий тумшуғи сингари эгилган бўлиб, лаблари қалин ва қип-қизил эди.

Унинг ажабтовур хусусиятларидан бири аксилинқилд-бий адабиётга бўлган қизиқиши эди, у кўпдан-кўп хил-ма-хил рисоалар, романларни ўқир ва нима учундир зўр бериб ҳомийсини булардан хабардор қилиб борар эди:

— Клим Иванович, манави замонамизнинг диққатга лойиқ асари — Лопатиннинг «Тоун» романи. Ҳаммасини ўқиш шарт эмас, мен бир неча саҳифасини белгилаб қўйдим, — ўқиб куласиз!

Бу одамнинг кўнгли учун Самгин ўқиди:

«Преснядаги кўзғолон кунларини хотирда сақлаган кекса фабрика ишчилари саҳнада ҳарбий-дала судига ҳажвий тақлид қилиб, давлат формаси кийган бутун одамларни отиб ўлдирардилар».

Ёрдамчи ҳуштак чалиб ишлаётган хонага қараб Самгин қичқирди:

— Менга қаранг, Харламов, бу ғирт ёлғон-ку!

— Лопатиннинг ҳамма нарсаси шунақа ёлғон.

— Бунақа китоблар нега қизиқтиради сизни?

— Урганаман, — жавоб берди Харламов. — Родионовнинг «Жиноятимиз»ини, Мережковскийнинг «Хаста Россия»сини, Локотнинг «Миллатчиликнинг оқланиши», Столипиннинг «Нутқ»ини ўқиганмисиз?..

Харламов мақтангандай бўлиб, ўнлаб китобларнинг номини тилга олди. Самгин узаниб ётиб, папирос чекар, тинглар ва саёз, ҳеч нарсага арзимайдиган одамлар кўзга ташланмоқ, бошқалар марҳаматини дариф тутмай, эътибор берсин учун ғалати-ғалати қилиқлар кўрсатадилар, деб ўйлар эди.

«Марҳаматини дариф тутмай, эътибор бериш деган гапни Николай Константинович Михайловский айтган».

Самгин қисса устида ишламаётганди, катта ҳажмдаги почта қоғозининг ўн етти саҳифасини қайдлар, Маринанинг, Безбедовнинг характеристикаси билан тўлдирди, Бердниковни қатлнинг ташкилотчиси, Безбедовни эса амалда қатлнинг ижрочиси қилиб кўрсатишга ва сўнгра Крэйтонни сирли бир шахс қилиб қўйишга қарор қилди, кейин шаҳарни тасвирлашга киришди, бироқ бу Брокгаузнинг луғатидаги одатдагича мақолачаларга ўхшаш қуруқ бир нарса бўлиб чиқди.

Аҳён-аҳёнда Дронов келиб қоларди, деярли ҳамиша у кайф билан, асабий, пала-партиш кийинган ҳолда келар, кўзлари қизарган, қовоқлари салқиган бўларди.

— Тоськани Буйга, Кострома губерниясига сургун қилишди,— деди у.— Авваллари у ерга сургун қилилмаган шекилли, худо билади, қанақа шаҳар экан у, аҳолиси икки минг уч юз киши. Тоська у ерда ёлғиз, фақат бир поляк ҳам бор эмиш, афв этилиб, асаларичилик қилармиш. Тоськанинг аҳволи дуруст, зерикмаяпти, китоб сўраяпти. Янги чиққан китобларнинг барини жўнатгандим — кўнглини топмабман! «Менинг устимдан кулмоқчимисан!»— деб ёзибди. Кўрдингми?.. Сиёсатга муккадан кетган кўринади...

У газета чиқариш тўғрисида энди гапирмай қўйганди, Самгиннинг саволига эса ғўлдираб бундай деди:

— Газета қаёқда энди, бўлганча бўлди! Пулларни ғорат қилдим, адашдим, оғайни.

Самгин: «Ёлғон гапирётган кўринади!»— деб ўйлаб, азмойиш олди.

— Картага ютқиздингми?

— Цемент билан гишт олдим... Бинокорлик материалларининг бозори чаққон... Устига қўйиб сотаман, деб умид қилган эдим. Цементда мени қўлга туширишди...

У Таисья ҳақида гапирётганида, Самгин емакхонада Агафья чойнак-стаканларни тарақ-туруқ қилмай қўйганини пайқади, Дронов жўнаб кетгач эса, Самгин чўтир хотиндан сўради:

— Тосьянинг нима бўлганини эшитдингизми?

— Эшитдим.

Уй соҳиби хотинга боқиб, унинг яна бир нима дейишини кутиб турди. Хотин бунга тушуниб, тезгина деди:

— Нима бўпти, жон омон бўлса, ҳамма ерда ҳам бир кунини кўраверади одам... Бир элатим бор эди, сургун қилинганида чаласаводгина эди, сургундан қайтгач эса, қарабсизки, мақолалари чиқяпти...

«Бу Анфимьевна эмас»,— деб ўйлади Самгин.

«Бир хизматкор» сифатида у бенуқсон эди: ширин овқат қилар, уйни озода ва саранжом сақлар, ўзини яхши тутар, хўжайиннинг кўзи олдида хира пашшадек айланиб, юрагини сиқмасди. Хуллас, у бошқа бир хотин келиб, ўрнини олишига сабаб бўладиган иш қилмасди, Самгин эса бунга йўқ демаган бўлурди, чунки у ўз уйида бўлаётган ишларни, гапларни мустақил суратда баҳолашга қодир бўлган бегона бир одамнинг — тамомила бегона, ақллигина бир одамнинг борлигини сезаётганди.

Бир куни кечқурун Дронов Тагильский билан кириб келди, ҳар иккиси ҳам ичган эди. Ярим йил бўлибдики, Самгин Тагильскийни кўрмаган эди, унинг ташрифи Самгиннинг табиатини хира қилди ва у ҳайрон бўлди, лекин Тагильскийнинг важоҳатига назар солгач, Самгин бадхоҳлик билан қизиқиш туйди: Тагильский бир ҳолатда эди, деярли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Унинг ғип-ғипалоқ ва пишиққина гавдаси аввалги таранглигини йўқотган, оғирлашиб қолган, кул ранг, антиқа бичимли жуда кенг костюми авваллари кўзга ташланмаган беўхшов ҳаракатларини энди билинтириб қўйган, кулчадаккина юзи ориқлаб қолган, шишган ва Самгинга нота ниш аянчли, итсифат кўзлари керилиб қолган эди. У авваллари ҳам сиртдан Дроновга бир ўхшаб кетарди, бу ҳам унинг каби юмалоқ, бақувватгина, овози жарангдор эди. Аммо илгари бу ўхшашлик фақат Иваннинг бесўнақайлигини кўзга ташлантирган бўлса, энди Дронов кўзга ёқимлигина бўлиб кўринаётганди.

Тагильский лабларини чўпиллата-чўпиллата мастлик билан ҳар сўздан кейин бўлар-бўлмасга тўхтаб-тўхтаб гапирарди:

— Яҳудийларнинг христиан қонини ичиши масаласини Киевда жиддий қилиб қўйишяпти.— Тагильский тиззаларини тап-тап уриб, қаҳ-қаҳлаб кулди.— Романовлар юбилейи арафасида бу жуда ўринли бўлмоқда. Сиз антисемитмисиз, Самгин? Сиз ўзингизни филосемитман дейишингиз керак, тушуняпсизми? Дронов — анти, сиз эса — фило. Мен бўлсам на у ёқлик, на бу ёқлик ёки шароитга қараб, қайси бири фойдалироқ бўлса, ўшанинг тарафдориман.

— Унинг фикрича, бу жамиятда яна бир дарз пайдо қилиш ниятида бошланган бир нарса,— изоҳлади Дронов, стулда чайқала-чайқала.

— Худди шундай!— қичқирди Тагильский.— Айирмоқ, парчаламоқ эмиш. Бемаъни нарса, жамият бор эканми. Кимни кимдан ажратилади?

— Ичишга ҳеч нарса борми?— сўради Дронов, уй ағаси жиддий йўсинда: «Йўқ!» деб жавоб берган эди, Дронов: — «Ҳозир бўлади...» деб, ошхонага кириб кетди.

Самгин унинг бу ўзбошимчалигига қаршилик кўрсатиб улгурмади, устига-устак бу янгилик эмас эди. Иван Агафьяни ўзи хуш кўрган винога авваллари ҳам юбориб тургучи эди.

Тагильский лабларини чўпиллата-чўпиллата кўзларини қисиб, сўлгин юзини буриштириб ғўлдиради:

— Жамият, халқ деган гап уйдирма бир нарса! Бизда бу — уйдирма. Сиз бошқа бирор мамлакатни биласизмики, у ерда министрлар парламентга, яъни халқ намояндалари ишига зимдан путур етказсалар? Бизда шундай қилишади. Бир неча ой бўлибдики, министрлар Думага бормаи қўйишган. Амалдорларнинг бу ҳаёсизлиги ҳеч кимнинг нафратини қўзғамайди. Ҳеч кимнинг. Сизнинг ҳам, ҳолбуки сиз...

Тагильский бармоғини Самгинга ўқталиб, чинқириб кулди; сўнгра пишиллаб нафас олиб, гапини давом эттирди:

— Биласизми, мен сизни ақлли одамсиз, шунинг учун бировга очилмайсиз, деб ўйлаб юрардим. Кейин билсам, писмиқ экансиз, ақлли бўлмаганингиз учун сирим очилиб қолмасин, деб индамай юрар экансиз. Сизнинг қанақа одам эканингизни энди билдим...

Мастлик билан айтилган бу гапга унчалик парво қилмаган Самгин:— Бу кароматингиз билан табриклайман сизни,— деди.

— Сиз хафа бўлманг, мен ҳам аҳмоқман. Бўлмасам, Зотова орқасида осонликча бир мартаба орттирган бўлардим.

— Қандай қилиб?— сўради Самгин, беихтиёр у томон сурилиб ва ҳатто овозини пасайтириб.

— Орттирган бўлардим. Пулларига ҳам чанг солган бўлардим,— деди Тагильский, худди алаҳлаётгандай бўлиб.

— Уни ким ўлдирганини билдингизми?

Тагильский қўллари билан креслонинг дастасига тиралиб, худди ўрнидан турмоқчи бўлгандай, олдинга эгилиб ўтирарди; у лабларини ялай-ялай, хиралашган кўзлари билан Самгиннинг башарасига боққанча ғўлдираб гапирарди.

— Буни билардим,— деди у калласини ирғаб,— Бу оддий нарса. Бу ерда талончилик мақсади йўқ. У ҳолда нима қолади? Рашкми? Бунга асос йўқ. Бўлмаса, нима? Рақобат. Демак, рақобатчини топмоқ керак. Тушунарлими?

— Хўп, лекин ким бўлди у?

Самгин қотилнинг номини эшитишга ошиқарди, аммо Тагильский Дроновнинг ҳузурида бу гапдан оғиз очмаслигини биларди у.

— Аслида қотил Безбедов бўлиши керак, унга жазодан қутулиб қолиш ваъда этилган, бу ишга уни ундаганлар эса, номи улуғ бир тўда разил одамлардир.

Дронов ичкарига кириб: — Ўша ишдан гапиряпсанми? — деб сўради-да, чуқур нафас олди, сўнгра уй эгасининг ёнига ўтириб олиб, пешанасини ишқалади. — Бу иш унинг баданига қадалган тикан, — деди у, Тагильскийнинг елкасини бармоғи билан ниқталаб. Тагильский бўлса, бундай деди:

— Безбедовнинг уйини суд терговчиси сотиб олган. Шу қадар арзонга олганки, бу шубҳа туғдиради кишида, Уралнинг нарёғидаги руда чиқадиган ер Попов деган бир инженерга ижарага берилди ёки сотилди, лекин аслида харидор у эмас.

Бердниковнинг юмшоққина гавдаси Клим Ивановичнинг хотирасида гавдаланди, унинг тупукларини сачратиб: «П-фу-бу-бу-бу»лаб кулишлари эшитилиб кетди.

Бу одамнинг ёдга тушиши табиий бир ҳол эди, лекин Бердниковнинг нақадар олислашиб кетганига қарамай, осонликча ва ортиқча ташвишсиз эсига тушганидан Самгин таажжубланди. Самгин жилмайиб қўйди-да, ўтмишдан яна ҳам узоқлашар экан, ўйлади:

«Марина билан бўлган бутун ҳангама умуман мен тушунганимча, у қадар аҳамиятли эмас».

— Парво қилма, — деди эътиборсизлик билан қўл силкиб Дронов. — Ахир кимга керак бу? Нима бўпти, сўққабош, давлатманд бева эди, шунинг учун уни бир ёқлик қилишди, вориссиз мол-дунёси давлат хазинасига тушди, давлат уни сотади, вассалом, шунга ҳам ота гўри қозихонами!

Тагильский гўё ҳушёр тортгандай бўлиб: — Аҳмоқсан сен, Дронов, — деди ва қўли билан креслонинг дастасини турта-турта сўзини давом эттирди: — Агар Зотованинг ўлдирилиши масаласини судда ўғри хотин Чеберяк томонидан ўлдирилган Юшчинский исмли ўғри болани гўё яҳудийлар ўлдирган деб ўтказилган ўрта аср процесси билан бир қаторга қўйилса ва губернаторнинг куёвини аввалига прокурор гувоҳи сифатида судга жалб этилса борми-и, аминманки, мазкур гувоҳ айбланувчига айланиб қолади...

Дронов нигорон ҳолда емакхона эшигига боқар экан, тишлари орасидан: — Чўпчагингни қўй, — деди ва: — Афсона бу, — деб илова қилди.

— ...шубҳа қилинган кишининг ўлими туфайли тергов тўхтатиб қўйилмаслиги керак эди, аксинча у қонунсиз тўхтатиб қўйилди, ҳолбуки ишнинг ичида шундай ҳужжатлар бор эдики, бу ўлимдан Безбедовдан кўра кўпроқ манфаатдор кишилар бўлганлигидан дарак берарди...

— Э, жонимга тегдинг!— бақирди Дронов, оёққа туриб олиб.— Меъдамга урдинг... нуқул гозга ўхшаб қағиллаганинг қағиллаган... Уришмоқчимиз — мана буни рostaкам жиноят, дейдилар, ҳа, шундай! Саккизинчи йилдаёқ Извольский Суворинга, ким билан бўлса бўлсин, уришиб ютиб чиқишимиз керак, деган эди, энди эса бу аксар министрлар, монархиячилар ва бошқа... нигилистларнинг қатъий фикридир.

У калта қадамлар билан хонанинг ичини ўлчар экан, емакхонага боқа-боқа, қўлларини ёнларига суркаб, жаҳл билан тўнгишларди:

— Мамлакат ичкарисини ҳозирлаяпмиз,— аблаҳ... Уч юз йиллик бекорга байрам қилинадими? Бундан мақсад содиқ фуқароларга, итваччаларга подшоларнинг буюк хизматларини эслатиб қўйишдир. Киевда Умумроссия савдо-саноат кўргазмаси очилади.

— Уруш дейсанми? Бўлса бўлаверсин, жуда соз,— деди сустгина Тагильский.— Оламни остин-устин қиладиган бир нарса бўлиши керак — ё уруш, ё инқилоб...

— Йўқ, инқилобдан гапирма! «Гапнинг ўзи билан иш битмас» деганлари нотўғри. Гап тагида факт бўлса, албатта, «иш битади». Яхши... Қани, мезбон таклиф эт бизни вино ичишга...

— Мен чой ичаман,— деди Тагильский.

— Чой ҳам бор, қани, борайлик!

Тагильский креслода қимирлади-ю, аммо ўрнидан қўзғалмади, Дронов эса уй эгасини қўлтиқлаб олиб, уни емакхонага бошлаб кирди, бу ерда стол тепасидаги чироқ пақиллаб қайнаётган, чиннидек ярақлаган самоварга, икки бутилка заррин винога, шиша ва чинни идишларга нур сочиб турарди.

— Уни бошлаб келганим ва умуман корчалонлик қилаётганим учун мени кечир,— деди секингина Дронов, вино қуяётиб.

— Кечирим сўрамасанг ҳам бўлади,— деди Клим Иванович.

— Каттакон, пурвиқор одам бўлиб кетибсан,— деди хўрсиниб Дронов.— Йўлингни топган кўриңасан. Мен бўл-

сам, ҳали ҳам ўз бўйинтуруғимни осиб, лақиллаб юрибман.— Ҳозирча бўйинтуруқ кенгина, ҳартугур сиқмаяпти. Аммо хавотирли. «Фалокат оёқнинг остида бўлади». Тоська хатимга жавоб қайтармаяпти — нима гап ўзи, билмайман. Қочиб кетган эмасди-ку ахир? Жони омонмикан ишқилиб?

Самгин уни диққат қилмай эшитаётганди. У, Бердниковни қатлининг силтовларига, фактлар, ғояларнинг таъсирига нақадар осон бўйсунилари ҳақида ўйлаётганди. Бу одамлардан ва умуман, ғоялар, фактларни ғайри нормал тарзда, менсимай қабул қиладиган одамлардан у нақадар юксак ва мустақилроқдир.

— «Биз умрни бир дард каби ўтказамиз» — бу гапни ким айтган эди?

Дронов қўшни хонага бош суқиб қаради-да, кулимсираб деди:

— Ухлаяпти. Бунинг оқибати ёмон бўлади, бир кун бориб ичкилик бошини еса керак. Бу қатлга қўл уриб, у келажакни хароб қилди.

— Хароб қилди!

— Бўлмасам-чи. Ишдаги аллақандай хатолари учун ҳатто уни судга беришларига сал қолди. Банкда ҳам иши юришмади: кимнингдир пайини қирқмоқчи бўлди. Лекин одам ачинади унга, ўзи ақлигина. Юрагини бўшатмоқ учун меникига келгани келган. Хўш, бошқа мамлакатларда юракни бўшатишадими, йўқми?

— Билмайман.

— Бу фақат бизда бўлса керак. Жуда соз нарса бу. «Юракни бўшатиш» — дардга даво. Ёки беморни шифохонага олиб боришдек бир гап. Бунинг кулгили томони ҳам бор. Одам юрагини бўшатади-да, бўшалган юрак билан яшайди. Тинчиб дам олади.

Дронов гоҳ аччиқ билан, гоҳ зорланиб гапирар, калта қилиб қайчиланган мўйловининг қаттиқ тукларини юлар, қулоғини тортқилар, кўзлари олазарак стол устида кезар, қадаҳдаги винога тикиларди.

— Кунни кеча келгусидаги урушнинг сабаблари ҳақидаги бир докладни эшитдим. Докладчи исми номаълум бир одам, бесўнақай тишлари қинғир-қийшиқ. Докладнинг... аниқ бир мақсади йўқ. Шунчаки маълумот берарди: факт керак бўлса, мана, хулосани эса ўзингиз чиқараверинг, дегандек. Бизнинг Эрондаги, Болқондаги сиёсатимиз тўғрисида, Дарданелл, Эрон кўрфази, Мўғулистон

ҳақида гап борарди. Докладдан, менимча, шундай бир хулоса чиқарди: модомики, Европанинг мустамлакаси бўлишни истамас эканмиз, чегараларимизни кенгайтириш, яъни мустамлака сиёсати билан зўр бериб шуғулланишимиз керак. Ҳа, хумпар...

У бир қўли билан башараси рўпарасида стакандаги винони тутганча ва иккинчи қўли билан Самгиннинг папиросидан чиқаётган тутунни қува-қува индамай турдида, чуқур нафас олиб, винони ичиб юборди.

— Гурко ҳам ўша ерда эди, хафа, аламзада кўринарди, фожна юз беради, деб фол очарди, бамисоли Наполеон ўрнига даъвогар одамдай гапирарди. Лидвал билан бўлган воқеадан ва сули ўғирлашдан кейин Гурконинг омади кетди, албатта. Анави эси паст октябрист Стратонов қўярда-қўймай: бизга азамат бир одам беринг!— деб талаб қиларди. Ногайцев бирдан ўзини монархистман, деб қолди. Бунга қазоси етай деб қолганда, худога имон келтириш, дейилади. Муттаҳам.

У винони қадаҳга қуяман деб, дастурхонга оқизиб юбориб, ўхшатиб сўкинди ва тобора ғазаб тўнини кийиб гапини давом эттирди:

— Бутун бошли нутқ ирод этди: аристократияни худо яратган, дейди, энг тақводор мўмин одамларни танлаб, худо уларни ўз ақли ҳушидан баҳраманд этган эмиш. Социализмни эса ишчи аристократларни қўрқитиш ва алдаш учун буржуазия, олибсотарлар ўйлаб топган, шу боисдан социализм ёлғон бир нарса. У ерда кадетлар бор эди, бичилган мушукка ўхшаш Маклаков,— министрнинг иниси, Шингарев, Набоков, Гучков бор эди. Одам роса зерикди. Кейин йигирматача одам кечки овқат тановул қилгани кетди, шундан кейин ёзувчиларнинг жангу жадали авж олди, мушук харидори Куприн Леонид Андреев билан олишиб кетди, Муйжель йиғларди ва умуман, тўстўполок кўтарилди...

У яна жим бўлди-да, сўнгра бирдан стулда депсиниб, чинқирди.

— Нега чурқ этмайсан... ким айтади сени ҳақиқат пешвоси деб! Хўш, оғзинга сўк солганмисан... Сени қара-ю, Самгин... э, садқайи одам кет...

— Эсингни йиғ! Мастсан,— деди жиддият билан Климович.

Дронов оёғи билан стулни итариб ва чайқалиб: — Садқайи одам кет,— деб такрорлади,— хўп, мен мастман...

Сен соғсан... яхши, соғ бўла қол... жин урсин бунақа соғни.

У стулларнинг суянчиқларига ёпиша-ёпиша қўшни хонага аранг чиқиб олди-да, у ерда Тагильскийни тортқилаб қичқирди:

— Қани, кетдик! Тур ўрнингдан... кетамиз!

Самгин қаттиқ ғижиниб, стол орқасида ўтирарди, у мастларнинг кетишини кутарди, улар икки кўппакка ўхшаб акиллай-акиллай даф бўлишлари биланоқ Клим Иванович қўнғироқ қоқиб Агафьяни чақирди-да, буюрди:

— Мабодо яна Дронов келгудай бўлса, айтинг, кўришга тоби тоқатим йўқ уни.

Хотиннинг худди қуш чўқигандек юзи қизаргандай бўлди, чечак тўкиб юбораёзган қошлари қимирлади, кўзлари катта очилди, лекин у лабларини маҳкам қисиб олганди.

«Норози. Эътироз қиляпти»,— деб тушунди бу ҳолни Клим Иванович Самгин ва жиддият билан сўради:

— Эшитдингизми?

— Эшитганда қандоқ.

— Хўп бўлади ёки яхши, деб жавоб беришингиз керак эди.

Агафья бир оз тараддудланиб турганидан кейин: — Хўп бўлади,— деди-да, чиқиб кетди.

«Ҳа, бунинг ҳисоб-китобини қилиш керак,— деб аҳд қилиб қўйди Клим Иванович Самгин.— Ҳойнаҳой эртага у ярамас узр сўрагани келса керак. У Санчодан кўра ҳам бетакалуф муомала қиладиган бўлиб қолди».

Бироқ Дронов келмади, орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Самгин уни «Вена» ресторанида кўриб қолди. Бу ресторан газеталарда эълон бостириб, театрдан кейин таниқли ёзувчиларнинг барини «Вена»да кўриш мумкин, деб жамоатга маълум қиларди. Самгин бу ниҳоятда оригинал ресторанга кўпдан келмоқчи бўлиб юрарди, чунки унда суюқ ашулаларнинг ижрочиларини, раққослар, латифабозлар ва фокусчиларни эмас, балки аини адабиётчиларни кўрсатишарди.

Мана, у тутун босиб кетган залнинг бир бурчида, но-зиккина пальма тўсиб турган стол орқасида ўтириб, елпигичсимон катта япроқ остидан кузатарди. Кузатиш қийин эди, чунки столлар узра кўкимтир тутун парда тўлғанарди, одамларнинг башарасини ажратиб бўлмасди, улар тутун қўйнида сузиб, эриб кетаётгандек туюларди, ҳамма-

нинг кўзи бир хил, хира, сўник эди. Лекин говур-ғувур бемалол эшитилиб турар, ҳаммага қарата бақриб айтилаётган гаплар аниқ ажралиб турарди, Самгин буларни эшитар экан, Бальзакнинг «Шагрень териси» романида банкирнинг уйдаги меҳмондорчилик тасвирланган саҳифаларни хотирлади.

— Жаноблар! Қаёқдаги беҳуда гаплар бўляпти...

— Лев Толстой учун ичишни таклиф қиламан.

— У вафот этган-ку.

— Унинг ўлими ўлимни поймол қилди.

— Менинг фикримча, Куприннинг истеъдоди бизнинг азиз...

— Қўйсанг-чи! Унинг ўлими ҳеч нарсани поймол қилгани йўқ.

— Сен ўз жоҳиллигинг билан кўп керилаверма: поймол қилиш — голиб чиқиш, ўлдириш демак!

— Шундайми ҳали? Раҳмат сенга. Мен сенинг аҳмоқлигингга ишонмай юрардим.

— Кофирларга лаънат!

— Яхши! Ундай бўлса бизнинг азиз Леонид учун...

— Қадаҳлар тўхтатилсин!

— Жаноблар! Бу дунё фарзандларининг ҳикмати аср ўғлонларининг донолигига ҳамиша зиддир. Биз дунё фарзандларимиз.

— Йўқолсин ҳикмат!

— Ҳикмат — вақти чоғликдир.

— Хурсандчилик қилайлик!

— Бунга муяссар бўлганларга мадҳия ўқийлик...

— Александр Блокнинг соғлиғи учун ичишни таклиф қиламан.

— Нега энди? Ўзи ичаверсин.

— Тўхта! Фан...

— Фақат техника сифатида фойдалидир.

— Тўғри! Олимлар иллюзиячи бўлишади...

— Мистика билан атомистика орасидаги фарқ нимадан иборат? Ато!

— Бизнинг гимназиямизда физика муаллими ҳар хил оғирликдаги жисмлар ҳавосиз бўшлиқда бир хил тезлик билан ерга тушишини исботлаб беролмади.

— Медицинанинг ожизлигини айтмайсанми?

— Жаноблар! Биз ҳаммамиз ўтган фаришталармиз, яшаш учун Коинотга юборилганмиз.

— Бўлмади! Йўқол!

- Менга сўз беринг! Муҳаббат ҳақида бир-икки оғиз...
- Кимга — отагами, онагами?
- Бошқа бировнинг ўттиздан ошмаган онасига.
- Йўғон бир овоз гуркиради:
- Бейлис иши ҳам Дрейфус иши сингари...
- Битсин Киев сиёсати — ўзимизники етиб ортади.
- Ақлли гап айтинг, майда гап — абадий!
- Лекин рухсат этинг! Ахир инқилоб нима учун қилинган?
- Калибанни инсонлаштириш учун...
- Миллионлар ақлсиз.
- Тўғри!
- Беш тийин, бир мири — ақлли...
- Мен пул ҳақида эмас, одамлар ҳақида гапиряпман.
- Диққат!
- Тўғри, миллионларнинг ақли ошиб-тошиб кетган.
- Буюк нарсалар — бениҳоя зўр бўлади.
- О-офарин!
- Худо сингари.
- Ҳа! Буюк нарсалар худо сингари бениҳоя зўр бўлади. Буюк нарсалар одамни сархуш қилади. Ақлли нарса нима? Ҳозирги замонамизми, хўш?
- Хў-хў-хў! Қуриб кетсин замонамиз.
- Замонамиз аҳмоқона бир нарса. Уни сунъий равишда яратишмоқда.
- Уни Думадаги министрлар қилишяпти.
- Министрларга тил тегизиш ярамайди.
- Аввал Калибанни инсонлаштиринг.
- Уларга тегишинг билан қулашади.
- Германия социалистик мамлакатга айланади.
- Э, парвардигор! Бу заҳар жомини биздан дариг тут.
- Бу нарса билан ҳазиллашиб бўлмайди!
- Биз ҳазиллашаётганимиз йўқ, худодан шафқат тилаяпмиз.
- Йиғлаяпмиз...
- Битсин сиёсат!
- Жаноблар! Агар...
- Тирикчилик қимматлашиб боряпти...
- Шунингдек тобора асабийлашиб...
- Сиз халойиқни йўқ қилинг! Ана шу тайинсиз, даҳшатли нарсани йўқ қилинг...
- Кал-либанни!

— Мешинг фикримча, Комиссаржевская улуг истеъдод соҳибаси...

— Менга қара, мен ғоз буюрдим, ғо-оз! Ға-ға-ға,— билдингми?

— Жаноблар, «Узугимни йўқотдим» — энг замонавий ва фожиавий кўшиқ. Узукка ўхшаш бир ҳалқа бор, у менингдек бир инсонни ўшандай ҳалқалардан иборат заңжир билан боғлайди...

— Қалам ҳақини ошириш масаласини қўйиш керак.

— Тўхта! Жуда бозор бўлиб кетди, ҳамма бақиради, ҳеч нарса англаб бўлмайди.

— Мен узугимни йўқотдим, ўзимга ўхшаш одамни кўрмаяпман...

Самгин ўтирган стол ёнида жуда бадҳазм пардоз қилган бир хоним ҳаяжон билан шеър ўқирди:

Биз — тузоққа тушган ҳайвонлар
Укирамиз қўлдан келганча,
Эшклар ҳам ёпиқ бу онлар...

Уст-боши тўзиган, кўзлари қора, юзи қирмизи маст бир йигит хотиннинг қўлини силай-силаё: — Қўйинг, керак эмас,— деб илтимос қиларди.— Шеър кетмайди! Оддий, тўппа-тўғри тилда гаплашайлик.

Тепакал, новча бир киши виқор билан хонимга яқин келиб эгилди, унинг қалин юмшоқ соқоли хонимнинг очиқ елкасига ёнбошлади, хоним сесканиб кетди, тепакал киши эса дона-дона қилиб деди:

— Генерал Богданович Ялтага, шаҳар ҳокими Думбадзега хат ёзиб, Распутинни сувда чўктириб юбориш тўғрисида унга топшириқ бергани рост.

— Сен буни қаёқдан биласан?— сўради хотин, «сен» сўзига алоҳида урғу бериб.

— Шахсан генералнинг хотинидан...

— Яна ўша чалдиворга борганмидинг?

— Лекин, азизим...

Йигит ўрнидан турди-да, эҳтиёт билан қадам ташлаб. Самгиннинг столи ёнига келди, тўзиган сочлари пальма япроғига илиниб қолди, у жилмайиб Самгинга деди:

— Кечирасиз.

Сўнгра у қовоғини солиб деди:

— Ҳечқиси йўқ, бу унинг ханжари. Шоир одамга бу оламда қилар иш йўқ,— тушундингизми?

У нам кўзлари билан Самгинга боқар, кўз ёшлари қирмизи ёноқларини юварди, йигит папирос ёндирмоқчи бўлди-ю, ammo уни букиб ташлади ва папиросга тикила-тикила тўнғиллади:

— Унинг қиличи. Қилич, копток. Коптокни отамиз. Қилич билан кесамиз. Сўз тафаккурни маҳв қилади. Бу Тютчевнинг гапи. Тафаккурни маҳв этиб қириб ташлайлик... Бемаъниликдан қутулиш керак...

Дронов пальманинг орқасидаги столга, Самгинга орқа ўгириб ўтирди, унинг рўпарасида бароқ сочли, малла соқолли, қўллари узун, овози ингичка бир киши ўтирарди.

— Азизим, менга бир бутилка марго келтир,— деб буюрди у хизматкорга ва Дроновдан:— Сиз нима ичасиз?— деб сўради.

— «Грав», вино.

— Хуллас, шундай. Тезроқ!

У яна Дроновга мурожаат этди:

— Бу гимназист учун, азизим. У вақтни меҳнат ҳақининг ўлчови ҳисоблайди — шундайми? Лекин мана, мен учинчи йилдирки, ўн саккизинчи аср созандалари тўғрисида материаллар тўплайман, дурадгор бўлса, машина ёрдамида, шу орада ўн олти минг стул ясади. Дурадгор ҳар стулдан ярим тангадан ишлаганида ҳам бадавлат одам, мен-чи, мен? Мен дарбадар бир қашшоқман, қиладиган ишим газеталарга тақриз ёзиш, холос. Хорижий мамлакатга боришим керак, боришга пул йўқ. Ҳатто китобга ҳам пул йўқ... Аҳвол шунақа, азизим...

— Нима бўлганида ҳам ишчи масаласини ҳал этиш лозим,— деди қовоғини солиб Дронов.

— Лозимми? Лозим бўлса, ҳал этинг сиз,— маслаҳат берди малла соқолли киши.— Винони ичинг-да, ҳал этинг. Бу масалани сархуш ҳолда... ёки кўзни юмиб туриб ҳал этиш керак, азизим...

Дронов стулда бурилиб, атрофга аланглади ва кўзи Самгиннинг кўзойнагига тушди, у ўрнидан туриб, эски дўстига қўл узатди ва очиқ чеҳра билан мамнуният-ла:

— Ажабо! Шу ердამисан?— деди.

Самгин индамай унга қўлини берди, Дронов эса стулини ўгириб ўтирди-да, сўради:

— Тагильскийни эшитдингми? Уқидингми? Уч кун бурун «Биржевка»да ёзишди — ўзини отибди,

— Ўлибдимми?

— Албатта! Ёқимсиз бўлса ҳам ақлли одам эди, эсиэ. Ақлли одамлар умуман ёқимсиз бўлишади.

Самгин ўз дилига астойдил қулоқ солди: Тагильскийнинг ўз-ўзини ўлдириши унда қандай ҳис, қандай фикрлар туғдиради?

У кўнглига фақат бир фикр келганини туйди: ёқимсиз ва ҳатто нимаси биландир хавфли бир одам абадий йўқ бўлди. Бу асло ёмон эмас. Дронов бўлса унинг кайфиятини яна ҳам чоғ қилиб юборди, у оғзининг таноби қочиб, оҳистагина деди:

— Сен ҳам у қадар ёқимли эмассан-ку, лекин жуда ақллисан.

«Ундан бекорга хафа бўлдим,— ўйлади Самгин, бошдан-оёқ Дроновга разм солиб.— У — беадаб, лекин кўнглида кири йўқ. Унинг ана шу кўнгли очиқлиги маълум бир жойда беадабликка айланади. Устига-устак ўшанда... у маст ҳам эди...»

Семиз бир киши малла соқолли кишининг олдига келиб, уни ўзи билан бошлаб кетди. Маст йигит йўқ бўлиб қолди, хонимнинг олдига новча, ориқ, рангпар, бурундор, пенсне таққан, рангининг тайини йўқ ялтироқ соқолли бир киши келди, у ёноқлари қизил, йўгон ўрама заррин сочли қизнинг елкасидан туртди.

— Мана, азизим, рухсат этинг, таништириб қўяй. Саҳнага чиқиш орзусида ёниб ўртанади...

Кимнингдир қичқирғи унинг гапини бўғди:

— «Замонлар арзитмайди, ўзим учун абадийман» — бу ажойиб шоир Баратинскийнинг гапи, сиз уни танимайсиз. Унга қадар ҳеч ким жон беришнинг фожиали шеърятини чуқур ҳис қилмаган.

Дронов аллазамон Санчонинг вазифаларини ижро қилишга киришиб, одамларнинг отлари ва мартабаларини бирма-бир атай бошлаган эди.

— Бу ердагиларнинг кўпчилиги, Андрей Белий матбуотда айтганидек, «аравага қўшилган аблаҳлардир». Лекин адабиётдаги шовқин-суронни айни шулар қилишади. Бу соҳада улар ўзларига обрў орттиришади, оғайни.

Дронов, азбаройи зерикканидан гапираётгандай, парво қилмай ва ҳафсаласизлик билан гапирар ва унинг гапларида шовқин-сурон солаётган ширакайф кишиларга нисбатан ғазаб сезилмаётганди. У адабиётчиларни ўз сўзлари билан эмас, балки уларнинг тақризлар, пародиялар, эпи-

граммалар, латифаларда бир-бирлари ҳақида айтган фикрлари билан таърифлаётганди.

Бу таъриф-тавсифларнинг бир қисмини Самгин авваллари ҳам эшитган эди, лекин ҳозир уларни бадхоҳлик билан тинглаётганди, одамларни мискин, бачкана бир аҳволда кўриш унга тобора хуш ёқар эди.

— Уруш бошланиши билан ўзларининг кимлигини кўрсатишади улар!— деди қовоғини солиб Дронов.

— Нега сен, уруш бўлиши муқаррар, деб ишонасан?— сўради Самгин, бир оз сукут сақлаб тургач.

Дронов унга боқиб, елкаларини учирди.

— Немис социал-демократлари урушга гов бўладилар, деб ўйлайсанми? Улар катта куч, албатта. Лекин урушмоқчи бўлганлар фақат немислар эмас-ку... французлар ҳам, биз ҳам истаяпмиз ахир... Демократия,— деди у, кулимсираб.

— Демократия тўғрисида гаплашганимиз эсингдами?

— Эсимда.

У стулдан салгина қўзғалиб, атрофга кўз югуртирди-да, асабият билан деди:

— Ботқоқдаги қурбақаларга ўхшаб вақиллашгани вақиллашган. Пайқаяпсанми, адабий суҳбатларнинг асосий мавзуи неча йиллардан бери ўлим бўлиб қолган?

Самгин: — Бу жиддий мавзу,— деб бошини эгди.

Дроновнинг кўримсиз башараси буришиб-тиришиб, янада хунуклашиб кетган.

— Бунинг нимаси жиддий! Фирибгарликдан бошқа нарса эмас бу. Ўлим одамга ҳеч қандай мажбурият юкламайди — кўнглингга сиққанча яшайвер! Ҳаёт эса бамисоли инжиқ, бир хоним: қандай яшаётганингиз ҳақида бир ўйлаб кўрсангиз чакки бўлмас эди, итваччалар, дейди у. Гап мана шунда.

— Насиҳатгўй бўлиб қолганинг одамга нашъа қияпти,— деди адоват билан Самгин.

— Хуллас, сенга бу ярашмайди, демоқчимисан?— бегидиргина сўради Дронов ва кулимсиради.— Нима бўлганида ҳам аристократсан-да! Йўқ, ўлим билан бу хилда ўйнашиш менинг жиғимга тегади. Худо ҳаққи қабиҳ ўйин бу. Адвокатлардан чиққан шоир Андреевский яқинда ўзининг «Ўлим ҳақида китоб»идан парчалар ўқиб берди, бутун бошли китоб ёзпти у,— ҳазил гапми бу! Ўзига иш топиб олди. Кўрган дафн маросимларининг барини тасвир этмоқда. Министрнинг «тул иниси» Столипин ҳам буни

эшитиб, бемаъни ва тутуриқсиз бир нарса, деди. Клим Иванович, уруш бошланганида, хўш, сен нима қиласан?— деб сўраб қолди дафъатан у ва юзи икки-уч сония хунукдан-хунук бўзарди, кўзлари бир нуқтага қадалди, бутун борлиғи тиришиб қотиб қолди.

— Виждонли одамлар нима қилишса, мен ҳам шуни қиламан,— ҳовлиқмай жавоб берди Самгин.

— Ҳмм... Албатта,— деб мингиллади мужмалгина қилиб Дронов ва ўша ондаёқ жуда қатъият билан сўзини давом эттирди:— Бу жавоб эмас! Виждонли одамлар қанақа одамлар эканини ким билади? Мен виждонли одамманми? Қани, айт!

Самгин суҳбатнинг бундай тус олганидан ва маст-аласт одамларнинг гапини эшитишга Дронов монелик қилаётганидан норози ҳолда:— Албатта,— деди тасалли бермоқчи бўлиб; салонда маст одамлар озайиб қолганди, лекин қолганлар боягидан баттарроқ шовқин солишаётганди, кимнингдир ўткир овози шовқинни ҳам босиб тушиб, шанғиллаб эшитиларди:

— Мережковскийнинг каромати эсингиздами?

Тушунарсиз бизнинг каломлар,

Биз ўлимга маҳкуммиз мангу.

Жуда ҳам кеч тушган кўкламнинг

Эрта келган аломати бу.

— Мана, эшитяпсанми?— сўради Дронов.

— Эшитяпман. Лекин бу шеър, шеърнинг маъноси эса вазн билан қофиянинг ихтиёридадир. Менинг кетадиган вақтим бўлди...

Дронов ҳам индамай ўрнидан қўзғалди, у гугурт қутисини стол устида ўгира-ўгира бошини эгиб турди-да, сўнгра деди:

— Мен яна бир оз ўтираман.

Самгин йўлкадан одимлаб борар экан: «Миттигина Калибаннинг ўзгинаси,— деб ўйлади.— Мартабали тўкис. Узини қаерга қўярини билмайди, бутун ҳийла-найрангла-рига сабаб шу. Аслида водопроводчи слесарь бўлишга лойиқ. Ватерклозетларни ремонт қилиб юраверарди. Нариборса баққоллик дўконида сотувчи бўлиб ишлаши мумкин-ку, у бўлса, сиёсат билан ўйнамоқнинг пайида».

Шаррос ёмғир ёғиб ўтди, мусаффо ҳавода нафас олиш жуда ҳузур эди, ёмғир ғайри табиий, лекин бу шаҳар учун

хос бўлган чиринди ҳидни гўё ювиб кетганди. Сутдек ойдин кеча эди, майдонга ётқизилган тошлар ипаксимон ярақларди, тошлар орасидан, худди шиша қуртлар сингари, буралиб-буралиб ёмғир сувлари сизиб турарди.

Самгин «Ойнинг мовий кумуши» деган сўзларини хотирлади ва қадамини секинлатиб, от устидаги олтин дубулғали подшонинг қоматига такаббуруна боқди.

«Қироллар билан дворянларнинг кураши тарихида бу энг ёмони эмас. Қирол ва дворянлар,— деб такрорлади у, булар орасида бир ўхшашлик топмоқчи бўлиб.— У энг асл дворянларни қириб, тож-тахтни қўлга киритди. Ўттиз йил подшолик қилди. Пушкиннинг тақдирини ўз қўлида ушлаб турди».

Бир соат вақт ичида шунчалик кўп аҳмоқона гапларни эшитгач, Самгин ўзини донишманд фараз этиб, одатдан ташқари хушвақт бир кайфиятда эди. Ресторанда туйиб кукунга айлантирилган ҳамда қичқира-қичқира тилга олинган бутун ғоялар Самгинга таниш эди, шунга кўра у ўзини ана шу бутун ғояларнинг марказида, уларнинг ҳукмдори деб ҳис қиларди. Бутун бу аҳмоқлик ва қабиҳликлар уни юксакликка кўтараётгандай ҳамда унга кишиларнинг тақдирини тўғрисида ўйламаслик ҳуқуқини бераётгандай сезарди ўзини. У турли-туман йиғилишларга тобора иштиёқ билан қатнашар ва баҳслардан ўзини олиб қочиб, ихтилофларга аралашмасдан қисқа-қисқа, салмоқли нутқлар сўзлар, бу нутқларида, модомики ҳар бир кишининг ўз фикрини эркин равишда айтиш ҳуқуқи эътироф этилар экан,— бу эркинлик ҳар кимнинг зиммасига мухалифининг фикрини ҳурмат қилиш вазифасини юклайди, деб кўрсатиб ўтарди.

«Воқеликка нисбатан бизнинг ҳар биримиз даъвогарлармиз, ҳар ким ўз шахсиятининг манфаатларини унга бўлган зўрликдан ҳимоя қилади. Моддий манфаатлар учун курашда инсонлар баъзан бир-бирига душман бўлишига қарамай, ҳаёт бутунича жиной ва граждандан процессидан иборат эмас, яшаш учун кураш назарияси маънавиятнинг олий манфаатларини йўққа чиқармаслиги керак ва йўққа чиқармайди, инсоннинг ўзини идрок этишдан иборат муқаддас интилишини сўндирмайди».

Самгин бу фикрни кўпдан-кўп цитаталар билан беаб, хилма-хил шаклларда ифодалаб, унинг чайналавериб сийқаси чиқиб кетганини сўзлар воситасида моҳирона ниқобларди, ҳамма менинг гапларимни диққат билан тинглаяп-

ти, менга эҳтиром билан қараяпти, деб биларди. У «ўз ҳолича ҳалол» эди, диққат-эътибор, эҳтиром учун арзонгина, майда чақа билан ҳақ тўлаётганини тушунар, шунга кўра унинг одамларга муносабати яна ҳам илтифотсиз тус олиб, етук, баркамол одамнинг ўсмирлар билан қиладиган суҳбатига хос бўлган мулойимлик касб этарди. Хуллас, у жуда бамайлихотир, хузур-ҳаловатда яшар ва одамларни турли даражада ҳақиқатан ташвишга солган нарсаларнинг бари унинг мартабасини, шуҳратини оширишга хизмат қиларди.

Январь ойининг охирида Елена қайтиб келди ва дастлабки кўришувдаёқ таажжубини яширмасдан унга:

— Сенсиз роса зерикдим, буни кўз олдинга келтиришинг мумкин? Ҳа, ҳа. Сен одамнинг кўнглини очсан... хуш ёқасан, тароватлисан,— деди у, Самгинни ўпиб.— Одамларнинг жамики аҳмоқона қилиқларига чидаб келдинг, бошқаларга халақит бермасликнинг йўлини биласан, мен эса халақит берганларни ўлгудай ёмон кўраман.

«Ақлли жувон»,— деб қўйди ўзига-ўзи Клим Иванович яна бир карра; Еленанинг хушомадли сўзлари унга у қадар маъқул бўлмаса-да, лекин у Елена билан кўришганидан хурсанд эди. Ўз одатича ола-була майин жунлибос кийган Елена мушук каби чаққонгина кўринарди. У папирос тишлаганча диванда ёнбошлаб ётиб, ўнг қўлининг бармоқларини шиқиллата-шиқиллата ҳаяжон билан гапирарди:

— Парижда бизларга жуда қизиқишади, аммо ишларимизни маъқуллашмайди! Киевда яҳудийлар устидан бўлиб ўтган анави аҳмоқона суд уларга ёқмади. Коковцев Берлинда, Дума билан матбуот сира ҳали халқ деган гап эмас ва умуман, министрларнинг Думага муносабатини қоралашмоқда, дебди. Мен у ерда сиёсатчиларнинг тўпига тушиб қолдим, кўпдан қадрдон бир дугонам бор эди, адвокатга эрга тегди, эри парламентда, ўтакетган ватанпарвар, немисларни кўргани кўзи йўқ. Ўзи семизгина бўлса ҳам салга тутақиб, қизариб-бўзариб кетади, ҳозир бир бало бўлади, деб хавотир олиб турасан киши. Хотини ҳам ўлгудай қўпол жувон, костромалик, французча гапирганда қўйдек маърайди, эри бунга жинни одамдай хахолаб кулади. У менга: рус тили намунча қийин ва даҳшатли тил бўлмаса, деб шикоят қилди. Сўнгра: кровь, кровля, кор-

рова, кр-руглый, круг, кр-расиво, кроткий, кр-рыса, крепко сўзларини талаффуз этди. Рус тилини жуда яхши тушунади. Бизнинг Думада атиги ўн уч социалист борлигини жуда мақтаб гапирди, улар ҳам бир-бирлари билан чиқишишмайди, қолганлари эса — Сибирда ёки муҳожирликда, деб хурсанд.

— Урушдан гапиришадими? — сўради Самгин.

— Французлар урушдан ҳамиша гапиришади, — даядил жавоб берди Елена ва кулимсираб, бармоқларини Самгиннинг қуруқ бармоқларига чалиштирар экан, изоҳ берди: — Адвокатлар жуда кўп, сизнинг ҳунарингиз эса ҳужум қилиш, мудофаа этишдир. Французнинг одатдаги муштарийларидан бўлак яна бель Франс, патрисс¹ ҳам бор...

— Ватан — ҳазил бир нарса эмас, — муаллимона деди Самгин.

Елена унинг қўлининг оғирлигини салмоқлагандай қирмирлатиб кўрар экан, гапини давом эттирди:

— Шундай одамлар бўлса керакки, улар учун нимани ҳимоя қилишларининг фарқи йўқ. Бу ерга кўчиб келгунимизга қадар Бассейн кўчасидаги бир графинями, княгинями истиқомат қиладиган уйда эрим билан яшардик — фамилияси ёдимда йўқ, Мейендорфми, Мейенбергми эди, ишқилиб — мейени бор эди. Уша графиня ўз итининг кираверишдаги зинапоя устида булғанишга ҳаққи борлигини ёқларди...

Клим Иванович Самгин унинг беғараз вақиллашларини ҳузур қилиб эшитаётганди, лекин у мажозий маъноси шундоққина билиниб турадиган латифаларни яхши кўрмасди. Шу сабабли у хотинни сўздан амалий ишга — ҳар иккиси учун ҳам ҳамиша хуш ёқадиган ишга ўтишга мажбур қилди.

Самгин аллақандай янги ва катта воқеалар яқинлашиб келаётганини тушунарди. Подшолик қилаётган сулоланинг уч юз йиллик юбилейи пойтахтда ҳаддан ташқари оддий ўтказилиб, вилоятда, хусусан, 1613 йилги воқеаларнинг энг фаол иштирокчиси бўлган Ярославль, Кострома, Нижний-Новгородда байрам қилинганлиги Самгин учун аҳамиятга молк эди. Лекин вилоятларда ҳам юбилей гайри самимий бир тарзда, ноилождан байрам қилинди, ибодатлар, парадлар билан чекланилди. «Рус халқи» ва «Михаил

¹ Гўзал Франция, ватан... (французча — belle France, patriedан).

Архангел» деб аталган подшопаараст иттифоқларнинг террорига бўйсундирилди,— шу нарса яхши маълум эдики, бу иттифоқларда полиция, руҳонийлар ва баъзи ерларда — шаҳар бошлиқлари, аксар ҳолларда эса — саноат буржуазияси эмас, балки йирик савдо-сотиқ намояндалари ҳукмронлик ролини ўйнади. «Халқ» Николай Иккинчининг истеъдодсизлигини тўғри баҳолади ва унинг подшолик даврида юз берган асосий воқеалар — Ходинка, 9 Январь, Москва билан бўлган уруш, Ленадаги отиш, деҳқонлар билан ишчиларнинг кўплаб қатл этилганини эсдан чиқармабди, деб ўйлаш мумкин эди. Романовларнинг авлодлари бўлган Европа қироллари ҳам бу юбилейга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашдилар, улар подшо билан йирик буржуазиянинг манфаатларини ифодалайдиган Дума орасидаги муносабатларни ҳисобга олган бўлишлари керак. Хуллас, мустабид ҳокимият наинки сиёсий ва маънавий жиҳатдан, балки жисмоний жиҳатдан ҳам ўз умрини яшаб бўлгани, тахт вориси бедаво дегенерат касалига мубтало бўлгани аниқ эди. Афтидан, уруш бўлади ва бу уруш чоризмни узил-кесил йўқ қилиб, уни республика билан алмаштиради.

Клим Иванович Самгин ўзини келажакда аниқ тасаввур эта олиш учун етарли даражада реалист эмас эди. Буни қилишга у уринмас эди ҳам. Лекин у бир неча дафъа ўз қаршисига: партияга киришимнинг фурсати етмади-ми? — деган саволни қўйган эди. Лекин мавжуд партиялар ичида етарлича пухта уюшган ва унга муносиб ўрин таъмин этишга қодир биронта ҳам партия кўрмас эди. Таъмин эта олмайди, аммо бирон-бир тадбир билан, масалан, кадетларнинг Виборгга кетиб қолиши каби тадбир билан уни бадном қила олади.

Самгин Думанинг фаолиятини диққат билан кузатиб борар, Думага бориб турарди, унга ҳамма партиялар қайта тузилаётгандай, умуман, сўлга бурилаётгандай туюларди. Кадетларнинг конференцияси: сайлов ҳуқуқини демократлаштиришни, Давлат кенгашини ислоҳ қилишни, масъул министрлик талаб қилишни зарур деб топди. «Октябристлар», «сўллар», «земство ходимлари»га ва «ўнғлар»га ажралиб кетди. «Октябрист» Гучков, «ҳукумат мамлакатни ҳалокат сари бошлаб бормоқда», деб очиқдан-очиқ баён қилди. Приказчикларнинг, муаллимлар, шаҳар ходимлари ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг съездлари катта аҳамиятга молик бўлди. Дронов:

— Демократия ҳаракатга тушиб қолди!— деб севинчидан терисига сирмаётганди.

У тобора бойиб бораётганди, бу унинг хилма-хил ва бир-биридан яхши костюмларидан, важоҳатидан, гап-сўзларидан очиқ-ошкор билиниб турарди.

— Тагильскийнинг хотини бор экан, бўлганда ҳам унақа-мунақа эмас!— у бир кўзини юмди-да, чўзиб ҳуштак чалди.— Услуби модернчасига, биронта ҳам ҳаракати табиий эмас, овози жон бераётган одамникига ўхшайди. Мен унинг уйига, китоб сотилади, деган эълонни ўқиб бориб қолдим. Ажойиб китоблари бор экан, оғайни. Шеллиданми ёки Шнеллиданми тортиб ҳамма классикларимиз топилади! Мендан етти юз манатни шилди. Унга, эрингизни танир эдим, десам: «Шунақами?» деб қўя қолди, у ҳақда бошқа чурқ этмади, аблаҳ!

— Сен уйланишинг керак,— деб маслаҳат берди Самгин.

Дронов ҳайрон бўлди.

— Бу қанақаси? Хўш, Тоська нима бўлади? Мен яқинда уни қутқариб оламан, оғайни. Менга қатъий ваъда беришган.

Самгин унинг гапига инонмай: — У большевикларга қўшилиб кетади,— деб жаҳлини чиқарди. Дронов савол назари билан боққанча индамай турди-да, сўнгра тўсатдан деди:

— Хўш, нима бўлибди? Мен ҳам у билан бўламан. Китоблар нашр қиламиз. Қалин-қалин китоблар.

Дронов яқиндан бери чека бошлаганди, бу сира ярашмасди унга, гип-гипалоқ, паканагина бўй-басти билан офзида папирос тишлаб турганида самоварга ўхшаб кетарди у. Шу топда ҳам у қовушмасдан папирос чекар экан, афти башарасини буриштириб гапини давом эттирди:

— Биласанми, мен, ишчиларимиз Лениннинг кетидан кетишади, деб ўйлайман,— ахир у пролетариат диктатурасининг зарурлигини очиқ-ойдин исботлаб, одамларни қизиқтирмоқда...

Самгин кескин масалалар юзасидан ўз фикрини билдиришдан ўзини олиб қочаётган бўлса ҳам Иван бир нима қилиб унинг жиғига теккач, у ўзини тута олмай, тиш орасидан гапириб юборди:

— Зарурат қаршисига иложсизлик қўйилган,— бу соғлом фикрни тарбиялаш учун жуда фойдалидир...

Дронов бесаранжом кўзларини яна савол назари билан унинг юзига тикди, Самгин эса ўзи кутмаган ҳолда фикрини ниҳоясига етказди:

— Ленин ўз фракциясини нолегал ишлашга мажбур этмоқда.

— М-м,— деб минғиллади Дронов ва димоғига тутун кириб, йўтала бошлади.

Клим Иванович, империя таркибига кирган турли қабилалар турмуши ҳақида бўлганидек, ишчилар синфи ҳақида кам ўйлар эди,— бу қабилалар «Андижон қўзғолони» каби фактлар муносабати билангина аҳён-аҳёнда эсга тушарди, ишчилар ҳақида эса, турган гап, тез-тез — ҳар сафар улар отилган кезларда ўйлаб қоларди. Лекин бу хаёллар лип этиб ўтарди-кетарди, улар бир лаҳзагина эсга келарди-ю, лекин унда одамларни эзишга, уларни ўлдиришга асосланган ҳаёт учун масъулият фикрини уйғотмас эди. Бироқ Германия социал-демократияси рейхстагда кўпчилик овоз олиб, Шейдеман раис креслосига ўтирганидан буён,— Клим Иванович. Самгин, Жорес, Вандервельде, Брантинг, Пабло Иглезиас, Евгений Дебс, Бебель ва номлари тарихга битилган яна кўпгина сиймолар замонида яшаётганини хотирлади. Шуни хотирлар экан, у ўз номини ўшалар билан бир қаторга қўйиш истагини туймади, лекин ишчилар синфи тўғрисида фикр юритганда: «Қудуққа тупурма, суви ичилади», деган қадимги ақидага кўра эҳтиёткорлик зарурлигини сезарди. Самгин бу мақолда «ўзинг ичасан» деган сўз йўқлигини ҳамда у бошқалар сувини ичадиган қудуққа тупуришни тақиқламаслигини тушунарди. У Ленин революцион пролетариатни яширин ишлашга мажбур этаётганини Дроновга айтар экан, ҳар қалай ўз умиди тўғрисида бир нав шама қилиб қўйди ва бу эҳтиётсизлиги учун ўзидан пушаймон бўлди.

Ун тўртинчи йилнинг ёзига бориб тобора шитобкор тус олаётган воқеликка нисбатан кескин танқидий муносабатда бўлган одамлар ичида Клим Иванович Самгин жуда кўзга кўринарли одам эди. Унинг ҳақида ҳамма бир оғнздан:

— Ақлли одам,— дерди.

Самгин шу нарсани тушунар эдики, бу одамларда танқид пардаси остида воқеликни ўнгга ёки чапга буриб юбориш йўлидаги барча уринишлар ва ниятларни чеклаш ёки йўқ қилиш истаги пинҳондир, бу шу қадар кескин бурилиш бўлардики, танқидчилар аллақерда четда, на

ўмид, на хаёлларга ўрин бўлмаган бир бўшлиқда қолиб кетардилар. У уймалашиб юрган муҳит тажрибаси йўқ ҳисоб, аммо ўзига ҳавоси баланд адвокатлардан, ўз ишининг азобини тортавериб асабий бўлиб қолган ўрта мактаб муаллимларидан, қорни тўқ, аммо ҳаётнинг зерикарли эканидан азоб чеккан Шемякин қабилидаги эстетлардан, француз инқилоби тарихини, *т-те* Роллан хотираларини ўқиган ва сиёсатни ноз-ишва билан ажабтовур адаштирган хотинлардан, танқид, шуҳрат ити ҳали қопмаган ва тишламаган бўлса-да, аммо санъатнинг ижтимоий масъулияти масаласига муносабатда қутуриш аломатлари бўлган ёш адабиётчилардан, «богема»¹ деб аталганларнинг намояндalarидан, у ёки бу партияга мансуб бўлган, лекин, афтидан, программалар уларнинг бутун хилма-хил истакларини қондиришга қодир эканига ишонмайдиган Думанинг аллақандай индамас депутатларидан иборат эди. Улардан бири кенг пешанали, зоҳид башарали ориқ бир киши сиёсатга муносабатини жуда аниқ ифодалаб, шундай деди:

— Сиёсат ҳозирги ҳолида ҳаётнинг туб масалаларидан четлаб боряпти. Сиёсатнинг асоси — статистикадир, аммо статистика, масалан, жинсий алоқаларга, ота-оналар ажралган вақтда болаларнинг аҳвол ва тарбиясига, умуман, оилавий турмуш масалаларига таъсир қила олмайди.

Уларнинг деярли ҳаммаси нутқларини одатда: «Биз демократлармиз... Биз, рус демократлари...» деган сўзлар билан бошлашарди.

«Разночинец айниди,— деб мулоҳаза юритди Самгин.— У кўпас билан эмас, балки дворян билан ёнма-ён турганда яхши эди. Дворян билан тенг бўлмоқлик учун ўз ерига эга бўлиши зарур. Буржуа билан тенглашмоқ хийла осонроқ».

Уларнинг орасида асабий касаллар оз эмас эди, улар Фрейдни ўқишар ва энди «ўзларининг ким эканликларини англаганликларига» амин эдилар, хусусан, ўзларининг мумтоз одам эканликларига қаттиқ ишонардилар. Буларнинг бари воқелиқдан устун бўлишни исташар, уларнинг деярли ҳаммаси партиясиз эдилар, чунки партия интизоми ва программаси уларнинг ўзига хос «маънавий конституцияларига» ёмон таъсир этишидан чўчишарди. Бу одам-

¹ Б о г е м а — капиталистик мамлакатларда турмушлари оғир аҳволдаги адиблар, артистлар, рассомлар ва шу каби энёлилар. (Тарж.)

ларнинг ўзларига берган ижтимоий баҳоси Алябьевнинг қуйидаги сўзларида ифода этилган эди:

— Биз — мамлакатнинг сўнгги резервимиз, — деди у ва ҳеч ким унга эътироз этмади.

Самгин бу кишиларни йиғинларининг бирида хотирлади: ёшлик чоғларида, у яширин эпиграммалар, карикатуралар, цензура тақиқлаган мақолаларни йиғиб, коллекция тузган кезлари қўлига бир гранка тушган эди, унда «соплеменники»¹ сўзи қисқартирилиб — «соплеки»² деб терилган эди, диққат билан ўқийдиган ёки истехзога мойил цензор эса е ҳарфини чизиб, устига қизил қалам билан аниқ қилиб — я ҳарфини ёзиб қўйган. У ўзида кулгили нарсага мойиллик ва яна ҳам кулгили ҳазилга хоҳиш авж олаётганини пайқай бошлаган эди.

Одамларнинг бундай бачкана, бўлмағур аҳволга тушганлигидан Клим Иванович хафа ҳам бўлмас, хурсанд ҳам бўлмасди, чунки бу аҳволни нормал бир ҳол дейишга аллазамон кўникиб қолганди. Гала-гала намоёнчилар подшога ўзларининг ишончини ва унинг бутун подшолиги даврида ўз фуқаролари қонини лоқайдлик билан аямай тўкиб кўрсатган мардлигидан қойил қолганликларини изҳор этиш учун Нева проспекти орқали Қишки сарой томон оққан июль куни ҳам у хафа бўлмади. Минг-минглаб одамлар проспектнинг тахта қопланган йўлидан майда қадам ташлаб, оҳиста-оҳиста боришар, бетартиб дупур-дупур, шовқин-сурон кўтариларди, гўё проспектнинг ғўлалари орасига ёғоч қозиқлар қоқишаётгандай эди. Кўчада бўғиқ овоз гувиллар эди, одамларнинг яланг бошлари узра хилма-хил қий-чувлар эшитиларди.

— «Э, худойим, бу бандаларингни ўзинг асра...»

— Ур-ра-а-у-у!

— «Бузруквор императоримизга голибият ато эт...»

— Ур-ра-а-у-у!

Оломоннинг олдида бошларини баланд тутиб, хушнуд чеҳра билан Думанинг таниш депутатлари, мундир кийган кишилар, зарбофли шимиға қизил ҳошия тutilган генераллар, узун сочли поплар боришар, зарҳал тугмали оқ китель ва мундир кийган студентлар, ясанган-тусанган хотин-халаж борар, бамисоли резинадан бўлган ғип-ғипалоқ кишилар дикиллаб ўтишар, улар билан ёнма-ён юпун

¹ Соплеменники — бир қаблага мансуб одамлар. (Тарж.)

² Сопляки — мишиқилар, ношуд гўдаклар. (Тарж.)

кийинган кишилар, ҳасса тутган чоллар, олачипор дурра танғиган хотинлар каловланиб боришарди, уларнинг кўпи чўқинишар ва аксарияти эса оғзиларини очиб, олдингиларнинг боши оша аллақаерларга боққанча қадам ташлашар, ҳамма ёқни қий-чув ва айюҳаннос тўлдирганди. Уйларнинг деразалари ва балконларидаги хотин-халаж, бола-чақалар ҳам қўлларини силкиб қичқиришар, лекин қичқиришдан кўра ҳам кўпроқ суратга тушишаётгандек эди.

«Morituri te salutant,— деб ўйлади Самгин ва бирдан шубҳага тушди: — йўқ, бундай эмас».

— Подшо билан халқнинг бирлиги мана бунақа бўлади,— деди орқадан биров.

— Жилла ҳам шундоқмасдир. Лекин бир нарса аниқки, бу стихияли ҳаракатдир...

Елена секингина бир нима деди, лекин Самгин уни эшитмаётганди, фақат: «Ҳар ким бирор нарсани ҳимоя қилишга одатланган»,— деган гап қулоғига чалинганида, зимдан қараб қўйди унга. Елена уни қўлтиқлаб олганча турарди, андак пардоз қилинган юзи ташвишли ва хафа кўринарди, гўё юзини оломон тўзитган ва унинг боши узра шаффоф булут каби сузиб юрган кул ранг чанг босгандек эди.

— Аттанг, Парижга жўнамай чакки қилдим,— деб чуқур нафас олди Елена.— Энди бу ерда, худо билсин, нима ҳангамалар бўларкин...

— Бу тетиклаштирувчи бир силкитиш ролини ўйнаши мумкин,— деди жиддий тусда Самгин.— Биласанми, туз эритмасини, уни чайқатмасанг туз кристалланмайди...

— Йўқ, мен туз эмасман, мени силкитишларини истамайман ҳам,— деди хафа бўлиб Елена.

Самгин таниш одамларни кўриб индамади: эгнига жужунча пиджак кийган, хушнуд юзини тер босган Ногайцев одамларни туртиб-суртиб югурарди ҳисоб, новча Иеронимов бошини эгиб, чап қўли билан қулоғини чангаллаганча тараддуланиб қадам ташларди, Пильников оппоқ кийинган, антиқа шляпадаги новча бир хонимни қўлтиқлаб олганди, қўлида йўғон таёқ ушлаган Стратонов виқор-ла одим ташларди, у билан ёнма-ён тепакал, рангсиз, соқолли Пуришкевич юлқиниб борар, муҳорабадан омон қайтиб, байрамона кийиниб олган аскарга ўхшаб юзи семиз Марков ҳам қадам ташларди. Ишчилар тўдаси яққол кўзга ташланиб турарди.

«Кек сақловчи эмаслар»,— деб ўйлади Самгин ва сўнгра кимдандир киноя билан сўради:— «Пролетариатнинг ватани борми?»

Ўттиз нафарча ғишт терувчилар ўтишди, улар Самгин яшаган кўчада, унинг квартирасининг рўпарасидаги беш қаватли уйни қуришгаётган эди, уларнинг ҳаммаси, Брюсовнинг таъбири билан айтганда, «оқ фартукда» эдилар. Самгин уларни тақир бошли, маймунга ўхшаш юзини тук босган ва аламига чидай олмай қичқираётган одамдай овози ўткир ориқ чолни — артель оқсоқолини кўриб таниди.

— Ҳаромхўрлар,— деб уввос солиб, ўхшатиб сўккан эди у, шу ерда истиқомат қилувчиларнинг шикоятни билан, бу ҳақорати учун уни полиция идорасига олиб кетишганди, у ерда уч сутка ётиб чиққач, тўртинчи кун каллаи саҳарлаб яна унинг шанғиллаган овози эшитилганди:— Ҳаромхўрлар — шайтонваччалар...— у яна шарм-ҳаёсиз сўзлар айтиб кўчани бошига кўтарганди.

Унинг орқасидан бораётган киши ҳам отнинг қашқасидай маълум, новча, кенг елкали, заррин жингалак сочлари саватдай, барваста соқолли ғишт терувчи бўлиб, қирмизи юзида ва мовий, шаффоф кўзларида ҳамиша ёқимли, мулойим табассум ўйнар эди,— у Самгиннинг деразаларига бошқалардан кўра яқинроқ ерда ишлаганидан Самгин унинг кўркем қадди-қоматига кўпинча ҳавас билан боқарди.

Етимлар уйдан бўлса керак, бир хилда кул ранг костюм кийган болалар билан қизлар майда қадам ташлаб боришар, почтальонлар, вокзалда ҳаммолик қилувчилар, аллақайси касалхонанинг касал боқувчилари, божхона амалдорлари, қуролсиз солдатлар ўтиб боришарди, оломон қанчалик нари борган сари унинг қўйруғида стихияни ташкил этаётган кучнинг иш кўраётгани шунчалик равшан бўлиб қолаётганди. Отлиқ полиция отряди буни яна ҳам тўла ошкор қилди.

— «Медведь»га борайлик,— деб талаб қилди Елена.— Чанг ютавериб тўйдим, шундай бўлса ҳам овқатлангим келяпти.

«Медведь» ресторанидагилар ура, деб қичқаришар, қадаҳ уриштиришар, шишалар жаранглар, бутилкаларнинг пробкалари отиларди, одамлар бировни кузатгани вокзалда йиғилишганга ўхшарди. Самгин бақриқ-чақи-

риқларга қулоқ солди, тезда кўзойнагини қўлига олди ва бошини столга эгиб, ойнасини арта бошлади.

— Бу таниш овоз,— деди Елена, бармоқларини шақиллатиб.

Шанғиллаб эшитилган ўткир ва ширадор бу овоз Самгинга ҳам таниш эди,— унинг қулоғини тешгудек бўлган бу овоз Захар Петрович Бердниковнинг овози эди:

— Биз инсонпарварларча урушамиз, одамларни тўйдириб ғалаба қиламиз. Бутун Урта Осиёни қанд билан, чит билан фатҳ этдик...

Самгин кўзойнагидан хўмрайиб бурчакка боқди, у ерда дафна ва пальмалар орасида, юм-юмалоқ ажойиб бир одам худди шифтга чўзилаётган ғоздек турарди, унинг қизимтир лўппигина юзи ярқирар, ўткир кўзлари чақнар эди, Бердников ўнг қўлида вино қуйилган қадаҳни ушлаб, чап қўли билан кўкрагини шапиллатиб ураётганди,— шундай ураётган эдики, гўё қўли хамирга тегаётгандек мулоғим овоз чиқаётганди.

— Немислар темир билан, пўлат билан урушишади, улар машинани ва энг муҳими, ақлни ишга солиб урушишади! Ҳа, ақл билан!

— Ҳа, эсимга тушди,— бу — Бердников. Ичидан пишган, ўлгудай шалоқ, бунақаси кам топилади...— деди секингина Елена.

Самгин Еленани эмас, балки шундоққина яқинидаги стол атрофида ўтирган икки кишининг шивир-шивирига қулоқ солаётганди; буларнинг бири тилла тишли, узун мўйловли, ориқ ва тепакал, иккинчиси эса, семиз бурни устига мовий кўзойнак қўндирган, мўйсафид соқолли, пешанаси энлик киши эди.

— Захар ёмон қўлга тушибди,— деди тилла тишли киши.

— Қутулиб кетади. Одамлари бор.

— Э, одамларининг қўлидан нима келарди! Бизда министрлар ҳафта ўтмай алмашиб туришади. Думадагилар эса бахил одамлар.

— Ҳечқиси йўқ. Уруш савдонинг белига тепмайди.

Улар индамай қолишди, Бердниковнинг яқинида ўтирган биров жазава билан бақирди.

— Мужикни тинчитинг!

— Нима дейсиз: сабр қилайми?— секингина сўради тилла тишли киши, кексаси соатига қараб олгач, яна ҳам секин жавоб берди:

— Шошилишнинг ҳожати йўқ. Ҳозир Митя келиб қолади, кўрайлик-чи, нима гап топиб келар экан.

— Нега мунча хаёлинг паришон?— зарда билан сўради Елена.

— Гапларига қулоқ соляпман,— деб яна тинглай бошлади Самгин.

— Гуманитар, радикал зиёлиларимиз бутун умрлари бўйи тарихдан олдинга ўтиб кетишнинг пайдалар,— деб аччиқ алам билан қичқирарди Бердников.— Улар тарихни яратишни Карл Марксдан эмас, Емелька Пугачёвдан ўрганишди...

— Думани ёпиш керак!..— деб ўшқирди биров.

— Кайфлари ошиб қолди,— деди Елена.— Йўқ, бу ер бўлмайти менга, одам бўғилиб кетди! Очиқ ҳавога, оролга чиққим келяпти,— деди нозланиб у.

Самгиннинг ҳам кетгиси келаётганди, Бердников билан кўришиб қолиш аҳтимоли уни ташвишга солаётганди, аммо Елена унга моне бўлаётганди. Самгин нима учун оролга бора олмаслиги сабабини айтиб улгурмасдан, оқ сариқ жингалак сочли, юзи қизил бир йигит шошганча қўшни столга келиб ўтириб, секингина бир нима деди.

— Мана сизга Захар керак бўлса,— деди мақтов билан мўйсафид киши.— Сиз уни, қўлга тушди, деб ўтирибсиз, у бўлса биздан олдинга отилди...

Тилла тишли киши оқариб кетди, жунжиб, қўлларини икки ёнга ёзди.

— Ҳеч кимнинг ақлига келганмиди шундай бўлади деб...

— Ҳа, бу катта зарба! Камида бир минг уч юз олади...

— Ахир, сабр қилинг, Мирон Васильев, унга ким айтди экан?..

— Ҳамма ерда унинг қўли бор...

Тилла тишли киши стулдан дик этиб туриб қичқирди:

— Сен айтгансан, аблаҳ! Сен!

У бўкириб онадан сўкинди, бу сўкишни эшитиб, салондагилар жим бўлиб қолишди.

— Кета қолайлик,— деди Елена жуда сабрсизлик билан.

Улар кўчага чиқиб хайрлашдилар. Самгин уйига пиёда кетди. Учиб бораётган экипажларда офицерлар ўтиришарди, уларнинг бари биринчи марта кўзга ташланган офицерга ўхшаб ўтиргандек кўринардилар: у офицер бошини

виқор-ла ёрқага ташлаб, қилчини тиззалари орасига олиб, қўлларини унинг дастаси устига қўйиб ўтирарди.

«Бердников,— деб ўйлади Самгин ва уни лаънатлади:— Аблаҳ, касофат одам...»

Самгин бу лапосни ғайри ихтиёрий равишда ҳамда ундан алам олмоқлик учун сўкаётганди. Лекин унда Бердниковга қарши адоват йўқ эди, фақат жирканишга ўхшаш энгил бир ҳис сақланиб қолганди.

— Бу ишнинг бўлганига кўп бўлган. Эшитган одам буни латифа дейди.

Исакиевск майдони томонда ҳарбий оркестр гулдурос соларди, тўда-тўда одамлар ўша томонга шошилар, отлиқ миршаблар отряди югурарди, оқ мундир кийган миршаблар кўзга ташланарди, Қозон собори ёнида подшонинг содиқ фуқаролари уймаланарди. Самгин уларнинг гапини эшитмоқ учун бир тўдага яқин борган эди, бироқ полиция офицери, гарчанд хушмуомалалик билан бўлса-да, қатъий йўсинда:

— Тарқалинглар, жаноблар!— деб маслаҳат берди.

Шемякин Самгиннинг тирсагига ва ўзини бошидаги панаммага салгина тақлиб:— Са-лом,— деди.— Хўш, бу ёмон хотиралар манзилдан жўнаб қоламизми? Мана, сизга уруш керак бўлса...

— Менга урушнинг кераги йўқ,— деди лоқайдгина Самгин.

— Шунақами? Йўқ, мен урушни жуда вақтида бошланган ва гоятда фойдали бир нарса деб ҳисоблайман, у халқларни ўзларига хос хусусиятларига қараб фарқлантиради, уларни бирлаштиради...

Шемякин ширали овоз билан бақириб гапирарди, ундан шу қадар гупиллаб атир ҳиди келиб турарди, ҳатто оғзидан чиқаётган сўзларигача атир пуркалгандек эди. У кўчада уйдагига нисбатан чиройлироқ кўринса-да, лекин сиполик етишмасди унда,— оч бинафша ранг костюми, аямасдан гижимланган қимматбаҳо панамаси, дастаси фил суягидан ясалган ҳассаси, бармоқларидаги қора инжулар уни жуда олифта кўрсатарди.

— Уруш табақавий фарқларни йўқ қилиб ташлайди,— дерди у.— Одамлар тинч-тотув яшамоқ учун етарлича ақлли ва қаҳрамон эмаслар, лекин душман қаршисида уларда дўстлик, қардошлик туйғуси, тақдир ўйинида ғолиб келмоқ учун бирлик зарурлигини англаш тушунчаси аланга олиши керак.

Темир панжара орқасида, кичкинагина, чанг боғчада бир тўда болалар ва қизчалар елкаларида белкурак ва таёқ билан марш қилиб юришарди, олдинда ўн ёшлар чамасидаги бир бола лабда чалинадиган кичкинагина гармонни чалиб борар, бир оз четроқда кўзойнак таққан, йўл-йўл юбка кийган бир хотин борарди.

— Серёжа, қадамнингни тўғрила!— деб қичқирарди у.— Бир-икки, бир-икки!

— Немис социалистлари — бизнинг устозларимиз,— деб гап сотарди Шемякин,— ўтган йилиёқ махсус қурола-роғ учун янги солиқ солишга овоз беришди...

Қўлларида бут, подшонинг, унинг хотини, ворисининг портретларини кўтарган бир тўда одамлар худди мўридан чиқаётган тутунга ўхшаб тор кўчадан шошилганча кетма-кет чиқиб келишарди, уларнинг кетидан қора соқолли отлиқ полиция офицери кўринди, у от билан одамларни четлаштира-четлаштира қамчинини ўйнатиб, уларга пўписа қилиб қичқирарди:

— Сизларга айтяпман: орқага қайтинглар! Қани, марш орқага!

Пиджак, чит кўйлак кийган одамлар деворга сиқиб қўйган Шемякин:— Русь ҳаракатга тушиб қолди!— деб изоҳ берарди. Оппоқ соқолли, кенг елкали, йўғон таёқ ушлаган бир киши Самгинга кўз югуртирар экан, ранжибгина гапирарди:

— Биров ундоқ дейди, биров бундоқ, ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди! Орада фурсат ўтиб боряпти!

— Узи қаёққа бормоқчи эдинглар?— сўради Шемякин.

— Буни ўзимиз ҳам билмаймиз, ҳамма бало шунда.

— Ўзларинг кимсиз?

— Анвойи одамлармиз.

— Демак, шаҳар боғидаги юк ташувчилар.

— Кўприк қурувчилар.

— Уруш нима важдан бошланди ўзи?— деб сўради Самгиндан таёқ ушлаган мўйсафид.

— Манифестда ҳамма гап айтилган.

Самгин, йўлкадаги турт-туртдан фойдаланиб, Шемякиндан узоқлашиб олди, яқин оралиқда дўмбираларнинг дупур-дупури бошланиб кетди, қамиш сурнай чийиллай бошлади, полк байроғига ҳамроҳ бўлган баланд бўйли гвардия солдатлари, поршень буғни сиқиб чиқаргани каби,

одамларни кўчалардан суриб чиқариб, тош кўчада гурс-гурс қадам ташлатарди.

— Преображенчилар,— деди кимдир ҳурмат билан, бошқа бир киши:

— Семёновчилар,— деди.

— Йигитлар! Православ... хочпараст аскарларимизга — ур-ра!

Бу чақириққа жавоб берганлар ўн кишидан ошмади. Кул ранг халат кийган, енгига Қизил Крест боғичи танғиган бир хотин Самгинни турта-турта олдинга ўтиб олиб бақирарди:

— Солдатлар орасида яҳудий дейсанми, татар дейсанми бор...

Самгин билан ёнма-ён турган оқ фартукдаги, похол шляпали, оёғи калта бир киши дарҳол хотиннинг орқасидан қичқирди:

— Тентак, гвардиячиларнинг бари чўқинтирилган!

— Ўзинг тентаксан!— жавоб берди хотин, ундек оппоқ бетини у томонга буриб.— Хўш, уларни сен чўқинтирганмисан?

— Тўхта, тўхта! Сенинг нима ҳаддинг борки...

Самгин бир тор кўчага кириб шляпасини қўлига олдида, терлаб кетган чаккаларини дастрўмолча билан артар экан, ўйлади:

«Нодон одамлар... Бундай одамларни деб...»

У асаби қўзиб кетгани учун фикрини тамомлай олмади.

Бундан уч ҳафтача аввал полиция идораси унинг квартираси жойлашган кўчани Франция республикаси президентининг келишига ҳозирлагани эсига тушди. Ҳамма кўчаларнинг қоровуллари миршабхонага чақирилган эди, шундан кейин икки кунгача миршаблар уйма-уй юриб бир нималарни текширишди, уч уйда тинтув ўтказишди, бир уйдан аллақандай студентни қамоққа олишди, куппа-кундузи бир миршаб Агафьянинг дўсти, ёши ноаниқ, нақ католик попига ўхшаб кетадиган, юзи қирилган, тепакал Беньковскийни ёғоч чолғу асбоблари таъмир этиладиган устахонадан олиб чиқиб кетди. Каллаин саҳарда қурилишнинг тахта деворини кўкимтир рангга бўяшди, сўнгра кўчани сув билан ювиб, тўкисгина кийинган, аксарияти соқолдор бир неча ўн басавлат одамни кўчага чиқариб қўйибди. Уларнинг орасида ёшлар ҳам бор эди, ўша ёшлар қизиқ бир иш қилишди: ўтган-кетганларни тўхта-

тиб, уларни бўёғи ҳали қуриб бўлмаган деворга қиснша-
верди, йўловчиларнинг биқини ёки кураги бўялаверди.

Тушга яқин кўчанинг охирида ташвишли ҳуштак ово-
зи эшитилиб қолди, гўё шуни кутиб тургандек ярақлаган
автомобиль зудлик билан ғизиллаб ўтди, машина ичида
цилиндр кийган семиз бир киши, унинг рўпарасида зар-
боф кийимдаги икки ҳарбий хизматчи ўтирарди, учинчи
киши шофёрнинг ёнида эди. Полиция соқчиларининг бир
қисми кўчадан ўтаётганларни, бир қисми эса уйларнинг
деразаларидан қараб турган одамларга қизиқиб анқайиб
қолган кишиларни акс эттирарди, Клим Иванович Самгин
эса, дераза кесакиси остидан боқар экан, бу семиз Пуанка-
ре жаноблари бир йил аввал — Романовларнинг юбилейи-
да келиши керак эди, деб ўйлади.

Агафья қўшни хонада экан, Самгин халатда, туфлида
ўша хонага чиққанида,— Агафья тирсагигача яланг қўл-
ларини кўксига қўйиб, уни хушнуд бир табассум билан
қарши олди.

— Франция республикасининг бошлиғини кўрганин-
гиздан хурсандмисиз?

— Унинг боши кўринмайди ҳам цилиндридан этигига
қадар ҳаммаси қорин,— деб жавоб берди хотин.— Подшо-
нинг кўпасга ўхшаб гражданча кийимда юриши кулги-
ли,— дерди у.— Устига-устак бошига қора пақирдай бир
нарсани тўнтариб қўйгандан кўра савлатлироқ кўриниш
учун бир он бошқа бир нарса, ҳеч бўлмаса протопоплар
княдиган камиловка кийса ҳам бўларди, қайтага полицей-
мейстрларимиз ундан кўра чиройлироқ кийинишган.

Самгин бу хотин билан ҳадеб гаплашавермасди, чўтир
хотин эса тобора хирахандон бўлиб, у билан бетакалуф
гаплашгиси келаверарди. Лекин у аввалгича ўзига гап
тегмайдиган қилиб ишлар, ўрнига бошқа бировнинг оли-
нишига баҳона бўладиган иш қилмасди. Самгин ошхонада
бирорта эркак кишини кўриб қолишни истарди, лекин у
Беньковскийдан бўлак ҳеч кимни учратмади, ваҳоланки
бошқа кишилар ҳам келиб туришарди. Ошхонадан ҳам-
ша тамаки ҳиди келиб турарди, ҳолбуки на Агафья, на
Беньковский папирос чекишарди.

Орадан икки кун ўтгач, Елена Самгинга қаламда қў-
полгина қилиб ишланган карикатурани кўрсатди: тўрт-
бурчакли шакл ичида қилич ва найзалардан ишланган
бомба шакли бўлиб, у Пуанкаренинг башарасини эслатар-
ди, тўртбурчакнинг бурчакларида, юқорида — Николай

Романовнинг чала-ярим ўчиб кетган башараси акс этган бир сўмлик, Англия қиролининг тўнғизсифат калласи, пастда — Бельгия билан Руминия қироллари ҳамда «Тўрт-бурчакдаги нуқта» сўзлари, яъни французча — Пуанкаре деб ёзилганди.

— Кўринг, деб Харламов берди,— деди Елена.— Унда ҳаминиша қизиқ-қизиқ нарсалар бўлади.

— Ёшлигимда мен ҳам перо ва қаламда ишланган шунақа... бемаъни нарсаларни йиғиб юрардим,— деди бу ишни маъқулламагандай бўлиб Самгин, лекин бундай бебошлик энди унда бебошларга нисбатан анчайин душманлик ҳисси уйғотажагини айтиб ўтирмади. Харламов ҳам ўзининг обивателларча консерватизм ва аксилинқилобий кайфиятларнинг турли кўринишларига очиқдан-очиқ қизиқиши билан аста-секин унда шунақа бир ҳис туғдираётган эди. Бу одамнинг секингина ҳуштак чалиб юриши, ўзи билан ўзи шивирлаб гаплашиши, ҳатто худди чўян каби қора ва силлиқ сочлари, хуллас, унинг бутун турқи таровати унда аллақандай ғалати, ҳатто бемаъни шубҳалар уйғотарди: бу одам сочини бўяб юради, бошқа бир одамнинг паспорти билан яшайди, у сургундан қочган эсер, суиқасдчи, максималист деб ўйлагиси келарди, лекин Елена билардики, Харламов Прозоровнинг амакиваччаси, унинг отаси ветеринар, Курскда яшайди, еттинчи йилда қамоққа олинган онаси эса қамоқхонада ўлган.

Самсонов армияси тор-мор бўлишидан бир неча кун аввал Харламов Самгинга бир варақ папирос қоғози тутқазди:

— Қизиқсангиз ўқиб чиқинг.

Самгин ремингтонда босилган шеърни ўқиб чиқди:

Дўстлар, қўл силтайлик марксизмга,
Буюк доктринадан ўгирайлик юз.
Миллатчилик беги қадрли бизга,
Бизга синфий кураш керакмас ҳаргиз!

Эсдек-ватанпарвар, қадингни кўтар,
Босқинчи душманлар сари шитоё юр,
Ва йўқсил немиснинг бошига тушир!

(Икки марта)

Борайлик биз янги оғалар сари,
Комитет — Гучковнинг қошига илдам.

Бизга не одамлар ғам-фарёдлари,
Бизга не Маркснинг васияти ҳам?

Эсдек-ватанпарвар, қаддингни кўтар ва ҳ. к.

Георгий Плеханов қичқирар шундоқ,
Шундоқ Шейдеману Вандервальде, Гед.
Давлат думасида Бурьянов ҳар гоҳ
Уларнинг сўзларини айтар кетма-кет.

Эсдек-ватанпарвар, қаддингни кўтар ва ҳ. к.

Эрkning ол байроғни ташлайлик отиб,
Уч рангли аламини қўлга олайлик.
Ва йўқсил қўшинлар шитоб жам этиб
Ишчи немисларга қарши солайлик.

— Бўлмағур нарса,— деди Самгин.

— Бўлмағур ҳам гапми!— жавоб берди Харламов.

— Қўполлигини айтмайсизми,— илова қилди Самгин.

Харламов гўё узр сўрагандай:— Жуда ибтидоий,—
деб изоҳ берди елкаларини қисиб.

Клим Иванович: «Мени масхара қияптими?»— деб
сўради ўз-ўзидан ва энди кўрдикки, Харламовнинг остки
лаби устки лабидан қалин экан, бу эса уни бир нарсдан
жирканаётгандек қилиб кўрсатарди, турғун кўзлари эса
одамга ҳаёсизларча тик боқарди. Бу одамнинг гаплари
кўпинча икки маънони англатишлиги дарҳол Самгиннинг
эсига тушди.

Германия элчихонасининг вайрон қилинганини Харла-
мов бундай гапириб берди:

— Ёқимсиз бир услубда харсангдан қурилган уйни
вайрон қилишди. Ён-веридаги уйларни ҳам вайрон қилиш-
лари мумкин эди. Полиция ижозат берса борми, Қишки
саройни ҳам дабдала қилишарди. Приставнинг ёрдамчиси
бир танишим менга бундай деб шикоят қилди: «Уруш
энди бошланди-ю, ҳалитдан ўғирликдан гапиришяпти: ҳо-
зир бир одамни тутишди, у бошлиқларнинг буйруғи билан
уйни вайрон қилишаётганини уқтирарди халойиққа, нега-
ки уй эгаси бўлмиш интендант қирқ мингта аскарча этик-
ни ўғирлаб немисларга сотган экан». Элчихонанинг томи-
дан бронза ҳайкаллари улоқтира бошлаганларида бир
чол: «Аничков кўпригидаги мисдан қуйилган яланғоч
йигитларни ҳам йўқ қилишса чакки бўлмасди», деди.

Самгин лоқайдгина сўради:

— Бу воқеага халқнинг ғазаби сабаб эканидан кўз юмасизми?

Харламов энди очиқ-ошкор унинг устидан кулар экан, гуноҳкорларча:— Мен ҳеч қандай ғазабни пайқамадим,— деб жавоб берди:— Бошлиқларнинг ижозати билан одамлар шунчаки ўзларини овутишяпти.

— Албатта, бу тўғри эмас, бу ҳазил!— деди Самгин, Харламов эса илова қилди:

— Газетачиларнинг эса ғазаби қайнаяпти: негаки уларга ўз ҳиссиётларини ошкора ифода этишни тақиқлаб қўйишди, уларни сўз қобилиятидан маҳрум этишди,— ҳатто холис ниятли элчи бўлмиш «Речь» газетасининг ҳам оғзини юмиб қўйишди.

Ватанпарварлик ҳисси жўшиб бутун мамлакатни қамраб олгани Самгин учун тамомила равшан бир нарса эди,— ҳолбуки японлар билан бўлган урушнинг бошида у бундай бир ҳолни кўрмаган эди. Мана энди либерал буржуазия «подшо билан халқнинг бирлиги» шиорини яқдиллик билан қабул қилди. Давлат думаси ҳукумат билан бўлган бутун ихтилофларига тантанали равишда чек қўйди, студентлар ватанпарварлик намойишлари ўтказардилар, вилоятлардан подшо номига юзлаб телеграммалар келиб турар, уларда жангга шай эканликлари ва ғалаба қозонишга ишончлари комил экани айтилар, газеталар «тевтонларнинг қутуриб кетгани»га оид далиллар келтирар, адиблар наср ва назмда немисларга ҳалок бўласизлар, деб таҳдид солишар ва ҳамма ерда ўн бир немис отлигини қиличдан ўтказган ва найза санчган Дон казаги Козьма Крючков қаҳрамонлигининг таърифини қилишарди.

— Оддий одамларни ҳарбий жасорат кўрсатишга қизиқтириш учун ўнтани ўзлари қўшган бўлсалар керак,— деди Харламов.

«Ўзини кўрсатмоқ учун сершубҳа одам қиёфасига кирмоқчи»,— деган фикрга келди Самгин. Еленанинг ҳадеб Харламовдан гапиравериши Самгинга ёқмаётган эди:

— Ажойиб. Аломат. Қизиқ табиатли одам.

— Қизиқ табиатли одамларнинг бизда сон-саногии йўқ, улардан одам безор,— деди Самгин, орадан бир неча кундан кейин эса қуйидаги гапларни эшитди у:

— Истеъдодли одам! Куни кеча менга опереттага ўхшаш бир нарса ўқиб берди— жуда кулгили нарса. У ерда тақводор банкирлар хори шундай куйлайдики, кулиб ичагинг узилади:

Оҳ, қанчалар роҳат эрур, оҳ,
Яқин дўстинг терисин шилмоқ!

— Бу кунларда майнабозчиликнинг вақти эмас,— деди Самгин, Елена эса қатъий эътироз билдирди:

— Йўқ, аксинча бундай кунларда ҳар вақтдагидан кўра вақти чоғлик қилиб қолиш керак! Айтмоқчи, биржа ўйинига сенинг унча-мунча ақлинг етадими? Пайшанба кун и мен саккиз минг ютган эдим, пул сақлаш хавfli, яхшиси пулни олтинга уриш керак, деб огоҳлантиришди мени, олтин буюмлар...

— Ҳа, албатта, олтин ол,— Клим Иванович лоқайдлик билан унинг сўзини тасдиқлади.

Бу жувоннинг хатти-ҳаракатлари Самгинни қизиқтирмас, Харламовни мақтаб гапиришлари унда рашк уйғотмас эди. Уруш унинг қаршисида қандай истиқбол ва йўллар очади?— Клим Иванович шунинг ташвишида эди. Уруш шунча миқдордаги одамнинг қўлига қурол тутган эдики, бу кетишда у узоққа чўзилмас эди, албатта, чунки йиллаб урушишга маблағ етишмайди. Турган гапки, Антанта Австрия-Германияни енгади. Россия Ўрта ер денгизигача чиқиш имконига эга бўлади, Болқон ерларида мустақамланиб олади. Буларнинг бари тўғри, лекин у нима ютади? Самгин илож қилганича шундай қатъий қарорга келди: ўзини кўзга кўринарли бир ўринга қўйиши керак. Бунинг аллазамон вақти соати етган.

— Ҳаёт тажрибаларимга ҳурмат юзасидан ҳам мен шундай қилишим керак. Бу тажриба шундай бир қимматли нарсаки, уни оламдан, инсонлардан яширишга менинг ҳақим йўқ.

Лекин бу формулалар уни қаноатлантирмади. У шу нарсани сезар эдики, бир умр унга тинчлик бермай келган нарсани у одамлардан эмас, ўзидан яширишнинг пайида эди. У ўзини шуҳратпараст ҳисобламас ва инсонларга хизмат қилишим керак, деб сезмасди, у одамови эмас эдики, лекин аксар одамлар ҳеч нарсага арзимас эканлигини кўрар, баъзиларини эса аслида душман деб сезарди. Шарқий Пруссияда Самсонов армиясининг тор-мор этилганлиги ҳақида хунук миш-миш гаплар юриб қолганида Самгин шошиб бир қарорга келганидан пушаймон бўлди. Орадан бир неча кундан кейин эса Елена, бармоқларини шиқиллата-шиқиллата, унга бир фотосурат кўрсатди.

— Қара, қандай кулгили нарса!

Сурат хира бўлгани учун ундаги кўчанинг бир бўлагини, дераза ромлари, ойналари синган иккита харсанг уйни, бировнинг оёғи кавушандоздан гиштин майдончага осилиб турганини, бутун кўчада синган мебеллар қалашиб кетгани, қопқоғи ажраб кетган пианинонинг думалаб ётиши, зарангми ёки каштанми бир дарахтнинг кўчада кўндаланг ағанаб ётгани, дарахт олдида гулхан бўлиб, пианино қопқоғининг диккайиб чиқиб тургани, гулхан олдида эса баланд суйанчиғли каттакон креслода рус солдатининг оёқларини ёзув машинкаси устига, милтигини эса чоти орасига қўйиб, оловга қараб ўтирганини дарҳол англаб бўлмас эди. Орқа томонда, яна икки солдат ноаниқ акс этган бўлиб, улар хунук бир отни аравага ё қўшаётган, ёки чиқараётган эди.

— Остига: голиб деб ёзиб қўйса бўлади — шундоқми? — сўради Елена, Самгин жаҳл билан деди:

— Мен аминманки, бутун бу... расвогарчиликлар суратга олиш учун атайдан қилинган. Аллақандай прапоршчиклар, мухбирлар томонидан. Елена эътироз этди:

— Йўқ, буни доктор Малиновский суратга олган. Унинг Богданов деган бошқа фамилияси ҳам бор. У бунақа иш қилиб кўрмаган, лекин биласан-ку, билармон одам. Эрга теккан йилим у бизга келиб аллақандай лекциялар ўқирди. Жуда камтар, лекин паришонхотир одам ўзи.

У елкаларини ва кўкрагини силкитар ва бармоқларини шақиллатар экан, мамнуният билан деди:

— Биласанми, уруш жуда қизиқ нарса, одамни жуда банд қилиб қўяди! Эрталаб уйқудан уйғониб: ким кимни енгган экан, деб ўйлайсан. Газеталарни ҳам ҳазилкаш таънишингни кутгандай кутасан.

— Калтак еяётганлар учун бу жилла ҳам завқли нарса бўлмаса керак, — деди Самгин қатъий бир тарзда, Елена эса файласуфона жавоб берди:

— Ундай бўлса, бардош беришсин-да.

Бир неча кундан кейин эса Елена ҳайронлик билан маълум қилди:

— Харламов ўз ихтиёри билан урушга кетяпти, кўз олдинга келтириб кўр буни!

Унинг бу ҳайратида нима учун севинч борлиги тушунарли эмас эди.

Самгин сўради:

— Бунинг нимаси сенга хуш ёқяпти?

У саволига шундай жавоб олди:

— Унутяпсан, менинг танамда оз-моз француз қони борлигини.

Бу жуда таассуфли бир ҳол эди: Самгин Песочное қишлогининг деҳқонлари помешчик хотин Левашеванинг ҳайдаладиган ерларини, шунингдек, ўтлоқларини қонунсиз равишда эгаллаб олганлари хусусидаги иш юзасидан Харламовни Новгород губерниясининг уездларидан бирига юбормоқчи бўлиб турган эди. Помешчик хотин ўлиб, унинг вориси — Давлат думасининг депутати Ногайцев эски бир планни топиб, унинг даъвосини қишлоқ жамоаси олдига қўйишни Прозоровга топширди. Прозоров даъво қўзғати, округ судида ишни ютиб чиқди. Бироқ палата суд қарорини бекор қилди ва айни замонда монастырь Левашеванинг ҳадяномаси асосида жанжалли ернинг бир қисмига эгалик қилишга ҳақ-ҳуқуқи борлиги тўғрисида даъво қўзғаб, деҳқонлар уч йил давомида ундан ерни ижарага олиб келганларини исботлашнинг пайида эди.

Чигални ечиш учун Анисим Фроленков деган деҳқон монастырь даъво қилмаётган ўтлоқни Ногайцев округ суди қарор чиқарганидан кейин дарҳол унга сотганини, монастырь эса гўё Фроленков берган вексель асосида бу ўтлоқларнинг пичанидан фойдаланиб келганини айтди. Клим Иванович Самгин бу ишнинг шубҳали эканини ва бу ишга киришган Прозоров эҳтиётсизлик қилганини илгари ҳам биларди, шу кунларда унинг ҳузурига келган Ногайцев эса бу ишни тўхтатиш кераклигига уни тамомила ишонтирди. Ногайцев чўчиб кетган ва ўз ҳаяжонини сира яширмас эди.

— Азизим, бўйнимга оламан, мен ҳовлиқиб қолдим. Ахир ишбилармон одам эмасман, қонунларнинг нозик томонларини ҳам билмайман. Лоп этиб мерос чиқиб қолди, биласизми, бечораҳол жўжабирдек жонман! Оила одамни мажбур қилади... План мени адаштирди. Энди тушундимки, план ҳали... нима десам экан, бир хаёл экан.

У бугун жуда тоза ювинган, кийимлари дазмолланган, сипогина кийинган, тугмалари соллинган, гўё ҳозиргина ҳаммомдан чиққандек эди. Гапира туриб соқолини, ёнларини, қалин пиджагининг ёқасини силарди, мулойимгина юзида хижолат, шафқат ифодаланар, кўзларида эса айёрона бир табассум ўйнарди.

Самгин зарда билан ахир унинг муддаоси нима эканини сўради.

— Тинчлик иштайман!— деди Ногайцев кескин оҳангда бирмунча чинқириб ва қип-қизариб кетди.— Биласизми, ҳозир Дума депутати мужиклар билан жанжаллашиб юрадиган вақт эмас, қачонки... тушуняпсизми? Шу сабабли сиздан ўтиниб сўрайман: мужиклар ёнига бориб, муро-сага келишни таклиф қилинг. Акс ҳолда, биласизми, газе-талар билиб қолиб, буни кўтариб чиқишади. Мен айтганча бўлса, тинчгина, тотувлик билан...

«Ёмон таклиф эмас бу,— деб фикр юритди Самгин.— Бу Прозоровдан қабул қилган ишларимнинг охиригиси бўлади».

Бу ишни тугатгандан кейин Елена билан тез-тез кўришиб туриш заруратидан қутулажагини эсга олиш Самгин учун жуда кўнгилли эди, негаки бу хотиннинг ўзини яқин олиши энди унга малол келаётган, баъзан эса ҳаддан ташқари истиҳола қилмаслиги ва у билан бетакаллуф муо-малада бўлиши уни ранжитиб ҳам қўяётган эди.

Мана, у Боровичидан Устюжнагача бўлган ўйдим-чу-қур йўлдан шалоқ бричкада силкина-силкина борарди. Туман орасидан гоҳо унинг тиззаларига майда, совуқ ёмғир томчилари бўралар, бричканинг чарм соябони лопиллай-лопиллай унинг бошига уриларди, Самгин ўзини олдинга ташлаб, соябонини очди, бричка ҳар сафар сил-кинганида соябоннинг учи аравакаш чолнинг курагига қадалар ва чол бўғиқ овоз билан бўкирарди:

— Қани, чаққон, чаққонроқ!

Жонивор дуруст от эди, тез югурарди, «чу-чу» деб қисташнинг ҳожати йўқ эди, шундай бир отни шалоғи чиқиб кетган аравага қўшганларини кўриб одам ачинарди.

Йўлнинг ҳар икки ёнида туман ичида дарахтлар лип-лип ўтар, кузак шамоли яланғочлаб шилиб кетган қора шох-шаббалар чайқалиб турар, ола ҳаккалар ҳавода у ёқ-дан-бу ёққа учишар, чуғурлашарди, ботқоқ чириндисининг қўланса ҳиди ғижирлаб бораётган бричкани қаршилаб, яна кузатиб ҳам қўяр, рутубат одамнинг аъзойи бадани-дан тешиб ўтиб, оғир бир маъюслик ва ғалати фикрлар туғдирарди. Ногайцевлар, Фроленковлар ва Песочное қиш-лоғи деҳқонларининг бачкана ишлари Франциянинг ши-молида юз бераётган ва «Дунёнинг Афинаси» бўлмиш Парижнинг ҳаёт-мамотига таҳдид солаётган воқеалар олди-да нақадар арзимас бир нарса эди! Мабодо немислар ға-лаба қилгудек бўлсалар, французлар наинки иқтисодий жиҳатдан яна таланадилар, балки ҳатто ўзларидан хийла

Йстеъдодсиз бўлган бир халқнинг қаршисида тиз чўка-жаклар. Ҳа, бу бутун Европанинг тақдирига ва албатта, бутун инсониятнинг тақдирига таъсир қиладиган бир зарба бўлади. Эҳтимол, немислар, инқилобга чап бериб, ўз Наполеонларини яратажаклар ва бутун Европани фатҳ этишни олдиларига мақсад қилиб қўяжаклар. Бу орада эса Япония Осиёни истило қила бошлайди. Келгусида ирқларнинг тўқнашуви ва олишуви инсониятга хавф солади. Буларнинг бари чексиз коинот бағрида, минг-минглаб улкан юлдузлар туркуми орасида, миллионларча планеталар орасида йўқ бўлиб кетган, бу планеталар билан таққослаганда, балки атиги эллик-олтмиш йилча умр кўриш пешанасига ёзилган инсон, ана шу мавжудот туғилиб-яшайдиган ер чанг заррасидек бўлган кичик бир планетада содир бўлаётгани эсга олинса...

Ана шу хилдаги фикрлар Самгиннинг хаёлига тез-тез келавермасди ва у ҳамиша бу фикрларни космосдаги инсон ҳақида «дунёвий қайғу» мавзуида ёзилган китоблардан, бадбинларча фикр юритишининг сабаби фақат унинг ижодчисигагина равшан бўлган у ёки бу қаҳрамоннинг гапларидан оларди. Клим Иванович бу фикрларни яхши кўрмас ва ҳар қандай программа тафаккур одамларни ўзига итоат қилдирганидек, бу фикрлар уни ҳам ўзига тобе қилиб қўйилишидан чўчиб, улардан қочар эди. Лекин бу фикрларнинг ғоятда қимматли хусусиятини — инсонни воқеликдан четга тортиб, уни воқеликдан юқори қўйишга қобил эканини у тан олиб, ҳар эҳтимолга қарши уларни кўнглида сақларди. У очиқ-ойдин кўрардики, инсонлар «нисбат назарияси», Қуёш бағридаги ҳарорат ҳақида, Сомон йўли беҳад бурама чизиқ шаклидами ёки ёйсимонми ҳамда Ер курраси ёнадими ёки музлайдими, деган масала устида гаплашганларида бир-бирларидан ақллироқ бўлиб кўринишнинг пайида бўладилар. Бир вақт бу тумтароқли фикрларнинг қимматини у ўзи ҳам сезмаган ҳолда бирваракай белгиламоқчи бўлиб деди:

— Буларнинг бари шундайдир, балки шундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу масалаларни ҳал этмасдан яшаса ҳам бўлаверади.

Бу дақиқаларда, атрофни жуда торайтириб қўйган туман ичида, бричка темирларининг шарақ-шуруғи ва ги-жир-ғижирини остида Самгин инсоннинг борлиги жумбоқ эканлиги ва бу жумбоқ маъносизликка ғоятда ўхшашлиги тўғрисида илк дафъа ва жуда иштиёқ билан ўйлади.

Оқшомга яқин у толиққан ва хомуш ҳолда хонадонларй эич жойлашган бир шаҳарчага кириб борди, ўн бешга яқин черковнинг михга ўхшаш қўнғироқ миноралар шаҳарчани гўё ерга михлаб қўйгандек эди. Индамас ҳайдовчи аллақандай кичкина темирчилик устахоналари олдидан орқа-ўнгига қарамай отни шитоб билан ҳайдаб ўтар, қоронғиликда устахоналарнинг қўраларида кўмирлар алангаланар, чўкичлар гурсиллар, бўз сой соҳилида ҳам иш қайнар, хода арралашар, болта чопишар, бир нима ғижирлар ва пайдар-пай бир овоз янграрди:

Эҳ, дубинушка, эҳ-эҳ!

Эҳ, кўккиша — келмоқда ўзи!

Тортайлик, эҳ, тортайлик эҳ!

Уҳ, уҳ!

— Кетди, кетди, кетди! Оббо сен-эй, тезлашиб кетди! Қош қорайиб қолганида йигирматача одам янгигина ясалган сариқ кема — «тихвинка»ни соҳилдан дарёга судрашар эди.

«Ҳали ҳам ўша кўҳна,— ибтидонй ҳаёт,— деб ўйлади Самгин.— Европадан орқада қолганмиз. Унинг яшашига халақит беряпмиз. Одамларимизнинг кўплиги билан уларга ваҳима соляпмиз, бойликларимиз уларнинг кўзини ўйнатяпти».

У креслода ёзув машинкаси устига оёқларини қўйиб ўтирган солдатни хотирлади.

«Ваҳшийлар. Ваҳшийлар».

Шовқин-сурондан бир қадар ўзига келган Самгин: — Меҳмонхонага ҳайданг,— деди. Ҳайдовчи хотиржамгина жавоб берди:

— Нега? Қаерга олиб боришни ўзим биламан!

У беш деразаси кўчага қараган икки қаватли уйнинг даҳлизи олдида отнинг жиловини тортди, деразаларнинг чорчўпларига нозик ўймакор нақшлар солинган, деразаларнинг ҳаво ранг эшикларига гул шакллари чизилган бўлиб, гулқоғозлар ёпиштирилганга ўхшарди. Барваста, соқолли бир одам даҳлизга чиқиб, Самгинга таъзим бажо қилди-да, мулойимлик билан деди:

— Марҳамат қилсинлар! Чарчагандирсиз? Олька! Чаққонроқ...

У одам ғойиб бўлди, баланд бўйли, қадди-қомати келишган, қалин, узун сочли қиз Олька чиқиб келди, унинг

юзлари шу қадар қип-қизил эдики, дўрдоқ лаблари кўзга ташланмас эди ҳисоб. Олька ҳам камгап қиз экан, «Бу кимнинг уйи?» деган саволга:

— Хўжайинники,— деб жавоб бериб қўя қолди.

Мана, Клим Иванович Самгин букилган «Вена» стуллари терилган, деворларига замбуруғларга жуда ўхшаб кетадиган гуллар шакли солинган ҳаво ранг гулқоғозлар ёпиштирилган ёруғ, озодагина хонада ўтирибди. Бир деворнинг ёнида эҳром нусха ойнабанд жавон бўлиб, унинг юқори токчасига зич қилиб чой идишлар терилган, уларнинг орасида — ранго-ранг чўплардан маҳорат билан черков нақши туширилган шиша графин қўйилганди. Орқа томонда пасхадан қолган иккита тухум осилиб турарди, буларнинг бири қанддан, иккинчиси эса ёғочдаи ясалган бўлиб, каттакон ва қизил эди, унинг белига яшил лента боғланганди. Қолган икки токчада аллақандай яшикчалар, қутичалар, ликопчалар, лаганлар, бўш шишалар турарди, шишаларнинг бири айиқ шаклида эди. Бошқа бир деворда «Муқаддас оила» ва подшо Николай Иккинчи хотини, ўғли, қизлари билан бирга тасвирланган икки литография осиглик эди, бу расм Романовлар подшолигининг 300 йиллиги шарафига нашр этилган эди. Расмлар орасида қизил ёғочдан ясалган тобутсимон яшик ичида қадимги инглиз соатининг капгири унсиз тебраниб турарди. Рўпарадаги бурчакда беш нафар бут бўлиб, уларнинг иккитаси кумуш ризаларда ва узумлар солинган санам қутичаларида эди. Стол устида самовар қайнаб турарди, лекин чой қуядиган одам йўқ эди, гўё ҳамма ухлаб ётгандек уй ичи жимжит эди.

Самгин сирнинг тагига етолмаётганди: бу меҳмонхона эмас, нима бўлди экан?

Лекин шу топда басавлат, оқ сариқ қалин соқоли бояги барваста киши яна кириб келди, унинг соқолига Варавка ҳасад қилса арзигудек эди.

У самовар ёнидаги стулга ўтирар экан: — Чойга марҳамат қилсинлар,— деб таклиф этди жарангдор овоз билан.

— Кечирасиз, тушунмаяпман: мени нега бу ерга бошлаб келишди?— сўради Самгин.

— Тўғри бошлаб келишган, олган хабаримизга биноан,— деб уни хотиржам қилди кўркам киши: — Ногайцев жаноблари сим қоқдилар, сизга арава чиқариш ва умуман, ёрдам кўрсатиш тўғрисида. Бизнинг ерлар анча

хилват. Яхши отларни урушга олиб қўйишган. Қийналиб юрмаслигингиз учун айтиб қўя қолай, менинг исмим — Анисим Ефимов Фроленков.

У осон ва силлиқ гапирарди, товуши заифона ингичка эди, лекин бу унинг чиройли, хушбичим қадди-қоматига ва хушсурат чеҳрасига жуда ярашарди. Ногайцевнинг бу ишга аралшиб қолгани Самгинда баъзи шубҳалар турдирди, лекин Фроленков бу шубҳаларни йўқ қилди.

— Мен кемасозман, мокшаналар, тихвинкалар ва умуман, ҳар хил майда-чуйда дарё буюмлари ясайман. Сиздан жуда уэр сўрайман: рафиқам ота-онасининг олдига, Песочноега кетган, эртага биз ҳам ўшаққа жўнашимиз керак. У иккинчи хотиним, шу баҳорда уйланганман унга... Менинг онам билан, яъни қайнаси билан кетган у. Бир ўғлимни урушга олишган, котиб у, иккинчи ўғлим шу ерда менга ёрдамлашади. Илгари муаллимлик қилган кўвим вино дўконида ишларди — уни ҳам урушга олишди, қизим ҳам у билан кетди, Қизил Крестда ҳамширалик қилади. Вино дўконини ёпиб қўйишди. Винофурушликдан ҳазинага бир ярим миллиард даромад тушиб турган дейишади.

— Бир миллиард бўлса керак...

— Бу ҳам оз эмас. Уруш, ҳойнаҳой, катта пулга тушса керак?

У жавоб кутиб ўтирмай, гапини давом эттирди:

— Жуда яхши бўлибди, одамни оворайи сарсон қилдиган анави ишни тўхтатишга рози бўлганингиз, у Песочное қишлоғи мужикларини роса шилди. Песочноенинг оқсоқоли қамоқхонада ётибди, земство уни бир ойга тикиб қўйди, ўзи ҳам уқувсизгина чол эди. Сиз ташвишланманг, жаноблари, Песочноеда мени танимаган одам йўқ.

«Қандай ёқимтой одам,— ўйлади Самгин.— Ақллигина кўринади яна...»

— Биз содда одамлармиз, сиёсатга у қадар тушунмаймиз. Ахир бу қандоқ: уруш сарф-харажатларни кўпайтириб турган бўлса-ю, бу ёқда даромадни камайтиришса? Умуман, биласизми, виносиз иш юришмайди. Шундай вақтлар бўладики, одамлар сал чарчагудек бўлса, бир пақир винонинг баҳридан ўтсанг, яна жон киради-қолади. Ахир энгиб чиққанимиздан кейин, кўрган ҳамма зарарларимизни ундириб оламиз. Ўша кунга тезроқ еткизсин ишқилиб! Бир-икки жағига тушириб, талаб қилиш керак: қани,

етказган зарарингни тўлаб қўй, бўлмаса, яна кўрадиганингни қўрасан, деб.

Самгин Самсонов армияси тор-мор бўлганини унинг эсига солди.

— Ҳа, чакки бўлди бу. Аммо ҳечқиси йўқ, бизда одам сероб.— У ўйлаб олди-да, кўзини қисиб қўйди:— Лекин ортиқча шошилишнинг ҳожати йўқ. Ахир урушнинг ҳам ўзига яраша қилиқлари бор. Ҳамиша шундай бўлиб келган: бир томон зарар кўради, бир томон — фойда.

— Фойда деб нимани айтяпсиз?— сўради Самгин.

— Айтишга тил бормаиди! Лекин қандай қилиб айтмайсан? Халқимиз анча-мунча ортиқча экан, ер бўлса кам. Тўқ яшаш учун ер етишмайди. Деҳқонлар Сибирга ўз хоҳишлари билан боришмайди, зўрлаб юборишга юқоридагиларнинг... юраги дов бермаётган кўринади, шундоқмасми? Кечиринг мени! Ўзим тушунганча гапиряпман.

— Бемалол,— деди Самгин тетикланиб ва маъқуллагандай бўлиб.— Қанчалик самимий гапирсангиз, шунчалик яхши.

— Яна иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ,— гапини давом эттирди Фроленков, оғзининг таноби қочиб.— Гап орамызда қолади, шундайми ахир?

— Шубҳасиз,— рози бўлди Самгин ва: «Жуда ақли» деб ўйлади.

Бу одам унга бутунлай ёқиб қолганди: унинг тиниқ мовий кўзлари ҳам, мулойим табассуми ҳам, ёноқларининг таранг, қирмизи териси ҳам. Пешанасидаги тўртта юза ажинлари худди нота чизиқлари сингари жуда батартиб жойлашганди.

«Очиқ чеҳра одам мана шунақа бўлади»,— деган фикрга келди Самгин.

Унинг ҳаво ранг сатин кўйлаги, яна ҳам очиб юборган басавлат соқоли ҳам, чойни ликопчага қуймай стаканининг ўзидан ичиши ҳам унга ёқаётганди. Клиим Иванович Самгин бу одамга меҳри товлана-товлана миясига янги-янги фикрлар тошиб бораётганини сезаётган эди:

«Аслзода мужик. Қадимги кемасозлар, сайёҳлар наслидан. Садко. Василий Буслаев. Дежнев. Тевтонлар асоратга солмоқчи, қириб ташламоқчи бўлган ирқнинг авлоди...»

— Мен шуни демоқчиманки, деҳқонлар камбағалликдан додга келиб, ғалаён кўтаришади, бунинг учун уларни гаврон билан савалайдилар, отиб ўлдирадилар, қамайдилар. Бундай қилишга юраклари дов беради. Бироқ ортиқ-

ча одамларни Сибирга ёхуд Осиёга кўчиришга эса ботинмайдилар. Мана буни тушуниб бўлмайди! Бу қанақаси? Дўппослаш қўлларидан келади-ю, кўчиришга эса ботинмайдиларми? Бу, менинг мужикона ақлимча, сиёсатнинг ўзбошимчалиги. Сиёсат бебошлик қиляпти. Бунга нима дейсиз?

Фроленковнинг кўзлари гўё сузилгандай бўлиб қорайди.

— Мажбурий суратда кўчириш ҳақидаги фикрингиз жуда оригинал фикр,— деди Клим Иванович, унинг фикрларини эшитишга ошиқиб.

— Бешинчи йил мужикни ҳам ўйлашга ўргатди,— деди табассум билан ўғитнамо қилиб Фроленков.— Фикрлашга ўрганиб қолдик, аммо дардлашадиган одам йўқ, шунинг учун сиздек бир меҳмоннинг келиши менинг учун бир байрамдир. Бизнинг бу кичик шаҳарчамиз қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланади: кемачалар ясаймиз, темир чиқарамиз, темирдан мих ва ҳар қандай майда-чуйда нарсалар ясаймиз, дурадгорларимиз ҳамма ёқда машҳур.— У жим бўлиб қолди, чуқур нафас олди ва худди соқолни юлиб олмоқчи бўлгандай, икки қўли билан уни тутамлаб буради-да, илова қилди:— Умуман, яшашига иштиёқ бор. Аммо хилват жой, ҳамма ёқ ботқоқлик, кўл, сой, Мологанинг ирмоқлари — Чагодошча, Ковжа, Песь, баъзи ўрмонлари бор — буларнинг бари фуқаронинг насибаси. Лекин сиқилиб яшаймиз, ибодатхона ҳам, ҳаммом ҳам бир хилда тор. Очиғини айтганда, бу ернинг халқи ёввойи. Алалхусус — ёшлари. Эшитишимча, хорижда ёшларнинг ортиқчасини занжилар, ҳиндулар ёнига, Америкага жўнатишар эмиш, бизда эса улар уйларидан чиқишмайди... Мана энди уларни урушга олишди-ю, бирмунча тинчиб қолдик...

— Хўш, стачкалар бўлибдими?— сўради Самгин.

— Йўқ, энди бизда стачкалар бўлмайди, лекин ичкиликбозлик, муштлашишлар жонга тегди, ҳамма нарсани расво қилаётган шу нарса!

Фроленков шаффоф кўзларини катта очиб, соатга қаради-да, ўрнидан турар экан, деди:

— Кечирасиз! Йўлдан келгансиз, дам олишингиз керак, манави қўшни хонада ҳамма нарса тайёр. Бирор зарурат бўлса, Олькани чақиртиринг.

Сўнгра, у зич жойлашган сариқ тишларини кўрсатиб, тиржайди-да, деди:

— Бизга бир воиз келган, Демид деган,— эшитганингиз борми? Ажойиб воиз дейишади. Бир гапини эштай, деб кетяпман.

Самгин. Ўзини ҳордиқ чиқаргандай сезиб, сўради:

— Мен ҳам борсам бўладими?

— Албатта, илтифот қилинг!— Фроленков суюниб жавоб берди.— Шундоққина яқин жойда!

Бир неча дақиқадан сўнг Самгин бир неча ўн одам йиғилган хонада ҳозир бўлди, ўттизтача одам стулларда, скамейкаларда, уч деразанинг токчаларида ўтиришарди, қолганлар елкаларини елкаларига уриштириб, шу қадар тикилишиб туришардики, Фроленков аранг олдинга сурилди-да, ҳукми зўр одамдай, жиддият билан шивирлади:

— Четлашларинг! Йўл берларинг...

Бу хона қандайдир идора ўрнида хизмат қилса керак, шифтда осилиб турган икки чироқ одамларнинг бошига нур сочар, деворларда рамкаларга олинган (ҳужжатлар), орқа томондаги деворда эса подшонинг портрети турарди.

Фроленков Самгинни биринчи қаторга олиб ўтди. У кал бир чолнинг қулоғига шивирлаган эди, чол индамай стулни бўшатиб берди. Самгин ўтириб олиб, терлаб кетган кўзойнагини артди-да, яна тақди ва ўша ондаёқ бошини эгди. Кўксига қора крест тикилган, ёқаси очиқ оқ кўйлакдаги оппоқ сочли Диомидов деворга тақаб қўйилган стол орқасида, худди унинг устидан ошиб тушмоқчидек, қўллари билан унга тиралганча букчайиб турарди. Бўйнида осилиб турган олтин суви югуртирилган ёки мисдан ясалган, уч вершок узунлигидаги кумуш занжирли каттагина крест стол узра тебрана-тебрана Диомидовнинг ингичка оппоқ соқолига тегиб турарди,— унинг соқоли ўсиб, яна ҳам узун бўлиб кетганди.

У бўғиқ, ширасиз овоз билан шикаста гапирарди:

— Бизнинг подшоҳимиз, оллоҳимиз, Понтий Пилат¹ замонида ўлимга маҳкум бўлган ҳазрати Исонинг бандалари...

Унинг оппоқ кўйлаги қотма, суякдор юзининг бўзарган терисини, сийрақкина, оппоқ мўйлови остидаги тишсиз оғзининг юмалоқ, қора ковагини яна кўзга ташлантириб турарди. Воизнинг мовий кўзлари аввалгича равшан бўл-

¹ Понтий Пилат— Рим прокуратори (нонби). Инжилдаги ривоятларга кўра унинг салтанати даврида Исо қатл этилган эмиш. (Тарж.)

май, худди ўсмирларники сингари кичкина кўринарди, лекин бу, балки кўз косачасига ботиб кетганидан шундай кўринаётган эди.

Самгин Диомидов уни танитай қолишини истаб: «Танирмикан?»— деб фикр юритди, сўнгра бу одам ҳойна-ҳой, атайдан ўзини Муқаддас Василий бутига ўхшатса керак, деб ўйлади.

— Исонинг бандалари бўлган бизлар бу дунё машмашалари билан овора бўлиб, Исодан юз ўгириб, бегоналашиб кетдик. Бунга бизни нима мажбур қилди?

Диомидов қаддини ростлаб, қўлларини ҳавода силкита-силкита, «бу дунёнинг васвасалари», «ақлнинг кибргурури», «илмнинг фонийлиги», шаҳват ҳиссининг руҳустидан шармандаларча ва хатарли тантана қилиши ҳақида гапира бошлади. Унинг нутқи бир талай дуолар, забурнинг суралари, черков адабиётидан олинган парчалар билан безатилган эди, лекин шу билан бирга бу нутқда черков фалсафасига мансуб оқсуяк воизларнинг гаплари ҳам қовушса-қовушмаса тез-тез эшитилиб турарди:

Ақл, яқин одамга меҳр-муҳаббатнинг қотили...

«Сўз ўзининг акс садосини ҳақиқат деб ҳисобламайдими?»

Самгин шундай фикрга келдики, Диомидов майда жиний ишлар ҳақида судда нутқ сўзлайдиган қораловчилар сингари ортиқча оро бермай ва одат бўлиб қолгандан аҳтироссиз сўзларди.

«Ҳар ҳолда у ўзига содиқ. Ўз оллоҳига ҳам»,— деб ўйлади Самгин.

Хонанинг ичини аллақандай ачимти рутубатнинг қўланса ҳиди тўлдирганди. Самгиннинг ёнида бурма бел камзул кийган юзи қизил, баҳайбат семиз бир киши кўзлари юмилиб кетгудек бўлиб ўтирарди, у воизнинг баландроқ овоз билан айтган деярли ҳар жумласидан кейин секингина томоғини қириб қўярди, икки марта гўлдираб ҳам қўйди:

— Малол келмаса, қани айт-чи...

Диомидов тажанг бўлиб қичқириб гапира бошлади:

— Немислар дунёда энг билимли халқ ҳисобланади. Ихтирочи улар, ватерклозетни немислар кашф этган. Ўзлари христианлар. Келиб-келиб улар бизга қарши уруш очишди. Нима сабабдан? Ҳеч ким буни билмайди. Биз, руслар фақат одамларни ҳимоя қилиш учун урушяпмиз. Бизда фақат Пётр Биринчи ерга ер қўшиш учун христиан-

лар билан уруш қилганди, лекин бу подшо худонинг душмани эди, халқ ҳам уни Исога қарши дажжол деб биларди. Бизнинг подшоларимиз ҳамиша мажусийларга, мусулмонлар — татарлар, туркларга қарши урушиб келишган.

Қаердандир, қоронғи бир бурчакдан шўхгина, жарангдор овоз эшитилди:

— Халққа ҳам қарши деяверинг...

Тингловчилар яна бирор нарса кутаётгандек ўтирган ерларида индамай, қимирлаб қўйишди ва улар кутганча бўлди — нохуш бир овоз эшитилди:

— Ахир турклар ҳам тинч яшашни исташади.

Учинчи бир одам эслатди:

— Хўш, японлар билан уруш нимадан бошланди?

Самгиннинг ёнида ўтирган семиз киши ўрнидан туриб, қўлини силкитди-да, хириллаган бўғиқ овоз билан деди:

— Жим, халойиқ!

Лекин бир бурчакдан одамлар қичқиришаётганди:

— Хўш, нима бўпти? Айтди-қўйди-да! Рост гапни айтди...

Самгиннинг орқасида пайдо бўлган Фроленков:— Темирчилар, мих ясайдиганлар шовқин солишяпти,— деб маълум қилди.— Балки кетмоқчидирсиз?

— Ҳа, кетсам бўларди...

Семиз киши тортинмай:— Бу чол одамни зериктириб юборди,— деди ва қўлларини столга тираб, тебрана-тебрана, шовқиннинг босилишини кутиб турган Диомидовга мурожаат қилди:— Мен сенинг гапларингни, муҳтарам жаноб, учинчи йилда Псковда эшитган эдим, аммо лекин у вақтда гапларингдан заҳар ёғиларди!

Диомидов унга зимдан боқди-да, соқолини силкитар экан, юзини ўзини қуршаб турган хотинларга ўгирди, новча ориқ бир хотин қичқиргудек бўлиб, ёлворарди:

— Бу, ҳалиги подшонинг атрофида пайдо бўлиб қолган киши ким ўзи, оёқ-қўли чаққонгина мужик-чи?

Бурчакдан зарда билан қичқиришарди:

— Земство биз аҳмоқларга ақл ўргатиб ўтиргандан кўра, урушга, ўқ остига бориб, одамларни йўлга солса бўларди, ахир урушни бас қилинлар деб...

— Тўғри!

— Яхши отларнинг ҳаммасини тортиб олишди...

Самгин кетишга шошилларди, Диомидов кўз югуртириб, уни таниб қоладигандек туюлаётганди унга. Аммо у чиқиб кета олмади. Барваста соқолдор одамлар Фроленковни

ўртага олишганди, Диомидов эса, чап қўлида чангаллаб олган аллақандай қоғозларни ҳавода силкита-силкита ўнг қўлини унга узатар экан, гўлдиреди:

— Салом, Клим. Ўзингмисан ишқилиб, Клим бўлсанг ўзинг бўласан-да. Йў-ўқ, мени алдай олмайсан... Йўқ!

Кимдир қичқирди:

— Унга қаранг, қоғозга қараб ваъз айтяпти! Қоғози нимаси... Э, сафсатабоз!

Фроленков оғзининг таноби қочиб, Самгинга мурожаат қилди:

— Рухсат этинг, таништирай: бу киши шаҳар бошлиғимиз, чорвадор, паррандачи Денисов бўладилар, Василий Петров.

Уларнинг учаласи кавушандозга чиқишди, ойдин кеча эди, совуқ ҳам одамга хуш ёқаётганди, ялтираб турган балчиқ устига, беҳисоб кўлмак сувларнинг хирагина муз пардасига, икки қаватли гиштин уйлар сирасига, рангоранг бўялган черков биносига ой мўл-кўл нур сочиб турарди. Денисов яхлит, юмшоқ ва қайноқ кафти билан Самгиннинг қўлини сиқар экан, сўради ундан:

— Кечки овқатга бизникига марҳамат қила оласизми?

— Суҳбатлашиб ўтиргани,— Фроленков унинг сўзини қувватлади.

Самгин рози бўлди, Денисов уни қўлтиқлаб олди, йў-фонгина қўлини унинг қўлтиғи остига тикди-да:

— Совуқ тушиб қолди!— деб, меҳмоннинг оёғини ердан узгудай бўлиб, уни кўчадан олиб ўтди.

Денисов кўчада яна ҳам баҳайбат бўлиб кўринди, шунинг учун Самгин:

«Менга иккита келади-я»,— деб ўйлашга мажбур бўлди.

Фроленков чапиллатиб лой кечиб борар экан, жаврарди:

— Мих ясовчилар яна деворга тирмашишяпти! Уларни нима қиласан?

— Бир гап қиламиз,— деди ишонч билан шаҳар бошлиғи.

Сўнгра улар сандиқлар, идишлар терилган жавонлар билан тикилиб кетган нимқоронғи хонада ўн минутча ўтиришди. Денисов бу хонага бир қараб қўйди-да, томоғини қириб, ғойиб бўлди, Фроленков эса пойтахтлик меҳмонга меҳрибонларча боқар экан, деди:

— Мана, кўрдингиз, одамларнинг тирикчилигини.

Бизда ваъзхонлар жуда кўпайишиб кетган: оғайнимиз Иванушка Чуриков, кронштадтлик Иоанн ота...

Сўнгра, у учинчи одамни ахтарар экан, секингина илова қилди:

— Лев Толстой ҳам. Мана энди ҳамманинг оғзида гап, сибирлик мужик Григорий Распутин катта куч эмиш,— бу ҳақда ҳеч нарса эшитмадингизми сиз?

— Распутиининг аҳамиятига ортиқча баҳо бериб юборишяпти,— деди Самгин ва бу гапи билан кўркем кишини хушнуд этди.

— Биз ҳам бу ерда, ёлгон гапиришяпти, деган фикр-дамиз! Бизда ҳақиқатни лоф қилиб гапиришни яхши кўришади. Масалан, миҳ ясовчиларни олайлик: улар тирикчиликдан нолишади, ваҳоланки дурадгорлардан кўп даромад қилишади. Дурадгорлар эса уларни рўкач қилиб, темирчилар биздан яхши яшашади, дейишади. Яширин иттифоқлар тузишяпти... Биласизми, ишчи аҳли билан муомала қилиш қийин нарса. Ҳар қандай ишга бир хилда баҳо белгиланса чакки бўлмасди...

Денисов бутун эшикни тўсиб олди-да:

— Марҳамат қилинглар,— деб уларни таклиф этди.

Улар катта хонага ўтишди, стол устидаги бир талай ликопчалар, лаганлар, бутилкалар орасига қўйилган иккита спирт лампанинг оппоқ шуъласи хонани ёритиб турарди. Денисов Самгиннинг кифтидан ушлаб, қора бантли қизил кўйлак кийган, тўлачадан келган бўйи пастгина хотинга яқин кела бошлади.

— Менинг рафиқам, Марья Никаноровна, бу эса қизим, Софья.

Қиз онасидан бир бош баланд, елкалари ҳам кенгина, сочи йўгон қилиб ўрилган, ёноқлари қип-қизил бўлиб, унинг йирик, мулойим кўзлари Самгинга хизматкор қиз Сашани эслатди.

— Менинг тутинган қизим,— деди Фроленков ва Денисовнинг хотинига мурожаат қилди: — Қани, ўзинг бош бўл, кума!

Самгинни қизнинг ёнига ўтқозишди, қиз дарҳол ундан суриштирди:

— Чол маъқул бўлдими сизга?

— Мен бу касб эгаларининг мухлиси эмасман.

— Мен ҳам. Гапни ҳам эплаб гапирмайди. «Мирода-

¹ К у м а — болани чуқинтирган хотин шу боланинг ота-онасига кума бўлади, (Тарж.)

вещ»¹ дейди — гўё Исо дунёни бўғгандай. Бизнинг феълларимизнинг маъноси салга ўзгариб кетади: давать, давить...

— Йўқ, тўхта,— деди унга отаси.— Аввал биз ичайлик.

Лекин қиз кутиб ўтирмай, жарангдор, ширали овоз билан гапини давом эттираверди:

— Эҳ, петербургликлар бирам чиройли гапиришади! Ҳатто гапларининг ҳаммасига тушунмасанг ҳам эшитиш ёқимли.

Қизнинг ота-онаси билан тутинган ота, қўлларида қадаҳ тутганча, ифтихор билан меҳмонга боқишарди, лекин бу ҳол кўпга чўзилмади. Денисов қатъият билан гап бошлади.

— Қани, бўпти, аввал бисмиллосига ўт ароқдан бошлай қолайлик!

Ўт ароқ шунақанги ўткир эканки, Самгиннинг нафаси қисилиб, кўзлари тиниб кетди. Бу ароқнинг устидан сиркаланган қалампир чайнаш зарур экан. Сўнгра, «аччиқни қирқиш учун» «Рига бальзами» қўшилган бир рюмка оддий ароқ ичиб юбориб, устидан соловец селёдкаси ейиш керак экан.

— Қиёмат балиқ бу, дунёда бунга тенг келадигани йўқ,— деб изоҳлади Денисов.— Немисларнинг Бисмарк селёдкаси бор, лекин бунинг олдида у нима бўпти! Энди оғизнинг таъмини инглиз ароғи билан ювамиз.

Улар инглиз ароғи ичишди. Дастурхонга рознинг ичакчавоқларидан тайёрланган шўрва тортилди, Фроленков тиззаларини кафти билан ишқалар экан, ҳузур қилиб бир чайқалиб қўйди-да:

— Мен жонимдан яхши кўрадиган таом бу!— деди.

Денисов эса:

— Бизда азалдан одат бўлиб қолган, кечки овқатимиз тушликдек тўйимли бўлади. Қорин тўйдириш учун эмас, маза қилиш учун еймиз,— деди.

Ичи каттагина қадаҳ уч марта бўшатиладиганидан кейин Самгин ўзини аллақандай хомуш сизди. У ғайри оддий бир гап айтмоқчи бўлди-ю, аммо эсига ғалати, ноаниқ бир гап келди, холос.

«Дарвоқе, бу...»

¹ Миродавец — бу сўз русча мир (тинчлик ва дунё) ҳамда давать (бермоқ) ёки давить (бўғмоқ) сўзларидан ясалган бирикма. Биринчи ҳолда «миродавец» тинчлик бермоқ (багишламоғи), иккинчи ҳолда дунёни бўғмоқ маъносини англатади. (Тарж.)

Бироқ Софья гапине бўлиб, сўраб қолди:

— Мережковскийнинг император Юлиан тўғрисидаги романини ўқиганмисиз? Кингслейнинг «Ипатия»сини-чи? Мен тарихий асарларни жуда севаман: «Бен Гур», «Камо грядеши», «Помпеянинг сўнги куни»ни...

Қиз гапира-гапира бемалол еяётган эди, Самгин, агар у шунақа осонгина ва таъби тортиб ўқиса, ҳақиқатан ҳам кўп ўқиса керак, деб ўйлади. Қизнинг онаси шу қадар берилиб ер эдики, уни шу топда ликопчанинг ичидаги нарсадан бўлак ҳеч нарса қизиқтирмаётгани аниқ эди. Фроленков билан Денисов тез тўйиб қолишди, улар дам-бадам ичишар, бир-бирларига гап отишарди, Денисовнинг шикоят қилаётгани, Фроленковнинг тасалли бераётгани равшан эди.

— Солдат ҳамма нарсани еяверади.

— Унга гоз гўшти беришмайди.

— Гозга ҳам хўранда топилади.

Хонанинг ичи тана яйрайдиған хушбуй, илиқ эди, бол хиди димоқни эркаларди ва одам ана шу илиқликка фарқ бўлиб, яйраб нафас олишни истарди. Клим Иванович Самгин атрофидаги барваста одамларга боқар экан, кимдир айтган мадҳияни хотирлади:

«Бизнинг Русь — туганмас куч-қудрат ўлкасидир...»
«Йўқ, ватаннинг тақдирини биз, китоб ишқибозлари, хаёл-парастлар, чиройли сўзларнинг асирлари ҳал этмаймиз, йўқ, бошқа кўзга кўринмас куч бор, оддий одамларнинг қалби ва ақли билан...»

Денисовларнинг қизи ташвишланиб сўради:

— Билмайсизми, «Уч баҳодир» расмидан олинган нусха сотувда бор-йўқлигини?

Самгин жавоб беришга улгурмади, қизнинг отаси унга мурожаат қилиб қолди:

— Мана, биз урушдан нолиб, шикоят қилганимиз қилган. Уруш ишларимизнинг белига тепди. Декабрда немисларга ўн мингта гоз етказиб беришим керак эди...

— Менинг бўлса, отларимни тортиб олишди. Еғоч-тахта тайёрлашга от-улов йўқ, ваҳоланки, бир-биридан жадал буюртмаларим бор. Ишлар шунақа чатоқ,— деди Фроленков кулимсираб.

— Биз худо ёрлақаманган бандалармиз,— деди оғир нафас олиб Денисов.— Тоққа чиқаман десанг, шайтон оёғингга ёпишади. Ҳеч тушуниб бўлмайди, бу урушни бошладан мақсад нима ўзи?

— Дарвоқе, тушуниш қийин,— Фроленков унинг фикрига қўшилди.— Немисга нима етишмайди ўзи? Қаёққа суқияпти? Ахир мажақлаб ташлаймиз-ку. Яхшигина савдо-сотиқ қилиб тургандик. Бизда ҳеч ким немисга нима қиялсан демаётганди, нима қилса қилаётганди! Бири генерал, бири иш бошқарувчи, бири булкафуруш, истаганини қилиб, истаганича яшарди. Айтинг: урушнинг сабаби нима? Ёки подшоҳимиз унинг қиролининг арпасини хом ўрдими, нима гап ўзи?

— Чекиш мумкинми?— сўради Самгин уй соҳибасидан, унинг учун, сал ранжигандай бўлиб, қизи жавоб берди:

— Бемалол, биз эскиликка ёпишиб олган одамлардан эмасмиз.

— Ўқимишли, маданий одамлар,— деди Фроленков жилмайиб.— Ешлигимда мен ҳам чекардим, қарасам тишларим чирий бошляпти,— ташладим-қўйдим.

Денисов хотинининг қип-қизил кулча юзидаги муз каби кўкимтир, ўткир, тийрак кўзлари олазарақ эди. Унинг калтагина қўллари стол устида дадил ва чаққон ўйнардди, гўё ҳамма ерга етадигандек, резина сингари столнинг нариги бошигача чўзила оладигандек эди.

— Марҳамат, еб ўтиринг,— деди у оҳистагина меҳмонга.— Илтимос, олинг!

Самгин папиросини ёндириб, урушнинг сабабларини изоҳлай бошлади. У урушнинг сабаблари ҳақида ҳали жиддийгина ўйлаб кўрмаган бўлса ҳам иштиёқ билан гапира кетди.

— Немислар бепоён ерларимиз, унинг беҳисоб бойликларига кўпдан кўз олайтиришади...

— Бунинг нимаси ер? Ботқоқлигу ўрмонзор,— Денисов томоғини қаттиқ қириб, гап қистирди, Фроленков севиниб унинг гапини қувватлади.

— Бойликлар ўзимиздан ортмайди.

Самгин бу гапни эшитмагандай бўлиб, германларнинг славянларга муносабати тўғрисида гапира бошлади, гапирар экан, ўзида немисларга қарши душманлик ҳисси тез аланга олаётганини бирдан пайқаб қолди. У аввал ҳеч қачон бундай ҳисни туймаган эди, унинг дилида шундай бир ҳис яшириниб келгани, вужудининг бир ерида тутаб ётиб, бирдан ловиллаб кетганидан ҳатто хижолат ҳам чекди.

— Уларнинг олимлари, тарихчилари, славянлар немислар учун ўғит, қўполроқ қилиб айтганда, гўнг, дейишар-

ди кўпинча, шу сабабли биз билан америкаликлар негрларга қилгандек, муомала қилса бўлаверар эмиш...

— Буни қара-ю!— Фроленков Денисовни тирсаги билан туртиб, ҳайрат билан қичқирди. Денисов томоқ қириб, тўнғиллади:

— Нима бўлган ўзи олимларга...

— Йўқ! Менга алам қиляпти! Бу гапга қўшилолмаман.

Клим Иванович Самгин гапирар экан, ўз гапига қулоқ солар ва айтаётганларига ўзи ҳам инонаётганига ишонч ҳосил қилар ва орада тўхтаб-тўхтаб, тез фикр юртарди:

«Шундай бир фурсат келдики, энди ишониш зарур, мен ҳам ана шу заруратга итоат қиламанми? Йўқ, бундай эмас, шундай сўзлар борки, уларнинг кўланкаси бўлмайди, зиддиятли фикрлар ҳам туғилмайди.— Бу — ватан деган сўз... Ватан хавф остида».

Самгин ана шу сўзлар ва фикрларни ўйларкан, Денисов қайсарлик билан гўлдираганини эшитди:

— Савдо-сотиқда немис душманлик қилмайди, савдода у гирром эмас.

Фроленков қадаҳларни бол ҳиди келиб турган оч сариқ ароқ билан тўлдирад экан, эътироз билдирди:— Э, ўзи қанақа одамсан ўзинг. Сенга тижорат бўлса бас! Бутун шаҳарни сотиб юборишга ҳам тайёрсан...

— Шаҳарни сотиб бўлмайди,— хўмрайиб жавоб берди Денисов, қизи эса Самгинга Генрик Сенкевич Дюма-отадан кўра тарихийроқ эканини исботларди.

Клим Иванович сариқ ароқдан икки рюмка ичгандан кейин тили гўлдираб, оёқлари гўё жонсизланиб қимирлашга ҳоли келмай қолганини сизди.

Самгин: «Қандай қилиб туриб кетаман энди?»— деб ўйлар экан, қатъий ва ингичка овозни эшитди:

— Дюма табиат манзарасига сира эътибор бермайди...

Денисов бўғиқ овоз билан қичқирарди:

— «Ўлдирма!» дейилган.

— Ким деган?— сўради Фроленков қувонибгина.— Ҳамма гап шунда — ким деганида.

— Оллоҳ деган.

— Оллоҳ ҳар хил айтган. У Исус Навинга бошқача айтган: «Уравер, мен қуёшни осмонда тутиб тураман», деган.

— Оллоҳ бунақа гап айтмаган!

— Кимни уришинг кўриниб турсин учун қуёшни тутиб тураман.

— Отагинам, адаштиряпсиз,— деди Софья.

Сўнгра ҳамма нарса қорайиб эриб кетгандай йўқ бўлди-қўйди.

Клим Иванович Самгин қорни санчиб оғриб ўзига келди, гўё ичаклари ичида шиша синиқлари қимирлаб, гирчиллапти, деб ўйлаш мумкин эди. У юмшоққина иссиқ пар тўшакда, хамирга ботгандай, кўмилиб ётарди, ташқарида қиров босган дарахтларга қуёш саховат билан нур сочиб турарди, уй ичи эса чуқур сукутга толганди, қориннинг аламидан бўлак ҳеч нарса сезилмасди. Самгин вой-войлай бошлади,— алами етмагандай, у хижолат ҳам чекаётганди. Шу вақт девордаги гулқоғоз йиртилиб, унинг тўртбурчак бир парчаси бир чеккага учиб тушди, эшик кўринди, Денисов хонага бош суқиб деди:

— Э-ҳа!— у янги машаққатли кунни шу нидо билан бошлаб берди. Денисов меҳмонни сув олиб кирилган ҳожатхонага бошлади, бу водопроводли ҳожатхона вазифани бажарарди, негаки ҳожатхонага ўрнатилган чинни тос бакдан олинадиган сув билан ювилиб турарди. Ҳожатхонанинг ёнида бундан ҳам маданийроқ ваннахона бор эди, унинг суви яхшилаб иситилиб турарди.

Баҳайбат, барзанги бу одам жуда чаққонгина экан, бирпасда ваннани сув билан тўлдирди, чойшаб, сочиқ, ички кийим олиб кирди-да, йўл-йўлакай маълум қилди:

— Хайрият, совуқ ўн бир даража бўлибди!

У ҳатто хижолат чеккан меҳмонга тасалли бермоқчи ҳам бўлди:

— Бол ароғи шунақа таъсир қилади. Ҳар қанча есанг ҳам ҳаммасини суриб кетади. Немислар уч рюмкадан ортигини кўтариша олмайди, алжираб қолишади. Бол ароғини ичган одам умуман оғзига бошқа нарса олмайди. Бунинг сирини хотиним билади, юз йил, балки бундан ҳам ортиқ бўлса керак, бу сир уларда авлоддан-авлодга ўтиб келади. Буни ҳатто мен ҳам билмайман, фақат ўткирлигини биламан, унчалик ўткир деб ҳам бўлмайди, 65—70 градус ўзи.

Самгин чой ичгани чиққанида, самоварнинг ёнида шаҳар бошлиғининг бир ўзи ўтирган экан, у ҳаво ранг кўйлак, малла жун жилет, қора мовутдан тикилган жуда кенг шалвар кийган бўлиб, оёғида мўйна туфли эди. Сийраккина кул ранг соқоли ёғ босган қип-қизил юзига унчалик

ярашмас, дукки бошидаги сочлари ҳам сийрак эди. Шишган кичкина сариқ кўзлари мулойим порларди.

— Сизникилар ҳали ётишибдими?— сўради Самгин.

— Хотиним билан қизимни сўраяпсизми? Йў-ўқ, ахир соат ўн бирга яқинлашиб қолди. Қизим репетицияга кетди, бу ерда ҳаваскорлар театри бор, унга полиция бошлигининг хотини бош. Онаси шу ерда, уйда, нариги тарафда.

— Ҳайронман, мен меъдам бу алфозда бўлиб қишлоққа қандай бордим энди,— деди хафа бўлиб Самгин.

— Боришингизнинг кераги йўқ! Фроленков тўғри айтяпти: чарчагансиз, шу аҳволда қаерга борардингиз? У вакилларни олиб келгани от юборди, кечга яқин келиб қолишади. Борадиган бўлсангиз, эрталаб олтида жўнашингиз керак эди. Меникида қоласизми ёки Фроленковникига кўчиб ўтасизми?— ихтиёр сизда.

Қорнининг оғриги Самгиннинг жойдан-жойга кўчиб юришига имкон бермас эди, у, шу ерда қолганим маъқул, деди.

— Лутф этинг! Буни шараф деб биламан,— севиниб жавоб берди Денисов ва ҳатто стулдан қўзғалиб, меҳмонга таъзим қилди. Сўнгра гап бошлади:

— Бу ерда баъзи бирларимизга урушнинг сабаби тушунарли эмас, кеча сиз айтганингиздек, немислар русларни яхши кўришмайди, лекин бу қанақа немислар? Савдогарлар, алалхусус, катта, улгуржи савдо қиладиган савдогарлар... ахир уларга русларни яхши кўришнинг кераги йўқ. Бизни кечирингу, бизнингча, савдогар тижоратни, фабрикант мол ишлаб чиқаришни яхши кўради. Фроленков кема ясашни. Унинг фикри хаёли кичик дарёларда сузадиган баржа ясашда, токи у, дарёда бемалол суза олсин,— тушунаяпсизми? Ҳар ким ўз ишини севиши керак... Ҳа, шундай. Мана, масалан, мен ғоз билан савдо қиламан. Менинг ғозларимни минскликлар, литваликлар боқишяпти, улар немисларга яқин.

У тўхтаб-тўхтаб гапирар, тўхтаганида лунжларини ширириб, лабларини чўччайтириб, пишилла-пишилла ичидаги ҳавони бўшатарди.

— Жигилдоним қайнаб азоб беради!— деб у пишиллашининг сабабини айтди. Унинг оғир, ширасиз овози кескин эшитиларди, шу сабабдан шаҳар бошлиғи сўзларнинг маъносига эмас, балки фақат овозининг кучига ишонадигандек туюлаётганди.— Бу ердаги одамлар дейишяптики, подшонинг мақсади Туркия билан бўлган урушда

немислар берган халал учун улардан ўч олиш эмиш. Гўё ўша пайтда подшонинг бобоси Константинополни олмоқ учун қўл чўзган экану немислар бунга йўл қўймаган эмиш. Ўшанда инглизлар немислар тарафида эканлар, энди бўлса унга қарши урушяптилар, улар подшога: Константинополни олавер, биз бунга қарши эмасмиз, фақат немисларнинг таъзирини берсанг бас, дебдилар. Французлар ҳам шундай, улар дангал айтибдилар: қаерни хоҳласанг, олавер, бизни немислардан қутқарсанг бас деб...

Денисовнинг гаплари Клим Иванович Самгинни зериктираётганди, у юраги сиқилиб, одамга малол келадиган бу узундан-узоқ гапни тўхтата оладиган бир нарса рўй беришини сабрсизлик билан кутаётганди. Уй ичига чуқур сукунат чўккан эди, лекин бир маҳал аёл кишининг аниқравшан овози эшитилиб қолди:

— Итваччага бориб айт...

— Хотиним уруш қияпти,— Денисов бунга изох берди.— Бу ходимлар бошимизга бир бало бўлди, турганбитгани ташвиш уларнинг!

Сўнгра, у оғир нафас олиб, илова қилди:

— Раҳматлик отам менга насиҳат қиларди: «Ходим сенинг қаршингда, роҳиб игуменнинг¹ қаршисида тургандай турсин», деб. Шундай... энди бўлса у қароқчининг ўзгинаси, ҳамма нарсани бузиб ёришдан, еб ётишдан бўлак ҳунари йўқ.

Шу топда Самгин уй соҳибидан қутулишга яхши баҳона борлиги эсига тушиб, вакиллар келгунга қадар ишга алоқадор бўлган баъзи нарсаларни ўқиб чиқиши кераклигини айтди.

— Бемалол, бемалол,— шоша-пиша жавоб берди Денисов.— Фроленков чамадонингизни бу ерга юборган...

«Эҳтиёткорликни қаранг»,— деб кўнглидан ўтказди Самгин, икки деразаси ҳовлига ва кўчага очиладиган ёруғ хонани кўздан кечирар экан. Хонанинг бир бурчагига фикус² қўйилганди, кенг яшил диваннинг тепасида Якобининг «Нива» мукофотига сазовор бўлган малика Екатерина Иккинчи билан швед шаҳзодаси тасвирланган расм осиқлиқ эди. Деразаларда қуш қафаслари турарди, бир қафасда кеккайган қизил тўшли снегирь³ талпинар, бошқа

¹ Игумен — эркаклар манастирининг бошлиғи. (Тарж.)

² Фикус — ҳаминша кўм-кўк турадиган барглари ялпоқ декоратив ўсимлик. (Тарж.)

³ Снегирь — чумчуқсимонлар уругига мансуб қуш. (Тарж.)

қафасда эса кўкиш бир қуш қафас кўноғи устида хомушгина мўлтайиб турарди.

«Булбул бўлса керак»,— деган фикрга келди Самгин.

У диванга ўтириб, папирос ёндирди ва кўзларини қисиб ўйлаб қолди. Бироқ меъдаси уни қийнаб, ўйлашга ҳалақит бераётганди, фикрлари ноаниқ сўзларга базўр бурканаётганди:

«Ҳа, мана улар...»

Самгин шу вақтгача ўзи бориб кўрган йигирматача уезд шаҳарларини кўз олдига келтирди. Юзлаб шунақа шаҳарлар бор. Денисов билан Фроленковга ўхшаш одамлар юз минглаб топилса керак. Губерния шаҳарлари аҳолисининг аксариятини ҳам ўшалар ташкил этади. Улар авом бўлса ҳам ақлли, ишлайдиган одамлар... Уларнинг қўлида ҳунари бор, чакана савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланишади. Қишлоқ ҳам ўшалар қўлида, товарлар билан таъминлаб туришади.

«Турган гап, улар фабрика- завод ишчиларидан анча кўп. Буни аниқ билиб олиш керак»,— деган фикрга келди Клим Иванович, қорни қулдираётганидан хавотирланиб. Муҳим фикрларнинг белига тепиб, ҳар ярим соатда ҳожатхонага югуравериш жонига текканди. Лекин у диванга ўзини ташлаши билан фикрлар яна кела қоларди.

Самгин, гимназия, хусусан, университет бу одамларни ўзига хосликдан маҳрум этди, деб ўйлади, ахир аслида миллатнинг чинакам қиёфаси тилнинг, фикрнинг, турмушнинг ана шу ўзига хослигида, тарихий ўтмишнинг изларини ҳали ҳам ўзида сақлаб қолган нарсаларда намоён бўлади.

«Адабиётимиз салбий характер ва ҳодисаларни тасвир этаркан, ана шу одамларни четлаб ўтди. Бу танқидий, насихатгўй санъатимизнинг асосий гуноҳидир. Бизнинг санъатимиз бошдан-оёқ ахлоқийдир».

Қўлида патнис билан ғип-ғипалоқ уй соҳибаси кириб келди, у қуймоқдек юмшоқ баданига сира монаид бўлмаган ўткир, чинқироқ овоз билан деди:

— Мана, қайнатма шўрва олиб келдим, ичинг, албатта шифо бўлади!

Самгин ичди ва орадан ўн минутчадан кейин ўзини хийла енгил ҳис этди, гўё ичи ёғлангандай бўлди.

Қизариб-бўзариб, хурсанд ҳолда Фроленков кириб келганида қош қорайиб қолганди, у уч мужикни бошлаб келганди: улардан бири — новча, пешанаси кенг, афти сариқ

бўлиб, бир оёғи ёғочдан, жун босган қўлига таёқ ушлаганди, хўмрайган, бурундор башарасини силлиққина қайчиланган соқол қучганди, кўзлари қуюқ қошлари остида яширинганди, ўзи бақувватгина бўлиб, эғнига ҳаво ранг чакмон кийганди; иккинчи мужик бўйи пастроқ бўлиб, тепакал, соқоли оппоқ, бурни катта, эғнида калта пахталик чакмон, оёғида худди қалин тунука сингари букилмайдиган аллақандай теридан тикилган этик.

Самгин, учинчи мужикни диққат билан кўздан кечирар экан: «Бунақалар кўп»,— деб қўйди.

Учинчи мужик хотинларнинг олди очиқ кўйлагида бўлиб, белини пишиқ қилиб ўралган шол рўмол билан боғлаб олган, оёғига пийма этик кийганди. Елкалари жуда кенг бўлгани учун, биринчи қарашда, у ўртоқларидан пақанароқ кўринарди. Оппоқ жингалак сочли боши телпак кийгандек кўринарди, юзини ҳам ана шундай қалин жун босганди, қизилиштонники сингари узун ва чўққи бурни соқол ичидан диккайиб турарди, қора кўзлари порларди. Бошидан тортиб бу одам ўзининг сержунлиги билан кишини ҳайратда қолдирарди, йиртиқ кўйлак ичидан уада пахталар, қорни устида шол рўмолнинг попуклари осилиб турарди, гўё биров уни йўниб, япалоқ ва беўхшов қоматини бир қадар қолипга солмоқчи бўлгану, аммо бунинг уддасидан чиқа олмаган, у чала-ярим йўнилганича қолаверган.

— Мана, бир амаллаб етиб келдим,— деб маълум қилди Фроленков.— Булар вакиллар бўлишади...

Сержун мужикнинг кўзлари Самгиннинг юзида олазарак кезди ва унинг кўзларини топиб олиб, ёқимсиз тикилиб қолди, худди ёпишиб қолгандек ундан узилмас эди.

— Бу — япон урушининг қаҳрамони Дудоров, Степан, бу эса донишмандимиз Егерев, Михайло Степанов...

— Камина Ловцов, Максим бўладилар,— деди шангиллаб сержун мужик.— Манави икки вакил, иш кўришга вакил қилинганлар, мени эса жамоа чакана ишларни кўрувчи судга вакил этган.

У эшикнинг икки тарафида соқчидек турган шерикларига эътиборсизлик билан қўл силтади.

— Утиринглар,— деди Денисов истар-истамас уларга, мужиклар одоб билан ўтиришди, Ловцов эса икки қадам олдинга чиқди, полнинг маҳкамлигини синаб кўрмоқчидек, оёқлари билан полни тапиллата-тапиллата гапини давом эттирди:

— Гапни чўзиб, айлантириб ўтирмаслик учун мен бошиданоқ...

— Сабр қил, қаёққа ошиқяпсан?— деб қичқирди Фроленков.

— Бошиданоқ талаб қиламан: қанақа шартларингиз бор, айтаверинг.

— Оббо сен-эй! — қичқирди Фроленков.

— Анисим, сен тутилмаган чўртан балиқ, кўп валдирамай тур! Пирдан ибрат ол, кўряпсанми уни, қабристондаги чўян ҳайкалдек ўтиришини.

— Кўп катта кетмасанг бўларди, Ловцов!— шаҳар бошлиғи қовоғини солиб маслаҳат берди.

— Катта кетиб нима қиляпман? Ўзимнинг нима учун юборилганимни адвокат жанобларига шунчаки айтиб ўтдим-да...

Ловцов бақира-бақира овози бўғилиб, хириллаб қолди. Бу «олифта» мужик белига боғланган шол рўмолга кафтларини суққанча, тирсакларини бурчак қилиб турарди. Юзидаги жунлар худди ўсаётгандек хунуккина қимирларди, унинг қаттиқ тикилиб туриши Самгиннинг гашини келтирди.

— Мени вакил этган одамнинг таклифи шуки, Ногайцев Песочное қишлоғи деҳқонлар жамоасига бўлган даввосидан, қишлоқ жамоаси эса Ногайцевга бўлган даввосидан воз кечсин.

— Шу билан вассаломми?— сўради Ловцов.

— Ҳа, вассалом.

— Бу оғир шарт эмас. Хўш, биз кўрган зарарлар нима бўлади? Буни ким тўлайди?

— Зарар деб нимани айтяпсиз?— суриштирди Самгин ва дарҳол бунга муфассал изоҳ олди:

— Зарар деб сарфланган пулни айтяпман. Бу ишни уч йилдан ортиқ чўзиб келган ва ҳаёсиз кўзларига сизга ўхшаб ойнак тақиб олган сиздан аввалги адвокат...

— Бу ғаламиснинг тили мунча бурро бўлмаса!— деди Фроленков хушнудлик билан.

— У бизни 1160 сўмга туширди — бу бир! Бунинг 950 сўмига қўлимизда тилхати бор.

— У одам ўлган,— деб эслатди Самгин.

— Бизга нима, ворисларидан даъво қилаверамиз,— деди сержун мужик.— Ўтлоқлардан тўрт йил фойдалангани учун ҳақ олмоқчимиз — бу икки. Мана, ўтлоқ, ерларнинг ижарадори!

Ловцов бош ирғаб Фроленков томонга ишора қилди,— хушчақчақ йнгит қўлини мушт қилиб, бош бармоғини икки панжаси орасидан чиқариб у томонга чўзди, лекин Ловцов фақат бошини силкиб, тез-тез ва хотиржамлик билан гапини давом эттирди:

— Биз ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб қўйганмиз.

— Мен ҳам,— деди Фроленков.

— Қилинган харажатлар учун, унинг қонунсиз ишлари, роҳиблар билан тил бириктиргани, сохта режалар тузгани учун жаноб Ногайцевдан беш юз манат ундириб олмақчимиз.

Қора кўзларнинг омонсиз ва қаттиқ боқиши Самгиннинг асабини қўзғатаётган эди, у ўзини боса олмаётганини сезиб:

— Буларнинг бари, сизнинг бутун талабларингиз... гўллик, асоссиздир,— деб, Ловцовнинг сўзини кесди.— Ногайцев даввонгиздан қутула олади, сизга икки юз сўм тўлашга тайёр. Шу нарсани назарда тутингки, у тўла-маслиги ҳам мумкин...

— Тўлайди,— хотиржамгина эътироз қилди Ловцов.— Кўрарсиз, Фроленков ҳам тўлайди ҳали.

— Шунақами?— қочириқ билан сўради Фроленков.

— Албатта тўлайсан, Анисим! 1930 манатгинани. Пичанимизни миршаб билан келиб ортиб кетган бўлсанг ҳам барибир бу ўгирлик...

— Мана, кўринг, нималар деяётганини,— шикоят қилди Фроленков.— Сен тентак, Максим, қачон тинчийсан ўзи?..

Самгин ўрнидан турди-да, Ногайцев икки юз сўмни тўлаши билан иш ёпди-ёпди бўлишлигини зарда билан айтди.

— Шундан бошқа менинг гапим йўқ, гапирмоқчи эмасман ҳам,— деб қатъий билдирди у.

— Хўш, сизлар нега оғзингизга сўк солиб ўтирибсиз?— деб ўшқирди Фроленков чўлоқ билан Егеревга.

— Ахир биз ким бўпмиз? Шунчаки гувоҳ қаторимиз-да,— секингина жавоб берди Егерев, Дудоров эса илова қилди:

— Бизга ишонишмайди, мана, Максимни юборишган.

— Сизлар қўрқоқ бўлганингиздан юборишган мени, менинг қўрқадиган жойим йўқ, шу вақтгача қўрқиб келганим ҳам етади,— деди Ловцов.

Денисов ҳам турмоқчи бўлди-ю, лекин қўлини силкиб қўя қолди:

— Егерев, ўчоқ бошига киринг, чой ичиб чиқинг.

Ловцов эса басавлат одамларга орқа ўгириб деди:

— Хуллас, шундан бошқа гапингиз йўқ, шундайми? Тушунаман: қарши томонсиз-да. Бўпти, бизнинг ҳам адвокатимиз бор.

Мужиклар кетишди. Фроленков эшикни маҳкам беркитди-да, Самгинга мурожаат қилди:

— Шундай қилсак, дуруст бўлмасмикин...

Бироқ Денисов қовоғини солиб унинг гапини бўлди.

— Сен буларни бекор бошлаб келдинг менга. Менинг бу ишга ҳеч даҳлим йўқ. Энди дув-дув гап юра бошлайди, бу бемаза ишда гўё менинг ҳам қўлим бордай..

— Қўлинг йўқ эканми?— сўради Фроленков истехзо билан кулимсираб.— Мана, кўрдингизми, Клим Иванович, қанақа аломат мужик эканини? Унинг қоққанда қозиги йўқ, шипшийдам, ҳеч нарса кўзига кўринмайди, орани бузса бас у! Ҳар қишлоқда деса бўлади, шунақа бир-иккита ноинсоф бор. У касофат қамоқларда ҳам ётиб чиққан, этапма-этап ҳайдашган ҳам энди полиция ўз юртидан бошқа ёқларга боролмайдиган қилиб қўйган. Умуман, яшаш қўлидан келмайди унинг, фақат зарар етказгани етказган. Қишлоқнинг шўри бунақалар.

— Буларнинг бари бешинчи йилнинг оқибати... Москва булғатиб юборди ҳамма ёқни,— деб гап қистирди хўмрайиб Денисов.

— Тўғри!— бу гапга қўшилди Фроленков.— Москва бизнинг қаршимизда, Россия қаршисида кўп гуноҳкор... худо ҳаққи, шундай!

Денисов оғир гавдаси билан базўр ўрнидан қўзгалар экан:— Эшитиш керак эди унинг у ерда нима деяётганини,— деб таклиф қилди Денисов ва шикоят қила-қила хонадан оҳиста чиқиб кетди:

— Ҳар ҳолда, Анисим, буларни бекор бошлаб келдинг менга...

— Э, ҳечқиси йўқ, чидайсан,— деб қолди Фроленков унинг орқасидан ва Самгиннинг ёнига, диванга бориб ўтирди.— Ҳм, Москва... Олтинчи йилда Постников, Сергей деган шу ерлик бир мужик бу ерга келган эди, уч йил Москвада яшаб, қоровуллик қилган экан, бунга қадар у мўмингина бир киши бўлган... Бу ерда у шунақанги ҳунар кўрсатдики, тутиб Новгородга олиб кетиб, ўша ерда

уни дорга осишди. Ҳаммаси зудлик билан қилинди: кундуз соат бирда ҳукм чиқарилган бўлса, эртаси эрталаб қатл этилди у. Унинг ишида гувоҳ бўлган эдим: ҳанг-манг бўлиб қолдим! Сочлари тўзиган ҳолда гердайиб туриб, судьяларга депсиниб гапирганини кўрган одам ҳукмбардор одам деб ўйлайди уни.

Фроленков мулойимгина гапирар, икки қўли билан соқолини силай-силаё жилети устига ёзар, унинг қирмизи юзи хайрихоҳлик билан кулимсираб турарди.

Самгин ҳам хайрихоҳлик билан: «Ёш болага ўргатгандай ўргатяпти менга»,— деди.

— Албатта, Москва бор. Думани сўраб олди. Дума фойда бериши мумкин, албатта... Ҳамма нарса одамларга боғлиқ. Бизлардан Думага Ногайцев вакил бўлди. Бешинчи йилда уни мужиклар така-пука қилишди, у ўти ёрилиб, ерини Денисовга сотди, ўрмонини мен сотиб олдим. Энди эса Ногайцев яна мол-мулк орттиришнинг пайига тушиб қолди... Лекин ишни чувалаштириб юборди. Бу юмшоқ супурги донишманд граф Толстойга ишонади, лекин ўзи очкўз. Шунчалик очкўзки, ҳатто бизнинг кулгимиз келади, очкўз бўлгани билан уқувсиз ўзи.

Секингина эшик очилиб, шаҳар бошлиғи мўралаб, қўли билан уларни имлади, Фроленков ўрнидан турди-да, кулимсираб, Самгинга кўз қисди.

— Чақиряпти. Борайлик.

Улар коридорга чиқиб, баҳайбат жавоннинг ёнида бурчакда тўхташди, деворнинг юқори бир ерида тўртбурчак шаклида дераза бор эди, ундан жавоннинг эшигига нур тушиб турар ва Ловцовнинг овози аниқ эшитиларди:

— Егерев, мендан камида ўн ёш катта бўлсанг ҳам, ammo кўрган одам эси пастроқ дейди сени. Балки атайдан шунақа кўринарсан, жонингни койитмай яшаш учун, шунақами?

— Бас қил, Максим, гапларинг маълум бизга...

— Ҳаммани қўйиб мужик уларга инонардими? Бирон пайт улар бизнинг тўғримизда қайғурганини кўрганинг борми? Уларнинг бутун фикри хаёли мужикнинг терисини шилишда. Улардан қанақа хайру эҳсон кўрдинг? Улардан бизга наф йўқ, фақат кучингни олади улар.

Дераза остида туриб, бировларнинг гапига қулоқ солиш ноўя иш эканини Самгин тушунар эди, лекин Фроленков ўзининг кенг елкаси билан уни девор билан жавон орасидаги бурчакка қисиб қўйганди. Ликопчадан чой ҳўп-

лаётганлари, пичоқни гиштга уриб чархлаётганлари шундоққина эшитилиб турарди, кампир жавраётганди:

— Ич чойингни, ич, маҳмадона! Қараб тур, сени яна миршабхонага жўнатишади.

Деразадан ошхонанинг нафасни қайтарадиган ёг ҳиди бурқсиб турарди.

— Мана, болалар мактабда куйлашганидек, «черков ва ватан шон-шарафи учун» Дудоровнинг оёғини кесишди. Мужикларнинг боши, қўл-оёқларини яна кеса бошлашди, хўш, нима учун? Кимнинг фойдасини кўзлаб уруш бошлашди? Сен учун, Дудоров учунми?

— Манави итни қара!—севинч билан шивирлади Фроленков. Клим Иванович Самгин унинг қуршовидан қутулиб чиқди ва хонага қайтар экан, ўйлади:

«Ҳа, ярамас мужиквачча. Келиб-келиб шундай бир пайтда: «Славян жилғалари рус денгизига қуйиладими ёки денгиз қуриб битадими...» масаласи яна ўртага қўйилган бир вақтда...»

Денисов қўлларини қорни устига қўйганча кўзларини ерга тикиб, бош бармоқларини оҳиста-оҳиста ўйнатиб хона ўртасида турарди; у меҳмонхонага боқиб, бош ирғади.

— Бундан ҳеч нарса чиқмайди, Максим билан бир иш қовушмайди!

— Песочноега бориб, бевосита деҳқонларнинг ўзлари билан гаплашишни ўйлаяпман,— деди Самгин. Денисовга жон кирди, қўлларини қорни устидан олиб, сонларини силай-силаё дадил деди:

— Бундан ҳам бир иш чиқмайди. Мужиклар қонунни билишмайди, қонунсиз яшашга одатланишган. Ногайцев сизни бекорга овора қилган, худо ҳаққи, бекорга! Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, мурасага келиш нима деган гап? Бу манфаатдан воз кечиш дегани. Клим Иванович, сиз бу ишни мен билан Фроленковга қўйиб беринг, биз мурасага келиш йўлини топамиз.

Фроленков кириб келди, у кулимсираб деди:

— Сўкишишяпти. Бир бутилкани ичиб олиб, оғзиладан боди кириб, шоди чиқяпти.

— Шу ҳам иш бўлдими, винони тақиқлаб қўйишганди, ҳамма ёқда самогонга ружу бошланиб кетди, шу билан овунишяпти, ёгоч спирти ичишяпти,— деди Денисов тажанг бўлиб. Фроленков кулиб, лекин ғайирлик билан илова қилди:

— Монастирь эса енг йчида ароқ сотяпти, шишаси беш манатдан.

Ясаниб олган Софья:— Қани, чойга, чойга марҳамат!— деб ҳаммани таклиф қилди ва Самгинни қўлтиқлаб олиб, куйиб-пишиб суриштира бошлади:

— Зиёлиларнинг диний фикрга майл этиши уларни Гегель ва Маркс фалсафаси туманидан қутқариб, кўпроқ ватанпарвар қилади, бу эса Мережковскийнинг хизмати, деган фикрга сиз қўшиласизми?

— Нимани сўраётганини тушуниб ҳам бўлмайди!— деди завқи келиб Денисов ва қизининг елкасига шапиллатиб уриб қўйди. Фроленков хандон отиб кулиб, унинг севинчига шерик бўлди ва илова қилди:

— Баъзида ёшлар йиғилишиб олиб, ўзларини пеш қила бошлайдилар! Утириб қулоқ солсанг, гаплари тўғри! Гаплари русча бўлса ҳам, аммо маъносини тушуниб бўлмайди.

Клим Иванович Самгин ўз отасининг ҳам, маънавий отасининг ҳам завқ-шавқи қиз учун фарқсиз эмаслигини кўрарди, унинг ол ёноқлари мамнуният билан ловиллаб ёнар, думалоққина кўзлари хуморланарди. Самгин кўп сўраб-суриштираверадиган одамларни хуш кўрмас эди. Пар ёстиқ каби юмшоқ бу лўппигина қиз ҳам унга ёқинқирамаган эди, оталарнинг гапнинг белига тепиб, Софьянинг берган саволини эсдан чиқариб, бошқа савол берганидан Самгин мамнун бўлди:

— Сиз профессор Пильниковни танийсизми? А? Жуда ўткир ва истейдодли одам, шундайми? Кузда бу ерга овга келганди... бизнинг кўлимизда ёввойи ғоз жуда сероб...

— Ҳм, ёввойи ғоз,— деб Денисов шубҳа билан гап қистирди. Қизи эса гапираверди:

— Улар уч киши бўлиб келишганди: бири шоир, бирам баҳайбат ва ейимсак одам экан, иккинчисининг кимлигини билмадим.

— Нега, мен биламан,— деди Фроленков. — Амалдан тушган бир чиновник, Тагильский фамилияси.

«Фамилияси бирдир»,— деб ўйлади Самгин, лекин ҳар эҳтимолга қарши сўради:— Қанақа одам ўзи?

— Еқимсиз бир одам,— деди қиз, қаншарини жийириб. Самгин бу гапни тасдиқлагандай беихтиёр равишда бош ирғади.

— Бўйи пастгина, касалманд. Сочлари оқ. Камгап ўзи,— Фроленков қизининг гапига илова қилди.

Қиз тагли-тугли саволларни яна ёғдира бошлади, бу саволлардан ишқори қайнаган Самгин бир оз нутқ ирод этди.

— Сиз кўп нарсаларга қизиқар экансиз,— деб бошладди у, мулойим гапирмоқчи бўлиб.— Лекин, менинг фикримча, шу кунларда ҳамманинг фикр-зикри урушда бўлмаган керак. Биз у қадар муваффақиятли урушаётганимиз йўқ. Ҳарбий министрими матбуотда жар солиб, урушга шай эканимизни баён этган эди, лекин маълум бўлдики, бу тўғри эмас экан. Бундан чиқадики, министр ўзига топширилган хўжаликнинг қай аҳволда эканини аниқ тасаввур этмас экан. Йўллар министри хусусида ҳам шуни айтиш мумкин.

У йўл қурилиши билан ҳарбий мудрофаа мақсадлари ўртасида уйғунлик йўқлигига ишора қилар экан, молия министрлигининг фаолияти ҳақида эҳтиёткорлик билан гапира бошлади.

— Қарз кўтариб, француз банкирларидан қарз олиб яшайпмиз, ҳозирнинг ўзида йигирма миллиард франкка яқин қарз олдик.

У билармон қизнинг оғзига уриш учун гап бошлаган эди, лекин ўзининг машқ қилаётганига ва бу муваффақиятли чиқаётганига тезда амин бўлди. Фроленков билан Денисовнинг зўр диққат билан эшитаётгани унга бунда ишонч ҳосил қилаётганди, улар қимир этмай ўтиришарди, ҳатто бир қўлида асал тўла чой қошиқ, иккинчи қўлида стакан тутган Фроленков қошиқни оғзига олиб боришга ботинмас, асал эриб дастурхонга томаётган эди, тилсиз-жағсиз хотини унга бир нима деб шивирлаган эди, бунга жавобан у тишларини ғижирлатди. Денисов стулнинг суянчиғига тиралиб, гўштдор қўлини қизининг дўмбоққина елкасига қўйиб, кўзларини чақчайтирганча пишиллай-пишиллай оғир-оғир нафас олиб ўтирар эди. Ботқоқликлар ичида ботиб ётган бу кичкинагина шаҳарнинг йирик сиймолари очиқ-ошкор кўрсатаётган диққат-илтифот Клим Ивановични гапга чечанлаштириб, уни ҳар қалай умидвор қилаётганди, Самгин уларни кузатар экан, бунақа одамлар миллионларча экани эсига тушиб, янада дадил, қатъият билан гапини давом эттирди.

— Бунга шуни ҳам қўшиб қўйингки, Европада одам ишонмайдиган, хунук, йўл қўйиб бўлмайдиган ишлар бизда бўлши мумкин. Мен Распутинни назарда тутяпман. Унинг подшо хотини, подшонинг ўзига таъсири ҳақидаги

бутун гапларнинг ярмиси, ҳа, ярмиси уйдирма, ғийбатдир балки. Лекин ҳар ҳолда бир нарса фактлигича қолади: шубҳали, чаласавод, сотқин бир одам... подшонинг оила-сида муайян роль ўйнамоқда. Сизлар кеча бир воизнинг гапларини эшитдинглар, мен уни ёшлигидан, дурадгорлик қилиб юрган чоғларидан биламан. У... аянч бир одам, ҳалиги, ақлини еб қўйган бир одам. Лекин у ҳалол, худога астойдил ишонадиган, одампарвар. Кўриниб турибдики, Распутин бунақа эмас.

Фроленков ортиқ чидаб туролмади, у қошиқни стаканга солди, няги остидаги соқолини тутамлаб бир тебранган эди, остидаги стул қирсиллаб кетди.

— Буни қара, буни қара, ҳақиқатнинг янграшини!..

— Ахир биз нима қилсак бўлади?— қайғуриб сўради Денисов.— Эҳ, парвардигор...

— Ҳаётга кўпроқ диққат билан боқишингиз керак,— деб қатъий йўсинда маслаҳат берди Клим Иванович,— Ҳақиқий Русь сизлар, кўпдан-кўп губерниялар, уездлар, ҳунармандчилик қишлоқларининг аҳолисидир, унинг чин ёгаларисиз, сизлар катта кучсизлар, чунки сиз миллионларсиз. Мамлакатни миллионерлар, амалдорлар эмас, балки айни сизлар идора қилишларингиз керак, сизлар, демократия... Думага Ногайцевларни юбормаслик керак, сизларнинг ўзингиз боришингиз лозим.

— Хўш, ишларимиз-чи? Ишларимиз нима бўлади?— ингроқи оҳангда сўради Фроленков.

— Ишларимиз танг!— деб ҳайқирди Денисов қовоғини солиб.— Бу уруш... Тинчлик йўқ! Иш хотиржамликни талаб қилади.

— Ҳа, айтгандай, мужиклар ўчоқ бошида-я,— деб эслаб қолди Фроленков.

— Қўявер, менга қолса, нариги дунёга ўтиб кетмай-дими,— деб ҳайқирди Денисов кўнгли ғаш бўлиб.— Карвон саройга бориб ётишсин. Айт, эртага гаплашамиз, эртага! Клим Иванович, бу ишларнинг ҳаммасини бизга қўйиб беринг. Биз Ногайцевга айтамыз... ёзамиз. Арзимайдиган иш. Ҳеч ташвиш тортманг. Мужикни беш бармоғимиздек биламыз!

Фроленков мужиклар ёнига хотинини юборди-да, ўзи ўрнидан туриб, қўшни хонага ўтиб чақирди:

— Бу ёққа кел, пирим!

Софья оталарнинг кетганидан фойдаланиб, ўша заҳоти сўради:

— Сиз Родионовнинг «Жиноятимиз» китобини ўқиганмисиз?

— Йўқ,— лоқайдгина жавоб берди Самгин.

Софья исиб кетганди. Иссиқдан ва чойдан қизариб кетган қиз тўр тутилган рўмолча билан лўппигина юзини елпирди, унинг дўмбоққина қўли Самгиннинг кўз ўнгидан лип этиб ўтди.

Самгин: «Хизматкор қизнинг ўзгинаси» деди дилида, қиз эса дадил ва тез-тез гапирарди:

— Қиёмат китоб. Муаллифи Боровичида земство бошлиғи. У ўз мужикларини шу қадар даҳшатли тасвирлаганки, профессор Пильников, у ҳам Боровичидан, дейдики: «Буларнинг ҳаммаси тўғри, лекин Родионов крепостной ҳуқуқни тикламоқчи». Айтинг-чи: крепостной ҳуқуқни тиклаб бўлармишми энди?

— Хўш, сиз унинг тикланишини истайсизми?

— Мен сиёсатга тушунмайман, яхши кўрмайман ҳам. Лекин мужикларни бир ёқлик қилиш керак-да, ахир, ҳамон улар бунақа...

Фроленков эшикдан ичкарига мўралаб сўради:

— Стуколка ўйнашни биласизми?

— Йўқ.

— Рамсни-чи?

— Биладан шекилли.

— Ундай бўлса, марҳамат қилсинлар! Кечки овқатгача беллашамиз, ўйнаймиз.

Клим Иванович ўзининг нутқидан мамнун эди, Денисов билан Фроленков унга тобора кўпроқ ёқаётган эди, у ҳафсала билан ўйинга киришди, омади келиб, 83 сўм ютди ва пулларини яшираётганида, ҳатто кўнглига шубҳа тушди:

«Худди пора беришди. Бироқ нима учун? Мен баъзан одамларга адолатсизлик қиламан».

Шундан кейин тўйиб овқатланишди, мириқиб ичишди. Самгин ўзини билмай уйқуга кетди, эртасига тушга яқин Денисов уни уйғотди.

— Туринг, бўлмаса поездга кеч қоласиз,— деб огоҳлантирди у.— Балки бир кун яна қоларсиз? Кўнглимизга жуда ёқиб қолдингиз! Кечки овқатга беш-ўн одамни чақирган бўлардик, ўтириб суҳбатлашардик, бўладими?

Самгин бундай муҳтарам одамлар билан танишганлигидан ўзи ҳам жуда хурсанд эканини, лекин қола олмаслигини, Ригага бориши кераклигини айтди.

— Яна ҳарбий ишлар биланми? Эҳ, уруш, уруш...

Боровичига қадар у юмшоқ рессорли қулайгина таран-тас¹да силкина-силкина уч соатча йўл босди, айна поезд жўнайидиган вақтда Боровичига етиб келди, Новгородда эса бошидан кечган саргузаштлар яна ҳам баттарин бир тарзда қайта такрорланди.

Офицерлар билан тўла буфетда соқол-мўйловлари қирилган, афти башараси католик роҳибига ўхшаш, ушоққина официант чол бурчакдан, дафна дарахти панасидаги столдан Самгинга жой топди, столнинг учдан икки қисми даста-даста қилиб устма-уст тахланган ликопчалар билан банд бўлиб, официант бўш жойга қошиқ-вилкалар кўяр экан, Ригага борадиган поезд кечикаётгани ва қачон келиши маълум эмаслиги, станция фронтга шошилиш равишда жўнатилаётган Сибирь солдатлари тушган эшелонлар билан тўлиб кетгани, Петроградга борадиган иккита санитар поездеи ушланиб қолганини айтди.

— Устига-устак Польшадан келган қочқинлар ҳам тикилиб ётишибди...

«Шаҳарлар иттифоқи аъзосига айтадиган гапни биласиз»,— деб дилидан ўтказди Самгин ва сўради:

— Тартиб йўқми?

— Жуда чувалашиб кетишган, кўрсанг раҳминг келасиз,— деди чол.

Вилка-пичоқларнинг одатдаги шарақ-шуруғи энди қил-қил қинларининг жарангига қўшилиб, тамомила бошқача эшитиларди. Ташқарида, перронда мис асбоблар оркестри куйлар, гумбурлар ва дўрилларди, маневр қилаётган паровозларнинг қулоқни қар қилгудек ҳуштаклари ва стрелкачиларнинг ҳаяжонли сигналлари оркестр машқини бўлиб-бўлиб турар, шу яқин оралиқда солдатлар қўшиғи янграрди. Елка тасмали камарни тортиб боғлаган офицерлар босар-тусарларини билишмас, қийқиришиб, чуввос солишарди. Хотин-халаж ва гулларнинг сон-саноғи йўқ, шампан шишалари пақ-пақ отиларди, ресторан ўртасидаги каттакон стол орқасида фрак кийган, айри соқол, пешанаси кенг, тепакал бир киши тик туриб, вино қадаҳини бошидан ҳам баланд тутганча бир нималар дерди. Самгиннинг қулоғига фақат яримта-юримта сўзлар чалинди:

¹ Тарантас — одам ташийдиган тўрт ғилдиракли арава. (Тарж.)

— Бизнинг хатомиз... Лозим эмасдики... Биз 71-йилда ҳам... Бир тўда кичик давлатлар ўрнига Германияга эга бўлдик.

Навқирон, жарангдор овоз эшитилди:— Хотиржам бўл, дада! Пруссияликларни аввалги ибтидоий ҳолатига қайтариб қўямиз. Армиямиз учун ичайлик — ур-ра!

Баравар бўлмаса-да, ҳар қалай бажону дил ура деб қичқиришди. Биров таклиф қилди:

— Олий ҳазратларининг соғлиғи учун...

— Бекор гап!

— Нима учун?

— Ким журъат этди бундай дейишга?

— Подшонинг соғлиғига майхонада ичилмайди!

— Тўғри!

— Йўқ, рухсат этинг...

Жуссаси кичик, қотмагина бир офицер мамнуният билан кулимсираганча дафна дарахти ёнига келди-да, унинг бир шохини сидира бошлади. Офицернинг бутун кийим-боши оҳорлик бўлиб, камари, тўқаси ярақлар эди. Йирик кўзлари порларди. Бир тутамгина қора соқолли, ингичка бурунли, бугдой ранг башараси (Самгинни:

«Д'Артаньяннинг ўзгинаси»,— деб ўйлашга мажбур қилди.)

У қаттиқ маст бўлиб, гандираклар, қўллари қовушмаётганди, офицер шохни уза олмагач, қиличини қинидан суғура бошлади. Самгин, агар офицер дафнани кеса ёки чопа бошласа-я... деган хаёл билан стулдан турди. У шошилганча четга ўтиб, дераза ёнига бориб турди.

Официант чол югуриб келди:

— Ижозат беринг, мен пичоқ билан...

Офицер жилмайиб унга қаради-да, дўнғиллади:

— Нарн тур!— сўнгра қиличини бир силкиб, орқага тисарилди-да, дарахтни чопди,— бир неча япроқ учиб тушди, қилич стол устидаги тарелкаларга тегиб кетди.

Клим Ивановичнинг ёнбошида биров қичқириб юборди, у четга, икки қаватли деразага қаради, ташқарида соқолдор, тишлари сўлақмон икки киши афти башараси буришиб-тиришиб тўлғанарди. Самгин офицернинг қиличидан чўчимаган эди, бу икки шахсни кўриб, унинг аъзойи бадани титраб кетди. Мана, улар иккита эмас, балки энди беш, ўн ва ундан ортиқ бўлиб қолишди. Улар тишларини гижирлата-гижирлата, кўз очиб юмгунча кўпайиб кетишди. Уларнинг иккитаси қўлларини силкита-силкита гап

сотар, бир-бирига тиралган тошлар каби бўз, бичимсиз одамлар тўдасида сассиз кулги қўзғатарди. Улар тобора зич бўлиб деразага ёпирилар, ойнани синдириб, ресторанга бостириб киришлари мумкин эди.

Самгин бир неча сония беҳушроқ сизди ўзини. Ҳатто ғайри инсоний қаттиқ кулги эшитилаётгандай ва бу кулги оркестрдаги мис асбобларнинг увиллашини ва карнайларнинг вағиллашини, паровозларнинг чинқириғини, стрелкачиларнинг сигналларини босиб кетгандай бўлиб туюлди унга.

Икки норғул миршаб қиличбозни олдига солиб борар, йўғон бир офицер ҳам уларни кузатиб борарди; чол синган ликопчаларни йиғиб олар экан, тўнғиллаб гапирарди:

— Ҳар куни шунақа бир қилиқ кўрсатишади. Бугун бу иккинчиси, боя ҳам биттасини комендатурага олиб кетишган эди: у аёллар ҳожатхонасига кириб олиб, дастмойясини хотинларга кўрсатиб ётибди.

Самгин рўмолча билан юзи ва бўйнининг терини артар экан, деразага кўз қирини ташлаб:— Менга қаҳва келтиринг, қаҳва, — деб илтимос қилди.

Катта стол атрофидаги ҳарбийлар ва оддий одамлар, эркак ва хотинлар қўлларида қадаҳ тутганча, тик туриб, «Парвардигор, ўз паноҳингда асра, подшоҳимизни» шарқийини жон-жаҳдлари билан бир-бирларидан баланд келиб куйлай бошлашди, улар нотўғри, бузиб айтаётганларини ўзлари эшитмаётган бўлишлари керак эди. Шиддат билан айтилаётган бу қўшиқ «забардаст давлат» деган сўзларда бўлиниб қолди — кимдир қулоқни тешиб кетгудай қаттиқ қичқирди:

— Император армиясининг кучига шак келтиришга қандай журъат этияпсиз?

Чол қаҳва узатганида, Самгин:— Деразаларга парда тутиш керак, — деди.

— Пардаларни госпиталларга тутгани олиб кетишган. Гапингиз тўғри, албатта. Солдатларга ароқ беришмайди, офицерларни эса, мана, «қўринг... Шампаннинг ўзи билан кифояланишмайди, ундан ўткирларини ҳам ичишади...

Самгин зимдан деразага қараб-қараб қўярди. Перронда солдатлар камайган, лекин уч киши ойналарга тақалиб туришарди, энди уларнинг ноаниқ, дўмбира бўлиб кетган юзлари қимир этмас, лекин бундан салгина аввал уларни таниб бўлмас бир алфозга солган сассиз кулгидан ҳар қалай хунук бир асорат сақланиб қолганди.

«Ватанни мудофаа қилишга отланишган, — ўйлади Самгин. — Улар ватанни қандай тасаввур этишади ўзи?»

Бу мароқли савол шу ондаёқ ва жуда кескинлик билан унинг қаршисида кўндаланг бўлди, Клим Иванович унга муурожаат қилиб, шошилиш равишда жавоб топди:

«Омма ватанни тасаввур этишга қодир эмас. «Биз руслар эмас, биз самараликлармиз». Ватан зеҳний қувват талаб этадиган бир тушунчадир. Ватан тарихини билмаган шахс учун у мавжуд эмас».

Ресторанда одам тобора камайиб бораётганди, хотинлар бирин-кетин туриб кетишаётганди, лекин шовқин-сурон авжига минаётганди. Самгин бутун диққатини олисдаги бурчакка қаратган эди, бу ерда ҳарбийга алоқаси бўлмаган басавлат одамлар, уч офицер ва интендант формасидаги, сигра тишлаган, чап ёноғига хоч шаклидаги қора нарса ёпиштирилган новча, тепакал бир киши йиғилган эди.

— Биз олишиш ўрнига ўқиб ўргансак бўлар эди, ўргансак, — деди новча киши йўғон, бўғиқ овоз билан.— Биз фақат турклар билан олиша оламиз, лекин улар ҳам ургани тутқич беришмайди...

— Бисмарк айтган эканки...

— Айтгану ўлган.

— Ҳаммамиз ҳам ўламиз.

«Тарих зиёлиларнинг маданий фаолияти натижасидир. Албатта, шундай. Тарихда синфларнинг роли тўғрисидаги таълимот-чи? Бу ижтимоий зиддиятларни назарий изоҳлаш йўлидаги самарасиз уринишлардан биридир. Тарихни на буржуа, на пролетар эмас, балки бир шахс ёзади».

«Кул ранг либосдаги бир шахсми?»— деб ўринсиз хотирлади у.

Самгин чашкадаги қаҳванинг кичкина қора доирачасига боқиб, ҳалиги саволни дарҳол унутишга ошиқар экан, айти вақтда шовқин-сурон ичидан хилма-хил жумлаларни илиб олаётган эди.

— Мен учун ватан шундай бир нарсаки, бусиз осуда яшай олмайман.

Биров таъсирли қилиб қичқирди:— Жаноблар! Рухсат этинглар, эслатиб қўйишга: бу ер сиёсий мубоҳасалар қиладиган жой эмас.

Самгин ғайри шуурий равишда мубоҳасани давом эттириб: «Ўз-ўзи билан мубоҳасалар қилишнинг ҳам»,— деб илова қилди. «Нотўғри: Парижда яшаш Петербургда яшашдан кўра мароқлироқ ҳамда кўнгиллироқдир...»

— Яҳудийлар бизга хиёнат қилгани сабабли Польшада ютқиздик. Бу ҳақда ҳали газеталар ёзишмаяпти-ку, лекин аллазамон гап юрибди.

— Газеталар яҳудийларнинг қўлида...

Кал боши товуқ тухуми шаклидаги, юзи қизил, сийрак кул ранг соқолли бир киши ингичка овоз билан баланд қичқирди:— Худо ватандан маҳрум қилган бу ирқнинг хонлиги аллазамон исбот қилинган.

— Оббо! Қани, айтинг-чи, мен бир ер эгасиман, хўш, хўжалигимнинг манфаатлари тўғрисида гапиришга ҳақим борми ёки йўқми?

— Ҳақингиз йўқ. Уруш бўлиб турганида граждaнларнинг барча ҳуқуқларини подшо қонуний равишда ўз қўлига олади.

Қўнғироқ қулоқни тешгудек жараңлади ва бировнинг қичқиргани эшитилди:

— Поезд Ригага яқинлашмоқда...

Стул ва столлар жойидан қўзғаб, ҳамма ёқни қасир-қусур овоз босиб кетди, идиш-товоқлар тарақлади, биров фарёд солди:

— Жаноблар! Бу таҳликали дамда...

— Нега таҳликали бўлади, жин ургур?

Орадан ўн минутчадан кейин Самгин иккичи даражали вагонда кетиб борарди. Юравериб ишдан чиқиб қолган бу кўҳна вагон ғижирлар, тарақ-туруқ қилар ва шу қадар қаттиқ силкинар эдики, гўё издан чиқиб кетгудек эди. Унинг тапир-тупури, силкинишлари одамлар билан лиқ тўла бу вагон енгил, омонатгина экан, деган таассурот туғдирди Самгинда. Эшиклар олдида ва вагоннинг ўрта қисмида ёнаётган жами учта чироқ диванларда учта-учтадан ўтирган одамларни аранг ёритарди, одамлар силкиниб-силкиниб борар ва вагонни силкитаётган ҳам одамлар, деб ўйлаш мумкин эди. Сийнасида қизил крести бўлган сариқ чарм куртка, бошига малла берет кийган барваста, тўлагина бир хотин Самгиннинг елкасига суяниб олиб, уни зўр бериб итарарди: хотин тиззалари устига қўйган чамадончасини икки қўллаб ушлаганча боши диваннинг суянчиғида у ёқдан-бу ёққа лиқиллар, ўзи пишиллаб ухлаб борарди, унинг баҳайбат юмшоқ танаси серкиллар, вагон ҳар сакраб тушганда уйғониб кетар ва секин овоз билан шикоятмиз тўнғиллаб қўярди.

— Ё тавба, пардон...

Эгнига бурмали кафтан, бошига шоҳи қалпоқча кийган

бир киши дераза ёнида ўтириб, папирос чекарди, оппоқ соқоли папирос тутунида бурқсиётгандек туюлаётганди, унинг чақчайган кўзлари рўпарасидаги одамга тикилганди, бу одамнинг юзи Дания догининг¹ тумшуғини эслатарди, чунки жағи олдинга туртиб чиққан, пешанаси эса энсаси томон тортилганди. Бу одамнинг ёнида яна икки киши мудраб борарди, бири индамай, иккинчиси эса таассуф ва жаҳл билан лабларини чўпиллатарди. Нимқоронғилик ҳамма одамларни бадбашара қилиб кўрсатар, бу ҳол Самгиннинг кайфиятига монанд эди,— у ўзини ҳориган, шикаста, ташвишли ва Иероним Босхнинг бемаънилиги даражасига тушган ҳис қиларди. У ер бағирлаган ўнларча черкови бўлган кичкина шаҳарчапи, Денисовнинг иссиққина, меҳмоннавоз уйини, ақли ва кўркем Фроленковни дилгирлик билан хотирлади.

Катта ва қалин жун рўмолга ўралган догсифат одам шивирлаб гапирди:

— Сенга айтсам, хўжайин деган ўз хўжалигини билиши керак, у эса гирт нодон, ҳеч вақони билмайди. Император ўқчи аскарлари казармасига пойдевор қўйилаётганди, у ҳам бу маросимда иштирок этган эди, албатта. «Жуда гаройиб иш, дейди: бир ерга ҳар балони қалашади-да, устидан бир нима қўйишади ва оқибатда маҳкам бир нарса пайдо бўлади».

— Тўхта, тўхта, — оппоқ соқолли киши йўгон овоз билан севиниб деди секингина.— Ажойиб гап экан-ку, бу унинг давлат тўғрисидаги тасаввуридир!

— Э, у пичинг-кинояни қайдан билсин!

Самгин кўзларини юмиб олиб: «Подшо тўғрисида гапирншяпти»,— деб ўйлади. Тимқоронғиликда овозлар аниқ эшитилаётгандек эди. Олдинда, эшик ёнидаги кейинги диванда ўтирган бир кишининг заифгина овози эшитилаётганди, у дона-дона гапирарди, аммо бировнинг секин-секин қуруқ йўталиши уни бўлиб қўяётганди.

— Биз ҳалитдан мустамлакамиз ҳисоб. Металлургия-мизнинг 67 проценти Франциянинг қўлидадир, кемасозлик ишида Франциянинг 77 процент капитали бор. Бутун банкаримизнинг асосий капитали 585 миллиондир, бунинг 434 миллиони хорижий капиталдир; бунинг ҳам 232 миллиони французларникидир.

«Ҳойнаҳой, биронта тиланчи бўлса керак, — деб ўйлади

¹ Дог — жун калта катта ит. (Тарж.)

Самгин.— Рақамларга қоришган яна бир Тагильский топилди».

— Биз шунинг учун урушмоқдамизки, жаноб Пуанкаре [18]71 йил учун реванш олмақчи, бундан қирқ уч йил аввал немислар тортиб олган руда чиқадиган ерларни қайтариб олишнинг пайида. Бизнинг армиямиз ёлланган армия родини ўйнамоқда...

Эшитилар-эшитилмас бу овозни даргазаб бир нидо кесиб қўйди:

— Э, гап бунда денг! Сиз анархиячи Лениннинг қарашларини баён қиляпсиз, шундайми ахир? Большевикми-сиз ўзи?

— Йўқ, мен большевик эмасман.

— Бас, етар! Менинг ҳам оз-моз саводим бор...

— Лекин Ленин ҳисоб-китобни жуда яхши биладиган одам...

— Тўхта, Игорь,— гапга аралашди учинчи бир овоз, тўртинчи киши эса йўғон овоз билан деди:

— Мубоҳаса қилишга ҳали вақтимиз кўп.

— Хуллас, Ленин дейсизми?

Оппоқ соқолли киши бошини ирғаб:

— Биз ҳисоб-китобга нўноқмиз, — деди.

— Бизнинг асосий саноатимиз тўқимачилик, унинг ҳаммаси ўз қўлимизда!

— Яъни Второвлар билан Рябушинскийлар қўлида.

— Хўш, яна бошқача бўлиши мумкинми?

Бояги заиф овоз яна қулоққа чалинди, аввалига уни англаб бўлмади, сўнгра говур-гувурни ёриб ўтгач, Самгин эшитиб қолди:

— Агар пролетар диктатураси ҳақидаги ҳаёлий ғоясини улоқтириб ташланса, министрларимиз Лениндан кўп нарса ўрганишлари мумкин эди, чунки у фавқулодда билим ва истеъдодга эга иқтисодчидир... ҳа, шундай, менинг фикримча, ишчилар синфи диктатураси ҳам...

Локомотив қаттиқ чинқирди ва ўша заҳоти бир нарсани босгандай бўлди, вагонлар қасир-қусур қилиб кетди, ўқ отилгандек бир нарса портлади, тормоз ғижирлади, қизил крестлик чарм либосдаги аёл сапчиб ўрнидан турди-да, чамадон билан Самгиннинг елкасига бир тушириб қичқирди:

— Э худойим, э худойим, тинчликми, нима бўлди ўзи?

Ҳамма уйғониб, ўрнидан туриб кетди, бир-бирини туртишиб, эшикка югуриб қолишди.

Самгин силкиниш, тарақ-туруқдан, одамларнинг ваҳимасидан тамомила ҳоли жони қолмай, диваннинг суянчигига қапишиб:

— Ҳалокат юз берди, — деди. Кимдир ўтакаси ёрилган одамларни тинчлантирарди.

— Станцияга шундоққина кираверишда семафорни ёпиб қўйишибди. Тагин ҳам машинистга балли...

— Кўрдингизми? — деди хотин Самгинга таъна қилиб. — Сиз бўлсангиз, ҳалокат юз берди деб бақиряпсиз!

— Мен бақирганим йўқ.

— Нега бақирмадим, дейсиз? Ўзим эшитдим-ку! Сиз Шаҳарлар иттифоқиданмисиз?

Сўнгра у ўша заҳоти фиғони ошиб, Шаҳарлар иттифоқи нима учун ташкил этилгани ва нима қилиши кераклиги, қандай ҳуқуқлари борлигини билмайдиган бир ташкилот эканини гапира кетди.

Самгин жаҳли чиқиб, Иттифоқни танқид этиш учун ҳали вақт эрта эканини, чунки бу ташкилот эндигина иш бошлаётганини айтди, бироқ хотин комил ишонч билан эътироз этди:

— Сиз бизга, «Қизил Крест» жамиятига халақит беряпсиз, интендантликка халақит беряпсиз...

Догсифат одам эса бепарволик билан гап қистирди:

— Земство ва Шаҳарлар иттифоқлари нима ишташларини жуда яхши билишади: улар Милюков армиясининг резервидир, ҳа, шундоқ. Дума ёпилганида, улар сиёсий ташкилот сифатида майдонга чиқишади!

Самгин ҳар хил ундовлар билан, елкаларини қисиб, саволлар бериб истар-истамас эътироз этарди. Аслида Иттифоқнинг мақсадларини унинг ўзи ҳам аниқ-равшан тасаввур этмасди, шунинг учун демократиянинг Думадаги партияларидан ташқарида кенг маънода бирлашуви мумкинлиги тўғрисидаги фикр унга маъқул тушди. Унинг айниган ва ялтоқликка майл этган хотираси ғайри ихтиёрий равишда киноя билан эсга солди: «Бир ерга ҳар балони қалашади-да, устидан бир нима қўйишади ва оқибатда маҳкам бир нарса пайдо бўлади...» Лекин ёқимсиз, ҳатто оғир бир таассурот бундай ташкилот ҳақида мубоҳаса этиш ва ўйлашга моне бўлаётганди: бундан беш минутгина аввал Тагильскийнинг унинг ёнидан ўтиб кетганига Самгин амин эди. Шундай, бу, шубҳасиз, Тагильский эди, фақат ихчам тортган. У кўзларини ерга тикиб, аста-аста юрар, уни итаришарди, у вагоннинг деворига қисилиб гандираклар ва

қирилган бўлалик бағбақасини кўкрагига тирагудек бўлиб, бошини кўтармай бир оз тик турди.

Поезд тўхтаб турарди, ҳаяжонланган одамларнинг овозлари хийла аниқроқ эшитилаётган эди, деярли ҳамма асабий, тажанг эди; Тагильскийнинг шошилмасдан айтаётган гаплари бемалол эшитилаётганди:

— Агар янглишмасам, Россиянинг миллий бисоти 120 миллиард сўмни ташкил этади. Уларнинг ишдан чиқиб қолаётган заводларини, шу жумладан, масалан, Екатеринбург темир йўл устахоналарида ишлаётган 1845 [йилги] пармалаш станогини ва 1837 [йилги] буг болғасини ҳам шу бисотга қўшиш керак...

— Давлатга, амалдорларга қарашли хўжалик...

— Тўқимачилик саноатимизда етмишинчи йилларнинг дастгоҳлари ҳали ҳам бор. Деҳқонларнинг ёғоч иш асбобларини — сўқа, молаларни ҳам миллий бисотга қўшиш керак...

«Мудом санаганлари санаган... Санамоқ — ҳаётнинг гаройиб бир мақсадидир», — деб ўйлади Клим Иванович асаби қўзиб ва Тагильскийнинг худди қум каби тўкилаётган сўзларининг қуруқ шитирлашига қулоқ солмай қўйди. Шу орада локомотив бир чинқирди, поезд ўрнидан қалқиди, бир минутча юриб бориб, яна тўхтади, бир-бирига урилган вагонларнинг тарақ-туруғи, қасир-қусури, чинқирғи орасидан карнайчининг аллақандай кескин сигнали, сўнгра даҳшатли қичқириқ эшитилди:

— Смирно-о!

Бу букри қизалоқнинг зардали нозиккина овозини яна эсга солди:

«Хўш, бу қандай бебошлик! Сизларнинг болаларингиз эмас-ку!»

Локомотив яна чинқирди ва бу сафар вагонларни шу қадар силтаб тортдики, чарм либос кийган хоним бир қўли билан Самгиннинг тиззасига, бир қўли билан оқ соқолли йўловчининг елкасига ёпишиб олди.

— Э, худойим... Пардон. Омон бўлгур машинистларимиз шундай ҳайдашадик, бирам даҳшат, — деди у ва ўйлаб туриб изоҳ берди: — Худди дала йўлида юргандай.

Кондуктор вагондан ўтиб борар экан: — Икки минутдан кейин поезд жўнайди, — деб эълон қилди.

Минутлар ҳали ҳеч қачон Клим Иванович Самгинга бу қадар одамга азоб берадиган даражада узун туюлмаган эди. Кейинчалик у уйқусиз ташвишли бу кечани неча бор

хотирлади,— унга ўзининг ҳаётга, инсонларга муносабати худди шу кечадан эътиборан қарор топгандай бўлиб туюлди.

Поездни бирдан қалқитиб юборган қаттиқ силтов уни машинист тўғрисида ўйлашга мажбур қилди:

«Юзларча одамнинг ҳаёт-мамоти чаласавод одамга, бир слесарга топшириб қўйилган. Бу одамларни у неча юз чақирим масофаларга олиб боради. У ақлдан озиб қолиб, ерга ўзини отиши, қочиб қолиши, юраги тўхтаб қолиб ўлиши мумкин. Одамлардан алам олмоқчи бўлиб, жони кўзига кўринмай поездни қасддан тўқнаштириши ҳам мумкин. Менинг қаршимдаги... одамлар қаршисидаги унинг масъулияти — ҳеч гап эмас. Бешинчи йилда Николаев темир йўлининг машинисти инқилобчи ишчиларни жазо отряди кўз ўнгида олиб кетганди...»

«Бир одамнинг, якка бир шахснинг ҳоқимияти — бир умрликдир. Ҳар ҳолда дунёни якка шахслар идора этади. Гала-гала одамлар худди ана шу якка шахсларнинг манфатлари йўлида бир-бирларини қиришга отланишди. Дунё шунақа. «Шундай бўлган эди, шундай бўлаверади».

«Мен хотирамни китобий... тўзонлардан тозалашим лозим. Бу тўзонлар фақат ақлимнинг нурида яйраб учишади. Ҳаммаси эмас, албатта. Улар орасида ҳақиқатан жуда гўзал заррачалар бор. Сўзлар мусиқаси етти нотанинг ранго-ранг товланишлари билан ҳиссиётларимга ғайри ихтиёрий равишда таъсир кўрсатадиган садолар мусиқасидан кўра қимматлироқдир. Сўз аввало инсоннинг ўзини ҳимоя этиш қуроли, совути, зирҳи, қалқони, қиличидир. Ортиқча гаплар ақлнинг ҳаракатини, ишини оғирлаштиради. Бошқа одамнинг сўзлари менинг фикримни сўндиради, ҳисларимни ўзгартириб юборади».

Бу фикрларда янги бир гап йўқ эди, лекин улар бу дафъа ҳамиша бўлганидан кўра бир-бири билан маҳкам боғлиқ ҳолда ва зўр ишонч билан майдонга чиқаётган эди.

Тонготарда поезд аста-секин шаҳарга кириб борди: бўрон қорни совура, шамол пишқира ва увиллар, солдатлар билан тикилиб кетган шаҳарда қий-чув, тўполон авжида эди. Солдатлар вокзалда уймаланишарди, шамол уларни тўдалаштириб ёки битта-битта кўчаларга қувар, ким пиёда, ким отда, ким яшил араваларда борарди, тўпларни судрашар ва ҳамма ерда гужғон ўйнаётган қалин, совуқ қор бағрида қуролсиз ва елкасига милтиқ осган кишиларнинг бўз шарпалари, букчайган, қоп орқалаган одамлар ҳаракат

қилар, гоҳ кўзга ташланиб, гоҳ кўринмай қоларди улар. Шамол тош кўчадан қорни созуриб, рўпарадан уларнинг юзига урар, уйларнинг томларидан бошларига сочар, чоррақаларда гирдибод кўтарилиб роса увилларди.

Клим Иванович Самгин қалин ва қулай кийинган бўлиб, тарихий бир ишда иштирок этажак одамга хос бир тарзда жасурона кайфиятда эди, эгнига бошлиқли мовий шинель, бошига финча чарм қалпоқ кийган, қайси бир ҳам тарихий генерал портретига жуда ўхшаб кетадиган қизил юзли, мўйловдор, устини қор босган антиқа извошчи латиш талаффузида, лоқайдгина Самгинга меҳмонхоналарда бўш хона йўқлигини айтди.

Баҳайбат, семиз бу одамнинг оппоқ мўйлови қулоқларигача етиб қолгудек эди, фойтонини ҳам баҳайбат, аммо оти эса кичкина ва ориққина бўлиб, кампир хотин сингари йўртиб югурарди. Извошчи қаҳри заҳрини сочиб бақирарди:

— Пўшт, пўшт!— одамлар уни болохонадор қилиб сўқишар, бир солдат ҳатто милтиқ қўндоғи билан отнинг биқинига бир туртиб ҳам қўйди.

Меҳмонхоналарнинг учтасида ҳақиқатан ҳам бўш жой йўқ экан, тўртинчисида, бир хонада икки киши туради, дейишди. Самгин учун ажратилган хонада ҳарбий хизматчининг кийим-бошлари ҳар ёнда тартибсиз ёйилиб ётарди, стол устида қилич ва дурбин, креслода қайишга боғланган револьвер турарди, ширманинг орқасида биров қўларра каби хириллар эди. Самгин хира ойна қаршисида туриб костюмининг гижимини, тўзиб кетган сочларини тузатди, афти башарам салобатликкина, деб хотиржам бўлди-да, қаҳва ичгани ресторанга тушди. Шу заҳоти унинг ёнига энгаги осилган новча бир киши келди-да, Фалон заводни ичкарига кўчираётган киши сиз эмасмисиз? — деб тишлари орасидан сўради. Қаҳва келтирган официантга эргашиб келган сариқ башара бир киши ҳай йўқ, ҳув йўқ, стол ёнига ўтирди-да, ўз тирноқларига ўйчан тикилар экан, дилгир бир товуш билан сўради:

— Қандларингизни нима қилмоқчисиз? Э, кечирасиз, сиз эмас экансиз, яъни сиз у одам эмас экансиз... Сиз нима муносабат билан бу ерларда юрибсиз. Ҳа, ҳа! Қочоқлар масаласида денг. Мен ҳам шундай. Орёлдан командировкага келдим. Қочоқларни бизга юбориш керак, умуман— мамлакат ичкарисига. Лекин вагон беришмаяпти, пиёда йўлга чиқишса тарашадек қотишади. Ҳўш, нима қилсак экан энди?

У шундай гапирар эдики, фикри хаёли тамом бошқа нарсада экани шундоққина билиниб турар эди. Самгин ўнг қоши устида ортиғи бўлган бу одамнинг кулчадек думалоқ юзига диққат билан боқар экан, бунақа юзли артистлар «Борис Годунов» операсида Дмитрий ролини ижро этишадди, деб ўйлади.

Самгин билдики, столда якка ўтирган фақат унинг ўзи экан, қолган ҳамма иккитадан, учтадан бўлиб, стол узра бир-бирларига энгашиб, секингина, шивирлашиб гаплашарди. Биллиардхонада соққалар шақилларди, бу хонага ўтиладиган эшик олдига қўйилган думалоқ стол атрофида беш нафар ҳарбий хизматчи нонушта қиларди, улар сира тортинмасдан кулишар, ҳаммани кулдираётган бошига ипак қалпоқча кийган, гавдали, қора соқолли интендант эди, у бир нимани гапириб берар, унинг йўғон овози бир маромда эшитилар, ҳадеб такрорлаётган манави сўзларигина ажралиб турарди:

— Мен дейманки, зоти...

— Хунук бир чалкашлик, — дерди ортиқли киши. — Ишқилиб ҳамма бир нарса йўқотган, бир нарса ахтарган. Ярославдан Орёлга бир вагон бўз келган эди, уни дарҳол бу ерга жўнатишди, бу ерда эса кўз очиб юмгунча йўқ бўлди-қўйди.

Самгиннинг орқасида ўтирган биров:— Совун эди,— деди.

Самгинга яқин ўтирган одам унинг елкаси оша кўз ташлаб:— Нима дедингиз?— деб сўради парвосизгина.

— Совунни ҳам ўғирлашган.

— Нега ўғирлашибди?

— Нега ўғирлашар эди? Бу ҳам бир ишқибозлик бўлса керак-да...

— Нега энди сиз, ўғирлашган, деб ўйлайсиз?

— Хўш, қандай ўйласам сизга маъқул бўлади?

Клим Иванович Самгин уйқусиз ўтган кечанинг таассуротларидан толиққан эди. У одамларнинг шивир-шивирига лоқайдгина қулоқ солиб, деразага боқарди, ойналар орқасида қор бўраларди, бичимсиз бўз шарпалар лип-лип ўтиб турарди, гўё шу топда соқолдор, тишлари сўлақмон кишилар совуқ башараларини ойнага тираб овоз чиқармай куладигандай туюларди.

— Менга қаранг, — Самгин официантга мурожаат қилди, — бир рюмкагина ароқ келтирсангиз.

— Керакмас, иккита чашка келтир, — деди ортиқли

одам ва қўйнидан ясси сувдон чиқарди:— Коньяк, мартель турганда, буларнинг денатуратини ичиб нима қиласиз.

— Ташаккур, лекин...

— Э, лекини борми? Биз урушдамиз ахир.

Сўнгра у коньякни чашкаларга қўйиб, ўзини таништирди:

— Яков Петрович Пальцев. — У ранги ноаниқ, хирароқ кўзлари билан Самгиннинг юзига малол келадиган бир тарзда боқиб, бошини бир силтади-да, коньякни бўшатди ва бир чақмоқ қандни лунжига тиқиб, йўғон бурнини буриштирди. Пальцевнинг истиҳола қилмаслиги, палапартиш гаплари, хира кўзларининг бепарво боқиши — буларнинг бари Самгинда жуда мароқ уйғотганди; у нохуш бу овозни эшитар экан, шундай фикрга келди:

«Ёши қирқ атрофида. Иши юришмаган одам. «Ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини қўлтиғига урган бўлиши керак».

Пальцев ҳаддан ташқари узун мундштукда папирос чекар экан:— Бу ерда чайқовчилар билан қаллоб одамларнинг сон-саноғи йўқ, — деди. — Баъзилари сизга ўхшаб земгоргусарлар либосида юришади. Мен форма тиктиришга улгурмадим. Сизнинг орқангизда ўтирган киши — Изаксон, Изаксон билан Берманнинг техник контораси бор, улар машиналар, станоклар, электрарматуралар ва шуларга ўхшаш бир талай нарсалар импорти билан шуғулланишади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам товламачи, ишлари судда.

У яна сувдонни қўйнидан чиқариб, чашкаларга коньяк қўйди. Самгин раҳмат айтиб ичди ва коньякда одеколон таъми борлигини сизди.

Пальцев калта қилиб қайчиланган ва худди қоракўл сингари жингалак сариқ сочларини кафти билан силар экан, қошларини учира-учира огоҳлантирди:

— Изаксон олдингизга келиб сизга ўз хизматини таклиф қилади, албатта, — бунинг маъноси чув тушириш. Мени икки мингга чув тушириб турибди.

— Қанақа қилиб? — сўради Самгин.

— Қанақа қилишни ўзлари билишади. Карта ўйнайсизми? Йўқ. Бу яхши. Бўлмаса, кеча бир аҳмоқ уч вагон тасини ютқазиб қўйди: Қизил Крестга совға қилгани олиб кетаётган экан, тобут ясагани...

Ресторанда бўғиқ, ташвишли ғовур-ғувур бир зум тўх-

тамас эди, биллиардхонада соққалар шақилларди, буфетда идиш-товоқлар тарақ-туруқ қиларди, тўсатдан янграган шўх, ингичка бир овоз бу шовқин-суронни босди-қўйди:

— Ур-ра!

Эҳ, Бузулук мардлари ҳамон
Чин сўзларни сақлар эсида...

Унларча киши бу рақс оҳангига барабар жўр бўлди:

Жон Россия, мушфиқ онажон,
Юртлар олди — сен ер юзида!

Сўнгра ҳуштак ва ҳайқириқ овозларга ҳамоҳанг ҳолда биллиардхона паркетига тўпир-тўпир бошланди.

— Газета келган бўлса керак, — гўлдиради Пальцев ва ўрнидан туриб, шошилиб чиқиб кетди. Самгин кўрдик, шошилиш калтабақай бу одамнинг йўғон гавдаси ва хулқига сира ярашмас экан. Қочоқларнинг қаерга жойлашгани, уларни мамлакат ичкарасига кўчириш тартиби ва усули қандай эканлигини Пальцевдан сўраб улгурмагани ва умуман, бу иш билан танишиш фурсатини қўлдан бой бергани учун Клим Иванович ўзидан пушаймон бўлди. Буларнинг барини у Шаҳарлар иттифоқининг маҳаллий вакиллари билан учрашишдан аввал билиб олгиси келар, уларнинг ҳузурига ҳар нарсадан хабардор ва бошқалардан, ҳойнаҳой, унинг ўзига ўхшаш одамлардан мустақил ҳолда ишлашга қобил бир шахс сифатида боргиси келарди. У яна ўн минутча ўтириб, биллиардхонада куй-яллалар авжида эканига, қаттиқ ҳуштакбозлик унинг белига тепаётганига, қаҳ-қаҳ кулгиларга, ўйинга тушаётганларнинг дупур-дупурига қулоқ солди ва энди бу ерда якка-ёлғиз ўтириш ноқулай бўлиб қолди, негаки бу қаҳрамонларнинг шод-хуррамлиги унга малол келаётгандай бўлиб туюлиши мумкин эди. У ўша ёққа қарамоқчи бўлди-ю, аммо эшик тирбанд эди, ресторанда ўтирганларнинг деярли ҳаммаси эшик олдида ёпирилиб олган эди.

Самгин ўрнидан туриб, ўз хонасига йўл олди, аммо вестибюлда мўйна пальтосининг ёқаси очиқ, қорақўл қалпоғини қўлига ушлаб олган антиқа бир одам уни тўхтатди, унинг гадир-будур каттакон юзида юмалоқ ва чақчайган кўзлари суқлик билан ўқрайиб турарди, оқ оралай бошлаган, қўй жуни каби сочи тутам-тутам, каттакон боши елкалари устига ўрнашгандек бўйни кўринмаганлигидан бу одам букрига ўхшарди.

— Кечирасиз, — деди у хириллаган паст овоз билан шошилибгина. — Мен Марк Изаксон бўламан! Бу шаҳарда мени танимаган одам йўқ. Сизни огоҳлантириб қўйишим лозим: сиз билан гаплашган одам товламачи. Ҳа. Шу ерлик Яшка Пальцев деган сартарош. Муттаҳам, картабоз десангиз ҳам шу, чайқовчи десангиз ҳам шу. Хуллас, ярамас киши, ҳа! Сиз бу ерда янги одамсиз. Шу гапни айтиб қўйишни ўз бурчим деб билдим... Мана менинг карточкам. Кечирасиз...

У Самгинга орқасини ўгирди-да, хириллаб бировдан сўради ёки унга маълум қилди:

— Тайёр.

Самгин карточкадаги ўзига таниш сўзларни ўқиди: «М. Изаксон ва К. Берман, техник контора».

Клим Иванович: «Бу ғирт товламачи», — деган фикрга келди. Орадан бир неча минут ўтгач, у устини қалин қор босган фойтонда ўтирарди. Бўрон бояги-бояги шиддатига олаётганди, кун ёришгани учунми, қор булутлари вазмин, қалин туюларди. Ғиз-ғиз учаётган қор булутлари орасидан тўда-тўда солдатлар тўхтовсиз ўтиб боришар, уларнинг найзалари тароқ тиши каби қор булутларини тараб борарди. Солдатларнинг устига томлардан қор бўралар, оёқ остига ёғилар, ёнбошдан уриб турарди, солдатлар эса қор уюмларини босиб-янчиб, сокин қадам ташлаб, беҳисоб деразаларини қор босган уйлар орасидан ўтган чуқур тош йўлдан чурқ этмай ўтиб боришарди. Минг-минглаб бўз шарпаларнинг бу унсиз ҳаракатида жуда мудҳиш, одамни эзадиган алланечук бир нарса бор эди, солдатларнинг елкалари, куракларини шўр босганди, қорбўрон ҳам гўё юзларнинг қизиллигини кетказишнинг ҳаракатида эди. Самгинга илгари ҳеч қачон шамолнинг бу қадар қаҳрига олиб тинимсиз сурон солиб увиллаганини эшитмагандай бўлиб туюлди.

Сўнгра Клим Иванович сипогина жиҳозланган иссиққина кабинетда бағбақаси қават-қават, юзи энагаларники сингари мулойимгина, лўмбиллаган барваста бир кишининг шикоятларини эшитиб бир соат ўтирди. Бу одамнинг ардоқланган майингина юзининг ялтираб туриши, соқол ўрнидаги пушти ранг қон тўла кўкимтир тарам-тарам томирчалар, лўпигина бежирим оғзи, юқори лабининг жажжигина юмшоқ бурни томон кўтарилиб туриши, мулойимгина кўкимтир кўзлари, оқ оралаган жингалак сочлари ва умуман, бутун туриш-турмуши кишида, бу эркақлар кийими»

даги қари хотин, деган аниқ бир таассурот туғдирар эди.

Бу одам қўлларини стол устида ожизона кера-кера ингичка, шикаста овоз билан ўксиниб гапирарди:

— Мен қатори Иттифоққа аъзо бўлганларнинг ҳаммаси фронтда, мен Россия-Осиё банки маҳаллий бўлимнинг бошқарувчиси бўлганим сабабли шаҳардан чиқа олмайман, устига-устак сиҳатим ҳам бунга йўл қўймайди. Бу қочоқлар шаҳардан қирқ чақирим наридаги бўш чорбоғларга йиғилишган, маълум бўлдики, бу чорбоғларни Қизил Крест ярадорлар учун ижарага олган экан, энди жамият чорбоғларни дарҳол бўшатиб беришни талаб қиляпти.

У силлиққина, ҳовлиқмасдан гапирарди, унинг гапга ишқибозлиги шундоққина кўриниб турарди.

— Қочоқларни бу ерга ким юборган ўзи, сира тушуниб бўлмайди. Биласизми, уларнинг бари яҳудийлар, камбағаллар, жонидан тўйган асабий одамлар, қичқирришгани қичқирришган. Болаларининг кўплигини айтмайсизми, совуқдан, очликдан болалар қирилиб кетяпти! Яна аллақандай дурадгорлар ҳам бор, уларни Брест-Литовскка юборишган экан, у ердан ҳайдашибди, пудратчилари бир пақир ҳақ тўламай қочиб қолибди, энди улар ҳам ташвишда, пул, нон талаб қилишяпти, дарахт қирқиб, печь ёқишяпти, қайси бир ибодатхонани бузиб, тахталаридан тобут ясашяпти, қочоқлардан ўлаётганлар кўп! Хуллас, билган номаъқулчиликларини қилишяпти. Латишлар анойи халқ эмас, дурадгорларнинг дарахт қирқиши, ҳовлидаги ибодатхоналарни бузиб-ёриш... латиш тугул, бошқага ҳам ёқмайди! Хуллас, муҳтарам Клим Иванович, бу мушкулни... ўзингиз бир ёқли қилинг! Энг муҳими — дурадгорлар масаласи! Уларнинг бир воситачиси бор, ёқимсиз бир йигит ўзи, лекин бу гапларнинг ҳаммасидан хабардор у. Телефон қилиб қўяман, сизни кутиб олсин у. Фамилияси — Лосев.

Бу шикоятларини айтиб бўлгач, у товарларнинг етишмаслиги, уларнинг нарх-навоси ошиб, сўмнинг қадри тушиб кетгани ҳақида бир қадар дадилроқ оҳангда гапирарди.

— Уруш бошланганида бир сўм олтин ҳисобида 80 тийин турарди, ҳозир эса 62 тийинга тушиб қолди, ҳали ярим сўмга тушиш эҳтимоли ҳам бор. Албатта, «ҳар бир ёмонликнинг яхши томони ҳам бўлади», қадрсиз сўм ҳам яхши таъсир қилишга қодир... лекин ҳар ҳолда, биласизми... Министрлигимизнинг молия сиёсатини... у қадар ақлли

сиёсат деб бўлмайди. Хусусий банкларнинг роли ҳаддан ташқари чеклаб қўйилди.

Сўнгра у овозини тобора пасайтириб, бирдан хитоб қилиб қолди:

— Ҳа, айтгандай, биз кўришган эдик-ку! Ёдингиздами? Қайси бир ҳам вилоятда — Нижнийдами, Самарадами? У вақтда соқол қўярдим, сектантлик қизиқтирарди мени...

— Кормилицин! — хотирлади Клим Самгин ва ўшандаёқ бу одам хотин кишига ўхшаб кўрингани эсига тушди.

— Балли, топдингиз! — молия ходими қувонч билан кулимсираб тасдиқлади. — Лекин бу менинг тахаллусим.

Бу Самгинни севинтирадиган учрашувлардан эмас эди ва умуман, учрашувлардан севинганини у билмас эди. Лекин бундай дамларда шу нарсани у аниқ сезардики, ўз мавқеларини, фикрларини осонликча ўзгартирадиган одамлар билан учрашар экан, бу одамлар унда бахилликка, ранжга ўхшаш бир ҳис уйғотса, бу унинг ўз хатосидир.

Варшавага бораётиб, у вагонда ўтириб мулоҳаза юритди: «Бу ўзига тўғри баҳо бера билмаслик, ўзига ишонмасликдир. Бу фактлар мени довдиратмаслиги керак. Аксинча, мен ўз матонатим билан фахрланишга ҳақлиман».

Бўрон ҳали ҳам забтига олаётган эди, вагонни силтаётган ва издан чиқаргудек бўлиб тебратаётган бўрон деб ўйлаш мумкин эди. Локомотив зўриқиб чинқириб, поездни дала посёлкаси перронига оҳиста тортиб келди. Самгин вагондан чиқиб, қайнаб турган совуқ кўпикка фарқ бўлди, кўзойнагини ўша заҳоти кўпик босгач, у ойнагини қўлига олишга мажбур бўлди.

Баланд бўйли ҳарбий хизматчи бир қўли билан честь бериб, бир қўлида қилич ушлаганча: — Смир-но! — деб бақирди, лекин ўша заҳоти қўрқув ичида:

— Отставить! — деб қичқирди.

Унинг орқасида курак ушлаган ўттизтача солдат турарди, югуриб келган кондуктор буйруқ берди:

— Чиқинг, чиқинглар! Почта вагонининг ёнидагисига! Чаққон, чаққон!

— Бегом-арш!

Солдатлар ғойиб бўлишди, перронда қизил шапкали станция бошлиғи-ю, баҳайбат соқолдор миршаб қолди, багаж вагондан бесўнақай қоплар отилиб ерга тушарди, буларнинг бари бир зумда бўлди, бўрон поездни итарди, вагонларни улаган темирлар шарақлади, рельслар ғижир-

лади. Самгин қўлқоп таққан қўли билан юзини қордан тўсиб бир йигитни қутқарди, унга вақт ҳаддан ташқари имирсилаб ўтаётгандай ва ҳатто имирсиламасдан, балки бир ерда гир-гир айланаётгандек туюлди. Шу топда бу ерда нима қилиши кераклигини ўзи аниқ билмаслигини фаҳмлаб қолди у. Станция бошлиғи унинг ёнига келиб, хириллаган овоз билан сўради:

— Сиз Иттифоқдан қочоқларга келдингизми? Ундай бўлса, марҳамат, улар шу ерда, вокзалнинг шундоққина орқасидаги кул ранг уйда туришади.

— Мени Лосев деган одам кутиб олиши керак эди.

— Локтев бўлса керак. Михаил Иванович Локтев, — деди шанғиллаб станция бошлиғи, қимир этмай турган миршаб катта-катта, аммо эшитилмас қадам босиб Самгиннинг ёнига келди.

— Локтев вақтинча жўнаб кетган. Аनावи кул ранг уйда руслар бор, — деб маълум қилди миршаб ва қор босган қопларга қўли билан ишора қилар экан, сўради:— Бу сизларнинг ёпилган нонларингизми?

— Йўқ. Мени бошлаб борасизми?

— Марҳамат, — рози бўлди миршаб ва тўнғиллади:— Бир минг уч юз одамга тўрт қопгина юборишибди, ўн пуддан ортмайди. Яна арбоб эмишлар... Халойиқ уч кундан бери нонсиз.

Улар вокзални кесиб ўтиб, қалин қор уюмига чиқишди.

«Локтев, — Самгин хуш ёқтирмайдиган ўспирин йигит унинг ёдига тушди. Самгин ҳадеб унга танбеҳ бераверарди. — Миша. Ўзим ҳам мамлакатдаги аҳолининг ярмиси билан таниш бўлсам керак».

Самгиннинг миясига жуда ғалати ва ҳатто алам қиладиган бир фикр келди: ҳамма ерда унинг қаршисидан таниш одамлар чиқиб қолади, гўё унинг қаерга боришини кузатиш учун қасддан қўйиб қўйилгандек. Шамол томдан бир курак қорни миршабнинг бошига сочиб юборди, қор Клим Ивановичнинг гардани устига тушди, ботиклари ичини тўлдирди. Икки қаватли ёғоч уйнинг олди томонидан оқ тутун бурқсиб турарди, у ерда бир нарса увиллар, ғижирларди.

— Бу ерда поляклар билан жуҳудлар яшашади, — деди жаҳл билан миршаб.— Жуҳудлардан биров ўлган. Уввос солиб йиғлашгани йиғлашган, эшитяпсиэми?

Хонада Самгин кириб келган эшикдан бўлак яна икки эшик бўлиб, иккинчи қаватдан бу ергача икки қанотли кенггина зинапоя тушган эди. Ўспиринлар, қизалоқлар ва

Йигитлар худди бир ерлари куйгандай иккала эшикдан отилиб чиқишди, узун, рўдапо кийим, тақа ва ғижим бўлиб кетган бахмас картуз кийган, оппоқ сочлари гажак бўлиб соқоллари устига осилиб тушган ориқ, қотма чоллар, салоп¹ ва мурсак кийган кампирлар уларни итара-итара виқор билан зинапоядан тушиб келишарди, уларнинг бари қўлларини икки ёнга кериб ва ёлвора-ёлвора бир нималар деб тўнғиллашар, қичқиришар, оҳ-воҳ қилишарди. Полякча ва яҳудийча аралаш-қуралаш асабий гаплар орасида Самгиннинг қулоғига русча жумлалар ҳам кириб қолди:

— Болаларни нима қилдик энди?..

— Шўримиз қурияпти.

— Бир бурдагина нон беринг!

— Миша қаёқда қолди, ақалли ўша тушунардикки...

Зинапоядан навқирон бир овоз жаранглаб эшитилди:

— Ҳеч нарсани кўрмаслик учун кўзойнак тақиб олиб-сиз.

Одамлар кўп бошли бир танадай ғуж бўлишиб тобора Самгинга яқинлашиб келишарди, улардан шўр балиқ ва болалар йўргагининг ачимти ҳиди келиб турарди, ҳамма қичқирарди:

— Нега бизни шаҳарга чақиришмайди?

— Биз гуноҳқорми уруш бўлса?

— Бизни талашяпти.

— Бу ерда ҳеч вақо сотиб олиб бўлмаса...

— Биз бечораҳол одамлармиз.

— Бораверинглар, ҳамма нарса бўлади, деб айтишган эди бизга...

— Бизни ҳайдашди...

— Бир ёндан ақлли хайрли ишлар қилишни ўргатасиз, бир ёндан уруш қиласиз, — деб қичқирди бояги навқирон овоз зинапоядан туриб ва аллақадан, уй тўридан одамларнинг боши узра зинапоя сари чўзиқ мотамсаро қўшиқ ўрмалади, бу қўшиқ қишлоқ аёлларининг марҳум бошидаги фарёдини эслатарди.

— Нима бало бўляпти, ўзи бу ерда! — деб гўлдиради Клим Иванович миршабга мурожаат қилиб.

— Жиннихона, — хўмрайиб жавоб берди миршаб ва таъна қилди: — Иттифоқингизда иш ёмон ташкил қилинган.

¹ С а л о п — аёлларнинг XIX аср охирида, XX аср бошларида расм бўлган кенг пальтоси. (Тарж.)

— Эҳ-а, қаёққа йўқолди ахир, бу аҳмоқ Локтев? У мени қарши олиши, аҳволни тушунтириши керак эди.

Миршаб бир оз индамай тургач, сўнгра жуда секингина деди:

— Локтев бож жандарм идорасининг талаби билан Псковга юборилди.

Дод-фарёд овозлар, аламзада хотинларнинг уввос қичқириқлари орасини ёриб, бўғиқ, аммо аниққина йўғон овоз эшитилди:

— Бу аҳмоқона даҳшат касридан еттинчи одам ўляпти...

Башараси тунд ва суякдор, узун чўққи соқолли, жуда найнов бир чол гапираётганди, унинг юмалоқ қора кўзлари порлаб, ингичка бурни дириллаб турарди.

— Илтимос қиламиз: унча-мунча чақаси борларга Орёлга, Украинага жўнашга рухсат этинг. Бу ерда бизни талашяпти, бор буд-шудимиздан айрилдик.

Устига қизил адёл ёпинган бир чол унинг ёнига келиб турди, у бир қўли билан ёқаси тепасида адёлни ушлаганча иккинчи қўли билан уни юқори кўтарди-ю, аммо қўли мажолсиз пастга осилди. Унинг кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган ажиндор юзида дуд босгандек хира кўзлари ғамгин пирпирар, қовоқлари эса куйгандек қизариб кетганди.

Самгин унга қарамасликка ҳаракат қилди-ю, лекин қаради ва чол фавқулодда бир гап айтади, деб кутди, бироқ у бўлиб-бўлиб, оҳиста ва оҳанг-ла яҳудийча сўзлар айтиб ғўлдиради, унинг қизариб кетган кўз-қовоқлари билинар-билинимас учиб турарди. Кўзлари шу тариқа яна бошқа чоллар, кампирлар ҳам бор эди. Ушоққина бир жувон бир қўли билан бошидаги қора тўрни тўзғиб кетган сариқ сочлари устига тортар экан, иккинчи қўлини Самгиннинг башараси рўпарасида силтай-силтай қичқирарди:

— Болаларга бу нима азоб? Қайси гуноҳлари учун?

Чол унинг қўлидан ушлаб, четга силтаб юборди-да, деди:

— Болалар бундай кунларни бошқа кўрмасинлар... Ша!— деб ўшқирди у хотинга, хотин эса қўллари билан юзини тўсиб, чинқириб йиғлаб юборди. Кўплар йиғлади. Зинапоядагилар ҳам йиғлашди, мушт ўқталишди, зинапоянинг ёғоч панжаралари қирсиллади, одамлар қоқилди, зинапояда товонлар ғурсиллади. Самгинга болаларнинг кўзлари ва башаралари айниқса аламзада бўлиб кўринди, уларнинг ҳеч бири, ҳатто кичкиналари ҳам йиғламасди, фақат эмизикли болаларгина йиғларди, холос.

— Нима қилса бўлади?— сўради Самгин. Миршаб унга кўз қирини ташлаб жавоб берди:

— Орёлга жўнатавериш керак, ўшоқда ўзлари нима қилишса, қилишади. Булар ҳали тўқлари, ишқилиб ҳар кунни овқат кўришади бошқа чорбоғларда эса...

— Бечора халқ,— деб гўлдиради Самгин.

— Бари контрабандачи ва жосуслар...

Қий-чув ва йиғи овозлари Самгинни асабийлаштираётганди, ҳид тобора қўлансалашиб нафас олишни қийинлаштираётганди, лекин ҳаммадан ҳам азоб бераётган нарса оёқнинг совуқдан қотаётгани эди, панжалар худди қизиган қисқич сингари қисилган эди.

Самгин буни миршабга айтган эди, миршаб маслаҳат берди:

— Ҳовлига киринг, у ердаги нонвойхонада рус дурадгорлари иссиққина яшашади.

— Меҳмонхоналар йўқми?

— Меҳмонхоналар ярадорларга бўшатиб берилган.

Кенггина нонвойхона ичи ёқимли хамиртуруш ҳидига тўла ва илиққина эди. Қор босган уч квадрат деразадан пастгина шифт остига озгина нур тушиб турарди, ана шу сурма ранг гира-ширада Самгинга нонвойхона ҳам одамлар билан тирбанддек бўлиб туюлди. Лекин нонвойхонадаги одамлар йигирматача бўлиб, уларнинг бешови каттакон иш столи атрофида карта ўйнаб ўтирарди, етти киши картабозларни қуршаб олганди, пастгина печнинг четида сочи алвасти бўлиб кетган икки киши кўринарди, қоронғи бурчақда бириси гармоннинг жўрлигида ингичка овоз билан ҳазин бир қўшиқни хиргойи қиларди. Жингалак сочи барваста бир одам хамир қорадиган ханпа устида узала тушиб, қўлларини боши орқасига қўйиб қўшиққа ҳамоҳанг ҳуштак чаларди. Печнинг мўрисиغا кириб қолган шамол гувиллар ва ҳуштак чаларди. Картабозлар қийқиришарди:

— Меники — хлюст, ҳайф!

— Фаля ва икки фоҳиша!

— Унталик бардадин, касофат...

Бир чол ямаётган кийимини тиззаси устидан улоқтирар экан:— Жим бўлларинг,— деди ва игнани сариқ кўйлаги кўксига санчар экан, хушнудгина саломлашди:

— Хўш кўрдик, Семён Гаврилич!

— Қани энди бутун қиши билан шунақа совуқ бўлиб турса-ю, немислар тарашадек қотиб қўя қолишса,— деб

тўнғиллади миршаб жаҳл билан ва атрофга аланглаб сўради:

— Тахта деворни ҳам ёқиб юбордингларми?

— Йўқ, тобутга яратдик.

— Бировнинг нарсасини йўқ қилганларингиз учун ҳали жавоб берасизлар.

— Бўпти, жавоб берамиз. Бунақа жўн саволга жавоб бериш осон — урушда ҳамма нарсага йўл қўйилади.

— Бу маҳмадона уларнинг оқсоқолидек бир одам,— деди қовоғини солиб миршаб ва соатига қараб қўйиб илова қилди.— Мен вокзалга борай. Зарур бўлиб қолсам, одам юборинг.

Самгин скамейкада ўтириб олиб ботикларини ечишга уринди, ботиклари музлаб ботинкаларига ёпишиб қолгандай эди, оёқ-панжалари санчиб зирқирарди. Сариқ қўйлакли чол унинг ҳаракатини кузатиб, мулойим кулиб турарди. Қирра бурунли, кўзи ўйноқи, кул ранг соқоли текис қайчиланган, ҳамма ёғи силлиққина бу мулойим одам бош бармоқларини қумуш безакли кавказча камарга суқиб, солдатлар каби товонларини жуфтлаб, панжаларини кериб турарди.

Картабозлар ҳам ўйинни тўхтатиб, Самгиннинг имиллашини томоша қила бошлашди, фақат муғанний билан гармоннинг дардли овози ҳамоҳанг нолирди.

Чол ачингандай бўлиб:— Чиқмаяптими?— деб сўради.

Самгин бу саволда масхараомиз бир нарса туйди ва умуман, бу чол унга қалбаки ва хийлакор бўлиб кўринди. Шундай бўлса-да, у илтимос қилишга мажбур бўлди:

— Ёрдам бериб юборолмайсизми?

— Алексей, бу ёққа келиб-кет,— деб чақирди чол. Жингалак сочли йигит ханпа устидан секингина сакраб тушди-да, чўккалаб олиб, Клим Ивановичнинг оёғини шимининг почаси билан қўшиб тортган эди. Самгин ирғишлаб кетди.

— Секинроқ, Алексей, бунақада оёқни узиб оласан,— деди чол боягидек мулойимлик билан ва бу билан Самгиннинг яна ҳам асабини қўзитиб юборди. Ботиклар ечиб олинди. Самгин ўрnidан турди.

— Раҳмат сизга.

— Соғ бўлинг,— деди Алексей йўғон овоз билан; унинг бўйи икки аршину ўн икки вершок бўлиб, кенг елкали, юзидан қон томарди, жингалак сочли бу йигит ўрта аср расмларидаги фаришталарга ўхшарди.

Самгин цемент полда у ёқдан-бу ёққа юрар экан: «Бирам чиройли»,— деди ичи қоралик билан.

— Иттифоқданмисиз?— суриштирди чол.

— Ҳа.

— Бу тўртинчиси,— деди чол ўз одамларига мурожаат қилиб ва ҳатто чап қўлининг тўрт бармоғини кўрсатди.— Михаил Локтевнинг ўрнига юборишдими? Қочоқларнинг ҳолидан хабар олгани дейсизми? Ундай бўлса, мана бизмиз ўша қочоқлар. Ҳатто улардан ҳам ҳолимиз ночор.

У энгилгина ирғишлаб, столнинг бурчагига миниб олди-да, жуда бемалол, бийрон гапира бошлади:

— Шунинг учун ҳолимиз ночорки, яҳудийларни таҳқир қилгандан кўра ҳам баттармиз, поляклар асирдек бир гап, биз руслар эса, давлат фуқаросимиз.

Самгин унинг ёнида у ёқдан-бу ёққа юрар, оёқларини иситмоқ учун товонларига қадалиб, панжаларини полга таптап урар ва совуқ бутун аъзойи баданига таралаётганини сезаётганди. Чол ҳикоя қиларди: улар Польшада Қизил Крест учун ишлашган, бараклар қуришган, пудратчилари ўғирлик қилиб, қочиб кетган, кунига уларни шундан кейин бир ярим сўмдан кунбай ишлашга кўндиришган экан.

— Арзонга ишляпмиз, овқат ўзимиздан. Нима илож,— олдини олиб, ахир уруш бўляпти, ҳойнаҳой, сизларнинг ҳам ака-укаларинг урушдадир, пастлик қилманглар, дейишади. Майли, шунча кетганинг бири-да.

Қалин калта пахталик ва тиззасигача чиққан кул ранг пийма кийган, юзи чўзиқ ва суякдор, рангпар, малла соқолли, кўзлари катта, тепакал, бўйи ундан кўра тикроқ бошқа бир одам арз-ҳолини айтаётган кишининг ёнига бориб турди. Батартиб чол рақамлар келтириб, ҳафсала билан гапирарди:

— Қирқ уч кунимиз 1225 сўм бўлади, овқатимизга 305 сўм сарфлашди. Яна буйруқ беришдики, Либавага жўнанглар деб, ҳақингизни ўша ерда оласиз, иш ҳам беришади, дейишди. Либавада эса аҳтиётини қилиб бизнинг пул ҳужжатларимизни қўлимиздан олиб қўйишди, бизни қочоқ ҳисоблаб бу ерга жўнатишди.

— Яхши қилишмади, жаноблари,— деди бўғиқ йўғон овоз билан тепакал чол, қўлларини чалиштириб, кенг кафтларини кифтларига қўйиб,— унинг йўғон овози турлича акси садо берди; биров тўнғиллади:

— Меҳнаткашларни ҳам асирлар каби хўрлашади...

— Халққа раҳм-шафқат қилишмайди.

Бировнинг чийиллаган овози эшитилди:

— Халқ бамисоли бир картошка!

— Эй,— деб бақирди кал, ўнг қўлини силтаб.— Ишдан гапиришаётганда, жим туринглар. Гармоннинг ҳам овози ўчсин.

Лекин унинг гапига қулоқ солишмади, стол атрофида ўтирган дурадгорлар орасида бирдан баҳс қизиб кетди, чийилдоқ овоз зўр бериб таъкидларди:

— Халқ картошкадек бир нарса, ҳамма уни ейди: боён ҳам, қуён ҳам.

— Қуён емайди, қурт ейди.

— Гапирасан-да! Қуён ҳам кемиради.

— Қўнғиз ҳам.

— Ҳаммадан кўпроқ халқ ўзини-ўзи ейди.

Батартиб чол артелнинг бошига тушган кўргиликлар ҳақида гапирар экан, бу орада Клиим Иванович мулоҳаза юритдики, ахир у совуқнинг аламига ва ҳар қандай ноқулайликларга бу одамларни деб чидаётгани йўқ ва кучли душманга қарши курашда ватанга ёрдам беришни ўз зиммасига уларни деб олгани йўқ. Чолнинг маънодор ҳикоясида, унинг очиқдан-очиқ сохта меҳрибончилигида у аччиқ бир киноя туйди ва «чамаси» ҳамда «эҳтиёткорона» сўзларининг тез-тез такрорланишини народникларнинг қадимги ҳикояларидан олинган калималар сингари чайналган бир нарса деб баҳолади. Мана энди бу одамлар алланечук аҳмоқона баҳс бошлашдики, бу баҳс Глеб Успенскийнинг очеркларидаги диалогларни эслатарди.

«Шубҳали чол...»

Самгиннинг оёқлари илиди, нонвойхона рутубатли иссиқ бўлгани учун у пальтосининг тугмаларини ечиб юборди. Самгин скамейкада ўтириб олиб жиддият билан сўради:

— Бу ерда нима қияпсизлар? Нега бирон ерга бориб ишламайсизлар?

Унинг саволлари мубоҳасани дарҳол кесиб қўйди, бу орадаги жимликда фақат биргина кишининг аниқ ва истеҳзоли пастгина овози эшитилди:

— Ахири сўраш эсига келди...

— Ундай бўлса, ижозатингиз билан, мен гапириб бера қолай, жаноблари,— деб гап бошлади батартиб чол, от минган одамдай, столда ирғишлаб.— Ҳар куни тамадди қилишга одатланганимиздан ейишга бирор нарса бўлса деймиз. Уч ерда ибодатхонани, ҳар хил омборхоналарни

бузиб, ўтин қилдик. Баъзи дарахтларни ҳам кесдик. Бу ишимиз, миршаб айтганларидай, ғайри қонуний, албатта. Бироқ нима қилайлик, бу ерда бола кўп, совуққа чидаш-маяпти улар, баъзилари ўляпти ҳам, биз тобут ясаб ул-гурмаяпмиз. Тирикчилигимиз шундай ўтяпти. Бундан уч кун аввал бир поляк хотин туғолмай ўлди, бугун эрталаб бир чол оламдан ўтди... Начора, шу алфозда яшаяпмиз.

Чол истеҳзосини ортиқ яширмай гапираётганди, Самгин эса габадан юзи қизариб ловиллаётганини сезаётганди. У папирос ёндирди ва чолнинг гапларини эшитар экан, бу гапдонга жиддийгина жавоб қилишга қулай фурсатни пойлаётганди. Чол эса нафасини ростлаб гапини давом эттираверди:

— Бу ерда қолишимизнинг сабаби шуки, жаноблари, бизни қочоқ деганлари учун ҳеч ёққа кетолмаймиз. Кетишимиз мумкин эди, албатта, лекин бунинг учун ишлаган пулимизни олишимиз керак аввал. Бу ерга бизни текинга олиб келишган. Ригадан бу ёғига эса махфий савдо бошланади. Бизни вагонга босиб, Орёлга қадар етказиб қўйишлари учун биздан эллик сўм талаб қилишади. Бу чакана пул эмас, йўқ одамга беш тийин ҳам катта пул.

— Бундай бўлиши мумкин эмас,— деди жиддий билан Самгин.— Қочоқлардан пул олишмайди.

— Сиздан олдинги Миша ҳам шунақа дерди, у ҳатто бу келишмовчилик хусусида тортишди ҳам, шундан кейин миршабхона уни гумдон қилди-қўйди, ҳатто ертўлага тикиб қўйди шекилли; бизни эса сўроққа тутишди: сизни галаёнга бошлаган Михаил Локтевми деб. Мана, кўряпсизми, қанчалик эҳтиёткорона иш кўришларини...

— Балки сизларга... бирон бемаъни гап айтгандир.

— Бундай бўлганини пайқаганимиз йўқ,— жавоб берди чол.

Лекин норғул ва чиройли Алексей мазамматли бир оҳангда деди:

— У дегандики, уруш бутун халқнинг ақлсизлигини кўрсатади, германлар ҳам аҳмоқлар...

— Бу гап тушингга кирган бўлса керак, Алёша,— деди мулойимлик билан чол.— Ҳеч ким унинг оғзидан бунақа гап эшитган эмас.

Сўнгра у кулимсираб, кўзларини ажинлари орасига яширар экан, Самгинга мурожаат қилди:— Бу йигит ўзи тўқияпти бу гапни. Миша нафсиламр ишчан одам! Хуллас, биз Қизил Крест жамиятига шикоят ёзиб, саккиз юз

сўмдан ортиқроқ пулимизни даъво қилдик. Жамият ҳужжатлар талаб қилмоқда. Биз рози бўлдик, Миша бўлса, йўқ, фақат ҳужжатларнинг нусхасини бериш мумкин, деди... Ҳукуматнинг ҳийласини жуда яхши тушунади у...

Унинг овози ўткиргина бўлса-да, тепакал чолнинг серзарда йўғон овозини боса олмади:

— Сен аҳмоқ жим тур, катталарнинг гапига аралашма. Уруш ақлсизлик эмас. Бешинчи йилда уруш халқни қандай элак-элак қилди ахир. Қараб тур, энди ҳам шунақа бўлади... Уруш даҳшатли нарса...

Клим Иванович Самгин, буларнинг барига чек қўйиш керак, деган фикрга келди.

— Уруш — тарихан муқаррар бир ҳодиса,— деб гап бошлади у қатъий йўсинда, кўзойнагини олиб ва рўмолча билан унинг ойналарини артар экан.— Уруш халқнинг сон ва сифат жиҳатдан ўсишидан далолат беради. Урушнинг асоси рақобатдир. Сизларнинг ҳар бирингиз ҳозиргидан кўра яхшироқ яшашни истайсиз, ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ҳам шундай...

— Халқ бамисоли бир картошка,— деди чийиллаган овоз.

Бу одамларга улар англай оладиган ҳақиқатни қабул қилдириш учун бир-икки калиманинг ўзи кифоя эканлигига ишонган Самгин гапини давом эттирди:— Баъзан шундай бўладики, одам ўзини бошқалардан кўра ақллироқ деб ҳисоблаб алданади. Бахтга қарши немислар шундай одамлар тоифасиданки, улар ўзларини дунёдаги одамларнинг сарасимиз, деб ишонадилар, биз, славянлар эса пачава халқ ва уларга тобе бўлишимиз керак эмиш. Уларнинг ёзувчилари, подшоси, газеталари қирқ йил давомида бу янглиш фикрни немисларнинг миясига қўйиб келди.

— Биз газета ўқиб турамиз,— гап қистирди батартиб чол.— Албатта, газеталар эҳтиёткорона ёзадики...

Бу сафар чол салмоқланиб, гўё ҳорғин ёки истар-истамас гапирарди. Унинг гаплари орасидан Самгин бошқа бир кишининг фикрини пайқаб қолди:

— Йўқ, бу кўзойнакли Локтевдан кўра зийрак...

— Сиз «эҳтиёткорона» ва «чамаси» сўзларини бекорга ишлатяпсиз,— деди асабийлашган Клим Иванович Самгин.— Бу сўзларнинг маъносини сиз у қадар тушунмайсиз.

— Гап сўзда эканми?— чуқур нафас олиб эътироз қилди чол.— Сўзни қандоқ айтганимда ҳам у барибир

сўз. Ҳамонки биз, жаноблари, ишимиздан четга чиқиб кетдик ва эртага қадар ҳали вақтимиз кўп экан...

— Нега эртага қадар дейсиз?— ташвишланиб суриштирди Самгин.

Чол Ригага фақат битта поезд борлиги, у ҳам эрталаб жўнашлигини айтди унга. Бу билан у Самгиннинг оғзига ургандай бўлди, унинг панд-насиҳат қилиш истагини сўндирди, бир қатор муҳим саволлар қўзгади:

— Ҳай, қаерда еб-ичиб, қаерда ётаман?

— Ётиш учун кўп жой керак эмас,— деди тасалли бериб чол.— Агар ирганмасангиз, чой билан меҳмон қилишимиз мумкин. Олеша, Фома,— қичқирди у,— қани, бир самовар қўйиб юборларинг-чи, вақт бўлди!

У Самгинни печкага қисгудек бўлиб, унинг рўпарасида турганча, гапира-гапира унда нафрат ва шубҳа уйғотарди:

— Лулилардек дарбадармиз, бор бисотимиз яҳудийлардан ундирган иккита самовару унча-мунча лаш-луш... Қочоқларнинг кўзига кўринмайди бу нарсалар, фақат боши омон қолса бас...

Клим Ивановичнинг орқасида ёниб турган печнинг иссиғи унга хуш ёқиб, элитиб, уни мудроқ босаётганда, Самгин бу одамлар орасида қолишга рози бўлгандай бўлиб қолди, алланечук ўткинчи, қалтис фикрлар миясига келди. Вокзалда биронта хизматчининг уйида тунаш мумкин эди-ку, аммо бўронда тизза қадар қор кечиб боришга тоби йўқ эди.

«Турли машаққатларни бошдан кечиришни устимга олиб қўйганман», ўйлади у, ичида кулимсираб. Устига-устак Осип уни қизиқтириб қўйганди, унда мулоим чолнинг обрўйини тўкиш истагини уйғотаётганди.

«Бундай ҳийлакоргина, чаласавод бир одамнинг ҳаётга нима нафи тегиши мумкин? У артелнинг обрўли одами, у ҳам ўзига хос «изоҳчи жаноб». Бошқаларга уй қуради,— ажабо: ўзининг бошпанаси бормикан? Умуман, «изоҳчи жаноблар», «ҳаёт мураббийлари» сифатида бошқалар учун яшайдилар. Албатта, бу ҳамиша ҳам текин-хўрлик эмас-ку, лекин ҳамиша қайси бир ҳам Исо учун, жумлалар силсиласи учун зўрликдир».

Нонвойхонада жонланиш бошланди, жингалак сочли Алеша ва қирра бурунли қотма ўспирин Фома дераза олдидаги ертўлада самовар қўйишар, печдан кўмир олишар, бурчакда сирли кружкалар тарақ-туруқ қилар, калбош

чол думалоқ булка нонни бир хил катта-кичикликда кесар, столни артишар, скамейкаларни у ёқдан-бу ёққа суришар, асфальт полда яланг оёқлар шапилларди, пушти кўйлак кийган, белига камар боғламаган, усти бошлари бир хилда тўзиган икки киши печь устидан тушиб, барабар ва гўё бир хилда ҳаракат билан этик, калта пўстин кийишиб, эшик томон йўл олишди. Буларнинг бари махорка тутуни билан тўлган кўкимтир ғира-ширада юз бераётганди, ғира-шира қуюқлашиб борар, печнинг мўриси ичида жавлон ураётган шамолнинг гувиллаши, увиллаши ва чинқириғи тобора аниқроқ эшитилаётганди.

Самгин одамларнинг тўс-тўполон билан елиб-югуришини кузатар экан, улар учун мактаблар, черковлар, касалхоналар мавжудлиги, муаллимлар, руҳонийлар, врачлар ишлашлиги тўғрисида ўйлади. Хўш, бу одамлар яхшилик томон ўзгариб боряптиларми? Йўқ. Улар йигирма, ўттиз йил бундан муқаддам қандоқ бўлсалар ўшандоқлар. Нонвойхонанинг бутун бир бурчагида шифтгача дурадгорларнинг асбоблари қўйилган сандиқчалар қалашиб кетганди. Улар учун болталар, арралар, рандалар, исканалар ясалади. Аравалар, қишлоқ хўжалик машиналари, идиш-товоқлар, кийим-кечак ҳам улар учун. Ойналар қайнатилади. Қолаверса, урушлардан ҳам мақсад бу одамларга ер ва иш топиб бермоқдир.

«Бу фикр, албатта, ҳам соддадиллик деб, ҳам куфр деб эътироф қилинади. У бутун либерал ва социалистик қонунларга қарши фикрдир. Лекин бу фикр эиёлиларнинг дастуриламали бўлиши ҳам тамомила мумкин. Кишилик жамиятининг иерархия тузуми биологияга асосланади. Ҳатто қуртлар ҳам бир хил эмас...»

У истар-истамас, ғайри шуурий равишда ғира-шира ўйларди.

Рутубатли ва ғира-шира диққинафасликда, махорканинг аччиқ тутунидан ташқари, пистакўмирнинг ҳам исни келиб турарди. Самгин ўзини меҳмонхонада тасаввур этишига, дурадгорларнинг ғовур-ғувурини эшитишига бу фикрлар моне бўлмаётган эди.

Калбош чол йўғон, зардали овоз билан ғўнғиллади:

— Осип, сен орқа-ўнгингга қарамай валдираяпсан! У эса тўғри айтяпти: уруш — муқаррар бир ҳодиса, у худонинг иродаси.

— Бу ерда ҳеч ким худони тилга олгани йўқ, — деб эътироз қилди батартиб чол.

— Уйлаган нарсамизни гапирмасак гапирмабмиз-да. Сен ҳам ҳар қандай тўғри гапни айтавермайсан-ку, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига. Халқ...

— Картошка — халқ! — кўзи бойқушникига ўхшаш, қип-қизил кулча юзини тикандек сариқ жун босган ўрта ёшли бир кишининг чийиллаган овози эшитилди.

— Э, ажина чалсин сени! Бир сўзни чайнайверасанми. Жиннидан фарқинг қолмабди! Семён! — ғазаб билан бақирди калбош чол.

— Тўхта, Григорий Иванович, — илтимос қилди Осип.

— Нега тўхтайман? Сен бир эшит: оллоҳ яҳудийларга нима деган? Душманни етти пуштигача қир, деган, билдингми?! Демак, бу битта қўймай ҳаммасини қир, дегани. Халқларни роса қиришди. Бу халқлар тўғрисида тавротда ёзилганки, — ер юзида...

— Нима бўлганида ҳам, Григорий, биз картошкамиз! Нима қилсанг, қилавер бизни...

— Лекин бешинчи йилда халқ...

— Отларнинг думини қирқди.

— Э, нимасини айтасан, Семён! Ҳазилакам исён бўлгани йўқ...

— Сен ҳам исёнга қўшилдингми?

— Менми? Йўқ, мен унда...

— Нега қўшилмадинг?

— Қўшилмаган бўлсам, сабаби бўлган-да...

— Сен сабабни рўкач қилма, очиқ айт: нега исён қилмадинг?

— Сабр қил, айтиб берай!

— Э, картошкамижоз!

Дераза олдидаги ертўлада, шундоққина Самгиннинг оёғи остида Алексей билан Фома оҳиста суҳбатлашишарди.

— Миша бўлганида эди, тушунтириб берарди...

Стол атрофида ўтирганлар ҳануз қичқиришарди:

— Исён кўтариш бешинчи йилга қадар ҳам расм эди. Бадавлат мужиклар ҳукмдорлардан қаттиқ ғазабланишарди.

— Ўзлари ҳукмдор бўлишнинг пайида эди улар.

— Давлатмандлар тўғрисидаги бу гапни сизларга Миша уқтирган.

— Хўш, нотўғрими?

— Йўқ, Миша тўғри айтган, — гапга аралашди Осип, сочиқ билан ҳаво ранг сирли кружкани артар экан.

— Узи мўмин, лекин ақли ўткир йигит эди...

— Шундай. Бир куни унинг гапини эшитиб, ўйладим: «Сен шайтоннинг ёшинг нари борса йигирмададир, мен бўлсам қирқ бешдаман!» деб.

— Билимдонлигини айтмайсанми!

— Билимдонликка билимдон. Унинг ҳар балога ақли этади, сен билан биз бўлсак, ўз тақдиримиз тўғрисида ўйлашга ҳам ожизмиз...

— Орқада қоляпмиз...

Дурадгорлар стол атрофига ўтиришди, соқолдор био неча киши Новгород станцияси ресторанида дераза ойналари ташқарисида кўргани соқолдор, турқи совуқ, жанжалкаш кишиларни Самгиннинг эсига солди.

«Шундоққина менинг ҳузуримда, гўё мени кўрмаётгандай, бирам дадил гапиришади-я. Мен бўлсам ҳарбий кийимдаман...»

Осип унинг ёнига келиб, хушмуомалалик билан илтимос қилди.

— Дастурхонга марҳамат қилсинлар...

У ҳатто отнинг жиловини тутгандай, қўлини ҳавода ўйнатди. Самгин унинг мухтасар овози, мулоим гапларидагидек келишган қадди-қоматининг, чаққон қўлларининг ҳаракатларида ҳам ялтоқлик туйди, лекин шунга қарамай, у нимаси биландир қўпол ва чўрткесар Ловцовни ва умуман, дадил фикрли кишиларни хотирлатди.

Осип Самгиннинг олдига кружкада чой, икки чақмоқ қанд ва бир бурда нон қўяр экан:— Енг, ош бўлсин,— деди.— Биз ишда тўрт маҳал ейишга одатланганмиз: эрталаб, тушда, бу эса бир нав тушдан кейинги тамадди, соат етти билан саккиз орасида эса — кечки овқатни еймиз.

Стол устида буғ таратиб икки самовар турарди, ҳар қайси самовар ёнида стеарин шамлар милтиллаб ёниб, кўкимтир гира-ширани аранг ёритарди.

Калбош Григорий Иванович, нон билан сув масаласида ўзини билармон кўрсатмоқчи бўлиб, нон ачиган, сув эса шўр, деб вайсарди, столнинг нариги бошида ўтирган сариқмашак Семён шовқин солиб, ёнида ўтирган, ўнг кўзига оқ тушган, кенг елкали мужикка бақира-бақира исботларди:

— Чипта кавушда жаннатга етолмайсан, йўқ, етолмайсан!

— Бир масала мени жуда қизиқтиради, жаноблари,

сиз нима деб ўйлайсиз — инсон дунёда ким — меҳмонми ёки хўжайинми? — тўсатдан шангиллаб сўраб қолди Осип. Бу савол дарҳол дурадгорлар суҳбатининг белига тепди, аксар дурадгорлар кўзлари тўрт бўлиб унга термилиб турганликларини пайқаган Самгин бу савол уларга таниш, уларни қизиқтиришлигини англади. У чой кружкасини қафтлари орасига олиб деди:

— Инсоннинг умри шу қадар қисқаки, уни бу дунёда меҳмон деса бўлади.

— Нима бўлди? — севинчи ичига сигмай бақирди калбош Григорий. — Айтмадимми, шундоқ деб...

Осип қўлини ҳавода силлиқ ўйнатиб, қувноқ овоз билан деди: — Тўхта, сабр қил! Яхши, борди-ю, инсонни қисқа умр кўради, десак, унда қандоқ? У ким бўлади унда? Мана, баъзи кишилар тўғри айтишади, инсон ер юзининг соҳиби, деб...

— Улар қабристонга боргунча меҳмондирлар, — гап қистирди Григорий ва Самгинга юз ўгирди. — У, жаноблари, исённи оқлашга шама қияпти, билдингизми! Кўр-япсизми уни, кофир десаммикан, бузуқ десаммикан уни. Оллоҳнинг буюрганича эмас, ўзича фикр юритади. Уртага совуқчилик соладиган одам кўринади... Бизга яқинда кўшилди, икки ойча бўлди, холос, келганига.

— Бас, жавобини эшитайлик, Григорий Иванович! — мулойимгина илтимос қилди Осип. — Хўш, инсон ўзининг қисқа умрида ким бўлади?

Самгин ўша заҳоти жавоб бермади, ниҳоят: — ўз куч-қувватининг эгаси бўлади, — деди ва бу жавоб файласуфни жуда довдиратиб, калбошни эса хурсанд қилиб юборди, деб мамнуният билан қаноат ҳосил қилди ўзи.

— Ана, кўрдингми? — деб бақириб юборди калбош ва бармоғи билан Осипга ишора қилиб қаҳ-қаҳлаб кулди. — Тушундингми? Ҳар ким ўзига-ўзи хўжайин, унинг тепа-сида подшо билан худо бор. Билиб қўй!

Ҳамма жим эди, Осип скамейкадан турмоқчи бўлгандай қимирлади-ю, аммо тура олмади.

— Демак шундоқ, — деди секингина у. — Кимки ўз кучини кўрсата билса, кимки илми бўлса, у хўжайин, қолган ҳамма — меҳмон.

Лекин ўша ондаёқ унинг овози жаранглаб, қатъият билан янгради:

— Бундан чиқди, мен меҳмонман. Ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз, оғайнилар. Яхши. Хўш, ундай бўлса, биз қанақа

меҳмон бўляпмиз? Ахир меҳмон тиланчи эмас-ку, тўғри-ми? Еки биз тиланчилармизми? Асло ундоқ эмас! Чунтагимизда бир миримиз бўлса, ўзимиз тиланчига садақа қилардик. Биз — ишчилармиз, иш кучимиз... Мана, бизни уруш билан меҳмон қилишяпти...

Илм ҳақида гап Самгинга тегиб кетди.

— Илм олимларни бойитади, деган гап нотўғри: пудратчилар профессорлардан кўра тўкис яшашади, чаласавод деҳқонлар ичидан бадавлат фабрика эгалари чиқади ва ҳоказо. Ҳаётда омад келиши қобилиятга боғлиқ.

Осип ҳарсиллаб нафас олиб деди:

— Ҳар эҳтиётдан айтиб қўяйки, сиз билан баҳслашишга биз арзимаймиз, албатта. Биз ўқимаган одамлармиз, нимаики тўғри бўлса,— ўз калламиздан чиққан...

— Нима деб гўлдираяпсан — биз, биз деб? — дагдага билан бақирди Григорий Иванович. — Ким бу фикрингга қўшилади? Қани у?

— Мен,— деб жавоб берди столнинг нариги бошида ўтирган паст бўйли, киши, у бошқалар кўрсин учун ўрнидан турди; олисдан Самгинга у ўспирин бола бўлиб кўринди, лекин унинг қулоқларидан бағбақасигача тушган тик ва сийрак соқоли даҳани учида қалинлашиб, ғираширада у ҳам кўкимтир кўринарди.

— Мана, мен тўранинг ҳузурларида айтаман: сенинг фикрингга эмас, Осипнинг фикрига қўшиламан. Миршаб билан оғиз-бурун ўпишиб, Мишага бўҳтон қилганинг учун сендан яхшилик чиқмайди, дейман... Эҳ, иблис чол!

Сариқмашак Семён самовар орқасидан бошини чиқариб чигиллади:

— Мен ҳам сенга айтаман, заҳарли илон...

Яна икки-уч киши тўнғиллади, биров кескин қилиб деди:

— Григорий, сени ким оқсоқол қилиб сайлабдики, буйруқ берасан бизга...

— Осип Ковалев сендан кўра саводли ва миришкорроқ.

Новча, калбош чол столнинг устига эгилиб, кружкани икки қўллаб чангаллади ва чўққи соқолли бошини ўнгга, чапга сарак-сарак қилиб, суякни қизғанаётган кўппакка ўхшаб, англашилмас бир тарзда жаҳл билан ириллади.

Ковалев ўрнидан туриб, дирижёрга ўхшаб қўлини кўтарди-да, шангиллаб гапирди:

— Тўхтанглар, оғайнилар! Ростини айтаман: сизларга бошлиқ бўлмоқчи эмасман, менга бунинг кераги йўқ, менинг йўлим бошқа... Бекорчи гапларни йиғиштирайлик. Ишни қўлга олайлик.

У ёнида ўтирган Самгиндан салгина ўзини тортди-да, унга таъзим қилиб назокат билан илтижо этди:

— Жаноблари, «Қизил Крест»дан пул олишимизга ва бу ердан қутулиб кетишимизга ёрдам қилинг...

Стол атрофидаги кишиларнинг ҳаммаси сиқилишиб ўтиришди, баъзилари ўринларидан туришиб, илтижо билан жанобга тикилишди. Клим Иванович Самгин ишонч билан ва амирона бир тарзда эртага мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришлигини, ҳозир эса дам олмоқчи эканини, кечаси ёмон ухлагани учун боши оғриётганини айтди.

— Бу ерда ис бор. Хона ҳам димиқиб кетди.

— Қани, йигитлар, ишга киришинглар!— таклиф қилди Осип Ковалев.

Орадан беш минутдан кейин Самгин бир бурчакда чўзилиб ётарди, хамир қорадиган ханпани шу ерга суриб, унинг қопқоғи устига калта пўстинларни ёзишди, эски-тускиларни тоза сочиққа ўраб ёстиқ қилиб беришди.

Клим Иванович бу одамлардан, уларнинг икир-чикирларидан ва билар-билмас баҳслашувларидан узоқлашганидан мамнун эди.

«Кўпчиликнинг ҳаётини ваъдалар туғдирадиган умидлар идора қилади. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва бир замонлар бориб бошқача бўлишлигини тасаввур қилиш қийин»,— деб ўйлади у.

Самгиннинг таги қаттиқ эди, ханпанинг қопқоғи ги-жирларди, унинг бир бурчаги нимагадир секингина урилиб овоз чиқарди.

Самгин ўзига ачиниб кетди, кимдандир хафа бўлиб: «Не-не кунларни кўряпман»,—деб ўйлади ва айни замонда бу қийинчиликларни бошидан кечираётганидан оз-моз фахрланиб ҳам қўйди, бу фахрланиш ватанга хизмат қила бошлаган дастлабки кунларидан муваффақиятсизликлар ҳиссини бирмунча юмшатаётган эди.

Нонвойхонада говур-ғувур дам пасайиб, дам кўтарилиб турарди, дурадгорларнинг бир қисми ерда ётишга ҳозирлик кўрарди, Григорий Иванович печь устига чиқиб олди, дераза олдидаги ертўлада самовар қўйиқлик эди, бир неча киши стол атрофида ўтириб, юракни эзадиган овозга қулоқ соларди.

— Якдил бўлиш керак, картошка эса ерда кўмилганидагина якдил бўлади. Қишлоғимизда олтмиш уч хонадон бор, шулардан фақат тўкис яшайдигани қорни мешдай, дасти дароз, ақли расо Евсей Петров Кожиндир. Яна уч киши бор, улар ҳар қалай Кожиннинг хизматкоридек гап, ундерлар полковникка хизматкор бўлгани каби. Кузда ни-ма бўлишлигини, ҳаётнинг қай маромда боришини, нарх-навонинг қандай бўлишини Евсей баҳордаёқ билади. Ундан уруглик сўрасанг, йўқ демайди.

— Бу хил ҳийла-найранглар маълум бизга.

— Ҳамма гап шунда. Менинг амакимнинг ёши саксон еттида, у дейдики, крепостной ҳуқуқ замонида мужик барин орқасида нозандек кун кўрарди...

— Чолларнинг кўпи шунақа дейишади...

— Мана, кўрдингми, Осип, якдиллик қаяқдан пайдо бўлишини?

Самгин бу фойдасиз гапга қулоқ солиб: «Ақлли мужик», деб маъқул кўрди.

Бир шам ёниб бўлди, бошқаси эса сариқ дурадгорнинг мисдан қўйилгандек бошини, уни эшитиб ўтирган кишиларнинг сўррайган башараларини ва кумуш соқолли Осипнинг кичкинагина башарасини ёритиб турарди, шамнинг шуъласида бошқалардан кўра равшанроқ кўринаётган бу башара самоварнинг орқасидан боқиб турарди, Осип чой ҳўплаб-ҳўплаб, нон кавшаб қимирлаб ўтирарди, қолган ҳамма қимир этмасди. Самгин бир неча сония Осипга боқар экан, кўзларини юмди, аммо Осипнинг секингина дона-дона қилиб айтган гапи унинг уйқусини ўчириб, уйғотиб юборди.

Самгин чарчаганлигига қарамай уйқуси келмаётганди. Нонвойхона ичи ачиган хамир, қўй териси, ичакнинг ачимти ҳидига тўлиб кетганди. Кимдир уйқусида босинқираб валдирар, кимдир худди бировни масхара қилаётган одамдек унга қўшилиб хуриллаб, ҳуштак чалиб хуррак отарди, ухламаётган дурадгорлар эса шивирлашиб суҳбатлашишарди, чалкаш-чулкаш сўзлар Самгиннинг қулоғига чалиниб қоларди:

— Қонун... Ўлжа... Алвасти йиртқиш— ҳайвон эмас.

Осипнинг шанғиллаган овози эшитилди:

— Бировга ер зарур, бошқа биров эса унга муҳтож...

— Оёғингдан ушлаб, қўйиб юбормайди.

— Ҳа, айтганингдай...

Самгинни бир нарса чақди, буни бит гумон қилди у.

«Бу дурадгорлару яҳудийлар билан менинг нима ишим бор? Вақтим билан кучимни нега сарф этишим керак? Халққа хизмат қилиш! Большевиклар!»

Шовқиндан Самгиннинг калласи шишиб кетди, тилида турш маза темир чанги ҳис этди.

— Мен мункиллаб қолган чол эмасман, бор-йўғи элик бир ёшдаман, сочларимни оқартган нарса йиллар эмас, тирикчилик.

«Сенинг ҳаётинг бу йилларни четлаб ўтмаган-ку?»— деб фикран унга эътироз қилди Самгин.

— Отам темирчи эди, ўлгудай қайсар ва шўртумшуқ одам эди, жамиятнинг ҳукми билан уни Сибирга бадарга қилишганди, ўша вақтда шунақа қоида бор эди: мужик жамоат билан чиқишмадими, зарарли унсур деб уни Сибирга жўнатишарди. Шу нарса сабаб бўлиб отам Сибирда бир умр одамгарчиликдан чиқиб кетди. Уни бадарга қилишганида кап-катта бўлиб қолгандим, земство мактабини тугатдим. Холам мени ўз қарамоғига олиб, кемага солиб Арзамасдаги монастирга олиб борди, у ерда холамнинг бир роҳиба дугонаси бор эди. Монастирдан бир амаллаб қочдим, илондек ўрмалаб Нижнийга келдим, бу ерда Асаф Андреич деган бир дурадгорнинг қўлига тушдим,— жуда доно чол эди, устаси фаранг эди, аммо ёмон ичарди. Ун етти ёшга киргунимга қадар мени шундай дўппослаб урардики, ҳатто бир куни ўзимни сувга чўктирмоқчи бўлдим, аммо сувдан олиб чиқиб, минг бало билан ўзимга келтиришди. У бир ёқдан калтаклар, бир ёқдан кўнглимни кўтарар эди: «Сени ёмон ниятда урмайман, ибрат бўлсин деб ураман, дерди. Гапнинг рости шуки, Оська, сенга таълим бериш учун аламдан бўлақ восита йўқ, аслида эса бир восита бўлиши керак, буни ўзинг топ»,— дерди у. Мен у вақтда тентак эдим, анча вақтгача эсим кирмади, ишлардим, ароқ ичардим, қизлар билан санғиб бекор вақт ўтказардим, ҳеч нарсани ўйламасдим.

Нонвойхона ичи тобора сокинлашиб қолди, печнинг устида биров хуррак отарди, бу мўри ичидаги шамолнинг бўғиқ гувиллашига жўр бўлаётгандек эди. Стол атрофидаги етти киши яна ҳам сиқилишиб ўтиришди, иккитаси бошини стол устига қўйди, қорни мешдай самовар уларнинг боши узра кулгили бир тарзда виқор билан қаққайиб турарди. Папироснинг учи милтиллаб ёниб, Алексейнинг чиройли чеҳрасини, Семённинг миссимон ёноқларини, яна

кимнингдир қушникига ўхшаш узун бурнини ёритиб турарди.

— Мен Парижда ўйлай бошладим, бизлардан саксон етти кишини у ерга жаҳон виставкасига юборишган эди, виставканинг рус бўлимини қуришга. Тўрт киши у ерда турли касалларга йўлиқиб, алалхусус, ичкиликдан ҳатто ўлди ҳам. Беш киши доимий яшагани ўша ерда қолди. Париж, оғайнилар, нафсиламр жуда гўзал шаҳар, бизнинг бутун шаҳарларимиз, ҳатто Петербург ҳам ҳеч гап эмас. Аввало у қувноқ шаҳар, ҳатто у ернинг ишчилари ҳам қувноқ. Бунақа шаҳар дунёда кам, гўзалликда ва катталикда ер юзида биринчи бўлса керак. У ерда Жан фамилияли бир рус тез-тез олдимизга келиб, Россиядаги аҳволни суриштириб турарди. У вақтларда мен ҳатто павильюн сўзини тўғри айтолмас эдим, мудом поливьён дердим. Ҳа, айтмоқчи, Жандан гапираётгандим. У ҳам, менинг отамга ўхшаб улуғларнинг ҳукми билан Россиядан бадарга қилинган эди. У ҳаётни беш бармоғидек биларди!

Клим Иванович Самгин жилмайиб қўйди.

— Кейинчалик бундай одамларга ўзимизнинг Русда ҳам дуч келдим, уларни таниб олиш осон: улар ўзлари хусусида сира гапиришмайди, фақат ишчи аҳлининг тақдири тўғрисида гапиришади, холос.

— Шундайлари ҳам борки, картошкани нондан ортиқ кўришади...

— Уларнинг фикри шундайки, жаҳон халқлари, деҳқонлар билан ишчилар бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олсинлар. Ҳамма кишилар: французлар, немислар, финлар...

— Бу гўдаклар уйдирмаси...

— Сабр қил, Семён Павлич.

— Э, нега сабр қилар эканман? Ҳатто одамга алам қилади. Ҳар бир миллатнинг подшоҳи, қироли, ўз ери, ватани бор... Сен солдат бўлганмисан? Қасамнинг нима эканини биласанми? Мана, мен солдат бўлганман. Японлар билан урушгани борганман, аммо бахтимга урушдан кечикдим. Агар бутун одамлар эл-юртдан, ватандан маҳрум яҳудий бўлганида бошқа гап эди. Азизим, инсонлар ер юзида юришади, у одамларни ўзига боғлаб туради, ўз эл-юртингни ташлаб кетолмайсан.

— Тўғри гап,— деди биров хўмрайиб.

— Бу ер сеники ҳам, меники ҳам эмас, лекин ҳар қалай иккимиз ҳам унда картошкамиз...

Самгинга унинг гапи маъқул бўлиб яна: «Ақллилигини қара»,— деб ўйлади. Уйқуга кетаётиб охирги эшитган гапи Осипнинг гапи бўлди:

— Бу қандай ватанки, қачонки у сенга каторга бўлса?

Клим Иванович қаттиқ ва узоқ ухлади, уйқудан тетик бўлиб турди, уни Осип уйғотди:

— Вокзалга борар вақт бўлди. Қорни эритиб қўйдим,— юз-қўлингизни ювиб олинг. Чой ҳам тайёр. Мен ҳам сиз билан бораман, ўшоқда ишим бор.

Самгин тақир ерда ётганидан увушиб қолган гардани ва биқинларини уқалай-уқалай:— Жуда соз,— деди.

Ригагача улар бошқа-бошқа вагонда боришди, Ригада эса Самгин Кормилицинга таъсирли гап қилди, турли жанжал-суронлар, бахтсизликлар бўлиши мумкин ва ҳатто муқаррар, деб чўчитди уни, қочоқларни Орёлга дарҳол жўнатишга кўндирди, Осипни унинг қўлига топширди ва ўша оқшомдаёқ Петербургга жўнаб кетди, йўл бўйи бу сафардан қандай манфаат кўрганини хотирлаб, тарозига солиб борди.

Шу кунларда кўрган одамлари орасида кўркам Фроленковнинг басавлат қадди-қомати айниқса кўзга ташланиб турарди. Унинг чаққон, дадил ҳаракатларини хотирламоқ Самгинга кўнгилли эди, бу ҳаракатларнинг ҳар бирига бу одам лозим бўлганича куч сарфларди. Фроленков темирчилар ҳақида гапирар экан, Ловцовнинг одобсиз гапларини эшитар экан, унинг калондимоғлигида аллақанча маъно бор эди.

«Мард ва ақлли одам. У Францияда бўлганида, ўз шаҳаридан парламентда депутат бўларди. Ловцов қишлоқи безори. Ҳийлакор қишлоқ уни кераксиз, баҳридан ўтса бўладиган бир одам сифатида олдинга, қийин ерларга сурари.

Нон дўкони эшигининг синдирилиш манзараси, печкачи Кубасов ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Самгиннинг эсига тушди, печкачи билан бирга шу тоифа бошқа кишилар ҳам кўз олдига келажагидан хавотирланиб, Клим Иванович «эҳтиёткорона» ўйлади:

«Қишлоқда у баҳридан ўта олмайдиган одам бормикан ўзи... Қишлоқ фақат улардан қутулмоқ учунгина бу одамларни олдинга сурса керак... Уларнинг шуҳратпарастлигидан фойдаланади. Онгли ва онгсиз фойдаланади». У Чехов билан Буниннинг мужиклар ҳақидаги ҳикояларини хотирлаб таскин топди...

Лекин хотиранинг ғайри ихтиёрий равишда ҳаддан ортиқ ишлаши давом этаётганди, қоровул Николай, батартиб, ҳийлакоргина Осип, сариқмашак Семён, Нижнийнинг Сибирь принстанисидаги юк ташувчилар, чала-ярим кўзи тушиб қолган ўнларча ҳаёсиз кишилар бирма-бир кўз олдидан ўтаверди, охирида Новгород станцияси перронидаги тишлари қўпол, соқолдор солдатларнинг хунук башаралари кўринди. «Бизнинг жиноятимиз» деб аталган ғамгин китобнинг эсга тушиши ҳам тамомила табиий эди. Буларнинг бари уни хафа қилар ва ҳатто ғазабини келтирарди, ҳолбуки Клим Самгин ғазабланишни яхши кўрмасди.

«Дарё оролни ювгани сингари ҳаёт ҳам мени ювиб кетмоқчи»,— деди у хомушлик билан ўзига-ўзи, бу шундай кутилмаган ҳол бўлдики, гўё бу гапни у айтмасдан, балки ташқаридан биров шивирлагандек эди. Хаёлига келган одамлар унинг рўпарасида адоват билан туришарди.

«Кутузов, Поярков, ўртоқ Яков худди шундай одамларга умид боғлашади... Брюсов уларни гуноҳлар деб атарди. Ленин — Аттила...»

Самгиннинг ғазаби қайнаб бораётганди.

«Ваҳшийлар кучи билан революция қилиш. Бу инсоният шу вақтга қадар кўрмаган ақлсизликдир. Яна душманининг рўпарасида туриб. Казаклар орзуси бу. Разин, Пугачёв — казаклар эди, Москва уларнинг анархистик ўзбошимчалигига йўл қўймайдиган давлат ташкилоти бўлгани учун унга қарши отландилар. Екатерина Запорожьени йўқ қилиб ташлашни тўғри ўйлаган эди»,— Самгин шуларни тез-тез хаёлидан кечирар экан, бу фикрлар унга тасалли бера олмаслигини сезар эди.

У Петроградга келган куни ҳаво илиқ ва туманли эди, ердаги бутун нарсалар ҳўл ҳарирга бурканган эди, бу нафасни бўғар, фикрни сўндиради, одамни бўшаштирарди. Уйда эса Самгинни кўнгилсиз ҳодисалар кутарди: Агафья ҳар вақтдагича қўлларини кўкраги устида чалиштириб туриб бу ердан кетиб, госпиталда беморларни боқувчи бўлиб ишламоқчи эканини айтди.

— Минг афсус,— деди хафа бўлиб Самгин. Бу чўтир хотин «бир хизматкорнинг» ишини ўрнига қўйиб бажарар, еяр-ичарга пулни шу қадар тежаб харжлар эдики, у Самгиндан уриб қолмасдан, чамаси фақат дўконлардан унадиған процентлар билан қаноатланар эди.

— Госпиталда сизга қанча маош тўлашади?— сўради Самгин.— Шуни мен тўлашим мумкин.

Агафья кулимсираб, қўллари билан елкаларини силар экан:— Гап пулда эмас,— деди.— Ахир сиз ҳам урушга маош учун хизмат қилаётганингиз йўқ-ку,— деб илова қилди у.

Самгин унинг ақллигина бетига аччиқ бир гап айтиб, яшил кўзларининг табассумини сўндирмоқчи бўлди. У Анфимьевнани хотирлади ва миясига ақлли бир фикр келди:

«Мавжуд ижтимоий тузумда шахсий ташаббус кўрсатиш ҳуқуқидан, мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқидан маҳрум одамлар бўлиши керак».

Агафья ҳануз кулимсираб:— Мен сизга ошпазлик мактабидан бир қиз топиб қўйдим,— деди.

У уй соҳибини ўзининг ақлли фикрлари билан саросимага солиб чиқиб кетди. Бу фикрларнинг мағзини чақиш, уларнинг дамини қайтариш керак эди.

«Уй хизматкорининг ижтимоий роли нимадан иборат? Албатта, асаб билан ақлнинг кучини уй-жойни озода сақлаш заруратидан қутқармоқ: уйнинг чанг-чунги, ахлатини супуриб-сидиришдан иборат. Аслини олганда, бу шарафли ҳамкорлик, яъни жисмоний кучнинг...»

«Шундай бир ижтимоий китоб яратиш керакки, у маданият жараёнида турли алоқалар ва ролларнинг зарурлиги тўғрисида, қурбонлар бўлиши муқаррарлиги тўғрисида содда ва равшан ҳикоя қилиб берсин. Ҳар бир киши бир нарсани қурбон беради...»

Бу ўринда у Иброҳимнинг қурбонлиги ҳақидаги отасининг айтган гапларини хотирлади ва аччиқ билан папирос ёндирди.

Агафья ўз ёрдамчиси билан қайтиб келди. Бу юзидан қон томгудек, семизгина пучуқ қиз экан, қуралай кўзлари, худди мовий чанг босгандай, тиниқ эмасди, у гапирганида дам-бадам тилининг учи билан дўндиққина лабларини ялаб қўярди, овози паст ва майингина эди. Қиз Самгинга маъқул тушди.

Эртаси кун Иттифоқ аъзоларидан бирининг уйидаги кичик бир йиғинда Клим Иванович ўз сафари тўғрисида маъруза қилди. Деворларида бир талай чиннилар бўлган каттакон емакхонада тўпланган йигирматача эркагу аёл Самгиннинг гапларини эшитаётганди, уларнинг бари дуркунгина одамлар эди, шуларнинг ичида жуда ориқ, лекин қорни Ер шаридек юмалоқ бир киши қўлларини чўнтақларига суққанча узун оёқлари устида тик туриб, барваста қора соқоли қучиб турган лўппигина заҳил юзини буришти-

ра-буриштира қора сочли бошини тебратарди. Бу одам яна шу жиҳатдан диққатни тортаётган эдики, у елкаси узра кўриниб турган баланд, қорни катта кўзага ўхшаб кетарди.

Узун столнинг бошида, Самгиннинг шундоққина рўпарасида Ногайцев қўллари билан соқолини силаб, Клим Ивановичга мулойимгина боқиб ўтирарди, унинг ёнида қирмизи ёноқли, сочлари дьяконникига ўхшаш, афти башарасидан сурбетгина бир киши йўғон билакларини столга тираганча, гўштдор елкаларини сал кўтариб турарди,— бу сассиқ кўзанинг митти қорачиқлари ва қизил томирчалар ёйилган кўз оқи Самгинга танишдек кўринди.

Клим Иванович Самгин дурадгорларнинг аҳволини ишбилармонлик билан тасвишлаб чиққач, бу жуда арзимас факт бўлганлиги учун унинг маъносини бир қадар чуқурлаштириш лозимлигини сезиб қолди.

— Ёш бир пропагандист уларнинг бу ҳаққоний қаҳруғазабини аланга олдирмоқчи бўлган экан, уни қамоққа олишибди.

— Ҳойнаҳой, у прапорщик бўлса керак,— деди Ногайцевнинг қўшниси.— Прапорщикларнинг бари — социалистлар.

— Бу маҳобат!— дадил қичқирди кўзойнак таққан бир хоним.— Менинг ўғлим ҳам прапорщик.

— Сиз ўзингиз кадет аёлсиз, зиёлиларнинг фарзандлари эса ҳамиша оталаридан ҳам кўра сўлроқ бўлишади, демак...

Кўзага ўхшаш новча киши бир тебраниб қўйди-да, бўғиқ ва йўғон овоз билан деди:

— Маърузачининг гапини бўлмайлик...

Самгин ўзининг у қадар мукамал бўлмаган тасаввурига орқа қилиб қочоқ яҳудийлар тўғрисида, уларнинг совуқ чорбоғларда болалар, кексалар билан бирга оч-яланғоч қолиб кетганлари тўғрисида гапира бошлади. Кўзлари қон талашган, мункиллаб қолган чолни, индамай дармонсиз қўлини юқори кўтармоқчи бўлган, аммо кўтара олмаган чолни эсга олди. У одамларнинг тоқати тоқ бўлаётганини дарров пайқаб, овозини баландлатишга мажбур бўлди, лекин орадан икки минутча ўтар-ўтмас сочи дьяконникига ўхшаш киши томоқ қириб бўғиқ овоз билан деди:

— Овора бўлманг, мендан яҳудийпараст чиқмайди барибир.

Калбошгина сийрак соқолли, бўз ранг бир киши қулоғини ушлаб туриб шоша-пиша шикаста овоз билан деди:

— Э, бу гапларнинг нима ҳожати бор! Одамларнинг жигига тегиб нима қиласан? Яҳудийлар ҳақида фронтдан хунук гаплар келмоқда.

— Уларнинг бари жосус,— деди йўғон овоз билан семиз бир хотин.

— Мана, кўряпсизми? Биз сийқаси чиқиб кетган либерал фикрлардан қайтишимиз керак...

— Урушдан бурун контрабанда билан шуғулланишар эди, энди эса жосуслик қилишяпти. Бизнинг кўнгилчанлигимиз Исонинг инсонларга бўлган меҳр-муруввати эмас ҳали,— деди ҳаяжон билан ҳовлиқиб, аммо силлиққина қилиб калбош киши.— Ахир «на юнон ва на яҳудий» деган гап, ҳамма христиан бўлиши керак, деган гапдир...

— Бейлис иши бу одамларнинг бир ёқадан бош чиқаришини исботлади...

— Хўш, Дрейфус иши-чи?

Одамлардаги ғазаб ҳиссининг ҳеч кутилмаганда турлича садо билан, лекин бараварига бундай портлаши Самгинни ҳанг-манг қилиб қўйди, бундан ташқари у ҳали жангга кирмасданоқ енгилиб қолганини тушунарди. У тик турганча одамларнинг бир-бирларини тобора кўпроқ гижгижлаётганларини томоша қилар, бармоқлари титраётганини биллентирмаслик учун қаламни ўйнарди. Ҳамма бир-бирига ўшқира бошлади, кўзлари сассиқ кўзанникига ўхшаш пучуқ киши эса кафти билан столни шу қадар гурсиллатиб урдик, буфетдаги қадаҳлар жаранг-журинг қилиб кетди.

Ешроқ бир овоз қаттиқ қичқирди:

— Кўч-кўронингларни кўтариб юрманглар деб уларни ўзларинг расво қилдинглар.

— Римда гетто бор эди...

Одамлар худди карта ўйинида кузир ташлагандай бир-бирларига сўз отишиб, баҳсни давом эттиришаётган эди.

— Азеф!

— Распутин!

— Гейне!

— Дизраэли!

— Қирғинларнинг исноди...

— Германияда ҳам қирғинлар бўлган.

— Қий-чувни... бас қилинглар,— деди кўзага ўхшаш киши шанғиллаб ва амирона оҳангда. У стол устига эгилди-да, ўша заҳоти шимининг чўнтақларидан қўлини олиб, орқасига яшириб, қадини ростлади.— Биз бу ерга яҳудийлар масаласига муносабатимизни аниқлаб олмоқ учун

йигилганимиз йўқ. Ҳозир бу... масалани ҳал этиш фурсати эмас, бизнинг олдимизда бундан кўра аҳамиятлироқ ва фожиавий бошқа бир масала турибди, бу бизнинг масаламиз, кўп жабру ситамлар бошига тушган ватанимиз масаласидир. Бу ҳақда ўйлар эканмиз, уни ҳал этар эканмиз, биз объектив бўлмоғимиз лозим... Руслар орасида бўлганидек, яҳудийлар орасида ҳам жосуслар бўлиши мумкин, албатта. Яҳудий жосуслар процент жиҳатдан русларга қараганда кўп, деб фараз қиладиган бўлсак, бунинг сабабини жуғрофия жиҳатдан изоҳлаш мумкин, чунки яҳудийлар чегарада яшашиди. Лекин мен Бодуэн де Куртененинг кинояли ҳазил гапини эсингларга солмоқчиман: бир нарсани рус ўғирласа: «Ўғри ўғирлабди», дейишади, яҳудий ўғирласа эса: «Жуҳуд ўғирлабди», дейишади.

Самгин бировнинг шивирлаганини эшитди:

— Эшитдингизми? Ҳар қалай қонида жуҳуд қони борлиги сезиляпти.

— Унда-я? Шундаймикан? Князь...

— Унвон юқумли касалнинг олдини ололмайди. Буюк князь Александр Михайловичнинг онаси яҳудий билан яшаган эди...

Яқингина бир ерда қўнғироқ жиринглади, тиқ этиб эшик очилди, емакхонага оҳиста одамлар кириб келишди.

Новча одамнинг товуши сокингина ва ишонч билан эшитилди, бу тобора кўпроқ арининг гўнғиллашини эслатарди.

— Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, армиямизда, худо билсин, ўн минглаб яҳудий бўлса керак. Башарти, эҳтиётсизлик билан айтилган бу хилдаги ножўя гаплар матбуотда чиқиб қолса борми, булар армияда жуда зарарли акс-садо бериши мумкин.

— Усталиқ билан қутулди...

— Либерал-да! Уларнинг тактикаси — қўрқитиш.

— Шу нарсани ҳам унутмаслик лозимки, беш нафар социалист депутат каторга ишига ҳукм этилган бўлса, бу бало-қазо таг-томири билан қўпориб ташланди, деган гап эмас ҳали. Ички душманга қарши курашадиган идора Азеф ва Богров воқеалари туфайли гарчи ўз ишининг техника усулларини ёмонотлиқ қилиб қўйган бўлса ҳам ҳар қалай душман кучларнинг ҳаракати ва ниятларидан етарлича хабардордир, бу кучлар эса ишчиларнинг норозилиги ва забастовкаларини авж олдирмоқда, мағлубиятчиликдан иборат анархистик идеяни тарғиб қилмоқда. Мен маъру-

зачининг қочоқлар орасида ҳам ташвиқот олиб борилаётганлиги ҳақидаги гапини ғоятда қимматли гап деб ҳисоблайман...

Клим Иванович Самгин ўзини бирмунча ноқулай сизди. «Бу ҳақда индамасам ҳам бўларди. Ахир пропагандистнинг номини айтгани йўқ-ку».

Шу ондаёқ у ўз-ўзидан сўради:

«Хўш, нега индамаслигим керак эди?»

Жавоб излаб ўтиришга фурсат йўқ эди. Самгиннинг орқасида, хонанинг бир бурчида одамлар шивирлашишарди:

— У-ҳў, қўрқитишини кўр...

— Ҳа... Лекин ҳар қалай биласизми...

Нотиқ қўлини орқасидан оҳиста чиқариб, кўкраги устида чалиштирар экан, ғунғиллаб гапини давом эттирди:

— Хўш, нима қилишимиз керак? Бу ерда ўтирганларнинг баъзилари мен айтмоқчи бўлган фикрдан хабардорлар. Бу жуда оддий бир фикр. Шаҳарлар уюшмаси билан Ер Уюшмаси шундай бир ташкилот бўлиб маҳкам бирлашишлари керакки, Давлат думаси ишдан чиқиб қолган пайтда тарихий шароит тақозоси билан унга Думанинг ўрнини босиш вазифаси юкланади. Илғор фикрли одамлардан иборат бу ягона иттифоқ ўз кўлами ва ҳалиги мукамаллиги билан Думадан устун бўлган бўлур эди. У Думадан сиртда қолган жамики қимматли нарсаларни, соғлом фикрларни ўз домига тортади. Бир сўз билан айтганда, бу кенг демократик бирлашма бўлиб, майда хизматчилар, саводли ишчилар ва бошқалар унинг таркибига кирди. Шундай бир ташкилотни барпо қилар эканмиз, биз, Милюков таъбири билан айтганда, «сўлдаги эшақлар»ни заминдан маҳрум этамиз ва бутун мамлакатда асл кишиларни саралаб олмоқ имкониятига эга бўламиз.

— Демак, сўлларни?— деб сўради кўзлари сассиқ кўзаникига ўхшаш семиз киши. Нотиқ унга боқмасдан ва гапининг оҳангини ўзгартирмасдан сўради:

— Сиз ҳам ўзингизни ва партиянгиздаги ўртоқларингизни ёмон одамлар қаторига қўшасизми?

У индамади, лекин икки-уч киши унга қарсак чалмоқчи бўлиб қўлини жуфтлаганида, бунинг олдини олмоқчи бўлиб қўлини кўтарди.

— Яна бир-икки оғиз гап. Яҳудийларнинг моҳир пропагандист эканликлари ҳаммага жуда яхши маълум. Шу сабабли уларни жойлаштирганда халқдан узоқлаштириш-

ни кўзда тутиш, яъни уларни аҳолиси сийрак ва деҳқонлардан иборат бўлган ерларга юбориш лозим.

— Хўш, у ерда нима қилишади?— зарда билан сўради ёш бир овоз.

— Ўзлари иш топиб олишади,— деди пучуқ киши.

— Яҳудийлар оч қолиб ўлади, деган гап бир афсона...

Новча нотиқнинг фикри ва унинг гапириш мароми Самгинга жуда ёқди. Бу одамнинг арига ўхшаб куйиб-пишиб гўнғиллашида, унинг ягона букилмас ҳақиқатни тарғиб қилишдек машаққатли вазифани бажараётганига ва айтаётган ҳар бир оғиз калимаси инсонларга жуда қимматли бир инъом эканига комил ишонч сезиларди. Нотиқнинг ташқи кўриниши унинг бу ишонч билан уйғун эмаслигига Клима Иванович ҳатто ачиниб ҳам қўйди, негаки унга оловдек товланувчи сариқ соч, зоҳиднамо заҳил башара, чақнаб турувчи кўзлар, гапираётганда салобатли ҳаракатлар ярашган бўларди. Юзини ёғ босган тепакал бир чол танаффус эълон қилди. Одамлар столдан туришиб, дарҳол ғуж-ғуж бўлиб олишди. Самгиннинг назарида улар деярли икки ҳисса кўпайиб кетгандек бўлишди. Юзидан қон томгудек семиз бир одам унга яқин келди.

— Танимаяпсизми? Стратоновман. Азизим, сиз ҳам қариб қолибсиз. Мени дард қийнаяпти, қанд касалим бор.

У касалнинг номини завқ билан, керилиб айтди ва ўшайган кўкимтир лабларини ялаб қўйди. Унинг пучуқ бўлиб кўринишига сабаб шу эдики, юзи шишиб, хўпайиб кетганлигидан бурни ичига ботиб кетганди.

— Бешинчи йилнинг васвасаларидан сиз ҳам воз кечганлигингизни эшитиб севиндим,— деди у, ҳаёсиз, лекин энди хираланиб қолган кўзларини Самгиннинг юзига қатиқ тикиб.— Ҳушёр тортяпмиз. Немисларга раҳмат, боплаб савалаяпти бизни. Кўзимизни очишяпти. Синфий инқилобни хаёл қилардигу қўшнимиз душманлигини унутиб қўйгандек, буни унинг ўзи эсимизга солди.

Олтин кўзойнакли бир хоним унинг олдига келиб, қўлтиқлаб олди-да, индамай қаергадир бошлаб кетди.

— Хўш, қаёққа, қаёққа бошлаяпсан?— деб гўлдиради у, оғир-оғир қадам ташлар экан.

Иккинчи кўнгилсиз учрашув Тагильский билан бўлди. Уни ҳам ҳарбий маъмур формасида, елкаларида олтин погонлар билан кўриш Самгиннинг кўнглини ғаш қилди.

— Мен газеталарда ўқиган эдимки, сиз...

— Қайси газеталарда?— сўради Тагильский.

— Эсимда йўқ.

— Бу Петербург газеталаридан фақат бирида босилиб чиққан эди. Газета шошилиб, мени ўлдига чиқариб қўйибди.

— Нима қиласиз буни эслаб?

— Мастлик орқасида. Урушамиз, а?— сўради у, кирпи нусха қилиб тарашланган бошини силкитиб.— Даҳшат! Ун иккинчи йилда Ванновский, армиямиз ночор аҳволда, деган эди: кийим-кечак ёмон, етишмайди ҳам милтиқлар эскириб қолган, замбараклар — оз, пулемётлар — йўқ, солдатларни пудратчилар боқишади, ўлгудай расво, овқатни бир оз яхшилашга пул йўқ, кредитлар кечиктириб берилади, полклар қарзга ботган. Шундоқ бўлса-да, Францияни немислар иккинчи дафъа тор-мор қилмасин деб урушга киришдик.

Тагильский бақирибгина гапирар эди, у Клим Ивановичнинг қайиш камарини бармоғи билан ниқталай-ниқталай, уни орқага тисарилишга мажбур қилди ва ниҳоят деворга сиқиб қўйди, бу ерда юзини ёғ босган чол билан Ногайцев иккалалари кулимсираб, шивирлаб суҳбатлашишарди.

Самгин уни Петроградда кўрган вақтидан буён Тагильский анча ўзгариб кетган эди: юзи қуришиб, сўлибгина қолган, ўргимчак тўри сингари майда-майда ажинлар босиб кетганди. Бўйни шикастланган, деб ўйлаш мумкин эди,— у зада бўлган қушга ўхшаб, худди бир нимага қулоқ осгандай бошини эгиб ва чап ёқ елкасига буриб турарди. Лекин Тагильскийнинг кўзларининг чақнаб туриши ва шиддатли, кескин овози Марина Зотованинг шубҳали қатли юзасидан алоҳида тергов олиб бориш топширилган прокурор ёрдамчиси бўлган Тагильскийни Самгиннинг ёдига солди.

Клим Иванович унинг беистихола айтган гапларини эшитар экан: «Мени у бу ишга бошимни суқиб, фарқ қилиб юбормоқчи бўлганмиди ёки қутқариб қолганмиди?»— деб ўйлади.

— Струвенинг «Сиёсатда эҳтирос» асари ёдингиздами?— сўради Тагильский ва тишларини ярақлатиб кўрсатар экан, ҳотамона ҳаракат билан халойиққа ишора қилди.

— Шаҳватпарастлар, а?

— Тилгинангизда адолат йўқ, Антон Никифорович,— деди хўрсиниб Ногайцев.

— Ишқилиб «Новое время»да ҳамкорлик қилишга ярайдими?— сўради Тагильский,— юз-кўзини ёғ босган чол бошини ҳам юқори, ҳам пастга икки дафъа ирғаб ва қисиқ кўзлари билан Тагильскийга бошдан-оёқ разм солиб, мулойимгина деди:

— Бизнинг орданда социалистлар ҳамкорлик қилмайди.

— Нима учун? Урушга пул атаганидан кейин социализм қўрқинчли бўлмай қолган. У хусусан бизда қўрқинчли эмас, чунки Плеханов бизда тарихга Милюков билан қўлтиқлашиб кирди.

Бояги чол шошилмасдан девордан узоқлашди-да, индамай ўзини четга олди.

Тагильский кулимсираб уни:— Меньшиков,— деб атади.— Биласизки, муттаҳам қаламкашлар ва матбуот қароқчилари тўдасининг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири у. Брокгаузнинг лугатида унинг ҳақида айтилганки, ахлоқ бобида жуда ҳассос бу одам ҳақиқатни билишга мукасидан кетган.

Ногайцев, бармоқлари билан соқолини ўйнар экан, илтифот-ла кулимсираб секингина деди:

— Риёкор, мунофиқлиги шундоққина кўриниб турибди!

— Толстойчи,— деб илова қилди Тагильский. Ногайцев пиқ этиб кулиб қўйди-да, бу ердан узоқлашди, шунда Самгин кўрдик, у таги юмшоқ бахмал этик кийган экан.

— Яқинда мана шундай бир анжуманда Струве билан учрашиб қолдим,— Тагильский яна Самгинга қаради. Бу одам ўз феълига яраша япалоққуш сингари ҳануз ҳеч нарсани кўрмайди. У менинг қандай фикрда эканимни сўраб-суриштириб қолди. Мен: «Агар ғояларни, бойларнинг сулзорларида ўтлаб юрган отлар сингари пулга сотиб олиш мумкин бўлса эди, мен «Вехи» тўплами фойдаланган ғояларим учун сизга бир миридан берган бўлардим»,— дедим унга.

Басавлат одамларнинг боятдан бери Тагильскийга ҳўмрайиб қараётганларини аллазамон пайқаган Клим Иванович Самгин, мен ҳам бу одамдан узоқлашишим керак, деган фикрга келди. У олдинга қадам ташлаган эди, бироқ Тагильский қўлидан ушлаб олди.

— Қаёққа кетяпсиз? Сабр қилинг, бу ерда жуда маза-ли кечки овқат қилиш мумкин. Совуқ таомлар билан жуда соз винолари бор. Бу кўҳна идиш-товоқларнинг эгалари,—

у ҳотамона ҳаракат билан деворлардаги хилма-хил зийнатларга ишора қилди, — сахий ва феъли кенг одамлар. Уларникида ким тановул қияпти, нималар деяпти, улар учун бунинг фарқи йўқ, тарихда иштирок этмоқ учун улар етарлича давлатманддирлар; улар урушни тарихнинг асосий маъноси деб, қаҳрамонлар етиштирадиган ва умуман, ҳаётга зийнат берувчи бир нарса деб биладилар.

У Самгиннинг дилидаги эски шубҳаларни яна қўзғади.

«Сурбетлик қияпти, чамаси жанжал чиқаргиси бор, негаки омади келмаганидан ўлгудай аламзада. Балки бу жамоат кўз ўнгида ўзини оқлаб олиш усулидир унинг».

Бироқ бу гумон дилдан аримасдан бошқа бир гумон туғилди:

«Разведкачи. Жосус. Азеф ролини ўйнамоқ учун ўзини радикал қилиб кўрсатмоқчи у. Лекин нима бўлганида ҳам унинг гўзал ҳаётимиз устидан масхаралаб кулиши — бу, Мережковский ёзгани каби, юзсиз одамнинг масхаралашини, майхона ва фоҳишахона соҳиби ўғлининг маданиятни инкор этишидир».

Тагильский овозини пасайтирмасдан гапирди.

— Уҳу, донишмандимиз келди, довюрак донишмандимиз, мана энди теша тегмаган гапларни эшитамиз.

Унинг донишманд деб атагани қора соқолли ушоққина бир киши бўлиб, у стулда ўтирар, ўтирган ерида сакрай-сакрай, ҳавода қўлларини ўйната-ўйната ўзини пайпаслар, шоша-пиша ва шанғиллаб гап отиб қўярди:

— Лекин, қарабсизки, у ўша тентак Иванушка экан, ахир бу қадим замонлардан бери халқ дилида ардоқлаб келган одил подшо ҳақидаги орзу, — муқаддас орзу бўлган шаҳзода Иван эмасми?

Унинг майда-майда чизиқлар тортилган ҳамда қалин қора туклар қоплаган башараси, олазарақ кўзлари ва ўзининг жонсарақ ҳаракатлари уни маймунга ўхшатарди, у шундай гапирардики, гўё айни бир вақтда ҳам ишонар, ҳам шубҳаланар, ҳам унинг ўтини ёраётган бир қўрқув туярди.

— «Халқнинг садоси — оллоҳнинг садосимасми?» Йўқ, йўқ! Халқ фақат мавжуд бўлмиш моддий нарсалардан гапирди, холос, лекин халқнинг сирли фикри, оллоҳнинг ҳукми ҳақидаги хаёллари — бошқа гап! Булар муқаддас фикр ва орзулардир. Муқаддаслик муғамбирлик талаб қилади — ҳа, ҳа! Муқаддаслик ниқоб талаб қилади. Биз ўзларини Исо пайғамбарнинг телба-девоналари қилиб кўрсатиб, дарвишлик қилиб юрган авлиёларни таниймиз. Биз

улардан юз ўғирмаслигимиз учун, уларнинг муқаддаслиги устидан масхаралаб кулмаслигимиз учун улар ўзларини шу алфозга солганлар...

Унинг гапларини ўн нафарча одам чурқ этмай эшитарди, улар бир-бирларига кўз қирини ташлаб, ким биринчи бўлиб эътироз қилишга журъат этишини кутарди, у бўлса турган ерида сакрай-сакрай тўхтовсиз гапирар, кифтларини қоқар, ёлворгандай қўлларини букиб, яна ёзиб, ҳавони қучар ва уни ҳовучлагандай бўларди, унинг қопқорагина кўзлари соқоли орасига яширингундай бўлиб, қулоқларигача етиб боргундай ва бурун катакларигача яқинлашиб қолгундай туюларди.

Самгин сўзларнинг ҳаяжонли янграшига диққат билан қулоқ солар экан: «Бунда Босхга, ғайри оддий одамларга хос бир нарса бор»,— деб фикр юритди.

— Ҳалиги Сибирь мужиги ҳақида биз эшитаётган шармандали гапларнинг бари, балки телбалиқдир, холос, балки фақат биз элбурутдан унинг сирини билиб қолмаслигимиз учун, ўзимизнинг аянчли мубоҳасаларимизга, партияларимизга, тўғарақларимизга уни жалб қилмаслигимиз, ўзимизнинг худосизлик гирдобимизда фарқ қилиб юбормаслигимиз учун қилинаётган бир ишдир. Жаноблар, шундай бир афсона тўқилмоқдаки...

Зўр айтмоқда, баччағар,
Хўп ўхшатиб айтмоқда!

деди Тагильский ва шу ондаёқ узун оёқли, қорни мешдай одамнинг ғўнғиллаган овози эшитилди:

— Ҳақиқатдан йироқ эртақлар нақадар гўзал бўлмасин, ҳозирги вақтда сира уларнинг ўрни эмас, азизим, сира ўрни эмас. Ижозатингиз билан шу нарсани ёдингизга солиб қўяй, январь ойидан эътиборан Давлат думаси ҳукуматнинг фаолиятини қаттиқ танқид эта бошлади, чунки биз миллий борлигимизга таҳдид солиб турган душман билан курашаётган ҳозирги фожиавий кунларда бундай фаолиятга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳа, худди шундай! Душман бизни асоратга солмоқчи. Сизлар вилоятлардаги идораларда сунистеъмолларнинг ортиб бораётганидан, бу ҳол ҳатто сенат тафтишига сабаб бўлганидан, Москвада немислар қирғини бўлганидан, Горемикиннинг хулқ-атворидан, Эркин— иқтисодий жамиятнинг ёпиб қўйилганидан ва фронтлардаги муваффақиятсизликларимизнинг аламларини

яна ҳам орттирадиган бошқа шу хилдаги тадбирлардан хабардорсизлар, албатта.

У тобора асабийлашиб гапирар ва эндиликда унинг овози кучли тазйиқ остида насос ичаги оғзидан отилиб чиқаётган сувнинг шовиллашига ўхшарди.

— Сизлар шу нарсани ҳам биласизларки, Думанинг олти фракциясини ягона прогрессив иттифоққа бирлаштиришга осонликча муваффақ бўлмадик, эндиликда Ер уюшмаси билан Шаҳарлар уюшмасини бир ташкилотга қўшиш зарурияти етилмоқда. Қишлоқ билан шаҳарнинг, помещчик билан фабрика эгасининг қаршисидаги душман битта. Бир ватанпарвар сифатида биз мамлакатнинг бутун асл тараққийпарвар кучлари бу иттифоқнинг аҳамиятини тушуниб етадилар, деб умидвор бўлишга ҳақлимиз. Биз наинки умидвор бўла оламиз, ҳатто буни талаб этишга ҳам ўзимизни ҳақли деб биламиз. Шу сабабли Распутиннинг қабиҳ, бузғунчи таъсири ортиб бораётган айни бир чоғда уни оқламоқ учун сизнинг адабий жиҳатдан ўткир, аммо сиёсий жиҳатдан, шубҳасиз, зарарли уринишингизни мен жуда таассуф билан тингладим.

— Сени қараб тур!— деб тўнғиллади Тагильский, у лабларини ялади, қўлларини чўнтакларига суқди ва худди паррандани тутишнинг пайида бўлган мушук сингари эҳтиёткорлик билан майда қадам ташлаб нотиқ сари бораверди, Самгин эса, Тагильскийнинг гапини эшитгач, истаган вақтида ҳеч кимга сездирмай жўнаб қолмоқ учун «эҳтиёткорона» даҳлизга йўл олди. Бироқ Тагильский оғзини очмасданоқ семиз хотин жар солди:

— Дастурхонга марҳамат қилинглар, жаноблар! Худонинг неъматларидан татиб кўринглар...

Бу фурсатни кутаётган фақат Тагильский эмас эди— халойиқ ёппасига емакхона томон оқди. Самгин уйга жўнади, йўл-йўлакай тараққийпарвар иттифоқ тўғрисида ўйлаб борар экан, ўзининг ундаги ўрнини тасаввур этишга ҳаракат қилди, у Тагильский ва шу оқшом эшитган бутун нарсалари ҳақида бош қотирди. Буларнинг барини бир-бирига яқинлаштириш, устма-уст зич қилиб тахлаб, фойдали зарраларини саралаб олиш, фойдасизларини унуттиш лозим эди.

Вақт ҳайратомиз тезлик билан ўтаётган эди. У ўзининг моддий эмаслигини ошкор қилиб, оташин нутқлар оқимида, калималар тутуни ичида изсиз йўқолиб, на кул, на асар қолдирарди. Клим Иванович Самгин кўпни кўрган

кўп нарса эшитган одам бўлиб, шу топда у воқеаларнинг кенг оқими узра ҳавода танҳо осилиб қолгандай эди. Фактлар унинг кўз ўнгидан ва унинг вужудини тешиб ўтар, унга дахл қилар, уни таҳқир этар, гоҳо даҳшат соларди унга. Лекин ҳамма нарса ўтиб кетар, у эса ҳаётнинг томошабини бўлиб ўша ҳолича қолаверарди. У ўз матонатига бўлган ҳурмат ҳиссининг, мустақиллик эканлиги тўғрисидаги тушунчанинг ўзида тобора мустаҳкамланиб бораётганини очиқ-ошкор пайқаётганди. Самгин ўзини лоқайд одамман, деб айта олмасди, негаки бевосита унинг шахсиятига дахлдор бўлган бутун нарсалар уни жуда ташвишга соларди. Масалан, бундан ўн йилча муқаддам бошидан кечган кори ҳол яна бир бор такрорланган эди.

Фронтга борадиган йўлда, Псковга яқин бир ерда товар поезде лиқиллаб қолган издан чиқиб кетганди, унинг составида уч вагон қанд-шакар, қора бугдой ёрмаси ва солдатларга аталган совға-саломлар бор эди. Бу вагонлар на пачақ-пачақ бўлиб кетган, на ҳалокатдан омон қолган вагонлар орасида топилмади. Бу мўъжизани текширишни Клим Иванович Самгинга тақлиф қилишди, чунки бу совға-саломларни, тарихий юз йиллик юбилей куни муносабати билан полклардан бирига юборган Иттифоқнинг таблабларига суд тергови жавоб бермасди.

Терговни ташқи кўриниши жуда антиқа, ақллигина бир вилоят амалдори олиб борарди, у новча, букчайган, каллахум бўлиб, тутам-тутам оппоқ сочлари, худди ёқалашган одамники сингари. тўзиган, эди, унинг тарам-тарам ажин тушган кенг пешанасига ярашган қалингина кумуш ранг қошлари жигар ранг кўзларини тўсиб турарди, қирғийники сингари букри бурни худди қуйиб қўйгандек қалин ва йўғон мўйлови орасида кўмилиб қолганди, мўйловининг оппоқ туклари тамаки тутунидан сарғайиб кетганди. У унвони полковникдан паст бўлмаган ҳарбий хизматчига ўхшарди.

Терговчи гўё истар-истамас ёхуд журъат этмай Самгинга қўл узатди-да:— Евтихий Понормов,— деб таништирди ўзини, йўқлаб келган кишининг муддаосини билгач эса:— Сизни хурсанд қилолмайман: ким билади, бу лаънати вагонларнинг қай гўрга йўқолганини,— деди,

Унинг овози қўпол ва ширасиз бўлиб, гўё инсонларни нақ хушнуд этишни ўзининг бирдан-бир бурчи деб ҳисоблагандай, ачиниб гапирар ва айни пайтда бу бурчни бажаришга қодир эмаслигидан хафа эди.

— Шу нарса аниқландики, поезд ҳалокатга йўлиққан ер яқинидаги қишлоқ аҳолиси вагонларни талаган, ҳатто кондукторни уриб бошини ёрган, кочегарнинг тумшугига бошлаб туширган, лекин улар барибир вагонларни ўғирлаб кетиша олмасди. Уларни қайси бир жаҳаннамга итариб боришган. Етти киши қамоққа олинган, шундан тўрттаси хотин. Бу воқеадан хотин зотининг сочи тикка бўлди, тақсир! Биласизми, бу жуда... Бу, ҳалиги, қувонарли ҳол эмас.

Самгин, поездни солдатлар қўриқлаб боришган эканми, деб сўради.

— Бўлмасам-чи? Бирамас, ўн бир киши. Ҳарбий терговчи талончиликка солдатларнинг ўзи йўл очиб берганини аниқлаб, уларни қамоққа олди. Биласизми, ҳар қалай орада хотинлар бор, воқеа қоронғи тунда содир бўлган ва ҳоказо. Шунақа. Ўғирликнинг ҳаммайки хили жуда авжида. Ўғирлик дейсизми, муттаҳамлик дейсизми, ҳаммаси.

Самгин кўриб турардики, ўғрилар ва муттаҳамлар билан олишавериб сочи оқарган киши аллақачон ҳориб, ишидан ҳафсаласи пир бўлган.

— Сўроқ протоколлари билан танишсам бўладими?

— Умуман, бундай қоида йўқ, аммо уруш ва сизнинг расмий мавқеингиз... Ўйлайманки, мумкиндир бу,— у бир қадар тетиклашди.— Ҳа, айтмоқчи, қаерда қўндингиз? Ҳали, ҳеч ерда қўнганим йўқ, денг! Чамадонингиз вокзалдами? Шунақа денг.

Сўнгра у тантанали бир суратда билдирди:

— Бу ерда қўнишга жой йўқ. Шаҳар қочоқлар, ярадорлар, ҳарбий ишдан қутулганлар, чайқовчилар, муттаҳамлар ва ҳар қанақанги кафандўзлар ва тери шилувчилар билан тикилиб кетган. Лекин сизни хурсанд қилишим мумкинки, бу ерда аҳолининг бари, ҳатто бадавлат кишилар ҳам уйларини ижарага қўйиб пул ишлашади. Қимматбаҳо майда буюмларини яшириб, ўзлари омборхоналарга, ҳаммомга, боғлардаги шийпонларга кўчиб ўтишади. Мен яшаётган уйнинг соҳибаси ҳам шунақалардан. Шуниқида қўнишингиз мумкин, лекин бир ҳарбий хизматчи яшаётган хонада; у ярадор подпоручик, аҳмоққина одам ўзи. Тушки овқат, чой ёки қаҳвасию кечки овқати бўлиб йнгирма беш сўмдан олади у— қиммат эмас.

Самгин рози эканини айтганида, терговчи таажжублангандай бўлди:

— Дарвоқе, бу ерда нима ҳам қиласиз ўзи? Айтмоқчи, бу билан нима ишим бор менинг. Мана, ҳозир уй эгасини чақирамиз.

У папиросни тили билан огзининг ўнг бурчагидан сўл бурчагига олиб ўтар экан, телефон дастасини қўлига олди:

— Ҳа. Ҳозироқ.

Ол ёноқлари қўғирчоқни эслатадиган, кўзлари кўкимтир ва мулойим, малла соч, жуссаси ушоққина, чаққон уй соҳибаси яшил фартукда кириб келди.

— Полина Петровна Витовт,— деб таништирди уни терговчи.

Хотин жуда мулойим кулимсираб, деразалари ҳовлига очиладиган хонага бошлаб борди. Ҳовли юзида бочкалар қалашиб ётарди. Клим Иванович тунда ёмон ухлаганди, поезд Петрограддан секин йўл босиб, йўллар бекилиб қолиб, бекатларда узоқ-узоқ тўхтаб келганди, деярли ҳар бекатда солдатлар, хотин-халаж, уст-боши жулдур кексалар тирбанд эди, гармошкалар ёқимсиз чийиллар, қўшиқлар увиллар, ўйнаётганларнинг гусур-гусури эшитилар, запасдаги солдатларнинг соқолдор башаралари деразалардан ичкари мўраларди. Уззукун тинмаган қасир-қусурни, темир-терсакнинг шарақ-шуруғини, ҳуштакбозлик, ашулаларнинг оҳ-воҳини гармонларнинг бир хил оҳангдаги кучанишини эслашнинг ўзи ҳам одамни беҳузур қиларди. Клим Иванович френчини¹ ечиб, кушеткага ёнбошлади-да, деярли ўша ондаёқ кўзи уйқуга кетди. Фаройиб бир ҳис уни уйғотиб юборди — аллақандай бир куч унинг оёғини осмонга қилиб қўймоқчи. Самгин бошини сал кўтариб, оёғи тарафда бошқа бир бош кўрди; бу қоп-қора бош гўштдор ва кенг елкалар устидаги офицерча погонлар орасига қўйилганди. Турган гап, офицер кушетканинг бир ёғини кўтариб силкитиб устидаги одамни очик-ошкор қулатишнинг пайида эди. Самгин оёқларини йиғиштириб, кушеткадан пастга туширди-да, ҳовлиққанча сўради:

— Нима қиялпсиз? Сизга нима керак ўзи?

Офицер лабини қаттиқ чўпиллатиб, қаддини ростлади-да:— Бу ерда бир китоб бўлиши керак, китоб,— деб изоҳ берди. Унинг овози хириллар, шамоллаган ёки бўғилиб қолган эди. Офицер ғўлабирдан келган, кўкракдор бўлиб, кўкси устида оппоққина кичкина хоч у ёқдан-бу

¹ Френч — ҳарбийча тикилган ва сиртида тўртта чўнтаги бор куртка. (Тарж.)

ёққа ликиллар, пастгина пешанаси устида қора сочлари тикандек диккайиб турарди.

У Самгиннинг рўпарасида туриб:— Подпоручик Валерий Николаевич Петров,— деди. Клиим Иванович ҳам ўз исми шарифини айтиб, қўлини узатди, бироқ офицер калласини силтаб, илова қилди:

— Қўлингизни сиқа олмайман.

— Нима учун?

— Сиз ўтирибсиз, мен эса тик турибман. Офицернинг қўлини узатиб оддий одам қаршисида туриши ўринли бўладими?

— Мен узоқни кўролмайман ҳам уйқудан ҳозиргина уйғондим.— Самгин ўз рўпарасида лаблари қалин, бурни япасқи, кўзлари мўғулларникига ўхшаш, соқол-мўйловлари қирилган бир афти башарани кўриб, муросан мадора билан изоҳ берди.

— Сиз буни менга тушунтириб қўйишингиз керак эди,— деди офицер, қўлларини орқасига яшириб.

— Тушунтиряпман-ку.

— Энди кеч. Сиз, хулқ-атворингиз— оддий либераллар, социалистлар ва умуман, анави Ер билан Шаҳар уюшмаларида биқиниб, оёқ остларимизда ўралашиб юрганларнинг оддий хулқ-атворидир, деб ўйлашга мажбур қилдингиз мени.

У овозини баландлатиб, тобора хириллаб, бўғилиб гапирарди:

— Сиз ҳатто илжайиб қўйдингиз, бу билан ватан ҳимоясини ва армия шарафини ҳурмат қилмаслигингизни ошкор қилдингиз, бундай беҳурмат қилганингиз учун мен тўппонча ўқи билан жавоб беришга ҳақим бор.

«Отиш қўлидан келади бунинг»,— деб ўйлади Самгин ва қўрқувини босишга ҳаракат қилиб, муроса қилмоқчи бўлиб деди:— Ҳа, ҳозирги кунда армиямиз ҳар қанча ҳурмат-иззатга...

Петров ҳузур қилиб тамшанди.

— Ҳозирги кунда дейсизми? Олтинчи-еттинчи йилларда, инқилобчиларнинг додини берганда, хўш, бунга лойиқ эмасмиди? Йўқми?

— Ҳеч сўзсиз, ўшанда ҳам лойиқ эди,— шоша-пиша рози бўлди Самгин.

— Бу гапингиздан хурсандман,— деди поручик Петров.— Хурсандман,— такрорлади у.— Ақс ҳолда... Мен дуэль тарафдориман. Сиз-чи?

— Бу масалани ўйлаб кўрмаганман,—эҳтиёткорлик билан жавоб берди Самгин.— Ахир, уруш даврида дуэль тақиқланган эди шекилли?

— Шундай. Хўш, нега тақиқланган?— қўярда-қўймай сўради поручик.

— Сабаби маълум,— деди Самгин, чаккалари терлаб кетганини сезиб.— Фараз қилинганки, оддий бир одам сизни дуэлга чақирди деб... сиздек мўътабар бир шахсни у нишонга олиб ўтирса...

Поручик Петров кўзлари толиб, пир-пир юмиб очди, тамшанди, қалин лабларининг таноби қочиб, кулимсиради ва калта бармоқли қўлини Самгинга узатар экан, мамнуният билан, ҳатто хурсанд бўлиб хириллаб гапирди:

— Офарин! Қўлингизни беринг... Ақлли одамнинг садағаси бўлсанг арзийди... Келинг, ичайлик! Пиво ичамизми? Ажойиб пиво.

У бармоғини деворга босди, сариқ сочли семиз бир хотин кириб келди.

Петров унга икки бармоғини кўрсатиб:— Цвей бир!¹— деди.— Ҳеч вақони тушунмайди, бу ҳўкиз. Ким билади, бу майда халқларнинг кимга кераги бор экан? Уларни Сибирга жўнатиш керак, вассалом! Умунан, бошқа халқларни Сибирга кўчириш лозим. Аксинча, биласизми, бу латишлар, эстонлар, чухонларнинг бари чегарада яшашади ва немисларга ўзларини яқин олишади. Яна бари инқилобчилар уларнинг. Биласизми, бешинчи йилда, Ригада унтер-офицерлар мактаби латишларни боғлаб савалаб, қутурган итдек роса таъзирини берган эди. Унтер-офицерларга балли, моҳир ўқчи аскарлар...

Бу мудҳиш танишув тобора малол келаётган ва азоб бераётган эди. Поручик Петров Клим Самгин билан ёнма-ён ўтириб, унинг тиззасига тапиллатиб урар, гоҳ тирсаги, гоҳ кифти билан уни туртар, бир нимадан севинар, Самгин эса ёнида ўтирган одам эс-ҳушидан айрилган, нима қилаётганини билмайдиган одам эканига ишонч ҳосил қилаётганди. Унинг мўғулсимон қисик кўзлари ғайритабиий бир ҳолда ўйнаб турар ва балиқ тангаси каби йилтиларди. Самгин поручик Трифоновни хотирлади, у бундан кўра хавфсизроқ, соддароқ эди.

«У ароқхўр, иши юришмаган одам эди, бу эса асабий хаста. Телба. Қаҳрамон».

¹ Иккита пиво! (Немисча — Zwei Bier сўзидан.)

Семиз хотин пиво ва вазачада шўр сухари келтирди. Петров қиличи билан пўписа қилиб, осма камари билан мундирини тезда ечди, фақат йўл-йўл ипак кўйлақда қолди, чап енгини шимариб ва мушак гўшларини кўрсатар экан, Самгиндан сўради:

— Қалай, дурустми? Армия учун ичамиз! Қани, айтинг, Петроградда нима гап? Распутин дегани ким ўзи, умуман, унинг ҳақидаги гийбатларга нима дейсиз?

Лекин у жавоб кутиб ўтирмади, кўйлагининг этагини шимининг ичидан чиқариб, юқори кўтарди, чап биқинидаги қизил чандиқни бармоғи билан чертар экан, фахрланиб изоҳ берди:

— Найза изи бу. Найзадан зарба ейиш учун душман олдига бориш керак. Тўғрими? Шунақа, биз фронтда жонимизни аямаймиз, сизлар эса фронт орқасида... Сиз немислардан кўра қўрқинчли душмансиз!— у стаканнинг тагини столга уриб бақирди ва онадан сўкди, сўнгра Самгиннинг рўпарасида туриб олиб, калта қўлларини, худди сузувчи каби қулочкашлади.— Сиз, граждон одамлар фронт орқасини армиянинг душманига айлантирдиларинг. Ҳа, шундай қилдиларинг. Мен нимани ҳимоя қиламан? Фронт орқасини. Аммо мен одамларни ҳужумга бошлаб борганимда, шуни унутмайманки, орқамдан ўқ ейишим ёки курагимга найза санчилиши мумкин. Тушундингизми?

— Офицерларнинг баъзи солдатлар томонидан ўлдирилганини эшитганман,— деб гап бошлади Самгин, негаки поручик жавоб кутаётганди.

— Шунақами, эшитганман денг?

— Шундай, лекин мен бу гапга ишонмайман...

— Инонмаслик гўлликдир. Муғамбирлик қилаётган, ёлғон гапирётган бўлманг тагин. Лекин шу нарсани кўз олдингизга келтирингки, офицер душман устига бошлаб бораётган солдатлардан тўрттасини 907-йилда ўша офицер ичак-чавоғини ағдариб ташлаган. Бундан ташқари, инқилоб йилларида калтак еган ёки отиб ўлдирилган мужиклар ёки ишчиларнинг қариндош-уруғи деярли ҳар бир ротада бўлиши мумкин.

Бу хил маккорона хиёнатларнинг юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги фикр Клим Иванович учун тамомла янги бир нарса бўлгани учун ушн ҳанг-манг қилиб қўйди.

«Кутузов тахлит кишилар Немезидани эсга олган

бўлар эди, албатта»,— деб дарҳол мулоҳаза юритди у ва сўнгра деди:

— Хеч қачон бу ҳақда ўйламаган эдим:

— Ўйламаганмидингиз? Энди нимани ўйлаяпсиз?

Клим Иванович Самгин қўлларини ёнларига ёзди-да, бутунлай самимий бир тарзда деди:

— Бундай вазият офицерларнинг мардлиги ва қаҳрамонлигини икки чандон оширади. Ватанни мудофаа қилмоқ...

— Уқнинг бири қоқ пешанага, бири гарданга қадалиши шарти билан шундайми? Хўш? Шундайми ахир?

Самгин шивирлаб айтилган бу сўзларга жавобан чўзибгина:— Ҳа, шу-ундай,— деб жавоб берди.

Поручик Валерий Николаевич Петров диққат билан Самгиннинг юзига боқди, қўлларини унинг елкасига қўйди-да, кўнгли юмшаб деди:

— Келинг, бир ўпай, азизим!

Унинг қалингина лаблари Самгиннинг лабларига чиппа ёпишиб, шу қадар узоқ сўрдикки, Клим Ивановичнинг нафаси қайтаёзди,— поручикнинг калта қилиб қирқилган тиканакдек қаттиқ мўйлари юзига ботиб, унга озор берарди. Поручик чап қўлининг жимжилоғи билан кўз ёшларини арта-арта ҳиқиллаб кулар ва тамшана-тамшана дерди:

— Раҳмат, азизим! Аттанг, шунақа бўп қолди-да! Шунда ҳам менинг полким бешинчи йил инқилоби билан курашда ғоятда фаол қатнашди — тушуняпсизми?

У ўнг қўлида стакан ушлаб турар, қўли титраб, пивоси чайқала-чайқала тўкиларди. Самгин оёқларини стул остига яширар экан, пўртанадек отилаётган сўзларга қулоқ соларди.

— Лекин полковник ҳали Тамбовдаёқ биз офицерларга роталардаги калтак еган ва сиёсий жиҳатдан шубҳали одамларнинг сонини аниқлашни ва уларда биринчи галда разведка учун ва умуман, фойдаланишни маслаҳат берган эди,— тушунарлими? Бу, биласизми, ҳақиқий отахон — командирлар! Уруш тугагунга қадар унинг дивизия командири бўлиши турган гап.

Петров командир, унинг хотини, полк адъютанти тўғрисида роса гапни чўзди; кеч кириб қолди; очиқ деразадан пашшалар билан бирга алланечук ноаниқ садолар ичкари кириб турарди, аллақерда олисда оркестр «Кармен»ни ижро қилар, қўшни ҳовлидаги қалашиб ётган

бочкалар орқасида баджаҳл бир одам солдатларга қўшиқ айтишни ўргатар ва қаҳр-ғазаб билан бўкирарди:

— Эҳ, аҳмоқ! Оҳангга қулоқ сол! Бир, икки, сўл, сўл! Бошла — бир, икки!

Сўнгра чийиллаган ингичка овоз куйлай бошлади:

Ким ўлимга шай турса донм
Мустаҳиқдир ўша ҳаётга.

— Хор, бошла!

Хор «Полтава яқинида бўлган эди бу» оҳангини банд овоз билан, аммо ғализ ижро эта бошлади:

Православ рус жангчиси
Ёвни қирар беадад...
Жарангла, дей, мусиқа
Зафарлар ҳаққи!

— Бошқатдан, аҳмоқлар!

— Мен икки юз ўттиз одамни бошлаб бордим, шундан олтмиш икки киши омон қолди, — поручик ер тепиниб ҳикоя қиларди.

Самгин унинг гапларини эшитар экан, бу суҳбатнинг қачон ва нима билан тугашини тасаввур этишга ҳаракат қиларди.

— Юз саксон олти... ўн етти...— шу рақамлар унинг қулоғига эшитиларди. — Урушни биз, кичик офицерлар олиб боряпмиз. Бизни, дворянларни кўргани кўзи йўқ мужикларнинг олдида, сиз зиёлилар подшога, дворянларга ва худога қарши қўяётган ишчиларнинг олдида боряпмиз...

У худди бир оёғи бирдан калта бўлиб қолган одамдай гандираклади, пешанасини қаттиқ ишқалади, тамшана-тамшана ўйлади.

— Мен шахсан сизнинг ҳақингизда эмас, балки умуман, ҳарбий хизматда бўлмаганлар, зиёлилар хусусида гапиряпман. Амакимнинг қизи бир инқилобчига эрга теккан эди. Куёв кон-маъдан институтининг студенти, калласи бор бир йигит эди. Еттинчи йилда уни аллақайси гўрга... дунёнинг нариги бир чеккасига сургун қилишди. Менга қаранг: подшо ҳақида сиз нима дейсиз? Анави муттаҳам Распутин ҳақида, малика ҳақида-чи? Анави бемаза гапларнинг бари ростми?

— Қисман рост бўлса керак...

— Қисман, — деб тўнғиллади Петров. — Қисман дегагингиз кўпми, озми?

— Буни айтиш қийин.

Поручик Петров кушеткага ўтириб, қиличини қўлига олди, тигни ярмига қадар қинидан суғуриб, яна жойига солиб қўйди, пўлат ажойиб садо таратиб жаранглади, поручик яна бир бор шундай қилди, пўлат яна ҳам жаранглаб кетди, Петров қилични улоқтириб деди:

— Ҳар қалай одам зерикяпти. Карта ўйнайсизми? А-ҳа! Анави таъвия, терговчи ҳам ўйнайди. Хотини ҳам... юринг, уларнинг олдига, бизни ютишади улар.

Самгин бўйин товлашга ботинмади, унинг таклифини қайтаришга сабаб ҳам йўқ эди, — унинг ўзи ҳам зерикаётган эди. Аллавақтгача карта ўйнашди, аввал преферанс, кейин эса стуколка ўйнаб, зерикиб кетишди. Карта ўйнаб бўлгунларича терговчи фақат бир огиз гап айтди.

— Мен тушунмай қолдим: сен карта ўйнаяпсанми ёки карта сен билан ўйнаяптими?

— Вазиятнинг ўзи ҳам шунақа, — деб илова қилди поручик.

Сариқ хотин бир талай почта маркалари ва қоғоз пулларни ютиб олиб, хижолат билан кулимсираб деди:

— Бошқа ўйнолмайман.

— Ундай бўлса яна пиво келтир, — деди терговчи. Хотин кетди, улар «девятка» ўйнай бошлашди. Петров устмасу пиво ичар, аммо маст бўлмасди, фақат мингиллаб хиргойи қиларди.

Ким ўлимга шай турса доим...

Мустаҳиқдир ўша ҳаётга...

На ёғ эмас, на гўшт, на сув,—

Бемаъни бари!

Поручик ўринсиз таваккалчилик қилиб, совуққонлик билан ўйнар, кўп ютқизаётганди. Улар қизил ёғочдан ясалган оғир, қаттиқ мебель билан жиҳозланган хонанинг ўртасида ўтиришарди, китоб жавони устида Мицкевичнинг ганчдан ясалган боши шипга теккудек бўлиб қаққайиб турарди, гилам тўшалган кенг диваннинг устида Ян Собескийнинг Вена атрофини тасвир этган гравюраси осифлиқ эди. Боғчага қараган икки деразанинг бири очиқ эди, у ерда арғувон дарахтининг шох-шаббалари шовилламасдан сезилар-сезилмас ҳилпирар, аптекани эслатадиган ҳид ичкарига уфуриб турар, тунги қоронғилик аро ноаниқ [шитир-шитир?] овозлар йчкарига ўрмалади. Самгин «девятка» ўйнамади, у папирос чекиб, поручикнинг деярли қимир

этмаётган башарасини кузатар экан, унинг ҳужум чоғидаги ҳолатини тасаввур этишга ҳаракат қилаётганди: олдинда — немислар, орқада — мужиклар, у эса уларнинг орасида бир ўзи. Поручик Самгинда ғамгин фикрлар уйғотди.

«Икки ажал орасида танҳо ўзи, лекин тирик қолади».

— Айтинг-чи, — сўради у, — сиз ҳужумга бораётганингизда, рассомлар тасвир этгани каби қиличнингизни яланғочлаб оласизми?

— Яланғочлаганда қандоқ, албатта, яланғочлайман, — деб ғўлдиради поручик, пул санаётдиб. — Қиличимдир, қиличим, дами ўткир яроғим. Ҳужумга бормайман, югурман. Қичқираман. Қилични ҳавода силкитаман. Энг муҳими, қилични ўйнатиш керак, ҳаракат қилиш керак! Биласизми, бир кун мен окопда ажойиб бир сўз эшитдим, бир солдат иккинчи бир солдатга ваҳшиёна қичқариб: «Нима гап ўзи, тирик одамдай қимирлаяпсан, аҳмоқ?» — деди хумпар.

Поручик стулда тебрана-тебрана қаҳ-қаҳлаб кулди:

— Қисмат бон мо¹ми? Ҳа, ҳа! Шароит шунақа иш беради...

Терговчи ҳам унга қўшилиб, хахолаб кулиб:

— Банкага, — деди.

У банкани йиғиштириб олди.

Поручик Петров ўрнидан туриб, стол устида қўлларини қоқа-қоқа:

— Бўлди, тамом, — деди.

Сўнгра у тишлари орасидан секингина ҳуштак чалиб, диванга бориб ўтирди, эснай-эснай ёнбошлади.

Терговчи карталарни йиғиштираётди: — Икки ҳафтадан бери аҳволи шу, — деди шивирлаб. — Госпиталдан чиқиб дам оляпти. Яраланган ҳам контузия бўлган.

Петров хуррак ота бошлади.

— Уй эгаси шу ерлик, губерния бошқармасининг маслаҳатчиси бўлган ҳурматли бир кишининг ўғлидир. У онласини Волгага жўнатиб, уйини ҳарбий идорага қиммат баҳо билан ижарага қўйган. Урушдан омон чиқмайди у, негаки юраги хаста бўлиб қолган.

Поручикнинг ҳуштак билан хуррак отишида ваҳимали бир нарса бор эди, терговчининг шивирлаб гапириши бу ваҳимани яна ҳам орттираётганди.

¹ Бон мо — аччиқ сўз (французча — bon mot).

— Бу — Мицкевичнинг калласи, — деди у. — Хотиним полька.

Тонг ёришиб келаётганди. Самгин унга, эсон-омон ётиб туринг, деб ўз хонасига кетди-да, ечиниб ётар экан, ҳаддан ташқари гапга ишқибоз ва индамас одамлар ҳақида, душманлар қуршовида қолиб ўз бурчини қаҳрамонона ўтайдиган якка-ёлғиз кишилар ҳақида ўйлай-ўйлай толиқди, ўзи ҳақида эса ҳасрат-надомат билан, ўз таассуротларининг оғирлигини ҳеч андиша қилмай ва ҳатто бир нав ўч олиш ниятида бир-бирининг зиммасига юклайдиган кишилардан хафа бўлиб ўйларди. Клим Иванович Самгин ҳеч қачон ҳаётдан нолимасди, ҳар кимга кўнглини очавермасди, ҳамма билан сирлашавермасди ҳам. Ҳатто Марина Зотова билан ҳам сирлашмасди. Самгин аллазамон мудрай бошлаган эди, Петров ичкари кириб келганида эса у шовқин-сурон билан ҳай-ҳу қилиб эснади, сўнгра ечинди-да, ички кийимда иккала қўли билан жун босган кўкрагини қашилади.

— Ухлаётганмидингиз? — сўради Петров.

— Йўқ.

— Гап шу ерда қолсин, азизим, ҳаёт маъносиз бир нарса. Бутунлай маъносиз. Ҳар қанча либераллик қилмайлик, барибир. Ҳа, ҳа. Тунингиз хайрли бўлсин.

Самгин поручикнинг ҳаёт ҳақидаги гапидан ниҳоятда таажжубланиб:— Раҳмат, — деди секингина. Бу гап қаҳрамоннинг касби кори, кайфияти ва ташқи кўринишига сира монанд эмас эди, кутилмаганда айтилган бу гап шундай бир таассурот туғдирдики, гўё мис кўнғироқ урилган зарбадан ёғоч овози чиққандай бўлди. Клим Иванович кейинги вақтларда, баъзан чарчаган кезларида, иши ўнгидан келмаганида ҳаётнинг маъноси ноаниқлигидан нолиб қўярди, лекин бу нолиш шунчаки бир таънага ўхшаб кетарди, у Варвара билан жанжаллашганида унинг жиғига тегиш учун шундай қилгучи эди. Тагильский унинг ҳаётдаги роли ва ўрнини демократия тўғрисида вайсайдиган аристократнинг роли ва ўрни каби белгилаган пайтдан эътиборан Самгин ҳаётининг маъносиз эканлиги тўғрисида ортиқ жиддий ўйлай олмай қолган эди, албатта.

Поручик папирос чекиб, азалий одатича дам кўкрагини, дам кўкраги каби жун босган оёқларини роса қашир экан:

— Гапнинг пўскаллеси шуки, азизим, худо йўқ! — деб гўлдиради. — Тушуняпсизми, худо йўқ. На Вольтер фикрича ва на анави, отинг қурғур, ким эди ўзи, ўшанинг

фикрича ҳам. Э, падарига лаънат! Мен дейманки, мантиққа кўра ҳам, қандайдир исботларга кўра ҳам эмас, балки аслида, жисман, физиологик жиҳатдан ва яна нима десам экан, сезишимча, худо йўқ. Хуллас... Болалигимда менда шундай бир маҳкам ишонч пайдо бўлган эди: Нижний-Новгородда Минин — Пожарскийнинг машҳур ҳайкали бор. Москвада ҳам шундай ҳайкал бор, лекин энг зўри Нижнийдаги ҳайкал эди. Мен кадет корпусида ўқигани ўша ерга борсам, ҳайкал йўқ! Бор эди шекилли? Ҳеч қачон бўлмаган эмиш... Кўрдингизми, худо ҳам шунақа.

Темирларнинг тарақлашидан Самгин уйғониб кетганида поручик хонада йўқ эди. Тош кўчадан йўртиб тўп-замбараклар ўтиб бораётганди, бутхона қўнғироқларининг жаранг-журинги гўё темирларнинг тарақ-туруқи билан ким ўзар ўйнаётган эди, қўнғироқлар шу қадар қаттиқ зарб билан жаранглар эдики, гўё хонадаги ҳавони ларзага келтиргудек эди. Қаҳва ичиб ўтиришганида терговчи шаҳарда Петрограддан келган тўп-замбаракларнинг кўриги бўлаётганини айтди, черковлар эса якшанба бўлгани учун халойиқни кечки ибодатга чорлаётган экан.

— Хотиним костелга¹ кетди, — деди терговчи ҳеч жоиз бўлмаса-да, сўнгра у билармонлик билан йўқолган вагонларни бу ердан эмас, балки фронтга яқинроқ ерлардан ахтариш кераклигини айтди.

— Лекин у ердан ҳам тополмайсиз, — лоқайдлик билан илова қилди у. — Озиқ-овқатни кўз очиб-юмгунча гумдон қилишади, чайқовчилар, интендантлар, солдатлар, хуллас, ҳушига келган ҳамма ўғирлайди.

Шунга қарамай у ўзининг бирмунча мулоҳазаларини айтди, бу гапларга қараганда вагонларни Литвага олиб кетишган эди. Самгинга шундай туюлдики, терговчи унинг даф бўлишини хоҳлаяпти, бунинг сабаблари бор. Лекин терговчи дала жандармалари ротмистри бўлмиш қайнағасига мактуб бериб юбормоқчи эканини айтиб, Самгиннинг жўнаб кетишини пиширмоқчи бўлди.

— У сизга анча-мунча ёрдам бериши мумкин.

Иттифоқнинг иши билан боғлиқ бу биринчи сафар Самгинда хийла кўнгилсиз таассурот қолдирди, шундай бўлса-да, у фронтга яқинроқ ерга боришни ва иложи бўлса, солдатларни иш устида, жанг майдонида кўришни ўзининг бурчи деб ҳисоблади.

¹ Костел — поляк католик черкови. (Тарж.)

Мана у майда япроқларининг юз томони оч яшил ва тескари томони кумуш рангли азамат дарахт кўланкасида, қалашиб ётган эски шпаллар устида ўтирибди. Бутун борлиқ ҳаракатда бўлгани ҳолда бу аломат, енгилгина япроқлар сира қимир этмасди: хира осмон қўйнидаги қуёш ўнқир-чўнқир кенг сайҳонликка олов пуркаб, кўзни қамаштиргудек бўлиб эриб борарди. Сайҳонликни бир тарафдан темир йўл бўйидаги пастгина қум уюми, иккинчи тарафдан қалин чакалакзор тўсиб турарди, ҳали яқин-яқинларда ҳам чакалакзор қум уюмигача тақалган бўлиб, ундан бир талай баланд-паст тўнкалар сақланиб қолган, бу тўнкалар бутун сайҳонликда ҳар ер-ҳар ерда диккайиб кўзга ташланиб турарди.

Самгин турган ердан юз қадамча нарида қум уюмини сой кесиб ўтганди, катак-катак темир кўприк остидан шитоб билан оқаётган сой худди симобдек товланарди, эни у қадар кенг бўлмаган, таги ботқоқ бу сойнинг бир соҳилини қалин қамишзор ва қиёқ босган бўлиб, иккинчи соҳилидаги қумлоқни сув ювиб кетган, бу соҳилда солдатлар ювинишар, кезиб юришар ва сувда сузишар, отларини чўмилтиришарди, уч жойда тўрда балиқ тутишар, сойнинг илиққина ва мойли лойқаси билан кўкракларини, оёқларини, бир-бирларининг орқаларини ишқалашарди. Солдатлар тўнкалар ва дўнгликлардан ҳам кўп эди, улар шу қадар кўп эдики, борди-ю ерга ётишгудек бўлса, ер уларнинг остида кўринмай қолиб кетар эди. Бир ерда қум устида циркдагидек кураш борар, бошқа бир ерда баракнинг устини яшил шох-шаббалар билан ёпишар, олисда, ўрмонзорнинг этакроғида синчлардан ясалган баракни бузишаётганди. Чодирлар атрофига яшил ва куздан дарак берадиган қуруқ шох-шаббалар сочиб ташланганди, бу шох-шаббалар бир талай эди, улар нам тупроқда босилиб ётарди, тўнкалар билан дўнгликлар орасида шох-шаббалар тўшаб йўл солинган эди. Полк ошхоналарининг мўриларида тутун бурқсирди, гулханлар тутаб турарди. Самгин саккиз, сўнгра ўн бир гулханни санади-да, атрофда яна кичик-кичик гулханлар ҳам ёнаётганини кўриб, санамай қўйди, солдатлар бу гулханлар атрофида икки-учтадан бўлиб ўтиришиб, чой қайнатишарди. Оқ ва кул ранг кўйлак кийган бу солдатларнинг жуда кўпчилиги қип-яланғоч бўлиб олиб кийимларини ямашарди. Аксари солдатлар ўзларини четга олиб, танҳо кезишарди. Ердан вазмин ва секин кўтарилаётган тутун иссиқ рутубатли

ҳавога қоришиб кетар, кул ранг булут одамлар боши узра муаллақ осилиб турар, тутундан балчиқ ва инсон ахлати ҳиди анқирди. Одамлар қичқиришар, уларнинг англашилмас қичқириқлари ҳам бир-бирига қоришиб, мухталиф шовқиндан иборат бир нав булут ҳосил қилар, юриш вақтида айтиладиган солдат қўшиғи бир маромда тўлганар, қишлоқ нағмаси мунгли таралар, гармонлар қуруқ бир сасла чийиллар, болталар гурсиллар, кўзга кўринмаётган дўмбирачилар аллақерда машқ қилишар, тупроқ уюмидан ўттиз қадамча нарида солдатлар қалин давра олиб тўпланишганди, икки солдат даврага тушиб ўйнар, хор жон-жаҳди билан қадимий бир қўшиқни куйларди:

Қишлоқнинг эркаклари

Безбету чўчқа бари.

Эҳ,— бодрезак, вой,— хўжагат!

Қўл кесилур, тиш қоқилур,

Шоҳ хизматин инкор қилур,

Ҳеч ким бормас, истамаслар...

Эҳ,— бодрезак, вой,— хўжагат!

Хорга прапоршчик Харламов дирижёрлик қиларди. Самгин аввал у билан кўришиб гаплашганди. Аксилинқилобий адабиётни ҳавас билан ўқийдиган ва шубҳали, қалтислатифаларни ёқтирадиган Харламов жуда ориқлаб, ингичка тортиб қолган, ранги ноаниқ, соқоли ўсиб кетган, лекин унинг ҳазил-ҳузулга ва масхарабозчиликка аввалги ишқибозлиги йўқолмаганди.

Самгиннинг: аҳволингиз қалай?— деган саволига у: — Ватанпарварликни машқ қиляпман,— деб жавоб берди.

— Жанг қиляпсизми?

— Душман билан бевосита юзма-юз бўлганим йўқ. Узун, зах ҳандақда ўтириб олиб, аҳён-аҳёнда милтиқдан ўқ узиб қўямиз. Душман пулемётларни ва инсонни қиришга қўл келадиган бошқа даҳшатли қуроолларни афзал кўради. Найзобозлик қилиб, қўндоқ билан уриб, муштлашиб қаҳрамонона жанг қилишга унинг ҳам тоби йўқ.

У ана шу тахлитда масхараомиз ва тутуриқсиз оҳангда гапирар экан, мудом кўзларини пирпиратиб, лабларини ямлар эди. Лекин гоҳо унинг фельетоннамо сийқа гаплари орасида булар билан сира қовушмайдиган, бошқача оҳангдаги жумлалар ҳам эшитилиб қоларди.

— Менинг вазифам одамларга кўз-қулоқ бўлиб туриш-

ликдир, токи улар ўз бурчларини ҳалол адо этсинлар: маза-бемаза гаплар айтиб валдирамасинлар, лозим бўлганида ўт очсинлар, қочиб қолмасинлар.

— Қочишяптиямми?

— Қочганда қандоқ, яна бунинг учун отилажакларини била туриб.

Харламов илк дафъа Самгинга энди ўзини фронтга яқин йўлатмасликларини айтди.

— Фронтни текислаб олмоқлик учун қисмларни қайта группалаштиришяпти, сиз бунинг нима эканини тушунасиз, албатта. Менинг полким турган фронт участкаси орқага чекиняпти.

У қулочини ёзиб, солдатлар ғужғон ўйнаётган сайҳонликни кўрсатди.

— Бу орқа томон. Бу ерда дам олинади. Мен хизмат қилаётган батальон бу ерга нақ дам олгани юборилган, лекин кўриб турибманки, бошқа дам олувчилар билан биргаликда биз ҳам ботқоқликка чекинишимиз лозим бўлади.

Самгин: нега бунақа рутубатли, нобоп жой танланган?— деб сўради.

— Буни билмайман. Кўриб турганингиздек, уюмнинг нариги тарафи қумлоқ, у ер игна баргли дарахтлар ўсган ўрмонзор бўлган, ўрмонзорнинг омон қолган бўлаги орқасида Қизил Крестнинг лазаретларини ҳар хил хўжаликлари жойлашган. Соё бетига пушти докаларни, ярага босиладиган пилталарни ва умуман, жарроҳлар ишлатадиган баъзи бир хил нарсаларни кўриш мумкин эди, бироқ солдатлар ичадиган сувларнинг бунчалик булғатиб юборилишига қаттиқ норози бўлишди.

Харламов бир неча секунд индамай тургач, сўради:

— Сиз Антон Тагильский деган одамни танийсизми?

— Уни кўрганман.

— Ер билан Шаҳарлар уюшмасига унинг ҳам алоқаси борми? Билмайсизми? Ҳарбий кийим киймайди, озиқ-овқат масаласига қандайдир алоқаси бор ва умуман, махфий инспектордек бир одам ўзи. Ҳамма нарсадан хабардор, ҳар бир ишни ҳисоб-китоб қилиб юради.

— У рақамларга ишқибоз, — деди Самгин.

— Балли, худди шундай! Жуда ажойиб ва ақлли одам. Офицерларнинг унга тоби тоқати йўқ, ҳатто айтишадикки, унинг полиция департаменти билан алоқаси бор эмиш. Унинг солдатлар билан гаплашишига қараганда, унақа одамга ўхшамайди.

— Бунақа суҳбатларга йўл қўйиладими?

— Қанақа суҳбатларга?— гўллик қилиб сўради Харламов, лекин Клим Иванович бу ясама гўллик эканини пайқади.

— Граждан одамлар билан суҳбатлашишга деяпман.

— Нима ҳақда эканига қаралади, — деди кулимсираб Харламов. — Масалан: социализм ҳақида гаплаштиришмайди. Подшо ҳақида ҳам.

— Э, шунақа денг! У шулар ҳақида гаплашармиди?

— Йўқ, — зудлик билан жиддий эътироз этди Харламов. — Мен худди шу масалалар ҳақида деганим йўқ. У солдатларни қизиқтирадиган ҳаётнинг турли икир-чикирлари ҳақида суҳбатлашади.

— Офицерлар уни ёмон кўришадими?— сўради Самгин.

— Ҳа. Умуман, ҳарбий бўлмаганларни ёқтиришмагани каби.

— Лекин ҳаммани ҳам жосус деб шубҳа қилишавермайди, — деди лоқайдлик билан Самгин ва ўзи хоҳламагани ҳолда шундай лоқайдлик билан илова қилди:— мен уни прокурор ёрдамчиси бўлган вақтидан буён танийман.

— Шунақа денг!— пастгина овоз билан деди Харламов.

Шу суҳбатдан икки соат кейин Самгин Тагильскийнинг қандай ўлдирилганини кўрди. Самгин баракда — офицерларнинг емакхонасида чой ичиб ўтирарди. Бу узун баракда ўнтача одам бор эди, икки киши дераза ёнида ўтириб, муккадан кетиб шахмат ўйнардди, бир киши хат ёзар, дам-бадам шифтга боқиб кулимсираб қўярди, яна икки киши бир бурчакда ўтириб, расми журнал ва газеталарни кўздан кечирарди, бўйни ва кўкрагида орденлари бўлган семиз бир чол стол четида ўтириб қаҳва ичарди, қолганлар унинг ёнида ўтиришарди, шулардан бири, қора мўйловли, мушук башара бир киши шивирлаб бир нималар деб чолни кулди-рарди. Самгин ротмистр Рушчиц-Стрийский билан эндигина суҳбатлашиб бўлганди. Ротмистр шу қадар баҳайбат одам эдики, барзанги, зил-замбил бу одам минадиган отни киши кўз олдига келтира олмасди. Унинг сочлари қалин, жингалак ва оппоқ эди, қўй кўзлари кулчадек қирмизи юзига ярашиб турарди, қизил бурни билан қалин, қора мўйлови кумуш ранг ипда бежирим қилиб бир-бирига ча-тиб қўйилгандек эди. У Самгиннинг гапларини эшитиб бўлгач, йўғон, бўғиқ овозда мулойимлик ва илтифот билан деди:

— Э, отагинам, қўйинг, бу ишингизни! Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Бундан уч кунча аввал бўлсайди, балки яна... энди эса биз бир оз орқамизга қараб кетяпмиз, озиқ-овқат ортилган поездларни ҳар тарафга ҳайдаб кетишяпти, ҳамма нарса алғов-далғов, ўзимиз ҳам ҳеч нарсани тополмаймиз. Биласизми, ўқ-дориларни саранжом қилиш лозим. Баъзи нарсаларни куйдириш керакдир, балки.

Худди шу пайт Тагильский кириб келди. У очиқ эшикдан ичкари кириб, эшикни шу қадар қарсиллатиб ёпдики, баракнинг Самгиннинг орқасидаги юпқа девори қимирлаб кетди, деразалар қарсиллади, ойналар дириллади, лекин эшик тавақаси боягидай куч билан яна очилиб, Тагильскийнинг кетидан ўнг қўлида хивич ушлаган новчагина сариқ бир офицер кириб келди.

— Рухсат этинг, жавоб берай, — у баланд овоз билан қичқирди, офицер оёқларини шундай тапиллатдики, ҳатто емакхонадаги бўғиқ ғовур-ғувур ичида шпорининг жаранглагани ҳам эшитилиб кетди.

Тагильский ҳам стол четига ўтирар ва стол устидаги идиш-товоқларни бир чеккага сурар экан:— Мени тинч қўйинг, — деб қичқирди. Самгин унинг қўли қалтираётганини пайқади. Оппоқ соқолли, юзи салқиган, бўйни ва кўксида орденлари бўлган семиз офицер жиддият билан деди:

— Илтмос, шовқин солманглар! Нима гап ўзи?

Сариқ офицернинг башараси мурданики сингари аллақандай кўкиш тусда бўлиб, буришиб-тиришиб турарди, у гўё алам-ситадан кўзларини юммоқчи бўларди-ю, аммо кўзлари қинидан чиқиб кетгудек чақчайиб турарди.

— Кунни кеча бу жаноб, сибирлик мой қувловчилар японларга ёғ сотишяпти, ваҳоланки сотаётган ёғлари Германияга боражагини улар аввалдан билишади, деб бизга уқтираётганди, — деди у, хивич билан этиги қўнжини савалар экан. — Бугун эса у мен билан капитан Загульевни гуноҳсиз одамларни жазоладинглар, деб айблаб ўтирибди...

— Тўғри, — деб қичқирди Тагильский, стулда ирғишлаб. — Сиз армиядан қочганларни эмас, жинниларни отиб ўлдирдингиз.

— Жим бўлинг! — деди дарғазаблик билан семиз офицер. — Сизга ким ҳуқуқ берди...

— Бундай қочоқлар бу ерда ўнлаб топилади, ана юришибди! Улар беморлар. Ақлдан озганлар. Улар билишмайди, қаерга...

Фақат шахмат ўйнаётганлар ўтириб қолишди, қолган олти офицер секин-секин столга яқинлашиб, Тагильскийнинг рўпарасига, семиз офицернинг ёнига боришди. Самгин уларнинг бари хўмрайиб, зарда билан боқаётганларини пайқади, фақат бир киши тиш ковлэгич билан лоқайдгина тишини ковларди. Сарик офицер Тагильский билан ёнма-ён ундан анча баланд қад кериб турарди... Офицер бир нима деди. Тагильский бақриб жавоб берди:

— Тўғри. Мен юристман, нима гапиришни биламан. Гап бундай: руҳий хасталарнинг ўлдирилиши...

Офицер хивични силкитди, лекин Тагильский ўрнидан сапчиб, чийиллаган овоз билан: «Менга тақилманг!»— деди-да, бор кучи билан уни итариб юборди, офицер гандираклаб кетди, хивичи тапэтиб стол устига тушди, чол сакраб туриб, энтика-энтика қичқирди:

— Ротмистр Рушчиц...

Шу пайт ўқ узилди. Самгин Тагильскийнинг башараси сесканиб кетгани ва ранги қум ўчганини, сўнгра шилқэтиб стулга қулаганини ва стул билан бирга ерга йиқилганини ўз кўзи билан кўрди, ўқ узилганидан кейинги чўмган сукунатда стулнинг оёғи қирсиллаб сингани эшитилди. Сўнгра семиз офицер секингина деди:

— Э, капитан Вельяминов, сиз ҳамиша...

Сарик офицер тўппончани стол устига қўйди, қилич қайишини бўшатиб, қилични чиқарди-да, уни ҳам столга қўйди, сўнгра секингина Рушчицга деди:

— Хизматингизга тайёрман, ротмистр...

— Нега уни ушлаб қолмадингиз!— секингина, лекин аччиғи келиб сўради семиз офицер.

Рушчиц ҳам овозини пасайтириб:— Гуноҳқорман, — деди. У секин гапираётгани учун овози тагин ҳам бўғиқ эшитилаётгандек эди. Охирида Самгиннинг хотирасида қолган нарса, — Тагильскийнинг ғижим бўлиб кетган костюмдаги жасади-ю, стол остидаги боши, сарик башараси-ю, салгина чимирилган қошлари бўлди...

Самгинга, борди-ю, стулдан қўзғалса, у ҳам қулаб тушадигандай бўлиб туюлди.

Самгин ўзига-ўзи: «Одам ўлдирилишини биринчи дафъа кўраётганим йўқ»,— деб эслатса-да, лекин бу унга далда бермади ва у стол устига энгашиб, совиб қолган бемаза чойни хўплай-хўплай пастгина овозларга қулоқ соларди.

— Ҳарбий хизматда бўлмаганларни ҳарбий-дала судига тортиб бўладими?

— Нима бўлди ўзи сизга, дўстим? Хўш, олтинчи, еттинчи йилларда инқилобчиларни қандай суд қилишган эди...

— Ҳа, тўғри! Ёдимдан кўтарилибди.

— Энг муҳими, кўпчиликка маълум қилиш...

— Солдатлар...

Самгин икки офицернинг ёнида пайдо бўлиб қолганини пайқамай қолди, улардан бири деди:

— Генерал бошчилигида биз ҳаммамиз сиздан сўраймиз, бу қайғули воқеани овоза қилманг.

— Хўп. Тушуниб турибман.

Уларнинг иккиси ҳам барабар гапиришди:

— Жилла бўлмаса, бу ерда.

— Хусусан, паст даражадагилар орасида.

— Мен солдатлар билан алоқа қилмайман, — деди Самгин.

Офицерлардан бири мулойимлик билан:— Ўз жонига ўзи қасд қилди, деб қўя қолиш керак, — деб таклиф қилди, бошқа бир офицер эса:

— Бу кишини танирмидингиз? — деб сўради.

— Ҳа, танирдим.

— Ахир у сиз билан бир Уюшмадаמידиз?

— Яқиндан танирмидингиз?

— Йўқ, яқиндан танимасдим, — жавоб берди Самгин ва ғайри ихтиёрий бир тарзда илова қилди. — Бир ярим, икки йилча муқаддам у ҳақиқатан ҳам ўзини ўлдирмоқчи бўлган эди. Газеталарда ҳам ёзишганди.

Улардан бири пинҳоний қувонч билан:— Бу яхши гап! — деди, бошқа бири ҳам шундай бир оҳангда илова қилди:

— Жуда саз! Қайси газета, қачон ёзганини эслолмай-сизми?

— Йўқ, эслолмайман.

— Аттанг! Демак, сўз берасиз-а?

— Ҳа, сўз бераман, — деди Клим Иванович.

Сўнгра улардан бири оёқларини бир-бирига уриб:

— Соғ бўлинг, — деди.

Офицерларнинг бошқа бириси ҳам индамай оёқларини жуфтлади, сўнгра уларнинг ҳар иккиси жуда зудлик билан ўз столларига кетишди.

Самгин ўрнидан туриб, баракдан чиқди, темир йўл изи бўйлаб сўқмоқ йўлдан бораверди, станциядан бир ярим чақиримча йўл босгач, шпаллар устига ўтириб олиб сайхонликка ёйилган солдатларни томоша қилди. Сўнгра

Клим Иванович учун мушкул бир савол кўндаланг бўлди: асл қаҳрамон ким — поручик Петровми ёки Антон Тагильскийми?

Тагильскийнинг ўлдирилиши, яъни соппа-соғ, тирик одамнинг бир зумда қўрқинчли мурдага айланиши Самгиннинг ўтакасини ёрган ва ҳаяжонга солганди, лекин майхона ва фоҳишахона соҳиби ўғлининг ўлими эса унда ҳеч қандай раҳм-шафқат ва бирон-бир «эзгу ҳислар» тугдирмаганди. Клим Иванович Маринанинг қатли сабабли Тагильский билан бир неча соатлаб кўнгилсиз суҳбатлашганини яхши хотирлар эди.

«У ўша вақтда мен билан жуда шубҳали ва таҳқиромиз муомала қилган эди. У гирт найрангбоз эди, аммо омади келмаганди, унинг қаҳрамонлик даъво қилиб, бемаъни ўлим топгани тамомила табиий бир ҳолдир».

Самсонов армияси тор-мор бўлганидан кейин машҳур бир адабиётчининг уйда бўлган кичик йиғинда Тагильский айтган гаплари Самгиннинг ёдига тушди:

— Мен ҳар қандай ишчидан кўра кўпроқ пролетарлашган зиёдидирман. Ҳатто у қадар юксак техника малакасига эга бўлмаган ишчи ҳам фақат ўз жисмоний қувватининг соҳиби бўлиб қолмай, аynи вақтда ўзининг техника билимини ҳақиқий деб, фойдали бир нарса деб қадрлай оладиган инсондир. Мен юрист сифатида малака олганман, вазирам жамиятни, унинг социал-сиёсий қонун-қоидалари, мол-мулкни, унинг аъзолари ҳаётини суиқасдлардан ҳимоя қилишдир. Лекин шуни тасаввур қилингки, менда бу қонун-қоидаларни ҳимоя қилиш зарур, деган тушунча қолмади, шунга ишонингки, бу қонун-қоидаларнинг ўзимга душман эканини, улар мени расвойи жаҳон қилажагини сезмоқдаман.

— Ҳай, нима ҳам дедик? Демак, сиз — анархистсиз, — деди эътиборсизлик билан унинг суҳбатдоши Алексей Гогин; у бундан саккиз йил бурунгидек ҳали ҳам олифта эди, унинг шўх кўзлари ўша-ўша ёниб турарди, лекин кўз қарашларида такаббурлик, истеҳзо бор эди, чиройли, мулойим овозида ўзидан мамнунлик, қатъият сезиларди. Гогин анча тўлишган бўлиб, чиройли чимирилиб турган қошлари ялтилаган нозиккина башарасига алоҳида бир виқор бағишларди.

— Анархист бўлсам бордир, лекин бу назария билан, айтмоқчи, сийқа, ибтидоий ва ҳатто сохта бир назария билан таниш бўлганим учун эмас...

— Шунақами ҳали?— ишонинқирамай ҳайрон бўлди Гогин.

— Ҳа, шундай. Сиз ватанпарварсиз, мағлубиятчилик тарафдорларини қаттиқ қоралайсиз. Сизнинг аҳволингизни жуда яхши тушунаман. Сиз банкда ишлайсиз, келгусида директор ва ҳатто бўлгуси Россия республикасининг молия министри бўлишингиз мумкин. Сизнинг мудофаа қиладиган нарсангиз бор. Мен сизга, сизга маълумки, майхона соҳибининг ўғлиман. Сиз каби ёки шонли ватанимизнинг ҳар қандай бошқа граждани каби, шубҳасиз, мен яна бир майхона ёки фоҳишахона очишга ҳақим бор. Аммо мен ҳеч нарса очмоқчи эмасман. Мен жамиятдан тушиб қолган одамман,— тушуняпсизми? Жамиятдан тушиб қолганман.

— Гўдакнинг сут тиши кабими? Ёки бўлакчами?— сўради Гогин.

— Нима десангиз ихтиёр сизда,— деди ҳоргин ҳолда Тагильский, адабиётчи эса чиройли, аммо тўниқ юзидаги қошларини чимирганча билармон юдамдек пайгамбарона деди:

— Сўзларингиздан ажал даъвати эшитиляпти, сиз жонингизга қасд қилгани бораётибсиз.

Тагильский индамай елкаларини қисди.

«Йўқ, Тагильский қаҳрамон эмас, албатта,— деган фикрга келди Клим Иванович Самгин.— Унинг бу қилмиши умидсизлик натижаси эди. У ўзини ўлдирмоқчи бўлган эди, бундан ҳеч нарса чиқмади, шундай иш тутдики, ахри уни ўлдиришди... У ўзини авлодининг илк зиёлиси, деб атар эди. У зиёли одаммиди? Менинг кўз ўнгимда қанчадан-қанча одамлар ўлдирилган ўзи!»— деб хотирлади у ва бирмунча вақтгача тарозига солиб ўтирди: буну гурур биланми ёки фақат таажжуб ила хотирладими у?

«Мен кенг тажрибам билан фахрланишга ҳақлиман»,— деб ўйлади, сўнгра у юзларча одамларнинг бўз шарпаларининг тинимсиз гимираётган сайҳонликка боқди, бу одамларнинг бошлари узра аралаш-қуралаш шовқин-сурондан иборат булут тўлғаниб турарди. Бу маъносиз бесаранжомликка боқиб, унинг говур-ғувурига қулоқ солиб, айни вақтда ўз фикрлари, хотираларининг изтиробли домига тушиб ҳеч бир нарсани кўрмаслик ва эшитмаслик ҳам мумкин эди.

У шинель кийган, қўлида таёқ ушлаган новча бир солдатнинг қандай қилиб ёнига келиб қолганини ҳақиқатан кўрмади, солдат оҳиста сўради ундан:

— Уқиб беришга газетангиз йўқми, жаноблари?

Самгин шоша-пиша атрофига аланглади — атрофда ҳеч ким йўқ эди, лекин юз қадамча масофада яна уч солдат шошилмасдан кетиб борарди:

— Йўқ,— лоқайдгина жавоб берди Самгин.

Солдат ҳарсиллаб чуқур нафас олди ва таёқ билан чириллаган шпални титкилай-титкилай яна сўради:

— Сиз Ер ва Шаҳарлар уюшмасиданмисиз?

— Ҳа.

Самгин ўзининг ҳаддан ташқари калта жавоб берганини сезиб сўради:

— Яраланганмисиз?

— Бод қийнаяпти. Бод окопда ёмон азоб беради. Бу ерлар жуда зах, рутубатли. Ботқоқлик,— деб фўлдиради солдат ва яна савол берилишини бир оз кутиб турди, сўнгра таёқни ҳавода силкитиб, хайрихоҳлик билан деди:

— Боятдан бери сизга боқиб, танҳо ўзи ўтириб бизнинг пешанамиз шўрлиги тўғрисида қайғураётган киши ким бўлди экан, деб ўйлаяпман...

Самгин индамади. Солдат узундан-узоқ ва яна ҳам ҳарсиллаб чуқур нафас олди-да, таёғини ерга тираб нарига, станция тарафга кетди.

Солдат Самгинни аллақандай асабий бир ҳолатга солиб кетди, бу асабият гаройиб фикрларни ўт олдириб, тутатиб юборди:

«Бу ярим ваҳший, чаласавод одамлар қанчадан-қанча жуда қимматли кучларни, қайсар муаллимларни банд қилиб ётибди. Аслини олганда улар яшашимизга кўмаклашишдан кўра кўпроқ халақит беришади».

Клим Иванович миясининг қайси бир бўлаги билан ўйлаб, бу фикрларнинг ақлга тўғри келмайдиган кулгилан бир нарса эканини тушунар эди-ю, аммо уларни тиймас ва бу фикрлар миясида пилта ёхуд қуруқ чиринди каби тутаб, нон дўконининг таланиши, черков қўнғироғининг кўтарилишидан тортиб то Новгород станциясидаги соқолдор, сўлақмон тишли кишиларгача, ёғочлар, чалакамчатти кесилган тўнкалар ва оёқ остида босилиб-янчилиб ётган шох-шаббалар орасида бесаранжом юрган юзлаб солдатларгача — кўпдан-кўп шуларга ўхшаш манзараларни унинг эсига соларди.

Ҳалиги уч солдат тобора яқинлашиб келарди. Самгин ўрнидан турди-да, тезда бояги солдатнинг кетидан кетди, солдат бу басавлат одам менга етиб олмоқчи, деб

ўйлаб бўлса керак, тўхтаб кутиб турди. Клим Иванович буни кўриб қулай бир жойни кўзлаб, тупроқ уюми устидан пастга тушди-да, шаҳарга йўл олди. Тупроқ уюмининг бу тарафида табиат бир қадар хушманзара бўлиб, бу ер одамлар билан у қадар тиқилиб кетмаганди: чим ўсган тепалик бўйлаб буралиб-буралиб сой оқиб ўтар, тўп-тўп қайин дарахтлари далага кўрк бағишлар, у ер-бу ерда бронза рангли қарағайлар қад кўтариб турар, уларнинг қалин яшил шох-шаббалари остида оқ палаткалар, сариқ бараклар, устига брезент ёпиб тахлаб қўйилган яшиқлар, ҳамма ерда қизил крестлар, оқ халатли шафқат ҳамширалари кўзга ташланарди, кичкинагина ёғоч уйнинг деразаси остида бир руҳоний ўтирарди, унинг эгнидаги бинафша рангли жуббаси бу манзара ичидан кўзга жуда ёқимли шарпадек кўринарди. Станциядан шаҳарга томон кетган йўлга шағал ётқизилган бўлиб, у сой соҳили бўйлаб оқимнинг қаршисига қараб борар ва қалин бутазор орасида, ёхуд тўп-тўп бўлиб қалин ўсган қайинлар орасида кўринмай кетарди. Шаҳардан ярим чақирим масофада бутазор ичидан кўк кўйлак кийган, камар боғламаган бир солдат чиқиб келди, у елкасида узунгина, букилган темирни кўтариб келаётганди, унинг кетида Харламов келарди.

— Эшитдингизми?— деди Харламов шивирлаб ва ҳаяжон билан Самгинга.— Капитан Вельяминов Тагильскийни отиб ўлдирибди...

— Тасодифанми?— сўради Клим Иванович солдатнинг исқирт башарасига зимдан боқиб.

— Ҳа, йўқ! Олишиб қолишибди...

Солдат мўйловини қимирлатиб, билинар-билимас бошини сарак-сарак қилди.

Самгин ўз-ўзича: «Яков,— деб Москвани, бешинчи йилни, баррикадани хотирлади.— Ўртоқ Яков...»

Харламов эса кимдандир ўпкаланиб дерди:

— Тагильский тўғри айтди, армиядан қочганлар четда қолиб, беморларни ҳукм қилиб, отиб ўлдиришди, Вельяминов эса судья эди ўшанда.

— Бу воқеанинг бошида сиз ўзингиз... бормидингиз?— жиддият билан сўради Самгин.

Ўртоқ Яков ҳам Харламовдан сўради:

— Кетсам бўладими, жаноблари?

— Хўп, бор, боравер...

Яков йўлнинг у томонига ўтиб олди, елкасидаги узун

темир тебрана-тебрана гўё уни шошилтираётгандек эди. Харламов фуражкасини қўлига олиб, у билан юзини елпий-елпий, шошила-шошила маъюс гапирарди, у Самгин билган Харламовга ўхшамасди.

— Ҳар сафар тўп отилганда одамлар руҳан шикастланишади, қулоғи том битган одам боши оққан томонга кетаверади, баъзилар олисга кетиб қолади, уларни ушлаб олиб, қочоқсан, дейишади. У шўрлик эса ҳеч нарсани туншунмайди, ҳатто гапини эплаб гапиролмайди ҳам, бутунлай эс-ҳушидан айрилган!

Самгин, унинг гапларини тинглар экан, фикр юритди: у қатлнинг қандай содир бўлганини ошкор қилмасликка офицерларга сўз берган, аммо бу аллақачон ҳаммага маълум бўлибди, офицерлар буни ундан кўришлари мумкин энди.

У ғазабдан бўғилаётганини сезиб:— Сиз бу... солдатни кўпдан танийсизми?— деб сўради.

Харламов Самгиннинг бетига ҳайрат ва савол назари билан боқиб, Яковни аравалар, полк ошхоналари ва шу сингариларни ремонт қиладиган устахонага бош-қош бўлган слесарь сифатида танишлигини айтди.

— Жуда бамаъни, саводли одам! Нега сўраяпсиз ўзи?

— Тагильский воқеасини... унинг ҳузурда гапирётганингиз тўғри бўлдимикан?— сўради Самгин ва саволи у қадар яхши чиқмаганини ўша ондаёқ пайқаб қолди.

— Жуда хонаси келиб қолди!— хитоб қилди Харламов, кўзларини чақчайтириб.— Лекин буни у мендан аввалроқ билган эди, ўша ерда ишлайди ўзи.

Клим Иванович Самгин жуда жиддийт билан деди:

— Агар у аввалдан билган бўлса, унда... бошқа гап! Умуман олганда, ўйлайманки, бу мусибатли кунларда биз оддий аскарлар кўз ўнгида офицерларнинг обрўсини тўкмаслигимиз керак.

— Шу-нақа де-енг,— Харламов кулимсираб, шошилмасдан, чўзибгина деди.— Сиз мудрофаачимисиз?

— Ҳа,— дадиллик билан Самгин ва бундай деганига дарҳол пушаймон бўлди.

— Ундай бўлса, бу... ҳақиқатан бошқа гап!— деди Харламов, сўзларидаги истеҳзони яширмаган ҳолда.— Лекин бошқа бир гап бор: мен аниқ биламанки, 905-йилда капитан Вельяминов Псков полкида подпоручик бўлиб, Александровск шаҳар боғи ёнида халойиқни ўққа тутган полкка командирлик қилган. Псков полкининг ватан олди-

да яна бир тарихий хизмати бор: 831-йилда у поляк исёнчиларини тийиб қўйганди...

Клим Иванович Самгин унинг гапини шартта бўлиб сўради:

— Хўш, бу гапдан қандай маъно чиқади? Армияни ичдан бузиш керакми?

Харламов таажжубланиб кўзларини ўқрайтирди, дўнг бурунли башараси қип-қизариб кетди, у лабларини ялаганча бир неча сония индамай қолди, сўнгра ўзининг эски одатча майнабозчилик қила бошлади: оёғини ерга суркаб, истехзо билан кулимсираган эди, юзи хунукдан-хунук чўзилди ва у таъзим бажо қилиб деди:

— Вақтингизни олмоқчи эмасман!

Сўнгра у кескин бир ҳаракат билан Самгинга орқасини ўгириб, ундан узоқлашди.

Самгин индамай уни кузатар экан, дилидан ўтказди: «Сурбет. Масхарабоз. Оперетта масхарабози. Нигилист, албатта. Анархист ҳам».

У папирос ёндириб, шошилганча кетиб бораётган одамнинг орқасидан қараб қолди ва «давлат душман зарбаларидан тор-мор бўлиш хавфи остида қолган ва ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, душман қаршисида енгилмас метин девор бўлиб туриши лозим бўлган» бир пайтда,— ана шу даҳшатли кунларда манави олифта каби, Яковлар, дурадгор Осип ёки Тагильский каби масъулият сезмайдиган кишилар жамоат орасида зарарли фикрлар, ғояларни тарқатиб юриши тўғрисида ўйлади. Ротмистр Рушчиц-Стрийскийни эса олиш ҳам тамомила ўринли эди-ю, аммо шу пайт Клим Иванович ўзини таҳликада қолган сезиб чўчиб кетди.

У, бирмунча вақтдан буён, ҳаёт менинг зидимга юра бошлади, дейиши мумкин эди. Ҳаёт қопни силкитгандай уни силкитиб, у кўрган ва хотирасида қолган нарсаларнинг ҳаммасини бир-бирига қориштириб хилма-хил, поймапой ва чалкаш-чулкаш бир ҳолга келтириб қўйганди. Ҳаёт тажрибаларининг пароканда эканлигини, бу тажрибаларда фикр билан мақсадни бирлаштирадиган бир нарса йўқлигини у тўсатдан бирпасгина, бир соат, ҳатто ўн дақиқагина туйиб ташвишланди, бу туйғу замирида эса ҳаётнинг маъносизлиги пинҳон эди. Бир кўп нарсалар кераксиз, ҳатто бутунлай маъносиз туюлиб, маҳкамроқ ва равшанроқ бошқа бир нарсанинг бунёд бўлишига моне бўларди. Клим Иванович Самгин буни

қатъий муайянлаштиришдан қочар, лекин бу янги, равшан нарса унга тамомила ёт бўлган кайфиятни талаб этишлигини, у ҳали молик бўлмаган қатъиятни талаб этишлигини англади. Самгин шуни тушунардики, унинг Харламов билан Яков тўғрисида ротмистр Рушчиц-Стрийскийга хабар қилишни тўсатдан ният қилиб қолганлиги Тагильскийнинг прокурор ёрдамчиси бўлганлигини Харламовга маълум қилишидан у қадар фарқ қилмас эди. Бу хилдаги ўткинчи ниятлар унда тобора тез-тез туғилаётганди, буларнинг сабаби унинг маълум одамни хуш кўрмаслигида эмас эди, буларнинг бошқа бир сабаби бўлиши керак эди. Бу сабаб нимадан иборат эканини Клим Иванович билмасди, негаки уни излашдан чўчир эди у.

Бир тўп ёш қайинлар соясида деҳқон аравасига қўшилган оёқлари узун, бели букчайган, бир вақтлар жуни оқ бўлган, бироқ устига чанг ўтиравериб, ранги бўзарган ва сарғиш доғ бўлиб кетган от каттакон, суякдор калласини мажолсиз ерга эгиб турарди, унинг ич-ичига тушиб кетган ёш тўла кўзлари хирагина порларди.

Самгин тўхтаб бу махлуқнинг кулгили, аммо аянчли гавдасини томоша қилар экан, Л. Толстойнинг «Холстомер», Куприннинг «Зумрад» асарларини хотирлади ва дастлабки поезд биланоқ бу ердан жўнаб кетсам яхши бўларди, деган қарорга келиб қўйди.

«Офицерлар Тагильский воқеасининг овоза бўлиб кетганини, ҳойнаҳой, мендан кўрсалар керак...»

От каби кулгили алфоздаги бир чол қайин дарахтлари орқасидан оҳиста чиқиб келди: у новча, бели букчайган, эгнидаги бўз кўйлаги чанг ўтиравериб кул ранг бўлиб кетганди, занглаган темир рангли яланг оёқларига деярли тиззасига қадар шунақа бўз пайтава ўраганди. Унинг бўз рангли қалин ва ажабтовур тик ўсган соқоли худди ипга ўхшаб юзидан пастга осилиб турар, оқиш қошлари остида кўзлари кўринмай қолганди ҳисоб. У қўлидаги катта трубкини Самгинга кўрсатиб туриб, гўё истар-истамас, шошилмасдан ва секингина гапирди:

— Гугуртингиз борми, жаноблари?

У гугурт қутисини Самгиннинг қўлидан олиб, икки гугурт билан трубкини яхшилаб ёндирди-да, қутини шимнинг чўнтагига солди.

— Гугуртни қайтаринг, — таклиф қилди Самгин, — чол гугурт чўнтагимдами-йўқми, деб шимини пайпаслаб кўрди, сўнгра бошини ирғаб:

— Менга бера қолинг,— деди.

У Самгинни бошидан-оёғигача кўздан кечириб, тўсатдан деди:

— Бу урушдан ҳеч нарса чиқмайди... ҳеч нарса. Мана, бизнинг Кўҳна Ясенда ғалла эккандик, ҳаммасини ёндириб кул қилишди, Халомерида ҳам, Удройда ҳам ҳаммасини ёндиришди! Немиснинг қўлига тушмасин деб. Эркагу хотиннинг кўзида ёш. Йиғлайвергандан нима фойда? Кўз ёши билан ўтни ўчириб бўлармиши.

Чол ўйчан гапирар экан, Самгиннинг оёқ остига боқарди, сўзлари аччиқ, яшил тутунга бурканаётганди.

— Дарахт қирққанлари қирққан. Шундай аямай қирқишадики, гўё энди бу томонларда юз йилгача одам боласи яшамайдигандек. Ерга озор беришяпти, жаноблари! Одамларни ўлдиришяпти, ерга озор беришяпти. Буни нима деса бўлади, билмайман.

Чолга бир нима дейиш керак эди, шунинг учун Самгин сўради ундан:

— Бу ерда нима қиляпсиз?

— Яраддорларга похол ташияпман. Ҳозир хотинимнинг келишини кутяпман, у пул оляпти... Аслида энди пулнинг кераги ҳам йўқ... Ёмон кунларга қолдик, жаноблари. Улар бўлсак ўлдик...

— Сабр керак,— тадбиркорлик билан маслаҳат берди Самгин. Ҳаммага ҳам осон эмас,— жиддийат билан илова қилди у, сўнгра ишонч билан гапини тугатди.— Тезда бу можаролар тугаб, яна бамайлихотир кунимизни кўрамиз...

У бармоғи учини фуражкасига сал тегизиб узоқлашди ва кимгадир жаҳл билан эътироз билдирди:

«Саводсиз одамлар фикр-мулоҳаза юрита бошлаганларидан мамлакат манфаат кўрмаса керак».

Самгин шошилганча борарди, у орқасига ўгирилиб, чолга бир қараб қўймоқчи бўлди-ю, аммо чол орқасидан эргашиб келишидан хавотирланиб, қарамай қўя қолди. Фикрлар ҳам бир-бирини қувалаб, шошилинич пайдо бўлиб яна ғойиб бўларди.

«Харламов саводсиз одамлар фикр-мулоҳаза юритишларининг пайида бўлса керак. Нима ниятда бундай қилди у?»

«... Деҳқонлар билан ишчиларни сиёсий фикр юритишга мажбур қилиш майли шуҳратпарастларнинг умидсизлигидан келиб чиқадиган бир ҳаракат. Бир довни ютқазиб, қаримта олмоқчи бўладилар».

Орадан бир соатдан сўнг Самгин санитар поездида борарди, у вагон эшиги олдида туриб, далаларда оқариб кўринган палаткаларни томоша қиларди. У ўзини жуда ёмон ҳис этар, асабий тўлғоқ уни жуда бўшаштириб қўйганди, қорни қулдираб, қулоқлари аллақандай ғувиллар, Тагильскийнинг ғалати бир тарзда сесканган башараси кўз олдидан кетмасди, Харламов тўғрисидаги хотиралар эса уни асабийлаштираётганди. Пировардида Самгиннинг ичи бузилди, у, ичбуруғ бўлиб қолмасам эди, деб хавотирланди, қайси бир ҳам станциядаги темир йўл касалхонасида беш кун ётиб чиқди: Петроградга қайтгач эса, бир неча ҳафтагача уйдан ташқарига чиқмади.

Унгидан келмаган фронт сафарлари унда соқолдор солдатлар, дурадгорлар, яҳудийларга нисбатан пинҳоний бир ғижиниш пайдо қилганди. Бу ғижинишда, одамлар ҳарбий кийимдами ёки бўз ва сатин кийимдами бўлмасин, уларга нисбатан адоват бор эди. Авваллари у яҳудийларга нисбатан лоқайд эди, Бейлис иши унинг учун мамлакатнинг обрўсини тўкадиган иш эди, мамлакат қиёфасини эса унинг зиёлилари белгиларди. Самгин шунга амин эдики, ҳукуматнинг яҳудийларга қарши сиёсатига унинг муносабати аксар зиёлиларникига ўхшаш бўлиб, бу тўғри муносабатдир. Лекин фронтдан яҳудийларга қарши ваҳшиёна нафратнинг заҳарли тўлқини бостириб келганида, у ўйлаб қолди:

«Дарвоқе, яҳудийлар бизда нима учун бу қадар кўзга кўринарли ўринни ишғол қиладилар?.. Нима учун татарлар ёки грузинлар билан арманлар бундай эмас?»

У грузинлар билан арманларнинг армияда хизмат қилишларини, генерал даражасигача кўтарилишларини хотирлади. Бизда яҳудийлардан битта ҳам генерал йўқ, Англияда бўлса яҳудийлар кўпинча лорд ҳам бўладилар, ҳатто Ҳиндистоннинг вице-қиролларидан бири яҳудий бўлган.

Яҳудий халқи Исо сиймосида бутун Европа эътиқод қиладиган ва католик черковини бутун дунёга ёяётган бир диннинг асосчисидир. Яҳудий халқи Карл Маркс сиймосида ер юзида капитал билан меҳнат манфаатлари муросасиз эканлиги тўғрисидаги, синфий нафратнинг муқаррар равишда ўсиб бориши, социал-революцион ҳалокатнинг олдини олиб бўлмаслиги тўғрисидаги қақшатқич таълимотни ёймоқда.

«Ахир яҳудийларга қарши сиёсатнинг манбалари масаласи ғоятда мавҳум масала, лекин уни ҳал этиш менинг вазифам эмас. Умуман олганда, шахснинг ижтимоий бурчи нима демак, бу бурч нимадан бошланади-ю, нима билан тугайди?»

У ўзини Петроградда ўз уйидагидек ҳис қиларди, Петроградда ҳаёт тобора шиддаткор, беҳаловат қайнарди, инсон эҳтирослари, хусусан бойлик орттириш эҳтироси кўпириб-тошарди. Чамаси вино ичиб эмас, балки ўз муваффақиятларидан сархуш бўлган Иван Дронов ана шу кўпик ичида сузар, шўнғир ва умбалоқ ошарди. Бир неча ой бўлибдики, Самгин у билан кўришмас, ҳатто уни эсламас ҳам эди, лекин бир куни Грановск театри фойесидан танаффус вақтида Дронов унга тўқнаш келиб, тирсагидан ушлаб, қўлини маҳкам силкитар экан, хушнуд кўзлари билан Самгиннинг кўзойнаги остидан боқиб, оғзидан вино ҳиди гуркираб, кўришганидан хурсанд эканини шоша-пиша билдирди, Петрозаводскдан эрталаб келгани, Мурманск темир йўлига мол етказиб бераётганини айтди.

— Тўрт киши ишлаймиз: Ногайцев, инженер Попов, — у сени танийди. Заусайлов, у ҳам инженер, балки эшитгандирсан, «Заусайлов билан Поповнинг техника контораси» деганини. Қиёмат одамлар! Биласанми, булар саноат зиёлилари, хушчақчақ одамлар! Сен ҳали ҳам Ер ва Шаҳарлар уюшмасидамисан? Хўш, фронтда аҳвол қалай, а? Менга қара, юр, овқатланамиз. Бир отамлашамиз, хўпми?

Дронов ичган эди. У сочини, мўйловини олдиргани, қип-қизил юзи шишиб, кўпчиб турарди, бурни йўқдек кўринмай қолгани, қалин, гўштдор лаблари чўччайиб, тамшаниб, оғзидаги тилла тишларини худди чайналмаган, ютилмаган овқатдек кўрсатиб турарди. Малла қошлари остидаги ўйноқи, гилайроқ кўзлари олазарак бўлиб бежо порларди. У билан суҳбатлашиш мароқли эди. Улар «Европа» меҳмонхонасига йўл олишди. У ер тиқин, қийчув эди, яхши кийинган чиройли хотинлар кўп эди, кичкина торли оркестр чалиб турар, икки жуфт одам столлар орасида ўралашар, уларнинг танца тушаётганини дарҳол англаб бўлмасди. Подшо Пётрга ўхшашлиги туфайли Мис Чавандоз деб ном олган Дума депутати Валяй — Марков эстрада ёнида қўлида қадаҳ тутиб турарди, у бармоғи билан елкаси устидаги ҳавонж ёриб, бир нима дер, лекин унинг сўзлари қолиб, Марковнинг ёнида турган ушоққина одамнинг овози эшитилаётгани.

— Биз моддий маданиятга нафрат билан қарардик,— деб қичқирарди ушоққина киши, гўё у Марковнинг унсиз сўзларини такрорлаётгандай эди.— Жаҳон адабиёти, анархизм назариялари, мисли йўқ гўзал балет яратмоқ, шеър битмоқ, бомба ташламоқ бизни кўпроқ завқлантирарди. Қандай яшашни билмаганимиз ҳолда вақти хушлик қилишни ўргандик... Террорни ҳам ана шу вақти хушлик қаторига киритдик...

— Гапираётган киши Шульгин бўлса керак,— деб гўлдиради сабри чидамай Дронов.— Ақлли одам дейишди уни... Хўш, бизнинг замонимизда ақлли бўлиш нима деган гап! Гап шунда!

— Биз бутун бир аср мустабид ҳокимиятга қарши кураш олиб бордик,— деб қичқирди кимдир маст овоз билан, сағрини йўқдек бели ҳаддан ташқари узун хотин эса билар-билмас бир шеърни такрорлаб бақирарди:

Россиянинг бахти қаро фарзандларимиз,
Гунг, қар замон оғушида туғилганмиз биз...

Шу орада Бердниковнинг Самгинга таниш баланд, ингичка овози қулоғига чатишди.

— Э, шу ҳам шеър бўптими, бемаза бир нарса-ку!— дерди у, кимнидир унатмоқчи бўлиб ва тасалли бериб.— Бизда бир дивизия бор, отини «қочиш жамияти» қўйилган, чунки мудом немислардан қочгани қочган. Ҳа, йўқ, бунинг нимаси бўҳтон? Ҳарбийлардан сўранг,— улар ҳам тасдиқлашади бу гапни.

— Мана бу бўрининг ўзгинаси!— деди эҳтиром билан Дронов.— Бердников бу, донғи кетган, уччига чиққан жиноятчи, лекин худо ақлдан берган унга. Министрлар ҳам у билан ҳисоблашишади.

Самгин столга энгашиб, елкаларини кўтарганча қулоқ соларди.

— Хўш, нима истайсиз? Урушнинг дастлабки куниданоқ бутун бир армияни ботқоқликка ҳайдаб бориб, немисларга асирга туширдигиз. Милтиқ етишмайди, замбараклар йўқ, аэропланлар... Солдатлар буларнинг ҳаммасини биздан кўра яхши билишади...

— Таклиф қиламан, бу қабиҳ гапларни бас қилинг,— дарғазаб бўлиб ўшқирди Марков.

— Э, шундайми, хўп бўлади,— рози бўлди Бердников, Самгин сўл томонга кўз қирини ташлаб кўрдик, Бердни-

ков юмшоққина юзида мулойим табассум билан бошини тик тутиб, ёстиқдек қорнини бемалол кўтариб, столлар орасидан ўтиб бормоқда.

Узун бурма бел камзул кийган қора соқолли новча киши одамларнинг калласи оша Марковга бақриб гапирди:

— Ҳақиқатни билиш лозим! Солдатлар шуни билишадими, бир немисни ўлдираман, деб уч кишидан айриляпмиз...

— Ёлғон!

Дронов хўрсиниб нафас олиб:— Асабийлашмоқда,— деди.— Бердниковни кўряпсанми хотиржамлигини? Чунки тўрт миллион этик керак, бутун тери эса унинг қўлида. Мен бундай одамларни кўргани кўзим йўқ, аммо ҳурмат қиламан. Сендақаларни эса, яхши кўраману, лекин ҳурмат қилмайман. Мисоли хотинлар каби. Хафа бўлма, мен ўзимни ҳам ҳурмат қилмайман.

Самгин унинг ялпайиб кетган юзига хўмрайиб қараб қўйди-да, бир узиб олмоқчи бўлди-ю, аммо бунинг ўрнига сўраб қўя қолди:

— Айтгандай, Тося қаерда?

— Ҳар нечук Тосяни ҳурмат қиламан. Хотинлар ичида фақат уни. Яқинда унинг олдидан бир одам келувди, хат бериб юборибди, ўзининг 130 сўм пулини шу одамга беришимни ёзибди. Мен 300 сўм бердим унга. Пулим сероб. Юборган одами... тўнканинг ўзи. Қуруқ, совуққина одам. Бир кеча меникида тунаб қолди. Илгарилари ҳам Тосянинг ёнига келиб турарди. Фамилияси алланечук — Тирковми, Толчковми...

Самгин беихтиёр унинг хатосини тузатиб:— Поярков.— деди.

— Бўлса бордир. Тося уни мендан яширарди. Мен ҳатто, эски жазмани бўлса керак, деб ўйлардим уни. Лекин совуққина одам ўзи. Протопоп Аввакум.

Самгин ҳар вақтдагидек одамларнинг гапига — ҳикматлар манбаига диққат билан қулоқ соларди. Одамлар сийраклашиб, бўшаб қолган залда уч жуфт одам танца қиларди, гарчи скрипка билан виолончель ғарибона бир мунг билан нохуш нола қилаётган бўлса-да, одамларнинг овози тобора кучли ва жўшқин эшитилаётганди.

Самгин орқаси белига қадар очиқ новчагина, нозик баданли бир аёлнинг ўнг ёқ юзи қора нарса билан боғланган офицернинг қўлларидан ноз-карашма билан жил-

пангланаётганини кузатар ва айни замонда ўз одатича одамларнинг узук-юлуқ ҳикматли гапларини териб ўтирарди. У аллазамон шундай фикрга келиб қўйган эдики, бевосита ўз манбаидан — одамлар оғзидан эшитилган доно гаплар китоб ва газеталарда ёзиладиган фикрлардан кўра ҳаққоний, самимий бўлади. У, маст одамларнинг доно гаплари айниқса самимий бўлади, деб ўйлашга ҳақли эди, кейинги вақтларда эса унга ҳамма одамлар сархушдек туюларди.

Сийрак, лекин мушукники сингари узун мўйловли, қирғий бурни устида пенсени ликиллаб турган, юзи кулчадеккина, ушоққина бир киши:— Жаноблар!— деб қичқирди.— Жаноблар,— у янада ишонарли қилиб титроқ ингичка овоз билан хитоб қилди.— Биз касалликнинг сабабини ахтариб, уни бир аломатда кўряпмиз, ҳамма гап Распутинда деяпмиз! Бу ахир кулгили-ку, жаноблар, кулгили бир нарса! Распутин — кичкина бир ҳуснбузар, ҳужайраларнинг арзимаган шамоллаши, холос.

— Бу — бадбинликдир!

— Эшитяпсанми?— сўради Дронов. Клим Иванович тасдиқлаб бош ирғади.

— Биз икки нарсадан бирини танлаб олишимиз керак: ё сепарат сулҳ, ёки армиянинг бутуилай тор-мор бўлиши ва инқилоб, деҳқонлар инқилоби, пугачёвчилик!— деди нотик, овозини пасайтириб. Дарҳол икки киши унга ўшқирди:

— Лекин биласизми, сулҳ...

— Бу аблаҳлик!

Дронов ишшайиб яна:— Асабийлашишмоқда,— дедида, стакандаги винони қалин лабларига олиб борди.— Биласанми, кўплар инқилоб бўлади, деган фикрда! Бу бор гап. Ногайцев ҳатто Норвегияга бориб келди, ҳар эҳтимолга қарши у ерда уй сотиб олди. Сен нима деб ўйлайсан: инқилоб бўлиши мумкинми?

— Йўқ,— жиддий ва кескин жавоб берди Самгин ва:— Халақит берма, эшитай.

— Мен, оғайни, инқилоб учун ичаман,— деб ғўлдиради Дронов.— У ҳамма нарсани ҳал этади. Бутун чалкашликлар ҳам бўлади... Шахсий масалалар ҳам, умумий масалалар ҳам...

Новча хоним ушоққина нотикқа яқин келиб, қўлини унинг елкасига тиради-да, чиройликкина букилиб, унинг қулоғига бир нима деб шивирлади, нотик хотинни қўл-

тиқлаб олиб, офицер томонга йўл олди. Дронов унинг орқасидан қараб қолганча Самгинга кўз қисиб:— Юр, қизларнинг олдига борайлик,— деб таклиф қилди.

Самгин кўнмади, у Еленаникида тунаб қолди, шу кеча-кундузда содир бўлаётган воқеалардан хафа ва толиққан хилма-хил кишилар деярли ҳар оқшом бу ерда тўпланишиб қий-чув қилиб ўтиришарди.

Гам-русса билан:— Ўлар бўлсак ўлдик, қачон қутуламиз ўзи бу урушдан?— дегучилар кундан-кунга кўпайиб бораётганди.

Ногайцев ўртада айлана-айлана, ҳаммага кулимсирар, ялтоқланар ва бошқаларга қўшилиб дерди:

— Ҳа, ҳа! Замбараклар узоқда отиляпти-ку, урушнинг охири кўринмайди. Мана буни немис техникаси дейдилар!

Ногайцев ҳаммага тасалли беришга ҳаракат қилса, при-ват-доцент Пильников ваҳима соларди. Пильников фронтда солдатлар мактубини кўздан кечирадиган цензор бўлиб хизмат қиларди, бу ерга кўричагини операция қилдиргани келганди, бир ойча касалхонада ётиб, жуда ориқлаб кетганди, тақводор одамлар каби оч малла соқол қўйганди, унинг юмшоққина юзи қотиб чандирдек бўлиб қолган, кўзлари керилиб, аллақандай маъюслик, гамгинлик тўниб қолганди унда. У жим қолганида, жағларини маҳкам қисарди-да, соқоли қулоқлари атрофида тинимсиз, ёқимсиз бир тарзда қимирлаб турарди, аммо унинг гапирмай турган вақти кам бўларди, гапиришни яхши кўрарди у.

— Солдатнинг қишлоққа ёзадиган мактуби, қишлоқдан фронтга борадиган мактуб нима бўлишини сиз тасаввур қила олмайсиз,— дерди у сирли бир гап айтаётгандай паст овоз билан. Унинг гапини тинглаётган бадқовоқ профессор-зоолог Еленага хўмрайиб, шунчалик ҳайрат билан боқардики, худди ҳайвонлар орасида унинг ўрнини белгилашга қийналаётгандек кўринарди. Бу ерда Самгин танийдиган яна икки киши бор эди, буларнинг бири попларни-кига ўхшаш узундан-узоқ фамилияли, орденли, тепакал, озодагина чол, иккинчиси эса Суворин театрининг актрисаси, таннозгина бир хоним эди.

— Фронтдаги аҳвол тўғрисида ёзиш тақиқланган, албатта, шу сабабли мактублар тахминан бундай бўлади: уларнинг кўпчилигида уруш ҳақида бир оғиз гап бўлмайди, гўё бу мактубларнинг муаллифлари урушда қатнаш-

маётгандек, қолганлар шундай ёзишадик, уларнинг мактублари йўқ қилиб ташланади...

Юзи узунчоқ ва тишлари эгри-бугри Ер ва Шаҳарлар уюшмасининг аъзоси кўзларини қисганча дадил сўради: — Баъзи хатлар ҳойнаҳой, прокуратурага юборилса, керак-а, шундайми?

— Ҳа, шундай ҳам қилинади,— тасдиқлади Пильников ва овозини тагин ҳам пасайтириб, гапини давом эттирди:

— Жаноблар, халқимизнинг турган-битгани даҳшат! Унинг мамлакат тақдирига лоқайдлик билан қараши, қишлоққа, ерга маҳкам боғланиб қолганлиги, баринга, яъни маданий одамга нисбатан ҳайвоний, тийиб бўлмас душманчилиги даҳшатли бир нарса. Германпарастлар, мағлубият тарафдорлари, большевиклар, э цетера¹, э цетера ана шу душманчиликдан фойдаланадилар, албатта, аллазамон фойдаланмоқдалар ҳам...

Пильников пиджагининг чўнтагидан дафтарчасини олди-да, уни ҳаммага кўрсатар экан, солдат мактубларидан намуна ўқиб беришга рухсат сўради.

Чол ингичка овозда жуда хайрихоҳлик билан:— Уқинг, ўқинг,— деди.

Пильников:— «Егор амакини каторгага жўнатишди, ажаб бўлди, лекин мол-мулки мусодара қилинганда, сен зинҳор гафлатда қолма»,— деб ўқир экан, мактубда нуқтадан бўлак тиниш белгилари йўқлиги тўғрисида огоҳлантириб ўтди.

— «Василий бободан мерос олмоқ учун ҳаракат қилиб қол, унинг кўзи очиқлигида, алдаб-сулдаб ишга сол, Сашка бирор нарсани ўмариб қолмасин тагин, кўз-қулоқ бўлиб тур. Болаларнинг ҳар иккиси қазо қилган бўлса, бунга биз айбдор эмасмиз, худо ўзи берган эди, ўзи олди уларни, сан авваламбор тегирмонни қўлдан чиқарма ва кузгача парраklarини тузатиб ол, ammo юпқа тахта эмас, бўз қопла унга. Асирни кўз очиргани қўйма, ким айтибди унга асир тушсин деб, ишласин итвачча, шайтоннинг сўзига кирмаса, бостириб келармиди устимизга». Мана, кўрдингларми!— деди Пильников ва дафтарчани яна ҳавода силкитди.

Чол елкаларини қисиб:— Ҳайронман, нега бунча ташвиш чекасиэ,— деди.— Буни иш кўзини биладиган, режаликкина мужик ёзган.

¹ Ва ҳоказо (лотинча — et cetera сўзидан).

— Ҳам соддадилгина одам,— деб унинг сўзини тасдиқлади Елена, бошқалар пайт пойлаб индамай туришди, Пильников эса стулда ирғишлаб, хомушгина кулимсираб қўйди.

— Буни ёзган киши дала ошхонасида ошпазлик қилади. Мана, бошқа бир оддий солдатнинг ҳам мактуби бор,— деди у ва мактубни баланд овоз билан ўқий бошлади:

— «Уруш чўзиляпти, биз мудом тисарилиб ётибмиз, бунинг оқибати нима бўлади, билмайман. Лекин урушни солдатларнинг ўзлари тугатишлари керак, деган гап юрибди. Асирлар орасида русча гаплашадиганлари бор. Бир фабрика ишчиси Питерда тўрт йил ишлаган, у дангал айтадики, урушни тугатишнинг бошқа чораси йўқ, агар бу уруш тугаса, ҳамма бир бўлиб бошқасини бошлайди. Уруш қўл келиб қолди, ҳарбийларнинг мартабаси ошяпти, оддий одамлар пул топишяпти. Ҳамма маъмурларни қуролсизлантириш керак, шунда ҳамма халқ ҳаётни ўз ҳошишича ва ўз қўли билан изга солади».

Пильников дафтарчани қўлтиғига суқди, чол эса истеҳзо билан кулимсираб деди:

— Ҳа, бу ... бошқа гап! Бу билан курашмоқ зарур.— Сўнгра у бармоғида ёқут узук бўлган қирмизи муштини ўқталиб, илова қилди.— Лекин аввало шу нарса зарурки, Дума подшонинг асабини қўзитавермасин.

— Жаноблари,— Пильников бутун афти ва ҳатто бутун вужуди иттифоқо бир қадаҳ сирка ичиб юборган одамнинг қиёфасига кириб мингиллади.— Лекин подшо хотинининг германпарастлик майлига, ахир анави ифлос доғга, Распутинга нима дейсиз?..

— Профессор, чамаси, сиз худонинг борлигига ишонмасангиз керак ва сизнинг назарингизда худо йўқ!— деди мулойимлик билан чол ва Пильниковнинг эътироз этмоқчи бўлганини пайқаб, қўли билан уни тўхтатар экан, сўради:— Қани, сиз Распутинга ишонмай кўринг-а, нима бўларкин?..

— Ажойиб гап бўлди!— қичқирди актриса, дарҳол рўмолча билан оғзини тўсиб. Унинг кўзлари кулиб турарди.

— Биз ёвузлик ҳақида ҳаддан ташқари кўп гапиравериб унинг кучини ошириб-тошириб юборяпмиз, унинг авж олиб кетишига йўл очиб беряпмиз.

Елена креслода ялпайиб ўтириб папирос чекар, ҳалқа-

ҳалқа тутунларни ҳавога бурқситарди. Пильников чолнинг қаршисида турганча унинг имирсилаб айтаётган гапларини сабр-тоқатсизлик билан эшитаётган эди.

— Мустабид ҳокимият уч юз йиллик анъанага эга. Шунинг унутмангки, Бутун Россия бу юбилейни яқдиллик билан байрам қилганидан буён ҳали уч йил ҳам ўтгани йўқ, Европада шундай бир давлат йўқки, бундай идора усулининг маҳкамлиги билан мақтана олсин.

Самгин чолнинг молия министрлигида жуда катта роль ўйнашлигини биларди, Елена банклар билан бўлган қайси бир ҳам операцияда чолнинг яқинда катта пул ишлаб олгани ва энди уни ҳам ўз қарамоғига ўтишга таклиф қилаётганини маълум қилганди.

— Унинг қарамоғига ўтишга ўтмайману, лекин унинг атрофида ўралашиб унча-мунча пуллик бўлиб оламан. У навозишни хуш кўради, бунга дурустгина ҳақ тўлайди...

Чол Еленанинг бу гапларини Самгиннинг ёдига солиб, ибратомиз гапирарди:

— Подшо — сўққабаш, дўсти йўқ унинг, қариндош-уруғлари унга душманлик билан қарашади, у эса кўнгли бўш, мулойим одам, навозишни яхши кўради...

Самгин Еленанинг ёнида ўтириб, чолнинг гапларини эшитар ва ора-сира жилмайиб қўярди.

Самгин уйга қайтиб келганида Елена ёзиб қолдирган хатни кўрди: «Улфатларга қўшилиб Мурманск йўлини томоша қилгани кетяпман, эҳтимол, у ердан денгиз орқали Архангельск, Ярославль, Нижнийга борарман,— мақталган Волгани томоша қилгани. Татаринов охири гонорарни берди. Упиб қоламан. Ел».

Самгин афтини буриштириб: «Муттаҳам», деб дилида сўкиб қўйди уни. Чунки эри қабул қилган ишдан пул олинган бўлса ҳам бу ишни Самгин ниҳоясига етказган, шартлашувга кўра гонорарнинг ярмиси Самгинга тегиши керак эди, аммо аввал кўп марта бўлганидек, Елена бу пулни ўртада бўлишмаслигини Самгин билар эди.

Бу хотин билан яқинлик илгарилари ҳам унга малоол келиб қолган эди, уруш вақтида эса Елена унда очиқдан-очиқ душманлик ҳисси туғдира бошлаган эди,— Елена пулга ўч бўлиб қолганди, у аллақандай катта олди-сотди ишларида қатнашар, асабийлашар, . оғзидан қўпол гаплар чиқар, инжиқлик қиларди ва Самгинни айниқса хуноб қиладиган ери шу эдики, русларга хос жамики нарсаларга — армияга, ҳукуматга, зиёдиларга, ҳатто ўзининг хиз-

маткорига ҳам нафрат билан қарашини у тобора очиқдан-очиқ изҳор қилаётганди, Елена Франциянинг тақдири тўғрисида ташвишланаётганини тобора тез-тез ва турли шаклларда ифода этарди:

— Немисга ҳам, унинг узун замбаракларига ҳам қиргин келсин! Улар Парижни вайрон қилишса, мен қаерда яшайман? Армиянгиз немисни ботқоққа ботириш ўрнига ўзи ботиб ўтирибди. Ажаб генералларингиз бор, билишмайди, қаер қуруқ, қаер ботқоқлик эканини...

Самгин бундай гапларга эътироз билдиришни ортиқча деб биларди, лекин Еленанинг бу гапларидан у роса безганди. Аммо бир куни шундай деди Самгин:

— Бу қанақаси, сен учун Франция фақат Париждан иборатми?

— Ҳа, албатта. Кимдаки буни тушунмаса, у Францияни ҳам тушунмайди. Бир-бирининг биқинига қисилган мана бунақа шаҳарлар сизларда бўлиши мумкин. Мен бир нарсага тушунмайман: Петербург нима бўпти? Сизларнинг марказингиз, ўз Парижингиз йўқлиги учун ҳам ҳамангиз шунақа тўзғигансизлар. Шу сабабли сизларда ҳамма нарса мужмал, чалкаш-чулкаш, узуқ-юлуқ. Мана, масалан, сени олайлик. Нега энди сен депутат эмассан, Думада эмассан? Бўлмаса, ақлли, билармон одамсан, хўш, сенинг шуҳратпарастлигинг қайда қолди?

Бу гапларни эшитиш шу қадар кўнгилсиз эдики, Самгинда Еленага қарши душманлик ҳисси пайдо бўла бошлаган эди. Лекин фронтлардаги воқеалардан ваҳимага тушиб қолган одамлар Еленаникида ҳар оқшом тобора кўпроқ тўпланишганидан Самгин у ерга бориб туришни фойдали ҳисобларди, бу одамларнинг ташвиши ортиб борар ва ташқи душманнинг кучидан қўрқув ҳиссига инқилобнинг бўлишидан қўрқиш ҳисси тобора қўшилиб бораётганди. Самгин бу одамлар ичида ўзини улардан хийла ақлли, эътиборли одам ҳисобларди. Аллақаерлардан тобора кўплаб «дардкаш» ажнабийлар пайдо бўлаётганди. Инглизлар айниқса кўп эди, улар ҳамма ёққа суқилишар, ҳаммага ақл ўргатишар ва умуман улар «ойланинг каттасидек» тутишар эди ўзларини. Самгин Еленаникида инглиз офицери формасидаги кишини кўриб таажжубланмади, унинг оғзидаги трубка бурқсиб турар, тутун мовий тўр каби унинг юз-кўзини чулғаб олаётганди, бу кишининг мистер Крэйтон эканини дарров эслаб бўлмасди. Бир вақтлар Самгин билган Крэйтоннинг кулчадек соғломгина қирмизи юзи

энди сўррайиб, остки жағи гўё оғирлашиб қолган, бурни катталашган, териси дағаллашган, аввалда сокин, зийрак кўзлари энди ҳорғин, лоқайд ва кинояли кулимсираб турарди. У ўзини генералларча виқор билан тутар, гапирганида қўлларини қимирлатмасди. Самгин унинг сумбатдек қадди-қоматига боқар экан, Крэйтон, ҳойнаҳой, урушга қадар ҳам офицер бўлган бўлса керак, деб ўйлади. Бу инглиз кулимсираб унга боқиб турса-да, лекин яқинлашмасди, афтидан, рус яқин келиши керак, деб кутаётган эди.

У бақувват, зич тишлари орасидан оқ олтин қопланган икки тишини кўрсатиб туриб:— Танидингизми?— деб сўради димоғ билан ва соғлиқ, об-ҳаво, уруш тўғрисидаги одатдагича гап-сўзлардан кейин нима учундир пастгина овозда Клим Иванович кутган саволни берди.

— Зотова хонимни ким ўлдиргани ҳали ҳам маълум бўлмадими? Полициянглар ёмон ишлар экан. Бизнинг Скотланд-Ярдимиз бўлганида топарди, ҳа, топарди! Ажойиб рус аёли эди,— деб мақтаб қўйди у.— Ҳалиги десангиз, амалий аҳамиятга эга бўлмаган билимларни, керак бўлса-бўлмаса, хўп йиққан эди, лекин ҳар қалай ақли етук хотин эди. Кўплар шунақа бўлишади ўзи: руслар амалиётдан ор қилишади, уни пинҳон тутишади ва дин, фалсафа, ахлоқ каби нарсалар билан безашади уни...

Инглиз жуда бақириб гапирарди, гўё хитой бутларини томоша қилгани бу хонага тўпланган хилма-хил кишилар ҳали ҳеч қачон ҳақиқий европаликнинг гапини эшитмагандек, у ишонч-ла гапирар, сўзларнинг урғуларига аҳамият бериб, ҳар бир сўзни дона-дона талаффуз этишга ҳаракат қиларди.

— Яқинда мен «Хўжалик фалсафаси» деган жуда мароқли бир асар ўқидим, бу Маркс таълимотини диний нуқтаи назардан баён этиш учун бўлган ажабтовур ва хаёлий бир уринишдир. Ақли ҳуши жойида британиялик ўз юморини бундай нарсаларга сарфламайди... Эҳтимолки, тевтонлар материализмга диний тус беришга ҳам майл этишар, немислар руслардан кўра ҳам иррационалдирлар, лекин уларнинг фалсафага бўлган ишқибозлиги французларни яна бир марта кафангадо қилишларига моне бўлмайди. Немисларнинг Канти, Гегели бор, лекин уларга энг яқин бўлган фалсафа Фихте, Штирнер, Ницше фалсафасидир. Улар шуни яхши билишадикки, амалиёт — бу ҳаёт учун, эркин ҳаёт учун курашдир.

Пильников Еленага ҳурмат бажо қилиб:— Асл европалик,— деди пастгина овоз билан.— Эл-юрти ва ақл-идроки билан ҳам асл европалик у.

— Мен Европа тарихида Англиянинг ўтмишдаги хизматларини маҳобат қилмоқчи эмасман, аммо энди тамомила ишонч билан айтаманки, агар Англия Францияни ҳимоя қилиб жангга кирмаганида, немислар аллазамон уни дабдала қилган, талаган ва ваҳшиёна азоб берган бўларди, худди шунақа... сизларнинг ҳам кунингизни кўрсатган бўларди.

Одамларни дастурхонга таклиф қилганликлари учун у ақлвонлик қилишни давом эттира олмади, лекин бирмунча вақтдан кейин дастурхон устида Крэйтоннинг таъсирли овози яна эшитила бошлади, унинг айтаётган гаплари осонликча эсда қоларди.

Крэйтоннинг гапларини эътироз билдирмасдан тинг-лашарди, Самгин иттифоқдошга ва меҳмонга ҳурмат юзасидан шундай қилишяпти, деб ўйлади. Бу инглиз Самгиннинг шу қадар ғашини келтираётган эдики, Клим Иванович ҳеч бир мубоҳасага бош қўшмаслик одатига хилоф равишда Крэйтонга жавоб бериш учун қулай пайт пой-лар, муносиб сўзлар ахтарарди.

Бироқ қўққисдан Елена одобсизлик билан масхараомиз гап бошлаб қолди:

— Сиз немисларни қароқчи, йиртқич ҳисоблаяпсиз, ҳолбуки Францияни тор-мор қилишда пруссияликларга ёрдам берган сизнинг ҳукуматингиз-ку, Австрияга қарши немисларга сизлар мадад бердинглар, Бисмаркни қўллаб-қувватладинглар.

Елена гавдасини олдинга бериб, бир оз эгилди, кўзларини салгина қисган эди, қарашлари яна ҳам ўткир-лашди, сўнгра сўзини давом эттирди:

— Менинг бир араб олим танишим бор эди, у айтардики: «Инглиз Европада тулки, мустамлакаларда оти йўқ йиртқич ҳайвон...»

— Мистер Крэйтон, хафа бўлманг, ахир сиз яхши биласизки, инглизларни у қадар яхши кўришмайди, улар шунга сазовор. Юз икки йил бундан аввал Ватерлоо яқинида солдатларингиз француз инқилобининг оловини бутунлай сўндиришган. Мен аминманки, Наполеон Европани Қўшма Штатларга айлантиришни истарди, сизлар бунга моне бўлдинглар, шунга қарамай Европа қаршисидаги бу шубҳали хизматларингиз билан фахрланаяпсиз. Сизлар,

мүрсай мадора қиладиган, Европа тақдирига беқиёс мунофиқлик ва лоқайдлик билан қарайдиган, кулгили даражада кеккайган кишилар, «аслзода ирққа» мансуб кишилар юз йил мобайнида шу қадар халқни асоратга солдиларингизки, одамларнинг айтишича, ҳар битта инглизга, сизлар асоратга солган бошқа халқларни ҳисобламаганда ҳам беш ҳинду хизмат қилади.

Самгин Еленанинг юз ифодасидан кўзини узмай, ҳайрат билан гапига қулоқ соларди. Еленанинг пардозланган юзи шу қадар қизариб кетдики, упа суртилган қаватигача кўриниб қолди, бўйнигача қон югурди, қон Еленани бўгаётган бўлса керак, у бетоқатланиб ғалати бир тарзда калласини силкитар, узук кўзлари ялтираб турган бармоқлари қанд оладиган қисқични керар эди. Самгин ҳеч қачон Еленани бу қадар дарғазаб, ҳаяжонланган ҳолда кўрмаган эди, хотиннинг ёнида ўтирган Клим Иванович белини букиб, бошини елкалари орасига қисганча ўз-ўзидан сўради:

«Охири нима бўлар экан бунинг?»

Охири сукут билан тугади. Крэйтон папирос чекишга ҳозирлик кўрар экан, одамларга савол назари билан боқар, афтидан, ким эътироз қилар экан, деб кутаётганди.

Елена ҳорғин-ҳорғин нафас олар экан:

— Келинлар, сиёсат тўғрисидаги гапни бас қилайлик, акс ҳолда бир-биримиз билан аразлашиб қоламиз,— деди.

Крэйтон стул билан бирга чайқала-чайқала куларди. Пильников кўрқув ичида Еленага боқарди, қолган бешолти киши нима бўлажagini кутишарди.

— Ҳа, шунақа,— деди актриса. чуқур нафас олар экан.— Биров бир ерда бир нима қилиб қўяди-да, қараб-сизки, бирдан уруш бошланиб кетади! Даҳшат бу. Яна биласизми, мубоҳаса этмаса ҳам бўладиган ҳеч нарса қилмагандек бўлади-қолади. Ҳамма-ҳамма ерда ҳар тўғрида мубоҳаса этади ва яна бир-бирини еб қўйгудек бўлади.

Самгин бу нохуш гапларни уйқусида эшитаётгандек эди. У Еленанинг пардоз-андоз қилинган юзига зимдан боқар экан, мулоҳаза юритди: Крэйтоннинг мақтанишлари бир чолнинг қарамоғида яшамоқни афзал кўргани учунгина фоҳиша бўлиб кетмаган бу қўшиқчи аёлга нега бунчалик кор қилмаса? Самгин истаган вақтда ўпиб юрган бу хотиндан сиёсатга оид фақат латифа ва ғийбат гаплар эшитган эди-ку, аммо унинг сиёсат ҳақидаги мулоҳазаларини

эшитмаган эди. У ўзининг нозик кузатиш қобилиятига, кузатишларининг аниқ, баҳоларининг тўғри бўлишига жуда ишонар эди. Еленанинг қайси бир хусусиятини ҳам у пайқамай қолган экан, бунга иқрор бўлиш жуда оғир эди унга: бу хотинни тентакнамо ҳисоблагани учун ҳам балки у билан лозим бўлганидан кўра дангалроқ муомала қилиб келар эди. Самгин мистер Крэйтоннинг кичик бир қошиқча билан трубкадаги кулни титкилаб, кулдонга ҳафсала билан тушираётганини кузатар экан, унинг дона-дона гапиришига қулоқ соларди:

— Аслини олганда, урушни сиз руслар бошладингиз. Музокараларда сизлар қизишиб кетмаганларингда...

«Аслзода ирқ» намояндаси айтаётган гаплар Самгинни қизиқтирмаётганди. Крэйтон — бегона одам, тасодифий бир меҳмон, агар у Россия соҳибларига яқинлашиб олса, унинг гаплари нуфузли ва аҳамиятли бўларди, ҳозир эса Еленага бўлган муносабатни қайта кўриб чиқиш керак: балки у билан алоқани узиб қўймаслик лозимдир? Бу алоқанинг, шак-шубҳасиз, қўл келадиган томонлари бор, у вақти келиб фойдаси тегиб қоладиган кишилар доирасини кенгайтиради. Елена ҳужумга ҳам, ҳимояга ҳам қодир аёл экан.

Самгин турли-туман йиғинларга иштиёқ билан борар экан, чалкаш-чулкаш гаплар орасидан ўзига энг оқилона бўлиб кўринганларини териб борар ва бу гаплардан мен чиройли, пухта гаплар ясайман, деб ҳисоблар эди. Самгин кўрардики, фронтда содир бўлаётган нохуш воқеалар одамларда тобора исёнкор бир ташвиш туғдирмоқда ва улар ўзларининг қўрқоқ, юзсиз ва сурбет эканликларини, бу воқеаларга таъсир кўрсата олмасликларини тобора чуқур англамоқдалар. У ўзини улар орасида бир худо деб, лекин уларнинг яшамоғини истайдиган ва яшашларига ёрдам беришга қодир бўлган худо деб ҳис қиларди. Ҳар вақтдагидек сипо ва камгап Самгин ўз одатича ҳаммабоп, чиройли жумлаларни эсида сақлаб қолар ва ўрни келганда қатъий бир оҳангда қуруқ маслаҳатлар берарди.

— Ҳозирги давримиз тушунчаларни кенгайтиришнинг хонаси эмас. Биз фикримизни аниқ, ҳаммабоп қилиб ва объектив ифода қилиш зарурати қаршисида гирдикапалаклармиз. Турган гап, биз тушунчаларни сийқалаштириш хавфидан қочишимиз керак. Ҳокимиятни ўзгартириш заруратини яқдиллик билан англашимизнинг ўзиёқ катта гап. Лекин ҳаёт яна ҳам қийинроқ нарсани талаб қилмоқ-

да, бу ҳам бўлса бирликдир, зеро ҳозир вазият нақ бизни бирлаштиришга қодир бўлган нарсаларни ажратиб олиб, қарор топтиришни бизга амр этмоқда.

Бу хилдаги фикрлар гап сотиб, фойдали ва ҳатто тарихан зарур бир иш қилипман, деб ўйлайдиган кишиларни қаноатлантирар, яъни уларнинг ташвишини ёзарди. Аҳён-аҳёнда унга шундай савол бериб қолардилар:

— Бу бирлик нимада ва қандай зарур бўлмоғи керак?

— Биз муҳокама қилишимиз лозим бўлган мавзу нақ ана шудир,— деб жавоб берар эди Самгин ва суҳбатдоши бу жавобдан қаноатланмаганини кўрса, дарҳол соатига қараб жўнаб қолар эди.

Ўйғилишларнинг бирида кул ранг, майда жингалак соқолли новча бир киши Самгинга қарши сўзлади, бу одамнинг тиниқ мовий кўзлари чимирилган қалин қошлари остида ўткир боқиб турарди, у эгнига тор ва калта ола-була костюм,— малла ва қора рангдаги катак-катак шим, йўл-йўл кул ранг пиджак, ҳаво ранг сатиндан ён ёқа кўйлак кийганди. Унда одамга ёқадиган аллақандай кулгили бир нарса, соддадиллик бор эди.

— Гапимга қулоқ солинг,— деб гап бошлади у,— боятдан бери сиз зиёлиларнинг бирлашиши хусусида дам уряпсиз, хўш, ким билан бирлашиш керак ўзи? Мана, сизларда большевиклар билан меньшевиклар бор, большевиклар Ленинга, меньшевиклар — Плеханов билан Мартовга эргашадилар, хўш, сиз ким билансиз?

Самгин хавф-хатарни сезиб, ўша онда жавоб бермади. Унинг жавобини биргина жингалак соқолли киши эмас, балки қизил ёғочдан ясалган гардеробга ўхшаш, эшиклари ёпиқ жавонлар терилиб, ўртасидаги узун стол қўйилган тўкис бир хонага тиқилган ўттиз ёки қирқ кишининг ҳаммаси кутаётганини Самгин кўриб турарди. У шошилмасдан папирос чекар экан, деди:

— Шахсан мен учун бу масаланинг негизи, унинг маъноси интернационализм билан миллатчилик ўртасидаги зиддиятдир. Сиз биласизки, немис социал-демократияси урушга кредит ажратиш тўғрисидаги қарори билан интернационал социализмни бадном этди, Вандервельде бу расвогарчиликни кучайтирди, бундан ҳам олдин Вивiani, Мильеран, Бриан э цетера каби социалистларнинг хулқатвори социалистлар ахлоқининг нақадар ожиз ва айни замонда нақадар ачинарли даражада саботсиз эканини ошкор қилиб қўйди. Лекин шу нарса аниқ эмаски, бу

саботсизлик одамларга хос хусусиятми ёки таълимот хос?

Судлардаги нотиклик тажрибаси Клим Иванович Сагинга қалтис масалаларни четлаб ўтишга яхши ўргатган эди. У ҳар қандай терминга айна шу кун ва шу дақиқа талаб қиладиган маъно бера олиш учун етарли даражада билимдон эди. Ниҳоят, у шу нарсани яхши билардики одамлар ўзлари истифода этадиган фикр ва жумлалар қараганда ҳаммиша хийла саводсиз бўлишади, буни у шахсий тажрибасидан ҳам биларди.

— Интернационализм тўғрисида гапирмоқ учун аввал миллат деган тушунчанинг мазмунини аниқлаб олмақ керак эдим. Мисол учун Англияни олайлик. Миллат тушунчасида инглизча яхши намуна инглизлардир. Қони бир бўлган, ана шу бирлик негизида монолит куч бўлиб маҳкам жипслашган бу халқ қони бошқа юз миллионларча кишиларни ўз маънафаати учун ишлашга мажбур қилади. Худди шунинг учун Англия — социализм қийинчилик билан сингадиган маънафаат лакари, деб ўйлаш мумкин. У ерда социалист-фабийчилар мавжуддир, лекин улар хусусида гапирилмаса ҳам бўлади, улар ўз номларини Рим саркардаси Фабия Кунктатидан, яъни оғирқарвон одамдан олганлар, маълум бўлишга, у бефаҳм, лалайган, эскиликпараст одам бўлганми у Римнинг душманлари билан олишишни бошқа саркардаларга қўйиб бериб, душман ҳолдан тойганидан кейинги ўзи унга зарба берар экан. Ун тўққизинчи асрнинг бошида инглизлар ўзларини ўшанақа тутишди.

Жингалак соқолли киши диққат билан қулоқ солаган халойиққа саросималик билан боқиб гўлдиради:

— Мен тушунолмамай қолдим, нима мақсадда гапиряпсиз буларни?

Тиниқ, мовий кўзларнинг тикилиб боқиши Самгини сира-сира ёқмаётган эди, бу кўзларнинг жилоси чўғ бўлган турган кўмирнинг кўкимтир оловини эслатарди, уни соқолида таъқиб этувчи, ёқимсиз бир табассум ўйнардир.

— Қўшма Штатлардаги америкаликлар ҳали миллат эмаслар, — деб сўзини давом эттирди Самгин. — Бу инглизлар, немислар, яҳудийлар, италянлар, славянлар бошқаларнинг механик тарзда қўшиливи бўлиб, ҳали ўро маҳкам қовушган ягона қурама йиғиндиси эмас. Америка билан Россия орасида ўхшаш жиҳатлар кўп, лекин Россия ҳали у қадар яхлит бир давлат эмас, гоётда тўққизинчи асрнинг бошидаги бир давлатдир. Америка Қўшма Штатлари аҳоли

сининг аксарияти, занжиларни мустасно қилганда, европаликлардир. Бизнинг мамлакатимиз аҳолиси бир-бири билан сира алоқаси бўлмаган эллик етти элатдан иборат: поляклар грузинларнинг, украинлар — бошқирдлар, қирғизларнинг, татарлар — мордваларнинг тилини тушунишмайди ва ҳоказо. Дунёда бирор давлат йўқки, маданий марказий ҳокимиятга, хайрихоҳ, шижоаткор ақлий қувватга Россия каби муҳтож бўлсин.

— Мана энди тушундим,— деди жингалак соқолли киши стулдан секингина қўзғалар экан. У пиджаги чўнтагидан ғижим бўлиб кетган бош кийимини олди-да, тиззасига уриб-уриб, хўмрайганча деди:

— Қани, кетдик. Митя!

Қора мовут кўйлак, тизза қадар қўнжли этик кийган, паст бўйли, миқтигина, сочлари тўзиган, мулойим юзи кулчадеккина бир киши ўрнидан туриб, Самгиннинг ёнидан ўтиб борар экан, шангиллаб деди:

— Сиз шу қадар билар экансизки...

— Одам эшитгани уялади,— хўмрайиб илова қилди жингалак соқолли киши.

— Ҳа, шундай! Кўп биларкансизу, аммо кам тушунар экансиз!— деди қора кўйлакли киши ва уларнинг ҳар иккиси паркетни от каби гурсиллатиб эшик томон кетишди.

— Охирига қадар эшитиш лозим эди,— деб қолди Самгин уларнинг орқасидан. Митя:

— Эшитдик. Ўқиб турибмиз,— деб жавоб берди.

Сариқ подпоручик Алябьев қўлидаги таёқ билан ерни дукиллата-дукиллата пўписа қилиб:— Мен уларни танийман,— деди. Унинг пистоқи ранг кўйлаги устида кичкинагина оқ хоч ярақлаб турар, янгигина погонлари, тилла тишлари, камарининг дугаси ялтирарди, у хилма-хил металлларнинг жилосига фарқ бўлган эди, ҳатто унинг овози ҳам металлсимон жаранглаб эшитиларди. У қўлидаги таёққа таянганча базўр ўрнидан турди. Мис рангли узун мўйловини текислар экан, бировни айблаётгандек гапини давом эттирди.— Булар Выборг томондан келган ишчилар, у ердагиларнинг бари большевик, лаънатилар!

— Ишчиларнинг асабига тегмаслик керак,— гап қистирди мулойимгина, аммо қатъий бир оҳангда Марья Ивановна Орехова.

Алябьев одамларни бир-бир кўздан кечириб ва гўё ким унга эътироз билдиришга журъат этажagini олдин-

дан аниқламоқчи бўлгандай:— Нима? Асабига тегмаслик? Шунақа денг!— деб бақирди.— Уларни фронтга, жаҳаннамнинг оғзига юбориш керак, бунинг давоси шу. Шундоққина ўқ остига! Ҳа, шундоқ! Кўнгилчанлик, либераллик ва умуман, ади-бади айтишиб ўтириш етар. Қайсарларга гап қор қилмайди...

Театр ишқибози ва шахматчи адвокат бошини ғамгин тебратар ва чуқур нафас олар экан:— Нега мунча бақирасиз?— деб сўради.— Бақирининг вақти ўтди,— деб жавоб берди у ўзига-ўзи ва қўлларини керди.— Ҳамма нарса емирилмоқда, ҳамма нарса! Клим Иванович жуда тўғри айтдилар, Русь — сопол қўвача деб. Унинг ичида қайнай-қайнай қуйилмаётган хилма-хил ва бир-бири билан қоушмайдиган нарсалар...

— Қуруқ савлат,— деди Орехова янги бир гап айтгандек бўлиб. Уч хоним унинг гапига қўшилишди, тўртинчи хоним эса очикдан-очиқ қўрқув ичида сўради:

— Шунақа қилиб, республика бутун бурятлар, қалмоқлар, бутун бир бадавийлар русларга уйланиш ҳуқуқига эга бўлишадими?— бу новча, юзи чўзиқ, ияги кулгили бир даражада узунчоқ бир хотин эди, унинг кемирчакли бурни устида пенсне дириллаб турар, кўксида Смольний институтининг талабаси бўлганини билдирадиган нишон порларди.

Ўнгача одам бирданига гапира бошлади. Алябьев тобора жазаваси қўзиб қичқирар, худди қозиқ устига ўтқазиб қўйган одамдек, гир-гир айланар, таёқ билан ерни дукуллатар, стулни у ёқдан-бу ёққа сурар, бировнинг сочидан ушлаб тортаётгандек, уни силкитар, юзи қизариб-бўзариб кетганди.

— Ваҳшийлик, аввакумчилик бу,— деб қичқирарди у.

Эскича тикилган сюртук кийган семиз киши қўллари билан қорнини ушлаб туриб, бўғиқ, йўғон овоз билан дўриллади:

— Чипта кавуш кийиб, томини похол билан ёпиб юрган бир давлат пўлатга бурканган душман билан олишиб ўтирибди-я? Ғирт аҳмоқлик эмасми бу? Фақат шунинг ўзи учун ҳам бундай ҳуқуматни ағдариб ташлаш керак, гарчанд мен асло либерал бўлмасам ҳам. Сен, хомкалла, аввал ғишт уй сол, устини тунука билан ёп, шундан кейин, майли, урушсанг уруш...

Биров қичқирди:

— Тирик одамлардай қимирлаймизу, аммо ҳозирда-ноқ...

Ниҳоят Алябьевнинг чиққироқ овози ҳамманинг қичқиригини босиб кетди:

— Мен кўпас эмасман, дворянман, лекин шуни биламанки, бизнинг кўпасларимиз дворянлар маданиятини, аристократлар анъанасини қабул қилиш ва давом эттиришга тамомила қобил бўлиб чиқдилар. Кўпаслар санъатни рағбатлантира бошладилар, коллекция тўпламоқдалар, антиқа китоблар нашр этмоқдалар, кўркам уйлар қура бошладилар...

— Э, нима деяпсиз? Бир неча саржингина ери учун Хомяков Москвани икки минг сўмга тушироқчи эди,— деб қичқирди биров.

— Илтимос сиздан, қаёқдаги бемаъни гаплар билан сўзимни бўлманг,— тутақиб ўқирди Алябьев, одамлар жанжал чиқиб кетишини сезиб, секинроқ гапира бошладилар, бу Алябьевни ҳам ўз ҳимматларини осойиштароқ баён этишга мажбур қилди.

— Социализм, ўз гоёси эътибори билан шахсга зулм ўтказишнинг қадимги, ваҳшиёна формасидир.— У баланд овоз билан қичқирар, бошини пастга силкитар, тарам-тарам қора сочлари сочилиб дўнг пешанаси бир зум очилиб қолар, сўнгра яна қулоқлари, ёноқлари устига тушиб, юзи торайгандай бўлар, лаблари учар, ияклари қалтирарди, шунга қарамай Самгин бу ушоққина ориқ бир вужудда кулгили, ўйинчоққа ўхшаш бир нарса кўрарди.

— Социализм ҳуқуқий тенгликни назарда тутади, лекин бу бутун одамларни қобилиятига кўра тенг деб тан олиш демакдир, биз эса биламизки, Европа маданиятининг бутун жараёни қобилиятларнинг хилма-хил бўлишига асосланади... Социализм соддадил, танбал, аммо очкўз бутпарастни, бизнинг деҳқонимизни бошини қовуштириб, одам қила олсайди, мен уни ҳам олқишлаган бўлардим, аммо мен социализмни аграр соҳада, алаҳхусус, татбиқ этила олишига ишона олмайман.

Самгин бу одам унинг ўрнини бутунлай эгаллаб олганини кўриб жўнаб қолди; йиғилишни тарк этмоқ учун у ҳамиша шундай бир қулай фурсат топар эдики, унинг назарида, одамлар: аттанг, у асосий фикрни айтмасдан кетиб қолди, деб ачиниб қолишлари керак эди. У одамлар кўз ўнгида камол топиб бораётганига тамомила амин эди, у кўрардики, одамлар унга тобора талабчанлик билан

қарғмоқдалар, унинг гапларига тобора диққат билан қулоқ солмоқдалар. Бу ишонч, унга ифтихор ҳисси уйғотиш билан барабар уни тобора ортиқ ташвишлантирар эди ҳам: ана шу «асосий фикрга» эга бўлиш лозим эди, ҳолбуки унинг хилма-хил ҳаётий тажрибасидан бу асосий фикр ҳалига қадар ҳосил бўлмаган эди. У тўплаган бир талай хом материалдан ягона бир маъно чиқариб, унга ўзига хос шакл бермоқ, жамоат олдида мамлакатнинг барча илғор кучларини бирлаштирадиган янги бир кашфиётнинг муаллифи бўлиб кўринмоқ ниҳоятда мушкул бир иш эканини тобора тез-тез ҳис қилаётган эди.

Кунни кеча Дронов уст-боши тўзиган, соқоллари олинмаган ва ҳар вақтдагидек ширакайф ҳолда келиб, Самгинга шикоят қилганди:

— Улфатларим мендан икки юз етмиш саккиз минг сўмни шилиб олишди. Ногайцев — авлод-аждоди билан фирт муттаҳам, лаънати. Лекин Заусайлов билан Поповга ачинаман, қурмағурлар, яхши болалар. Заусайлов солугубча яшайди: ҳаёт — «ўйинимнинг қонуни», дейди. Попов ўлгудай бўшанг, латта, бахти, омади йўқ қиморбоз, аммо ёқимтой кўппак. Умуман олганда, зерикаман. Гап шундаки, нима қиларимни билмайман. Одамнинг равшан, аниқ мақсади бўлиши керак. Менинг эса ҳеч қандай мақсадим йўқ. Мақсад пул бўладиган бўлса, пул бор, аммо пул эриб кетяпти: бугунги бир сўм ҳаш-паш дегунча қирқ уч тийинга тушиб қоляпти. Умуман олганда, пул мен учун мақсад эмас. Агар Тоська бўлганда, мен уни олтинга белаб, бриллиантга кўмиб, гаштингни сур, дер эдим.

— Тоська большевикми? — сўради Самгин.

Дронов ичишга ҳозирланар экан:— Шунақага ўхшайди,— деб жавоб берди.

Муҳтарам зотлар катмон сақлайдиган қўйин чўнтагида Дронов ҳамиша кумуш тўр қопланган ясси шиша фляга олиб юрарди, унинг ичида аллақандай нодир коньяк бўларди. У фляганинг оғзидаги стаканчани авайлаб бурар экан, гўлдиради:

— Бу шишани менга Тагильский совға қилган. Газеталар, у ўзини отиб ўлдирди, деб ёлғон гап тарқатишди, аммо бундан бир ой муқаддам Хотяинцевнинг офицер укаси гапириб беришича, Тагильский фронтда аллақерда бир тасодиф натижасида ҳалок бўлган эмиш. Антиқа одам эди. Мустабид ҳокимиятимиз билан француз республикаси давлат аппаратининг харажатларини чўтга солиб чиқ-

қан эди у, орадаги фарқ унчалик катта эмас экан, бу ишда франк сўмдан кўп ҳам орқада қолмас экан. Республика қурган билан барибир пулни тежаб бўлмас экан.

«Гапирсаммикан?— деб сўради Самгин ўз-ўзидан.— Нима кераги бор?»— Иккинчи савол биринчисини йўққа чиқарди, шу билан бирга Антон Тагильскийни эслаш ҳам йўқ бўлди-қўйди. Лекин миясига лоп этиб бошқа бир фикр келди: «Дронов авлодининг илк зиёлиси».

Дронов ҳар сафар Самгин билан учрашганида, чайқатиб юборилган тирикчилик ботқоғи тубидан ўзи териб олган сон-саноқсиз майда-чуйда нарсаларни унга кўрсатар эди. Дронов ўзининг миқти гавдасидан буларни худди чанг каби қоқиб туширса-да, лекин деярли ҳамиша ана шу арзимас нарсалар ичида Самгин учун қимматли нарсалар топилиб қоларди.

— Тося менга бир йигитни юборибди, Одесса университетининг студенти, юрист экан, ўқиш ҳақини тўламагани учун учинчи курсдан ҳайдалган экан. Портда юк ташиган, пиво заводида шиша оғзини ёпадиган бўлиб ишлаган, Очков яқинида балиқчилик қилган экан. Ақлли, қувноқ йигит ўзи. Ўзимга котиб қилиб олдим уни.

Дронов ўнг қўли билан флягани силай-силаё, ўйга толиб бармоғи билан қошини қаший-қаший гапини давом эттирди:

— Мана уни асл большевик деса бўлади! Унинг мақсади бор. Мақсади граждандар уруши қилиш, буржуазиянинг таъзирини бериш, тўла маънода ижтимоий инқилоб қилишдир, вассалом!

— Хўш, сен бундай нарса бўлишига ишонасанми?— лоқайдлик билан сўради Самгин.

— Менми? Мен одамларга ишонаман. Умуман, ҳамма одамларга эмас, балки манави Кантонистов сингариларга. Большевикларни мен аҳён-аҳёнда кўриб қоламан. Улар ҳазир қилишмайди, оғайни! Ишчилар гулгула солишяпти, урушга қарши шиорлар билан стачкалар бўляпти, Донда шахтёрлар полиция билан олишди, мужик урушдан толди, қочоқлик авжида,— хуллас большевиклар гаплашадиган одам топилади.

У чуқур нафас олди-да, бирдан ўрнидан туриб кетиб, аччиқ билан гапира бошлади.

— Сен нуқул мендан гап олмоқчи бўласан, Клим Иванович! Бироқ ҳамма гапни ўзинг мендан кўра яхши биласан. Ўсмоқчилаб нима қиласан? Қанчалик аҳмоқлигимни

ўзим биламан, сен ёрдам бер менга: ахир мен нега аҳмоқман, шуни билиб олай.

— Сен мастсан,— деди Самгин.

Дронов бу гапдан хафа бўлди ва лабларини чўччайтириб чиқиб кетди. Самгин уни хўмрайиб кузатиб қолди, ҳатто орқасидан папирос қолдигини улоқтирди.

«Харламов ҳам, ҳойнаҳой, большевик бўлса керак»,— деб ўйлади Самгин, сўнгра яқинда бир редакцияда бўлган йиғилишда Хотяинцевнинг кекирдагини чўзиб ваъз сўзлаганини хотирлади:

— Бир вақтлар Сен-Симон ҳаётнинг ҳукмдорлари банкирлар бўлажак, деб каромат қилган эди. Ҳар бир давлатда улар капиталларининг ҳаммасини йиғиб-қиртишлаб киссаларига соладилар, сўнгра уларни бир киссага жамлайдилар, шундан кейин бутун давлатлар, бутун миллатларнинг йиғилган капиталини бир қопга жойлаб, қарабсизки, ақлсиз хаёлпарастлар бўлган Карл Маркс ва унинг ҳамфикрларидан бўлак энг ақлли немислар башорат қилиб кўрсатганларидек, ишлаб чиқариш ва истеъмолни энг қатъий ва ҳатто муқаддас адолат қонуни асосида бутун ер юзида олижаноблик билан ташкил этадилар. Шундай бўлгач, биз нимадан кўрқамиз ва нега дағ-дағ титраймиз? Банкларнинг сергайрат фаолиятининг, банкирларнинг ислоҳотчилик ишларининг фараҳбахш натижаларини ишонч ва хотиржамлик билан кутилса яхши бўлмайдами? Банкир уст-бошимизни шилиб олади, деб чўчиш лақмалик бўлади! Ҳа, у шилиб олади!— аммо жамламоқ, монополизация қилмоқ учун фақат қисқа фурсатгагина шундай қилади, сўнгра эса у бизни уюшган ҳолда пойабзал ва кийим-кечак, нон ва шароб тайёрлашга мажбур қилади, бизни кийинтириб, уст-бошимизни бутлайди, едириб-ичиради. Денгиздан денгизга қуйиладиган бўғозлар тўғрисида, Болқон давлатларининг рус губернияларига айланиши тўғрисида қайғуриб ўтиришимизнинг нима ҳожати бор бизнинг?

Клим Иванович Самгинга шундай туюлдики, бу гапнинг қўполгина юморида аллақандай соғлом бир маъно бор, лекин у юмори севмасди, сатирадан қочарди ва алаҳусус, Хотяинцев, Харламов сингари одамлар унинг душмани эдилар. Бунақа одамларни у девонафеъл, бебош деб ҳисоблар, уларнинг олди-қочди гапларининг тагида ҳамма нарсани бузиб-ёришга нигилистик бир эҳтирос борлигини кўрарди. Харламов ўзини аксилнқилобий адабиётни жид-

дий суратда мутолаа қиладиган одам деб, Леонтьев, Катков, Победоносцевнинг мухлиси деб кўрсатмоқчи бўларди. Хотяинцев маза-бемаза гаплари билан одамларнинг кўнглини очишдан бошқа нарсани ўйламайдиган девонафеъл одам қилиб кўрсатарди ўзини, лекин бирмунча вақтдан буён унинг бўлмағур гаплари тагида жуда жиддий фикрлар бўларди. У ҳам Харламов сингари «мағлубият»чи, урушнинг душмани, ўз ватанининг тақдирига лоқайд бир одам эди, ҳолбуки ватаннинг тақдири фронтларда ҳал бўлаётган эди.

Газеталардаги шов-шувлар, йиғилишлардаги мубоҳасалар, фронтлардан келаётган нохуш хабарлар, маликанинг немислар билан яширинча сулҳ тузиш тараддудида эканлиги тўғрисидаги миш-мишгаплар билан тўла фурсат шитоб билан ўтиб борар, кунлаш сезиб бўлмас тезлик билан тунларни қувлаб ўтар, ватан, эл-юрт, Россия сўзлари тобора тез-тез такрорланар, одамлар кўчаларда югуриб юрар, ташвишли кўринар, бир-бирлари билан элакишиб, тез танишиб кетишар ва буларнинг бари Клим Иванович Самгинни жуда-жуда ва ўзгача ҳаяжонлантирарди. Бу нотаниш ғулғула кўнглида қачон пайдо бўлганини у яхши хотирлар эди.

Бир куни у Еленаникида тунаб қолди, кайфи бор, жуда талабкор ва ноз-карашмаси зўр Елена Самгинни роса толиқтирди, у ёмон ухлади, уйқуга тўймади, боши оғриб барвақт уйғониб, уйига пиёда кетди.

Шаҳар кўчалари ва майдонларида кўпдан буён эрта-лабдан кечгача солдатларга таълим берилар ва:

— Смир-рно-о!— командаси эшитилиб турарди.

Самгин болалик чоғидан бу командани эсларди, ўша кезларда бу команда олис даладан эшитилишига қарамай, вилоят шаҳрининг сукунатида дадил ва амирона янграрди. Бу ерда, улкан мамлакатнинг бутун кучларига, юз эллик миллион одамнинг ҳаётига ҳукмбардорлик қилиб турган шаҳарда бу нидо асабий ва иложсиз бир тарзда, ёки маъюсона ва ожизона, худди бир илтижодек, ёки мушкул аҳволга тушиб қолган кишининг фарёдидек эшитиларди.

Самгин қулоқларига инонмагандай бошини силкиб тўхтади. Унинг қаршисида бўй-басти баравар бўлмаган, кул ранг солдатча кийимдаги ушоқ одамлар тош кўчадан одимлаб боришарди, уларнинг баъзилари ҳали ўзларининг маданий кийимларида эди. Улар гўё одам ўлдиришга бор-

моқ учун тош ёки чириган ғўлачалар ётқизилган кўчада барабар гурс-гурс қадам ташлаш зарур эканига ишонқи-рамасдан оғринибгина боришарди.

Кўксиди хоч, енгиди лента боғланган новча бир солдат хириллаган овоз билан уларга:— Сўл! Сўл!— дер эди, у йўғон таёққа тиралиб оқсоқланиб борарди. Бу ушоқ одамларнинг бир-бирига ўхшамас башараларида бир хилда хомушлик, турли рангдаги кўзларида бир хилда умидсизлик бор эди.

Бу жонли, аммо шалвираган тўда-тўда одамларга команда беравериб толиққан солдатлар уларга:— Смиррно-о!— деб қичқиришарди, бу одамлар Самгинга ёрилган резина коптоқлар сингари эзилган ва ичи бўш кўринарди. Парча-парча, тўп-тўп булутлар кўча ёқасидаги зовурлар узра, майдонлар узра осилиб турар, олисда, булутлар ортида ожизгина қуёш баркашдек ёйилиб хирагина нур сочиб турарди.

Офицерлар:— Смиррно!— деб команда беришарди.

Шаҳар аллазамон уйқудан уйғонган, қасир-қусур овозлар эшитилар, ҳали қурилиб битмаган бинолардан ҳавоза ёғочлари олинмоқда, ёнгин командаси ишдан қайтмоқда, кийимлари эзилиб, ҳўл бўлиб кетган ўт ўчирувчилар бир-бири билан ёнма-ён бўлиб юришни ўрганаётган одамларга лоқайд боқишарди, бурчакдан чипор от минган офицер чиқиб келди, унинг кетидан ўт ўчирувчиларнинг йўлини кесиб, гулдурос солиб кичик замбараклар ўтди, темир дубулғали солдатлар кўринди ва хилма-хил кийинган бир тўда одамлар ўтди, уларнинг олдида қора соқолли баҳайбат бир одам бут кўтариб борар, унинг ёнида ўспирин бир йигит миллий байроқ дастасини милтиқ сингари елкасида кўтариб борарди.

Самгин йўлкада папирос чекиб турар ва буларнинг барини кузатар. экан, улар ўзини эзибгина қолмай, балки ҳар қалай унда умидсизлик, ғам-андух туғдириб, юрагини сиқаётганини сезаётганди. Хоч осган ва лента боғлаган солдат бақирмасдан:

— Вольно! Чекинглар...— деб команда берди.

Солдат оқсоқлана-оқсоқлана, ғўлачаларга таёқни тирай-тирай кўча юзидан йўлкага ўтиб олди-да, бир харсанг устига ўтирди, чўнтагидан газета олиб юзини тўсди. Самгин кўрдик, солдат унга боқиб, аввалига честь бермоқчи бўлди, аммо сўнгра нима учундир бу фикридан қайтди.

— Машқ қилдирыпсизми?— сўради Самгин. Солдат газета оша унга назар солар экан, паст овоз билан ва эринибгина жавоб берди:

— Ҳа, шунчаки... бир амаллаяпмиз... Бир ойда одамни солдат қилиб бўлармиди. Кўряпсиз-ку.

Самгин жўнаб кетди, лекин шундан кейин, солдатларга таълим беришадганини кўрганида, бир неча минут тўхтаб томоша қиладиган, ўзи каби йўловчилар ва кузатувчиларнинг мулоҳазаларига қулоқ соладиган бўлди, бу мулоҳазалар истеҳзоли, зардали, ғамгин, маъюс эшитиларди.

— Ҳаммаси бир-биридан ушоқ, пачақ одамлар...

— Норгулларининг бари қирилиб кетгандир-да.

— Бунақа азаматлар немисларга бас кела олармиди.

Хотинлар оҳ чекишарди:

— Э, парвардигор, қачон қутуламиз бу балодан!

Клим Иванович Самгиннинг мушоҳадалари қисқа-қисқа жумлалар шаклида тобора яққол ва қатъий тус олаётганди:

«Обиватель армияга, солдатларга умидсизлик билан шубҳаланиб қарайди».— «Мамлакат сараланган одам кучларининг бутун запасини тугатиб бўлган кўринади».— «Уруш жонга тегди, уни тугатиб қўя қолиш керак».

Маликанинг Германия билан сепарат сулҳ тузиш йўлидаги уринишига оид мишмишлар Самгиннинг хулосаларини тасдиқларди, лекин бу мулоҳазаларни янада яхшироқ тасдиқлайдиган бошқа далиллар ҳам бор эди. Азамат йигитларнинг сони анча камайиб қолганди, бу ҳол шаҳардаги барча майдонларда оёқ дўпиллатиб машқ қилаётган солдатларнинг аҳволдан айниқса равшан кўриниб турарди. Ушоқ одамларнинг катта тўдаларига урушдан қайтган, ҳойнаҳой, ярадор, контузия бўлган ярим хаста офицерлар ижирғангандай афти башараларини буриштириб, асабият билан қичқира-қичқира қўмондонлик қилишарди... Оддий аскарларнинг қовушмаслиги, фаросатсизлиги уларнинг асабига тегар, улар томоша қилиб турган кишилардан ҳадиксираб, секингина сўкиниб қўярдилар. Самгинга офицерлар бўлғуси солдатларни калтаклагиси келаётгандек бўлиб туюлар ва бу шикаста, ҳолдан тойган кишиларга унинг раҳми келарди.

«Армия зиёлилари,— деб ўйлади у.— Зиёлилар омманни ватан мудофаасига уюштирадиган бир кучдир».

Тагильскийнинг ўлдирилиш манзараси, капитан Вельяминовнинг ўктамона ҳаракати,— унинг ўз қиличини гене-

рал қаршисидаги стол устига қандай қўйгани Самгиннинг ёдига тушди.

Бирмунча вақтдан бери у ўз уйидан чиқмасдан одамлардан қандай қилиб солдат етиштираётганларини кўриш имконига эга эди,—солдатларга шундоққина унинг деразаси тагида таълим беришарди, у деразасини очиши билан эшитиларди:

— Смирно-о! Эй, чўтир, қорнингни ичингга торт! Нима бало, иккиқатмисан? Оёқларингнинг учини тўғрилаларинг, хумпарлар! Сенларга неча марта айтиш керак, товонларинг жуфт бўлсин, панжаларинг айрим деб. Хў, шайтон башара, қанақа турибсан? Нега елкаларинг паст-баланд? Эй, бетамизлар, эси пастлар. Смирно-о! Сўлга текислан, шагом... Ҳей, Тамбов тўнгизи, қаёққа кетяпсан, ҳа, йўл бўлсин? Смирно-о! Ўннга текислан. Ша-агом... арш! Бир-икки, бир-икки, сўл, сўл... Тўхта! Ҳей, лаънатилар, нима қилсам бўлади сенларни, а?

Машқ ўтказаётган солдат юзи кепчикдек, бурни пучуқ, сариқ мўйловли, ўнг кўзини қора латта билан боғлаб олган барзанги бир киши эди. У икки соатча юришдан машқ ўтказди, бир оз дам бергач, найзабозликни ўргата бошлади. Самгиннинг квартираси қаршисидаги уйнинг ҳовлисидан ёғочдан ясалган бир қурилма олиб чиқишди, унинг ичида сомон тўлдирилган чипта қоп осилиб турарди. Солдатлар бирин-кетин «ура» деб қичқириб юборишди ва югуришиб, кўзларини чақчайтириб чипта қопга найза суқа бошлашди — буни кўриш кўнгилсиз ва кулгили эди. Самгин немис артиллериясининг куч-қудрати тўғрисида, душманнинг йўлини тўсиб ўт очиш кучи тўғрисида кўп гап эшитган эди, шунинг учун душманни найзага қандай қилиб илинтириш мумкинлигини тасаввур қила олмас эди, сомон тиқилган чипта қоп билан жанг қилишни ўргатиш унга бемаъни ва кулгили бўлиб кўринди. Ўтган-кетганлар ҳам, деразадан томоша қилиб турган одамлар ҳам бу уқувсиз ҳаракатлар ҳақида шундай фикрда эканликларига Самгин амин эди.

Тунги ёмғирдан кейинги намхуш куз ҳавосида, кундузги дам олиш вақтида, бир неча дақиқалик сукунатдан кейин балалайка тингиллади, пастгина кулги овози эшитилди. Самгин дераза ёнига келиб кўчага қаради: ўнтача солдат фонарь ўрнатилган устун атрофида зич давра олиб лўлига ўхшаш жингалак сочли, буғдой ранг бир йигитнинг балалайка чалиб, ашула айтаётганига қулоқ соларди, но-

Эйккина ва батартиб бу йигит кул ранг куйлак, озодагина этик кийганди. У пастгина овозда куйлаётганидан шўх ялланинг сўзларини англаб олиш қийин, балалайка овози, оёқларнинг дупур-дупури, босиқ кулги бунга халақит бераётганди. Шундай бўлса-да, Самгин диққат билан қулоқ солиб, манави байтни илиб қолди:

Мисол учун, борми, этнинг шарҳ,
Унтер-цер ва кўппак аро фарқ?

— Дўст,— деб қичқирди тингловчилардан бири ва ҳатто куй оҳангига мослаб оёқларини дупурлатди... Бўлғуси солдатлар атрофга аланглаб, секингина кулишар, қўшиқнинг шўх сўзлари бу кулгига йўғрилиб кетгандек бўларди:

Устамиз боз бир-бировни урмоққа,
Урганларга, куч йўқ қарши турмоққа!

Самгиннинг аччиғи келди.

«Бу болакайнинг қулоғини бураб қўйиш керак эди»,— деган фикрга келди у. Айтмоқчи, Самгиннинг судга борадиган вақти бўлиб қолганди, у кийиниб, портфелини олди-да, уйдан чиқди, орадан икки-уч минутдан кейин болага рўпара бўлди, Самгин бир қадар шахтидан тушган ва ҳайратда эди. Бу қора сочли йигитнинг буғдой ранг юзида унга таниш бўлган ажабтовур мовий кўзлар шўх порлаб турарди. Бола балалайканинг охирги пардасидан тутиб, осилтирганча тебратиб турар эди уни, яқинроқдан бола яна ҳам нозик ва паст бўйликкина кўринарди кўзга. Солдатлар каби у ҳам савол назари билан илтижо-ла боқарди Самгинга.

— Нега ҳарбийча кийимдасиз, боисини билсак бўладими?— жиддият билан сўради Самгин. Бола шанғиллаб жавоб берди:

— Кўнгиллиман, чолғучилар командасида хизмат қиламан.

— Э, шунақа денг? Фамилиянгиз нима?

— Спивак, Аркадий,— деди бола ва қовоғини солиб сўради ундан:— Менинг ким эканлигимни билиш нега керак бўлиб қолди сизга? Сизнинг нима ҳаққингиз бор суриштиришга? Шаҳарлар уюшмасиданмисиз?

— Ҳа, Шаҳарлар уюшмасиданман,— ғайри шуурий тарзда жавоб берди Самгин.— Сиз Елизавета Львовна-нинг ўғли эмасмисиз?

— Ҳа, топдингиз.

— У шу ердами?

— Йўқ, вафот этганлар. Онамни танирмидингиз?— мулойимгина сўради Спивак.

— Ҳа, танирдим,— деди Самгин ва унга яна ҳам яқин бориб пичирлаб гапирди:

— Ашулангизни эшитдим. Бу ишингизнинг хосияти йўқ...

— Шунақами?— Спивак балалайкани созлаётиб ҳазилнамо қилиб баланд овоз билан сўради. Самгин солдатлар унга ишларига халақит бераётган одамга боққандек адоват билан боқётганларини пайқади. Алалхусус, икки киши: лаблари қалин, кўзлари катта-катта, малла мўйлови қайчиланган калтабақай солдат, унинг ёнидаги кўзларини қисиб, лабларини тишлаб турган ҳаво ранг кўйлакдаги яҳудийнамо киши ундан кўзини узмасди. Самгин бармоқлари билан фуражкасини ушлаганча бу ердан узоқлашди, кимдир унинг орқасидан қичқириб қолди:

— Қиличсиз гусар, тўқага ўхшар.

Сўнгра икки марта секингина ҳуштак чалишди.

«Ёши ўн олтидан ортиқ эмас. Кўзлари шундоққина онасининг кўзлари. Кўҳлик бола», деб мулоҳаза юритди Самгин уни чўғдек куйдираётган ҳисларини сўндирмоқчи бўлиб.

«Ахир мени эсанкиратиб қўйган нарса нима ўзи?— деб фикр юритди у.— Болага айтадиган гапимни нега айтмадим? Албатта, уни мағлубиятчилар, большевиклар ўргатиб, бу ерга юборишган. Худо билсин, шахсий ҳислари — онасининг аламини олиш нияти уни бу йўлга солгандир. Циммервальднинг ташқи душманга қарши урушни мамлакат ичкарисида граждандар урушига айлантириш шиори амалга ошмоқда. Бунинг маъноси мамлакатга хиёнат қилиш, уни емиришдан иборат... Шундай, албатта. Бу гўдак, болакай ҳеч нарса эмас. Гап одамда эмас, балки унинг оғзидан чиқаётган сўзда. Мен нима қилишим керак ва нима қила оламан?»

Самгин бу саволга жавоб ахтариб ўтирмади, чунки жавоб ундан амалий ҳаракат қилишни талаб этажagini, бунга эса ўзининг қурби етмаслигини билар эди. У қадамини тезлатиб, бурчакка бурилди.

«Ажабо, ҳаёт нақадар маъносиз!»— фикран хитоб қилди у. Бу ғазабнок хитоб уни ҳовридан туширди; Самгин яна Аркадийни хотирлади, уни солдатлар орасида тасаввур этди, унинг буғдой ранг юзида ўйнаган шўх табассумни кўз олдига келтириб бирдан хотирлади:

«Ҳаво ранг кўйлакдаги, сепкилли анави... москвалик-чи, оти қурғур нима ҳам эди? Мисгарнинг шогирди-чи? Ҳа, ўша. Албатта. Наҳотки, бир замонлар таниган одамларимнинг ҳаммаси билан яна дуч келишим шарт бўлса? Хўш, бу учрашувларнинг маъноси нима? Бу ўша одамлар катта юлдузлар каби сийрак ёки кичкина юлдузлар каби сонсиз-саноқсиздирлар, деган гапми?»

У ўнтача калима билан муайян фикр ва образни ифода-далай олганига ўзи ҳам қойил эди. Йўлкани тўлдириб турган бир тўда одам унинг йўлини тўсиб қолди, бошқа йўловчилар каби Самгин одамларни четлаб, тош йўлга ўтиб олди-да, тўхтаб қулоқ солди:

— Галициядан чекинаётган эдик, йўл бўйлаб ҳамма ёқда ғалла ёниб ётарди: уну ёрма-ю, озиқ-овқат омборлари-ю, бутун-бутун қишлоқлар ёнаётганди! Биз ўзимиз қанчадан-қанча ғаллазорларни босиб пайҳон қилдик! Э, худойим, ўзинг кечир! Не сабабдан ҳаётни бунчалик заволазтиясан?

Самгин оёғини учида туриб, бўйинини чўзди-да, одамларнинг бошидан ошиб қарасаки, боши бинтланган новча бир солдат қўлтиқтаёққа тиралиб деворга суянганча турибди, унинг ёнида яхлитгина оппоқ юзида қора кўзойнакли, тўладан келган шафқат ҳамшираси, дуррачасининг чети билан лабларини арта-арта чурқ этмай турибди.

Солдат шинелининг ёқасини тортқилай-тортқилай учли кекирдагини кўрсатиб жаврарди:— Эй, жаноблар, эй, азизлар, бу қирғиннинг сабабини билиш керак, ахир бунинг сабаби надир? Ахир уруш нима деган нарса ўзи?

Самгин шошилганча йўлида давом этиб ўйларди: борди-ю, қандай бўлмасин, урушдан жабр кўрган одамлар урушнинг сабабини большевиклар айтганча деб билсалар, унда нима бўлади?

«Йигирманчи асрда, ҳатто бизнинг деҳқонлар мамлакатимизда пугачёвчиликнинг бўлиши аҳтимолдан узоқроқ. Лекин шундай бўлса-да, ҳамиша баттарин бўлишини кутиш ва мамлакатнинг бутун илғор кучларини бирлаштиришга шошилиш лозим. Россия инқилобга эмас, балки

ислоҳотларга муҳтож. Инқилобни хасталик деб, ижтимоий тананинг шамоллаши деб тушуниш керак... Вакиллик идора усулининг ва ижтимоий муросанинг ватани бўлмиш Англия инқилобсиз ривож топиб, ярим жаҳонни қўлга киритди. Булар янги фикрлар эмас, аммо бу кўпларнинг ёдидан кўтарилган. Сўнги икки асрда Англия либерализмининг Европа тарихидаги роли масаласини олайлик. Бу мавзуда маъруза қилмоқ лозим».

Шу ўринда Клим Иванович Самгин ўзини огоҳ қилиб қўйди:

«Мен конституциячи-демократлар партиясининг оддий аъзоси сифатида фикр юритмоқдаман».

У ўзининг шахсий ҳаёт тажрибаси бошқаларнинг иборалари билан муайян бир шакл касб этаётганини биларди, унинг ёшлик чоғида бу ҳол уни хафа қилар, ташвишга соларди, лекин бора-бора сўзларнинг бу зуғмига у аҳамият бермайдиган бўлиб қолди, унга бу сўзлар унинг асл фикрларини қалбакилаштирадигандай, уларнинг жуда соз шаклда, оригинал бир куч, ўзига хос жило касб этиб намён бўлишига монелик қиладигандай туюларди. У беихтиёр равишда ўзини шунга ишонтирардики, вазият талаб қилиб қолгудек бўлса, бошқалар сўзидан ясалган либосни кўрган-кечирган, қайта ўйлаб кўрган бутун нарсалари устидан осонликча улоқтириб ташлай олади. Лекин шундай кунлар келиб етдики, Самгин ўзининг асл, беназир борлигини пинҳон тутган юкдан қутулишнинг хонаси келганини туйди.

«Мен бу ярим асрлик умримни Англия либерализмининг нажоткорлигини эътироф этиш учун яшаганим йўқ»,— деб ўйлади Самгин хомуш бир ҳолда киноя билан. У илдам-илдам қадам ташлар, юрганида миясига бемалол янги фикрлар келиб, осонликча орқада қолиб кетадигандек туюлаётганди унга. Кўчада дув-дув ташвишли гаплар юрар, уст-боши увода тажанг хотин-халаж озиқ-овқат дўконлари олдида уймаллашиб, қий-чув солишар, бурчак-бурчакда тўда-тўда эркаклар ғуж бўлишиб, алланималар тўғрисида ғўлдирашар, извошчи ўриндиқда ўтириб олиб, жун босган ажин тўла юзини буриштириб газета ўқир ва ўқтин-ўқтин хира осмонга қараб қўярди, ҳар томонда солдатлар кўзга ташланарди... Солдатлар найзаларини ярақлатиб машққа кетишар, оркестрнинг ғат-ғути остида вокзал сари йўл олишар, турнақатор ярадорлар шафқат ҳамширалари ҳамроҳлигида қаергадир боришарди.

«Агар ўзимга нисбатан самимий бўлишни истасам, у ҳолда ўзимнинг ночор демократ эканимни тан олишим керак,— деб фикр юритди Самгин.— Халқ авомдир, юнонлар халқ ҳокимиятини охлократия деб аташган. Халққа хизмат қилмоқ — халқни идора қилмоқ демакдир. Бошқача эмас. Мендек шахсиятпараст бир одам жамиятнинг фақат нерархия, аристократик қурилишини қонуний ва табиий деб билишим керак».

Унинг ўзидан ҳам баъзи бир фикрлар чиқди. Клим Иванович Самгин округ суди ёнида туриб, қовоғини солганча Литейний проспектига ва Неванинг нариги ёғида фабрика мўриларидан базўр сийрак тутун таралиб турган томонга боқди. Адвокатлар хонасида ғовур-ғувур баҳс авжида эди, бештача адвокат юзи тарвақайлаган, соқолдор бир кишини бурчакка сиқиб, ўшқирришарди унга:

— Охиригача гапиринг!

— Ха, ҳа!

— Йў-ўқ, бу хавfli фикр!

Бу кишининг йирик мовий кўзлари қуюқ қошлари остидан, оч малла соқоли ичидан хижолат чеккандек мулойим кулиб турар, у ингичка, баланд овоз билан гуноҳқорсимон дерди:

— Мен бир нима деяётганим йўқ, фақат шунчаки бир сўраб ўтяпман. Менимча, армиядек уюшган бир душман билан курашмоқ, масалан, эсерларнинг партизан отряди билан курашгандан кўра қулайроқдир.

Энг йирик банклардан бирининг юрисконсулти, нуфузли адвокат Вишняков йўғон овоз билан қатъият-ла деди:

— Немислар социал-демократлар бемалол яхши ватанпарвар бўлишлари мумкинлигини кўрсатиб, Маркс таълимотининг интернационал асосини ҳамишаликка обрўсизлантирдилар...

— Лекин Циммервальд...

— Титраб-қақшаб...

Хонанинг ўртасидаги стол атрофида кул ранг кўзойнак таққан хомсемиз бир мўйсафид ўтирарди, у қўлтигини қашлай-қашлай, сўзларни ён чўнтагидан ковлаб олаётгандай, ҳарс-ҳурс қилиб аранг гапирарди:

— Гамсун трилогиясининг қаҳрамони — анархист, ницшечи, Ибсен ғояларининг тарафдори бўлган Карено спортингда ўрин олмоқ ниятида буларнинг ҳаммасидан воз кечди. Биласизми, бу ерда гап ғояларда эмас, намуналар-

дадир... Франция, отагинам, ҳуқуқшунослар, юристлар ҳукм юритаётган Франция...

— Ва ғояларни хотинлар каби кийинтира биладиган ҳам денг,— илова қилди мўйсафиднинг сочиний Гоголга тақлид қилиб тараган, қорачадан келган, бурундор суҳбатдоши; мўйсафид эса қоғозларни шитирлатишни бас қилиб, уларни қўли билан босди-да, суҳбатдошининг гапига қулоқ солмасдан қаҳр-ғазаб билан бақириб гапира бошлади:

— Йўқ, сиз бир ўйлаб кўринг: ўн тўққизинчи асрни биз Карамзин, Пушкин, Сперанский билан бошлаган эдик, йигирманчи асрни эса — Гапон, Азеф, Распутин билан... Яҳудийлардан чиққан зоти паст ножинс мамлакатнинг энг кучли, ҳалиги, миллий-сиёсий партиясини емирган эди, мужиклардан чиққан, қишлоқ эртақларида сўйланган бир аҳмоқ тож-тахтни емирмоқда...

— Жилла ҳам аҳмоқ эмасдир...

Самгин суд мажлисида сўзлаш учун тайёрлаб қўйилган ҳужжатларни яна бир карра кўздан кечирар экан, чалкаш-чулкаш гапларга қулоқ солар, унинг назарида ўхшатиб айтилган гапларни илиб қоларди. У ҳали ҳам бўлса фасоҳат усталарига ҳасад қилиш одатини йўқотмагани учун ўзидан ўпкаланди: нима жин урдик, Гапон, Азеф, Распутинни бир сафга қўйиш унинг ақлига келмабди? Дастлабки икки шахс учун жуда кенг изоҳот лозим...

Хомсемиз мўйсафид бурни устидаги кўзойнакни олди-да, уни ҳавода айлантира-айлантира лунжини шишириб, хириллаган овоз билан чиғиллади:

— Йўқ, кечирасиз. Агар Плеханов ва Каутский билан Вандервельде ҳам мағлубиятчилар устидан масхаралаб кулишса, унда менга қолса мағлубиятчиларни қирдириш керак! Ҳа, каторгага ҳукм қилинганлар каби бошининг ярмини қирдириш керак! Мен кўрай... ҳамма кўрсин, у мағлубиятчи, яъни душман эканини! Ҳа, ҳа!

Кимдир кулди, шунда мўйсафид яна ҳам жазава билан қичқирди:

— Йўқ, кечирасиз, бунинг кулгили жойи йўқ, бу жамиятни ички душманга қарши мудофаа қилиш усулидир...

— Казимир Богданович ҳақ: бу одамларга жиноят тамғаси босиш керак.

— Дума депутатлари бўлган большевикларни каторгага ҳукм қилишди... хўш, бундан кимларнинг муроди ҳо-сил бўлди?

— Фақат депутатларнинг дахлсизлиги принципи бузилди, холос.

— Кеча уларнинг куни туққан бўлса, эртага бизники туғади.

— Виборгни хотирланг.

— Уларга Россиянинг мағлубияти парижликларнинг 871-йилдаги телбалигини такрорлаш учун керак.

— Ҳа, албатта! Бун яширишмайди улар...

— Бизга мустабид ҳокимиятнинг мағлубияти зарур...

— Бизга эмас, балки бутун рус халқига зарур бу!

— Интернационализм кўнглида ватан, эл-юрт ҳисси сўниб кетган кишилар таълимотидир...

Фрак кийган одамлар сони ортиб борарди, энди ўн бештача одам стол теварагини қуршаб олиб, қичқиргани қичқирган эди, мўсафид қўлларини стол устига ёзиб, худди сувда сузаётгандек, ҳавода қимирлатар ва қизариб-бўзариб кетган башарасини юқори қаратиб қичқирарди:

— Мен кўпас ҳам эмасман, дворян ҳам, ҳеч бир тоифага мансуб эмасман. Мен давлатда шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилишдек оғир бир ишни бажармоқдаман, ҳолбуки давлат бу кенг ҳуқуқларнинг маданий аҳамиятини ҳали ҳам бўлса тушунмайди.

— Ижтимоий инқилоб авантюристларнинг хом хаёлидир.

— Русларнинг, русларнинг денг...

— Яҳудийларнинг ҳам. Маркс яҳудий.

— Ленин рус. Европа социалистлари ижтимоий инқилобни орзу қилишмайди.

Инқилобдан қўрқув ҳиссини Самгин одамларнинг овозида биринчи дафъа эшитиши эмас эди, куни кеча у, менда бундай қўрқув бутунлай йўқ, деб айта оларди. Одамларга нисбатан шубҳали, ҳатто душманларча муносабат унда аллазамонлар пайдо бўлган эди. Азоб-уқубат тортаётган бахтсиз, мазлум халқ тўғрисидаги гаплар ва китоблар ҳали ёшлигидаёқ унинг жонига теккан эди. Намойишлар ва умуман, оммавий ҳаракатларнинг хосияти йўқлигига у кўп марта ишонч ҳосил қилган эди. 1905 йилги воқеаларда ғайри ихтиёрий равишда қатнашиб қолганлиги унда омманинг кучига шубҳали муносабат туғдирган эди, Москва қўзғолонини у аллақачон ҳаваскорлар қўйган томоша деб баҳолаган эди. Замон тақозосига кўра у, албатта, Маркс китобларини кўздан кечириб чиққан, Плеханов,

Ленин китобларини мутолаа қилганди. Бу ишга у истар-истамас унча-мунча вақт сарфлади, лекин жаҳон мадания-тининг ривожланиш жараёнини янгича тасвир этадиган тарих фалсафасига қатъиян қўшилмаслиги учун сарфланган шу вақтнинг ўзи ҳам жуда етарли экан. Йўқ, тарихни, албатта, синфлар, кўзи ожиз оломон эмас, балки битта-яримта шахслар, қаҳрамонлар ҳаракатлантиради, шумга кўра инглиз Карлейль немис яҳудийси Марксдан кўра ҳақиқатга яқиндир. Марксизм шахснинг тарихдаги аҳамиятини наинки фақат маҳдудлаштирди, балки уни йўққа чиқарди ҳисоб. Бу фикр Клим Иванович Самгиннинг миясига шу қадар маҳкам ўрнашиб қолган эдики, у муҳитнинг зўрлигига тобе бўлмаган бир йўлбошчининг, қаҳрамоннинг, бир инсоннинг хислатини ўзида тарбия топтиришни олдиға мақсад қилиб қўйди.

Лекин, мана, бир йилдан ортибдики, у алланечук ташвишда эди, бунинг сабабини аниқлашга эса юраги дов бермасди. Бугун эса, ҳамкорларининг ҳаяжонли нутқларидан дафъатан шуни англадики, у фрак кийган одамларнинг айюҳанносига қулоқ солар экан, табиатига ўтиришмайдиган, ҳатто унга душман бўлган янгидан-янги шахсларнинг ҳисобини олиб борди. Аркадий Спивак, ўртоқ Яков, Харламов — ҳа, чамаси, Харламов ҳам. Лютов каби бесўнақай бир таъвия Тагильский ҳам мазлум халқнинг ҳимоячиси бўлган бўлиши керак, Макаров, каллакесар Иноков, Поярков, Тося ва яна кўплар ҳам. Ниҳоят, қадимий таниши Кутузов. Кутузов одамга эл бўлмайдиган, бошқалардан устунлик даъво қиладиган киши. Буларнинг бари ижтимоий инқилобнинг бўлиши зарур эканига ишонадиган кишилар бўлиб, улар фабрикаларда инқилобни тарғиб қиладилар, сиёсий стачкаларга даъват этадилар, армияда тарғибот олиб борадилар, граждандар уруши бўлишини орзу қиладилар.

«Тарихни қаҳрамонлар яратади... Довюракларнинг телбалиги... Харламов...»

Суд процессида Самгинга душман бўлган чиройли, бадавлат, хотинлар каби зариф, қирмизи ёноқ, қўй кўзлари хумор боқишли, бурама мўйлови остида ва оқ оралаган чўққи соқоли устида мулойим табассум жилваланган Нифонт Ермолов ўткир атир ҳидини таратиб унга яқинлашди.

— Азизим Клим Иванович, менга илтифот этиб, ишни кечиктиришга рози бўлолмайсизми, а? Ҳозир мен кичик

бир мажлис ўтказаман, сўнгра маслаҳатхонада жуда масъулиятли мажлисим бор,— жуда ўтиниб сўрайман сиздан!

У силлиқланган пушти ранг тирноқли қўлини узатди.

Самгин ўз муштарийларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни хаёлига ҳам келтирмай мамнуният билан рози бўла қолди. У қоғозларини портфелга тиқиб, уйга жўнади. Судда эканлигида ҳаво айниб қолганди: денгиз тарафдан куздан дарак бериб рутубатли шамол эсарди, шамол уйларнинг томи устидаги нопок булутларни қува-қува гўё Литейний проспекти коридорига тиқмоқчи бўлар, одамларнинг кўксидан, орқасидан итарар, юзини саваларди, одамлар эса шамолнинг бу ҳаракатларига эътибор бермай, қадамларини тезлатиб, бир-бирларига рўбарў келишар, уйларнинг ҳовлилари ва дарвозаларига кириб ғойиб бўлишарди. Самгин қилич яланғочлаган қамоқхона соқчилари қуршовида бораётган ўттизтача маҳбус ёнидан ўтиб кетди, ушоққина бир маҳбус худди ёғоч оёқ устида юргандек қўлтиқтаёққа тиралиб борарди. У букрига ўхшарди, шамол қиличларнинг кўкимтир дамларини чархлаётгандек ғувиллар ва гўё:

— Смирно-о!— деб пичирлаётгандек эди.

Сўнгра проспектга дафн маросими кириб келди, бир қаҳрамон дафн этилаётган эди, мис карнайлар мотам марши чалар, қора отлар ва худди ботқоқликдаги қурбақалар сингари яшил кийимдаги солдатлар оҳиста-оҳиста қадам ташлаб борар, катафалкнинг попуклари ва шокиллари ҳилпирар, бутунлай докапарангга бурканган новча бир жувон қўли билан катафалкни ушлаганча қаққайиб қадам ташлар, қора докапаранг унинг боши устида, атрофида ҳилпирар, шамол хотинни гўё тортқилар ёхуд булутлар бағрига отмоқчи бўларди. Одамлар қаҳрамоннинг дафн маросимига, маҳбусларга, бир-бирларига эътибор бермай, шоша-пиша, тажанг бўлишиб ўз дардларида боришарди. Кетма-кет тизилишиб ярадорлар боришарди, уларнинг бошида тилла кўзойнак таққан дуркунгина, тўладан келган шафқат ҳамшираси борарди. Самгин уни аввал қаердадир кўрган эди.

«Харламов,— деб кўнглидан ўтказди Клим Иванович Самгин ва Харламовнинг Еленага большевикларнинг ниятларини изоҳлаб айтган ҳазиломиз, кинояли гаплари унинг ёдига тушди: «Ёнадиган бутун нарсалар муайян температурада қиздирилганида ва фақат етарли даражада қислород бўлганидагина ёнади. Бу икки шарт бўлмагани»

да, ёниш ўрнига чириш рўй беради. Маркснинг фикрича, чириш шундай бир жараёнки, ишчилар синфи уни ёндириши, бутун жаҳон ёнғинига айлантириши керак. Ҳозирги вақтда ишчи ва деҳқонлар етарли даражада қизиганлар, большевиклар кислороднинг вазифасини аъло даражада бажармоқдалар, шунинг учун ҳам ишчи аҳли аланга олмоғи лозим».— Бу фикрда Харламов ёлғиз эмас. Масхарабозлар, ҳар нарсага истехзо қиладиган у тахлит кишилар большевикларга қариндошдир. У Тагильский каби, Дронов каби авлодининг илк зиёлиси бўлса керак. Улар анъанасиз кишилар бўлиб, мактабдан бўлак ҳеч нарса уларни ўз ватанлари тарихи билан боғламайди. Улар тасодифий одамлардир».

У ҳатто «пазанда хотинлар»нинг болаларини гимназияга йўлатмоқчи бўлмаган министр Деляновни хотирлади, лекин бу ўринда фикрининг бутунлай бошқа томонга бурилиб кетгани уни шошириб қўйди ва ўз квартирасининг эшигини очаркан, ўзини оқламоқчи бўлди:

«Ахир йигирманчи аср нигилистлари мендан ўзиб кетаётганларидан ташвиш тортаётганим йўқ...»

Лекин унинг фикрлари ўз ҳолича қия текислик бўйлаб сирғалиб бораётганди:

«Римни римликларнинг тарбиясини кўрган варварлар хароб қилди».

Сўнгра ўнинчи дафъа Брюсовнинг «келажак гуннари» ҳақидаги шеъри ва социалист депутатларнинг каторгага ҳукм қилингани муносабати билан кимнингдир айтган манави сўзлари унинг ёдига тушди:

«Беш кишини каторгага ҳукм қилишди, беш юз киши эса бу ҳукмни ўзларига қилинган ишора деб тушунадилар...»

Самгин стол атрофида бошини кафтлари билан чангаллаб ўтирар экан, папироснинг мовий тутунлари яшил мовут устида қандай таралаётганини томоша қиларди, уларга қараб нафас чиқарилгудек бўлса, улар йўқ бўларди-қўярди. Самгиннинг ўйлари ҳам ана шу енгил тутун каби бир-бирини қувалаб ўрмалар ва бошқача янги фикр туғилиши билан аввалгилари тезда ғойиб бўларди-қоларди.

«Фикрлари пишиқ, силлиқ ип каби чийирадиган урчуқ зарур... Ургимчак ўз тўрини жуда аниқ бир мақсад билан тўқийди».

Бу ёқимсиз фикрларда аччиқ бир таъна пинҳон эдики, у ҳаётнинг маъносиз эканига шама қилар эди, шу боисдан

Самгин бу фикрларни гугуртни ўчиргандек тезда сўндирди-да, яна тасодифий одамлар ҳақидаги ўйларига қайтди.

«Гапон, Азеф, Распутин. Илиодор исмли бир роҳиб. Протопоповни ички ишлар министри лавозимига номзод дейишяпти».

У Протопопов ҳақида айтилган ҳамма гапларни хотирлади: сиёсий жиҳатдан ноаниқ ва ҳатто у қадар саводли ҳам эмас, аммо юлдузни бенарвон урадиган эпчил, унинг эпчиллигида қандайдир бир иллат борлигини пайқашади. Вилоятдан чиққан, симбирсклик майда дворянлардан, мовут фабрикасининг ағаси, бу фабрика поляк инқилобчиси Подлевский томонидан ўлдирилган жандарма генерали Сильверстовдан унга мерос қолган. Умуман, шубҳали, пашмалоқ бир одам.

«Афтидан, мамлакат ўзининг соғлом кучларининг бари сарф этиб бўлган кўринади... Милюков партияси ўн тўққизинчи асрда тўланган бирдан-бир нарса бўлиб, у буржуазияни уюштиришнинг ҳаракатидадир... Бу партияга кирсам нима бўлади? Унинг программаси билан ўзимни чеклаб қўяман, корчалонларнинг раҳбарлигига бўйсунаман, уларнинг муҳитида ўз қиёфамни йўқотиб қўяман...»

Самгин партияга кириш тўғрисида илк дафъа ва ўзи кутмагани ҳолда ўйлагани учун бу уни яна ҳам ҳаяжонлантириб, ташвишини орттирди.

«Атрофдаги бутун нарсалар каби партиялар ҳам нураб бормоқда»,— деган фикрга келди у, папирос қолдигини кулдонга ниқтаб ўчирар экан.

Сўнгги вақтларда ўз фикрларини дилидан ўтказар экан, Самгин уларнинг орасида худди урчуқ ҳамда ўргимчак тўри тўғрисидаги сингари, одамни ҳушёр торттирадиган фикрларга дуч келиб қоларди, шунда у ўзи чиқиб олган баландлик омонат эканлигини ва бу баландликдан қулаб кетмаслик учун баъзи бир чораларни кўриб, уни мустаҳкамлаш кераклигини сезар эди. Ўзининг кучи ва мавқеини жамоатчиликка рўкач қилиши, унинг диққат-этиборини қозонишга ҳақи борлигини исботлаши керак эди. Лекин ҳар сафар йиғилишларда иштирок этар экан, у шу нарсани сезар эдики, одамларнинг асабий нутқлари, аччиқ-ситамли баҳслари уларнинг ҳам юрагида қайнаган ҳаяжонни, эртанги кун қаршисида дағ-дағ титрашларини, ўз кучларини кўрсатиш ниятини ва бу кучнинг борлигига ўзлари ҳам ишонмасликларини ошкор этарди. У ўз атро-

фида кўпроқ партиясиз одамларни кўрарди, бу одамлар ҳам унинг ўзи каби ўзларининг мустақил эканликлари билан фахрланар, сиёсатга алоқалари йўқлигини писанда қилар ва сиёсатни танқид қилганлари қилган эди. Бундай одамларнинг сони ортиб борарди. Баъзан унга бундай одамлар ҳаддан ташқари кўп бўлиб туюлар, лекин уларнинг орасида ўзининг энг баркамол ва кўзга кўринарли одам эканлигига тезда ишонч ҳосил қилар эди. Леонид Андреевнинг уйида яқинда бўлган бир йиғилиш айниқса характерли эди, бу ерга уни Иван Дронов бошлаб келган эди.

Ҳамиша ширакайф бўлиб юрадиган ва ҳамиша яна ичишнинг пайида бўлган Иван Дронов тўқисгина кийинса ҳам алвир-шалвир бўлиб юрар, олачипор галстуги чап томонга қийшайиб, малла сочлари диккайиб, суякдор башараси учиб турарди. Унинг аҳволи руҳияси одатдан ташқари тез-тез ўзгариб қоларди, кейинги йилда у яна ҳам беқарор бўлиб қолган, ҳовлиққани ҳовлиққан эди, лекин баъзан тамомила руҳи тушиб кетар, хомуш, ҳафсаласиз бўлиб қоларди. Клим Иванович унга содир бўлаётган воқеаларнинг хабарчиси, бу воқеаларнинг маромини белгиловчи, кундалик ҳаётнинг ҳароратини қайд этувчи бир асбоб деб қарашга одатланган эди ва Клим Самгин кўрмайдиган ва англамайдиган тўсиқлар оша Иван жон-жаҳди билан сакраб ағаллаган бу қобилиятидан маҳрум бўлаётганини ва умуман, ўзи билан ўзи сервар бўлиб қолганини кўриб турарди. Бундай кайфиятда у яна ҳам ёқимсиз кўринар, бирор нарсадан таъна қилаётгандай одамга хўмрайиб боқарди.

— Ичибсанми дейман?— сўради Самгин.

— Ҳа, йў-ўқ... Чарчаганман.

Лекин баъзан у ўзини қаерга қўйишни билмай, терисига сигмай кетарди. Шунда сергап бўлиб қолар, бўларбўлмасга кулар, ўзини масхара қилар, чимчилар, жилети тугмаларини чертар, худди қопдан ағдаргандек янгиликларни ёғдириб ташларди.

— Йўқ, Клим Иванович, сен бир ўйлаб кўр ўзинг,— дерди у масрурлик билан хонада гир-гир айланиб.— Қачон кўргансан бизда бош министрнинг Гакебуш раҳбарлигида, Леонид Андреев, Короленко, Горький иштирокида очик-ошкор сафсатабозлик уюштиргангани? Гакебушга юз минг, Андреевга сатр ҳисобидан ташқари — олтмиш, Короленко билан Горькийга ҳар сатрига бир сўмдан. Бу сен-

га Европа эмас! Бу — жаҳоншумул аттракцион ва олам-жаҳон кулгидир!

Сўнгра у галати бир воқеани гапириб берди: нолегал бир большевик Леонид Андреевнинг уйида бир неча кун яширинган экан, у уй эгаси билан жанжаллашиб қолибди, Андреев унга тўппончадан ўқ узибди. Гап шу ерга етганда Дронов бу воқеа қолиб кетиб, маълум қилдики, гвардиячи офицерлар кўпчилик кирадиган бир майхонада Распутинни роса дўппослашибди ва сарой аёнларининг фитнаси ҳақида миш-миш гаплар юрган аёнлар Николайни тахтдан тушириб, унинг ўрнига Михаилни тахтга ўтқазишмоқчи эмиш.

— Қани энди мени ўтқазишса!— деди у хурсанд бўлиб ва Шаляпинга бузуқ тақлид этиб, хиргойи қилди:

Мен уларнинг подшолигин юритар эдим!
Хазинасин секин-аста қуритар эдим!
Маза қилиб яшардим охир!
Ўз оти-ла ҳукумат ахир!

— Нега мунча хурсандсан?— сўради Самгин.

— Сабабини... ўзим ҳам билмайман!— деди Дронов, креслога ботиб ўтирар экан ва бир қадар сокин ва ўйчан гапира бошлади:— Балки хурсанд бўлмай, қўрқаётгандирман. Биласанми, мен маст одамман, умуман, ҳеч нарсага ярамайман, лекин ҳар ҳолда аҳмоқ эмасман. Аҳмоқ бўлмаганинг билан ҳеч нарсага ярамасанг, алам қилар экан одамга, оғайни. Шунақа. Биласанми, мен ҳар турли одамларга дуч келяпман, баъзилар сиёсат билан машғул, бошқалар қабиҳлик қилишади, ўғрилар шу қадар кўпайиб кетганки, немислар келгудек бўлса, ғорат қилгани ҳеч вақо йўқ! Немисларга ачинмайман, уларга шу лозим ўзи, немисларнинг жазосини Наполеонлар берсин. Мен Россияга ачинаман.

У креслодан коптокдек сакраб турди-да, стаканга вино қуяётиб, дадиллик билан деди:

— Зўр инқилоб бўлади бизда, Клим Иванович. Ишчиларнинг урушга қарши стачкалари бошланиб кетди, хабаринг борми? Қорин тўйдириш мушкул бўлиб қолди. Галланинг ҳаммасини армияга едириб битиришди. Эҳ, пировардида шундай бўладики, европаликлар бизнинг ҳисобимиздан ўзаро сулҳга келишади-да, Русни нимталаб, этини суякдан ажратиб, паққос туширишади.

Дронов бу мавзуда яна уч минутча гап сотиб, Самгинга министрликнинг газетасини ташкил этишга бағишланган кенгашга боришни таклиф қилди. Клим Иванович бундан бош тортди, деярли кундалик йиғинлар уни толиқтираётганди, бу йиғинларда одамлар шоша-пиша ва асабий бир ҳолда юракларини бўшатиб олмоқчи, ташвишларини ёзмоқчи бўлишарди. У кўрардики, бу ташвишларнинг туғилишига сабаб ҳаммага хос бўлмиш ўзининг сиёсий жиҳатдан узоқни кўра билишига ишончию бало-қазонинг муқаррар эканлигини олдиндан сезишидир. Самгин ўз таркибига кўра бу йиғинлар тобора қурамалашиб бораётганини пайқайётганди ва бундай йиғинларнинг асосий, партиясиз ядросига ислоҳотчи партияларнинг аъзолари тобора кўпроқ қўшилаётгани ҳамда инқилобий кайфиятдаги кишилар тобора тез-тез ва очиқ-ошкор сўзлаётгани уни айниқса мамнун этаётганди. Самгинга партиялар парчаланиб, майдалашиб кетаётгандек, аллақандай азамат бир ташкилотнинг вужудга келиш жараёни содир бўлаётгандай туюлди. Дронов «гоц-либер-данлар» деб атаган, Харламов эса аллазамон «сотқин немис ортодоксларининг камтарин шогирдлари» деб чўқинтириб қўйган меньшевиклар, конституционалист-демократлар партиясининг кишилари, ҳатто Стратонов, Алябьев каби октябристлар пайдо бўлди, профессор Платонов ўзини панага олди, Мякотин, Пешехоновнинг бўз шарпалари кўзга чалиниб ўтди, нововремячи Меньшиков ўзини касалга солиб, йўталиб-йўталиб қўяди ва яна кўпгина номи улуғ сиймолар кўзга ташланмоқда. Тўла фикр эркинлиги ҳукм сурарди. Вилоятдан чиққан кадет Адвокатов шундай бир саволни ўртага қўйди: «Бизда европаликлар тушунган маънода демократия борми?» Сўнгра у ярим соат давомида исботламоқчи бўлдики, Россияда демократия йўқ. Унинг ҳам гапини бошқаларни эшитгандай диққат билан тинглашарди, шу нарса сезилардики, ҳар бир кимса одамга таскин берувчи қатъий бир гапни айтгиси ёки эшитгиси келар, ҳаммани қовуштирадиган тарихий бир сўзни топишни истарди, Самгиннинг қулоғида эса нутқлар, сўзлар уюрмасида оддийгина солдатча бир сўз янграрди:

«Смир-рно!»

Леонид Андреевнинг уйида бўлиб ўтган бундай суҳбатлардан бири Самгиннинг хотирасида айниқса маҳкам ўрнашиб қолди.

Деразалари Марс майдонига қараган каттакон бир хонада сочлари қулоқлари устига таралган дилбар хонимлар, устларидаги костюмлари тикувчиларнинг маҳоратини кўз-кўз қиладиган башанг йигитлар, басавлат адвокатлар, адабиётчилардан иборат йигирмага яқин одам тўпланган эди. Хона файзсизгина, гўё унга ҳозиргина кўчиб кирилгану ҳали жиҳозлаб улгурилмаган эди. Самгин дараза ёнига бориб ўтирди. Ташқарида куз қоронғилиги, шу қадар жимжитлик ҳукм сурардики, гўё бу уй шаҳардан олисдаги ҳувиллаган далада дер эдингиз. Ҳар вақтдагидек, бир садо бу сукунатни айниқса сездириб турарди, сим сув қувурининг темирларига урилиб ғижирларди.

Жиҳозланмаган хонада одамларнинг овози ғайри табиий бир тарзда қаттиқ ва зардали эшитиларди, одамлар стол атрофида икки-учтадан бўлишиб, тарқоқ ҳолда ўтиришарди. Стол устида буг таратиб, каттакон самовар турарди, кўмир ҳиди келарди, қора сочли, юзи яхлит ва дағалгина бир жувон кескин ҳаракатлар билан қовушмайгина чой қуйиб ўтирарди, ис ҳиди шу хотиндан келатгандек туюларди одамга.

Бахмал куртка кийган юзи кўҳликкина, аммо тўник уй соҳиби бошини шиддат билан силкитиб, бир қўлини стол устига қўйиб, иккинчи қўли билан узун сочларини қулоғи орқасига жойлар экан, дерди:

— Мен ёлғончи саъва бўлмоқчи эмасман. Уйига душманлар ўт қўйган кечада фақат қўрқоқлар ёки телбаларгина халқларнинг қардошлигини тарғиб қилишлари мумкин.

Столнинг охирида, аллақандай қорамтир суратнинг оғир рамаси остида қисилибгина ўтирган оч сариқ сочли бир киши:— Буни тарғиб қилаётганлар бошпанасиз кишилар ахир,— деди.

Адабиётчи, афти башарасини тетикроқ қилиб кўрсатиш мақсадида бўлса керак, қуюқ қора қошларини учириб турарди.

— Ватан хавф остида,— эрта саҳардан оқшомгача шу тўғрида айюҳаннос солиш лозим,— у шундай таклиф қилар экан, ажойиб бирикмаларни осонликча топиб, гапини давом эттирди.— Ватан шунинг учун хавф остидаки, халқ уни севмайди, уни мудофаа қилишни истамайди ҳам. Биз халқни маҳорат билан қаламга олиб келдик, унинг ҳақида самимият билан гапирдик, ҳолбуки, уни яхши билмас эдик, фақат энди, ватаннинг тақдирига у лоқайдлик билан

қараб ундан интиқом олаётган пайтдагина биз уни танияпмиз.

— Бемаъни гап,— деди қўполлик билан бурчакда қисилиб ўтирган одам, Самгин танийдиган адвокатнинг саволи унинг сўзларини босиб кетди.

— Хўш, сиз яҳудий қирғинлари бўлиб турадиган бир мамлакатда Россияга муҳаббати туфайли фронтларда жон олиб, жон бераётган яҳудийлар тўғрисида нима дейсиз?

— Ғайри дин, ўзга халқдан бўлган одамларнинг ўз зolimлари манфаатларини ҳимоя қилиши мени сира ажаблантирмайди, римликлар жаҳонни қулларнинг кучи билан фатҳ этганлар, шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай, шундай бўлажак!— жуда қатъият билан деди адабиётчи.

— Э, кўп пайгамбарлик қилаверманг! Шунини билиб қўйинг, яҳудий шундай бир одамнинг манфаати учун олишмоқдаки, у одам яҳудийни ўзининг ирқий душмани деб ҳисоблайди.

Сийрак соқоли рангпар башарасига монанд, тўлалikka мойил, барвастагина муҳаррир Иерусалимский унга эътироз билдирди.

— Айюҳаннос солиш лозим бўлса керак,— деди у сустгина ва мароқсиз бир тарзда.— Ура, деб бошлаган эдик, энди эса дод, ёрдам беринг, деб қичқиришга тўғри келяпти. Биз қичқириб бўлгунимизча немислар ёқамиздан бўғиб, бизни иттифоқчиларимизга қарши бошлаб боришади. Ёки иттифоқчилар бизнинг ҳисобимиздан немислар билан ярашиб олиб: «Польшани, Украинани олинг-да, ботқоққа даф бўлинг! Бизни тинч қўйинг», дейишади.

Юзи ғадир-будур, калтабақай киши (у ҳам адабиётчи) кул ранг тук билан қопланган бошининг тепасини силай-силаи, томоқ қириб, йўтала-йўтала деди:

— Сепарат сулҳ ҳақида немислар билан ёздаёқ музокаралар олиб борилди.

Сухбат сустгина, шавқсиз чўзилганча чўзилди, одамлар эҳтиёткорлик билан ҳадиксираётгандай эдилар, балки айни бир фикрни ҳадеб такрорлайвериш уларнинг жонига текканди. Одамларнинг аксарияти, фикрининг тўғрилиги ва теранлигини исботламоқчи бўлиб ўз китобларидан цитаталар келтираётган, аммо келтирган цитаталари сира қовушмаётган машҳур адабиётчининг гапларидан мароқланаётгандай кўрсатарди ўзини. Анчаики бир кампир сочлари қулоқлари устига таралган, пенсне таққан, новча, тўлагина бир хотинга секингина гапирарди:

— Ургилай, у жуда тажанг. Кечалари мижжа қоқмай, хаёл суриб чиқади, бир нималар битгани битган, мудом ичгани аччиқ чой.

Фақат аҳён-аҳёнда, лекин тобора тез-тез ва ҳамиша ўша қорамтир сурат остидаги бурчакдан асабий, нохуш овозлар, аччиқ-тиззиқ гаплар эшитилиб қолар, қуруққина ингичка бир овоз худди ипак лента сингари чувалиб, ёзилиб қоларди:

— Юз эллик миллионли халқнинг тақдири сизнингча битта-яримта одамнинг, яна келиб-келиб Гришка Распутиндек бир одамнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ эканлиги ҳатто кулгили ахир, агар билсангиз...

Бурчакдан эшитаётган бу хил овозларга Самгин тобора диққат билан қулоқ солар, уларни тобора тез-тез эшитаётганди, аммо бу сафар уй соҳиби эшитишга халақит берди, у стакандаги жуда аччиқ чойнинг қандини қорштирар экан, пайғамбарона бақириб ишонч билан дерди:

— Инсонлар космосда ўз ҳаётларининг фожиасини англаганлари тақдирда, коинотда ўзларининг ёлғизлик даҳшатини туйганларида, ҳаётнинг ҳал этилмас сиру асрорлари темир қафасининг чивиқларига рўбарў бўлганларида, бу ҳаётдан қутулишнинг бирдан-бир чораси ўлим эканлигини англаганлари тақдирдагина ўзларини қон-қардош деб сезадилар.

У чойдан бир қошиққина ичди-да, унчалик иссиқ эмаслиги ёки ширин эмаслигини билгач, чойнинг ярмисини жомчага тўкиб, стаканни самоварнинг жўмраги остига сурди, сўнгра тантанавор тарзда мулойимгина ва силлиққина гапира бошлади.

— Социалистлар, большевиклар, умумий тўқлик яратиб, инсонларни бирлаштиришни хаёл қиладилар. Йўқ, йўқ! Бу соддадилликдир. Биз тўқ одамларнинг бир-бирига душманлик қилаётганини кўриб турибмиз, мана, урушишяпти! Ҳамиша урушишган, урушишади ҳам! Одамлар тўқ бўлса, тинчийди, деб ўйлаш инсонлар учун ҳақоратдир.

— Бу, биласизми, худо ҳаққи, жўн бир фалсафа!— деб қичқирди бурчакда ўтирган одам,— у ўрнидан турди-да, қўлини ёзиб, тўзиб кетган малла сочларини силади.— Буни эшитган одамнинг кулгиси қистайди ҳатто...

— Ижозат беринг, сўзимни тугатай,— деди жуда назокат билан адабиётчи.

— Йўқ, энди мен тугатаман... тўғриси мен эмас, ишчи

синфи,— деди яна ҳам бақриб ва қатъий қилиб сариқ башара одам ва уни қуршаб турган одамлардан ўзини четга олгандай бўлиб гапира-гапира уй эгаси томон яқинлашиб борди:

— Сиз аллақачон тугатдингиз! Сизнинг олимлигингиз, ҳалиги, адабий десаммикан, ихтисосингиз охир пироварди ўлимга бориб тақалди. Энди нуқта қўйинг. Сўз ва иш навбати тарихга янги қадам қўйганга берилади, ҳа, шундай!

— Ё тавба, нега мунча ёқимсиз бўлмаса,— гўлдиради анчаики кампир Самгинга ўгирилиб.— У билан баҳслаш-гудек бўлишса, Леонидушкани ҳам ёқтирмайди. У жуда тажанг, кечалари мижжа қоқмай, бир нималар битгани битган, мудом хаёл суради-ю, аччиқ чой ичади.

— Ишчи синфи қорни тўқ бўлишни ва малака орттиришни истайди, бунинг учун эса, у, кечирасиз, тўқ одамлар қўлидан ҳокимиятни тортиб олиши керак. Тортиб олиши. Жанг қилиб! Ҳа, шунақа. Иш шу даражага бориб етдики, устига бир сўм, баъзан эса юз сўм деб муҳр босилган бир парча арзимас қоғоз инсон билан бир қимматга эга. Ҳатто почта маркалари ҳам пул каби қўлдан-қўлга ўтиб юрибди. Айтишадик, банкларнинг саноат устидан ҳукмронлиги — молия капитали монополияси демакдир, яъни бутун ишлар пулга, маъносизликка, аҳмоқликка айланади. Банкир, миллиончи ҳукмронлик қилади, худонинг балосига йўлиққур бу касофат меҳнат аҳлини бир-бирига душман миллатларга ажратиб юборди... мана, қандай қирғинни бошлади, сиз бўлсангиз, чойдан бош кўтармай, жўн фалсафа сўқиш билан оворасиз... Уят, номус эмасми!

Кимдир жаҳл билан хўмрайиб, кимдир назар-писанд қилмай кулимсираб нотиққа боқар, Самгиннинг қаршисида ўтирган, соқол-мўйлови қирилган, бошдан-оёқ кул ранг либосдаги киши, худди қармоғига олабуға балиқ илингандай, гўлдирадди:

— Аҳа, ана, ана...

Нотиқнинг қаршисида ўтирган адабиётчи стулнинг суянчиғига суяниб олди, чиройли юзи тундлашиб, кўланка билаң қопланди, кўзлари чуқурлашгандай бўлди, лабини тишлаган эди, оғзи қийшайди; у стол устидаги қутичадан папирос олди, самовар ёнида ўтирган хотин секингина: «Чекишни ташлаган эдинг-ку!» деб эслатган эди, у папиросни ҳўл мис патнисга улоқтириб бошқасини олди-да,

ёндириб, тутун орасидан хўмайиб нотикқа назар ташлади. Урта бўйли, сийнаси торгина нотик қора ён ёқа кўйлак устидан кенг камар боғлаб, эгнига кул ранг пиджак кийганди, тўзиган, жингалак сочлари бошини бўйига нисбатан катта қилиб кўрсатарди, юзини қалин сепкил босганди унинг. Самгин бир неча сония ичида уни таниб олди:

«Лаврушка. Мисгарнинг шогирди».

— Сизга қолса, мен ана шу пулдорларнинг, пул тожирларининг ороми ва роҳат-фароғатини деб космосга, коинот қаърига, онамникига қия бўлайин...

— Ҳай, ҳай, оғзингизга қараб гапиринг, бу ерда хотинлар бор,— деди ранжиб, сочлари қулоқлари устига таралган тўла хоним.

— Кўриб турибман! Нима бўпти?

— Сал одоб-андиша билан гапириш керак.

— Мен ҳеч қанақа одобсиз гап айтганим йўқ ва айтмоқчи ҳам эмасман,— деди қўполгина қилиб нотик.— Борди-ю, дадил айтадиган бўлсам, биласизми, аслида шундай дейишим лозим, энди ҳатто кадетлар ҳам дадил гапириб кўришмоқда,— деб илова қилди у, чап қўлини силкитиб. Нотик ўнг қўлининг бош бармоғини камарига суқди, қолган тўрт бармоғи юмилиб-очилич, тез-тез қимирларди, хол-хол бетидаги калтагина мис рангли мўйлови ҳам қимирлар эди унинг.

— Мен бу ерга ўз ихтиёрим билан келганим йўқ, мени ақлли гапларни эшитасан, деб чақириб келишди.

— Чақирган ким, ким экан?— гўлдиради энсаси тарашланган киши.

— Кечирасиз, мен ақлли гаплар ўрнига аҳмоқона нутқлар эшитмоқдаман! Синфий жамиятда космос ва сиру асрорлар ҳақида фақат одамларни қўрқитиш учун гапирилади, бошқа сабаб йўқ, негаки космос ва сирлар буржуазиянинг фойдасини орттирмайди. Биз социал масалаларни ҳал этиб бўлганимиздан кейин космик масалаларни ҳал этамиз. Уларнинг ўзларининг ёлғизлигидан, ҳимоячиси йўқлигидан юрак олдириб қўйган битта-яримта одамлар эмас, балки бир бурда нон топиш ғамидан қутулган миллионларнинг ақл-фаросати ҳал этади, билдингизми! Дунёдаги тутқунлик ҳақида «ер юзида ажалнинг кезиб юргани» ва биз қуёш остидаги «асир ёввойи ҳайвонлар» эканлигимиз ҳақида, буларнинг бари ҳақида, биласизми, Фёдор Сологуб сиздан чиройлироқ, аммо у ҳам ишонарсиз қилиб ёзади.

У овози ўчиб, пастки лабини ялади, қўлини яна бир бор силкитди-да:

— Бўпти, кетдим, хайр!— деб эшик томон йўл олди.

Эшиккача уни индамай кузатишди, фақат энсаси тарашланган киши ҳарс-ҳурс қилиб нафас олиб:

— Хайрият, кетди,— деб шивирлади.

Меҳмонлар уй эгаси, нима дер экан, деб кутишарди. У чала чекилган папиросни ликопчага шам каби қўндириб қўйди-да, ундан ингичка таралаётган тутунни кузатар экан, донишмандга хос парвосизлик билан маъқуллаб деди:

— Ажойиб йигит. Бутун оламда бир хилда мусаффо ҳаво бўлишини орзу қиладиганлардан...

Бир вақт фитначиликда шубҳа остига олинган инқилобчининг иниси бўлган журналист унинг гапини қувватлади:

— ... аммо янада чуқур подпольеда яшаган бошқа бир одамни,— агар дориламонлик бездирса, унинг юзига оёқ тирашдан қайтмайдиган бир одамни унутиб.

— Ҳа, Достоевскийнинг одамини, адабиёт тасвирлашга журъат этган энг эркин одамни унутиб,— деди адабиётчи кўҳликкина бошини тебратиб.— Лекин Достоевскийдан ҳам илгарилаб, ҳаёт фожиасини фақат ҳис этиш имконини берадиган сўнгги эркинлик сари бориш лозим... Инсоннинг Москвадаги ёлғизлиги коинотдаги, фақат моддалар мавжуд бўлиб, худо бўлмаган бўшлиқдаги ёлғизлигига нисбатан нима бўпти?

Самгинга халойиқ уй соҳибининг гапини секингина гингшиб ва минғир-минғир қилиб, диққат қилмай, фақат назокат юзасидан эшитаётгандек туюлди. Уй соҳиби ҳам буни пайқаган бўлса керак, бошини силкиб, гапини таққа тўхтатган эди, дарҳол одамларнинг тажанг овозлари хонани тутиб кетди.

— Қанақа?— сўради энсаси чорбурчак шаклидаги, кул ранг кийимдаги киши.— 906-йилнинг каллакесари! Шунақами?

Хонимлар айниқса тажанг бўлишди, тўла хотин афтини роса буриштириб гапирарди:

— Тилини қаранг! Оғзининг ўлгудай шалоқлигига эътибор бердингизми?

Ундан сал-пал ихчамроқ бошқа бир хоним елкаларини қулоқларига қадар кўтарганча нолиб гапирди:

— Материализм билан заҳарланиш ҳайрон қоларли даражада тез ёйилмоқда...

Ҳамма гапирарди, одамлар ҳар вақтдагидек бир-бирларининг гапини диққат билан эшитмай, бири иккинчисининг оғзига қоқиб, ўз фикрини маъқуллашнинг пайида эди. Қирмизи кўйлаги трико сингари баданига ёпишиб турган, йирик бурни устига пенсне қўндирган, лаби қалин, қора соч бир хоним малоҳатли ёқимтой овоз билан исботламоқчи бўларди:

— Биз бунинг учун реализмдан миннатдормиэ, у ҳаётнинг тафтини олиб, одамларни ерга яқинлаштирди. Реалистик адабиётнинг бутун бу мажмуаларининг ғам-ғуссаларию пўпанаклари одамларни маънавий қашшоқлаштириб юборди. Инсонни ўзига, теран туйғулари, улкан эҳтирослари манбаига қайтармоқ зарур...

Уй соҳиби гапларни тинглар, папирос чекар ва нутқларга ҳамоҳанг бош тебратарди.

Лаврушканинг бу ерга келиб қолгани Самгинни таажжублантирмади, у фақат бундай учрашувларни юлдузларга муқояса қилганини хотирлади, холос:

«Бундай учрашувлар кам бўлганми ёки кўп? Кўп бўлса керак...»

— Ажабо, ким ўзи бу, қаердан келган?— тўла хотин ҳайрат билан юз-кўзини буриштириб, сунъий бир оҳангда сўради. Юзи ғадир-будур адабиётчи, томоқ қириб, йўтала-йўтала жавоб берди:

— Шоир, шеър ёзади, ҳатто янглишмасам, большевикларнинг газеталарида бостириб туради. Уни мен бошлаб келдим, кўрсатгани...

Андреев маъқуллагандай бўлиб бош ирғади:

— Ҳа, Соҳибжамол Нозанини тараннум этувчи шоирнинг, «Тасодифий севинч» ижодчисининг ўрнини эгаллагани ким келаётганини кўрмоқчи эдим. Мана, кўрдим. Бироқ шеърини эшитолмадим. Унга шеър ўқитгани фурсат бўлмади.

— Тавба ё тавба! Қаёққа қараб боряпмиз ўзи?— ҳаяжон билан сўради хоним.

Самгин ҳар вақтдагидек одамларнинг гапини тинглар, папирос чекар, ҳатто бир оғиз луқма ташламай, чурқ этмай ўтирарди. Папирос тутунлари дераза ойналарига ўрмалар, ташқарида, қоронғиликда кўринган нурлар қаерларгадир яширинар, ора-сира янги чироқлар чарақлаб ёнар, сирғалиб борар ва кометаларни ҳамда шаҳар чекка-

сидаги эмас, балки чуқур бир жарлик ёқасидаги, поёнсиз зулмат бағридаги ҳаётни эсга солиб, ғойиб бўларди. Самгин ичига қуюқ, илиқ ва нордон бир суюқлик тўлдирилгандек сизди ўзини, бу суюқлик чиқиб кетмоқчи бўлиб ичида чайқалар, тўлиб-тошарди.

— Биз ҳеч ерга бораётганимиз йўқ,— деди у.— Балки гангиб бир жойнинг ўзида ер тепиниб турибмиз, улкан, қурама ва вазмин ватанимиз эса бутун борлиги билан қия текисликдан юмалаб бормоқда, ғижирламоқда, емирилиб бормоқда. Олдинда уни ҳалокат кутмоқда.

У жим бўлиб, гапимни эшитишяптими-йўқми, деб қараб қўйди. Унинг гапларини эшитишаётган эди. Камдан-кам нутқ ирод этадиган Самгин цитаталар келтирмасдан, бошқаларнинг фикрларига мурожаат этмасдан пастгина овоз билан завқ-шавқсиз гапирар, бу фикрларини бошқача сўзлар билан баён қилар ва бу билан ўз қарашлари ва фикрларининг ўзига хослигини тан олишга тингловчиларни мажбур қилишлигига амин эди. Балки шундай ҳам эди: Клим Иванович Самгиннинг гапларини диққат билан тинглашар ва деярли эътироз билдиришмас эди.

— Маънавий олам зиёлилари, аристократлари, фуқаро аристократлари бўлмиш бизлар партияларга бўлиниб кетмасдан, балки ягона маданий-сиёсий куч ва аввало маданий куч сифатида олдинда руль бошида туришимиз ва яқдил бўлишимиз керак. Биз мулкдорлар эмасмиз, тамагирлар эмасмиз, фикр-зикримиз бойлик орттиришда эмас...

— Ҳа, катта бойлик орттиришда эмас,— секингина гап қистирди биров, лекин ўша ондаёқ бошқа бир овоз жиддий бир йўсинда қаттиқроқ эшитилди:

— Нотўғри!

Самгин ҳар вақтдагидан кўра дангалроқ гапирётганини сезиб, сўзини давом эттирди.

— Мен мулкка қарши эмасман, йўқ! Мулк — индивидуализмнинг асосидир, маданият — якка ижодиётнинг натижасидир, мусбат фанларнинг бутун кучи ва санъатнинг бутун гўзаллиги бунини тасдиқлайди. Йирик мулкдорларнинг ҳокимияти бунёд этмай, балки ҳалокатга олиб келажаги, емиражагини кўрмоқ учун большевик, русча айтганда, марксист, анархо-марксист бўлиш шарт эмас. Уруш уларнинг ақлсизлигини кўрсатмоқда. Лекин мулкдорларнинг бошқа бир группаси ҳам бор. Кўпчиликни ташкил этган бу одамлар бевосита халқ билан бирга яшайдилар, улар шаклсиз бир жисмнинг моддий маданият

буюмига, муайян бир нарсага айланиши нақадар қийин эканлигини биладилар, мен нообод ва хилват вилоятимиздаги майда мулкдорлар тўғрисида, уезд шаҳарларимиздаги камтарин ходимлар тўғрисида гапираётирман, ўзингиз биласиз, улар бизда юз-юзлаб эканини.

У ҳар хил шакллар чизди ва ўша-ўша душманлик ҳисси билан гапини давом эттирди:

— Ана шу соғлом муҳитдан чиққан ёзувчиларимиз, шон-шуҳратга интилиб, Руснинг вилоятларини, уезд шаҳарларини енгилтаклик билан кулгили бир шаклда тасвир этадилар...

— У ерларда Тюхлар, одамсимон ваҳший, бадбашара таъвиялар яшайди,— деди тўсатдан ва жуда зарда билан Андреев.— Бориб ўшаларга хизмат қилгин, деб овора бўлманг, бормайман! «Инсон азият чекиб туғилади, кейинчалик учқун сингари юқорига кўтарилмоқ учун»— лекин мен бутун Европанинг императори бўлишни истаган Наполеон билан бирга ҳалок бўлишни саводсиз Емелька Пугачёв билан ҳалок бўлишдан афзал кўраман.— Андреев шуларни айтиб, лотинча қичқирди:

— Dixi!¹

Унинг гаплари ҳамманинг қулфи дилини очиб юборди, гўё пинакка кетган одамларнинг уйқуси ўчиб кетгандай бўлди, биринчи бўлиб муҳаррир сўз олди, у кул ранг соқолини силай-силаё бундай деди:

— Буни тушуниш қийин эмас. Ҳа, демократия кечиккандай бўлди! Биз пролетариатнинг капиталистлар билан тўқнашуви арафасидамиз.

— Биз учун, бизнинг мамлакатимизда бунга ҳали вақт эрта...

— Лекин бу ҳозирданоқ муқаррар бўлса керак...

Кул ранг либосдаги одам ёзувчига эгилиб, унинг тиззасидан тутди-да, чиройли, ғамгин чеҳрасига боқиб деди:

— Иним, сиз танишиб қўйишингиз лозим, у жуда ақлли, заковатли одам...

Қирмизи кўйлакдаги қора соч хотин семиз хоним билан баҳслашарди.

— Бизга йўлбошчи керак,— деб қичқирди қора соч хотин, семиз хоним эса қизариб кетган юзини рўмолча билан елпий-елпий деди:

— Ҳар ким ўз ҳиссиётлари ва фикрларининг йўлбошчиси бўлиши керак...

¹ Dixi— мен дедим! (Лот.)

— Яшанг, йўлбошчи керак, албатта! Захар Петрович Бердников...

— У киши билан кўришганман...

— У немислар билан иттифоқ бўлишнинг тарафдори, улар билан бирлашсак, биз бутун Европанинг ҳиқилдоғидан бўғар эдик, деган фикрда у! Бу гапнинг тагига етиш керакдир ахир?

— Ҳиқилдоқдан бўғишнинг ҳожати йўқ...

— Йўқ, ниманинг тагига етиш керак? Банкларимизда Антантанинг 60 процентдан ортиқ капитали бор, немисларники эса атиги 37 процент! Алам қилади-да, шундайми?

— Муҳаррир Самгиннинг рўпарасида туриб, жилетининг тугмасини тортар экан, гапирарди:

— Большевизм — шармандаси чиққан социал-демократиянинг умидсиз бир уринишидир. Вандервельденинг нима деганини биласизми?

— Қани, худо насиб этганини ейишга марҳамат этинглар,— деди барала кампир.— Қандай қилайлик, озиқ-овқат анқонинг уруғи бўлиб қолди! Бирам қимматлигини айтмайсизми...

Одамлар қўшни хонага ўтишди, Самгин эса қиммат турадиган таги кам овқатни ейишдан воз кечиб, ҳеч ким билан хайрлашмасдан уйга жўнади. У ўзини дуруст сезмаётганди, хафа эди, негаки ўзи жуда бебаҳо ва ўзимнинг холис фикрларим деб ҳисоблаган гапларини айтишига имкон беришмаган эди. У кўнглидаги гапларини бутунлай очикчасига айтмоқчи бўлиб турганида унга моне бўлишган эди. Авваллари шундай бўлар эдики, Самгин фикрларини барала айтиб, уларни кўриқдан ўтказгандай ўтказиб, улардан қайси бирлари энг кўп диққатни жалб этиши, қайси бирлари англашилмай, сезилар-сезилмас ўтиб кетишлигини кўрар ва бу ҳол унга буғдойни мастакдан саралаш имконини берарди. Бу сафар эса у айтилган гапларга қулоқ солар экан, ўйлади:

«Чамаси ғояларнинг ҳукмронлик даври тугаб, энди жўшқин ҳисларга навбат келган бўлса керак...»

У уйдан майдонга чиққан чоғида маъносизлик таассуроти уни тарк этди, қоронғилик ва қоронғиликка фарқ бўлмиш Ёзги боғдаги қилт этмас дарахтлар орасида оппоқ бинонинг хира шарпаси, Неванинг нариги ёғида ёнаётган чироқларнинг сариқ нуқталари кўринарди.

Шаҳар ҳам келажакка қулоқ солаётгандек сукут сақ-

ларди. Рутубатли совуқ тун эди, қадам товушлари аранг эшитиларди, фонарларнинг оқ шуъалари ўчмоқчи бўлгандай титрар ва қизарарди.

«Ҳиссиёт устун келса, фожиа рўй беради... Бу одамларнинг бари ожиз ва аянчлидир. Ахир уларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Улар фожиа учун яралган эмаслар. Андреев ҳаёт фожиасини бутун вужуди, танаси билан тушунади; у фожиавий ҳиссиётни сийқалаштиради, уни хунукдан-хунук соддалаштириб юборади, фожиавий нарса ҳеч бир вақт демократиянинг бисоти бўла олмайди ва бўлмаслиги керак, у ҳамма вақт камдан-кам одамларнинг мулки бўлиб келган эди ва шундай бўлажак». Самгин Андреевга ўз фикр ва эътиқодларини одамларга зўрлаб тиқиштирадиган «изоҳчи жаноблар» қаторидан ўрин ажратди. Шундай кайфиятлар, фикрлар, ғоялар борки, улар Иван Дроновга асло керак эмас. Тагильскийга ҳам. У Тагильскийни Дронов билан бир қаторга қўяр экан, яна бир нарса кашф этгандай бўлиб ҳатто қадамини секинлаштирди.

«Уларнинг иккиси ҳам авлодининг илк зиёлисидир. Кутузов ҳам шундай...»

«Изоҳчи жаноблар» орасида энг ғаразли ва хусуматчиси Кутузов эди. У шу ерда, Петроградда иш кўрмоқда, куни кеча Самгин унинг нутқини эшитди. Бу китоб нашр этиш ишини бошлаган ва қоғоз фабрикаси эгаси билан шартнома тузиш учун Самгинни ўз уйига таклиф қилган Шемякинникида бўлганди. Самгин ҳали даҳлизда ечинаётибоқ турган-битгани киноя ва истехзодан иборат таниш бир овоз эшитди. Кутузов ноширнинг қабулхонасида гапираётганди, у ерда рояль, гилам тўшалган кенг диван, чарм креслолар ва атиршоҳлар ўтказилган жуда кўп туваклар бор эди. Кутузов рояль ёнида ўтирганди, унинг орқасида клавишларнинг оппоқ тишлари ялтираб кўринарди, унинг устида қанот кериб тургандек кўринган роялнинг қора қопқоғи сатҳида Кутузовнинг боши аниқ кўзга ташланиб турарди. Хонада ундан бўлак яна бир неча одам бор эди:

— Армиямиз аллазамон тор-мор бўлди, энди биз инқилоб арафасидамиз. Буни тасдиқламоқ учун пайгамбар бўлиш шарт эмас,— фабрикалар, ишчилар казармаларида бўлишнинг ўзи кифоядир. Эрта бўлмаса, индинга инқилоб аланга олади. Буржуазия ишчиларнинг чиқишларидан фойдаланиб, мустабид ҳокимиятни йўқ қилади ва шу кун-

дан эътиборан янги бир нарса бошланади. Агар буржуазия ҳарбийларнинг, генералларнинг кўмагида уюша олса, у ҳолда пролетариат қаршисида подшоҳдан ва унинг атрофидаги одамлардан ҳам кўра хатарли душман пайдо бўлади.

Самгин стол устига эгилиб, нотиққа зимдан кўз югуртирди. Кутузовнинг бутун туриш-турмуши унинг ғазабини келтирди: томоғигача тугмаланган, елкалари ва кўкрагини сиқиб турган беўхшов фуқароча тужуркаси Кутузовни паровоз машинистига ўхшатиб турар, қалин, тикандек соқоли, калта қилиб тарашланган сочлари, шамолда унниққан катта, дағал юзи эса уни жаллобга ўхшатиб юборганди. Лекин Кутузовнинг Самгинга кўпдан таниш бўлган ва доимо алам билан кулиб турадиган истеҳзоли кўзлари, ана шу дадил, бақувват овози ва ҳамма нарса ўзига равшан бўлган ҳамда ўзини пайғамбарлик қилишга ҳақли санаган бу одамнинг сўзлари унинг айниқса ишқорини қайнатаётганди.

— Пролетариатнинг ўз вазифаси бор. Унинг илғор кишилари буржуа ислоҳотлари ишчилар синфига ҳеч нарса бермаслигини ва пролетариатнинг вазифаси хирсдан тўқ одамларга яна ҳам қулай бўлсин учун ҳаддан ошиб кетган мустабид ҳокимиятни республика билан алмаштиришдан иборат эмаслигини тушунадилар.

У бир қўли билан соқолини силади, иккинчи қўлини пешанасидан энсасигача олиб бориб деди:

— Менга шундай савол беришди: зиёлилар нима қилишлари керак? Бир нарса равшан: капиталистларнинг сўзи ва ишига тўла эркинлик берадиган ислоҳотлар билан қаноат ҳосил қилиб капиталга малай бўлиб қолавериш. Яна шу нарса ҳам равшан, зиёлилар пролетариат билан биргаликда социал инқилоб сари боришлари керак. Ё у, ё бу, мантиқ учинчи бир қарорни рад этади, психология эса бунга йўл қўяди, шунга кўра меньшевиклар, эсерлар, ҳатто халқ социалистлари деб аталганлар ҳам мантиқан ғайри қонунийдир.

Ҳамма унинг гапларини сукут билан тингларди, Самгин адоват билан тинглаётганларига амин эди. Ноширнинг рафиқаси секингина деди:

— Гаплари даҳшатли-ку унинг... яна атоқли большевиклардан дейишади уни... Уларнинг полковник даражасидаги бир киши эмиш. Эрим ҳозир келиб қолади, уни кутиб туришибди, қўнғироқ қилдим унга,— деди у равон, шов-

қинсиз овоз билан эрининг қабулхонаси эшигига боқар экан, чамаси, у эшикни ёпиб қўйсаммикан ё ёпмасаммикан, деб ўйлаётган эди. Бўйи пастроқ бўлса-да, аммо жуда хушбичим бу хотин новча кўринарди, унинг гўзал чеҳрасида болаларга хос ноаниқ ёр ифода бор эди, кўкимтир кўзлари савол назари билан боқарди.

«Ёши ўн саккизларда,— деб ўйлади Самгин ва дилида Шемякинни сўкиб қўйди:— Ҳайвон».

Биров тўсатдан қизишиб сўради:— Зиёлиларга ишчилар синфи билан яшаш нечун осон бўлади?

Кутузов жавоб берди:

— Мана бу масалани дангалига, тожирларча қўйишдир! Бироқ мен пролетариат зиёлиларни мармалад билан боқади, деб ўйламайман. Лекин гап бундай: ишчилар синфининг меҳнат, ишлаб чиқариш фаолияти фавқулодда кенг ва хилма-хил ривож топиши учун техника шарт-шароитлари ҳозирданоқ мавжуддир. Айтмоқчи, буржуазиянинг синфий идиотизми шунда ифодаланадикки, маданиятнинг ривожланишидан капитал манфаатдор эмас, фабрикант товар ясайди-ю, аммо ўз юртидаги товар истеъмолчиларининг маданий тарбияси устида қайғурмайди, унинг учун идеал истеъмолчилар мустамлакаларда яшаётганлардир. Ҳар нарсага хўжайин бўлажак пролетариат — алаҳусус, бизнинг пролетариат ўзининг жуда улкан хўжалигини саноат-техника жиҳатдан ташкил этмоқ учун кенг кўламда иш бошлаб юбормоғи лозим. Бу иш учун юксак малакали, илмли, ақлли неча ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар талаб қилинади. Мармалад масаласида бир нарса демайман.

— Мармалад? Менимча, мармалад масаласида гапириш керак,— деб гўлдиради ноширнинг рафиқаси.— Чой ичасизми?— таклиф қилди у.

Одамлар кўкимтир тутун парда қолдириб, қабулхонадан бир-бир бошқа хонага чиқиб кетишди. Самгин чой ичмаслигини айтиб, сўради:

— Бояги гапирган одам китоблар нашр этишни таклиф қиляптими?

— Ҳа, эрим айтадики, бозори чаққон китоблар эмиш, аллазамон харид қилган бўлса ҳам керак... Распутин, большевиклар... бессарабиялик помешчиклар,— деди у, Самгиннинг башарасига савол назари билан боқиб.— Буларнинг бари ер остидан отилиб чиқаётгандай, ҳалиги бор-ку... Оти нима эди? Лавадан бўладиган-чи?

— Магмами?

— Ҳа, магма... Улгудай галати бари.

Хотин оёғини оёғи устига қўйиб, чап оёғини ликилла-тиб, узун мундштукдаги ингичка папиросни чекаётганди, ширасиз овоз сокин ва ҳазин эшитилаётганди.

— Менинг бу ерга келганимга атиги икки йилгина бўлди, Кишинёвда яшар эдим, илгари, Кишинёвда ҳам жуда даҳшат. Аммо бу ерда... Кўникиш қийин. Шунақаям қўрқинчли, шўх дарёси бор. Ҳамма инқилобнинг пайида.

Шемякин келди. У Самгиннинг кўзига яна ҳам чиройли, зариф кўринди, унга Дронов ҳамроҳ бўлиб келганди, бу эса Шемякиннинг пурвиқор қадди-қоматини яна ҳам кўзга ташлантираётганди. У бир драманинг қаҳрамонига ўхшаб қўлқопларини ечар экан, хушчақчақлик билан деди:

— Энг янги гап: транспорт бутунлай издан чиқди! Бутунлай,— деб такрорлади у ва қўли билан ҳавода хоч шаклини чизди.— Бор локомотивларнинг тўртдан бир қисми катта ремонтталаб, қирқ проценти ҳамиша кичик ремонтга муҳтож.

Хотин қўлқопининг ғижимларини текислай-текислай қошларини чимириб эрига боқди, унинг пешанасида чуқур ажинлар пайдо бўлди, юзи шундай ўзгариб кетдики, Самгин: у ўттизларга бориб қолган бўлса керак, деб ўйлаб қолди.

Дронов хотиндан дўстона сўради:— У ерда ким шовқин соляпти?

— Ёзувчилар билан яна бир киши,— деб жавоб берди хотин. У эрига мурожаат қилди:— Анави, большевик...

— Аҳа! У билан бизнинг ошимиз пишмайди. Умуман, ҳеч нарса чиқмайди. Босмахона эгаси билан қоғозфуруш жуда қутуриб кетди, шунақанги қаттиқ шартлар қўйишяптики, бундан кўра бутун пулларимни уларга бериб, юз сўм-юз сўмдан қачон қайтаришларини кутмаганим маъқул. Йўқ, мен Японияга кетсам керак.

— Ҳа, бор,— деди маъқуллаб Дронов.— Пул бер, мен нашриёт ташкил қилай, сен ялло қилиб юравер. Ишни юрғизвориб, ватанни тинчитганимдан кейин сенга телеграмма бераман: қайтавер, ҳаммаси тайёр, гаштингни сураверсанг бўлади энди, хумпар, деб.

— Масхарабоз,— деди кулимсираб Шемякин.— Хуллас, Клим Иванович, босмахона ва қоғозга оид шартномалар тўғрисидаги гапимиз кечикади...

— Қани, чойга борайлик,— деди Шемякиннинг хотини, Самгин Кутузов билан кўришишни хоҳламагани учун чой ичмаслигини айтиб, кўчага чиқди, қишда кун калта бўлгани учун ҳалитдан қош қорайиб қолган ва совуқ эди. Давлатманд боённинг ҳузурига қилган ташрифи самарасиз бўлганлигидан асаби бузилган Самгин тез-тез юрарди, қаршисидаги фонарлар одамларга етиб олмақчидай пир-пираб ёнарди.

— Кимдан қочяпсан?— сўради Дронов унинг орқасидан етиб келиб ва денгиз мушуги мўйнасидан тикилган қалпоғини бошидан олиб, у билан юзини артди.— Ресторанга кириб бирон нарса ичайлик, сен билан гаплашмоқчиман!— талабчанлик билан таклиф қилди у ва Самгиннинг жавобини кутиб ўтирмасданоқ гапира кетди:

— Японияга отланмоқда. Мана кўрасан, жўнаб қолади, ҳўкиз, катта пул билан! Стратонов қиртишлаб пул йиғиб Олтойга жўнади, даволанмоқчи эмиш, у ҳам Японияга борса керак. Баъзилар Швецияга кетишяпти.

— Ҳали ҳам сенинг дардинг пулда,— жаҳл билан гап қистирди Самгин.

— Ҳа, ҳа, ҳали ҳам дардим пул! Жиринг, жиринг, мулла жиринг — ёмонми бу. Мен фурсатни қўлдан бердим шекилли,— агар пул билан бўлмаса, ўз қадрини йўқотади... Акангни кўрдингми?

— Қанақа акамни?

— Дмитрийни. Кўрмадингми? Юр бу ёққа...

Улар ресторанга кириб, бурчакдаги столга ўтиришди, Самгин сабр билан индамай ўтириб, унинг гапиришини кутар ва ўйларди: неча йилдирки, у акасини кўрмаган, қай аҳволда кўраркин энди уни? Дронов шошилмасдан вино танлади, пишлоқ буюрди, сўнгра сўради:

— Глинтвейн¹ ичасанми? Бу ерда уни жуда бошлашади.

Самгин папиросини тортиб, бош ирғаб рози бўлди ва сабри чидамай сўради:

— Дмитрийни қаерда кўрдинг?

— Меникида бир кеча ётиб кетди, Тося юборган эди. Анча кексайиб қопти, жуда ҳам! Хат ёзишиб турмасмидиларинг?

— Йўқ. Нима қилиб юрибди у?

¹ Г л и н т в е й н — тотли нарсалар қўшиб, қизил винодан қилинган иссиқ ичимлик. (Тарж.)

Дронов жилмайиб қўйди.

— Билмайман, сўраганим йўқ. Тўққизинчи йилда Томскдан қамоққа олинган экан, уч йилга бадарга қилинибди, қочмоқчи бўлгани учун яна икки йил бериб, Березовга жўнатишган экан.

— Қочмоқчи бўлган эканми?— сўради Самгин, Дмитрийнинг сурғундан қочмоқчи бўлгани унинг акаси ҳақидаги тасаввурига сира тўғри келмас эди.

— Нима, ишонмаяпсанми?

Самгин индамади.

— Сенинг адресингни сўраган эди, бердим.

— Ҳа, албатта.

— Тося эса Ярославлда бир нималар қиляпти,— деди ўйчанлик билан Дронов.

— Большевиклар биланми?

— Менимча, шундай бўлса керак.

Суҳбат унчалик қизимади. Самгин устма-уст ўтмиш билан дуч келаверганидан дили ғаш бўлиб бошқа саволлар бермади.

«Дмитрий... Қобилиятсиз, жўнгина одам... Нечук келганикин? Акам. Онам».

У инсоннинг бу дунёда бутунлай ёлғизлиги ҳақида ўйлаб қолди: йиллар ўта борган сари ҳатто қон-қардошлик муносабатлари ҳам сусайиб, кучини йўқотиб боради.

Дронов индамай вино ичарди, ҳар замонда лабларини буриштириб, кўзларини қисиб, мийиғида кулимсираб секингина сўраб қўярди:

— Эшитяпсанми?

Ҳа, Самгин эшитаётганди:

— Мен шундай фикрдаман: санъат англаб бўлмайдиган тил билан иш кўриб, бизда ибодат вақтида черков-славян тилининг, католикларда лотин тилининг сирли олам қаршисида туғдирадиган эзгу титроқ каби бир ҳолатни вужудга келтирган тақдирдагина ўзининг провиденциаль¹ вазифасини бажаради.

Баланд, аммо хира овоз билан бу гапни айтган киши ўрта бўйли, башанг кийинган, қора сочлари энсасига қараб таралган бўлиб, у кенг дукки пешанасини, чуқур ботган қора кўзларини, сарғиш ёноқларини, нозиккина дудоқлари-

¹ П р о в и д е н ц и а л ь — идеалистик фалсафада ва диний тушунчаларда гўё худонинг қудрати билан бўлган, тақдирга боғлиқ бўлган. (Тарж.)

ни, қирилган мўйловининг қорамтир изларини ва ингичка энгагини кўзга яққол ташлантириб турарди. У стулнинг суянчиғини ушлаганча тик туриб, стулни тебратиб, ўзи ҳам тебрана-тебрана гапирарди. Унинг гапларини бир-бирига маташтириб қўйилган икки стол атрофида ўтирган уч қиз, икки студент, бир юнкер ва денгизчилар мактабининг шогирди қиёфасидаги елкалари кенг бир паҳлавон ва оқ сариқ сочли, қирмизи юзли ва мовий кўзларида хушбахт бир табассум жилва қилиб турган семиз бир йигит эшитаётганди. Одамлар уни асаблари бузилиб, норози бўлиб тинглашар, маъқуллаб ёки норозилик билан қичқиришиб, нутқни бўлиб-бўлиб қўйишаётганди.

— Ҳа, ҳа, мен шундай фикрдаман: санъат зодагонларча ва мавҳум бўлиши керак,— дерди нотиқ қатъият билан.— Биз шуни тушуниб олишимиз керакки, реализм, позитивизм, рационализм — буларнинг бари айна бир иблиснинг — материализмнинг ниқобларидир. Мен футуризмни олқишлайман, бу ҳар ҳолда ўтмишнинг одамини эзадиган фисқ-фужурларидан четга сакрашдир. Оталаримиз бу фисқ-фужурлардан заҳарланиб, символимизни тушунишмади...

Дронов қадаҳдаги оқ виносини чайқата-чайқата:

— Тося ҳам бир ерда нотиқлик қилаётгандир,— деб ғўлдиради.— Эртага унинг олдига бораман. Уни қандоқ топишни биламан,— деди у пўписа қилаётгандай бўлиб, Сўнгра нафасини ростлаб:— Дмитрий Иванов мароқли қилиб гапирарди,— деб сўзини давом эттириб, Самгиннинг тинглашига халақит бераётганди.

Самгин иссиқ винонинг сўнгги томчиларини сипқардида, ўрнидан туриб, Дроновга индамай бош ирғаб, жўнаб қолди.

Дмитрий эрталаб соат ўнларда кириб келди, Клиим Иванович ҳали кийиниб бўлмаган эди. У кийинаётиб чала ёпилган эшик тирқишидан акасининг бўй-бастига кўз югуртирди. Дмитрий қўлини орқасига қилиб, китоб жавони олда туради, букчайиб қолган елкаларида ҳаво ранг узун пиджак тиззасигача осилиб турар, қора шимининг почаси этик қўнжигача тикилган эди.

«Машинист. Вагонларни улайдиганларга ўхшайди...»

У акасига яқин келиши учун бир оз бўлса-да, уриниши керак эди. Гиламда юмшоқ туфлида юргани учун қадам товуши эшитилмаётганди, шунинг учун укаси:

— Салом!— деганидан кейингина Дмитрий ўгирилиб қаради.

Дмитрий уни багрига босиб, юзидан ўпди ва уни нари итариб аксирди. Бу ноқулайроқ бўлди, Дмитрийнинг бўз рангли юзи қизариб кетди, у гўлдираб гапирди:

— Кечирасан... Одеколон сепгандим.— У яна икки дафъа аксирди-да:— жуда ўткир одеколон эди,— деди.

Клим Самгин стол ёнига ўтираётиб, қаҳва чойнаги остидаги спирт лампасини ёндираар экан:

— Иккимиз ҳам кексайиб қолдик!— деди.

— Ҳечқиси йўқ, бўш келмаймиз ҳали!— деб тетик жавоб берди Дмитрий ва мийиғида кулимсираб мақтаб қўйди: (— Сен яхши сақланибсан!)

Клим Самгин ака-уканинг бундай учрашуви ўзига таниш экани, қайси бир ҳам романда тасвирланганини хотирлади, лекин у ерда ҳеч ким аксирмаган эди, аммо унда ҳам аллақандай бемаъни, ноқулай бир иш бўлганди.

У акасига диққат билан разм солиб:— Қани, хўш, гапир-чи,— деб таклиф қилди. Дмитрий соч-соқолини ҳозиргина олдирган бўлса керак, унинг оддий фуқароча афти башараси, тикандек оқиш мўйлови уни солдатга ўхшатиб турар, юзи ҳам ёз охирида лагерларда қолган солдатларники каби шамолда, ҳавода қуруқшаб кетганди. Кўкмитир-бўз ранг кўзлари унинг бу дағал юзини очиб турарди, болалик чоғларида Клим унинг кўзларини кўзи кўз деб атарди.

— Жуда файзсиз бир жой... Зерикади одам,— деди Дмитрий.— Теварак-атрофга қараб маъмурларнинг аҳмоқона ишларидан, ҳаётнинг илдизига болта урмоқчи бўлиб қўлланадиган бемаъни усулларидан додга келасан. Лекин кейин бу кимсасиз ерларнинг аҳволини кўриб, унинг инсон боласига зор эканини сезасан,— дарҳақиқат, шундай! Гўё шамол сенга: «Э, келдингми? Қани, ишни бошла...» деб шивирлаётгандай бўлади.

«Ҳали ҳам хаёлпарастлиги, шоирона гаплари қолмапти»,— деб ўйлади Клим. Дмитрий жуда бўғиқ овоз билан, лекин тили оғриётган каби сўзларни чайнаб «с» ўрнига «ш» талаффуз этиб гапирарди.

— Жуда ғалати гапирадиган бўлиб қолибсан,— деди Клим Иванович.

— Ҳа, бунга сабаб шуки,— изоҳ берди Дмитрий,— Ярославлда иккита тиш қўйдирдим, ишлаган пулимнинг деярли ҳаммаси шунга кетди... Ўзимнинг тишларимни цинга тўкиб юборди. У ерда сабзавот масаласи қийин, гўшт, ҳатто буғу гўшти топиш ҳам амри маҳол. Ҳамманинг

егани фақат балиқ. У ернинг ҳавосидан ҳам балиқ ҳиди келади, қуруқликда яшаган одамга қийин: ерга қарасанг — ботқоқлик, тепадан эса ёмғир кўз очирмайди. Ҳамма ёқда қўзиқорин... Сосьва сойи шундоққина тирик балиқ садогининг¹ ўзгинаси. Қирқ чақирим нарида Обь дарёси, у ҳам балиқнинг кони,— деди Дмитрий ҳузур қилиб қаҳва ҳўлаб ва нима учундир чап қўлининг мушти билан стол устини қаттиқ босиб туриб.

У маҳаллий кўпаснинг ўғли, эсерлар билан алоқада бўлгани учун она юртига сургун қилинган Кама пароходи капитанининг қиёфасини худди болта билан чопиб ясагандай қисқа ва аниқ тасвир этди.

— У барваста, сержун, сариқ башара, дьякон сингари овози йўғон, соқоли белигача тушган, кўзлари буқаникига ўхшаш, ўзи ҳўкиздек бақуввағ, ҳалигидай, билсанг, афсонавий бир одам эди. У отаси билан талашгани талашган, етти пудча келадиган чолнинг оёқ-қўлини боғлаб нарвондан томга олиб чиқарди-да, у ерда оёқ-қўлини ечиб, том устидаги ҳашамат учун ясалган от устига миндириб қўярди. Ичарди, албатта. Лекин мароми билан. У ерда ҳамма ичади. Бошқа қиладиган иш йўқ. Уч мингдан ортиқ аҳолидан атиги беш киши Томскни кўрган, фақат биргина киши театр нима эканини билган, аҳвол шунақа!

Дмитрий, одамни ҳаяжонлантирадиган бир нарса эсига тушган бўлса керак, индамай қолди, башараси тундлашди, кўзларини пастга қаратиб, чашкани укаси олдиға суриб қўйди.

Клим чашкаға қаҳва қуяр экан, «умрининг бекорга кетган йилларини уйдирма нарсалар билан тўлдирмоқда»,— деган фикрда сўради:

— Хўш, нима бўлди ўша... баҳодир?

— Ярим йил ичида цинга унинг бошиға етди,— жавоб берди акаси.

— Жуда қизиқ,— давом этди у, ҳайрон бўлиб кифтларини қоқиб,— менинг ўзим кўрдим, одам қанчалик соғлом бўлса, цинга уни шунчалик омонсиз кемирар экан, кучсиз одамлар уни енгил кўтаришади. Балки шундай эмасдир, лекин шундай таассурот қолган. У ерда моховлар тез-тез учрашиб туришади... Умуман, кўнгил очадиган ер эмас. Лекин шунга қарамай, биласанми, Клим, Романов-

¹ С а д о к — тирик балиқ асраш учун махсус ҳовузи бўлган кема. (Тарж.)

лар давлатида ажойиб халқ яшайди! Масалан, остяклар, алаалхусус, вогуллар.

У, вогуллар, уларнинг мадьярлар билан чатишиб кетганлиги ҳақида, остяклар, маҳаллий олибсотарлар келгиндиларни ҳаёсизларча шиладиган ҳар йилги ярмарка ҳақида узоқдан-узоқ қизгин гапирди.

— Ҳа, шилишни билишади! Маҳаллий аҳолидан дамини баланд қилиб турган нарса ҳам уларнинг ана шу уқувидир, холос! Лекин уларнинг очкўзлиги узоққа бормайди, бачкана-аҳмоқона ва ҳатто мақсадсиз ҳамдир. Ниҳоят бу бачкана қулоқлар инсонлик вазифасини вақтинча ўтаб турган ярамас одамлардир.

Клим Иванович Самгин акасига тобора диққат билан разм соларди. Дмитрий пиджаги остидан буғу ёки лос терисидан тикилган совут сингари жилет кийган бўлиб, у томоғининг тагигача тугмаланган ёнёқа кўйлагининг ҳаворанг ёқаси кўриниб турарди. Кафтлари эшкакчини ки каби эди. Сочлари оқариб кетган бўлса-да, Маринага ошиқ бўлган ва ҳамма учун турли масалалар юзасидан маълумот берувчи студентни эслатарди у.

Клим Самгин, уни тинглар экан: «Ўувиллаган кимсасиз ерда яшаб, уни ўзининг уйдирмалари билан тўлдирмоқда энди»,— деб зўр бериб такрорларди.

— Муайян вазифаси бўлмаган бир ҳужайрали жониворлар бўлади,— деди Дмитрий ва оқкўнгилик билан кулиб қўйди.— Биласанми, бу менинг унвонимдир. Бир марксист ўртоғим Полтавада мени шундай деб атаган. Эсингдами, мен ўша вақтда ислохотчилик кайфиятида эдим, большевизм билан чиқиша олмасдим. Бир куни у баҳслашиб туриб менга бундай деди: «Самгин, сиз кўп нарса биласиз, лекин бу билимингиз фойдасиздир, у ҳеч иш бермайди. Костюмбоп яхши бир материя сотиб олгансизу, лекин костюм тика билмайсиз ва умуман, сиз вазифаси бўлмаган бир ҳужайралик жониворсиз». Мен эътироз билдириб: «Вазифаси бўлмаган жонивор бўлмайди!»— дедим. У бўш келмай: «Бор, у ҳам бўлса — сизсиз!»— деди. У мени кулдирди, аммо мен ўйлаб қолдим, сўнгра Марксни ўрганишга жиддий киришдим ва пировардида тушундимки, Маркснинг тарих фалсафаси бутун буржуа социологиясини ва бошқа маккорона тўқилган нарсаларни бутунлай чипакка чиқарар экан. Сўнгра, Ленин, биласанми, у жуда буюк сиёсий мутафаккирдир...

У тутунни ўзидан қувиб, жим турди-да, сўнгра деди:

— Кўп чекар экансан!

Шундан кейин сўради:

— Сени партиядан четлашиб кетган, дейишади.

— Кимлар дейди?

— Тося, Антонида...

— Мен ҳеч қачон бирон-бир партиянинг аъзоси бўлган эмасман ва у хоним билан сиёсат ҳақида гаплашмаганман.

— Э, йўқ, у хоним эмас,— деди гўлдираб Дмитрий, Клим эса бу мавзуда бошқа гаплашмаслик мақсадида сўради:

— Маринани ўлдириб кетишганидан хабаринг борми?

— Ҳа, бўлмасам-чи, хабарим бор! Степан айтди. Ким, нима учун ўлдиргани ҳали ҳам маълум эмасми?

— Йўқ.

Дмитрий қўлларини пиджаги чўнтакларига суқиб ва укасининг боши оша деразага боқар экан:— Ажабо, қизиқ,— деди секингина. Ташқарида шамол увиллаб, қорни совуради.

— Ахир бола-чақалик бўлгандирсан?— сўради Клим.

— Йўқ,— шошиб жавоб берди акаси ва ҳатто бошини ҳам сарак-сарак қилди.

— Ия, гапиргандек бўлган эдинг-ку...

— Йўқ, бўлмади. Унинг, хотинимнинг қариндош-уруғлари кўп экан, амакилари — помещиклар, ака-укалари — амалдорлар, либераллар, ҳаммаси ҳам сепаратистлар, мен бўлсам мазлум халқнинг вакилиман, улар қулоқ-миямни еб, минғир-минғир қилишаверди. Унинг ўзи ҳам. Аммо ўзи кўп яхши жувон эди. Дастлабки вақтларда Томска қайғули хатлар ҳам ёзиб юрди. Ҳар қалай салкам уч йил яшадим у билан. Ҳа. Болаларга ачинаман. Унинг бир ўғли, бир қизи бор, қиёмат болалар! Ўғил ҳозир ўн бешга кирди, Юля эса ўн еттига. Улар мен билан аҳил яшарди...

У бутун бу гапларни бир зумда гапириб бўлди, сўнг-ра сукут сақлаб, яна чашкасини Климга яқин сурди-да, укасининг қаҳва қуйишини кузатар экан, таажжуб биланми ёки афсус биланми, секингина деди.

— Буни қара, мен бўлсам, шу вақтгача сени партиаликсан деб ўйлаб юрарканман. Бешинчи йилда менга большевик эмасман, деганингда мендан яширяпти, деб билгандим...

Гапнинг яна чувалашиб кетишидан Клими Дронов

қутқариб қолди,— у орқасидан биров қаттиқ итаргандек хонага елдай кириб келди, шапкасини силкитиб, чинқириб деди:

— Бугун тунда Пуришкевич, князь Юсупов ва Романовлардан чиққан князвачча Дмитрий Павлов Распутинни ўлдиришибди.

Бир неча сония уларнинг учаласи ҳам индамай қолишди, сўнгра Дронов ака-укаларга тикилиб туриб шапкаси билан пальтоси устидаги қорларни туширар экан, сўради:

— Хўш, бу гапга нима дейсизлар, а?

Иван кўнгилсиз бир онда ва устига-устак шунақа бир янгилик билан кириб келганидан мамнун бўлган Клим Иванович Самгин мийиғида кулимсираб қўйди:

— Намунча қичқирмасанг, гўё дунё аҳамиятига эга бир воқеа бўлгандек.

— Ажабо, қизиқ,— Дмитрий иккинчи марта ҳам бу сўзни секингина айтди, Дронов эса, пальтосини ечаётиб, ранжиган ҳолда гўлдиради.

— Хўш бу нима, опереттанинг финалими? Бир ўйлаб кўр: кеча улар Распутинни ўлдирган бўлишса, эртага Николай подшони ўлдиришлари мумкин.

Дмитрий, қўлини силкитиб, шимининг чўнтагидан занжирсиз кумуш соатини чиқарди-да, циферблатга боқиб, шошмасдан ва мароқсиз деди:

— Романовлар беҳисоб, ҳаммасини қириб тугатишолмайди барибир, бири бўлмаса бири ўти ёрилиб Гучковларга-Милюковларга таклиф қилади: мени тахтга миндирунглар, мен сизларнинг ҳамма айтганларингизни қиламан, деб.

— Бу фавқулодда ҳодиса, албатта,— деди Клим мулоқимлик билан, Дронов ҳаяжон ичида қўлларини ишқалаб, турган ерида ирғишлар, кўзларини яшироқчи бўлгандек ўйнатар, Самгин уни кузатар экан: Иван нимадан чўчиди ёки мамнун бўлди экан, деб ҳайрон эди.

Дмитрий укасига қўлини узатиб деди:

— Вақтим бўлди, кетишим керак.

Дронов унинг кетидан чиқди-да, Клим Самгиннинг ўйлаб олишига вақт берди:

«Мен унга: келиб тур, дейишим ёки шунга ўхшаш бир гап айтишим керак эди. Лекин уканинг олдига келиб-кетишга акага рухсат этиш бемаъни бир нарса. Биз аразлашганимиз йўқ-ку»,— деб тасалли берди у ўзига, даҳлиздаги гапга қулоқ солар экан.

— Мен уни қандоқ топаман?— сўради Дронов.

Дмитрий истар-истамас жавоб берди:

— Айтяпман-ку сизга: доктор Изаксон топиб беради, деб.

— Ҳа, шунақа денг.

Дронов қайтиб келгач, тезда сўради:

— Хуш, сен уни қандоқ топасан-а?

Самгин жавоб топиб улгургунча бўлмай, Дронов, худди қопқонга тушган сичқондек, хонада у ёқдан-бу ёққа югурар экан, қўлларини ишқалай-ишқалай гўлдираб гапирди:

— У... камтар бир одам сифатида менинг эсимда қолган. Ҳамма нарса чок-чокидан сўкилиб, расвоси чиқмоқда. Инқилоб ҳамма тирқишлардан суқилиб кирмоқда. Инқилоб — сафарбар қилмоқда. Унгла сўллашмоқда, сезяпсанми, прогрессив блокнинг нуфузи ортиб бораётганини?

У кўр одамдай креслога қоқилиб кетди-да, қўллари билан тиззаларини ура-ура савол назари билан ҳаёсизларча Самгиннинг бетига тикилиб турди,— бу билан у Клим Ивановични гапиришга мажбур қилди:

— Шаҳар ва земство съездлари тарқатиб юборилди.

— Обивателлар? Ишчилар-чи?

— Обивателлар инқилоб қилишмайди. Ишчилар эса фронтда.

Дронов чуқур нафас олиб, тамшаниб қўйди.

— Фронтда ҳам аҳвол чатоқ эмиш, Дмитрий Иванов туни билан гапириб берди менга. Даҳшатли аломатлар бор. Распутиннинг ўлдирилиши ҳам ҳазилакам нарса эмас. Йўқ...

Самгин мийиғида кулимсираб:— Нимадан қўрқасан?— деб сўради.

— Ҳзим ҳам билмайман,— деди Дронов.— Ким билади дейсан, балки қўрқмасман ҳам.

У ўрнидан туриб, атрофга аланглади, диваннинг устидаги шапкасини қўлига олди-да, унинг ичига тикилиб, елкаларини қисиб туриб гапирди:

— Эртага Ярославлга жўнайман. Тосяни кўриб келгани. Кулгилими бу ишим?

— У қадар кулгили эмас.

— Ҳа. Менинг биринчи ва яккаю ягона хотиним. У билан... жуда ширин турмуш кечирдим. Салкам уч йил, яқинда элликка чиқаман. Умримнинг қирқ йилчасини... ит кунини кўриб ўтказдим.

Самгин истехзо билан ва ҳиссиётсиз бир тарзда: — Сен бу хилда... йиғламоқдан бери бўлиб гапирарсан деб кутмаган эдим, — деди.

Дронов пальтосини кияётиб: — Дмитрий Иванов кайфиятимни бузиб кетди, — деб гўлдиради ва томоғини қириб, хийла равшанроқ қилиб гапира бошлади. — Биласанми, Клим Иванов, маъноли ҳаёт кечириш осон иш эмас.

Ниҳоят, у Самгинни чарчатиб ва кайфиятини бузиб кетди. Самгин иш кабинетига ўтиб, округ судида ютқизилган иш юзасидан шикоятнома ёзмоқчи бўлди, аммо иш юришмади. Ташқарида шамол ув солиб, ҳали ҳам бўралаб қорни тўзитар, қор ойналарга шитирлаб урилар, гўё совуқ, ташвишли фикрларни шивирлаётгандек бўларди.

«Ҳа, маъноли ҳаёт кечириш осон эмас. Маънога олиб борадиган йўл сўзлар, сўз уюмлари билан ҳаддан ташқари булғаниб кетган. Санъат, фан, сиёсат — Тримутри, Санта Тринита — Муқаддас Троицадан иборатдир. Инсон ҳамиша бир нима учун яшайди, аммо ўзи учун яшай олмайди, ҳеч ким уни бу ҳикматга ўргатган эмас». Самгин ўзи учун яшайдиган одамлар ҳақида Кумовнинг яхши гап айтганини хотирлади: «Бунақа одамга ҳали мен дуч келмаганман».

«Дмитрий сиёсатда, большевизмда (маъно) топди. Буни унга ўхшаш қобилиятсиз одамлар учун сўнгги паноҳ деб тушуниш мумкин. Омадсиз одамлар учун. Омадсиз одамларнинг кўплиги — рус зиёлилари учун характерлидир. Улар ўзларига ҳамиша бир восита деб қараб келдилар, ўз қадрини билишга, ўзларига дунёнинг энг қимматли ҳодисаси деб қарашга уларни ҳеч ким ўргатмади».

Самгин ўтириб папирос чекар, ўтиравериб, чарчаб, фикрларнинг учини бир-бирига улаб хонама-хона юрарди, у қош қорайгунга қадар вақтни шу зайлда ўтказиб, сўнг-ра Еленаникига йўл олди. Ташқари совуқ эмас, кўчалар сокин, майингина қорда қадам товуши эшитилмасди, шивирлаганга ўхшаш шитир-шитир овоз эшитиларди, холос. Хилма-хил одамлар ҳар тарафга шошилар, уларнинг ҳаммаси ҳам илож бўлганча кам гапиришга, тапир-тупур қилмай юришга ҳаракат қилаётгандек туюларди.

Еленаникида ҳамиша бўлганидек бу оқшом ҳам чой-хўрликка профессор Пильников билан худди дудланган каби бети қора, бўз ранг эчки соқолли, новча, ориқ бир киши меҳмон бўлиб келганди. Елена Самгинни севинч билан қарши олди:

— Распутинни эшитдингизми? Жуда гаройиб иш! Та-нишинглар.

— Воинов,— тепакал киши йўғон овоз билан истаристамас фамилиясини айтди: Самгин унинг совуққина қаттиқ қўлини сиқар экан, ўз боши узра кўкимтир туманга бурканган думалоқ, ҳўкизникига ўхшаш антиқа кўзларни кўрди, бу кўзларнинг хирагина нигоҳи кемирчакли узун бурнининг учига тикилган эди. Бу киши икки букчайиб ўтирди-да, узун оёқларини шу қадар эҳтиёткорлик билан узатдики, гўё уларнинг узилиб кетишидан хавотирда эди. Елкалари тор бу кишининг эғнида френч ва галифе шим бўлиб, оёқларига қалин спорт пайпоғи ва таги қалин бесўнақай ботинка кийганди.

Яшил рангда сертук матодан тикилган костюм кийган Пильниковнинг бетини гўё темиратки босиб кетган, жуда ориқлаганди; у кумуш югуртирилган қора ён дафтари-ни ҳавода силкита-силкита ҳаяжон билан Еленага деди:

— Мен салкам уч йил солдатларнинг мактубларига цензорлик қилдим, армиядаги кайфиятнинг ўзгариши менга жуда яхши маълум, шунга кўра мен бундан буён бизда армия деган нарса йўқ, деган фикрдаман.

Елена кўзларини қисганча стакандаги чойни Самгиннинг олдига суриб қўяр экан:— Лимоним йўқ,— деди, унинг оғзида папирос тутаб турарди.— Лимоннинг олдисоттиси фақат Италия элчисининг қўлида, дейишади. Билдингми?

Пильников стулда ирғишлай-ирғишлай, шоша-шоша гапини давом эттирди:

— Василий Кириллович бир йилдан бери цензор, у ҳам шуни тасдиқлаши мумкин: жанг қилишга қодир айрим қисмларгина бор, аммо бутун армия деган нарса йўқ!

Воинов бошини тебратиб ва бармоғини френч ёқаси-ничага суқар экан, бир ери оғриётгандай афти башарасини буриштириб:— Шунақа,— деб қўйди.

Елена папиросини жомчага отар экан, юзини Самгинга ўгириб:— Улар мени кўрқитишяпти,— деди.— Тепамга келиб, солдатлар ердан бўлак нарса тўғрисида ўйлашмайди, урушга товлари йўқ, бизда ҳам инқилоб бўлади, дейишади.

— Азизим, ҳазил қиялпсиз!

— Асло ундоқ эмас. Мен ҳозироқ кўрқиб қолдим. Инқилоб бўлишини истамайман, Парижга кетишни истамайман.

Лекин кимга айтишимни билмайман: Э, халойиқ ҳеч қандай инқилоб қилманг, урушни ҳам тўхтатинглар деб.

Елена ҳазиллашаётганди, лекин Самгин унинг жаҳли чиқиб келаётганини биларди, Еленанинг ўхшатиб пардоз қилинган юзи кулиб турса-да, кўзлари шавқсиз, бинафша ранг қон югурган кичкина қулоқлари гўё шишгандек эди.

Катта-кичик қирмизи лахтаклардан антиқа кийим кийган ушоққина бу чаққон аёл аллақандай нодир қушга ўхшаб кетарди.

— Сиз жуда ёқимли ҳазиллашасиз,— деб яна унинг сўзини бўлди Пильников, аммо хотин уни гапиртирмади.

— Сиз менинг жиддий гапиришимни истайсизми? Яхши, гапирганим бўлсин!

У шундай деб, панжаларини мушт қилди-да, уни столнинг четига қўйиб, бақувват овоз билан деди:

— Менинг билишимча, солдатлар инқилоб қилишмайди. Французлар пруссияликлар устига манави қўшиқни айтиб бостириб боришган:

Бормоқдамиз, бормоқдамиз биз,

Қушхонага борганидай қўй.

Каламушдай ўлармиз тамом,

Устимиздан хўп кулар Бисмарк!

Елена қўшиқнинг мазмунини французча айтиб, гапини давом эттирди:

— Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди: пруссияликлар уларни дабдала қилишди. Аммо улар Парижга қайтгач, дарҳол коммуналарни қира бошлашди. Мана солдатларнинг аҳволи! Сизларда ҳам шундай бўлса керак. Шундай бўлиш-бўлмаслигини — келажак кўрсатади. У вақтга қадар уззукун солдатлар устидан қилинган шикоятлардан, инқилобдан дағ-дағ титрашлардан ўлар бўлсам ўлдим, улар мени ҳам инқилобдан чўчитмоқчи бўлишади. Мен — оптимист ёки, нима ҳам дейилар эди, фаталист аёлман. Хўш, инқилоб бўладими? Бўлса бўла қолсин. Сизларни бир силкитиб олсин. Ё инқилобнинг фойдасига, ёки унинг зарарига — қай бири сизга кўпроқ маъқул бўлса, ўшани қилишга сизларни мажбур этсин. Тушунарлими?

Самгин уни садосиз олқишлади, кўрган киши қўли қичияпти деб ўйлаши мумкин эди.

«Бу Алина эмас, ўзини қурбон бўлган ва жафокаш қилиб кўрсатмайди у...»

— Дарвоқе,— Пильников чаккаларини қашлаб туриб, хомушгина гап бошлади.— Аммо кўряписизми...

Воинов оёқларини йиғиштириб, буклади, сўнгра тўғри-лаб, ўрнидан турди-да, дудуқланаётгандай бўлиб қийнала-қийнала салмоқланиб гапира бошлади:

— Уруш тарихнинг бизга тескари тушунтирмоқчи бўлишган асосий, мурасасиз зиддиятини бизга ошкор қилиб қўйди. Маданиятни бунёд этадиган озчилик ва бу жараёнда итоаткор, ғайри ихтиёрий равишда роль ўйнайдиган кўпчилик мавжуд. Яъни автоматлар. Жисмоний куч. Лекин айни замонда Спартак. Стенька Разин. Деярли тиним билмас Разин. Ўзини ҳам, хотинини ҳам олтинга беламоқчи бўлган ваҳший. Фақат муддаоси шу. Ҳа, шу. Ўн тўққизинчи аср охирининг Прометейи бўлган гениал мутафаккир Ницше мантиқни чуқур тушунди ва бизнинг тушунчамиз хато эканини кўрсатиб берди. Тарих фалсафасини ҳам, ҳаётнинг маъносини ҳам.

Воинов френчи ёқаси ичига кўрсаткич бармоғини суқиб, ёқасини у ёқ-бу ёққа торта-торта бир зумгина кўзини юмди, лекин у зўрма-зўраки нутқини бўлмади.

— Инқилобчи зиёли қаҳрамон саналади. У шуҳратланиди, кўкларга кўтарилади. Аммо аслида у фаолиятининг моҳиятига кўра, маданиятга хиёнат қилади. Ниятларига қараганда, у маданиятнинг душманидир. Миллатнинг, ватаннинг душманидир. Албатта, у ҳам бир шахс сифатида ўзини танитади. У шуни ҳис этадики, дунёнинг негизи, Архимеднинг таянч нуқтаси — шахснинг асосий белгисидир. Шундай. Бироқ у янглиш фикрлайди. Шахс оммага таянмасдан, уни оёқ ости қилиб, ўсиб-улғайиши керак. Аристократия ва демократия. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва абадий шундай бўлади.

У Елена сари қадам ташлади-да, эгилди ва қўли билан столнинг четига тиралганча хотинга тикилиб туриб жиддий-ла деди унга:

— Биз ҳалокат ёқасидамиз. Ҳазил қилиш жиноят энди...

— Ҳатто жиноят ҳамми? — сўради хотин кулимсираб.

— Ҳатто жиноят ҳам. Демократияни хира бўёқларда тасвир этса, санъат ҳам жиноятдир. Асл санъат фожиавий бўлади. Фожиавий нарсалар оммага зулм қилиш билан яратилади, аммо санъатни омма ҳис этмайди. Калибан Шекспир трагедиясини тушунмайди. Санъат динга қара...

ганда аристократик ва англашилмас бўлиши керак. Аниқроғи, тоат-ибодатдан кўра. Латин ва черков — славян тилини халқнинг тушунмаслиги у яхши нарса. Санъат англашилмас ва қўрқинчли тил билан иш кўриши керак. Мен Леонид Андреевни маъқуллаймаман.

— Мен эса унга тоқат қилолмайман, сира ўқимайман ҳам,— деди Елена анча кескин қилиб.— Умуман, ҳамма гапларингиз мен учун жуда ҳикматли гаплардир. Мен инқилобчи эмасман, романлар, драмалар ёзмайман, мен шунчаки яшасам бўлгани, вассалом.

— Мен ҳам фикрингизга қўшилиша олмайман,— деди Пильников бир қадар тараддуд-ла ва сўради:— Сиз-чи, Клим Иванович?

— Маркс бу қадар тез-тез тилга олинганда, Ницшени хотирламоқ табиий бир ҳолдир,— хийла сукут сақлаб жавоб берди. Самгин ва сўнгра таклиф қилди:— Қани, бу ёғини эшитайлик.

У Воинов айтган фикрга ўз муносабатини белгилай олмаётган бўлса-да, турли вақтларда ва тобора тез-тез унинг фикрлари ҳам шу фикрлар атрофида айланаётганини сезаётганди.

У «Дарвиш ва айиқ» масалидан чиқадиган хулосани хотирлади: «Хизматга тайёр аҳмоқ душмандан хавфлидир».

Воинов уни қулоқ солишга яна мажбур қилди, бу одамнинг гапириш услуби унда, ҳар қалай қулоқ эшитмаган бир гап айтиб қолар деган умид туғдираётганди, бироқ у ҳозирча фақат аллазамон чайналган гапларнигина такрорлаётганди. Пильников унинг гапларини маъқуллаб бош ирғаб, устомонлик билан орага гап қистириб, унинг дағал гапларини силлиқламоқчи ва юмшатмоқчи бўларди.

— Бу киши ким ўзи?— Самгин секингина сўради Еленадан, у ўзининг кумуш самоварига тушган аксига боқар экан, қошларини силай-силаё оҳиста жавоб берди:

— Чамаси земство бошлиғи, янги бир китоб ёзган ёки ёзпти, балет ҳақида айтганларидек, янги юлдуз. Пильников дуч келган одамни... шунақа меникига бошлаб келаверади, негаки сиёсат билан шуғулланишига хотини йўл қўймайди, ўйласа керакки, бу нарса менга хуш келади деб...

У гапини битирмай кулимсиради-да, жумласини фоҳишахона ҳақидаги у қадар ўткир бўлмаса-да, пишиққина сўз ўйини билан тугатиб, дарҳол муҳимроқ масалага кўчди:

— Менга қаранг, афандим, пул масаласи нима бўлади? Олтин сотиб олиш керак. Эски олтин буюмларга сенинг ақлинг етадими?

Йўқ, Самгиннинг бунга ақли етмасди, лекин бугун Елена унинг кўнглига хуш ёқаётганди, шу сабабли у хотинни хушнуд этиш учун бу ишда балки унга ёрдам бера оладиган бир одамни юборажагини айтди.

— Эрта бўлмаса, индинга Иван Дроновни юбораман...

Костюмита мўйна тutilган бир хоним, саҳнага чиққандек виқор билан кириб келди, олифта кийинган, рангпар бир студент унга эргашиб келди. Хоним ўша ондаёқ егулик овқатларнинг етишмовчилиги ва ҳали ейилмаган нарсаларнинг қимматлигидан гапира кетди.

— Наҳотки бир қадоқ нарса ўн икки сўм бўлса!— у чиройли кўзларини олайтириб қичқирарди.— Ўн саккиз сўм-а! Яна фақат Елисеевдан топиш мумкин, гвардия офицерларининг анави антиқа магазинидан олинса яна ҳам яхши бўлади...

Пильников студентни жиддий сўроққа тутди:

— Ҳаётда кимлардан сабоқ оласиз? Шахсан сизга дарс берадиганларни сўраётганим йўқ...

Студент мулойим, ингичка овоз билан жавоб берди:

— Энг иштиёқ билан ўқийдиганларим: Розанов, Лев Шестов, Мережковский... Ажнабийлардан эса — Бергсон бўлса керак.

Воинов шахснинг асосий белгиси тўғрисида қудуқдан сув тортгандай базўр гапирар экан, Кумовнинг нутқини яна Самгиннинг ёдига солар, бояги хоним завқ-шавқ-лаҳижоя қиларди:

— Қишки саройнинг запасларидан вино ва конфет олиб сотадиган бир хотин бор, ўзи сарой хизматкорларидан бирининг хотини бўлса керак. У сават кўтариб, уйма-уй кириб юради — марҳамат қилиб олинглар, деб. Конфетлари ярамайди-ю, лекин виноси соз! Бордо билан бургонь. У хотинни бир сизларга юбораман.

— Анави Андроновми, Антоновми деганлари унчалик фирибгар эмасми?— сўради Елена, Самгин:

— Йўқ, йўқ,— деб хотиржам қилди уни.

Воинов гўнғиллади:

— Социалистлар шахснинг омма орасида қоришиб, сингиб кетиши зарурлигини тарғиб қилишяпти. Бу ақлга тўғри келмайдиган бир нарса. Илми симбёдир.

Пильниковнинг ўтқир ингичка овози Воиновнинг кети-дан унга ёрдамга шошилди:

— Инсоннинг кетига ибтидоий ҳолатига қайтиши, аср-лар давомида маданий ҳаёт муайян зариф бир ҳолга кел-тирган жониворнинг органик моддага айланиши, яъни маданият тарихи ва социология бизга кўрсатган ибтидоий одамлар подаси ҳолатига тушмоғи...

Клим Иванович Самгин дунёнинг энг доно китобнавис-лари айтган ва Пильниковлар, Воиновлар ҳижжалаб кўп марта такрорлаётган фикрларнинг ҳаммасидан хабардор бир одам деб сезарди ўзини. У ҳатто ҳаётнинг зулмидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида инсоннинг нималар дейиши мумкинлигини аввалдан билажагига, жамиятнинг синфий тузилишини тубдан ўзгартиришгина инсонни озод эта ола-ди деган фикрда бўлган одамларнинг шу вақтгача айтган ва айтишга қодир бўлган фикрларини билажагига амин эди.

Клим Иванович Самгин Воинов, Пильниковнинг гап-лари оҳангига мослаб: «Дмитрий Самгин инсониятнинг ха-лоскори»,— деб ўйлади ва донишмандларнинг нутқига ма-роқ билан қулоқ солган студентнинг одатдан ташқари оппоқ юзини дам у кишига, дам бошқа кишига бураётган-нига тикилиб истеҳзо билан кулимсиради.

Унга одамлар тобора пачакилашиб, бўлмағурлашиб бо-раётгандай, уруш уларни эзиб, пачақ қилиб юборгандай кўринди. Ҳар қандай одам билан қиёс қилганда у ўзини тўқис, жуда катта тажрибага молик бир одам деб сезарди, бу тажриба порлаб, соҳибининг бутун бўй-бастини нурга фарқ этмоғи учун бошқа шарт-шароитларни талаб этарди. Лекин бошқаларга қулоқ солмайдиган ва унинг ўзидан кў-ра яхшироқ, дадилроқ гапира оладиган (буни ўз кўзи билан кўрди у) одамлар билан баҳслашиш фойдасиздир. Ҳаёт тажрибаси унга малол келиб қолаётганди, турмушда хилма-хил воқеалар содир бўлиб туришига қарамай, бу тажриба бекорга чириб бораётганди. Самгиннинг ҳаёти зе-рикарли эди. Ҳамма нарса таниш, ҳамма нарса кўнглига урган. У одамларнинг ўтини ёрадиган, уларни туртадиган, бошқача бир кайфиятга соладиган бир зарба бўлишини, бонг урилишини, ғулғула солинишини истарди. Ноаниқ-ликка хотима берилишини истарди.

Бундай интиҳо яқинлашаётгандек эди, лекин бир ма-ромда эмас, балки сакрашлар билан бир олдинга, бир ке-йинга сакрашлар билан яқинлашаётганди. Ноябрьнинг охи-

рида Дума хийла якдиллик билан оппозицион чиқиш қилган бўлса-да лекин дарҳол «прогрессив блок»да ихтилоф юз берди, сўнгра ҳукумат Шаҳарлар ва Ер уюшмасини тарқатиб юборди. Самгин учун Иван Дронов воқеаларнинг ўзгариб туришини қайд этадиган аппарат хизматини ўтаётган эди. У яқин ораликда яшар, ва деярли ҳар куни, эрталаб пул топиш пайида йўлга чиқар экан, Самгинникига бир бош суқиб, унга янгиликлар, миш-миш гаплар, ғийбатларни дўлдек ёғдирарди. Бир куни Самгин ундан сўради:

— Ахир нима қиласан сен ўзи, Иван?

— Пул ишлаймаман.

— Хўш, бу нима деганинг?

— Ҳеч нима.

— Яъни?

— Нима яъни?— деб жаҳли чиқди Дронов.— Нима бўларди, олибсотарлик қиламан. Беш-ўн минг сўмни шиламан, кейин мени бошқалар шилишади. Уйин-да, бу ҳам. Яъни қимор. Хўш, яна нима қилишим керак? Шунинг ўзи ҳам маъқул менга.

Дронов анча кексайиб қолганди, суякдор юзи, қулоқлари атрофига, чаккаларига ажинлар тушганди, кўз остлари салқиб, кўкимтир халтачалар пайдо бўлганди, яқин-яқинларгача тўлагина ва таранг бўлган ёноқлари шалвираб қолганди. Ярославдан у хомуш бўлиб қайтди.

— Қани, гапир, Тося қалай?

Дронов ерга боқиб туриб деди:

— Йиртиқ бошмоқда юрибди. Махорка фабрикасида ишлаяпти. Дугонаси билан бир алвасти хотиннинг кулбасида яшар экан.

Дронов жилетининг тугмасини, пиджагининг ёқасини тортиб-тортиб қўяр, пайпаслаётгандек бўлар ва кулгили қилиб гапирришга ҳаракат қиларди.

— Уша алвасти хотин танишганимиздан кейин орадан беш минутча ўтар-ўтмас мenden жиддий бир тарзда сўраб қолди: «Нега инқилоб қилмаяпсизлар, нимани кутяпсизлар?» деб. Сўнгра мақтаниб, эри еттинчи йил учун сургуни қилинганини, ўтган йилигина сургуидан қайтганини, уйда тўрт ойгина яшаб, бир соатнинг ичида оламдан ўтганини, уни минг-минглаб ишчи аҳли дафн қилганини гапирди. У мен билан икки соатча суҳбатлашди, мен оғзимга келгани деявердим, у мени олдига солиб қувадигандек кўринди менга. Шу орада Тося келиб қолди,— мўндидек қорайиб

кетган, умуман айтганда, ўша-ўша. Дугонаси жингалак сочили, бурундор, зиёли аёл, яҳудий бўлса керак. Алвасти хотиннинг ўғли бир ёқда уларнинг атрофида айланарди, у солдат экан, ҳужум қилган, чекинган, Георгий ордени олган экан. Ҳамманинг нияти бир, ҳамма Циммервальдда айтилганидек, урушни гражданлар урушига айлантириш ниятида.

У олтин занжирли ён соатини ликиллата-ликиллата индамай қолди. Самгин бир оз кулиб тургач, сўради:

— Нималар дейди Тося?

— Ўйлаётган гапларни гапирса керак-да.— Дронов соатини жилети чўнтагига солиб қўйди, қўлини— шимининг чўнтагига суқди.— У мен билан қандай муомала қилганини билмоқчи кўринасан, шундайми? У мен билан юзмаюз туриб суҳбатлашишни лозим кўрмади. Ўз одамларига мени: у қадар ёмон одам эмас, лекин ўлгудай фаросатсиз, деб таърифлади. Бу алвастининг ўғлига жуда ёқиб кетди, у кулгидан ичаги узилиб ўлаёзди.

Сўнгра у саросима кўзларини Самгиннинг юзида тўхтатмоқчи бўлиб, секингина деди:

— У менга ачинган бўлса керак, мен бўлсам унга ачиндим. Бошмоқлари йиртилиб кетган... Оёқлари бирам чиройли, бармоқлари бежирим... бир-бирдан чиройли. Унинг бутун борлиғи гўзал, кўрсанг суқинг келади! Фоҳишалик қилганида, пулга ботиб кетган бўларди,— деб тўсатдан гапини тугатди у ва бунақа аҳмоқона гап айтганидан ҳатто ўзи ҳам таажжубланган бўлиши керак. У оғзини очиб Самгинга боқди, Клим Иванович қовоғини солиб туриб сўради:

— Алина Телепнева ёдингдами? У ҳам гўзал эди...

— Ҳа. Қаерда ҳозир у?

— Билмайман. Фоҳиша эди, Омоннинг қўлида хизмат қиларди, бир бадавлат... таъвия билан топишган эди, у отиб ўлдирди ўзини...

Дронов ранги айниган сариқ сочларини босиб-босиб снлар экан:— Нималар бўлаётганига ҳайронман ўзи,— деб гўлдиради.— Ҳали-ҳали ёдимда — энагам тарки дунё қилган ва жафо чеккан аёлларнинг ҳаётидан ривоятлар айтиб бергучи эди, улар бадавлат оилаларни тарк этиб, суйган эрларини, бола-чақаларини ташлаб кетишар, кейин римликларнинг қийноқларига дучор бўлардилар, унинг устига ваҳший ҳайвонларга талатар эдилар...

Клим Иванович Самгин Иброҳим пайғамбарнинг қурбонлик қилиши ҳақидаги отаси ҳикоя қилган тавротдаги

афсонани хотирлади, ўзи Дон-Кихот, Дронов эса — Санчо бўлгани эсига тушиб, қатъият билан деди:

— Ўзининг ички оламига нисбатан бўлган зўрликка қаршилиқ кўрсатишга ўзини қодир деб сезмай, ўз тақдирига тан бериб, ўзларини ўзлари қурбон қилган одамлар ҳамиша бўлган ва бўлади ҳам. Бунинг ўз термини бор— мазохизм деган, бу ҳол садистларни, яъни бошқаларни азоблашдан ҳузур қиладиган одамларни етиштиради. Қўпол қилиб айтганда, садистлар билан мазохистлар— одамларнинг икки асосий типидир.

Самгин бу гапларидан икки хил маъно чиқишлигини ва ўзини ўзлигидан узоқлаштиражagini сезиб жим бўлди. Лекин у ўша ондаёқ ўз дилига йўл топди.

— Шундай бир савол қўяйлик: энг кўп изтироб чекадиган ким? Шубҳасиз, қаттиқроқ изтироб тортадиган одам. Байрон ўзи парламентда ҳимоя қилган тўқувчилардан кўра чуқурроқ, қаттиқроқ изтироб чеккан, албатта. Тўқувчилар ҳақида драма ёзар экан, Гауптман шундай ҳолга тушган.

У қаҳвадан бир қултум ҳўплаб, гапини давом эттирди:

— Қурбон бўлиш билан қаҳрамонликни бир-биридан фарқ этиш зарур. Римлик Курций Римнинг ўртасидан ўтган жарликка ўзини ташлади,— бу энг машҳур қаҳрамонлик намунаси ва ўринли равишда ўз жонига қасд қилишдир. Курцийни ўзини жарга ташлашга ундаган нарса ҳалокатнинг муқаррар эканлигидан қўрқув ҳисси, деб ўйлашга ҳеч нарса моне бўлолмайди. Римликлардан биринчи бўлиб ҳалок бўлиб шуҳрат қозониш истаги ва қуллар билан биргаликда ҳалок бўлишни ор билиш ҳам уни ўзини жарликка улоқтиришга ундаган бўлар эди.

— Тўғри,— деди мароқсизлик билан Дронов,— баъзан мен ҳам ўзимни бир ерга улоқтиргим келади...

Клим Иванович: «Ҳеч нарса тушунмади»— деб ўйлади аччиғи келиб ва Дроновни айблаб деди:

— Сен ҳозир ҳам ҳаддан ташқари кўп сакраб, кўп чопяпсан шекилли.

Дронов кетаётиб, пиджагининг тугмаларини қадар экан, гўлдираб гапирди:

— Болалигимда ўйнаб тўймаган эдим. Нажиб болалар мени ўйинга қўшишмас эди. Шунинг учун ҳам энди ўйнапман...

«Нима, хафа бўлдими дейман?»— ўйлади Самгин ва

ўша ондаёқ уни унутди, хизматкор ўз вазифасини яхшилаб уддаласа одатда шунақа унутиб юборишади уни. Дронов Самгиннинг қаршисида пайдо бўлиб, ўзининг анвойи ишлари, масалан, бир тўп мато ёки китоб босиладиган қозони арзонга олиб сотгани тўғрисида гапириб берган онлардагина унинг эсида бўларди, умуман, у олди-сотти билан шуғулланар, айна вақтда Ногайцев билан биргаликда қоронғи бир подвалда кичкинагина «сатира ва юмор» театри ташкил этганда, Самгин бу театрга бир бош суқиб билдики, юмор бир нотариуснинг хотини кўз ўнгида портфелини очганида ичидан бир хонимнинг лозими чиқиб қолганидан иборат экан. Театр бир ой ҳам умр кўрмай, кафешантанга¹ айланди. Самгин Дроновдан сўради:

— Хўш, бу ишдан зарар кўрдингми?

— Йўқ, Ногайцев зарар кўрди. Биринчи зарар кўриши эмас, унинг. У аҳмоқ ва очкўз одам. Мен бу итвачча бор-йўғидан ажраб, трамвай кондуктори ёки почтальон бўлиб ишлаганини кўрсам дейман. Толстойчиларга тоби тоқатим йўқ.

Дронов ижирғангандай бўлиб, шиддат билан бошини силкитди-да, сўради:

— Мабодо сенга пул керакмасми?

— Нега?

— Умуман айтяпман. Пулим ортиб-тошиб ётибди. Ҳадемай пул кўпайиб кетади, яна бир ёки икки миллиард пул чиқаришмоқчи...

Клим Самгин пулга муҳтож эмас эди-ю, лекин ҳар нарсадан хабардор одам сифатида Дроновни жуда қадрлар эди. Дронов сочлари тўзиган, уйқуга тўймай кўзлари шишган ҳолда эрталаблари келиб хабар бериб қоларди:

— Прогрессив блокнинг раҳбарлари саройда тўнтариш қилиш ҳақида «қора гуруҳ» билан, «иттифоқчилар» билан музокара қилишяпти, Николай подшо ўрнига бошқа бир одамни тахтга миндиришмоқчи. Душманлар дўстга айланмоқда! Бунга нима дейсан?

Самгин энг олдин жавоб топиб:— Мен бунга ишонмайман,— деди, лекин у Дронов топиб келган миш-миш гаплар одатда рост чиқишлигини биларди,— ички ишлар мини-

¹ Кафешантан — буржуа мамлакатларида беадаб суюқ ашула, рақс ва музыка асарлари ижро этиладиган очиқ саҳнали кафе ёки ресторан. (Тарж.)

стри Протопоповнинг сепарат сулҳ тўғрисида Германия вакиллари билан музокара олиб борганини Думадан ва матбуотдан аввал Иван айтган эди.

— Буни қасқдан биласан сен?— деб сўради Самгин. Дронов кифтларини диккайган қулоқларигача кўтариб, парвосизлик билан деди:

— Хотинлардан. Тўғри, улар кўп нарсани тушунишмайди-ю, лекин ҳамма нарсадан хабардорлар.

Клим Иванович Самгиннинг ҳаёти зерикарли кечаётганди, лекин у яқин орада унинг қаршисида бошқача яшаш, яъни унга, ғоятда ўзига хос бир одамга муносиб яшаш учун кенг имконият туғилажagini кундан-кунга аниқ сезаётган эди.

Шаҳарда озиқ-овқатнинг танқислиги даҳшатли тус олиб, ишчиларни ғулғулага солаётганди, лекин январда «Марказий ҳарбий-саноат комитети»нинг ишчи группаси қамоққа олинди, большевикларнинг Петроград комитети томонидан 6 февралда тарқатилган, ўнинчи числада, Думанинг социал-демократик фракцияси устидан ўтказилган судга бир йил тўлган кунда забастовка ва намойиш қилишга даъват этадиган варақа эса муваффақият топмади.

«Ҳамма нарса ўз мароми билан боряпти, тарихнинг мантиқи амал қилмоқда, бир нарсани емириб, бошқа бир нарсани мустаҳкамламоқда», деб ўйлади Клим Самгин.

Бироқ 14 февралда, Давлат думаси очиладиган кунда ишчиларнинг забастовкалари бошланди, орадан ўн кундан кейин эса умумий забастовка аланга олди, революцион намойишлар баҳор сувлари каби жўшиб, шаҳар кўчаларида тошиб оқди.

Клим Иванович Самгин воқеаларни чидам билан кутар ва кузатар эди. Намойишчиларнинг қора тўлқинлари пишириб, уни ҳам ўз домига тортишидан чўчиб, у воқеаларни олисдан, муюлишдан кузатар эди. Даҳшатли наъра тортиб бораётган бу оломонга қўшилиб кетишнинг маъноси йўқ эди,— Самгин ишчиларнинг қиёфаларини жуда яхши эсда олиб қолганди, у Москвада намойишларни кўп кўрганди, бу ерда ҳам 9 январь, якшанба кунигаги «қонли якшанба» деб аталган намойишнинг шоҳиди бўлганди.

Самгин эркаклар, хотинлар ва ёш-яланглардан иборат поёнсиз, жуда зич, кул ранг, жун босган, ўткир кўзли одамлар ҳосил қилган тош-метин деворнинг унинг ёнидан қандай оқиб бораётганини кўрар, ҳамманинг барабар айтаётган қўшиғини тингларди:

Қаддинг тут, лаънатлар тамғасин олган.
Очлар ва қулларнинг бутун дунёси!

Хотинлар баланд овоз билан:— Нон, нон!— деб қичқиришарди. Баъзан одамлар қадамларини секинлаштирар, ҳатто ўз йўлларигаги аллақандай ғовларни енгиб, бир жойнинг ўзида ер тепиниб турар, шу пайт ўткир ҳуштак овози, қичқириқлар янграрди:

— Нима бўлди? Йўқолсин! Бўшашманг, ўртоқлар!

Бу энг сўнгги, ҳал қилгувчи
Жангу кураш бўлгувси!

Залварли хор тинимсиз янграрди. Самгиннинг назарида, намойишчилар биринчи дафъа бўлса керак, шу қадар баравар, ҳамоҳанг куйлашар ва улар ишчилар гимнининг даҳшатли маъносини довярақлик билан тараннум этаётгандилар. Бешинчи йил 9 январда қўшиқ айтишмаганди. Эҳтимол, ҳозиргидек айтиша олмас эди ҳам. Лекин бу якшанба яна такрорланиши мумкин... Бу эҳтимолдан холи эмас. Намойишчиларнинг умумий танасидан айрим парчалар, битта-яримта одамлар узилиб чиқиб, хижолат билан кулимсираб ёки қовоқ-тумшуқлари осилиб, Самгиннинг ёнидан ўтиб борардилар, лекин ўнларча бошқа одамлар уларга пешвоз югуриб, оломонга қўшилдилар.

Самгин хира ойналарга боқарди-ю, аммо кўкимтир тумандан ва туман орасида аллақандай шаклсиз шарпалардан бўлак нарса кўрмасди. Ниҳоят оломон ғойиб бўлди, тош кўчанинг қори оёқлар остида босилиб, бир текисда топталгани кўринди.

Самгин уйга йўл олар экан: «Янги супурги тоза супурди»,— деган гапни хотирлади ва соддалигининг сабаби ўзига ҳам маълум бўлган фикрларга йўл қўйиб берди.

«Яшашга халақит қиладиган одамлар менга хуш ёқади-ган ва зарур бўлган одамлардан кўра анча кўпроқдир. Фикрнинг ҳар қандай йўлини танлаб олиш осон, аммо тева-рак-атрофингга яқин одамларни тўплаб олиш мушкул иш».

Уйда хизматкор қиз уни очиқ чеҳра билан қарши олди. У танаси яйраб, ширингина кулимсирарди, дундиққина лаблари ял-ял ёнарди, кўзлари беҳад севинч билан порларди. Лекин у Самгиннинг табиатига сира-сира ўтиришмасди, қиз у билан тобора бетакаллуф муомала қиладиган бўлиб қолганди, шундай бўлса-да, Клим Иванович тоқат қилаётганди, чунки у яхши ходима эди, овқатни дуруст

тайёрлар ва арзонга туширарди, хонани чиннидек тоза тугарди. Самгин гоҳо қиздан сўраб қўяди:

— Нега мунча хушвақтсиз?

— Ажойиб ишлар бўляпти, Клим Иванович.

— Қанақа ажойиб ишлар, урушми?

— Йўқ, уруш тезда тугайди энди.

— Хўш, ким тугатар экан уни?

— Ишчилар билан мужиклар бошқа урушмоқчи эмас.

— Шунақами ҳали? Урушни тўхтатишга ким рухсат берар экан уларга?

— Нима бўпти, уларнинг ўзлари.

— Э, шунақа денг...

У билан гаплашиш фойдасиз эди. Самгин буни кўриб турарди, лекин «турмушдан мамнунлиги» уни тобора асабийлаштирмоқда эди. Ниҳоят, 27 февраль арафасида, у тушлик қилгани кўчадан уйга қайтар экан, тоқат қилолмай сўради қиздан:

— Хўш, бунга нима дейсиз?

— Инқилоб бошланди, Клим Иванович,— деди у ва тилининг учи билан лабини ялар экан:— Шундоқми ахир?— деб сўради.

— Эҳтимол. Лекин бешинчи йилнинг 9 январида бўлган воқеа такрорланиши ҳам мумкин. 9 январда нималар бўлганини биласизми ўзи?

— Ҳа, бизга ўқиб беришган эди.

— Нимани ўқиб беришган? Ким, қаерда?

— Пастдаги емакхонада, Аркаша, у ерда Аркаша деган йигит бизга газетани тушунтириб беради...

— Келинг, тушлик қилайлик,— деди жиддий Самгин.

Бешинчи йилги Москва тажрибасини эсида яхши сақлаб қолган Самгин 27 февраль куни кўчага чиқмади. У стерин шами шуъласи аранг ёритиб турган совуқ хонада дераза ёнида турганча тун қоронғилигига боқарди, бу қоронғилик икки ерда ёнғиннинг ол қирмизи, машъум шафагига беланиб, эриб кетаётгандай туюлар, шафақ кенгайиб, кўк юзини қоплаб борар, шаҳар осмонидаги бутун ҳавони қиздириб юборгудек хавф туғдираётганди. Қаердадир олисда ранго-ранг мушаклар шошилмай кўкка ўрмалар ва уй томларининг орқасига шу хилда оҳиста ёнбошлар эди.

— Хушчақчақ (қиз) эрталаб қаҳва тайёрлади-да,— дими дараксиз кетди. Самгин кун бўйи сардин балиғи ва пишлоқ билан қорин тўйдирди, ошхонада нима топса, ўшани еди, оч ва аламзада эди, хона ичидаги одатдан ташқари

қоронғилик унинг ёлғизлик ҳиссини янада кучайтираётганди, қоронғилик килкиллай-килкиллай, худди шамни ўчиргудек бўларди, ҳолбуки шам бусиз ҳам чорак соатдан ортиқ ёнмасди. «Худо урсин сизларни...»

Қоронғилик бағрига отилаётган мушакларни Самгин қабиҳ ва айни замонда мудҳиш бир нарса деб ҳисоблаётган эди. Унга ўқ отилаётгандай бўлиб туюлди,— балки бу очилиб-ёпилаётган эшикларнинг қарсиллаган овози эди. Икки-та юк автомобили дераза ойналарини зириллатиб, гулдурос солиб кўчадан ўтди, олдинги автомобилга темир ортилган бўлса керак, уни йигирматача одам тушган юк машинаси кузатиб борарди, одамларнинг баъзилари милтиқли бўлиб, найзалари билинар-билинмас ярақлаб турарди.

Клим Иванович аллазамон кўзойнагини қўлига олиб, боятдан бери замш билан уни арта-арта қулоқ солар экан: «Қани, кимни қамашар экан?»— деб фикр юритар ва нима учун ўқ овози эшитилмаяпти, деб ҳайрон эди.

Клим Иванович жуда хафа эди: кеча кечқурун у Елена билан қаттиқ аразлашиб қолганди; Дронов кўрсатган киши Еленага Рим империяси замонидаги тилла пулларни сотган эди, булар сохта пуллар бўлиб, уларнинг ҳақиқий ва қадимийлиги тўғрисидаги васиқа қалбаки экан; қадимги бир қадаҳ олтиндан бўлмай, тилла суви югуртирилган экан, холос. Елена ер тепиниб, айюҳаннос солиб қичқирар, Дронов сотувчи билан тил бириктириб шундай қилган, деган фикрда эди у.

— Дўстингизнинг товламачи экани шундоққина афтидан билиниб туради!— деб қичқирар эди Елена ва Дроновни судга тортишни Самгиндан талаб қиларди. Хотин шу қадар дарғазаб эдики, Самгин қўрқиб қолди.

«Борди-ю, бу ишни судга оширгудай бўлса, мен балога қоламан»,— деб фикр юритиб, Самгин Еленани тинчитмоқчи бўлган эди у бобиллаб, шунақанги талаб бердики, Самгин дашномлардан аввалига мулзам бўлди, сўнгра ўзини ўнглаб олиб, у ҳам Еленани қаттиқ сўкиб чиқиб кетди.

Эшик устма-уст жадал тақиллаганида, Самгин дабдурустдан даҳлизга чиқмади, у шамдонни қўлига олиб, липиллаб ёнаётган шамни кафти билан тўсганча эшикнинг яна дукиллашини кутди-да, шу орада, мени қамоққа олишларига ҳеч қандай асос йўқ, ҳойнаҳой, Дронов дукиллатаётган бўлса керак, бошқа ҳеч ким келмайди, деб ўйлаб очди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

— Ётибмидинг?— хириллаб сўради Дронов, нафаси

тиқилиб, йўтала-йўтала; бесўнақай семиз, қорни мешдай дўппайган Дронов пальтосининг тугмаларини ечиб, оғир бир пакетни ерга қўйди-да, чўнтақларидан ўроғлиқ бир нарсаларни чиқариб, уларни Самгиннинг қўлига тутқаза бошлади. Пальтосини осаётиб:— Егулик нарсалар,—деб изоҳ берди у.— Анави бефаҳм лўппосинг айтди, сени ейишга ҳеч вақоси йўқ деб.

— Шаҳарда нима бўляпти ўзи?— тажанг бўлиб сўради Самгин.

Иван рўмолча билан юзининг терини артар экан:— Инқилоб қилишяпти!— деди ва бармоғини чап юзига тиради.

— Павлов полки, айтишларича, гарнизоннинг бошқа полклари ҳам халқнинг, яъни Думанинг томонига ўтган эмиш. Халқ бўш келмаяпти: полиция идоралари тор-мор қилинди, ёниб ётибди, округ суди билан Литва қасри ҳам, министрларни қамоққа олишяпти, генералларни...

Самгин хонанинг ўртасида турганча бу гапларни эшитарди-ю, ишонмасди, Дронов эса қўли билан юзини силай-силаё шовилмасдан гапирарди:

— Ҳамма ёқда тўс-тўполон, ағдар-тўнтар. Милтиқ кўтарган одамлар уйимга бостириб кириб: «Генерал Голомбиевский сизмисиз?»—деб сўрашди, бунақа одам дунёда бўлмаса ҳам керак ўзи.

Елена билан бўлган жанжалнинг босилганига амин бўлган Самгин соқолини тутамлай-тутамлай:— Келганлар полиция одамларими ё миршабларми?— деб сўради.

— Нима деяпсан, полицияга йўл бўлсин? У инига кириб кетди. Чердакларга чиқиб олиб, пулемётлардан ўт очишга ҳозирлик кўраётган эмиш... Сенга нима бўлди?

— Бошим...

— Э, асти гапирма, ҳамманинг боши... айланган. Менинги ҳам, оғайни... мен сеникида ётиб қоламан, бўлмаса биласанми...

Дронов шапиллатиб тиззасига урар экан, маъюс деди:

— Гапнинг очиги, қўрқиб кетдим. Ахир беш киши — икки студент, бир солдат, яна бир киши, тўппончали бир хотин кириб келса-я... Нима деганимни билмайман, ҳазиллашган эдим, хотин тумшуғимга қараб бир солди!

Самгин ўзи кутмаган бир иш бўлаётганини сезиб ўтирди. Назарида Дронов келиши билан хона ичи яна ҳам совиб кетгандай, ташқаридаги қоронғилик зимистонга айлангандай бўлди.

— Министрларнинг қамалиши ҳар ҳолда тушунарли.

Лекин генералларни нега қамашади, ҳамонки қўшин... халқнинг томонида бўлиш нима деган гап ўзи? Қўшин Думанинг ҳокимиятини тан олди, шундайми ахир?

Дронов бошини елкасига энгаштирганча бир кўзи билан Самгинга боқди, негаки иккинчи кўзи шишиб юмилиб қолганди ҳисоб.

— Эртага ҳамма нарса маълум бўлади,— деди у.— Қара, шам ёниб тамом бўлай деб қопти, бошқасини ол...

У ўроғлиқ нарсаларни очиб, нон, колбаса, дудланган балиқларни столнинг устига қўйди-да, Самгинга штопор топтириб келди, бутилканинг оғзини очди, бу орада у тинимсиз жаврар эди:

— Умуман, ҳамманинг кайфияти яхши, одамлар оч бўлса-да, лекин энгил нафас оляпти, астойдил куляпти, хафа одамни кўрмайсан. Хуллас, ишга... қаттиқ киришилди. Ҳамма ерда нотиқлар «ватан хавф остида», «куч бирликда»— деб уқтиришяпти, ҳатто «йўқолсин подшо!» деб қичқирганлар ҳам бор. Ярадор солдатлар сўз олиб, урушга қарши гапиришяпти, одамларнинг юрагига ўт ёқишяпти.

Самгин шамни шамдонга ўрнатмоқчи бўлган эди, удалай олмади, шамдон қаттиқ қизиб кетган эди, шам эриб қулаб тушди, Дронов унга ёрдам бермоқчи бўлди, улар бир-бирларига халақит бериб, гаплашмасдан анча овора бўлиб, охири шамни қўндиришгач, Дронов деди:

— Бўлди, кечлик қилайлик. Мен эрталабдан буён туз тотганим йўқ.

Улар яна индашмасдан коньяк ичишди, ветчина, сардина, ола балиқ ейишди, Самгин винодан ичиб, деди:

— Таниш вино.

— Подшонинг подвалидан,— деб гўлдиради Дронов.— Бу хуштаъм нарсанинг сотувчиси билан мени сенинг хонининг таништириб қўйди.

— Унга олтин харид қилдингми?

— Нега харид қилар эканман? Ўзини антикварга¹ юбордим.

— Антиквар уни алдабди,— деб маълум қилди Самгин. Дронов бундан таажжубланмади.

— Хўш, нима бўпти? Антиквар...

Дронов бошқа емади, тарелкани нари суриб қўйиб, катта қадаҳда коньяк ичди.

¹ Антиквар — қадимги ноёб нарсалар ва нодир китоб, қўлёзмалар билан савдо қилувчи киши. (Тарж.)

— Мана, ўлмасдан инқилобни ҳам кўрадиган бўлдик,— деди у ёқимсиз бир тарзда бақриб, Дронов шу қадар бақриб айтдики, бу гапни ўзи айтганига ишонмагандай ҳатто атрофга аланглаб қўйди.— Менга инқилоб керакмас, лекин турган гапки, мен унга қарши ҳатто бармоғимни ҳам ўқталмайман. Бироқ шундай бўлдики, инқилобнинг илк тарсакисини мен едим шекилли. Бу фахрладиган нарса эмас. Биласанми, Клим Иванович, улар кетиб қолишди, анави... генералларни тутадиганлар, ҳа, жўнаб қолишди, мен жуда... хафа сезардим ўзимни. Бемаъни бир ҳаёт эди. Сен иккинчи қаватда, мен ертўладек бир жойда яшар эдим. Сиз нажиб болалар мени ўкситар эдинглар. Гўё мен негр, яҳудий боласидай...

Клим Самгин Тагильскийнинг учинчи авлод зиёлиси тўғрисидаги гапларини, сўнгра учинчи қаватдан туриб кузатгани Париж ҳаёти манзараларини хотирлади. У истеҳзо билан кулимсиради, табассумини Дроновнинг кўзидан яшироқ учун бошини эгди, кўзойнагини қўлига олиб, ойнасини арта бошлади.

— Эллик йиллик умримда фақат биргина одам — фақат биргина Тося...

«Мен ҳам унга Марина ҳақида гапира оламан,— ўйлади Самгин, Дроновнинг гапига қулоқ солмасдан.— Марина ҳам большевик бўлиши мумкин эди ахир. Ҳаётда қўним топмаган, унда аниқ бир ўрни бўлмаган одамлар нақадар кўп».

Иван Дронов нолиб шикоят қилаётганди, унинг кайф қилиб қолгани шундоққина билиниб турарди.

— Дунаев деган бир дўстим бор, метранпаж ўзи, менга нуқул: «Умрни бекор ўтказиш етар, ўқинг, ўрганасиз, ишчилар иши билан, бизнинг большевистик ишимиз билан шуғулланинг»,— дегани деган.

Самгин бир нима дейишлик учун:— Ҳавасинг келди-ми?— деб сўради.

— Ҳавасим келгани йўқ! Сен бўлсанг бўйин товлаган бўлардинг. Нега энди?

— Сабр қил,— деб илтимос қилди Самгин ва ўрnidан туриб дераза олдига борди. Ярим кеча бўлиб қолган эди, одатда бу вақтда, ҳатто кундузлари ҳам сокин бўладиган кўчада вилоятга хос чуқур бир сукунат ҳукм сурарди. Лекин бу кечада икки қаватли деразалардан ҳам бўғиқ, енгил қадам товушлари деярли, тинимсиз ичкарига эшитилиб турарди, гала-гала одам кўчадан ўтиб борар,

автомобиль па-паплар, ёнгин командаси ўтарди. Дераза ойналарини, ҳатто буфетдаги идиш-товоқларни дириллатган одатдан ташқари ваҳимали шовқин Самгинни дераза ёнига келишга мажбур қилди.

Самгин қоронғи тош кўчада куб шаклидаги иккита мудҳиш бир нарса аста-секин бостириб келаётганини кўрди, уларни қуролланган кишилар қуршаб келарди, найзалар қоронғиликка санчилиб, унинг бағрини ёриб, қалқиб-қалқиб турарди.

Самгин дарҳол фаҳмлаб: «Броновиклар» — деб фикр юритди. — Броновиклар ўтяпти, — деди у барала овоз билан, бир нимадан қувониб.

— Отади деб ўйлайсанми? — деб гўлдиради Дронов. — Отишмайди, отавериб зерикишган...

Броновиклар ўтиб кетди. Дронов креслода ялпайиб ўтириб, гўлдиради:

— Ҳеч нарса бўлмайди. Иван Дроновнинг тумшуғига бир туширишди, шу билан вассалом!

Самгин унга боқиб ўйлади:

«Ичкилик уни хароб қилади».

Самгин ётоқхонага кириб, ёстиқ олиб чиқди-да, уни диваннинг устига отиб деди:

— Бўпти, ёта қол.

— Ҳа. Ётсам ёта қолай.

Дронов ўрнидан туриб, кўр одамдай қўлларини олдинга чўзиб, диванга қараб юрди-да, сувга ташлангандай, ўзини диванга отиб чўзилди ва гўлдиради:

Тепалик ортида қазилмиш хандақ...

Танҳо бир ҳаёт... Эҳ, бемаъни шундоқ...

Ким ёзган бу шеърни, Самгин?

— Никитин.

— Балосан. Ҳамма нарсани биласан. Ҳамма нарсани. Дронов уйқуга кетди. Клим Иванович Самгин ҳам тўқликдан, ичкиликдан ва воқеаларнинг таассуротидан ўзини сархуш сезарди. У папирос ёндириб, дераза ёнида туриб, пастга, қоронғиликка боқди, пастда одамларнинг беўхшов шарпалари, балиқ каби, тез ва сассиз сузарди, улар қоронғиликдан ҳам қорароқ бўлганлари учунгина кўзга ташланишарди.

«Мана, ахири инқилоб ҳам бўлди. Менинг умримда бу иккинчи инқилоб».

Самгин эртага эрталабдан инқилобни кўришга ва унда ўз ўрнини аниқлаб олишга аҳд қилиб қўйди.

Эрталаб улар қаҳва дамлаб, қолган-қутган овқатларни ейишди-да, кўчага чиқишди: совуқ эди, шамол изғиб, майда, қуруқ қорни ҳар томонга совурар, бир-икки минут шиддатига олиб, қорларни учирарди-да, гўё уни совуришга кечиқиб қолганини англагандай, тиниб қоларди.

Самгин Дроновдан олдинда борарди, у одатдан ташқари, лекин таниш бир нарсани кўрмоқчи бўлгандай, диққат билан атрофга алангларди. Дронов унга эслатди:

— Кўряпсанми, шаҳарнинг фэйзи кетганини?

— Ҳа,— деб бу фикрга қўшилган Самгин хотирлади: бешинчи йилнинг куз фаслида Москва ҳам шу аҳволда эди, маъмурлар, извошчилар, гимназистлар, миршаблар кўринмас, тўкис кийинган, басавлат одамлар кўчаларда юрмас, кўчалар нурсиз одамларга тўлган, лекин у ерда халойиқнинг қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтиб, қасрга бораётганини англаб бўлмасди, бу ерда эса одамларнинг аксарияти шоша-шоша бир томонга шахдам бораётгани очиқ-ошкор кўриниб турарди. Юзлари қорайиб кетган ишчилар, қуролсиз солдатлар, кийим-бошлари тўзиган аллақандай хотинлар шошиб борарди, озодароқ кийинган одамлар эса у қадар тез юришмас, қуролли, аммо офицери-сиз солдатларнинг кичик-кичик отрядлари бот-бот ўтиб туришар, солдатлар билан ишчиларга тўла юк автомобиллари имирсилаб борарди. Одамларнинг кўксига қизил бантлар, билакларида богичлар кўзга ташланарди.

Дронов:— Ҳой, ҳой — Князев,— деб қичқириб, чап елкасига велосипедини қўйиб олган барваста соқолли кишининг орқасидан югуриб қолди. Самгин бир дақиқагина Иванни кутиб тургач, яна йўлида давом этди.

Устига икки қават уй баландлигида усталик билан Вена стуллари ортиб, чипта билан боғланган каттакон бир арава ўтди, семиз, малла от ва қизил киракаш извошчи баҳайбат араванинг ёнида кулгили бир тарзда кичкина кўринарди, пальтосининг тугмаларини ечиб ташлаган, фуражқасини энсасига қўндирган бир студент извошчи билан ёнма-ён қадам ташлаб, қўлларини силкита-силкита бақирарди:

— Узинг ўйлаб кўр: халқ...

— Биз ўз ақлимизга яраша ўйлаймиз,— деди извошчи дьякон каби йўғон овоз билан дўриллаб.— Сен менинг хўжайиним билан гаплаш, у сенга топишмоқларнинг ба-

рини ечиб беради. Қўйиб берса, халқнинг устида ҳам ёлгон-яшиқдан қайтмайди.

Киракаш қаҳ-қаҳлаб кулди, Клим Иванович, извошчи яна нималар дер экан, деб унинг гапини эшитмоқчи бўлиб қадамини секинлатди. Лекин йўл устида, қурол-яроғлар витринасининг қаршисида ўнтача одам турарди, магазин ичидан соқол-мўйлови қирилган, қундуз шапкали, энгларига мўйна тутилган пальто кийган калтабақай бир киши чиқиб келди-да, қўлини силкиб: «Тиш докторига!»— деб бақириб, ўқ узди. Ҳовлига кираверишдаги сирланган оқ лавҳадаги бир ҳарф йўқ бўлди-қўйди, мерган эса керилиб кулимсираб, халойиққа қаради, кимдир уни мақтаб қўйди:

— Аниқ урди-я!

Эгнига ёғ босган қалин куртка кийган мўйловдор киши эса қўлини чўзиб:

— Қани бир кўрай!— деб илтимос қилди.

У тўппончани кўздан кечириб: «Кольт!»— деб қўйди ва қуролни курткаси чўнтагига тиқиб, кета бошлади.

— Йўл бўлсин?— деб бўкирди мерган, олиб қочарни қувламоқчи бўлиб, бироқ икки киши — бири юзини, иккинчиси орқасини ўгириб, унинг йўлини тўсди.

— Кўрдингизми?— зарда билан сўради у.

— Нима кераги бор сизга бу ўйинчоқнинг?— деб мулойимгина жавоб берди йигит, орқасини ўгириб турган киши эса:

— Гордеев, орқангга қайт!— деб қичқирди.

Сўнгра у мерганга юз ўгирди:

— Хўжам, йўлингиздан қолманг, бу ерда сизнинг қиладиган ишингиз йўқ.— У мовий кўзлари билан Самгинга бошдан-оёқ разм солар экан:— Сиз нима қилиб турибсиз?— деб сўради ундан.— Магазин савдо қилмайди, жўнаб қолинг.

Самгин индамай жон деб нарига кетди, мерган ўша заҳоти орқадан етиб келиб, унга деди:

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман! Булар ким ўзи? Ким билади уларни!

Самгин кўчанинг нариги томонига ўтиб, атрофга қаради, бир юк автомобили магазин олдида тўхтади, витрина олдида турган кишилар магазин ичидан яшикларни олиб чиқишаётганди.

— Куппа-кундузи талашяпти,— деди тўнғиллаб мерган, Самгин индамади, унинг суҳбатдошга тоби йўқ эди.

Мерган ҳам буни тушунди-да, бошқа кўчага буриладиган жойгача етиб бориб, истеҳзо билан деди:

— Чамаси сиз ҳам... Ҳалигидақа...

У шундай деди-ю, муюлишга ўтиб, ғойиб бўлди.

Таврида боғига яқинлашганда одамлар сийраклашиб қолди, лекин улар тўп-тўп бўлиб боришарди, Литейний проспектида, балки кўприкнинг нариги тарафида бўлса керак, Виборг томонда бир неча марта милтиқ отилгани эшитилди, округ судининг биноси ёниб, унинг фақат қуруқ девори қолган эди, шундай бўлса-да, баҳайбат деворлар ичида ҳали ҳам чирсиллаб тахталар ёниб турарди, аҳён-аҳёнда ўт ичида бир нарса оқ чекарди ва шу вақт ундан олов учқунлаб, худди капалаклар ёки чечаклар сингари типирчилаб ҳавога учиб, тезда қорамтир қоғоз кулига айланарди. Ёнган уйнинг қаршисида йўлкада элликтача одам тўпланиб турарди, уларнинг деярли ҳаммаси ёши қайтган одамлар бўлиб, ораларида чоллар кўп эди, улар ёнғинни томоша қилиб, унча-мунча нарса билан ажаблантириб бўлмайдиган даққи томошабинлар каби лоқайдгина гаплашиб туришарди.

— Ўғрилар ўт қўйишди.

— Ҳа, албатта.

— Литва қасрига ҳам ўшалар ўт қўйган.

— Ушалардан бўлак ким қиларди! Полиция участкасига ўт қўйганлар ҳам ўшалар!

— Бунда сиёсий одамларнинг ҳам қўли бўлса керак...

— Жандармлар уларнинг биринчи душмани.

— Полиция департаменти...

— Унга ўт қўйишгани йўқ.

— Барибир уни ҳам ёндиришади.

Самгин Сергеев кўчасига бурилиб, қадамини секинлатди. Бу ерда контузия бўлган, ярадор солдатлар аскарликка янги олинганларга яқингинада таълим бериб:

«Смирно!— деб қичқиришарди.

Таврида боғининг панжаралари ёқалаб йигирматача одам ўтиб борарди, ўртада уч солдат соқчилигида икки киши борарди: бири бош яланг, новча, пешанаси кенг, тепакал киши бўлиб, мис каби жилоланиб турган барваста соқоли тўзиб кетган, баркашдек юзи қонга беланган, кўзлари ярим юмилганди, у бўйнини эгиб борарди, бу киши билан ёнма-ён бораётган одам ҳам жуда новча бўлиб, оқсоқлана-оқсоқлана гандираклаб юрарди, шапкасини қоши устигача бостирган бу одам эгнига калта пўстин ва

оёғига пийма кийганди. Одамлар дафн маросимидаги каби чурқ этмай, жиддий қиёфада боришарди, орқада эса эски драп пальто кийиб, белни қизил камар билан сиқиб боғлаб олган ушоққина бир одам майда қадам ташлаб, диконглаб борарди, елкасида қўшотар милтиқли бу киши гўё ҳаммани қўриқлаб бораётгандек эди, унинг бир қадар сийрак, аммо батартиб қора соқоли қучиб турган, кўзлари йириккина кичкина юзини финча шапкаси тўсиб турарди. Самгин ким ва нима сабабдан ҳибс этилганини сўради.

— Анави бўйчанроғи — жандарм, иккинчиси — номаълум одам. Уларни халойиқни ўққа тутганлари учун ушлашибди, — деди ушоққина одам ёқимли овоз билан бақириб. Сўнгра қадамни Самгиннинг қадамига тўғрилаб, лўнда қилиб изоҳ берди: — Бу қилиқ, яъни ўз одамларини ўққа тутиш эндиги вақтда ҳатто қўшинда ҳам бекор қилинган.

— Қаяққа олиб боришяпти уларни?

— Давлат думасига, ҳисоб-китоб қилгани. Аъло ҳазратлари тартиб ўрнатмоқ учун Думага ҳуқуқ берганини билсангиз керак, албатта. Мана энди, билишимча, ҳамма — яхши ҳам, ёмон ҳам ўша ёққа оқяпти.

Самгин унинг юзига боқди, шўхчан ажинлар унинг суюкдор ўткир кўзли, ингичка бурунли юзига ёқимли бир мулоимлик бағишларди.

— Овчимисиз дейман? — сўради Самгин. Ёқимтой одам тирсаги билан уни салгина турта-турта энди у билан баравар қадам ташлаётган эди.

— Йўқ, менинг ҳунарим бор — мебель қоплайман ва парда тикаман. Кимсан Фёдор Прахов деган уста — мен бўламан. Овчилик ҳунар эмас, шунчаки бир эрмак менга.

Клим Иванович Самгин одамларни у қадар хуш кўрмас эди, аммо Митрофанов сингари соғлом фикрли одамларни ёқтирар эди у, унга шундай туюлар эдики, бу тахлит кишилар тарихчи Ключевский великорусларга берган таърифга тамомила мосдир. Самгин гапга ишқибоз ҳамроҳининг гапларини бажону дил тинглаётганди, унинг ҳамроҳи эса ибратомиз ва аллазамон ўйлаб қўйган нарсаси устида гапираётгандек бемалол гапирар эди:

— Ов — ваҳшиёна, маҳв этувчи бир иш. Тулки — қур ва ҳар қандай бошқа қушларни бўри қўзичоқлар, бузоқларни қириб, бизга зиён-заҳмат етказди. Бас, шундай бўлгач, одамлар ўз гапларини еб, бўриларни қириши шарт, мен шундай деб биламан...

Таврида саройи саҳнига кираверишда халойиқ Самгин-

ни ҳамроҳидан ажратиб, уни орқаси билан дарвозанинг гиштин устунига сурта-сурта, панжаранинг нарёғига итариб бориб, бурчакка қисиб қўйди, бу ер бир қадар бемаллоқ эди. Самгин нафасини ростлади, пальтосининг тугмалари қолган-қолмаганини кўздан кечирди, атрофга аланглаб, панжара ичкарасида халойиқ кўчадагидан кўра сийрак эканини билди, халойиқ деворларга қисилиб, саройга кираверишда бўш жой қолган эди, шундай бўлса-да, одамлар кўчадан ичкарига кирмас, гўё кўзга кўринмас бир ғов уларни ичкарига қўйиб юбормаётгандек эди.

«Ажабо, куни кеча кўчалар сокин ва бўм-бўш эди».

Самгинни аксари дуруст кийинган кишилар қуршаб олганди, унинг орқасида панжаранинг туртиб чиқиб турган жойида оқ қалпоқча кийган семизгина, мовий кўз бир хоним турарди, қалпоқчасининг қорақўли остидан унинг қопқора жингалак сочлари пушти ранг пешанаси устига осилиб тушган эди, Клим Ивановичнинг ёнида эғнига яшил боғичли кул ранг куртка, бошига пирогга ўхшаб ғаройиб бир шляпа кийган, бўз жингалак соқолли, қора қош новча бир чол турарди. Денгиз мушуги мўйнасидан тикилган шапка кийган, қирмизи юзи кулчадек думалоқ, тилла ранг ингичка, шўхчан мўйлов қўйган новча бир киши орага суқилиб, ш-шилаб хонимга деди:

— Тамомила тўғри: Шидловский, Шингарев, Шульгин, албатта, Милюков, Львов ва сенинг амакинг. Прогрессив блок бюроси шулардан иборат. Ҳокимият билан курашишга ва армиянинг хотиржамгина урушиши учун бутун тадбирларни кўришга аҳд қилишган.

— Хотиржамгина урушиб бўладими?— деди биров.

— Пардон! Айтилдики, армия фронтда ўз ишини хотиржамлигини адо этсин, ишчилар эса хотиржамгина снарядлар етказиб бериб турсин.

— Хўш, уларнинг қорнини нима билан тўйдирилади?— деб сўради Самгин ёнидаги сариқ башара киши.

— Дума курашни ўз зиммасига олади.

— Хўш, солдатлар нима кавшайди?— сариқ башара одам яна ҳам бақариб, қатъият билан сўради; боғичли киши эгилиб, бир нима деб шивирлади.

— Ким бўлади — менга барибир, бугунги кунда бунинг аҳамияти йўқ,— деди сариқ башара киши ва шапкасини қўлига олиб, тепакал боши узра силкитди.

Шўхчан ингичка мўйловли кишини кўпчилик тинглаётганди, у дерди:

— Милюков... жуда ақлли...

— Милюков солдат эмас, санитар, шунда ҳам...

— Мамлакат индамай турсин, унинг учун биз гапирамиз, Дума гапиреди. Ҳозир' Родзянко бошчилигида оқсоқоллар мажлиси бошланди...

Мўйловдор кишининг қирмизи юзи оқарди, у тепакал кишига юзини ўғирди:

— Менга қаранг, жин урсин сизни, нима керак ўзи?

— Кетамиз деяпман, кетамиз,— деди шоша-пиша хоним, у ер тепиниб, Самгинни туртиб юборди ва ундан уэр сўрамасдан мўйловдор кишининг енгидан тортқилаб, уни чеккага, сарой эшиги олдига сургаб борди.

— Ким бу ўзи?— сўради Самгин боғичли чолдан. Чол таъсирли қилиб жавоб берди:

— Жаноблари бўладилар. Олий...— чол сўзини айтиб тугатмади, сўзи ҳайрат ифодаловчи секин бир ҳуштакка айланиб тишлари орасида қолди. Бир юк автомобили хирллаб, айиқ каби бўкириб, ҳовлига бостириб кирди, шофернинг ўрнида бўйни дока билан боғланган, фуражкеси ўнг қулоғи устига қийшайган солдат, унинг ёнида эса бир студент ўтирарди, автомобилда милтиқ ушлаган икки ишчи, шляпасини кўзигача бостириб кийган бир киши ва соқоли оқариб кетган семиз бир генерал ва яна бир студент бор эди. Кўчада шовқин-сурон кучайди, ҳатто одамлар ура деб қичқирдишарди, лекин панжаранинг ичкараси сокин эди.

Бўз соқолли чол Самгиндан секингина сўради:— Нима гап ўзи?

— Қамоққа олишибди,— иккиланиб жавоб берди Клим Иванович ва ишчилар шляпали кишини автомобилдан тушираётганига боқар экан, илова қилди:— Адлия министри шекилли бу киши...

— Ким фармойиш... беряпти ўзи?

— Дума,— деб бақирди сариқ башара киши.— Думани ёпмоқчи бўлишган эди, кўряпсизми у...

Самгин кузатиб турарди. Министр ичи бўшдек енгилгина экан, у студент узатган қўлни чаққонлик билан ушлаб, ерга ўзи сакраб тушди-да, ўшандай чаққонлик билан зинапоялардан югуриб, устун орқасига ўтиб кўздан йўқолди, генерал кўп овора қилди, у бочкадек юм-юмалоқ эди, автомобилнинг четига ўтирганча инқиллай-инқиллай қизил лампасли оёғини эҳтиёткорлик билан пастга тушириб, силкиб қўйди-да, иккинчи оёғини туширди, ниҳоят ишчи тоқат қилолмай, қичқирди унга:

— Э, кўрқмай сакрайверинг! Ахир денгизга сакраётганингиз йўқ-ку...

Самгиннинг ёнида Дронов пайдо бўлиб қолди, у дудуқлангандай бўлиб ҳиқиллай-ҳиқиллай секингина деди:

— Оломон босиб келяпти... йигирма мингтача одам... худо билсин, балки бундан ҳам кўпдир! Рост. Ишчилар, солдатлар музыка чалиб келишяпти. Денгизчилар ҳам бор. Тўққизинчи долға... худонинг бир балоси... Баъзи ерларда ўқ отиляпти — рост! Томлардан туриб...

Дроновнинг ўти ёрилгани шундоққина кўриниб турарди, унинг ҳатто елкаларигача қалтирарди, у бошини у ёқдан-бу ёққа қимирлатиб, одамлар орасидан таниш кишисини ахтараётгандай, уларга термила-термила гўлдиради:

— Э, бу... аҳмоқнинг ғирт ўзи Марков-Валяй-ку, Ораниенбаумдан пулемёт полкини бошлаб келяпти, дейишади уни. Менга қара, бу ерда ким зўр ўзи?

— Менинг ҳам ақлим етмаяпти шунга,— деб гапга аралашди яшил боғичли чол.

— Саройга бориш керак,— деди Самгин.

Дронов дарров кўнди бунга.

— Тўғри! У ерда тагин бир гап бўлгудек бўлса...

У Самгиннинг олдига тушиб, орқа-ўнгига қарамай, одамларни туртиб-суртиб борарди, бироқ ичкари киравебришда бир офицер уларни тўхтатди-да, Думани кўриқлаётган қоровулар бошлиғи эканини айтиб, уларни саройга қўймади. Лекин улар ҳар ҳолда вестибюль эшиги олдида, устунлар орқасида қолишди, шу жойдан, баландликдан инқилобни кузатиш жуда қулай эди. Новча чол ҳам уларнинг ёнида пайдо бўлиб қолди.

— Қоровуларни бор экан, бундан чиқди ҳокимият ҳам бор,— деди у таскин берувчи бир оҳангда. Дронов унга кўз қирини ташлаб сўради:

— Егермисиз?¹

— Топдингиз, шундоқ, йигирма етти йилдирки, Мекленбург-Стрелицкий жанобларига хизмат қилиб келаман, бошқа тўраларга ҳам.

Унга эътибор берганларидан чол хурсанд эди, у Дроновнинг боши узра эгилиб санай кетди:

— Граф Капнист ёки масалан, Михаил Владимирович Родзянко...

Тўсатдан яқин бир ерда оркестр гумбураб «Марсель-

¹ Егеръ — ёлланган овчи. (Тарж.)

еза»ни ижро қилиб қолди, панжара ичкарисидаги ва кўчадаги одамлар оёқлари остидаги ер бир силкингандек ги-мирлаб қолишди, кимдир севинчданми ёки танг аҳволда қолибми, жазавага тушиб қичқирди:

— Солдатлар келяпти!

Самгин кўксидан биров итаргандай сезди ўзини ва оёқлари остидаги тош плиталар гўё жойидан силжигандай эди, бу шунчалик ёмон бўлдики, у шармандаларча қўрқиб кетганини жисмоний жиҳатдан изоҳлашга уринди ва Дроновга деди:

— Секинроқ, итарма.

— Итараётган мен эмас,— тўнғиллади Дронов, унинг ичавериб буришиб кетган юзи чўзилди, огзи ярим очилганча энгаги даг-даг қалтирарди. Самгин ўйлаб қолди:

«У ҳам 9 январь такрорланмайди, деб ўйламаса керак».

Кўчадаги одамлар тезда бўлиниб кетди, кўпчилик у қадар журъат этмай ура деб қичқириб, музика овози келаятган томонга юрди, қолганлар ўнг томонга бурилиб саройдан узоқлашди, панжара ичкарисидаги кишилар эса деворга қисилиб, сарой қаршисидаги босилавериб қорайиб кетган қор билан қопланган майдон бўшаб қолди.

Клим Иванович Самгин қовоғини солиб, бу бир парча ер атайдан бўшатиб қўйилган, деб ўйлади, токи у бир қарашдаёқ ишчи эканлиги аниқ кўриниб турган одамларнинг иккита-иккита, учта-учта бўлиб бир-бири билан гаплашмасдан, шоша-шоша ташвишли бир қиёфада кетмакет ўтиб бораётганини кўриб турсин. Зинанинг юқори поясида офицер бу одамларни тўхтатди, солдатлар найзаларни чалиштириб, уларнинг йўлини тўсди, лекин улар заводлардан сайланган депутатлар эканликларини айтишган эди, офицер жунжигандек елкаларини қисиб, уларга йўл берди. Франция гимнининг куйи тобора баланд янграрди, ҳавода ғовур-ғувур қалқиб турар ва егернинг сўзлари истеҳзоли бир тарзда бу ғовур-ғувурга қоришарди:

— Асл тўраларни ҳидларидан танийсан, уларнинг ҳиди илиқ бўлади, ит буни дарров билади... Тўраларнинг бутун авлод-аждоди юз йиллар давомида илм билан машғул бўлишган, токи ҳар бир нарсанинг тагига етиш учун, шундай бўлди ҳам, мана подшо уларга Думани бериб қўйибди, аммо Думада номуносиб фуқаро тўлиб кетди.

Егернинг жингалак соқоли бир замонлар унинг қалин қошлари каби қоп-қора эди, энди эса худди йирик туз сепилгандай оққа беланган; унинг товуши баланд, аммо

бир оҳангда янграб, тунука овозини эслатарди, бутун хира-бўз сиймоси қалайдан қуйилгандек кўринарди.

Егернинг гапига олти киши қулоқ солаётганди, шулардан мўйнанали пальтосининг ёқасини кўтариб олган, қундуз мўйнасидан шапка кийган, йўгон ва қирмизи бўйинли бири, қўлқопли қўли билан мўйловини силай-силаё деди:

— Э, кечикибсан, бобой...

— Ўзим ҳам шунга доғман... Талабалар генерални ҳибс қилишяпти,— шунақаям бўладими?

Самгин егернинг гапларини эшитар экан, ўйлади:

«Бу соғлом фикрли одамнинг овозига ўхшайди».

Панжаранинг ичкарасида жуда гуж бўлиб турган одамлар кўринди, биринчи қаторнинг ўртасида бош яланг, енги, ўнг елкаси устидан йиртилган калта пўстин кийган, новча, кенг елкали, қора мўйловли бир киши қўлида қизил байроқ тутиб борарди. Афтидан, у жуда бақувват одам эди: байроқнинг дастаси йўгон, икки одам бўйи узун бўлиб, алвони бахмалдан эди, лекин ҳалиги одам байроқни худди шамдек енгилгина ушлаб борарди. Унинг икки ёғида милтиқли икки солдат орқасида яна икки солдат бўлиб, олдинги қаторлардаги одамларнинг деярли бари қуролли эди, ҳатто биринчи қаторнинг ён томонида бораётган ушоққина Аркадий Спивакнинг елкасида ҳам найзасиз милтиқ бор эди. Бу оломон бир зумда кўчани тўлдириб, панжара ичига ёпирилиб кирди, байроқ кўтарган киши ичкарига кираверишдаги зинапоё қаршисида туриб қолди. Кимдир қичқирди:

— Байроқни эгма, ҳой, эгма деяпман!

Елкасида пулемётлар, аллақандай тунука қутилар, яшиқлар ортмоқлаган солдатлар элакдан ўтказилган каби оломонни ёриб ўтаётди:

— Пўшт, йўл беринглар!— деб қичқаришарди.

Уларга ҳеч ким команда бермаётганди, улар офицерга, қоровул отряди бошлиғига сира парво қилмасдан, ҳатто уни кўрмагандай бўлиб сарой ичкарасига киришди.

Кексалик яқинлаша борган сари Клим Иванович Самгин узоқни яхшироқ кўрадиган бўлиб, кўриши нормаллашиб қолганди ҳисоб. У энди кўзойнакни зарурат туфайли эмас, балки кўпроқ одатланиб қолгани учун тутарди; Самгин халойиққа тепадан разм солар экан, қорамтир-кул ранг оломон узра гижим-гижим картуз ва шапка кийган суяқдор, кир-чир, ис босган, сержун башараларни яққол

кўриб, хаёлида улардан яхлит бир қиёфа ясамоқчи бўларди. Бироқ у бунга муваффақ бўлолмай асабийлашар, унга сари бу уни тобора ортиқ қизиқтираётганди. Иероним Босхнинг синиқ, шикаста дунёси, Леонардо да Винчининг маскалари, Дюрер ишлаган расмда кўргани Исо атрофидаги донишмандларнинг қўрқинчли бадбашаралари ўринсиз бир тарзда Самгиннинг кўз ўнгида жонланди.

«Йўқ, буларнинг бари бунақа эмас, бошқача бўлиши керак. Бутун қиёфаларини бир қиёфага, бутун бошларни бир бошга жамлаб, бир бўйин устига қўндирмоқ лозим...» Рим императорларидан қайси бири ҳам бир йўла ҳамманинг калласини олиш учун шундай бир иш қилмоқчи бўлгани унинг эсига тушди.

«Телбалик даражасига етган одамовилик. Йўқ, бу ҳаёт бахтини фақат тўқликдан иборат деб биладиган одамларнинг раҳбари, Наполеони қандай одам бўлиши керак?»

— Родзянко-о!— деб бўкирарди юзларча бўғиз.— Родзянко чиқсин!

Клим Иванович Самгин раҳбарнинг сиймосини яратиш жараёнига шу қадар берилиб кетган эдики, атрофда содир бўлаётган воқеаларни ғайри шуурий бир суратда кўрарди: мана қайси бир ҳам адвокатга ўхшаш Керенский сарой эшигидан солдатлар қаршисига отилиб чиқиб бақирди:

— Граждан солдатлар! Сизларни юксак шарафга — Давлат думасини қўриқлаш шарафига муяссар бўлганликларингиз билан табриклайман. Сизларни биринчи инқилбий қоровул деб эълон қиламан...

Оломон ичида ура садоси эшитилди, темир қутилар ортмоқлаган ёш бир солдат эса Керенскийга ўшқирди:

— Четга ўт!

— Нега улар пулемётларни қўйниларида олиб юришибди? Нима, деразалардан туриб ўққа тутмоқчимилар дейман?— ҳайрон бўлиб сўради егерь.

— Отишмайди, бобой, отишмайди,— деди қўлқопли киши ва ўнг қўлқопидан бош бармоғини суғурди.

— Раззянка-а!— деб қичқирди Фёдор Прахов, у зинанинг биринчи поясида турарди, уни олдинга итаришарди, у гоҳ ёнбошига, гоҳ орқасига ўгирилиб, бир амаллаб ўз жойида қолар, кимгадир кўз қисиб, қичқирарди:

— Раззянка-а!

Баҳайбат, семиз бир киши сарой эшигидан чиқди-да, қулоқни битиргудек қаттиқ овоз билан даргазаб бўлиб бақирди:

— Г-р-ражданлар!

У шу қадар баҳайбат эдики, Самгинга яқин масофадан у черковнинг қўнғироқ минораси каби кўзига сиғмайдигандек бўлиб кўринди. Саройнинг рўпарасида панжара ичкарасида ва ҳатто панжаранинг ташқарисида, кўчада ҳам халойиқ тобора тинчиб қолди, Родзянко тобора дўмбирадек шишиб, гўштдор башараси бўғриққан сайин йўғон овоз билан томоғи йиртилгудек бўлиб бўкирарди:

— Хаос!...

А ва О ҳарфлари бирлашиб, ғайри инсоний, ғаройиб бир садо берарди.

Самгинга мебель қопловчи уста Прахов ҳатто чўккалагандай, нотиққа тақалибгина, лекин ундан бир поғона пастда турган одамлар эса гандираклаб кетгандек туюлди, қўлқоп кийган киши эса пальтосининг ёқасини кўтариб, бошини яшириб олди ва худди кулаётгандай елкалари силкинди.

— Душман Пётр шаҳрининг шундоққина дарвозаси остига келиб қолди,— деб бўкирарди Родзянко.— Россияни, бизнинг жонажон, севикли, муқаддас Русимизни қутқариб қолмоқ лозим. Осойишталик, сабр-тоқат зарур... «Сабр қилган омон қолади», дейдилар. Ишламоқ... Курашмоқ лозим. Одамларнинг гапига учманглар, қайсики... Улуғ рус халқи...

Клим Иванович Самгин Родзянкони биринчи дафъа кўриши эди, Запорожье казаклари зодагонларининг барваста, овози бақувват, боқуви дуруст авлоди унга маъқул бўлди. Родзянко узундан-узоқ гапирганидан бўлса керак, рус халқининг эшитишга сабри чидамади, минг-минглаб одамларнинг ура садоси, нотиқ овози ҳар қанча бақувват бўлмасин, уни босиб кетди, нотиқ орқасини ва қирмизи энсасини улуғ халққа тескари ўгириб олди.

— Родзянкони чўмилаётган вақтида яланғоч кўриш лозим,— деди егерь мамнуният ва ҳатто бир қадар ғурур билан.— Ёки масалан, овқат еяётганида, бу пайт у ўзи хон, ўзи бек бўлади.

Самгин хотиржамгина ва ҳатто мамнуният ҳисси билан: «Аҳмоқлиги етмагандай разил ҳам»,— деган фикрга келди.

Қўлқоп кийган киши ўнг қўлидаги қўлқопини суғуриб кескин ҳаракат билан дастрўмолини олди-да, ҳўл бўлиб

¹ Хаос — тартибсизлик, чалкашлик, боши кети йўқ. (Тарж.)

кетган юзини артди ва сарой эшигига ёриб ўтиб, кўр кишидек, одамлар устига бостириб борди. У елкаси билан Самгинни туртиб юборган бўлса-да, узр сўрамади, юзи суякдор, қора соқолли бу одам пастки лабини тишлади, устки лаби эса юқори тортилган эди, эгри-бугри йирик тишлари кўриниб қолди.

Юк машиналари ғазаб билан ўкириб, тариллатиб ўқ узиб, оломон ичига бостириб борар, генераллар ва гражданча кийимдаги одамларни келтириб, уларни зинапоянинг олдида авайлаб пастга туширар ва бундай юкнинг ҳар бири халойиқнинг кайфиятини бузар, шовқин пасайиб, одамларнинг афти башараси турли алфозга кириб, биров ўйчанроқ бўлиб қолар, биров тажанглашар, биров истехзо билан кулимсирар, бировнинг қовоқ-тумшуғи осиларди. Самгин секингина айтилган манави сўзларни эшитди:

— Уларни нима қилишади?

— Буни биздан сўрашмайди.

— Тинчиб олингунга қадар ушлаб туришади.

— Албатта. Кейин чиқариб юборишади...

— Унда тортган ташвишлари учун... аламларини олишади улар!

— Уларни монастирға тиқиб, қаттиқ нондан бўлак нарса бермаслик керак эди.

— Топган гапингни қара.

— Бирор ерга бадарға қилиш керак уларни...

Бошига нимдошгина финча шапка, энига қирилиб кетган қора чарм куртка кийган бир одам:— Уларни Ладога кўлига олиб бориб, сувга чўктириб юбориш керак,— деди о-олаб. Унинг шапкаси қоши устигача тушиб, шапкаси остида дағал оқ жун босган кўкимтир лунжлари салқиб турарди; у бир қадар нафасини ростлаб олиб, такрорлади:

— Монастирлар... Уч кун бўлибдики, хотинлар Александр Невский лаврасига тўпланиб, бола-чақалари учун нон тилашяпти, гўдаклар очликдан ўляпти,— уларни кўриб тоқат қилолмайди одам. Ҳа, ана, кетишди. У ерда бир итвачча роҳиб, уларнинг бошлиғи бўлса керак, ҳатто хафа ҳам бўлди: «Бу ер дўкон эмас, биз нон сотмаймиз»,— дейди у.— «Бўпти, ундай бўлса, садақа қилиб текинга беринг. Лоақал бир қопгина жавдар уни бўлса ҳам майли...»— «Э, нима деяпсиз, хотинлар, ўзимиз садақа билан кун кўряпмиз-ку»,— дейди аблаҳ! Бўлмаса, омборлари бор! Билдингизми? Омборлари. Қанд-шақар, ун, қора бугдой дейсизми, картошка, писта мойи, наша мойи, қотган

балиқ дейсизми — аравалаб топиледи!.. Худо йўлида хизмат қилишар эмиш яна!

Нохуш овозлар унинг гапини қувватлади.

— Ҳа, ҳамма худо йўлида хизмат қилади, инсонга эса ҳеч ким!

— Э, инсонга хизмат қиладиган, ишлайдиган бизда...

— Путилов ҳар ҳолда одам.

— Парвизайнен...

— Бунақалар кўп...

— Аммо халққа ҳеч ким хизмат қилмайди, билдингизми!— деди бақириб, эркакча пальто кийган новча, ориқ хотин.— Есер партиясидан бўлак ҳеч ким.

— Большевиклар-чи?

— Большевикларнинг ўзлари ишчилар-ку.

— Улар кўпчиликми ўзи?

— Барибир болакай тирранчалар...

— Нима деяпсиз: кичик нарса маҳкам бўлади: мана масалан, қалампир, порох...

— Қаранг, яна аристонларни олиб келишяпти.

Бир генерал ва гражданча кийимдаги икки аристон эшик олдидаги зинапояга чиқар-чиқмас халойиқ пайдар-пай ёпирилиб саройга оқди, совуқдан жунжиган Самгин халойиқнинг домига тушиб қолди, ўша ондаёқ уни саройнинг эшигига қисиб қўйишди, кейин четга суриб юборишди, у тиззаси билан бир солдатнинг курагига тегиб кетди, — солдат ерда чўккалаб, оёқлари орасидаги пулемётни қандайдир бир асбоб билан қовлаштирарди.

— Кечирасиз, — деди Самгин унга.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, ишингдан қолма!— жавоб берди солдат, унга қарамасдан. — Тиқилинч-да, огайни, — гўлдиради у, пўлатни темирга ишқалаб, ғижирлатар экан. — Ҳеч нарса қилмайди, ҳадемай яйраб қоламиз...

Солдатнинг атрофида пулемётлар, пулемёт ўқи ленталари, лента қутилари, халталар, милтиқлар, ҳарбий анжом тугунлари, ичига тош ёки тарвузга ўхшаш бир нарсалар солинган қоплар қалашиб кетганди. Устма-уст қалашган бу нарсаларнинг орасида ва уларнинг устида ўнтача солдат букчайиб ётарди.

Ҳалиги солдат пулемётни ҳануз қовлаштирар ва ухлаб ётган солдатнинг елкасига тепар экан:— Викентьев! Тур ўрнингдан, касофат! Эй, калит қаерда?— деб тўнғиллади.

Қора мовут кўйлак устидан сариқ жилет кийган, кўпол, ис босган юзидаги кўзлари чуқур ботган бир ишчи сол-

датга яқинлашди, у йўтала-йўтала қаерга тупуришини билмай, балғамини ичига ютиб, хириллаб, секингина деди:

— Савёл, оғайни, бир буханка бер! Депутатларга...

— Беролмайман, ҳақим йўқ,— деди солдат, унинг афтига қарамасдан.

— Тентак, фабрикаларнинг депутатларига, ишчиларга деяпман...

— Барибир ҳақим йўқ.

Лекин бу орада пулемётни таъмир этаётган солдат бир нарса топиб, хурсанд бўлиб кетди:

— А-ҳа, тепкими? Бўлди, бўлди...

У чўккалаб, ёноқларига сочилиб тушган сийрак, заррин сочлари ярашиб турган шўх кўк кўзли кулчадек юзини юқори кўтариб, рухсат этди:

— Битта ола қол.

— Иккита олсам-чи?

— Мана буними?

У узун қўлини юқори кўтарди, каттакон, қора, ёғ босган муштумини унга кўрсатди. Ишчи қопнинг оғзини очди-да, бир буханка нон олиб, уни қўлтигига тиқаётиб деди:

— Яширсанг бўларди, одамларнинг суқи киради.

— Яна иккита дейсан-а! Газета топиб, ўраб ол...

Клим Иванович Самгин узлуксиз равишда эшик ичига оқиб кираётган одамларга қўшилиб, улар билан бирга сарой ичкарасига, юзларча одамларнинг ғовур-ғувурига тезда ғарқ бўлиб кетди, у юрган йўлида энг кўзга ташланадиган одамларга назар солар, энг мароқли сўзларни эсда олиб қолишга ҳаракат қиларди. Самгин охири кўринмайдиган бир коридорга кириб қолди, бу коридор Думанинг бутун корпусини иккига бўлиб турган бўлиши керак эди. Бу ер бир қадар тиқилинч эмас эди, коридорнинг нариги бошига яқинлашган сари одамлар тобора сийраклашаётганди, коридорнинг ҳар икки томонидаги эшиклар тинимсиз тарақлаб очилиб-ёпилиб, одамларни бирин-кетин ямлаб ютаётгандек эди. Коридорнинг охирида кўркамгина жиҳозланган рестораннинг бўлиши бир нав ғалати кўринаётганди, бу ерда қовоқ-тумшуги осилган, хомуш, тажанг ўттизтача одам йиғилган бўлиб, уларнинг орасида биргина Стратонов хушвақт эди, холос, у тамомила хонаки кийим гижим бўлиб кетган костюм, юмшоқ этик кийганди.

Стратонов Самгинни кўриб:— Ў-ў, салом!— деди, худди уни қучоқламоқчи бўлгандек, қулочини кериб.

Самгин, бир қадам орқага тисарилиб, Стратоновнинг

қўлини сиқиб туриб, унинг секин, лекин ҳаяжон билан айтган сўзларига қулоқ берди:

— Отагинам, мени юк машинасида олиб келишди, ҳа, ҳа! Ҳатто ҳибсга олишди! «Менга қаранглар, бу... қонунни бузиш ахир, дейман уларга, ахир мен депутатман, дахлсизман», десам, бетайин бир студент кулиб: «Биз дахл этаверамиз!» деди. Ҳазиллашдимидейман, а? Унинг ёнида, ҳалиги, турқи совуқ бир матрос бор эди. «Сиз дахлсизмисиз ҳали?»— деб қичқирса бўладими у.— Хўш, сизлар каторгага жўнатган бизнинг депутатлар-чи, уларга дахл қилса бўлади денг?» Ахир унга нима деб жавоб берасан? У бир мужик бўлса, ҳеч нарсани тушунмаса...

Иссиқ кийинган, сочи силлиқ таралган ва оқ ем бўлиб кетгунча ювилган, рангсиз ва гўё юз териси шилиниб кетгудек кўринган басавлат бир киши яқинлашиб келди, у кичкинагина бурун катаklarини кериб, кўкимтир лабларини аранг қимирлатиб, мулойим товуш билан сўради:

— Кўчада нима гап? Қўшин келяптими?

— Ҳеч қанақа қўшин-пўшин йўқ!— деб қичқирди ушоққина бир одам, чой қошиқни бўш стаканга уриб жиринглатар экан.— Қўшинлар хиёнат қилибди. Нега тушунмайсиз!

— Ишонмайман бунга!— деди Стратонов, кулимсираб.— Ишона олмайман.

— Сизни ишонишга мажбур қилишади...— деди басавлат одам, йўгон елкаларини қисиб.

— Солдатлар инқилоб қилмайди.

— Армия йўқ! Мен фронтда бўлдим... Армия йўқ!

— Сиз шунга ишонасизми?— сўради Стратонов. Самгин атрофига аланглаб деди:

— Нон йўқ. Нон беринг, шунда армия бўлади.

У бундай демаслиги кераклигини дарров фаҳмлаб, мужмал қилиб илова этди:

— Вақти соати билан бари ўз изига тушиб кетади.

Бежирим кийинган киши секингина, аммо аниқ қилиб:

— Нон эмас, пулемёт керак, пулемёт!— деди.

Яна кимдир ичкари кириб, тасалли берди:

— Пулемётлар отиб турибди! Қайси бир ҳам генерал Адмиралтействода қаршилиқ кўрсатишни уюштирибди. Полиция билан жандармлар томлардан туриб отишяпти.

Самгин унда-бунда Еленаникида учрашиб турадиган, лекин нима учундир фамилиясини яхши хотирламайдиган бир чол — Лосевми, Бросовми, Барсовми?— бир бурчакда пайдо бўлиб, ими-жимиди кириб келди. Чол ҳассасининг

тутқаси билан столни дукилладиб, ҳаммани ўзига қаратгач, насиҳатомиз деди:

— Афандилар! Шахсий рағбатимиз ва фикрларимизни билдириш бугунги кунда биздан алоҳида эҳтиёткорлик талаб қилишлигини эсингизга солиб қўяй...— у жим бўлиб қолди, ҳассасининг резина учи билан полни дукиллата-дукиллата оппоқ сочли бошини маъюсгина тебратди.— Албатта, агар душманларнинг партиямиз программаси ҳақидаги баҳосига, бу программанинг олижаноб, рус миллий мақсадларини қасддан бузиб кўрсатишга шахсиятимизнинг таъсир қилишини истамасак. Турган гапки, мен қадимги ва сиёсий нуқтаи назардан доно бир мақолда айтилганидек, «бўрилар билан яшаб, бўрилардек увланглар», демоқчи эмасман. Лекин ўзинглар биласизларки, гапнинг оҳангини ўзгартириш ҳали фикрни ўзгартириш деган гап эмас ва оғзаки чекиниш ишнинг муваффақиятига ҳамisha ҳам халал беравермайди.

Самгин Стратонов билан ортиқча элакишишни хоҳламай, ўзидан пушаймон бўлиб, тезда буфетдан чиқиб кетди, у уйига бориб, бутун кўрганлари, эшитганларини тарозига солиб кўриш ниятида эди.

Коридордан пальтосининг ёқасини очиб, шапкасини чўнтагига тикқанча қўлларини силкитиб Дронов келарди:

— Тўхта, қаёққа кетяпсан?— деб у Самгинни тўхтатди ва дарҳол гап бошлади:— Думанинг Муваққат комитети ҳокимиятни ўз қўлига олди, ҳалиги, бешинчи йилдагидек, ишчи депутатлари Совети ташкил қилинди. Бу ёғи энди қандоқ бўлади; қўш ҳокимият бўладими?— деб сўради у бежо кўзларини Самгиннинг юзида тўхтатмоқчи бўлиб.

Самгин таъсирли қилиб жавоб берди:

— Нега энди? Ишчи Советининг ўз профессионал манфаатлари бор...

(Айрим қайдлар)

10 йил.

Владимир Ильичнинг (Россияга) келиш эҳтимоли борлиги ҳақида гап тарқалганида, бир одам сасиб деди:

— Э, у келадиган бўлса, ҳамма ёқни алғов-далғов қила бошлайди.

Скороходов:

— Ленин — бутунлай бизнинг одам ва ҳақиқий инқи-

лобчи. Лекин фақат биз ҳақиқий инқилобчига муносиб даражага етдикми ёки йўқ?

К л и м б и л а н ё н м а ё н т у р г а н м у ж и к.

— Ана... келди. Чайиргина кўринади.

— Майли, уни худо ёрлақасин, у эса бизни қўлласин.

— Ҳар қалай ишбилармон кўринади.

— Йўл беринг! Мен ҳам кўрай.

У ерда, броневик атрофида одамлар гужгон ўйнар эди...

— Яшасин с(оциалистик) р(еволюция)!

У бақирмаса ҳам овози бутун майдонга эшитилди.

Халойиқ бир қалқиб қўйди.

— А-ҳа? Эшитдингми?

Одамларни итара-итара олдинга суқилиб қичқирди:

— Ур(тоқ) Ленин, биз тайёрмиз. Биз тушунамиз, ўртоқ, тўғрими?

— Ильич!— У анчайин яқинлашиб келиб дейди:— Боплади, Ильич! Тўғрими?

Л е н и н.

У халойиққа сингиб кетди, одамлар ичида эриб йўқ бўлди, лекин оломон яна ҳам дарғазаб бўлиб, кўпайгандек кўринарди.

(Сам(гин) Гапонни хотирлади.

Л е н и н.

Унинг бутун гаплари жуда оддий ва одамни ишонтирадиган эди, шунинг учун ҳам одамнинг унга рози бўлгиси келмас эди.

В. И. Л е н и н — С а м г и н у ч у н:

Изоҳчи жаноб Марксни талқин этадиган кўпдан-кўп с(оциал) д(емократлардан), рус зиёлиларидан бири ва ҳоказо.

Ҳа, унинг қадди-қомати, қўл ҳаракатлари, товуши, тилининг дворянларга хос чучуклиги. «Бакунингга ўхшаш бир нима бор».

Сўнгра: мекларнинг¹ реформизмини тобора танқид қилиш. II Инт(ернационал) раҳбарларига ҳужум, уларга очикдан-очиқ душманлик. «Қандайдир янги бир нарса, яъни ўзига хослик, вилоятларимизга хос бир нарса, маданият-сизлик».

Кутуз(ов) Спивак.

Любашами? Любаша... ўлди. Оламдан ўтди. Ўлди деган сўз унга нисбатан тўғри келмайди, Қиз беҳуда умр кечир-

¹ Мек — меньшевиклар. (Тарж.)

ди. У эсерларга кўйлак тикар ва ямаб берарди, ҳолбуки у завод, фабр(икаларда) ишласа бўларди.

Сезиш: Л(енин)—шахсий душман.

Бу одам номининг донг таратиши, минг-минглаб одамларнинг унинг айтганларига қулоқ солиши Самгин учун таажжубли ва таассуфли бир ҳол эди.

Ф и н а л.

Катак юбка, қора кофта кийган, чалиштириб қизил лента боғлаган, сарғиш сочларини қизил дуррача билан танғиб олган, юзи тўладан келган бир хотин бош яланг ва сочлари сийраклашиб қолган мужик билан ёнма-ён қадам ташлаб, хушнуд табассум билан унинг теварак-атрофини тикандек жун босган юмалоқ очиқ оғзига боқарди.

Мужик дағдаға билан куйларди:

Воз кечамиз...

О х и р и.

— Кет! Йўлни бўшат, суварак. Эҳ, сув-ва-рак!

У бир оёғини орқага ташлаб, сўнгра кўтариб, Самгиннинг қорнига тепди...

Йўғон овоз билан бўкирди:

— Ўз ишингни қил, қолма ўшандан!

— Тартиб сақлансин, ўртоқлар, тар-ртиб. Тартиб бўлишини истаймиз.

Бир қоп суяк.

С(амгин)

Лаш-лушлар билан тўла исқирт бир қоп.

Шапкаси остидан ва яна аллақадеридан қон сизарди, оёғи остида қондан кўлмак ҳосил бўлди, у гўё эриб кетаётгандек эди.

Хотин эгилиб, бармоқлари билан кўзларини тўсмоқчи бўлди-ю, ammo буни қилолмади, шундан кейин сннган снаряд яшигидан бир тахтачани кўчириб, юзига босди.



На узбекском языке

АЛЕКСЕЙ МАКСИМОВИЧ ГОРЬКИЙ

СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

в 10-ти томах

Том IX

При издании использовано Собрание сочинений
М. Горького в 18-ти томах. Москва, Гослитиздат.
1960 г.

Редактор М. Мирзоев

Рассом В. Битков

Расмлар редактори Н. Холиқов

Техн. редактор В. Барсукова

Корректор М. Аҳмедова

Босмахонага берилди 8/XII—1976 й. Босишга
рухсат этилди 15/IV—1977 й. Формати 84×108¹/₃₂.
Босма л. 19,0. Шартли босма л. 31, 92. Нашр. л.
84,82. Тиражи 10 000. Рафур Ғулом номидаги Ада-
биёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кў-
часи, 30. Шартнома № 23—71.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Наш-
риётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари
бўйича Давлат комитетининг Тошкент поли-
графкомбинатида № 1 қозоғга босилди. Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30, 1977 йил. Заказ № 403.
Ваҳоси 3 с. 68 т.

Г 75

Горький М.

Асарлар. 10 томлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти,
1977.

Т. 9. Клим Самгининг ҳаёти (Қирқ йил). Повесть.
Тўртинчи қисм. Редколлегия: Яшин К. ва бошқ. Ҳ. Муҳам-
мадхонов таржимаси. 1977. 608 б.

М. Горький «Асарлар»нинг IX томига «Клим Самгининг ҳаё-
ти» эпосеясининг охириги, тўртинчи қисми киритилди.

Горький М. Собрание сочинений. В 10-т. Т. 9. Жизнь
Клима Самгина. Ч. 4.

Р2



